

Шайх
АБДУЛВАЛИЙ қори АШУРАЛИ ўғли АНДИЖОНИЙ

ТАФСИР ул ФУРҚОН

Қуръони Карим маъноларининг ўзбекча
таржима ва тафсири

«БАҚАРА» сураси 142 – 203 – оятлар

Иккинчи китоб

Нашр қилинди 2011 феврал

Ислом Нури веб саҳифаси

Веб саҳифа таҳририяти рухсатисиз китоб шаклида нашр қилиш ва бошқа
саҳифаларга PDF ҳолатида кўчириш қатъий тақиқланади.

Бизга кўпчиликнинг, ҳатто баъзи илмни даъво қилганларнинг қарши бўлиши Китобу Суннатни маҳкам ушлашдан чалғитмаслиги керак! Китобу Суннатни маҳкам ушларканмиз, бутун ер юзи бизга қарши бўлса ҳам тўғри йўлдамиз! Шу боис Суннатга қарши ё беъътибор бўлганлар билан бир лаҳза ҳам муроса қилмаслигимиз лозим!

Одамларнинг биз ҳақимизда ёмон фикрда бўлиши бизни ғамга солмаслиги керак! Худди бизни олқишлашлари мағрурлантирмаслиги керак бўлгани каби! Биз учун одамлар биз ҳақимизда нима деяётганидан кўра Аллоҳу Росули нима деяётгани муҳим бўлиши лозим! Зотан, бизнинг даъватимиз, амалларимиз одамларнинг таҳсин айтиши ё қаршилик қилишига асло боғлиқ эмас! Шунинг учун одамлар бизни мақтаса ҳам, ёмонлаб қаршилик қилса ҳам биз Китобу Суннат йўлидан илдам боришимиз даркор! Зотан, мана шу нажот йўли бўлиб, бундан бошқа йўлларнинг барчаси залолат!

Шайх

Абдулвалий қори Ашурали ўғли Андижоний

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله و سلام على عباده الذين اصطفى ، أما بعد

Азиз Биродарим! Яккаю Ягона Раббимиз Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг тавфику инояти ила Сиз билан «Тафсир-ул-Фурқон» китобининг ҳаяллаб қолган навбатдаги қисмида кўришиб турибмиз. Фақат Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг мадади, сўнг Сиз азизларнинг холис дуоларингиз сабабли ушбу китобнинг навбатдаги қисми яна кўлингизда. Бу учун Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га беҳисоб ҳамду санолар бўлсин! Фурсатдан фойдаланиб, ушбу китобнинг юзага келишига ўзининг бекиёс ёрдамлари билан кўмак берган, таҳрир қилган, илмий жиҳатлардан ёрдам кўрсатган барча устозларга Падари Бузрукворим ва шахсан ўзим номимдан чуқур ҳам самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Аллоҳим барчаларнинг охиратларини обод, ибодатларини мақбул, гуноҳларини мағфур, шаръий мақсадларини маҳсул айласин!

Азиз Биродарим! «Тафсир-ул-Фурқон» китобининг биринчи қисми билан бақадрихол танишдингиз. Аллоҳим барчамизнинг билимларимизни зиёда қилиб, илмига боамал, солиҳ бандалари қаторида қилсин! Ушбу китоб мусулмон биродарлар қўлига етиб боргач Сиз азизлардан ёзма ва оғзаки равишда ҳамда интернет тармоғидаги манзилимизга кўп илиқ муносабатлар келди. Буларнинг барчасидан илмий-таҳририй хайъат азоларининг бошлари осмонга етди. Келгуси ҳаракатларига катта туртки булди.

Бироқ ҳар бир замоннинг Фиръавну Хомонлари, Абу Лаҳабу Абу Жаҳллари бўлгани каби замонамизнинг Фиръавну Хомонлари, Абу Лаҳабу Абу Жаҳллари ҳам ўз муносабатларини билдиришда узоқ куттиришмади. Тегишли ўринлардаги “дўстлар”имиз кутилган “илиқ” муносабатларини турли кўринишда билдирди. Минг таассуфки, ўзини мусулмон санаган, шариат илмларидан бир мунча хабари бўлган айрим кишилар ҳам бу ишда четда туришгани йўқ.

Нима ҳам қилардик! Хаёт қонуни шундай. Ҳақиқат кимгадир манзур бўлса, кимгадир манзур бўлмайди. Дунё яратилганидан буён ҳақ билан ботил орасидаги аёвсиз жанг давом этмоқда. Муҳими, бу жангда қайси тарафда туришда. Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Ўз Пайғамбарини хидоят ва ҳақ дин билан барча динлар устидан ғолиб қилмоқ учун юборган, гарчи буни кофир ва мушриклар ёқтирмаса ҳам.

Кўп биродарларимиз китобнинг иккинчи қисми ҳаяллаб қолгани ҳақида айтдилар. Яна баъзилари китобда техник сабабларга кўра йўл қўйилган айрим имло ҳатолари ҳақида огоҳлантирдилар. Баъзи биродарларимиз китобда айрим оят ва ҳадислар таржимасини тушунишда қийинчиликларга дуч келишгани, уларнинг фикрича айрим жойларда баъзи таржималар ғализ бўлиб қолганини айтдилар. Баъзи аҳли илм устозларимиз оятларнинг тафсирида машҳур бўлган баъзи ҳадис ва ривоятларни учратишмаганини, имкони бўлса, кейинги нашрларда ўша ривоятлар ҳам киритилса, деган мулоҳазаларни билдилар.

Азиз Биродарим! Аввало, Сиз азиз китобхон биродарларимиздан келган қимматли танбеҳ ва мулоҳазаларни чин қалбдан мамнуният ила қабул қилдик. Бу танбеҳ ва мулоҳазалар Сизнинг китоб ила синчковлик билан танишганингиздан далолат беради. Шунга қарамай ижозатингиз билан мулоҳазаларингиз хусусида ўзимизнинг ожизона фирқларимизни билдирсак:

Биз биродарларимизнинг Қуръони Каримни ўрганишга бўлган шавқ ва ижтиҳодларини ғоят кадрлаймиз. Шариат илмларини, хусусан, Қуръони Каримни ўрганишга бўлган иштиёқ ва қизиқишлари тобора ортиб борсин, деган тилакдамиз. Бироқ китобни ўқиш билан бир қаторда ундаги Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг кўрсатмаларига амал қилиш, Унинг ҳукмларини ҳаётимизга татбиқ этишимиз асосий мақсад бўлмоғи лозим. Ушбу китоб шунчаки ўқиб, завқланиб кўядиган нарса бўлмасин! Чунончи Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бизларга Қуръони Каримни ўқиб амал қилишимиз учун нозил этганини унутмаслигимиз даркор. Йўқса, бизнинг мисолимиз ҳам худди қўйидагиларнинг мисолига ўхшаб қолади:

مَثَلُ الَّذِينَ حُمِلُوا الثَّورَةَ ثُمَّ لَمْ يَحْمِلُوهَا كَمَثَلِ الْحِمَارِ يَحْمِلُ أَسْفَارًا بِئْسَ مَثَلُ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَبُوا بِبَابِ اللَّهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي

الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ ﴿٥﴾ الجمعة: ٥

Зиммаларига *Таврот юклатилган, сўнг уни амали билан кўтармаган кимсалар мисоли* устига *китобларни юкланиб кетаётган эшакка ўхшайди. Аллоҳнинг оятларини ёлгонга чиқарган қавм мисоли нақадар ёмон! Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмайди!*

Азиз Биродарим! Имло хатоларига келсак, бу китобни чоп қилиш жараёнида ўзбек тилига нотаниш кишиларнинг иштирок этгани натижаси ҳамдир. Китобнинг келгуси қисм ва нашрларида бундай хатоларнинг имкон қадар олди олинишига ҳаракат қилинади, иншооллоҳ.

Таржималар ҳақида гапирсак, оят-ҳадисларнинг матнини бошқа тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳар қанча маҳорат билан ўгирилмасин, араб тилида берадиган мазмун-моҳиятни тўла ифодалаб бўлмайди. Илмдан хабардор кишилар бу нарсани яхши биладилар. «Тафсир-ул-Фурқон» китобида ғализроқ бўлса ҳам оят-ҳадислар таржимасига қаттиқ турилгани имкон қадар эҳтиёт бўлишга интилиш натижасидир.

Азиз Биродарим! «Тафсир-ул-Фурқон» китобини тайёрлаш жараёнида иштирок этган биродарлар илмлари етган доирада санади-ровийлар силсиласи бўш ҳар қандай ривоятлардан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилдилар. Ҳар қанча машҳур бўлмасин, санадида заифлик аломати бўлган ривоятларни четлаб ўтилди. Шу боис оятлар тафсирида баъзи машҳур ҳадис ё ривоятлар учратилмаган бўлса, ажаб эмас.

Азиз Биродарим! «Тафсир-ул-Фурқон» китобини кўлингизга олганда, умуман, ибодатларингиз интиҳосида ушбу китобнинг юзага келишига хисса қўшган барча биродарларингизни, хусусан, китоб соҳиби бўлмиш Падари бузрукворимизни холис дуо қилишингиздан умидвормиз! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Куръони Каримни барча мусулмоннинг зарарига эмас, фойдасига ҳужжат айлаб, ҳидоятдан адаштирмасин!

Мулоҳазаларингизни қуйидаги интернет тармоғида кутамиз ва барчамизга дунё ва Охират офиятини тилаб қоламиз! Дуоларимиз сўнгиси оламлар Тарбиятқунандаси Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Тамаддунга мақтовлар бўлсин!

Дуоларингизга умидвор Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг
ожиб ва гуноҳкор бандаси, Китобу Суннат ходими
Абдулқуддус Абдулвалий ўғли Ашурали ўғли Андижоний

www.islamnuri.com

admin@islamnuri.com

ИККИНЧИ ПОРА

Иброҳим ^{алайҳис салом} ни ўз томонига тортиш мақсадида яҳудлар "Иброҳим яҳудий бўлган" деб, насоролар эса "Иброҳим насроний бўлган", деб бўҳтон қилгани ўтган оятлар тафсиридан аён бўлди.

Маълумки, мусулмонлар Маккаи Мукаррамада, дастлаб намоз фарз бўлганида ўтган пайғамбарларнинг қибласи бўлмиш Байтул Макдисга қараб намоз ўқишган. Шу сабаб мушриклар Маккаи Мукаррамада Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ни "Ота-бобосининг қибласидан бурилди", деб маломат қилишди.

Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ҳижратдан сўнг ҳам ўн олти ё ўн етти ой Байтул Макдисга қараб намоз ўқишда давом этдилар. Шунда яҳудлар "Муҳаммаднинг иши қизик! Динимизга қаршию қибламизга қараб ибодат қилади. Унинг қибламизга қараб намоз ўқиши – динимизни тўғри деб тан олганидир. Агар бизнинг қибламиз бўлмаганида қасққа қараб юзланар эдикин?" деб фитна тарқатди. Шу пайтда фикран заиф бўлган нодон яҳудлар, мушрик ва мунофиқларнинг иғволарига раддия тарзида Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} қўйидаги оятни нозил этди:

سَيَقُولُ السُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَّيْتُمْ عَن قِبْلَتِكُمْ الَّتِي كَانُوا عَلَيْهَا قُلْ لِلَّهِ الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿١٤٢﴾

142. **Яқинда одамларнинг нодонлари "Уларни илгари унга юзланган қибласидан нима нарса бурди?" дейишади. "Машириқу Мағриб Аллоҳникидир! У хоҳлаган кишини тўғри йўлга ҳидоят қилади", деб айтинг!**

Яқинда одамлар ичида энг нодонлари бўлган яҳудлар "Муҳаммад ва унинг издошларига нима бўлдики, ўтган пайғамбарлар қибласи бўлмиш Байтул Макдисдан юз ўгириб, Каъба томон бурилишди. Уларни бунга нима мажбур этдикин? Қизик, бугун бир томонга, эртага бошқа томонга юзланишади!" дейишади!

Эй Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}! Ақли паст, калтабин ва нодон яҳудларга, уларнинг ноғорасига ўйнаётган мушрик ва мунофиқларга айтинг! Ҳамма тараф, бутун ер юзи, жумладан, Машириқу Мағриб фақат Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг мулкидир! Юзингизни қайси томонга бурманг, Унинг назорат майдонидан четга чиқолмайсиз! Байтул Макдисдан Каъбаи Муаззама томонга бурилиб, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг мулкидан четга чиққанингиз йўқ! Ҳамма тарафнинг эгаси ёлғиз Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} экан, У хоҳлаган томонга юзлантиришга ҳақли! Қолаверса, бир томоннинг иккинчи томондан афзаллиги йўқ! Қайси томонга бурилсангиз, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} ни ўша томонда топасиз! Инсон хоҳ шарққа, хоҳ ғарбга қараб ибодат қилсин, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} га юзланган бўлаверади! Гап бирон тарафга бурилишда эмас, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг амрига бўйсунилганда! Масала бир маконга хос эмас, балки Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг амрига итоат қилишда!

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} дунёю Охират саодати, ҳақиқат ва нажот йўли бўлмиш Исломига фақат Ўзи ихтиёр этган бандаларини ҳидоят қилур. Машириқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг мулкидир. Ушбу ҳақиқатни англаб етган мўминларни Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} Ўзининг ҳақ йўлига йўллаб қўяди. Шу боис ҳақиқий мўминлар ҳар қандай фитналар олдида эсанкирамай, ўз йўлида собитқадамлик билан давом этаверади.

Қуръони Карим шаҳодати ила Ер юзида ёлғиз Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} га ибодат қилиш учун қурилган биринчи ибодатхона сифатида танилган Каъбаи Муаззама Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг боболари Иброҳим ^{алайҳис салом} қурган қибла эди. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Каъбаи Муаззама Исломи умматининг қибласи бўлишини ич-ичларидан истардилар. Шунинг учун гоҳо осмонга қараб, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} дан бу ҳақда ваҳий келишига умидвор бўлардилар. Лекин пайғамбарона одоб сақлаб бу истакларини тилларига чиқармас эдилар.

Хижратдан ўн олти ёки ўн етти ой ўтгач Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} Росулulloҳ ^{салоту ва салам} ни намозда Масжидул Ҳаром тарафига бурилишга буюрди. Саъид ибн ал-Мусайиб ^{роҳима-хулоқ} нинг ривоятларига кўра қибланинг ўзгариши «Бадр» газотидан икки ой олдин юз берган. (Имом Молик ривояти)

Баро ибн Озиб ^{розиаллоху анху} Пайгамбар ^{салоту ва салам} Мадинага келган дастлабки пайтларида ўн олти ё ўн етти ой Байтул Мақдис томонга қараб намоз ўқидилар. Ул зот Каъба томон юзланишни хоҳлардилар. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} гоҳида юзингизнинг осмонга бурилишини кўриб турибмиз оятини нозил қилди ва қибла Каъба томон бурилди. Ул зот билан бир киши аср намозини ўқиди. Сўнг ансорларнинг олдига бориб, шаҳодат калималарини айтиб, Пайгамбар ^{салоту ва салам} билан бирга намоз ўқиганини, ул зотнинг Каъбага юзлантирилганини айтди. Одамлар аср намозида рукуъ қилган ҳолларида бурилишди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Мўминнинг сўзи ва гувоҳлиги нақадар эътиборли саналганига қаранг! Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} тарафидан келган буйруққа саҳобалар ^{розиаллоху анхум}нинг қандай даражада бўйсунганини кўринг! Ҳозирги мусулмонларнинг гирт тескариси-я!

Имом Бухорийнинг Баро ибн Озиб ^{розиаллоху анху}дан қилган ривоятларига кўра, Росулulloҳ ^{салоту ва салам} Каъбаи Муаззамага қараб ўқиган биринчи намоз аср намози бўлган¹. Кишининг намоз пайтида юзланиб турган томони, шариат истилоҳида қибла деб айтилади. Оятдаги **يَتَوَلَّوْا** – дейди келаси замон феълнинг олдида **س** ҳарфи ила келиши яқин келажакка ишора қилади. Бу бир томондан Муҳаммад ^{салоту ва салам} нинг барҳақ пайгамбар эканини исботловчи ғайб хабари бўлса, иккинчи томондан Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} Исломи миллатини қибланинг бурилиши оқибатида келиб чиқадиган фитналардан огоҳ этаётганидир. Бу ҳам Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг раҳматидир. Зеро, одамлар бошига келадиган бирор мусибат ё фитна ҳақида аввалдан хабардор бўлса, унга ўзларини ҳозирлашади. Тўсатдан келган фитна кўпчиликни гангитиб қўяди.

Умматлар ўртасидаги етакчиликнинг Бану Исроилдан Исломи умматига ўтиши даъват марказининг ўзгаришига ҳам олиб келди. Бану Исроил етакчилик қилган пайтда Байтул Мақдис тавҳид йўлини тутган ҳақиқат аҳлининг қибласи бўлиб турди. Шу боис Росулulloҳ ^{салоту ва салам} ва саҳобалар дастлаб Байтул Мақдис томон юзландилар. Бану Исроил етакчилик шарафидан маҳрум қилинганидан бошлаб, Байтул Мақдис қибла ҳам, марказ ҳам бўлмай қолди. Сўнг Муҳаммад ^{салоту ва салам} Исломи ер юзига унинг остонасидан ёйишни бошлаган ўша Каъбаи Муаззама Исломи умматининг қибласи, деб эълон қилинди.

Ушбу бурилишнинг ҳақиқий моҳиятини тушунишга ожиз бўлган, тор фикрли нодон яҳудлар, мушрику мунофиқлар фитна ногораларини роса чалишди. Аслида Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг амрига эътироз билдиришга ҳеч ким, хусусан, Бану Исроил ҳеч қандай ҳақга эга эмас. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} нимани прода этса, бутун инсоният, айниқса, Бану Исроил сўзсиз итоат этиши лозим. Зотан, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} бутун оламнинг, жумладан, инсоннинг Эгаси экан, бандаларини истаган тарафга юзлантиришга ҳақли. Қайси тарафга юзлантириш, умуман нимага буюриб, нимадан қайтариш фақат Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг ҳаққи бўлиб, бандалар Раб ^{субҳануху ва таъоло}га сўзсиз итоат қилишлари лозим. Мисол учун Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}дан ўзгага сажда қилиш, шубҳасиз, ширкдир. Фаришталарнинг Одам ^{алайҳис-салом}га сажда қилишлари эса улар учун тоъат ҳам ибодатдир. Демак, банданинг ибодати Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}га бўлган итоъати билан эътиборлидир. Қолаверса, Бану Исроил Иброҳим ^{алайҳис-салом} ни ҳам пайгамбар, ҳам "Бобомиз", деб эътироф этарди. Шунга қарамай, яҳудлар "Муҳаммад киндик қони тўкилган жойни қўмсабди-да! Мана, ўтган пайгамбарлар йўлини кўйиб, ота-бобосининг қибласига қайтди! Ажаб эмас, бу кетишда ота-бобосининг динига қайтса!" деди. Қизиқ! "Иброҳимнинг динидамиз, унинг ҳақиқий ворисларимиз", деб даъво қилган Бану Исроил Росулulloҳ ^{салоту ва салам} Иброҳим ^{алайҳис-салом} қурган Каъбаи Муаззамага юзланиб ибодат қила бошлаганларида фитна алангасини ёқди. Аслида яҳудлар миллатлар ўртасидаги етакчилик шарафи Бану Исроилдан олиниб, Исломи умматига берилаётганига, мусулмон жамоаси Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг ҳидоятига муяссар бўлаётганига қаттиқ ҳасад қиларди. Қуйидаги ҳадис ҳам яҳудларнинг ёвуз ғаразлари ва мараз табиатларини ёрқин баён этади:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّهُمْ لَا يَحْسُدُونَ عَلَيَّ شَيْءٍ كَمَا يَحْسُدُونَ عَلَيَّ يَوْمَ الْجُمُعَةِ الَّتِي هَدَانَا اللَّهُ لَهَا وَضَلُّوا عَنْهَا وَعَلَى الْقِبْلَةِ الَّتِي هَدَانَا اللَّهُ لَهَا وَضَلُّوا عَنْهَا وَعَلَى قَوْلِنَا خَلْفَ الْإِمَامِ آمِينَ ^{رواه أحمد}

Оиша онамиз ^{розиаллоху анху} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{салоту ва салам} ... Яҳудлар Аллоҳ бизни унга ҳидоят қилган, улар эса ундан адашган жума кунига ва Аллоҳ бизни унга ҳидоят қилган, улар эса

¹ Имом Насоий ^{роҳима-хулоқ} нинг ривоятларига кўра, қибланинг ўзгариши Бану Салама қабиласининг масжидида пешин намози пайтида бўлган.

ундан адашган қиблага ҳамда имомнинг орқасида айтадиган «Амин» деган сўзимизга ҳасад қилишганидек, бошқа бирон нарсада бизга ҳасад қилишмайди дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Мушрик ва мунофиқлар ҳам бу фитнада четда тургани йўқ. Мушриклар "Муҳаммад ота-боболаримизга қарши иш тутиб, катта хато қилганини тушунди. Мана қиблаимизга қайтди. Яқинда динимизга ҳам қайтади", деди. Мунофиқлар эса "Бу одам пайғамбар эмас шекилли. Агар чинакам пайғамбар бўлганида бир нарсада катъий турарди", деди.

Росулуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг даврларида Исломига қарши фитналар қай даражада кучайганини ушбу оятлар мазмунидан билиб олиш мумкин. Қаерда ҳақиқий Исломи вужудга келса, ўша ерда фитна ҳам авжига чиқади. Чунки фитна ҳақиқий Исломининг қад ростлашига хотиржам қараб туролмайди. Аммо ҳаётда сохталаштирилган Исломи ҳукмрон бўлса, фитна бемалол уйқуда ётаверади. Иймони сохталик асосига қурилган мунофиқлар ҳақиқий Исломининг қад кўтараётганини кўрса, динсизлар билан бирлашади ва ҳақ йўлдаги чин мўминларга адоват қилиб, уларга қарши иғво ва бўҳтон тошларини ота бошлайди. Ботил аҳли ҳамиша шундай йўл тутлади. Ботилнинг ҳақиқат аҳлига қарши фитна ёхуд зулм қилишдан ўзга чораси йўқ.

Ҳозирда ҳам айни мана шундай яҳудийча гапларни қиладиган “мусулмонлар” йўқ эмас. Баъзан суннатга муҳлис кишилар кўпчилик билмаган ё ҳали ўқиб ўрганмаган баъзи суннат амалларни ўрганиб, ҳаётларига татбиқ эта бошласа ёки одамларнинг қонига сингиб кетган айрим бидъат амалларни тарқ этса, "Бу амаллар қаердан пайдо бўлди? Бундай нарсаларни ким ихтиро этди? Фалон амаллар қаерда қолди, нима учун қилинмай қолди?" деганга ўхшаш эътирознома гапларни қилишади. Уларга масаланинг моҳияти, унинг шариатдаги ҳукми қизиқ эмас. Мана шундай кимсалар мазкур оят нозил бўлганида Росулуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}га эътироз билдирган яҳудларга жуда ҳам ўхшаб кетади.

Росулуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}шунча тазйиқ ва фитналарга қарамай Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг ҳукмини қоим қилишда ҳақиқий пайғамбарга хос матонат билан мустаҳкам туролдилар. Бу нарса Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}га эргашганлик даъвосини қилган кишилар учун ҳам намуна бўлмоғи лозим. Ҳақда мустаҳкам туришда, солиҳ амалларни қилишда, Китобу Суннатга зид бўлганларини йўқотишда ҳеч қандай фитналар ҳақиқий мўминни чалғита олмаслиги даркор.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}бу оятда **السُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ – одамларнинг нодонлари** дея яҳудлар, мушрик ва мунофиқларнинг нодонлигини алоҳида таъкидлаб келтирди. Бу нарса "Эй Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}! Қибла хусусида Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг амрини бажаришда Сизга қарши эътироз билдирадиганлар фақат нодон, калтафаҳм кимсалар!" дегандек Росулуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}га таскин берарди. Ҳақиқатда Машриқу мағриб Эгасининг бандаларини истаган тарафга юзланишга буюришини мазах ва эътироз билан қарши олган, Унинг амрини, шариат ҳукмларини масхара қилган, уларга нисбатан норозилик кайфиятида бўлган кимса инсониятнинг энг нодон табақасидир. Фақат Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг шариати тўғри йўл бўлиб, ундан ўзга ҳар қандай нарса эгрилик, яъни залолат бўлгани боис, Унинг иродасига, амрига муҳолиф бўлиш нодонликдан ташқари гумроҳлик ҳамдир.

Мўмин киши Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг амрини фақат нодон, бахтсизларгина пайсалга солади ё эътироз билдиради, деб билади. Бошқалардан фарқли ўларок, мўмин киши Раббисининг ҳар қандай амрига кулоқ тутиб, Унинг ҳукмларини сўзсиз қабул қилиб, дарҳол итоат қилади. Кофир ва мунофиқлар эса мусулмонларни эътиқодда иккилантириш учун ҳамиша иғво ва уйдирмаларни тарқатади. Бундай ҳолатда мусулмонлар ўз эътиқодида, Росулуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}га эргашилганда собитқадам бўлишлари лозим.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}фақат Ўзи хоҳлаган бандасини ҳидоят қилиб, Исломи неъматига мушарраф айлайди. Зотан, ҳидоят бебаҳо нарса бўлиб, у ҳеч кимга мажбурлаб берилмайди. Балки ҳидоят Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан кечалари туриб, ёлвориб сўраладиган бебаҳо неъматдир. Чин дилдан ҳидоятни истайдиган, ҳақни қабул қиладиган қалб эгасига Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}тўғри йўлни насиб этади. Демак, тўғри йўлда бўлишни истасак, буни фақат Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан сўраб, Унинг шариатини ҳаётимизга татбиқ этишимиз лозим. Йўқса, адашамиз ва бошқаларни ҳам адаштирамиз.

Ўзи зулму жаҳолат ботқоғига ботган бўлишига қарамай ўзича ўзгаларни “тўғри йўллар”га бошлаётган, қонун устувор бўлган жамият қуриш даъвосида "Порлоқ келажак сари бошляпимиз", деб минглаб одамларни гумроҳлик жари сари етаклаётган “дохий”лар ҳаётда сон мингта. Бироқ бундай “йўлбошчилар” халқларни фақат залолат ва ҳалокатга бошлайди. Фақат Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг динини маҳкам тутиб, ҳаётга татбиқ этган кишиларгина Унинг изни билан бошқаларни тўғри йўлга бошлайди, холос.

الله المشرق و المغرب – **Машириқу Мағриб Аллоҳникидир** жумласида эга кесимдан кейин келмоқда. Бу нарса араб тилида чеклашни, яъни Машриқ ва Мағриб фақат Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло}нинг мулкидир, деган маънони англатади.

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا ۗ وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَتَّبِعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقَلِبُ عَلَى عَقْبَيْهِ ۗ وَإِنْ كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا عَلَى الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ ۗ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضَيِّعَ إِيمَانَكُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ

يَأْتِي النَّاسَ لِرُءُوفٍ رَحِيمٍ ﴿١٤٣﴾

143. **Шунингдек, одамларга гувоҳ бўлишларингиз ва пайғамбар ҳам сизларга гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта уммат қилдик. Сиз унга юзланувчи бўлган қиблани Пайғамбарга эргашадиган кишини ортига қайтадиган кимсадан ажратиб маълум этишимиз учунгина қилдик. Гарчи бу Аллоҳ ҳидоят этган кишилардан ўзгаларга оғир бўлса ҳам. Аллоҳ иймонларингизни зое этмас! Албатта, Аллоҳ одамларга Мехрибон, Раҳмлидир.**

Эй Ислом уммати! Сизларни Исломга ҳидоят қилиб, улуғ пайғамбар Иброҳим ^{алайҳис салом}нинг қибласига юзлангирдик! Бундан ташқари, ўтган пайғамбарлар умматларига рисолатни етказганига гувоҳ бўлишингиз учун сизларни ўрта, афзал уммат ҳам қилдик! Эй Муҳаммад ^{соллаллау алайҳи ва саллам}! Иймонида мустаҳкам бўлган ҳақиқий мўминни динида шубҳаланган, Ислом ғанимлари макрига учиб, иймонидан қайтадиган кимсалардан айланиб, Сизга ва мўминларга кўрсатиш учун даставвал Сизни Байтул Макдис томонига бурган эдик! Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} қибланинг Байтул Макдисдан Каъбаи Муаззама тарафига бурилишидан илгари ўқиган иймонингиз рамзи бўлмиш намозларингиз савобларини зое этмас! Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} сизлардан зарарларни даф этувчи Мехрибон, эзуликларга йўлловчи Раҳмлидир.

وَسَطًا – калимаси араб тилида ўрта маъносини ифодалаш билан бирга афзал, шарафли, яхши каби маъноларни ҳам билдиради. Имом Табарий ^{рахима-хулоқ} "Ислом уммати ўрта умматдир. Чунки мусулмонлар яҳудлар каби пайғамбарларини тажовузкорона ўлдириб, китобларини ўзгартиргани йўқ. Насоролар каби ҳаддан ошиб, Йисо ^{алайҳис салом}ни Аллоҳнинг ўғли деб, ўзларича хурофотларни тўқиб олгани ҳам йўқ. Мусулмонлар Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло}нинг динида мўътадил давом этиб, ўрта, яъни афзал уммат бўлди", деганлар.

Мусулмонлар эътиқод ва тасавурда ўрта умматдир. Ислом фақат руҳий эҳтиёжларни қондириб, жасадни эсдан чиқармайди. Инсон ҳаётининг бир жиҳатига эътиборни қаратиб, қолган жиҳатларини унутмайди. Насоро роҳиблари даъват этганидек турмуш қуришдан, дунёвий лаззатлардан батамом воз кечиб, таркидунё қилишга, ибодатхоналарни маскан тутишга чақирмайди. Ёки бунинг аксича, динсиз тузумлар каби эътиборни фақат жасадга қаратиб, инсоннинг руҳий эҳтиёжларини унутмайди, ёхуд бутунлай инкор қилмайди. Моддий маслакларнинг барчаси ҳаётни фақат жасад талабларини қондиришдан иборат, деб тушунади. Инсоннинг руҳий эҳтиёжларини қондиришга умуман аҳамият бермайди. Исломий уммат ҳам руҳнинг, ҳам жасаднинг эҳтиёжларига бир хилда эътибор қаратган ўрта умматдир.

Ислом уммати замонда ҳам ўрта умматдир. Инсоният гўё гўдаклик ва болалик даврини босиб ўтиб, камолот ёшига етганида Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} Исломни комил йўл сифатида танлаб, башарият учун дин бўлишини ихтиёр этди. Аввалги пайғамбарларнинг даъвати ҳам Ислом бўлган. Бироқ инсоният ҳали камолот даражасига етмагани боис диннинг ҳам комил сурати юборилмаган. Росулдуллоҳ ^{соллаллау алайҳи ва саллам}нинг даврларига келиб бўлғуси Ислом миллати камолга етди. Шундан кейингина Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} динни камолига етказди. Бу нарса Ислом умматининг замонда ҳам ўрта уммат эканидан далолат беради.

Ислом уммати маконда ҳам ўрта умматдир. Жуғрофий жиҳатдан Ернинг қоқ ўртасида жойлашган Маккаи Мукаррамада Қуръони Карим нозил бўлди. Ўша ердан бутун оламга Ислом нури таралди. Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} бу ерни Қиёматга қадар бутун дунё мусулмонлари шавқу завқ билан интилиб турадиган марказга айлангирди.

Ер юзида жуда кўп маслаклар борки, улар маълум бир шахсни кўкларга кўтариб, улуғлайди. Ўша шахс манфаати учун бутун бир жамиятни қурбон қилади. Ўша шахс учун ҳисобсиз моддий бойликлар сарф қилинади. Унинг истакларини қондириш йўлида бутун бошли халқнинг оёқ ости қилиниши умуман эътиборга олинмайди. Унинг “ҳикматли” сўзлари ҳар қадамга илинади. Ҳар қандай яхшилиқка унинг исми боғланади ва ҳар икки гапнинг бирида номи тилга олинади. Унинг кимлиги ҳамма учун аён бўлишига қарамасдан, барча учун буюк даҳо қилиб кўрсатилади. Яна баъзи бир маслаклар борки, улар шахс манфаатларини жамият манфаати йўлида қурбон

килади. Фақат жамоатчиликни рия қилиб, шахснинг шахсий ҳуқуқларини топтайди, мулкый дахлсизлигини поймол қилади. Жамият манфаатлари баҳонасида минглаб беғуноҳ кишилар катагон қилинади.

Ислому уммати қонунчилик, низом ва тузумда ҳамда шахс билан жамият ўртасини боғловчи муносабатларда ҳам ўрта мақомдадир. У бир шахсни улуғлаб, баланд мартабаларга кўтариб, унинг йўлида жамиятни қурбон қилмайди. Бир шахсни деб бутун бир жамият манфаатларидан воз кечмайди. Ёки аксинча, жамият манфаатларини деб, шахснинг шахсий ҳуқуқлари ва дахлсизлигини поймол қилмайди. Ислому уммати шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам ҳуқуқларини поймол қилмаган ҳолда, ҳар иккисининг манфаатларини ҳисобга олиб, улар ўртасини мувозанат ва адолат билан идора этадиган ягона умматдир. Бундан ташқари Ислому умматининг яна жуда кўп маънода ўрта, афзал уммат эканини санаш мумкин.

Қиёмат куни пайғамбарлардан қавмларига Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг динини етказганликлари ҳақида сўралганида, улар зиммаларидаги масъулиятни бениқсон адо этишганини айтадилар. Лекин қавмлари азобдан қўриқиб, жаҳаннамдан қутулиб қолиш илинжида пайғамбарларини ёлғончиға чиқаради. Шунда пайғамбарлар сўзларининг ростлигини исботлаш учун Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг умматини гувоҳлик беришга чақирадилар. Ислому уммати ўтган барча пайғамбарлар умматларига Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг рисолатини муқаммал етказганликлари ҳақида гувоҳлик беради. "Сизлар қаердан биласиз?" деб сўралса, "Бизнинг пайғамбаримизга нозил бўлган Қуръони Каримда барча пайғамбарлар ўз умматига ҳақни муқаммал етказганлиги ҳақида хабар берилган", деб жавоб қилади. Ислому уммати берган гувоҳликни Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ҳам тасдиқ этадилар:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُجَاءُ بَنُوْحَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَقَالُ لَهُ هَلْ بَلَغْتَ فَيَقُولُ نَعَمْ يَا رَبِّ فَيُسْأَلُ أُمَّتَهُ هَلْ بَلَغَكُمْ فَيَقُولُونَ مَا جَاءَنَا مِنْ نَذِيرٍ فَيَقُولُ مَنْ شَهِدْتُكَ فَيَقُولُ مُحَمَّدٌ وَأُمَّتُهُ فَيَجَاءُ بِكُمْ فَتَشْهَدُونَ ثُمَّ قَرَأَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا قَالَ عَدْنَا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا ﴿١٠٧﴾ رواه البخاري

Абу Саъид ал-Худрий ^{розиаллоҳу ану} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Қиёмат куни Нухни олиб келиниб, "Умматингизга рисолатни етказдингизми?" дейилади. Нух ^{алайҳис салом} "Ҳа, эй Раббим!" дейди. Шунда бу ҳақда унинг умматидан "Сизларга етказдимизми?" деб сўралади. Улар "Бизга биронта огоҳлантирувчи келган эмас", дейишади. Нух ^{алайҳис салом}га "Гувоҳларингиз ким", дейилади. У киши "Муҳаммад ва у кишининг уммати", дейди. Шунда сизларни олиб келинади ва сизлар гувоҳлик берасиз, дедилар. Сўнг Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Шунингдек, одамларга гувоҳ бўлишларингиз учун ва пайғамбар ҳам сизларга гувоҳ бўлиши учун сизларни ўрта уммат қилдик оятини ўқидилар. (Имом Бухорий ривояти)

Ўтган пайғамбарлар умматларига Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг рисолатини тўла-тўқис етказганлигига биз Ислому уммати гувоҳлик берсак, ўзимизга ҳам ҳужжат барпо бўлганлиги, ҳақ тўла баён қилиниб, узрга ҳеч қандай ўрин йўқлиги билан Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} гувоҳлик берадилар.


Энди бошқа умматлардан афзал бўлган, ўтган пайғамбарларга гувоҳ бўладиган Ислому умматининг бугунги аҳволига бир назар солайлик! Бугунги Ислому уммати афзал уммат деб аталишга лойиқми?! Бу умматни Ислому уммати дейишдан кўра мол-дунё ва нафс-ҳаво уммати, деб аташ тўғрироқ эмасми?! "Ўтган пайғамбарлар умматларига Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг рисолатини тўла-тўқис етказган", деб гувоҳлик берадиган бугунги Ислому уммати ўз пайғамбари Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг ўғитларига амал қиляптими ё яҳуду насоро ва мушриклардек Ислому душманлари нағмасига ўйнаяптими?! Ислому уммати шу ҳолда кетса, эртага ҳолига маймунлар йиғламасмикин?!

Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Ислому умматига гувоҳ эканликларини бирон лаҳза эсдан чиқармадилар. Шу боис бутун дунё қарши бўлган масалаларда ҳам маҳкам тура олдилар. Ҳар битта сўзи ва ҳаракатлари ҳамда ҳузурларида бошқалар тарафидан қилинган ва Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг эътирозларига учрамаган ишлар одамлар учун Қиёматга қадар намуна бўлиб қолди. Баъзан инсонлик туфайли Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}дан ҳам бирон хато содир бўлса, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} тарафидан тезда огоҳлантирилиб, тўғри йўлга солингалар. Мисол учун, бир куни Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Қурайш зодагонларини Ислому даъват қилиб турган, уларда ҳам динга нисбатан бир оз мойиллик сезилиб турган пайтда кўзи ожиз, фақир бир саҳобий – Абдуллоҳ ибн Умми Мактум ^{розиаллоҳу ану} келиб "Ё Росулulloҳ! Сизга Аллоҳ билдирган нарсалардан менга ҳам ўргатинг", деди. Агар бу фақир, аъмо билан овора бўлиб қолсалар анави зодагонлар юз ўгириб кетишларидан ташвиш қилган Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ковоқларини уюб тесқари қараб, даъватларида давом этдилар. Табиийки, бу

нарсани ўзлари учун эмас, балки мусулмонларнинг манфаатини кўзлаб қилган эдилар. Аммо Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ўлчовида ҳақиқатни излаб келган ҳар қандай кишининг талабини қондириш ундан ҳам зарурроқ эди. Шу боис Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дарҳол "Абаса" сурасида Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}га дашном берди. Пайғамбар ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} ўша заҳоти туриб, Абдуллоҳ ибн Умми Мактум ^{розияллоҳу аанҳу}нинг орқасидан бориб, кучоқлаб, узр сўрадилар. Бу Исломининг ҳаётдаги жонли кўринишидир.

Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} гувоҳликни шундай олий тарзда ўтаб кетдилар. Ислом миллати ҳам ўз пайғамбари Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг изидан бориб, Қиёмат кунида ҳақ билан ботил ўртасида гувоҳлик берувчи миллат эканини эсдан чиқармаслиги лозим эди. Минг афсуски, ҳозирда биз динимизнинг зарарида хужжат, гувоҳ бўлиб қолдик. Ёмон хулқларимиз ва ношаръий ишларимизни соғлом ақлига сиғдирилмаган одамлар диндан юз ўгирмоқда.

Одамлар Исломини билмайди. Қаердан ҳам билсин?! Улар Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларнинг ҳақиқатини билишдан маҳрум. Ислом деганда улар биз мусулмонларни тасаввур қилади. Агар биз ўзимизда Исломининг ҳақиқий суратини намоён этсак, диннинг фойдасига гувоҳ бўламиз ва энг саодатли умматга айланамиз. Қилаётган ишларимиз Исломга зид бўлса, биз диннинг зарарига гувоҳ бўлиб, ҳозир олам ҳақиқат йўлини излаб турган вақтда, Исломдан тўсувчи кимсаларга айланамиз. Шунинг учун ҳамавақт, гарчи ўзимиз амал қила олмасак-да, бор ҳақиқатни айтиб, "Ҳақиқат ўзи шу, мен амал қилолмаяпман", деб тан олишимиз лозим. Инсоният ҳозирда ҳақиқат йўлини излаб, жуда кўп боши берк йўлларга кириб, уларни синаб, барчасидан ҳафсаласи совиган. Энди, Исломга умид назари билан боқиб турганида, биз шариатга тўла амал қилиб, динимизнинг ҳақиқий суратини оламга кўрсатишимиз ҳар қачонгидан ҳам зарур! Агар турли мункар ишлар билан машғул бўлсак, бошқалар гуноҳ ишларимизни Исломдан деб ўйлаши мумкин. Унда биз ўз зараримизга гувоҳ бўламиз. Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бизни ўрта, гувоҳ миллат қилиб юборган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ مَرُّوا بِجَنَازَةٍ فَأَتَتْهَا عَلَيْهِ خَيْرًا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَجِبَتْ ثُمَّ مَرُّوا بِأُخْرَى فَأَتَتْهَا عَلَيْهَا شَرًّا فَقَالَ وَجِبَتْ فَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مَا وَجِبَتْ قَالَ هَذَا أَتَيْتُمْ عَلَيْهِ خَيْرًا فَوَجِبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ وَهَذَا أَتَيْتُمْ عَلَيْهِ شَرًّا فَوَجِبَتْ لَهُ النَّارُ أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ  رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Анас ибн Молик ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: *Бир тобутни олиб ўтишди. Одамлар уни мақташди. Пайғамбар ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} вожиб бўлди дедилар. Сўнг бошқасини олиб ўтишди. Одамлар уни ёмонлашди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} вожиб бўлди дедилар. Умар ибн Хаттоб ^{розияллоҳу аанҳу} нима вожиб бўлди, дедилар. Мана бунга мақтов айтдинлар, унга жаннат вожиб бўлди. Унисини ёмонладинлар, унга дўзах вожиб бўлди. Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисиз дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Бирон киши вафот қилиб, дафн қилинса, "Қандай одам эди?" деб сўралади. Ҳамма "Яхши одам эди, Худо раҳмати эди", дейди. Шунда мазкур ҳадис айтилади-да, "Мана бу одамни яхши одам эди, дединлар, унга жаннат вожиб бўлди", дейилади. Марҳум агар Исломга хизмат қилган солиҳ, яхши одам бўлган бўлса, хайр. Бироқ ҳаётини дин билан курашиб ўтказган, мусулмонларга сон-саноксиз кулфатлар етказган, масжидларни вайрон қилган, бечораларни қақшатиб, мол-мулкни талаган разил кимсалар ўлганида ҳам "Қандай одам эди?" дейилса, биз "Яхши одам эди", деймиз! Бу қанақа гувоҳлик?! Ахир бу ғирт ёлгон-ку! Эртага бу гувоҳликка жавоб бериш бор! Саҳобалар доим ҳақни сўзлаганлар! Улар ўйламай-нетмай дуч келган одамни яхши, деб гувоҳлик бергани Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}дан кўрққанлар! Ўзларининг гувоҳ миллат эканига масъулият билан қараганлар! Бир одам яхши бўлса, яхши, ёмон бўлса, ёмон, деб айта олганлар! Биз ҳам билган нарсамизга гувоҳлик беришимиз лозим! Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг сўнгги сўзларига эътибор берайлик! Ул зот "Эй мўминлар! Кўзингизни очинг!" **"Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисиз!"** дедилар! Агар бирон хурматли ё эътиборли одам "Сиз менинг гувоҳимсиз" деса, бутун вужудимиз билан ниҳоятда ҳассос бўлиб, бирон гап-сўзимизда хато қилмасликка ҳаракат қиламиз! Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бизга **Сизлар Аллоҳнинг ердаги гувоҳларисиз** дейишларига қарамай парвойи фалакмиз! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг гувоҳлари эканимизни масъулият ила ҳис этмаяпмиз! Эртага Қиёмат куни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} "Эй Менинг гувоҳларим! Менинг душманларимни қайси юзингиз билан "Яхши одам деб айтингиз!" деса, нима қиламиз?! Ўшанда бизга ким ёрдам беради?! Биз Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг дўстларини яхши, душманларини ёмон деб айтишимиз даркор! Бордию ёмоннинг ёмонлигини айтолмасак, ҳеч бўлмаганда "Билмадим", деб айтмайлик!

Каъбаи Муаззамани эъзозлаш, у билан фахрланиш минглаб йиллар давомида арабларнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Бироқ Каъбаи Муаззаманинги эъзозлашлари эътиқоддан эмас, балки тарафқашлик, таассуб ва жохилона урф-одатларидан келиб чиққан туйғулар асосида эди. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} қалбларни урф-одат, миллий қадриятлар ва ҳис-туйғу тушунчаларига эмас, балки фақат Ўзи тарафига ҳолис бўлишини истади. Узоқ йиллик одатларини тарк этиб, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг буйруғига

бўйсун олишадими ёки аксинча Ислом уларнинг урф-одатларини қўллаб-қувватлагани учун Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га эргашишдими? Айни шу масалани ойдинлаштириб бериш учун бўлса керак, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} қиблани Каъбаи Муаззамадан Байтул Макдис тарафига бурди.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} бандани шариат ҳукмлари билан ҳам имтиҳон қилади. Шундай пайтда инсон Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг ҳукмини сўзсиз қабул қилмоғи ва Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га тўла эргашмоғи лозим. Шунда ҳар икки дунёда нажот топади. Йўқса, ҳақдан тойилиб, жаннатга олиб борувчи йўлдан четга чиқиб, абадий зиёнга юз тутаяди.

Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} Маккаи Мукаррамада Каъбаи Муаззаманинг Шом ва Яман тарафларига қараган икки бурчаги орасида¹ туриб, Байтул Макдисга юзланиб намоз ўқирдилар. Қалбини таассуб ва тарафқашлик туйғулари қамраб олган кимсаларга боболари Иброҳим ^{алайҳис-салом} қурган Каъбаи Муаззамани қўйиб, Байтул Макдисга қараб ибодат қилиш жуда оғир эди. Лекин Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га қалбан иймон келтирган ва Байтул Макдисга юзланиш ҳам, Каъбаи Муаззамага қараб бурилиш ҳам Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг буйруғи эканини англаб етган саҳобалар учун бу фармонга итоат этиш оғир бўлмади. Зеро, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг хидояти насиб бўлган кишиларга Унинг амрини қабул қилиш оғир бўлмайди. Дастлаб уларда "Каъба боболаримиздан қолган қибламиз", деган тасаввур бўлган бўлса, эндиликда "Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} бизга таъйин этган қибла, шунинг учун унга бурилдик", деган эътиқод пайдо бўлди. Бинобарин, Каъбаи Муаззамага бўлган илгариги эҳтиром ва юзланишлари билан кейинги бурилишлари зоҳирда бир хил бўлса-да, аслида тубдан фарқ қиларди.

Ҳозирда ҳам айрим “мусулмонлар”га баъзи исломий таклифотлар оғир келаётганини кўрасиз. Масалан, баъзи суннат амаллар айримларга эриш туюлиши мумкин. "Ҳозирда бундай амалларни қилиш, ҳақиқатни айтиш қийин, ҳамма ҳар хил тушунади", деганга ўхшаш гаплар Аллоҳу Росули ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га муҳаббатни даъво қилганлардан эшитилиб туради. Бундай мисоллар кўпга топилди. Бироқ ўзини фақат Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} га бўйсундирган, фақат Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} ни йўлбошчи деб билган, у кишига чин дилдан эргашган ҳақиқий мусулмон кишига Исломнинг ҳеч бир таклифоти оғир келмайди. Зеро, Ислом инсонни тоқатидан ташқари нарсага буюрмайди. Исломга янги кирган кишига дастлаб шариатнинг баъзи буйруқ ёки қайтариқлари оғир келиши мумкин. Лекин иймоннинг зиёда бўлиши ва қалбга ўрнашиб бориши натижасида исломий таклифотлар хузурбахш нарсага айланади.

Исломнинг ҳақиқий суратини ҳақиқий мўмингина кўрсата олади. Бинобарин, исломий таклифотлар чин мўминни мунофиқдан ажратиш ҳам беради. Чунки, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг амрига тўла бўйсунуш кишидан комил иймонни талаб қилади. Тарафқашлик, таассублик ва нифоқ асосига қурилган “иймон” кишига Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг ҳар қандай амрини ёки Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг суннатларини сўзсиз қабул қилишга йўл бермайди. Шунинг учун кўпчилик шариат ҳукмлари урф-одати ё ҳавойи нафсига мувофиқ келса, эргашади. Узоқдан бери давом этиб келаётган, хусусан, ота-бобосидан мерос қолган удумлар Исломга зид келса, воз кечолмайди. Ана шу дақиқада унинг иймони имтиҳон қилинаётганини унутаяди.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} бу оятда ажиб бир муқоясани келтириб, Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га эргашишдан бўйин товлаётганларни ортга чекинаётганлар, деб атамоқда. Дарҳақиқат, юксалиш фақат Ислом, яъни Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га эргашиш билан бўлади. Суннатга эргашган кишини тараққиёт ёки дунёвийликка қарши, деб айблаш гирт нодонлик. Чунки Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га эргашишдан бўйин товланганларни инқрозга, таназзулга учраганлар, деб баҳоламоқда. Шунга кўра, Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг йўлларини қўйиб, турли хил ботил йўлларда “буюк келажак” сари “олга бораётган”лар, аслида ортга – ҳалокат ва гумроҳлик жари томон қўлаётганлардир. Ҳозирги кунда Ислом уммати бошига етаётган мусибатлар Китоб ва Суннат манҳажидан оғиб кетганининг аччиқ самарасидир. Ислом уммати Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} улар учун ихтиёр этган йўл – Куръони Карим ва Суннати Набавийга қайтмас экан, ганимларининг зулму ситамларидан халос бўлолмайди.

Оятдаги **نَعْمٌ** – *маълум этишимиз учун* деб таржима қилинган ибора аслида, "Билишимиз учун", деган маънода. Маълумки, қалбдаги нарса бошқалар учун тамоман махфийдир. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} инсоннинг қалб сирларини имтиҳон қилмасдан туриб ҳам билади. Шундай бўлса-да инсонга ҳам кўрсатиб, қалбининг қандай эканини билдириб қўяди. Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоҳу аанҳу} бу сўзни ажратиш, деб тафсир қилганлар. (Имом Байҳақий ривояти) Имом Табарий ^{роҳимаҳуллоҳ} Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} барча нарсани бўлишидан илгари билади. Бу ўринда билишимиз деб келиши – Пайғамбарим ва унга эргашган солиҳ бандаларим билишлари учун маъносида келган, деганлар. Яна баъзи муфассир

¹ Ушбу ўрин ҳозирги кунда тахминан Масжидул Ҳаромнинг «Бобул Видоъ» дарвозаси рўбарўсига тўғри келади.

уламолар бу сўзни кўриш ё кўрсатиш, деб ҳам тафсир қилишган. Чунки араблар билишни кўриш маъносида, гоҳо кўришни билиш маъносида қўллашади.


Пайгамбарга эргашадиган кишини ортига қайтадиган кимсадан жумласи мўминни чуқур ўйга солади. Минг таассуфлар бўлсинки, мусулмонлар ҳозирда Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} га тўла маънода эргашмади! Ул зотдан кўра қаердаги "одам" дейишга тил бормайдиган ахлоқсиз кимсаларни афзал кўрди! Хусусан, ёшларимиз кийиниш, юриш-туриш, умуман ҳаёт тарзида одоб-ахлоқсиз, фазилатсиз, энг хатарлиси, иймонсиз, қаердаги бемаъни мусиқачи, отарчи ва ҳоказоларга тақлид қилиб яшамокда! Муслима опа-сингиллар ҳам бундан четда эмас! Ички ҳаётда, либосларни харид қилиш ё кийинишда Ислom қолиб, Оврупадан, кофирлардан андоза олмокда! Қарабсизки, мусулмонлар Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} дан бошқа ҳар кимга эргашмокда! Агар бошқа миллатлар Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} нинг одоб-ахлоқлари, юксак фазилатларидан мингдан бирига эга бўлган йўлбошчиси бўлганда, унга сиғиниб яшаган бўларди!

Инсон ким бўлиши, қачон ва қаерда яшашидан қатъиназар, хоҳ тан олсин, хоҳ тан олмасин, албатта, бировга эргашиб яшайди. Лекин Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} эргашиб, ул зотнинг муборак сийратлари ва суннатларидан намуна олиб яшаган киши ҳидоятда бўлиши билан ажр олади ва оқибатда нажот топади. Муҳаммад ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} дан бошқага эргашганлар ўзини бировларга ўхшатгани учун гуноҳкор бўлиб залолатга юз тутуди ва оқибатда зиёнкорлардан бўлади.

Ислomдан бошқа манҳажларда бирон нарса бекор қилинса, унинг оқибатида ўшанга алоқадор ҳамма нарса зое қилинади. Йиллар мобайнида ўлиб-тирилиб қилинган меҳнатлар эвазига олинган нишону мукофотлар қадрсиз бир парча қоғозга ё оддий бир темирга айланади. Барча имтиёзлар кераксиз қоғозларда қолади. Кечаги қаҳрамонлар, бир зумда жинойтчига айланиб, хору зор, шармандаи шармисор бўлади. Ислomдан ўзга манҳажларнинг барчаси шундай йўл тутуди. Аммо Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ҲАДЗО} Меҳрибон, Раҳмли бўлгани боис банданинг иймон асосига қурилган ҳамда шариятга мувофиқ бўлган ҳар қандай амалини, хоҳ сўз, хоҳ амал, ҳатто дилидаги яхши ният бўлсин, зое қилмай, Қиёмат куни савобларини бенуқсон қилиб беради.

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{РОЗИЯЛЛУҲУ АНХУ} ривоят қилдилар: "Ё Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ}! Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиб вафот этган кишилар нима бўлади?" дейилди. Шунда Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ҲАДЗО} Аллоҳ **иймонларингизни зое этмас** оятини нозил этди дедилар. (Имом Доримий ривояти)


Оятдаги **إِيمَانِكُمْ** – **иймонларингизни** калимаси диққатни тортади. Мусулмонларнинг Байтул Мақдисга қараб ўқиган намозларини Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ҲАДЗО} **иймонларингиз** калимаси билан ифодаламокда. Ҳаётида бирон марта намоз ўқимасдан, балки намозхонлар билан курашиб, маош олаётган, масжидларни беркитаётган, шунга қарамай ўзини мусулмон санайдиган кимсалар бу калимага диққат берсин! Бошсиз жасад бут бўлмагани каби намозсиз ҳеч кимнинг иймони бут бўлмайди. Абдуллоҳ ибн Шақиқ ^{РАҲИМУ-Л-ҲУЛЛОҲ} Муҳаммад ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} нинг **асҳоблари намоздан бошқа амални тарк қилишни куфр, деб санамасиди** деганлар. (Имом Термизий ривояти) Зеро, иймон – тил билан айтиш, қалб ила тасдиқлаш ва аъзолар билан иймон рукнларига амал қилишдир. Аксар фуқаҳолар иттифоқига кўра бенамоз кимса мусулмон ҳисобланмайди. Бу ҳақда кўплаб ҳадислар мавжуд бўлиб, биз Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} нинг қуйидаги ҳадислари билан кифояланамиз:

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ الْعَهْدَ الَّذِي بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمُ الصَّلَاةُ فَمَنْ تَرَكَهَا فَقَدْ كَفَرَ  رواه النسائي

Бурайда ^{РОЗИЯЛЛУҲУ АНХУ} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} **Бизлар билан бошқалар ўртасидаги аҳд – намоздир. Ким уни тарк этса, кофир бўлибди** дедилар. (Имом Насоий ривояти. Носируддин Албоний саҳиҳ деганлар)


Кибла Каъбаи Муаззама томон бурилгач, яхудлар мусулмонларни "Байтул Мақдисга қараб ўқиган намозларингиз зое кетди", деб мазах қилди. Чунки, саҳобалар ичида Асъад ибн Зурора, Баро ибн Маърур ^{РАДИЯЛЛУҲУ АНХУ} каби Байтул Мақдисга қараб намоз ўқиб вафот этган кишилар бор эди. Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ҲАДЗО} мўминларнинг қалбини хотиржам қилиб, оятнинг **Аллоҳ иймонларингизни зое этмас** деган қисмини нозил этди. Зотан, Байтул Мақдисга қараб намоз ўқишлик Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ҲАДЗО} нинг амри бўлган. Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ҲАДЗО} одамларга машаққатларни ихтиёр этган эмас. Билъакс, У одамларга Меҳрибон ва Раҳмдил Зотдир:

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ قَالَ قَدِمَ عَلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِسَبِيٍّ فَإِذَا امْرَأَةٌ مِنَ السَّبْيِ تَبْتَغِي إِذَا وَجَدَتْ صَبِيًّا فِي السَّبْيِ أَخَذَتْهُ فَأَلْصَقَتْهُ بِبَطْنِهَا وَأَرْضَعَتْهُ فَقَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَرُونَ هَذِهِ

الْمَرْأَةَ طَارِحَةً وَلَدَهَا فِي النَّارِ قُلْنَا لَا وَاللَّهِ وَهِيَ تَقْدِرُ عَلَيَّ أَنْ لَا تَطْرَحَهُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلَّهِ أَرْحَمُ
بِعِبَادِهِ مِنْ هَذِهِ بَوْلَدِهَا  رواه مسلم

Умар ибн Хаттоб ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ} ривоят қилдилар: *Пайгамбар ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ} га асирлар келтирилди. Асирлар ичидан бир аёл кимнидир излар, асирлар орасидан бирон гўдакни топса, уни олиб бағрига босиб, эмизарди. Пайгамбар ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ} бизга бу аёл ўз фарзандини ўтга ташлайди, деб ўйлайсизларми дедилар. Биз "Аллоҳга қасамки, йўқ! Ташламасликка қодир бўлган ҳолатида ташламайди", дедик. Росулulloҳ ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ} Аллоҳ бандаларига бу аёлнинг боласига бўлган меҳрибонлигидан кўра меҳрибонроқ дедилар.* (Имом Муслим ривояти)

الرَّعُوفُ – Меҳрибон Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО}нинг гўзал исмларидан. Куръони Каримда 11 марта такрорланган ва шундан 9 та ўринда **الرَّحِيمُ – Раҳмли** сифати билан бирга келган. Меҳрибонлик маъносининг кенг кўламини ифода этади. Ҳақиқатан Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО} бутун инсониятга меҳрибондир. Ҳатто Унинг вужудини инкор қилиб яшаётганларга ҳам емоқ, ичмоқ каби ризқларни бераверади. Бироқ мўмин бандаларига хос **Раҳмли** сифати ҳам борки, бу сифат билан фақат мўминларини сийлайди.

قَدْ زَيْ تَقَلَّبَ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا
وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ وَإِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ وَمَا اللَّهُ بِغَفِلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ 

144. *Гоҳида юзингизнинг осмонга бурилишини кўрамиз. Сиз унга рози бўладиган қиблага Сизни, албатта, юзлантирамиз. Юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! Эй мўминлар! Каерда бўлсангиз юзларингизни унинг тарафига буринг! Китоб берилган кишилар унинг Раббилари тарафидан келган ҳақиқат эканини, албатта, билишади. Аллоҳ улар қилаётган нарсалардан гофил эмас!*

Эй Муҳаммад ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}! Қибланинг ўзгариши ҳақидаги ваҳийни шавқ ила кутиб осмонга қарашларингизни кўрмоқдамиз! Сизни яхши кўрган қиблангизга, албатта, юзлантирамиз! Намозингизда Масжидул Ҳаром томонга юзлангиз! Эй мўминлар! Сизлар ҳам қаерда бўлмангиз, сувдами, қуруқликдами, жанубдами, шимолдами, шарқдами, ғарбдами, намозларингизда ўша томонга юзлангиз! Таврот ва Инжил берилган яҳуд-насоролар қибланинг ўзгариши Раббиларидан келган илоҳий фармон эканини жуда яхши билади! Бу ҳақда уларга Таврот ва Инжил хабар берган! Ундан ташқари аҳли китоблар Муҳаммад ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}нинг барҳақ пайгамбар эканини, у киши фақат Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО}нинг буйруғига мувофиқ иш тутишларини ҳамда дин ишларида насх бўлиш услуби борлигини билган! Қолаверса, Каъбаи Муаззама – Байтул Макдисдан аввалроқ қурилган Иброҳим ^{АЛЛАХИ САЛҒАМ}нинг қибласи экани ҳам уларга кундек равшан! Агар Исломни қабул этишса, одамлар орасидаги сохта обрўларидан маҳрум бўлишларини ҳам билишади! Шунинг учун одамларнинг қалбига ғулгула солиш, динида шубҳа уйғотиш учун фитна қилишади, холос! Эй мўминлар! Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО} бундай фитначи яҳуд ва насороларни ҳамда уларга ўхшаб мусулмонлар орасига фитна уруғини сочаётганларнинг ҳар қандай кирдикоридан вокиф! Аҳли китобларнинг макру найрангларидан Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО}асло гофил эмас! Унинг назар доираси чексиз! Сизлар уларнинг найрангларига ғамгин бўлманг! Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО} яқин кунда уларни қилмишларига яраша кулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган, инсон фаразига сиғмайдиган Қиёматнинг даҳшатли азоблари билан жазолайди!

Росулulloҳ ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ} Ислом умматининг қибласи Каъбаи Муаззама бўлишини хоҳлардилар. Чунки, у Иброҳим ^{АЛЛАХИ САЛҒАМ}нинг қибласи эди. Қолаверса, Каъбаи Муаззама томон бурилиш билан яҳудларга хилоф иш тутилган ҳам бўларди. Росулulloҳ ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ} пайгамбарона одоб саклаб, тилакларини изҳор этмасалар-да бу ҳақда ваҳий келишини кутиб, вақти-вақти билан осмонга қараб кўярдилар. Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО} Росулulloҳ ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}нинг одобларини муносиб баҳолаб, **ثَرَضَاهَا – Сиз унга рози бўладиган** калимаси билан "Эй Муҳаммад ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}! Сиз рози бўладиган, яхши кўрадиган, қалбингиз мойил бўлган томонга юзлантирамиз! Бу иш Сиз рози бўладиган ҳолатда якун топади", дея марҳамат қилди. Шундан сўнг Каъбаи Муаззама томон бурилдилар. Бу нарса Росулulloҳ ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}нинг оламлар Тарбияткунандаси олдидаги юксак мақомларидан далолат беради. Зеро, Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАБОЛО} шариатдаги фарз амаллардан бирини Муҳаммад ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}нинг истакларига мувофиқ равишда қилди. Бундай манзилат башарият тарихида фақат Муҳаммад ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}га берилган.

Масжидул Ҳаромга юзланиш ҳақидаги буйруқ, дастлаб Росулulloҳ ^{СОҒДИЛҚУ АЛЛАХИ ВА САЛҒАМ}га қаратилди. Сўнг ғоят муҳимлиги сабаб Ислом уммати учун яна алоҳида такрорланди. Бу бир жиҳатдан Ислом уммати учун эҳтиром бўлса, иккинчи жиҳатдан диннинг моҳиятини кўрсатмоқда. Зеро,

мусулмонларнинг яшаб турган ўрни қиблага нисбатан қаерда жойлашганидан, миллати, жинси, тили, терисининг ранги қандай бўлишидан қатъиназар, уларни ягона қибла – Каъбаи Муаззама бирлаштириб туради. Ернинг шарқу ғарбидаги барча мусулмон шу қиблага юзланиб намоз ўқийди. Қолаверса, Ислом миллати ягона маъбуд – Аллоҳ ^{سُبْحَانَهُ وَعِزَّتُهُ لَبَّيْكَ يَا كَرِيمُ} га эргашади. Фақат битта китоб – Қуръони Каримни ҳидоят китоби деб билади. Фақат Исломни дин деб тан олади. Ислом уларни мана шу руҳда бирлаштиради. Бу руҳ халқлар ўртасида умумлашиб, Исломни қабул қилган ер кurrasидаги барча элатлардан ақидаси, дунёқарашы фикри, бир бўлган Ислом миллати вужудга келади. Ислом руҳи ила бирлашган турли миллатлар оға-ини, опа-сингилга айланади. Киши қайси миллат вакили бўлмасин, Исломни қабул қилса, ирқий жиҳатдан камситилмайди, балки ранги, тили, ватани ва миллатидан қатъиназар, тақво ва солиҳ амаллари сабабли Исломдаги олий мақом – намозга имом бўлишдан тортиб то халифалик мақомига эриша олади. Бунга Ислом тарихидан кўплаб мисоллар топилади.

Минг афсуски, бугун ўша руҳ мусулмонлар ўртасидан кўтарилди ва ўрнини миллатчилик ва ватанпарастлик руҳи эгаллади. Дин ғанимлари мусулмонларни парчалаб пароканда қилиш учун атайин миллатчилик, ватанпарварлик руҳини ўрнатди. Уларнинг бу ҳаракатлари эндиликда мусулмонлар ичида аччиқ самараларини бермоқда. Мусулмонларнинг парокандалиги туфайли ғанимлари уларнинг бошига қора кунларни солиб, эркини тортиб олиб, бойликларини талаб, сиёсий ва иқтисодий қарам қилиб келмоқда. Бундан халос бўлишнинг бирдан-бир чораси қалбларга Ислом руҳини қайтадан ўрнатмоқдир. Шундагина мусулмон халқлар Ислом байроғи остига қайта бирлашади. Бошқа йўллар орқали даво излаётган кимсалар тарихни беҳуда кечиктиришмоқда, холос.

Айримлар "Мусулмонлар ўзаро ички низолардан қутула олмапти-ку, қандай қилиб бирлашсин?" деган таъналарни отиши мумкин. Минг таассуфки, бу бир томонлама аччиқ ҳақиқатдир. Иккинчи томондан, мусулмонлар орасида Исломни даъво қилганлар кўп. Бирок ҳақиқий Ислом руҳида ҳаёт кечириётган инсонлар жуда оз. Қуръони Каримни, Ҳадиси Шарифни билган кишилар кам. Билганлар ичида амал қиладиганлари ундан ҳам кам! Аксарият дин уламолари мансабларни эгаллаш, сохта обрўларга эришиш мақсадида одамлардан ҳақиқий Исломни яширмоқда! Китобу Суннатдан бошқа барча номи жарангдор йўллар ботил эканини айтишга дунёга ҳирс қўйишлари йўл бермаяпти! Муҳаммад ^{سَلَامٌ عَلَىٰ آلِهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ} дан ўзгани йўлбошчи тутганлар залолату ҳалокат сари чошиб бораётган кимсалар эканини айтишга иймонлари заифлик қияпти! Бу ҳам етмаганидек, айримлари Росулulloҳ ^{سَلَامٌ عَلَىٰ آلِهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ} нинг йўлларига даъват этаётган ҳақиқий мўминларга ҳасад қилиб, золиму мунофиқлар билан бирга тинимсиз Исломга кулфат келтиряпти! Шу сабаб мусулмонлар ўз ақидасини, шариат аҳкомларини билмасдан, исломий руҳиятдан маҳрум бўлиб, бир-бири билан бирлашолмаяпти! Зотан, маъбуди, пайғамбари, дини, қибласи, китоби, мақсади бир бўлган Ислом умматидан кўра аҳил миллат бўлмаслиги керак.

Масжидул Ҳаром¹ лафзи Қуръони Каримда жами бўлиб 15 марта, "Бақара" сурасида 6 марта такрорланган. Қон тўкиш, ноҳақ одам ўлдириш, жанг қилиш ҳаром этилгани учун Масжидул Ҳаром, деб юритилади. Росулulloҳ ^{سَلَامٌ عَلَىٰ آلِهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ} Масжидул Ҳаромнинг ўзгача масжид эканини куйидаги ҳадисларида марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ صَلَاةٌ فِي مَسْجِدِي هَذَا خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ صَلَاةٍ فِيمَا سِوَاهُ
إِلَّا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{رَوَاهُ} ривоят қилдилар: **Пайғамбар** ^{سَلَامٌ عَلَىٰ آلِهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ} **Менинг бу масжидимда ўқилган битта намоз Масжидул Ҳаромдан ташқари бошқа масжидда ўқилган мингта намоздан яхшироқдир дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا تُشَدُّ الرَّحَالُ إِلَّا إِلَى ثَلَاثَةِ مَسَاجِدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ
وَمَسْجِدِ الرَّسُولِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَمَسْجِدِ الْأَقْصَى ^{رواه البخاري}

¹ Масжидул Ҳаром – Каъбаи Муаззама атрофига қурилган масжид бўлиб, унинг бугунги аҳволи куйидагича: Масжидул Ҳаром 3 каватдан иборат. Умумий ҳудуди 356 минг м² га тенг. Мазкур ҳудуд бир миллиондан зиёд кишини сиғдиради. Масжидул Ҳаромнинг узун 89 м лик 9 та минораси, 4 та асосий, 45 кичик, 6 та ер ости кириш дарвозалари ва 41 кичик эшиклари ҳамда 9000 та таҳоратхоналари мавжуд. Юқори каватда баландлиги 13 м ли учта қубба бор. Шунингдек, Масжидул Ҳаромга 1453 та паст қисми олтибурчакли, бўйи 4,5 м га тенг мармар устунлар ўрнатилган. Тунда Масжидул Ҳаромни мис ва биллурдан ясалган 71 та баҳайбат қандиллар, 160 та шишали ва 720 та тунги чироклар 5135 неон чироклари, 174 та нур таратувчи кучли ёритиш (400 вт) асбоблари ва 672 та симоб (250 вт) чироклари ёритиб туради. Масжидул Ҳаромнинг ичига қахраб қуввати ҳисобига ишлайдиган ва соатига 15000 кишига хизмат қиладиган 7 та ўзи юрар зиналар ўрнатилган.

Абу Хурайра ^{розияллоғу аху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солаллоғу алайҳи ва саллиму алайҳи ва саллим} Намоз ўқиш мақсадида **учта масжид – Масжидул Ҳаром, Росулulloҳ** ^{солаллоғу алайҳи ва саллиму алайҳи ва саллим} **нинг масжидлари ва Масжидул Ақсодан бошқа масжидларга йўлга отланилмайди дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Масжидул Ҳаромда ҳозир бўлган киши намозда Каъбаи Муаззаманинг айна ўзига юзланиши шарт. Акс ҳолда намози мақбул эмас. Аммо Масжидул Ҳаромдан олис жойда бўлганида Каъбаи Муаззаманинг айна ўзига юзланиши шарт эмас. Чунки, бу унинг тоқатидан ташқаридир. Шунинг учун киши турган ўрнининг жуғрофий жиҳатларини, куннинг чиқиш ё ботишини ҳисобга олиб, имкон қадар Каъбаи Муаззама томон юзланиши кифоя. Бинобарин ҳар бир мўмин киши қибланинг қайси томонда эканини ўргатувчи илмларни ҳам ўрганиши лозим. Росулulloҳ ^{солаллоғу алайҳи ва саллиму алайҳи ва саллим} Каъбаи Муаззаманинг шаънини улуғлаб, уни қуйидаги ҳадисда мусулмонликнинг белгиси эканига ишора қилдилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ صَلَّى صَلَاتَنَا وَاسْتَقْبَلَ قِبَلَتَنَا وَأَكَلَ ذَيْبِحَتَنَا فَذَلِكَ الْمُسْلِمُ الَّذِي لَهُ ذِمَّةُ اللَّهِ وَذِمَّةُ رَسُولِهِ فَلَا تُخْفَرُوا اللَّهَ فِي ذِمَّتِهِ ^{رواه البخاري}

Анас ибн Молик ^{розияллоғу аху} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* ^{солаллоғу алайҳи ва саллиму алайҳи ва саллим} **Ким намозимизни ўқиса, қиблаимизга юзланса, сўйганимизни еса, ўша Аллоҳ ва Расули ҳимоясидаги мусулмондир. Аллоҳнинг ҳимоясини бузманглар дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Одатда ҳақиқатни билмаган киши осонроқ ҳидоятланади. Чунки билмаган кишига ҳақни, ҳидоятни етказилса, қулоқ солади. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} ирода этган бўлса, ҳидоятланади. Аммо ҳақиқатни билган, тўғри йўлни таниган, лекин бўйин товлаётган кимсанинг ҳидоятланиши мушкулдир. Чунки, у ҳақни билади, лекин кибр ва дунё муҳаббати тўғри йўлга юришдан тўсади. Бундай кимсани тўғри йўлга бошлашдан кура бирон йирткични гапиртириш осонроқ кечади.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг дини олий бўлиши учун шариат ҳукмларини татбиқ этишга даъват этаётган, Росулulloҳ ^{солаллоғу алайҳи ва саллиму алайҳи ва саллим} тутган йўлга чорлаётган ҳақиқий мўминларга душманлик қилаётган, шунга қарамай ўзини тўғри йўлда санаётган “мусулмонлар” ҳаётда кўп. Улар дунёдаги сохта обрў ва юзаки мартабаларидан айрилиб қолишдан қўрқиб, ҳақни қабул қилмайди. Ислому душманлари билан бирлашиб, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг солиҳ бандаларига тилию амали билан тинимсиз зиён келтириб туради. Ўзи билган-билмаган ҳолда золим ва фосиқлар билан бирга турли фитналар ҳам уюштиради. Аммо ўз қилмишларининг нотўғрилигини, зулм ва фитналарга йўлиққан мазлумларнинг йўли, айтаётган сўзи Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг шариатига мувофиқ эканини бошқалардан кўра яхшироқ билади. Лекин билишлари зулму залолатдан қайтаролмайди. Мана шу икки кунлик дунёни ихтиёр этани боис бор кучлари билан ҳақиқатга тўғаноқ бўлади. Шу вақтда Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} яхуд ва насороларга ўхшаб йўл тутган бундай мараз кимсаларнинг барча иллатларидан воқиф эканини, тисраб ёнувчи жаҳаннам оловлари уларга мунтазир эканини унутади. Холбуки, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} бундай қалби мараз кимсаларнинг ҳеч бир қилмишидан асло ғофил эмас!

Демак, бир нарсанинг аниқ ҳақиқат эканини била туриб, унга қарши чиқиш ёки бировнинг ҳақ йўлда эканини била туриб, унга қарши турли ифвою фитналарни қилиш ҳам яхудийча қилиқ бўлиб, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг азобига гирифтор бўлишга сабаб бўлади.

Бу оят яна бир бор Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг осмонда эканини исботлаб, намоздан бўлак пайтда осмонга қараб Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}га илтижо қилишлик шариатга зид эмаслигини кўрсатмоқда.

Ақсар қорилар **يَعْمَلُونَ** – **улар қилаётган** калимасини **ي** ҳарфи билан ўқиганлар. Ҳамза ибн Ҳабиб ва Ал-Кисойй бу калимани **ت** ҳарфи билан ўқиганлар. Бу қироатга кўра "Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} сизлар, яъни ҳар икки тоифа – мўминлар ва кофирлар қилаётган нарсдан ғофил эмас!" деган маъно чиқади.

وَلَيْنَ آتَيْتَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ بِكُلِّ آيَةٍ مَا تَبِعُوا قِبَلَتَكَ وَمَا أَنْتَ بِتَابِعٍ قِبَلَتِهِمْ وَمَا بَعْضُهُمْ بِتَابِعٍ قِبَلَةَ بَعْضٍ وَلَيْنَ آتَيْتَ أَهْوَاءَهُمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ إِنَّكَ إِذَا لَمِنَ الظَّالِمِينَ ^(١٤٥)

145. Қасамки, агар китоб берилган кишиларга ҳар қанча далил келтирсангиз ҳам қиблангизга эргашинмайди. Сиз ҳам уларнинг қибласига эргашувчи эмассиз! Улар бир-бирининг қибласига ҳам эргашувчи эмас. Агар Сизга келган илмдан кейин ҳам уларнинг хоҳишларига эргашсангиз, унда Сиз, шубҳасиз, золимлардан бўлурсиз!

Эй Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}! Агар Сиз аҳли китобларга ўзингизнинг барҳақ пайғамбар эканлигингизни, Каъбаи Муаззамага юзланиш Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг амри эканини исботловчи қатъий далилларни келтирсангиз, бу далиллар уларнинг китобларидан бўлса ҳам, Сизга эргашмайди ва қиблангизга юзланмайди! Чунки уларнинг Сизга ёки қиблангизга эргашмаслиги ҳужжат етишмаслиги сабабли эмас! Ёки Сиздан бирон далилга суяниб юз ўгиришган ҳам эмас! Сизнинг ҳақлигингизни аниқ билишган! Бироқ қалбларига ўрнаб кетган кибр-ҳаво ва ҳасад туфайли Сиздан юз ўгиришган! Шундай экан, бундай қалби бузуқ кимсаларга ҳужжатлар фойда бермайди! Шуни ҳам билингки, Сиз ва Сизга эргашган мусумонлар Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} сизлар учун ихтиёр этган қиблани қўйиб, уларнинг қибласига асло эргашувчи эмассиз!

Гарчанд яҳуд-насоролар Сизга душманлик ва ҳасад қилишда бир бўлса ҳам, аслида, улар ўзаро бир эмас! Балки бири бошқасини куфрга нисбатлаб, адашганликда айблайди! Сизга, қиблангизга эргашмагани билан ўзаро ихтилоф ва адоватлар сабабли яҳудлар насороларнинг қибласига, насоролар яҳудларнинг қибласига эргашмайди! Лекин Исломга қарши курашда ўзаро низоларни унутиб, сизларга кулфат етказиш йўлида баҳамжиҳат иш юритишди!

Эй Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}! Ҳақ ошкор бўлди! Қуръони Карим нозил бўлди! Шариат аҳкомлари баён қилинди! Ислом Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} ихтиёр этган дин эканлиги аниқ бўлди! Раббингиз Каъбаи Муаззаманинг қибла бўлишини ихтиёр этди! Мана шу ҳақиқат илмидан кейин, фаразан, Сиз уларнинг хоҳишларига, бузуқ ақидаларига, гумроҳлик сари етакловчи йўлларига, ботил маслакларига эргашсангиз, ҳеч шубҳасиз, золимлардан бўлурсиз!

"Аҳли китобларга бирон мўъжиза ё далил келтирилганда, Исломни қабул қилармиди", деган фикр келаётган пайтда Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} "Аҳли китобларга динингизнинг ҳақлигига далил бўлган барча ҳужжатларни уларнинг ўз китобидан келтирсангиз ҳам эргашмайди", демоқда. Зотан, ҳақиқатни излаган, ҳаққа эргашмоқчи бўлган кишига ҳеч қандай мўъжизанинг ҳожати йўқ.

Росулуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} ни Байтул Макдисга қайтариш учун яҳудлар "Агар Муҳаммад қибламизда барқарор турганида, биз кутаётган пайғамбар бўлиши мумкин эди", дейишди. Шунда Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} Росулуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га хитобан "Сиз ва Сизга эргашган мусумонлар Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} сизлар учун ихтиёр этган қиблани қўйиб, уларнинг қибласига асло эргашувчи эмассиз!" дея яҳудларнинг навбатдаги фитналарини фош қилди.

Мана бу оят мўмин киши ҳақни билганидан кейин унда сабот билан туриши лозимлигига ишора қилиб, Исломга киришдан бўйин товлаган аҳли китоблар ва ўшалардек ҳаққа бўйин эгишдан юз ўгираётган кимсаларнинг ҳавосига эргашшдан қаттиқ огоҳ этмоқда. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} оятдаги танбиҳнинг ғоят муҳимлигини ифода этиш учун бўлса керак, хитобни бутун оламга раҳмат қилиб юборилган саййидул башар Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га бевосита қаратди. Қолаверса, Қуръони Каримнинг бошқа ўрнида биз мўминларни яҳуд-насороларга эргашиб кетишдан, уларга тақлид қилишдан қаттиқ огоҳ этади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَىٰ أَوْلِيَاءَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٌ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

المائدة: ٥١

Эй иймон келтирган кишилар! Яҳуд ва насороларни дўст тутманглар! Уларнинг баъзиси баъзисига дўстдир! Сизлардан ким улар билан дўст тутинса, унда у ўшалардан! Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят қилмайди! (Моиди сураси, 51 – оят)

Демак, ҳақ келганида, аломатлари зоҳир бўлганида ҳаққа иймон келтирмоқ, ҳақ тарафидаги кишиларга эргашмоқ лозим. Мўмин киши ҳақ йўлни ўзгарувчан хоҳишларга алмаштирмаслиги, яҳуд-насоролар хоҳишини ўзига ўлчов қилмаслиги керак. Ҳақни билгандан сўнг ботил томон юз ўгириб, ҳавога эргашиб ўзига ва ўзгаларга зулм қилиш демакдир. Бинобарин, ҳақни ботилдан ажрата билган, шунга қарамай ботилни афзал кўрган кимса золимдир. Ислом ҳақиқатини, шариат аҳкомларини, Қуръони Каримни билган кишининг ўзгалар хоҳишига қараб кетиши ўта аянчлидир. Чунки, залолат аҳли эргашаётган нарса ҳаводан бошқа нарса эмас. Зеро, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг ҳузуридан бўлмаган ҳар қандай нарса ҳаводир. Бинобарин, Ислом шариатидан ўзга нарсаларга эргашаётганлар фақат ҳавога эргашмоқда.

Шунингдек, яҳуд-насоролар ҳавосига эргашиб ила бидъат аҳлининг ҳавосига эргашиб орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Балки бидъаткор тоифаларнинг хоҳишига эргашган кимсадан Исломга келаётган зиён баъзида аҳли китоблар хоҳишига эргашган кимса томонидан келаётган зиёндан каттароқ бўлади.

Хаётда бидъаткор тоифалар истагига эргашганлар кўп. Уларнинг баъзиси ғирт билимсиз бўлса, баъзиси илмдан бохабар. Илмдан хабари борларини одамлар "Ҳақни гапиради, тўғри йўлга бошлайди", деб билади. Ҳолбуки, бундайлар одамларни илм билан адаштиради. Ҳақни билган, бироқ ўзининг ё ўзгаларнинг ҳавосига эргашган бунақанги "олим"лар Қиёматга ўзиникидан ташқари эргаштирган қавмларининг гуноҳини ҳам олиб кетишаётир. Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} Қуръони Каримда бундай кимсалар ҳақида марҳамат қилиб, шундай дейди:

﴿ أَفَرَأَيْتَ مَنِ اتَّخَذَ إِلَهَهُ هَوْنَهُ وَأَصْلَهُ اللَّهُ عَلَىٰ عَمْرٍۭ وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِ وَفَلَيْهِ ۖ وَجَعَلَ عَلَىٰ بَصَرِهِ غِشَاوَةً فَمَن يَهْدِيهِ مِنۢ بَعْدِ اللَّهِ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴾

﴿ الجاثية: ٢٣ ﴾

Ҳавосини ўзига илоҳ қилиб олган, Аллоҳ уни билган ҳолида адаштирган, қулоғи ва қалбини муҳрлаган, кўзига парда тортган кимсани кўрмайсизми?! Аллоҳ адаштирганидан сўнг уни ким ҳидоят қила олур?! Ибратланмайсизларми?! (Жосия сураси, 23 – оят) Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} бизни охиратини бой берган мана шундай бахтсизлар қаторида бўлишдан Ўзи сақласин!

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ خَرَجَ عَلَيْنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا فَقَالَ غُرِضَتْ عَلَيَّ الْأُمَمُ فَجَعَلَ يَمُرُّ النَّبِيَّ مَعَهُ الرَّجُلُ وَالنَّبِيُّ مَعَهُ الرَّجُلَانِ وَالنَّبِيُّ مَعَهُ الرَّهْطُ وَالنَّبِيُّ لَيْسَ مَعَهُ أَحَدٌ ^{رواه البخاري}

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{ровияллоҳу} ^{анху} ривоят қилдилар: *Бир кун Пайгамбар ^{соллаллоҳу} ^{алайҳи ва} ^{саллам} бизнинг олдимизга чиқиб менга умматлар кўндаланг қилинди. Баъзи пайгамбарлар бир киши билан, баъзи пайгамбарлар икки киши билан, баъзи пайгамбарлар бир қанча кишилар билан, баъзи пайгамбарлар ёлғиз ўзи ўтдилар... дедилар (Имом Бухорий ривояти)*

Мазкур ҳадисдан пайгамбарлар халқларга Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}нинг динини етказишда сусткашлик қилган, деган фикр келиб чиқмайди. Бундай фикрга боришдан Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}нинг Ўзи асрасин! Бунинг боиси шуки, пайгамбарлар Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}нинг рисолатини етказишда ҳеч кимнинг хоҳишига эргашмаганлар. Одамларнинг қулоқ тутмагани учун ҳақни бузмаганлар. Рисолатни замонасидаги золим ва фосиқларнинг ҳавосига мос қилиб ўзгартирмаганлар. Дунёда ёлғиз қолсалар ҳам ҳақиқатга заррача хиёнат қилмаганлар.

Сизга келган илмдан кейин деб, сўнг динига демасдан **хоҳишларига** дейилиши, айниқса **уларнинг хоҳишларига эргашсангиз, унда Сиз шубҳасиз золимлардан** бўлурсиз деб хитоб қилиниши инсон этини титратиб, қалбини ларзага солади. Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} юборган шариатга, Қуръони Каримга қарши бўлганлар ҳавосига башарият саййиди, оламлар Тарбиятқунандасининг суюкли бандаси Муҳаммад ^{соллаллоҳу} ^{алайҳи ва} ^{саллам} эргашса золимлардан бўлса, қолганларнинг ҳоли нима кечаркин?! Эғнида исломий либослар билан динини, халқини, сотиб, яҳуд-насороларнинг куфр йўлларига даъват этаётганлар ҳам шу оятни билармикин?! Исломни қўйиб, яҳуд-насороларнинг мафқураларини татбиқ этишга чақираётган кимсаларнинг ҳар қандай истагини дин номидан маъқуллаётган "дин арбоблари" Охиратини ўйламасмикин?! Яҳуд-насоролар макрига ўйнаб, динидан кўра дунёсини афзал кўрган, бидъат ва залолат аҳлининг ҳар қандай хоҳишларига қуллук қилаётган "олимлар" эртага Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}га рўбарў бўлишдан кўркмасмикин?!

Аҳли китобларнинг Каъбаи Муаззамага эргашмаслиги феъли гап билан келтирилган. **Сиз уларнинг қиблаларига эргашувчи эмассиз** жумласининг отга оид гап бўлиб келиши, **ب** ҳарфи кўмагида рад қилиниши эътиборлидир. Араб тилида от туркумидаги гап «Ифодаи истимрор»ни ифодалаб, қайтаришнинг том маъносини, яъни "Сиз аҳли китобларга ҳеч қачон эргашмайсиз", деган маънони билдиради. Бу нарса мусулмон кишининг ботил аҳлига нисбатан тутиши лозим бўлган ўринни ҳам кўрсатиб беради².

﴿ الَّذِينَ آتَيْنَهُمُ الْكِتَابَ يَعْرِفُونَهُ، كَمَا يَعْرِفُونَ أَبْنَاءَهُمْ وَإِنَّ فَرِيقًا مِّنْهُمْ لَيَكْتُمُونَ الْحَقَّ وَهُمْ يَعْلَمُونَ ﴾ ^{١٤٦}

146. Биз уларга китоб берган кишилар уни ўз ўғилларини танигандек танишади. Албатта, улардан бир гуруҳи ҳақни била туриб беркитишади.

Эй мўминлар! Яҳуд-насоролар Муҳаммад ^{соллаллоҳу} ^{алайҳи ва} ^{саллам}нинг барҳақ пайгамбар эканини, Каъбаи Муаззаманинг қибла этиб тайинланиши Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}нинг амри эканини билишади! Билганда кандоқ! Ҳудди ўз ўғилларини билганидек билишади! Бироқ ҳақиқатга бўйин эгишдан бош

¹ Маълум бир ишнинг тўхтовсиз ва давомий суратда бўлишини ифода этиш усули

² Ушбу оятнинг тафсирини ўрганишда суранинг 120 – ояти тафсирига қайта мурожаат қилиш тавсия этилади.

тортган, кибр ва ҳасад эгарига минган бир тоифа аҳли китоблар Муҳаммад ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}нинг Таврот ва Инжилдаги сифатларини яширади!

Аҳли китоблар Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}нинг барҳақ пайғамбар эканини, ул зот олиб келган Ислонинг ҳақ дин эканини аниқ билади. Улар Таврот ва Инжилда келган Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ} ҳақларидаги башоратни, ул зотнинг сифатларини ўқиб, ўша белгилар орқали Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}ни таниган. Шунингдек, Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО}нинг Каъбаи Муаззамага қараб юзланишга буюргани ҳам уларга маълум. Уларнинг билишлари шу даражадаки, ўз фарзандларини қандай билишса, Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}нинг пайғамбарлигини, Ислон шариатининг ҳақиқат эканини ҳам шу даражада билишади. Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}ни, Куръони Каримни, ҳақни билмасликка уларда ҳеч қандай узр, ҳужжат йўқ. Лекин яҳуд-насороларнинг олим ва пешволаридан бир гуруҳи ҳақиқатни тан олмайди. Ошкор этиш ўрнига турли макрлар билан бошқалардан яширишга уринади.

Ислонни, шариат аҳкомларини, Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}нинг суннатларини билган, аммо мол-дунё ва сохта обрўлардан айрилиб қолишдан қўрқиб яшираётган, бу ҳам етмаганидек, ҳақни ошкор этишга ҳаракат қилаётган кишиларга тилию амали билан тинимсиз зарар етказаётган, уларни "Ислондан эмас", деб сайраётган "олимлар" ҳам кимларга ўхшаб қолаётганини билиб қўйсин! Ҳақиқатни айтмагани қолиб, уни яширишга уринаётган яҳуд-насороларнинг куфр, ботил йўлларига мусулмонларнинг юриб кетиши жуда ачинарли! Аҳли китобларнинг бемаъно манҳажларидан қайтараётган, Ислон ҳақиқатига, Китобу Суннат йўлига чакираётган солиҳ кишиларга эғнида ислоний либослар билан диний лавозимларда туриб, қаршилиқ қилиш ундан ҳам ачинарли!

Ҳозирда ҳам Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО}га банда бўлиш ўрнига шайтонга, нафсига ва золимларга қул бўлганлар бисёр. Улар Ислон ҳақиқатини одамларга ошкор айтиб, Китобу Суннат йўлига даъват этгани туфайли мазлум ё маҳбус бўлиб, бошида бўхтон ва зулм калтаклари синаётган кишиларнинг тутган йўлию айтаётган сўзи айни ҳақиқатлигини аниқ билади. Шунингдек, ҳақиқат аҳли номига ёғдирилаётган нарсалар бўхтон ва иғво эканини, ҳақ фақат Аллоҳу Росулига эргашган кишилар томонида эканини ҳам билади. "Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО}дан ўзга илоҳ йўқ! Муҳаммад ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ} Унинг бандаси ва ҳаққа бошловчи пайғамбари", деган сўзда содик турганлар золимлар зулми остида ҳаёт кечираётганини ҳам кўриб туради. Шундай бўлса ҳам ҳақиқатни ошкор қилишга дунё ва сохта обрўларга бўлган хирслари йўл бермайди.

Куръони Карим ниҳоятда эҳтиёткорлик билан *улардан бир гуруҳи* дея Нажоший ва Абдуллоҳ ибн Салом ^{РОЗИЛОРУ АНУ} каби Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}га иймон келтирган кишилар ҳақни яширган аҳли китоблар қаторида эмаслигига ишора қилиб кетмоқда.

Бу оят одамлардан ҳақни яшириш, рўй-рост айтишга монъелик қилиш яҳудийча қилиқ бўлиб, олим киши ҳақиқатни ошкор айтувчи бўлиши лозимлигига ишора қилмоқда.

الْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ فَلَا تَكُونَنَّ مِنَ الْمُمْتَرِينَ ﴿١٤٧﴾

147. Ҳақиқат Раббингиз тарафидандир. Шундай экан, ҳаргиз шубҳаланувчилардан бўлманг!

Эй Муҳаммад ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}! Сизнинг пайғамбарлигингиз, Сизга нозил бўлган эзгу амаллар ва абадий саодат сари етакловчи Куръони Карим ҳамда мутлақ адолатли ҳукмлар мажмуаси бўлиши Ислон шариати – Раббингиз тарафидан юборилган қатъий ҳақиқатдир! Бу ҳақда ҳаргиз иккиланманг! Шунингдек, яҳуд-насоролар Сиз олиб келган тавҳид рисолатининг айни ҳақиқат эканини била туриб яшираётганига ҳам асло шубҳа қилманг!

Ислонни қўйиб, ҳақиқатни яҳуд-насоролар йўлидан излаётганлар, дин душманларининг ёлғон сўзларини, ёвуз қилмишларини маъқул санаётган "дин арбоблари" билиб қўйсин! Фақат Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО} юборган нарсасига ҳақиқат манбаидир! Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО}нинг шариатини ҳаётдан суриб, Ислонга зид бўлган тузумларга, яҳуд-насороларнинг бемаъно манҳажларига, бузуқ йўриқларига эргашганлар айтаётган "ҳақиқатлар" ботил ва куфрдан бошқа нарса эмас!

Куръони Карим Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО}нинг каломи. Муҳаммад ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ} барҳақ пайғамбар. Каъбаи Муаззама томон юзланиш Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО}нинг амри. Аҳли китоблар мазкур ҳақиқатни аниқ биларди. Бироқ ҳақиқатни қабул қилишга қалбларига ўрнаб кетган кибр ва ҳасад йўл бермас эди. Яҳуд-насороларнинг ҳақни қабул қилмаслиги Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}ни баъзан ғамга соларди. Шундай пайтда Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ТАҒОЛО} ўз пайғамбарига шу мазмундаги оятларни нозил қилиб тасалли берарди. Росулulloҳ ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}га тасалли тарзда нозил этилган шу каби оятлар Муҳаммад ^{СОЛДЛОРУ АЛАҲИ ВА САЛҲАМ}га эргашган, Ислонни олий қилишни мақсад қилиб, куфр, нифок, бидъат ва зулм аҳли билан курашаётган ва шу йўлда золимларнинг макрига, бидъаткор, мунофиқ кимсаларнинг турли азиятига рўбарў

бўлаётган ҳақиқат аҳлига ҳам тасалли бериши керак. Мўминлар шу мазмундаги оятлардан руҳий озуқа олиб, ҳақиқат учун бўлган курашда ортга чекинмасдан собитқадамлик билан олға боришлари лозим.

Даъват йўлида камарбаста бўлган мусулмон киши ҳам баъзан мана шу каби илоҳий хитобга муҳтож бўлади. Ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, Исломга қарши курашиб, мусулмонларга тинимсиз кулфат етказётган золимларнинг, зулм ва фасод ишларда уларга кўмак бераётган мунофиқларнинг куч-қудрати, зўравонлиги, бойлигу имконияти зоҳирда кун сайин зиёда бўлади. Ислом учун курашаётган киши эса ўз юрти, маҳала-кўйи, қариндош-уруғи, ҳатто оиласида ҳам яккаланиб, гоҳида меҳрибон ота-онаси ҳам ундан юз ўгиради. Ҳақиқатни билган айримлар озгина мол-дунё ёки сохта обрўларни деб ҳақ аҳлига қарши чиқади. Унга қарши бошқаларни ҳам гижгижлайди. Атрофида кўмак берадиган ҳеч кими қолмаган мўмин кишининг қалбида инсоний заифлик туйғуси уйғониб, "Мен чақираётган йўл тўғримикин? Мен ҳақ йўлдамикинман?" деган ҳаёл келиши мумкин. Ҳақда туриб, ҳаётга Аллоҳу Росулнинг йўлини татбиқ этишга даъват этаётган мўмин киши шу вақтда Қуръони Каримнинг қуйидаги оятини ёдга олиши лозим. Зотан, Қуръони Каримнинг шу мазмундаги оятлари, Росулulloҳ ^{соллаллоғу алайҳи ва саллам} ҳамда саҳобалар тарихи мўмин кишининг иймонини чархлаш билан бир қаторда унинг қалбига ҳам шифо, ҳам малҳам бўлади:

﴿ إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ثُمَّ لَمْ يَرْتَابُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أُولَٰئِكَ هُمُ الصَّادِقُونَ ﴾ ¹⁵ الحجرات: ١٥

Аллоҳга ва пайғамбарига иймон келтирган, сўнг шубҳа қилмаган ва Аллоҳнинг йўлида молларию жонлари билан курашган кишиларгина мўминдирлар. Ўшаларгина иймонида содиқ кишилардир. (Хужурот сураси, 15 – оят)

Мунофиқларнинг фитналари, золимларнинг ҳар қандай зулми мусулмон кишининг қалбида Китобу Суннат йўлининг ҳақлигига, Исломнинг галабасига нисбатан шубҳа уруғини сочолмаслиги даркор. Ислом учун бўлган курашда етган барча машаққатни имтиҳон деб қабул этиб, ҳақиқат йўлидаги ҳаракатида давом этиши лозим. Шундагина "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад ^{соллаллоғу алайҳи ва саллам} Унинг барҳақ пайғамбари", деган сўзида содиқ қолиб, ҳақиқий мўминлар қаторидан жой олади.

﴿ وَلِكُلِّ وُجْهٍ هُوَ مُوَلِّيًا ۖ فَاسْتَغْفِرُوا الْحَيْرَةَ ۗ أَيْنَ مَا تَكُونُوا يَأْتِ بِكُمْ اللَّهُ جَمِيعًا ۗ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴾ ¹⁴⁸

148. Ҳамманинг унга юзланадиган ўз тарафи бор. Шундай экан, яхшиликларга шошилинг! Қаерда бўлманг, Аллоҳ сизларнинг барчангизни ҳисоб-китоб учун келтиради! Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага Қодирдир!

Хоҳ ҳақ, хоҳ ботил бўлсин, ҳар бир тоифанинг ўзи ихтиёр этган хос йўналиши бор! Ҳар бир миллатнинг, даввосига кўра, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га юзланадиган тарафи, Унинг "ризоси"га олиб борадиган манҳаж бор! Ҳар бир умматнинг ибодат пайтида юзланадиган ўз тарафи, қибласи бўлган! Гап қибланинг қайси тарафда бўлишида эмас!

Эй мўминлар! Каъбаи Муаззамага юзланмагани, Росулulloҳ ^{соллаллоғу алайҳи ва саллам}га итоат қилмагани боис адашган тоифаларни кўйиб, Аллоҳу Росулига эргашинг! Боболарингиз Иброҳим ^{алайҳис салом}нинг қибласига ҳидоят қилгани учун Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га беҳисоб шукур қилинг! Дунёда қилинган яхшию ёмон ҳар бир ишнинг жазо ва мукофотлари бериладиган Ҳисоб куни бор! Қаерда ва қай ҳолатда бўлманг, ўлгандан кейин жасадингиз денгизнинг қаърида қоладими ё тоғнинг чўққисига кўмиладими ё бирон йиртқичга ем бўладими Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}, албатта, жамлайди! Турар жойнинг ҳар қаердалиги, масофаларнинг узоклиги, умуман ҳеч нарса Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}ни ожиз қилолмайди! Ҳеч ким ва ҳеч нарса Унда ғойиб бўлолмайди!

Ўша куни адолат билан ҳисоб-китоб қилиш учун Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} барчангизни жамлаб, амалингизга кўра мукофот ё жазо беражак! Бу кунда сизларга фақат яхши амалларингиз фойда бериши мумкин, холос! Шундай экан Ислом кўрсатган эзгу амаллар сари шошилинг! Турли хил фитналарга чалғимасдан савоб олишга ошиқинг! Ҳаққа бўйин эгишига умид қолмаганлар билан тортишишдан кўра солиҳ амалларга шошилиш фойдалироқ! Шарият савоб деган амалларни қилишга ҳарис бўлинг! Дунё ва Охиратдаги саодат ва нажот калити шудир! Сохта обрў ва арзимас мукофоту унвонларга алданиб, Охират учун дастурхон ҳозирлашни унутманг! Билингки, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ҳар бир нарсага, жумладан, чириб, йўқ бўлиб кетган суякларга қайта жон бахшида этишга Қодирдир!

Хар бир миллатнинг юзланадиган ўз тарафи, йўналиши ва манҳажи бор. Яҳудларнинг ўз қибласи ва манҳажи, насороларнинг ҳам ўз қибласи ва манҳажи бор. Муслмонларнинг ҳам Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} таъйин этиб берган ўз қибласи, манҳажи бор. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Куръони Каримнинг бошқа бир ўрнида бу ҳақда марҳамат қилади:

﴿لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَجَعَلَكُمْ أُمَّةً وَاحِدَةً وَلَكِنْ لِيَبْلُوَكُمْ فِي مَا آتَاكُمْ فَأَسْتَبِقُوا ۗ الْخَيْرَاتِ ۗ إِلَى اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُنَبِّئُكُمْ بِمَا كُنتُمْ فِيهِ تَخْتَلِفُونَ ﴿٤٨﴾ المائدة: ٤٨﴾

Эй одамлар! Сизлардан ҳар бир уммат учун алоҳида шариат ва йўл қилиб бердик! Агар Аллоҳ хоҳлаганида сизларни бир уммат қилган бўлур эди. Лекин сизларга берган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун бундай қилмади. Шундай экан, яхшиликларга шошилинг! Барчангизнинг қайтадиган жойингиз фақат Аллоҳнинг ҳузуригадир. Ўшанда У сизларга келишолмаган нарсаларингизнинг хабарини берур. (Моид сураси, 48 – оят)

Ҳаётдаги муҳим нарса шуки, инсон Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} буюрган тарафга юзланиб, ибодат қилиши керак. Ислом шариатини маҳкам тутиб, ҳаётига татбиқ этиши ва бошқаларни ҳам шунга даъват этиши даркор. Охиратга ҳозирлик кўриб, Ислом савоб деб кўрсатган амалларни қилишга шошилиши лозим. Зотан, Ислом дини кўрсатган фарз, суннат ва нафл каби ибодатларга шошилиш – Охиратдаги нажотга интилиш демакдир.

Дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Зўравон, бадавлат, туғёнкор кимсалар бошқаларга зулм қилиб ҳаёт кечирishi мумкин. Қонун ва адолат посбонлари билган ҳунарларини кўрсатиб, оддий бечораҳол кишиларни талаб ўтиши мумкин. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг динини олий қилишни мақсад қилган чин муслмонлар ҳаётда золиму мунофиқлар зулми остида хўп хўрланиши мумкин. Лекин бу ҳол абадий давом этмайди! Бир кун келиб ҳаёт тугайди. Шунда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бани Одамни тўплайди. Бу тўплаш шунчаки эмас, балки:

﴿لِيَجْزِيَ الَّذِينَ أَسْتَوُوا بِمَا عَمِلُوا وَيَجْزِيَ الَّذِينَ أَحْسَنُوا بِالْحُسْنَى ﴿٣١﴾ النجم: ٣١﴾

Ёмонлик қилган кимсаларни қилган нарсалари сабабли жазолаш ва яхшилик қилган кишиларни яхшилик билан мукофотлаш учун... бўлади. (Нажм сураси, 31 – оят)

Ушбу оят ҳаққа эргашишдан бўйин товлаётганлар билан мунозара қилишдан кўра ибодатга, солиҳ амаллар сари шошилиш фойдалироқ эканига ишора қилмоқда. استبقوا – шошилинг калимаси эътиборга моликки, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бу калима билан гўё "Эй мўминлар! Қиёматга ҳеч қанча вақт қолгани йўқ! Шариат кўрсатган эзгу амаллар кўп! Уларни қилишга шошилмоқ керак! Йўқса, фурсатни бой берасиз!" дегандек бўлади.

﴿وَمَنْ حَبِطُ حَرْجَتَ قَوْلٍ وَجْهَكَ سَطَرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَإِنَّهُ لَلْحَقُّ مِنْ رَبِّكَ وَمَا اللَّهُ بِغَفِيلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ﴿١٤٩﴾﴾

149. Қайси тарафдан чиқсангиз ҳам юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! У, шубҳасиз, Раббингиз тарафидан буюрилган ҳақиқатдир! Аллоҳ сизлар қилаётган нарсалардан гофил эмас!

Эй Муҳаммад ^{салаллаҳу алайҳи ва салем}! Қаерда сафарда бўлсангиз, қайси шаҳардан чиқсангиз, намозда юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! Бу Раббингиз томонидан ваҳий қилинган қатъий ҳукм бўлиб, унга барчанинг итоат этиши лозим. Барчангиз Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг назорати остидасиз! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} солиҳ амалларингиздан ҳам, гуноҳларингиздан ҳам ғафлатда эмас! Қиёмат куни амалларингизга кўра мукофот ё жазо беради!

Демак, намозда Масжидул Ҳаром томонига юзланиш умумий қоида бўлиб, бу ҳукм бирон замон ёки маконга хос эмас. Қачон ва қаерда бўлишдан қатъиназар, фарз намозларда Каъбаи Муаззама томонга юзланиш мусофирга ҳам, муқимга ҳам бирдек фарздир.

"Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} қилаётган ҳеч бир амалимдан гофил эмас. Мен туну кун ҳамиша Унинг назорати остидаман", деган эътиқодни қалбга жо қилиш гоят муҳимдир. Мазкур эътиқод қалбида мустаҳкам ўрнаган киши ўзига ҳам, бошқаларга ҳам наф келтиради. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг назоратига иймони бўлмаган кимса ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам ўта хавфли бир махлуққа айланади. Бундай кимсани ёмонликдан ҳеч қандай назорат муассасалари, уларнинг "адолатли" чоралари тўсолмайди. Бугунги ҳаётимиз бунинг яққол мисолидир.

وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ ۚ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ ۚ إِنَّهَا لَكُنَّ لِلنَّاسِ عَلَيْكُمْ حُجَّةٌ إِلَّا الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْهُمْ فَلَا تَحْشَوْهُمْ وَاخْشَوْنِي ۚ وَلَا تَمِمْ عَيْتَكُمْ وَعَلَّامِكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٠﴾

150. *Қайси тарафдан чиқсангиз юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! Одамлар учун сизларга қарши ҳужжат бўлмаслиги учун – улардан зулм қилган кимсалар бундан мустасно. Улардан қўрқманглар, Мендангина қўрқинглар! – Сизларга неъматимни мукамал қилишим ҳақда сизлар ҳидоят топишларингиз учун қаерда бўлсаларингиз юзларингизни унинг тарафига буринглар!*

Эй Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}! Қаерда бўлманг, қайси тарафдан сафарга чиқманг, намозда юзингизни фақат Масжидул Ҳаром томонига буринг! Тоинки, яҳуд-насоролар динларининг тўғрилигига Байтул Макдисга юзланишингизни ҳужжат қилмасин! Эй мўминлар! Қаерда бўлсангиз, юзларингизни Масжидул Ҳаром томонига буринг! Токи, сизларни боболарингиз Иброҳим ^{алайҳис салом} нинг қибласига йўллаб, энг мукамал шариятни насиб этиб, неъматимни камол топтирай!

Ҳеч қандай далил-исботларни қабул қилмайдиган, ҳақиқатни тан олмайдиган, ҳавосига қул бўлиб, зулм эгарига минган, бирон далилсиз Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} нинг шарияти ҳақида тортишадиган хусуматгўй золимлар ҳам бор! Улар Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} нинг изнисиз фойда ҳам, зиён ҳам етказолмас! Эй мўминлар! Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} хоҳлаганидан бошқа ҳеч вақо қўлидан келмайдиган ўшандай золимлардан, уларнинг зулму макридан асло қўрқманг! Улар ҳам сизлар каби ожиз ва нотовон инсон бўлиб, қўрқишга ҳеч лойиқ эмас! Ўшалардан қўрқиб, иймонингиздан, динингиздан, пайғамбарга эргашишдан, ҳақда туришдан воз кечманг! Ўшаларнинг истагига қараб, Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} нинг розилигига қарши иш тутманг! Ҳар хил тухмат, бўҳтон ва найрангларига парво қилманг! Билингим, золимлардан қўрқмаслик тилда айтиш билангина эмас, балки Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} га осий бўладиган шариятга зид гуноҳ ишларга, чорласа, итоат қилмаслик билан, Мендан қўрқиш эса гуноҳлардан тийилиш ва солиҳ амалларни кўпайтириш билан бўлади! Шунга кўра буйруқларимни бажариб, қайтарикларимдан қайтиб, Қиёматдаги улкан даҳшатли азобларимдан қўрқинг! Зеро, Мен ҳамманинг яхшию ёмон барча амалини кўриб тураман ва Қиёмат куни амалига қараб мукофот ё жазо бераман!

Аҳли китоблар "Муҳаммад динимизга қаршию қиблаимизга қараб ибодат қилади. Китобимизда хабари келган сўнги пайғамбар Иброҳимнинг қибласига қараб ибодат қилади, дейилган. Муҳаммад эса бизнинг қиблаимизга қараб ибодат қилмоқда. У Тавротда айтилган пайғамбар эмас", деди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} Байтул Макдисдан Каъбаи Муаззама томон бурилганларида яҳудларнинг ҳужжатлари чипшакка чиқди. Шундай бўлса-да, улар қалбига ўрнаб кетган гина-кудурат, зулм ва адоват ундовида "Туғилган жойи ва қавмининг динига бўлган муҳаббат ва мойиллик Муҳаммаднинг қиблаимиздан Каъба томон бурилишига мажбур этди. Йўқса, ўтган пайғамбарларнинг қибласини тарк қилармиди?" дейишди. Мушриқлар эса аввалда "Муҳаммад Иброҳимнинг динидан дейдию Каъбани қўйиб, аҳли китобларнинг қибласига юзланган ҳолда ибодат қилади", деди. Кейинроқ Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} нинг амрига мувофиқ Каъбаи Муаззама томон бурилганларида, "Муҳаммаднинг қиблаимизга қайтиши тез кунда динимизга қайтишидан нишона", дейишди.

Аллоҳу Росулига муҳаббатни даъво қилган ҳар қандай киши ўзини ҳақдаман, деб даъво қилади. Бироқ бундай даъволарнинг рост-ёлгонлиги ҳаққа қарши қора кучлар пайдо бўлгандагина билинади. Бундай соатда ҳақпарвар кишилар ботил аҳлидан қўрқмаслигини изҳор қилиб, ҳақни, эътиқодини ҳимоя қилади. Зарурат бўлса, шу йўлда молу жонини қурбон қилади. Шундай пайтда Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} нинг **улардан қўрқманглар! Мендан қўрқинглар** деган сўзини ёдда тутган ҳолда собитқадамлик билан ўз йўлида давом этади. Ҳақдан ботил томонига заррача силжимамайди. Қалбини Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} дан ўзгандан қўрқиш иллатидан поклайди. Ўрнига Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} нинг ёлғиз ўзидан қўрқиш фазилатини ўрнатади.

Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} "Золимлардан қўрманглар! Мендан қўрқинглар!" деб биз, мўминларга хитоб қилмоқда! Биз, мусулмонлар бу илоҳий хитобга кулоқ тутдикми?! Биз кимдан қўрқиб яшаймиз?! Раббимиз "Улардан қўрқманглар!" деган туғёнкор золимлардан қўрқиб, динимизни, эътиқодимизни, ҳақ йўлимизни ташлаб, ортга чекиняпмиз-ку! Золимларнинг ҳайқириқлари, ўткинчи макру дўк-пўписалари бизни ваҳимага солмоқда! Зулм аҳлининг биродарларимиз, яқинларимизга ўтказган жабру тазйиқлари бизни эсанкиратмоқда! Қўрқиш лозим бўлган, "Мендан қўрқинглар!" деб амр этган Зотдан қўрқмаяпмиз! Унинг буйруқларини мукамал адо этмаяпмиз! Қайтарганларидан батамом қайтмаяпмиз! Золимларнинг молимиз ё жонимизга етказиши мумкин бўлган кичик зараридан ҳадик қилиб, ўзимизни Қиёматнинг улкан азобларига рўбарў қилипмиз! Шу тарзда ҳаёт кечирсак, биз Аллоҳ ^{субҳанаву ва таъоло} нинг неъматига, Унинг ҳидоятига эриша олмаймиз!

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг китобидан, Росулulloҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам}нинг суннатларидан гапирилганда, тан олмайдиган, шариатдаги очиқ ҳужжатлар рўбарўсига ота-бобосини кўядиганлар ҳам бу оятга эътибор берсин! Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг ҳужжатларини қабул қилмайдиган, ҳаққа бўйин эгмайдиган кимсаларни Раҳмон ^{субҳанаху}_{ва таъоло} ўзига **зулм қилган кимсалар** деб атамоқда.

Исломнинг аввалида Байтул Макдиснинг қибла бўлиб туришида ўзига хос бир ҳикмат бўлган. Маълумки, Исломнинг илк кунларида Каъбаи Муаззама мушриклар ҳукмронлиги остида бут-санамларга тўла эди. Мўминларни ширк маразидан узоқлатиш учун бўлса керак – валлоҳу ʼалам – Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} дастлаб Каъбаи Муаззамани кўйиб, тавҳид, рисолат каби тушунчаларга мушрикларга нисбатан бир мунча яқин бўлган аҳли китоблар қибласи бўлмиш Байтул Макдисга юзланишга буюрди. Байтул Ҳаромни бутлардан, ширк маразидан поклаш ва мушриклар ҳукмронлигидан озод этиш пайти келганида ширк салтанати заволининг белгиси сифатида Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} Росулulloҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам} бошчилик мўминлар жамоасини Каъбаи Муаззамага юзлантирди.

Қайси тарафдан чиқсангиз ҳам юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! Росулulloҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам}га қаратилган мазкур буйруқ ёнида мўминларга қарата **қаерда бўлсаларингиз, юзларингизни унинг тарафига буринглар** деб хитоб қилиниши Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг Ислом умматига кўрсатган алоҳида эҳтимомидир. Қолаверса, мўминларнинг ягона қиблага юзланиб ибодат қилиши ҳам улкан бир неъматдир. Бошқа миллатлар парокандалик ва турли низолар қурбони бўлиб турганда, тили, ранги, жинси ва ёши ҳар хил бўлган мусулмонлардан Ислом уммати вужудга келади ва ягона қибла уларни мақсадлари сари бирлаштиради.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг неъматлари беҳисоб. Инсон бу неъматларнинг аксарини билмай ўтади. Лекин Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг неъматлари ичида энг буюғи – Исломдир. Саҳобалар **неъматимни сизларга мукамал қилиб беришим учун** деган гапнинг маъносини ғоят теран англаб, қадрига етишарди. Жаҳолат ботқоғида ўтказган даврга таққосланганда исломий ҳаёт улар учун бебаҳо неъмат эканини билишар, кун сайин Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг марҳаматлари зиёда бўлаётганини қалбдан ҳис қилишарди.

Каъбаи Муаззама томонига бурилиш ҳақидаги буйруқ суранинг 144, 149 ва 150 – оятларида жами уч марта такрорланди. Муфассир уламолар бу ҳолатни турлича изоҳлашган. Қуйида энг машҳурлари келтирилган:

1) Инсон қибла масаласи Росулulloҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам}нинг истақларига мувофиқ бўлган, деб тушуниб қолиши мумкин. Чунки, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} суранинг 144 – оятида **Сиз унга рози бўладиган қиблага Сизни, албатта, юзлантирамиз** демоқда. 149 – оятда эса **қайси тарафдан чиқсангиз ҳам юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! У, шубҳасиз, Раббингиз тарафидан буюрилган ҳақиқатдир** деб марҳамат қилмоқда. Бу билан Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} гўё "Эй Муҳаммад ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам}! Қибла масаласи фақат Сизнинг истагингизга мувофиқ бўлгани йўқ! Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг амри бандасининг майлига қараб бўлмайди! Балки бу иш Раббингиз тарафидан буюрилган ҳақиқатдир", дегандек бўлмоқда. **Қайси тарафдан чиқсангиз ҳам юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг! Қаерда бўлсангиз юзларингизни унинг тарафига буринг!** 150 – оятдаги бу якуний такрордан мақсад қибланинг Каъбаи Муаззама томонига бурилиши барча замону маконга хос, Қиёмат кунига қадар ўзгармас, умумий ҳукм эканини ифода этишдир.

2) 144 – оятдаги **Сиз унга рози бўладиган қиблага Сизни, албатта, юзлантирамиз** дея марҳамат қилиш билан Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} Росулulloҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам}га ва ул зот орқали Ислом миллатига "Эй Муҳаммад ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам}! Сиз суйган тарафингизга юзланинг! Эй мўминлар! Сизлар ҳам Пайгамбарингиз ирода этган тарафга юзланинг!" дегандек эҳтиром кўрсатган. 148 – оятда **"Ҳаммининг унга юзланадиган ўз тарафи бор"**, деб, сўнг 149 – оятда такрорлаш билан Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} гўё "Эй мўминлар! Сизлар Раббингиз ҳақ деган энг афзал тарафга юзланинг!" дегандек бўлади. 150 – оятдаги якуний такрор қибла ҳақидаги ҳукмда Парвардигори олам билан хусумат қилишга уринган яҳудларга Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло}нинг қатъиятини кўрсатмоқда.

3) Исломда бекор бўлган дастлабки ҳукм бўлгани боис инсондаги шубҳа ва гумонларни кетказиш мақсадида Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} бир неча бор такрорламоқда.

كَمَا أَرْسَلْنَا فِيكُمْ رَسُولًا مِنْكُمْ يَتْلُوا عَلَيْكُمْ آيَاتِنَا وَيُزَكِّيكُمْ وَيُعَلِّمُكُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُعَلِّمُكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ ﴿١٥١﴾

151. **Шунингдек, сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларга оятларимизни тиловат қилиб берадиган ва сизларни поклайдиган ҳамда сизларга Китоб ва Ҳикматни таълим берадиган ва билмайдиган нарсаларингизни сизларга ўргатадиган пайгамбарни юбордик.**

Эй мўминлар! Боболарингиз Иброҳим ^{алайҳис-салом} нинг қибласига юзлантириб сизларга катта инъом кўрсатдик! Шу билан сизларни ташлаб қўймадик! Балки ташқари Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ни пайғамбар қилиб юбордик! У киши сизларга ҳақни ботилдан айириб, оятларимизни тиловат қилиб, ширк, гуноҳ ва бошқа бузуқ хулқлардан поклаб, Қуръони Каримнинг қироати, маънолари, ўтган пайғамбарлар ва умматлар ҳақидаги қиссалар, ҳикмат ҳамда ҳалол-ҳаром каби сизлар билмаган шариат аҳкомларини ўргатадиган Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг элчисидир!

Иброҳим ^{алайҳис-салом} ўғиллари Исмоил ^{алайҳис-салом} билан Каъбаи Муаззамани қуришаркан, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} дан қабул айлашини, авлодларини Унга бўйсунувчи уммат қилишини, бу умматга гуноҳлардан поклаб, Китобу ҳикматни ўргатадиган пайғамбар юборишини сўраган эдилар. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} дуоларини ижобат айлаб, қурган биноларини қабул қилди ва уни "Уйим", дея Ўзига нисбатлаб, Ислом умматининг қибласига айлантирди. Ниҳоят авлодлари ичидан уларнинг кўз олдида ўсиб-улғайган, ўзлари таниб хурмат қиладиган, энг муҳими насаби Каъбаи Муаззаманинг бинокори Иброҳим ^{алайҳис-салом} га тақаладиган Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ни пайғамбар қилиб юборди. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг фазли, қолаверса, ўша пайғамбарнинг саъй-ҳаракати билан Иброҳим ^{алайҳис-салом} нинг авлодларидан фақат Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} га бўйсунувчи диннинг фидокорлари етишиб чикди.

Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} пайғамбар бўлиб келган пайтда худди ҳозиргидек одамлар орасида маъсият ва қабоҳатнинг барча тури кенг тарқалган эди. Арзимас сабаб билан минглаб беғуноҳ қонлар тўкиларди. Бир-бирини талаш, босқинчилик, ўғрилиқ, бузқлик одат тусига кирган эди. Маънавий қашшоқлик шу даражага етган эдики, киши зўрлик билан ўз отасининг аёлига уйланди. Бундан ҳам даҳшатлиси, одамлар фарзандларини боқишдан қўриқиб ўлдиришар, орият қилиб қизларини тирик кўмиб ташларди. Хулоса қилганда, олам ҳозиргидек разолатнинг сўнги нуқтасига етган эди.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} Ўзининг буюк инъомларидан бири – Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ни башариятга сўнги пайғамбар қилиб юборди. У киши билан дин ўз камолига етди. Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} одамларни гўзал хулқлари ва юксак одобларига эргаштириб, жамиятни барча қабоҳатдан покладилар. Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг юксак тарбиялари натижасида саҳобалар ширк, маъсият ва разил хулқлардан тамоман покланди. Жоҳилий эътиқодлар, маъносиз мафқуралар, номаъқул удумлар ва дунё муҳаббатидан бутунлай фориғ бўлдилар. Қалбларидаги ширк тавҳидга, риё ихлосга, хиёнат омонатга, ёлгон ростгўйликка, манманлик хоксорликка, бахиллик саховатга, зулм ва адоват меҳр-оқибатга, жаҳолат маърифатга айланди. Қуръони Карим ва Суннати Набавийя тимсолида замонлар оша эскимайдиган энг мукамал дастурни ўргандилар. Шу боис илму ҳикмат соҳибларига айландилар. Натижада асрлар мобайнида инсоннинг ҳаваси келадиган энг улуғ кишилар юзага келди. Қалби Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг таълим-тарбиялари билан покланган саҳобалар у кишидан сўнг бошқа халқларни ширк ва жаҳолатдан поклаб, тарихда юксак намуна бўлиб қолдилар. Уларнинг адолати, олий хулқ ва гўзал одобларини кўрган бошқа халқлар Исломни қабул қилди. Бу нарса уларда ўзича қонун тузишга ҳам эҳтиёж қолдирмади. Ислом шариати қонунларини ижро қилиш абадий саодатга эришишда уларга кифоя қилди. Чунончи, инсон тарафидан тузилган қонунларни лозим тутган халқларнинг аянчли аҳволи Ислом қонунларини маҳкам тутган миллат нақадар буюк неъмат эгаси эканини кўрсатди ва кўрсатмоқда.

Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг пайғамбар бўлиб келишлари инсоният учун буюк марҳаматдир. Бу нарсани ибодат ва шариат ҳукмлари баёни мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, агар ҳар бир киши ақлига суяниб ибодат қилганида бу уммат ҳеч қачон бирлашолмас эди. Яна бошқа мисолни кўрсак, намоз ўқишга буюрилганмиз. Қайси намозни қайси пайтда ўқиш кераклиги, ракаатлар адади, тартиблари ҳақидаги илмни Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ўргатдилар. Шунга ўхшаш бошқа ҳукмлар ҳам бизга саҳиҳ суннат орқали етиб келган. Демак, пайғамбарнинг юборилиши умматга ўта зарур ва муҳимдир. Минг афсуски, бу уммат ичида шундай буюк неъмат – Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг суннатларига қарши бўлган, масхара қиладиган, куфр йўлларга алмаштирадиганлар ҳам бор!

Ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини билиш илм бўлса, ҳар бир ишни тўғри ўлчов билан ўз ўрнида ишлата билиш ҳикматдир. Жумҳур уламолар ҳикматни Суннати Набавийя, деб изоҳлаганлар. Илм кўпчиликка насиб бўлиши мумкин, аммо ҳикмат ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди. Олимларнинг, хусусан, одамлар устидан раҳбар, пешво бўлган кишининг ҳикматли бўлиши ниҳоятда зарур. Агар кишида илм бўлсаю ҳикмат бўлмаса, маккор кимсаларнинг макрига алданиб, ўзидаги илмни керакли ўринга ишлатолмасдан фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Масалан, одамларни қайси ўринда сабрга, қайси ўринда шужоатга, қайси ўринда емоқ-ичмоқ, кийим-кечакларни эҳсон қилишга, қайси ўринда шариатни ўрганишга чақириш кераклигини билиш ҳикматдир. Очарчилик, қийинчилик пайтда одамларни едириб-қийдиришга тарғиб қилиш ҳикмат бўлса, одамларнинг ахлоқи тубанлашган мўл-кўлчилик вақтида маънавиятни тузатишга чақириш ҳикматдир. Дин, шариат, ақида каби тушунчаларга ёт одамлар тўпланган ўринда уларни ибодатга чақириш ўрнига ҳайр-эҳсонга тарғиб қилиш ҳикмат эмас, айни жоҳилликдир. Мол-дунёни дабдабали тўй ва ношаръий маросимларга ишлатиш ўрнига Ислом буюрган жойларга

сарф қилишга чақирилганда "Булар эҳсонга қарши", деган гапларнинг пайдо бўлиши ҳикматсизликнинг аччиқ самарасидир. Шунинг учун пайғамбарлар умматларига шариатни таълим берибгина қўймасдан, ҳикматни ҳам ўргатдилар¹.

Агар улуғ, ҳурматли бир киши бирон маросимга келиб, халққа маъруза қилса, одамлар "Шундай улуғ киши қимматли вақтини аямай келиб, бизга мавъиза қилди", деб қанчалар миннатдор бўлади. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} Ўзининг каломини дариғ тутмасдан Исломи миллатига Қуръони Каримни нозил қилгани, тиловат қилиб умматга ўргатадиган пайғамбар юборгани ғоят буюк неъмат эмасми?! Қуръони Каримни тиловат қилиб берадиган, бизларни поклаб, муборак оятлар, Суннати Набавийя ва биз билмаган бошқа кўплаб шариат ҳукмларини ўргатадиган пайғамбарни Исломи умматига юборгани, шубҳасиз, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} нинг буюк фазли ва марҳаматидир:

وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ مَا زَكَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ أَبَدًا وَلَكِنَّ اللَّهَ يُزَكِّي مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢١﴾ النور: ٢١

Агар Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида, сизлардан биронтангиз пок бўлмас эди! Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклайди... (Нур сураси, 21 – оят)

Аллоҳ ^{субҳануху}нинг изни билан ўша пайғамбар туфайли башариятнинг мафкураси, дунёкараши, хулқи ҳар хил гуноҳ ва бузук феъллардан покланди. Ўша пайғамбар кўрсатган йўлдан бошқа ботил, маъносиз йўлларга юрган халқлар на емак-ичмак ва на бошқа муомалаларда ҳалол-ҳаромнинг фарқи бормай, хулқий поклик борасида нафратни кўзгайдиган энг қолоқ ва тубан миллатга айланди.

Иброҳим ^{алайҳис-салом} Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}дан Унинг оятларини тиловат қилиб берадиган, Китобу ҳикматни ўргатадиган ҳамда одамларни гуноҳ ва разил хулқлардан поклайдиган пайғамбар юборишини сўраганларини суранинг 129 – оятида ўргандик. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} Ўз дўсти Иброҳим ^{алайҳис-салом} нинг дуоларини ижобат қилганини Қуръони Каримнинг "Бақара, Оли-Имрон" ва "Жумъа" сураларида жами уч марта келтирган. Эйтиборлиси шуки, Иброҳим ^{алайҳис-салом} нинг дуоларида **يُزَكِّيهِمْ – поклайдиган** сўзи **يُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ** – **Китоб ва ҳикматни таълим берадиган** калимасидан кейин келтирилган:

رَبَّنَا وَأَبْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ آيَاتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَالْبَقَرَةُ: ١٢٩ ﴿١٢٩﴾

Эй **Раббимиз!** Уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, **Китоб ва ҳикматни ўргатадиган ва уларни поклайдиган ўзларидан** бир **пайғамбар юборгин!** (Бақара сураси, 129 – оят) Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} Иброҳим ^{алайҳис-салом} нинг дуоларини ижобат қилиб, пайғамбар жўнатганини миннат қилган барча ўринда **يُزَكِّيهِمْ – поклайдиган** сўзи **يُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ** – **Китоб ва ҳикматни таълим берадиган** сўзидан олдин келтирилган. Бу нарса ширк, маъсият ва разил хулқлардан покланмаган кимсага Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф таълими наф бермаслигини кўрсатади. Шунинг учун Жундаб ибн Абдуллоҳ ^{розияллоху аанху} Қуръонни ўрганишдан олдин иймонни ўргандик, сўнг Қуръонни ўргандик. Шунда иймонимиз зиёда бўлди дедилар. (Ибн Можа ривояти) Демак, ўзини ширк нажосатидан, қабих ахлоқлардан покламаган кимсанинг қалбига иймон, тавҳид каби тушунчалар йўл тополмайди. Бу нарса ҳозирги ҳаётимизда ўз исботини яққол кўрсатмоқда. Қуръони Каримни узоқ вақтдан бери ўқиб, хўп тиловат қилдик. Росулulloҳ ^{саллаллоху алайҳи ва саллам} нинг ҳадисларини ўргандик, айтдик. Нимагадир, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифлар саҳобаларга кўрсатган таъсирини бизга, халқимизга кўрсатолмаяпти. Бунга сабаб, биз одамларнинг қалбини иймон, тавҳид каби пок малҳамлар билан поклаш ўрнига Қуръони Каримни хорлаб, ширк маросимларида, маъсият ва бидъат мажлисларида тиловат қилдик! Росулulloҳ ^{саллаллоху алайҳи ва саллам} нинг муборак ҳадисларини золим ва мунофиқларнинг бузук қилмишларини оқлаш ё қўллаш учун айтдик! Шунинг учун Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф ширк марази ва бошқа жоҳилий одат ва номаъқул табиатлардан покланмаган халқимиз учун ҳидоят бўлолмади. Демак, пайғамбарга эргашганлик даъвосидаги кишиларнинг даъвати ўзини ва бошқаларни, аввало, ширкдан ва бошқа номаъқул феъл-атворлардан поклашга қаратилган бўлиши керак.

Росулulloҳ ^{саллаллоху алайҳи ва саллам} нинг **يُعَلِّمُكُمْ** – **сизларга таълим берадиган** сифатидан аввал **يُزَكِّيْكُمْ** – **сизларни поклайдиган** сифатининг келишида яна бир ҳикмат бор. Агар инсон қалбини иймон, тақво каби пок тушунчалар билан покламаса, унинг илми ва таълими бошқаларга манфаат келтириш ўрнига кулфат келтиради. Ҳаётда қалби иймон, тавҳид, Исломи каби тушунчалар билан покланмаган кўплаб дунёвий олимлар борки, уларнинг эришган кашфиёту ихтиролари инсоннинг фойдасига эмас, балки бутун тирик мавжудотнинг ҳаётига раҳна солиб, қирилиб йўқ бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, қалби иймон, ихлос, тақво каби тушунчалар билан

¹ Ҳикмат ҳақида суранинг 129 – оятида сўз юритилди.

покланмаган шариат “уламо”лари ҳам борки, уларнинг билими одамларнинг хидоятига эмас, балки диндорлар ичида ҳар хил фитна, иғво ва ғийбат гапларни пайдо қилишга хизмат қилади. Бундай “олимлар” илмини динсиз, зўравон, туғёнкор кимсаларнинг хизматига солгани боис кўп ҳолатда одамларни ҳақдан адаштиради. Илм, шубҳасиз, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} тарафидан берилган нурдир. Лекин илм иймонсиз, қалби бузук, нопок шахсга насиб бўлса, одамларни адаштиришга хизмат қилади. Иймонсиз кимсаларнинг илми натижасида қилинган ихтиролар инсониятнинг нажотига эмас, аксинча ҳалокатига сабаб бўлади. Шунинг учун пайғамбарлар таълим беришдан аввал иймон, тавҳид, тақво каби пок тушунчалар билан одамларни ширк, маъсият ва разил хулқлардан поклаб, илми инсоният фойдасига йўналтирадиган покиза қалбни пайдо қилганлар. Ана шундай покиза қалб билан илм топган мусулмон уламоларнинг илми ва кашфиётларидан инсоният то хануз манфаат топмоқда.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг инояти ила башариятни барча қабоҳатдан поклаб, саодат йўлига олиб чиққан Муҳаммад ^{салваллоху алайҳи ва саллам}нинг йўлини тарк этгани учун инсоният бугун яна жаҳолат ва маънавий ҳалокат ёқасида турибди. Исломи шариатидан ўзга таги пуч, ботил йўлларни маъқул кўргани боис фасод ва разил хулқлар исканжасидан ҳалос бўлолмаётган инсоният ҳаёти изидан чиқиб кетди. Қалби ислоний тушунчалар билан покланмаган бугунги инсоннинг баъзи қилмишлари одамийлик чегарасидан чиқиб кетган. Оқибатда инсоннинг баъзи қилмишлари бугун башарият учун қора булутга айланган. Буларнинг барчасига ягона даво – инсоннинг қоронғу қалбини Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг сўнгги пайғамбари Муҳаммад ^{салваллоху алайҳи ва саллам} олиб келган Исломи нури билан ёритиб, иймон, тавҳид каби пок тушунчалар билан поклашдир. Бундан бошқа ҳар қандай уринишлар нафақат наф бермайди, балки инсониятни бундан ҳам оғир ва бахтсиз ҳолатга олиб боради.


﴿ ۱۵۲ ﴾ فَأَذْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ

152. Шундай экан Мени ёд этинглар, шунда сизларни ёд этаман. Менга шукр қилинглари ва Менга нонкўрлик қилманглари!

Эй мўминлар! Сизларга беҳисоб неъматларни инъом этганим учун тоат-ибодат билан, Мен буюрган ва қайтарган нарсаларда итоат қилиб, дунёда шариатимни ҳаётингизга татбиқ этган ҳолда Мени ёдга олинглар! Ўшанда Мен неъматларимни давомли, балки зиёда қилиш ҳамда Охиратда мағфирату раҳматим билан сизларни ёдга оламан! Сизлар Мени хурсандлик, шодлик пайтда ёдга олинглар, Мен сизларни қийинчилик ва мусибатли пайтда ёдга оламан! Сизлар Бану Исроиил каби гуноҳларга муккасидан кетиб, неъматларимга нонкўр бўлманг! Куфрони неъмат инсонни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ғазаби ва улкан азобларига кўндаланг қилади!


Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га тасбиҳ, истиғфор ва мақтов айтиб, Уни исму сифатлари билан ёдга олиш зикрдир. Зикр икки турга: лафзий ва маънавий зикрга бўлинади. Истиғфор, мақтов ва тасбиҳ билан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ни ёдга олиш лафзий зикрдир. Ҳар бир ишда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ни риоя қилиб, аъзолар билан Унинг буйруқларига ҳамавақт итоат қилиш, қайтарганидан қайтиш маънавий зикрдир. Неъматларга қалбан иқрор бўлиб, тил билан эътироф этиб, ҳар бирини шариат кўрсатган ўз ўрнига сарфлаш, аъзоларни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг тоатига солиш, қайтарган нарсаларидан қайтиш шукр қилиш маъносини билдиради. Ўзидаги неъмат билан фахрланмасдан шукр қилиб гапириш тил билан шукр қилиш, неъматни ёлғиз Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} томонидан, деб қалбан эътиқод қилиш қалб билан шукр демакдир. Чунончи, инсон неъматни ёлғиз Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} томонидан деб эътиқод қилса, қалбида Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло}га итоат қилиш муҳаббати пайдо бўлади. Зеро, инсонда яхшилик қилган тарафга муҳаббат қўйиш туйғуси бор. Уламолар "Шукр – Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} берган неъматни Ўзи рози бўлган ўринларга сарфлашдир. Неъматни инкор қилиш, яшириш ёки шариат ман қилган ўринларга сарфлаш – куфрони неъмат", деб изоҳлаганлар. Ҳасан Басрий ^{роҳима-ҳуло} "Неъматни инъом этган Зотнинг тоатида қоим бўлиш шукрдир. Ким Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ни ёдга олса, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳам уни ёдга олади. Ким Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га шукр қилса, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} унга неъматларини зиёда қилади. Ким Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га нонкўрлик қилса, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} уни азоблайди", деганлар. Зикр шукр қилишнинг ибтидосидир. Шунинг учун бўлса керак, валлоҳу аълам, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дастлаб зикрга сўнг шукр қилишга буюрди.

Ҳар бир нарсанинг шукри ўз жинсидан бўлиши керак. Шунга кўра давлатманд киши "Бой-бадавлат бўлганим учун Аллоҳга шукр", дейиш билан кифояланса, шукр қилмабди. Давлатманд кишининг шукри молини Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} кўрсатган ўринларга сарфлаш билан бўлади. Илми кишининг "Менга илм берган Аллоҳга шукр", дейиши кифоя эмас. Илми киши, аввало, илмига амал қилса, бошқаларга ўргатса, ҳеч кимни риоя қилмасдан ҳақни айтса, шунда шукр қилган бўлади. Росулulloҳ ^{салваллоху алайҳи ва саллам} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي وَأَنَا مَعَهُ إِذَا ذَكَرَنِي فَإِنْ ذَكَرَنِي فِي نَفْسِهِ ذَكَرْتُهُ فِي نَفْسِي وَإِنْ ذَكَرَنِي فِي مَلَأٍ ذَكَرْتُهُ فِي مَلَأٍ خَيْرٍ مِنْهُمْ وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ بِشِبْرِ تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ ذِرَاعًا وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ بَاعًا وَإِنْ أَتَانِي يَمْسِي أَتَيْتُهُ هَرُولَةً  رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розияллоху ани} ривоят қилдилар: ^{СОҲАБЛОҲУ АЛЛОҲНИ ҲА} Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} "Мен бандамнинг мен ҳақимдаги ўйи олдидаман. Агар Мени ёдга олса, Мен у билан биргаман. Агар мени ичида ёд этса, Мен ҳам уни ичимда ёд этаман. Агар Мени кўпчилик ичида ёд этса, Мен ҳам уни улардан афзал бўлган кўпчилик ичида ёд этаман. Агар Мен тарафга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ яқинлашаман. Агар Мен тарафга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар Менга юриб келса, Мен унга чопиб бораман", дейди *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Бу оят ҳақиқий мўмин кишига Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} тарафидан жуда катта марҳаматдир. Бутун коинот ва ундаги мавжудотни яратган Қудратли, Қаҳрли ва тамоман Беҳожат бўлган Зот гуноҳкор, нотовон, ҳақир бандани, агар Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} ни ёдга олса, уни марҳамати ва мағфирати билан Ўзининг олий даргоҳида ёдга олишга тайёрлигини билдирмоқда. ^{СОҲАБЛОҲУ АЛЛОҲНИ ҲА} Росулulloҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} қуйидаги ҳадисларда марҳамат қилдилар:

عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ عَلَى حَلَقَةٍ مِنْ أَصْحَابِهِ فَقَالَ مَا أَجَلَسَكُمْ قَالُوا جَلَسْنَا نَذْكُرُ اللَّهَ وَنُحَمِّدُهُ عَلَى مَا هَدَانَا لِلْإِسْلَامِ وَمَنْ بِهِ عَلَيْنَا قَالَ اللَّهُ مَا أَجَلَسَكُمْ إِلَّا ذَاكَ قَالُوا وَاللَّهِ مَا أَجَلَسْنَا إِلَّا ذَاكَ قَالَ أَمَا إِنِّي لَمْ أَسْتَحْلِفْكُمْ تَهْمَةً لَكُمْ وَلَكِنَّهُ أَتَانِي جَبْرِيلُ فَأَخْبَرَنِي أَنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يُبَاهِي بِكُمْ الْمَلَائِكَةَ  رواه مسلم

Муовия ^{розияллоху ани} ривоят қилдилар: ^{СОҲАБЛОҲУ АЛЛОҲНИ ҲА} Росулulloҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} асҳобларининг ҳалқасига чиқиб, сизларни нима сабаб ўтиргизди *дедилар*. Саҳобалар "Аллоҳни ёдга олиб, бизни Исломга ҳидоят қилгани ва бизга кўп марҳаматлар кўрсатгани учун Унга ақтов айтиб ўтирибмиз", *дедилар*. ^{СОҲАБЛОҲУ АЛЛОҲНИ ҲА} Росулulloҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} Аллоҳга қасамки, сизларни шу сабабгина ўтиргиздим *дедилар*. Саҳобалар "Аллоҳга қасамки мана шу сабабгина ўтиргизди", *дедилар*. ^{СОҲАБЛОҲУ АЛЛОҲНИ ҲА} Росулulloҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} мен сизлардан гумонсираб қасам ичдирмадим. Гап шундаки, Жибрил менга келиб, Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} фаришталарга сизлар билан фахрланишининг хабарини айтди *дедилар*. (Имом Муслим ривояти)

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَقْعُدُ قَوْمٌ يَذْكُرُونَ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ إِلَّا حَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ وَغَشِيَتْهُمُ الرَّحْمَةُ وَنَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ وَذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ  رواه مسلم

Абу Саъид ал-Худрий ^{розияллоху ани} ривоят қилдилар: ^{СОҲАБЛОҲУ АЛЛОҲНИ ҲА} Пайгамбар ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} бирон қавм Аллоҳ ʼазза ва жаллани зикр қилиб ўтирса, уларни малоикалар ўраб олади. Раҳмат ҳам уларни қамраб олади. Уларга хотиржамлик тушади ва Аллоҳ уларни Ўзининг ҳузурдагилар олдида ёдга олади *дедилар*. (Имом Муслим ривояти)

Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} ни зикр этмоқ учун бундан катта тарғиб йўқ. Зеро, Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} ни ёдга олган кишига энг олий мукофот – Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} уни ёдга олиши ваъда қилинмоқда. Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} ни зикр этмоқ шу қадар улуғ ибодатки, унга ваъда қилинган мукофотларга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди. ^{СОҲАБЛОҲУ АЛЛОҲНИ ҲА} Росулulloҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} нинг қуйидаги ҳадисларида Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} ни зикр қилиб ўтирган жамоага, ҳаттоки, улар билан тасодифан бирга ўтириб қолган кишига ҳам инсоннинг суқи келмасдан иложи йўқ:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ لِلَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى مَلَائِكَةً سَيَّارَةً فَضُلًّا يَتَّبِعُونَ مَجَالِسَ الذِّكْرِ فَإِذَا وَجَدُوا مَجْلِسًا فِيهِ ذِكْرٌ قَعَدُوا مَعَهُمْ وَحَفَّ بَعْضُهُمْ بَعْضًا بِأَجْنِحَتِهِمْ حَتَّى يَمْلَأُوا مَا بَيْنَهُمْ وَبَيْنَ السَّمَاءِ الدُّنْيَا فَإِذَا تَفَرَّقُوا عَرَجُوا وَصَعِدُوا إِلَى السَّمَاءِ قَالَ فَيَسْأَلُهُمُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ وَهُوَ أَعْلَمُ بِهِمْ مِنْ أَيْنَ جِئْتُمْ فَيَقُولُونَ جِئْنَا مِنْ عِنْدِ عِبَادِكَ فِي الْأَرْضِ يُسَبِّحُونَكَ وَيُكَبِّرُونَكَ وَيُهَلِّلُونَكَ وَيَحْمَدُونَكَ وَيَسْأَلُونَكَ قَالَ وَمَاذَا يَسْأَلُونِي قَالُوا يَسْأَلُونَكَ جَنَّتِكَ قَالَ وَهَلْ رَأَوْا جَنَّتِي قَالُوا لَا أَيْ رَبِّ قَالَ فَكَيْفَ لَوْ رَأَوْا جَنَّتِي قَالُوا وَيَسْتَجِيرُونَكَ قَالَ وَمِمَّ يَسْتَجِيرُونَني قَالُوا مِنْ نَارِكَ يَا رَبِّ قَالَ وَهَلْ رَأَوْا نَارِي قَالُوا لَا قَالَ فَكَيْفَ لَوْ رَأَوْا نَارِي قَالُوا وَيَسْتَغْفِرُونَكَ قَالَ

فَيَقُولُ قَدْ غَفَرْتُ لَهُمْ فَاعْطَيْتُهُمْ مَا سَأَلُوا وَأَجْرْتُهُمْ مِمَّا اسْتَجَارُوا قَالَ فَيَقُولُونَ رَبِّ فِيهِمْ فَلَانَ عَبْدٌ خَطَاءٌ إِنَّمَا مَرَّ
فَجَلَسَ مَعَهُمْ قَالَ فَيَقُولُ وَلَهُ غَفَرْتُ هُمْ الْقَوْمُ لَا يَشْتَقِي بِهِمْ جَلِيسُهُمْ ﴿٧﴾ رواه مسلم

Абу Хурайра ^{розияллоху ани} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{соллаллоху алайхи ва саллам} Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг кезиб юрувчи кўшимча зикр мажлисларини ахтариб юрадиган фаришталари бор. Унда Аллоҳнинг зикри бўлаётган мажлисни топишса, улар билан бирга ўтиришади ва бир-бирларини қанотлари билан ўраб олади, ҳатто ўзлари билан дунё осмони орасини тўлдиришади. Тарқалишгач кўтарилиб, осмонга чиқишади. Аллоҳ ʼазза ва жалла билса-да, "Қаердан келдингиз?" дейди. "Ерда Сенга тасбиҳ, такбир, таҳлил, мактов айтаётган, Сендан сўранаётган бандаларинг олдидан келдик", дейдилар. Аллоҳ "Мендан нимани сўрашаётир?" дейди. "Сендан жаннатингни сўрашаётир", дейдилар. "Жаннатимни кўрганмилар?" дейди. "Йўқ, эй Парвардигор", дейдилар. "Жаннатимни кўришганда қандоқ эди?", дейди. "Сендан паноҳ ҳам сўрашаётир!" дейдилар. "Мендан нимадан паноҳ сўрашаётир?" дейди. "Дўзахингдан, эй Парвардигор!" дейдилар. "Дўзахимни кўрганмилар?" дейди. "Йўқ", дейдилар. "Дўзахимни кўришганда қандоқ эди?", дейди. "Сендан гуноҳларини афв этишингни ҳам сўрашаётир", дейдилар. "Уларни афв этдим, сўраган нарсаларини бердим, паноҳ тилаган нарсаларидан паноҳ бердим", дейди. "Парвардигор! Ичларида фалончи гуноҳкор банда бор! У шунчаки ўтаётиб улар билан бирга ўтириб қолган, холос", дейдилар. "Уни ҳам кечирдим. Улар шундай қавмки, ҳамнишларини асло бахтсиз бўлмайди", дейди *дедилар*. (Имом Муслим ривояти)

Биз Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ёдимизга оляпмизми?! Ҳа! Бошимизга мусибат тушганда, дунёвий ишларимиз юришмаганида, оғир дардга чалинганда ёдимизга оляпмиз! Бирок тан-жонимиз соғ, дунёвий ишларимиз бароридан келиб турган шод-хуррам пайтимизда ёдимизга оляпмизми?! Баъзан қовун, тарвуз каби мазали ноз-неъматларни тановул қилганда "Пишириб, етказган деҳқонга раҳмат", деймиз! Аммо бу неъматларни ердан ундириб чиқарган, унга маза ва ранг берган Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни унутамиз! Ҳаётдаги инсон ихтиро этган айрим қулайликлардан фойдаланганда "Ўйлаб топганларга раҳмат", деймиз! Ўша ихтиро этганларга ақл, идрок, қобилият, зеҳн-фаросат берган Зотни унутамиз! Оға-ини, дўсту ёр ё яқинларимиз мурувват кўрсатса, раҳмат айтишни жойига қўямиз! Аммо ўшаларнинг қалбига яхшилик қилишни солиб илҳомлантирган Зотни унутамиз! Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَثَلُ الَّذِي يَذْكُرُ رَبَّهُ وَالَّذِي لَا يَذْكُرُ رَبَّهُ مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ ﴿٧﴾ رواه البخاري

Абу Мусо ^{розияллоху ани} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} Раббисини ёдга оладиган киши билан Раббисини ёдга олмайдиган кимсанинг мисоли ўлик билан тирикнинг мисолидир¹. (Имом Бухорий ривояти)

Ўтган оятда бузук хулқлардан покланиш, Китоб ва ҳикматни билиш каби сифатлар зикри ўтганидан кейин ушбу оятда Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ёдга олиб, шукр қилишга бўлган буйруқнинг келиши мазкур сифатлар инсонга бериладиган энг буюк неъматлар эканига ишора қилади. Зотан, бошқа неъматлар тугаса ҳам, маънавий пок бўлиш, Китоб ва ҳикматни билиш неъматни ҳеч қачон тугамайди. Демак, ширк, маъсият ва разил хулқлардан пок бўлган ҳамда Китобу Суннат ва шарият илмини билиб, амал қилиш фазлига муяссар бўлган кишилар Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ёдга олиб шукр қилишдан тўхтамаслиги лозим. Зеро, шукр Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг шаҳодати билан неъматнинг доимий бўлиши ва кўпайишига сабабдир. Шукрнинг зидди нонкўрлик, куфр бўлиб Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} бизни бундан қайтарган ва нонкўр кимсаларга қаттиқ азоблар борлиги билан огоҳлантирган:

﴿ وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿٧﴾ ﴿٧﴾ إبراهيم: ٧ ﴾

Раббингиз "Қасамки, агар шукр қилсангизлар, сизларга неъматларимни, албатта, зиёда қилурман! Агар нонкўрлик қилсангизлар, албатта, азобим ҳам жуда қаттиқдир!" деб билдирганини эсланг! (Иброҳим сураси, 7 – оят)

Мўминлар Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг неъматларини эътироф этиб, уларни зикр ва шукр билан карши олишга буюрилди. Муҳаммад ^{соллаллоху алайхи ва саллам} га эргашиб ўтган аждодларимиз Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг муборак оятларини тиловат қилиб берган, одамларни ширк, маъсият ва бошқа бузук хулқлардан поклаб,

¹ Имом Муслим ривоятларида "Унда Аллоҳ ёд қилинадиган уй...", деб келтирилган.

Китобу ҳикматни ва билмаган нарсаларини таълим берган пайғамбарини буюк неъмат деб билишди. Бу неъматни ниҳоятда қадрлаб, ҳамиша Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ни ёдга олиб иш тутишди ва Унга беҳисоб шукрлар қилишди. Шукр қилишлари ўша пайғамбар олиб келган динни маҳкам ушлаб, бебаҳо ўғитларига амал қилиш билан бўлди. Шунинг учун Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} Ўз ваъдасида туриб, уларга неъматларини зиёда қилди. Бунинг натижасида аждодларимиз илм-фан, маданият, одоб-ахлоқда энг устун халқ бўлиб яшади. Неъматларга доимий шукр қилишгани ва Исломни маҳкам тутишгани сабабли узоқ-яқиндаги миллатлар уларнинг ҳимоясида ҳарбий-сиёсий, маърифий ва маданий жиҳатлардан тобе бўлиб яшади. Бироқ кейинги авлодлар Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ни эсдан чиқариб, аждодлари изидан юрмади. Иймон, Ислом каби неъматларга шукр қилмади. Аждодлари каби шариятни маҳкам ушлаш ўрнига Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нинг китоби ва Пайғамбар ^{соллалоху алайхи ва саллам} нинг ўғитларини ҳаётдан четга суриб, қаёқдаги динсиз, ахлоқсиз кимсалар тузган келажаги йўқ, ботил йўлларга юрди. Тилида "Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} га шукр" деб, амалда ширк, куфр амалларни қилди. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ни унутгани боис Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ҳам уларни унутиб, ўз холига ташлаб қўйди. Оқибатда бошқа халқларга ҳар томонлама қарам, иқтисодий-маънавий қашшоқ, хор миллатга айланди. Аждоди дунёга илм, маърифат, маданият тарқатган халқдан билимсиз, саводсиз миллат вужудга келди. Энди бундай бахтсизликдан Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ни ҳамавақт ёдга олиб, амрларини бажариб, қайтарганларидан қайтиб, Унга шукр қилиб, неъматларига онкўрлик қилмасдан иш кўрибгина кутилиш мумкин, холос.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ شَرَّاعِ الْإِسْلَامِ فَدَّ كَثُرَتْ عَلَيَّ فَأَخْبِرْنِي بِشَيْءٍ أَتَشَبَّهْتُ بِهِ قَالَ لَا يَزَالُ لِسَانَكَ رَطْبًا مِنْ ذِكْرِ اللَّهِ ﷻ رواه الترمذي

Абдуллоҳ ибн Буср ^{розияллоху ану} ривоят қилдилар: *Бир киши "Ё Росулulloҳ! Ислом қонунлари менга оғирлик қилди. Менга у билан диним мустаҳкамланадиган нарсанинг хабарини беринг", деди. Росулulloҳ ^{соллалоху алайхи ва саллам} тилинг мудом Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нинг зикри ила намлансин дедилар. (Имом Термизий ривояти)*

Ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ни ёдга тутиш, Унга ҳамиша шукр қилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Мўмин киши Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ни доим эсда тутадиган, шукр қиладиган банд бўлишни ҳам Яратгандан ҳар кун илвориб сўраши лозим. Бу сўровнинг қандай бўлиши кераклигини Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} Куръони Каримнинг бошқа бир ўрнида Ўзи таълим беради:

﴿رَبِّ أَوْزَعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَدْخِلْنِي بِرَحْمَتِكَ فِي عِبَادِكَ﴾

الصَّالِحِينَ ﴿١٩﴾ النمل: ١٩

Раббим! Менга ва ота-онамга берган неъматинга шукр қилишимни ҳамда Сен унга рози бўладиган солиҳ амалларни қилишимни қалбимга солгин ва мени раҳматинг ила солиҳ бандаларинг қаторига киритгин! (Намл сураси, 19 – оят)

Росулulloҳ ^{соллалоху алайхи ва саллам} ҳам қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَخَذَ بِيَدِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ إِنِّي لَأُحِبُّكَ يَا مُعَاذُ فَقُلْتُ وَأَنَا أُحِبُّكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَا تَدْعُ أَنْ تَقُولَ فِي كُلِّ صَلَاةٍ رَبِّ أَعْنِي عَلَىٰ ذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ ﷻ رواه النسائي

Муъоз ибн Жабал ^{розияллоху ану} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{соллалоху алайхи ва саллам} қўлимдан ушлаб Эй Муъоз! Мен сени яхши кўраман дедилар. Ё Росулulloҳ! Мен ҳам сизни яхши кўраман, дедим. Росулulloҳ ^{соллалоху алайхи ва саллам} ҳар намозда "Эй Раббим! Сени эшлашга, Сенга шукр қилишга ва ибодатингнинг гўзалига эришишда менга ёрдам бергин, дейишни қўймагин дедилар. (Имом Насоий ривояти)*

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} мўмин бандаларини зикр ва шукрга буюрганидан сўнг қуйидаги оятда сабр ва намоз билан мададланишга буюради:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿١٥٣﴾

153. Эй иймон келтирган кишилар! Сабр ва намоз билан ёрдам сўранглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир!

Эй мўминлар! Динингизни барпо этишда, ҳақда туришда, уни ҳимоя қилишда, душманларингизга қарши курашда сабр билан, намозларни хушуъ-хузуъ ила буюрилгандек адо қилиб, нафлларни зиёда қилиш билан ёрдамларингиз! Билингким, ҳар қандай зарарни даф қилишга қудрати етадиган Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} Ўз ёрдами, илми, қудрати ва нусрати ила сабр қилувчилар билан биргадир!

Дунёдаги ботил қарашлар, сохта йўллар ва бузуқ ақидаларга қарши кураш, одамларга ҳақиқатни яширмадан айтиш оғир вазифадир. Бу вазифанинг қанчалар оғир эканини шу йўлда саъй-ҳаракат қилган кишигина тушунади. Мўмин киши бу шарафли бурчни ўтар экан, фарзларни бажаришда, гуноҳлардан тийилишда, одам-шайтонларнинг васвасаларига, золимларнинг зулму ситамларига, кофирларнинг макру найрангларига, мунофиқларнинг масхараларига сабр қилиши керак. Бундан ташқари ҳақиқат учун бўлган курашда ўзини мусулмон санаган, аммо дунё ва сохта обрўларни деб динини сотадиган амалсиз кимсаларнинг фитна ва маломатларига ҳам сабр қилмоғи керак. Ҳақиқий мўминларга ваъда қилинган илоҳий нусрат ва ғалабанинг ҳаяллашига, ҳақиқат тарафдорларининг қамайишига, ботил аҳлининг қўпайиб, юзаки ғалаба қилаётганига, иймон аҳлининг қалбига дин қолиб, дунё муҳаббати кириб, тобора ўрнаб бораётганига сабр қилмоғи лозим. Зотан, Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} Қуръони Каримда Ўзининг маъийят – биргалигини фақат тақво ва сабр аҳлига ваъда қилган. Ҳатто "Аср" сурасида ҳақ билан сабрга васият қилишни бир қаторда зикр қилган.

Мўмин киши ҳаётини зикру шукр қилиш билан ўтказса, гарданига юкланган Исломга даъват қилишдек шарафли юмушни ўташда сабр ва намоздан мадад олса, дунё ва Охиратдаги яхшилик – Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} нинг маъийятига мушарраф бўлади. Росулulloҳ ^{саллаллоху алайҳи ва саллам} марҳамат қилдилар:

عَنْ صُهَيْبِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَجَبًا لَأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ وَلَيْسَ دَاكٍ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءٌ صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ ^{رواه مسلم}

Сухайб ^{рузиллоху анху} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{саллаллоху алайҳи ва саллам} мўминнинг иши қизиқ! Унинг ҳамма иши яхшилик. Бу ҳеч кимга эмас, магар мўминга шундай. Хурсандчилик етса, шукр қилса, унга яхшилик – савоб бўлади. Агар мусибат етса, сабр қилса ҳам яхшилик – савоб бўлади дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Сабрнинг мазаси аччик, оқибати эса асалдек шириндир. Ишнинг бошида сабр қила олиш нафс учун ўта машаққатли. Лекин сабр қила олган киши, албатта, нажот топиши муқаррардир. Банда неъмат ичида бўлганида шукр қилиши, мусибатга йўлиққанда эса сабр қилиши лозим. Сабр мақсадга эришишда инсонга катта мададир. Сабрсиз кимса ҳаётда ҳеч нарсага эришолмайди, балки жуда кўп яхшиликларни йўқотади. Исломи олий қилишга бел боғлаган даъватчи ҳар бир ҳаракатида ўзига сабрни лозим тутиши керак. Чунончи, оламлар Парвардигори билан бирга бўлган сабрли киши дунёда ҳамавақт ғалаба қозонади ва Охиратда ҳам улкан мукофотларга эришади. Демак, биз ҳам дунёдаги ҳамма нарсага чидаб, Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} билан бирга бўлишни ихтиёр қилишимиз лозим. Инсон "Аллоҳ мен билан бирга", деган эътиқодни ўзида гавдалантирса, тоғдек улкан мусибатлар ҳам енгил кечади. Лекин бу осон иш эмас. Шу боис Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} бу ўринда иймон сифати билан чақираркан, ўзгача эътиборни жалб қилиб, мўминларни мусибатларга қарши сабр ва намоз билан ёрдамланишга буюрмоқда. Зеро, нидо билан бошланган гап юксак эҳтимом қаратиш лозимлигидан далолат беради.

Ҳар қандай зулмга лом-мим демай туриш ёки золимларнинг зулми ё айрим жони ширин "раҳнамо"ларнинг "доно" маслаҳатларига кириб, диний ҳаракатдан воз кечиш сабр эмас! Сабр – Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} нинг динини ўрнатишда ҳар қандай қаршиликка дош бериб, Исломдан чекинмасдан ҳаракат қилишликдир. Бу сўз араб тилида собитлик, қатъийлик маъносини билдиради. Уламолар сабрни уч турга бўлганлар: Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} га итоат қилишдаги сабр, ҳаромлардан тийилишдаги сабр, қадарга бўлган сабр. Сабрнинг мазкур турларини ўзида мужассам этган мўминлар қуйидаги ҳадисга кўра яхшиликка эришади:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْمُسْلِمُ إِذَا كَانَ مُخَالِطًا النَّاسِ وَيَصْبِرُ عَلَىٰ أَذَاهُمْ خَيْرٌ مِنَ الْمُسْلِمِ الَّذِي لَا يُخَالِطُ النَّاسَ وَلَا يَصْبِرُ عَلَىٰ أَذَاهُمْ ^{رواه الترمذي}

Абдуллоҳ ибн Умар ^{рузиллоху анху} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{саллаллоху алайҳи ва саллам} мусулмон киши одамларга озорларига сабр қилган ҳолда аралашувчи бўлса, одамларга аралашмайдиган ва озорларига сабр қилмайдиган мусулмондан яхшидир дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} ҳақиқий собир эдилар. Ислоннинг аввалида яқинлари, қариндошлари, умуман ҳамма, у кишига қарши бўлди. Шунга қарамай Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} билан бирга бўлишни ихтиёр қилдилар. Қурайш мушриклари юзларини қонга бўяшганида қонни артаётиб, одамлар ўтган пайғамбарларни ҳам уриб, юзларини қонга белаганини, улар ҳаммасига сабр қилганини айтдилар. Юзларини қонга белаганлар ҳаққига дуоини бад қилмасдан, аксинча, "Худоё! Қавмимни кечир! Улар мени билмаяпти", дедилар. (Имом Бухорий ривояти) Саҳобалар ҳам мушрикларга қараганда оз, заиф ҳолатда эди. Улардан беҳисоб мусибатлар кўрдилар. Мушриклар уларни уйларидадан ҳайдаб чиқариб, мол-дунёларидадан маҳрум этди. Маккаи Мукаррамадан қочиб, Мадинаи Мунавварага борганларида аҳли китобларнинг макру хийлаларига, мунофиқларнинг фитналарига дучор бўлдилар. Бироқ шунча мусибату машаққат саҳобаларларни диндан заррача ортга чекинтиролмади. Улар сабр ва намоз билан ёрдамланиб, Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг розилиги йўлида собитлик билан олға бордилар.

Биз-чи?! Бизни ўткинчи, озгина мусибат доводиратди! Молимиз ёки жонимизга етган арзимас зиён динимизни, йўлимизни ташлаб, ортга чекинишга мажбур этди! Биз бесабрлик қилдик! Сабр қилишдан ўзга чора қолмаганда, сабр қилдик! Ҳолбуки, Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ مَرَّ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِامْرَأَةٍ تَبْكِي عِنْدَ قَبْرِ فَقَالَ اتَّقِي اللَّهَ وَاصْبِرِي قَالَتْ إِيَّاكَ عَنِّي فَإِنَّكَ لَمْ تُصَبِّ بِمُصِيبَتِي وَلَمْ تَعْرِفْهُ فَقِيلَ لَهَا إِنَّهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَتْ بَابَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَلَمْ تَجِدْ عِنْدَهُ بَوَّابِينَ فَقَالَتْ لَمْ أَعْرِفْكَ فَقَالَ إِنَّمَا الصَّبْرُ عِنْدَ الصَّدَمَةِ الْأُولَى ﴿٨٠﴾ رواه البخاري

Анас ибн Молик ^{РОУЯЛУОУ АХУ} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} қабр олдидан йиғлаётган аёлнинг олдидан ўтаётиб, Аллоҳдан кўрқкин ва сабр қилгин дедилар. Аёл Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} ни танимасдан "Мени тинч қуйинг! Сизга менинг мусибатим тушмади-да!" деди. Унга бу кишининг Пайгамбар ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} эканлиги айтилди. У Пайгамбар ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ}нинг эшиклари олдига келиб дарвозабонни топмади. Сўнг ичкарига кириб "Сизни танимабман", деди. Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} сабр – биринчи дафъадагиси дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Демак, мусибатнинг биринчи зарбаси етган вақтда қилинган сабр ҳақиқий сабр бўлади. Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} ана шундай сабр қилгувчилар билан биргадир. Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} Охират кунидаги савобни ҳам сабрли кишиларга чеклаб, Қуръони Каримнинг бошқа бир ўрнида марҳамат қилади:

﴿ تَوَابُ اللَّهِ خَيْرٌ لِمَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا وَلَا يُلْقَاهَا إِلَّا الَّذِينَ كَفَرُوا ﴾ ﴿٨٠﴾ القصص: ٨٠

Аллоҳнинг савоби иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган кишилар учун яхшидир. Унга фақат сабрли кишиларгина эришур. (Қасас сураси, 80 – оят)

Одатда бировнинг манзилатини кўтариш учун "Фалон киши, фалон олим билан бирга", деб мақталади. Масалан, "Фалончи қандай одам?" деган саволга "У амалли, такволи олимлар билан бирга юради", деган жавоб олимлар билан бирга юрган кишининг фазилатидан далолат беради. Аммо Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} бу оятда "Сабр қилгувчилар Аллоҳ билан", демасдан Ўз ўрнига сабр қилувчиларни қўйиб, аксинча Аллоҳ сабр қилгувчилар билан бирга демокда. Бу нарса Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг йўлида сабр қилган кишининг манзилати беқиёс эканини кўрсатади. Сабр қилишга бундан кучли тарғиб бўлмас.

Намоз – туганмас хазинанинг калити, заиф банданинг Мангу Зот билан боғланишидир. Сабр мўминни барча фазилатга йўллагани каби намоз уни ҳар қандай разолатдан қайтаради. Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани риоя қилмасдан намозни ўз вақтида адо этиш инсонга фақат ҳақиқий мўмин киши тушуниб етадиган руҳий қувват баҳшида этади. Зеро, Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ}, саҳобалар намозни қойилмақом қилиб ўқиганлари боис намоздан улкан руҳий мадад олганлар. Ислоннинг ривожини учун астойдил бел боғламаган, диний ғами, Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} учун холис хизмати йўқ, ҳақ йўлда мусибат чекмаган кимса намоз билан ёрдамланиш маъносини билмайди. Ёки намозни Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ} ўқиганларидек ўқимайдиган ёхуд суннатга мувофиқ ўқилаётган намозга таассуб ё илмсизлиги туфайли қаршилиқ қилаётганлар ҳам намоз билан ёрдамланиш маъносини тушунолмайди. Бу маънони Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг йўлида курашган, айниқса, Росулulloх ^{СОУДАЛУОУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ}га ҳақиқий меросхўр бўлган уламолар теран тушунади. Имом Раббоний «Мактубот» номли китобларида намоздан мадад олиш ҳақида насихат қилиб, "Мусибат оғирлашганда икки намозни ғанимат билинг! Шу пайтда Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО}га сиғиниб топган мазани бошқа вақтда тополмайсиз!" деганлар. Душманлар кўпайиб, дўстлар чекиниб, мусибат оғирлашган вақтда пайдо бўладиган ихлос, Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО}га яқинлик бошқа пайтда топилиши қийин.

Хаётда инсоннинг бошига гоҳо оғир мусибатлар етади. Баъзан ҳар қандай иродали кишини ҳам эсанкиратиб юборадиган қийин синовларга дуч келади. Шундай соатда ҳар қандай инсон Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} нинг сабр қилиш ҳақидаги илоҳий хитобига муҳтож бўлади. Бундай хитобдан, ҳатто Пайгамбар ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} ҳам беҳожат бўлмаганлар:

﴿ فَأَصْبِرْ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ وَلَا يَسْتَخِفُّكَ الَّذِينَ لَا يُؤْتُونَ ﴿٦٠﴾ الرُّوم: ٦٠ ﴾

Сабр қилинг! Аллоҳнинг ваъдаси, албатта, ҳақдир! Ишонмайдиган кимсалар Сизни ҳаргиз бетоқат қилмасин! (Рум сураси, 60 – оят)

Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} ҳақиқий мўминларни дунёда оғир машаққатлар билан синайди. Исломнинг ҳаётга татбиқ этилишини истаган ва шу йўлда жонбозлик қилган киши ҳар томонлама мусибатларга йўлиқади. Ҳақда мустаҳкам тургани боис бутун ботил аҳли қаршисига жамланади. Китобу Суннатга амал қилган, бошқаларни ҳам шунга чорлаган киши кофир, золим ва мунофиқларнинг аёвсиз душманлигига дуч келади. Ботил аҳли ҳақиқат аҳли билан бўлаётган жангда ҳамма восита, чора ва тадбирларини ишга солади. Ҳақиқий мусулмонни йўқ қилиш учун беҳаёларча энг қабиҳ усулларни қўллайди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} га чинакам эргашганининг молию жонига пугур етади. Яқинлари, дўстлари, қавм-қариндоши ва маҳалла-кўйида яққаланади. "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ!" деган сўзда содиқ тургани боис кенг дунё унга тор бўлиб қолади. Вақти келиб оиласи ва ҳовли-жойини ташлаб, динини сақлаш учун ўзга юртларга ҳижрат қилишга ҳам мажбур бўлади. Ҳеч кими ва ҳеч нарсаси қолмай, ўта ночор, ёлғиз ҳолатда қолади. Мўмин киши ўшандай соатда ҳам тушқунликка тушмаслиги керак! Ахир, унга Парвардигори олам нидо қилиб, энг улуг номи билан чақирмоқда! Мусибатларга қарши қаердан озуқа олишни унга Буюк Арш Эгасининг Ўзи азалий китобида таълим бермоқда! Агар сабр билан динида маҳкам турса, унга "Биргаман", деб Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} айтмоқда! Қолаверса, Росулulloҳ ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} га, саҳобаларга етган бундай шарафли машаққатлар Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} нинг фазли билан унга ҳам насиб бўлаётгани фахр эмасми?! Атрофидаги маслакдош биродарлари дунё ва сохта обрўларга алданиб, динни ташлаб кетса ҳам, ноумид бўлмасин! Танҳо ўзи қолса ҳам, йўлидан, ғоясидан, эътиқодидан асло қайтмасин! Оқибат фақат Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} дан кўрққан тақводорларга хос эканига, ҳаққа қарши турган барча ботил аҳлига жаҳаннам азоблари мунтазир эканига ҳеч шубҳа қилмасин! Қаддини тик тутиб, ушбу оятдан руҳлансин! Исломда маҳкам туриб, солиҳ амаллар кетини узмасин! Шунда, Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} ҳудди пайгамбарларга нусрат бергани каби унга ҳам, албатта, нусрат беради! Росулulloҳ ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} нинг қуйидаги ҳадислари бунинг яққол далилидир:

عَنْ حَبَابِ بْنِ الْأَرْتِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ شَكَّوْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ مُتَوَسِّدٌ بُرْدَةً لَهُ فِي ظِلِّ الْكَعْبَةِ قُلْنَا لَهُ أَلَا تَسْتَنْصِرُ لَنَا أَلَا تَدْعُو اللَّهَ لَنَا قَالَ كَانَ الرَّجُلُ فِيمَنْ قَبْلَكُمْ يُخْفِرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ فَيَجْعَلُ فِيهِ فَيُجَاءُ بِالْمُنْشَارِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيَشَقُّ بِأَثْنَيْنِ وَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ وَيُمَشِّطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ لَحْمِهِ مِنْ عَظْمٍ أَوْ عَصَبٍ وَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ وَاللَّهِ لَيَتَمَنَّيَنَّ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّى يَسِيرَ الرَّكَّابُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَى حَضْرَمَوْتَ لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ أَوْ الذَّنْبَ عَلَى غَنَمِهِ وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ ﴿٦٠﴾ رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Хаббоб ибн Арат ^{розиаллоҳу} ^{анҳу} ривоят қилдилар: *Бизлар Росулulloҳ ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} га шикоят қилдик. У киши Каббанинг соясида чопонларини бошларига қўйган ҳолда дам олаётгандилар. У кишига "Аллоҳдан бизга нусрат сўрамайсизми? Ҳаққимизга дуо қилмайсизми?" дедик. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} Сизлардан олдин ўтганлар ичидаги бир кишини олиниб, унга ердан чуқур қовлиниб, ташланарди. Сўнг аррани олиб келиниб, бошига қўйиб, иккига бўлиб ташланарди. Аммо бу уни динидан тўсолмасди. Сўнг темир тароқлар билан гўштини суягидан ё пайдан ажратгунча тараларди. Лекин бу ҳам уни динидан тўсолмасди. Аллоҳга қасамки, бу дин ишини Аллоҳ камолига етказди. Ҳаттоки, отлик Санъодан Ҳазрамавтгача бўлган йўлда Аллоҳдан ва қўйларига бўри¹ ҳамла қилишидан бўлак ҳеч нарсадан кўрқмасдан Ислом ҳимояси остида сайр қилаверди. Лекин сизлар ҳозир шошпасизлар дедилар. (Имом Бухорий ривояти)*

¹ Ушбу йўл Исломдан олдин қароқчиларга тўла, қарвонлар учун энг хатарли йўл ҳисобланган. Бу йўлга юрган қарвон, ҳар қанча ҳимояланган бўлишига қарамай, албатта, қароқчиларнинг ҳужумига учраган ва қатта талофатлар кўрган. Шу сабаб бу йўлдан юришга ҳеч кимнинг юраги бетламай қарвонлар уни четлаб, узоқ ва машаққатли бўлса ҳам бошқа йўллардан юрган.

Росулulloҳ ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} нинг бу мўъжизакор сўзлари амалда ўз исботини топди. Умар ибн Хаттоб ^{розиаллоҳу} ^{анҳу} даврларида Яман ўлкалари тўла Ислом динларига, мазкур йўл эса энг беҳатар йўлларнинг бирига айланди.

² Нима учун Росулulloҳ ^{саллаллоҳу} ^{алайҳи} ^{ва саллам} бу ўринда бўрини зикр қилдилар? Чунки, бўри шарият, қонун-қоида, инсоф каби тушунчаларни билмайдиган йиртқич ҳайвон. Унга бундай нарсалар ёт. Қарангки, кейинроқ Санъо – Ҳазрамавт йўлида учрайдиган бўрилардек одамларнинг мол-мулкларига ҳужум қилиб талайдиган турли жангдор номлар ила аталувчи махсус либосли замонавий "бўрилар"² ташкилотлари вужудга келди.

وَلَا تَقُولُوا لِمَنْ يُقْتَلُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَمْواتٌ بَلْ أَحْيَاءٌ وَلَكِنْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿١٥٤﴾

154. Аллоҳнинг йўлида ўлдирилаётган кишиларни ўликлар, деб айтманглар! Йўқ! Улар тирикдирлар! Лекин сизлар сезмайсизлар!

Эй мўминлар! Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлидаги жиҳодда ёки Ислом ғанимлари қўлида тутқунликда жон берган мўмин биродарингизни ҳаргиз ўлик, деманг! Ҳеч қачон! Шаҳид тирикдир! Унинг Раббиси Мангу, Абадий! Унинг дини ҳамавақт тирик! У даъват этган йўл ҳамиша барҳаёт! Ҳақ деб билган китоби ўзгармас! Бинобарин, шаҳид Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг ҳузурда тирикдир! Сизлар унинг тириклигини сезмайсиз, холос!

عن أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا أَحَدٌ يَدْخُلُ الْجَنَّةَ يُحِبُّ أَنْ يَرْجِعَ إِلَى الدُّنْيَا وَلَهُ مَا عَلَى الْأَرْضِ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا الشَّهِيدُ يَتَمَتَّى أَنْ يَرْجِعَ إِلَى الدُّنْيَا فَيُقْتَلَ عَشْرَ مَرَّاتٍ لِمَا يَرَى مِنَ الْكِرَامَةِ ۖ رَوَاهُ البخاري

Анас ибн Молик ^{розияллоғу алайҳи ва салем} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{соллаллоғу алайҳи ва салем} жаннатга кирадиган ҳеч ким ердаги ҳамма нарса уники бўлганда ҳам дунёга қайтишни истамайди. Магар шаҳид жаннатда қўрган эҳтиром сабабли дунёга қайтиб, ўн марта ўлдирилишни орзу қилади дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Ислом ботил тузумлар ёки золимлар каби одамларни ҳар хил ёлғон ваъдалар ва пуч орзулар оғушида яшашга мажбур этмади. Қуръони Карим очик ҳақиқатни – Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг динини маҳкам тутган киши ҳар хил машаққатли синовларга дуч келишини, бу синовлар тобора оғирлашиб, молини, ҳатто жонини Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлида қурбон қилиш лозим бўлишини эълон қилди. Мана шу вақтда Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлида қатл қилинган мўминларни, ҳатто тил билан ҳам ўлган деб айтишни ман қилди. Шаҳиднинг ҳеч қачон ўлмаслигини, балки Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг наздида ҳамиша тирик қолишини таъкидлади.

Инсон бир кун бу дунёдан ўтади. Кимдир мол-дунё учун ўлади. Яна кимдир маъносиз тузумлар ва пуч ғоялар учун жонини беради. Яна кимдир мансаб ва обрў талашиб ўлади. Яна кимдир Исломни олий қилиш, ҳақни қарор топтириш учун шаҳид бўлади.

Бу ҳаёт курашдан иборат. Ҳаётда ҳақ билан ботил, иймон билан куфр, тавҳид билан ширк, солиҳ билан фосиқ курашиб ўтади. Бу курашда мўмин киши кофир ва золимларнинг зулму азоби остида жон бериб шаҳид бўлади. Бу жангда қурбонлар бўлиши табиий. Лекин бу шаҳиднинг яқинлари, оиласи, фарзандлари, хусусан, ота-онасини ғамга солмаслиги лозим. Шаҳиднинг ота-онаси фарзандининг Қиёмат куни Ҳамза, Умар, Алий, Талҳа, Абу Убайда ^{розияллоғу алайҳи ва салем} каби улуғ саҳобалар қаторида туришини ўйласин! Шаҳиднинг оиласи, фарзандлари Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} Абу Бакр, Холид ибн Валид, Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоғу алайҳи ва салем} каби улуғ саҳобаларга насиб этмаган шаҳодатни оталарига насиб этгани билан фахрлансин! Шаҳиднинг яқинлари Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} уларнинг қариндошини Ўзининг азалий китобида илоҳий рисолатни олиб келган пайғамбарлар билан бир қаторда зикр қилганини унутмасин! Росулulloҳ ^{соллаллоғу алайҳи ва салем}нинг қуйидаги ҳадисларига эътибор қилсин!

عَنْ الْمَقْدَامِ بْنِ مَعْدِي كَرِبَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لِلشَّهِيدِ عِنْدَ اللَّهِ سِتُّ خِصَالٍ يُغْفَرُ لَهُ فِي أَوَّلِ دَفْعَةٍ وَيَرَى مَقْعَدَهُ مِنَ الْجَنَّةِ وَيُجَارُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ وَيَأْمَنُ مِنَ الْفَزَعِ الْأَكْبَرِ وَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ تَاجٌ الْوَقَارِ الْيَأْفُوتَةُ مِنْهَا خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا وَيُزَوَّجُ اثْنَتَيْنِ وَسَبْعِينَ زَوْجَةً مِنَ الْحُورِ الْعِينِ وَيُشَفَّعُ فِي سَبْعِينَ مِنْ أَقَارِبِهِ ۖ رَوَاهُ الترمذي

Микдом ибн Маъдий Кароба ^{розияллоғу алайҳи ва салем} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{соллаллоғу алайҳи ва салем} шаҳид учун Аллоҳнинг наздида олти хислат бор: қони тўкилган биринчи дафъадаёқ гуноҳлари мағфират қилинади; жаннатдаги ўрни кўрсатилади; қабр азобидан хотиржам қилинади; буюк даҳшатдан омон бўлади; бошига ундаги зумрад дунё ва ундаги нарсалардан бехтар бўлган виқор тожи кийдирилади; кўзи тиниқ хурлардан етмиш иккита аёлга уйлантирилади; қариндош-уруғларидан етмиштасини шафоат қилдирилади дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Шаҳиднинг тириклигига яна бир исбот шуки, у ювилмасдан дафн қилинади ва устидаги кийими билан кўмилади. Ўликни эса ювилади ва кийимлари ечилиб, қафанланади. Шаҳид тирик бўлгани боис қабрда ҳам ҳаётда кийиб юрган кийимлари билан ётади.

Хаётни текширинг! Иймони учун маҳбус бўлган, кофир ва золимлар қўлида асир бўлган, сўнг зулму қийноқлар оқибатида жон берган мўмин кишининг вафоти ўзгача бўлади. Кофир ва золимларни Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг дини йўлида жон берган мўминнинг жасади ҳам ҳадикка солади. Шаҳиднинг уйи атрофида “тезкор чораларни” кўриб, қулоқлари чор атрофга динг, жонларини ҳовучлаб туришади. Шаҳиднинг устига тупроқ тортилмагунга қадар хотиржам бўлишолмайди. Бу шаҳиднинг тириклиги эмасми, ахир?!

"Аллоҳ учун", деган шиордан ўзга шиорлар остида бўлган жанглар одамларга мусибат, кулфат келтиради. Бундай жанглар ўзга юртларни қарам қилиш, бойликларини талаш, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қашшоқ қилиш каби ёвуз мақсадлар учун бўлади. Бундай жанглар оддий бечора халққа ҳар томонлама кулфат, бахтсизлик, хорлик олиб келади. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} учун бўлган жанг эса одамларга бахт, маърифат, ҳидоят, маънавият, хотиржамлик, фаровонлик келтиради ва инсоннинг тўғри йўлни танишига, ҳақни билишига сабаб бўлади. Бундай жангда шаҳид бўлганлар Қиёматга қадар мўминлар учун ибрат намунаси бўлиб қолади. Улар минг йиллардан сўнг ҳам ҳавас ила тилга олинади.

Ислом ҳеч қачон бир миллат ё бир жамоа, ё бир кишининг ҳою-ҳаваси учун тарафкашлик қилиб жангга киришмаган ва бунга тарғиб ҳам қилмаган. Балки бундай жангларни қаттиқ қоралаган.

Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ушбу оятда **Аллоҳнинг йўлида** дея ўлимни Ўзининг йўлида бўлишига чекламоқда. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ҳам қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ الرَّجُلُ يُقَاتِلُ حِمِيَّةً وَيُقَاتِلُ شَجَاعَةً وَيُقَاتِلُ رِبَاءً فَأَيُّ ذَلِكَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَالَ مَنْ قَاتَلَ لَتَكُونَ كَلِمَةً اللَّهُ هِيَ الْعُلْيَا فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ ^{رواه البخاري}

Абу Мусо ^{розиллоҳу анҳу} ривоят қилдилар: **Пайгамбар** ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг олдига бир киши келиб, "Киши ҳамият сабаб жанг қилади, ё шижоат сабаб жанг қилади, ё хўжа кўрсинга жанг қилади. Буларнинг қайси бири Аллоҳ учун", деди. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **Ким Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун урушган бўлса, ўшаники Аллоҳнинг йўлида** бўлади дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Хаётда турли хил бузук, ботил мафкуралар, золим ва туғёнкорлар учун жонини қурбон қилган “шаҳид”ларни кўриш мумкин. Миллатчилик, тарафкашлик, пуч, куфр ғоялар учун бўлган жангда иштирок этганлар ҳаётда маълум бир вақт қаҳрамон бўлиб, “иззат”да бўлиши мумкин. Нар и борса, бирон кўча ё муассасага унинг номи берилади. Ёки яқинларини адаб-овунтириш учун озгина пул берилади. Баъзан ўша ҳам йўқ, қаердаги кераксиз нишонлар берилади, холос. Ботил тузумлар, пуч ғоялар емирилиши биланок тез орада бундай “қаҳрамон”га бўлган муносабат ҳам ўзгаради. Бир зумда қаҳрамондан босқинчига айланади. Берилган имтиёзлар бир лаҳзада кучини йўқотади. Нишонлар қадрсиз темирга айланади. Кўрсатган “жасорату қаҳрамонлиги” деворда ёки ҳурмат тахтасида қолади, холос. Вақт ўтиши билан одамлар бундай “шаҳид”ларни унутади. Яқин тарихдан маълумки, маъносиз, куфр тузумларнинг баландпарвоз шиорлари ва маълун золимлар ундови остида мусулмонларга қарши жангга кириб, умрини ҳазон қилган бахтиқароларни бутун оламга шаҳид деб айюҳаннос солинган эди. Нимагадир бугун уларни ҳеч ким эсламайди?!

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ أَرْوَاحَ الشُّهَدَاءِ فِي طَبْرِ حُضْرٍ تَعْلُقُ مِنْ ثَمَرِ الْجَنَّةِ أَوْ شَجَرِ الْجَنَّةِ ^{رواه الترمذي}

Каъб ибн Молик ^{розиллоҳу анҳу} ривоят қилдилар: **Росулulloҳ** ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **шаҳидларнинг руҳлари жаннат меваси ёки жаннат дарахтига қўниб юрадиган яшил қушнинг ичида** сақланади дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Шаҳидлик – Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}дан кечалари йиглаб-ёлвориб сўрайдиган неъматдир. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} шаҳодат мақомини ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Не-не саҳобалар дунёдан бу мақомга эришолмасдан ўтди. Кўрқоқ кимса хотиржам бўлсин, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} унга шаҳидликни насиб этмайди. Инсон борки, бир кун ўлим шарбатини тотийди. Муҳими, қачон ва қаерда эмас, балки кимни ёки нимани деб жон беришдир.

وَلَتَبْلُوَنَّكُمْ شَيْءٌ مِّنَ الْخَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ ۗ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ ^{١٥٥}

155. **Қасамки, сизларни андақ хавф, очлик ва моллару жонлар ҳамда меваларнинг танқислиги билан, албатта, имтиҳон қиламиз! Сабрли кишиларга хушхабар беринг!**

Эй мўминлар! Бу имтиҳон дунёсидир! Бу имтиҳонда ганимлар ё зўравон подшоҳлар ё уларнинг қўл остидаги қароқчилар томонидан бўлган озгина хавф-хатар, ё очлик билан иймонингизни имтиҳон қиламиз! Иймонида содиқ кишини иймони заифдан, сабрли кишини тўзимсиздан ажратиш учун пул, мато, чорва каби мол-давлатингизни камайтириш, ота-онангиз, суюкли фарзандингиз, яқинларингиз, дўстларингиз вафоти ёхуд жангларида шаҳид бўлиши билан эътиқодингизни синаймиз! Тошқин, қурғоқчилик каби самовий офатлар билан боғ-роғлар, томорқа, дала ва полздаги мева-сабзавотларингизга талофат келтириб мусибатларга сабр қиласизми, қадарга таслим бўласизми, текшираемиз! Эй Муҳаммад ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ}! Қанақанги мусибат етишига қарамай иймонида мустаҳкам турган сабрли кишиларни жаннат билан хушнуд қилинг!

Қурьони Карим исломий даъват йўлида мусулмонлар олдида ҳали кўп машаққатлар борлигини аввалдан эълон қилди. Оз миқдордаги кўрқув, ташвиш, очлик ва молу жонларнинг камайиши, боғлардаги мева-чеваларга путур етиши каби бало-офатлар билан имтиҳон бўлиши ила огоҳ этди. Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ يُرِدُ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا يُصِبْ مِنْهُ ^{رواه البخاري}

Абу Ҳурайра ^{РОЗИЯЛЛУҲУ АНХУ} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} Аллоҳ кимга яхшиликни раво кўрса, уни мусибатларга учратади* дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Мўмин киши исломий ақиданинг нақадар қимматбаҳо нарса эканини билиши учун имтиҳон босқичларини, албатта, босиб ўтиши керак. Исломий ақида инсонга шундай қимматли бўлиши керакки, ҳар қандай ғам-ташвиш ёки очлик ва муҳтожликка гирифтор бўлса ҳам, мол-дунёсини, ҳатто жонини қурбон қилишга тўғри келса ҳам ақидасини йўқотмаслиги, эътиқодини бой бермаслиги керак. Зотан, исломий ақида мўмин учун ҳамма нарсадан азиз бўлиши лозим. Шундагина комил иймон соҳибига айланади. Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ النَّاسِ أَشَدُّ بَلَاءًا قَالَ الْأَنْبِيَاءُ ثُمَّ الْأَمْثَلُ فَأَلْأَمْثَلُ فَيَبْتَلِي الرَّجُلَ عَلَى حَسَبِ دِينِهِ فَإِنْ كَانَ دِينُهُ صُلْبًا اشْتَدَّ بَلَاؤُهُ وَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ رِقَّةٌ ابْتَلِيَ عَلَى حَسَبِ دِينِهِ فَمَا يَبْرَحُ الْبَلَاءُ بِالْعَبْدِ حَتَّى يَتْرُكَهُ يَمْشِي عَلَى الْأَرْضِ مَا عَلَيْهِ خَطِيئَةٌ ^{رواه الترمذي}

Саъд ибн Аби Ваққос ^{РОЗИЯЛЛУҲУ АНХУ} ривоят қилдилар: *Ё Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ}! Қайси тоифа одамлар қаттиқ имтиҳонланади, дедим. Пайғамбарлар, сўнг фозиллар, сўнг уларга ўхшашлар. Киши динига қараб имтиҳон қилинади. Агар дини мустаҳкам бўлса, имтиҳони ҳам оғирлашади. Агар динида заифлик бўлса, динига яраша имтиҳонланади. Мусибат бандадан уни ерда гуноҳсиз бўлиб юрадиган ҳолда қолдирмагунча кетмайди* дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Қолаверса, мусулмонларнинг Ислом йўлида ҳар қандай мусибатни сабру матонат ила кўтариши динсиз кимсаларнинг таъсириланишига олиб келади. "Агар бу йўл ҳақ бўлмаганда, шунча азобу уқубатга дош беролмас эди. Демак, бу йўл ҳақки, уларни шунча қийинчиликлар қайтаролмаяпти", деган фикрнинг уйғонишига сабаб бўлади. Чунончи, саҳобаларнинг ҳар қандай мусибатларга қарамай Исломда сабот билан турганларини кўрган баъзи мушриклар иймон келтирган.

Ҳақиқат аҳлига Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ВА ҲАДЫС}нинг имтиҳон қилиши янгилик эмас. Бундай оғир синовларни Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} ҳам, саҳобалар ҳам бошидан ўтказдилар. Саҳобалар Муҳаммад ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} га эргашганлари боис мол-дунёларидан айрилдилар. Мушрикларга қарши бўлган жиҳодларда яқинларини йўқотдилар. Ҳатто башарият тарихидаги энг улуг пайғамбар Муҳаммад ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} ва саҳобалар кўп ҳолатларда оч қолдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَاتَ يَوْمٍ أَوْ لَيْلَةٍ فَاذًا هُوَ بِأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرُ فَقَالَ مَا أَخْرَجَكُمْ مِنْ بُيُوتِكُمْ هَذِهِ السَّاعَةَ قَالَا الْجُوعُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ وَأَنَا وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَأَخْرَجَنِي الَّذِي أَخْرَجَكُمْ... ^{رواه مسلم}

Абу Ҳурайра ^{РОЗИЯЛЛУҲУ АНХУ} ривоят қилдилар: *Бир кун ё бир кечада Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} кўчага чиқдилар. Тўсатдан Абу Бакр ва Умарга рўбарў бўлдилар ва бу маҳалда сизларни уйингиздан нима нарса чиқарди* дедилар. "Ё Росулulloҳ! Очлик", дедилар. Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} **Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, мени ҳам сизларни чиқарган нарсанига чиқарди** дедилар... (Имом Муслим ривояти)

Очлик шу даражага етардики, егулик ҳеч нарса топилмаганидан қоринларига тош бойлаб юрардилар. Аммо буларнинг биронтаси уларни диндан қайтаролмади. Ислом учун ҳаракат қилиш иштиёқидан тўсолмади. Ҳеч ким "Эй Муҳаммад ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМУ ВАЛАЙHI}! Биз сизга эргашиб оч қолдик! Сиз олиб келган йўл одамларга қўрқув, очлик, талофат олиб келадиган йўл экан! Биз бундай йўлдан қайтдик!" демади!

Мўмин киши ҳаётда Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг шариатини маҳкам ушларкан ботил аҳлининг тазйиқига дучор бўлади. Ҳаёти ҳадикда, хатарда ўтади. Дин йўлида астойдил ҳаракат қилгани учун молига путур ҳам етади. Ҳақ йўлга даъват қилгани боис осуда ва мўл даромад келтираётган касби гоҳо касодга учрайди. "Раббим Аллоҳ", дегани учун зулмга йўлиқиб, ўзи ва яқинларининг жонига шикаст ҳам етади. Шунда қалбига мунофиқлик ўрнаб кетган атрофдаги айрим "доно"лар "Бизга кулоқ солмагани учун мусибат ичида қолди! Ҳадеб ўзини ўтга урмасдан, бизга ўхшаб эҳтиётини қилганда, шундай кунларга қолмасди!" дейди. Мўмин киши мана шундай онларда унга Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг энг катта синовни келганини билсин! Унга етган синовларга қараганда минг бор оғир синовлар ўтган солиҳ кишиларга ҳам етганини, улар ҳаммасига сабр қилганини, Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО} сабр қилган чин мўминга, албатта, нусрат беришини унутмасин! Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг имтиҳонига сабр қилиб, динида мустаҳкам турса, Раҳмон ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг ҳузуридаги даражоти кўтарилишини, улкан мукофотларга эришишини ёдидан чиқармасин! Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМУ ВАЛАЙHI}нинг қуйидаги ҳадислари унга руҳий озуқа бўлсин!

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَثَلُ الْمُؤْمِنِ كَمَثَلِ الزَّرْعِ لَا تَزَالُ الرِّيحُ تَمِيلُهُ وَلَا يَزَالُ الْمُؤْمِنُ يُصِيبُهُ الْبَلَاءُ وَمَثَلُ الْمُنَافِقِ كَمَثَلِ شَجَرَةِ الْأَرْزِ لَا تَهْتَرُ حَتَّى تَسْتَحْصِدَ ^{رواه مسلم}

Абу Ҳурайра ^{РИВоят қилдилар: РОСИЯЛЛУХУ АНУ} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМУ ВАЛАЙHI} мўминнинг мисоли шамол уни доим эгаётган экинга ўхшайди. Мўминга мусибат доим етиб туради. Мунофиқнинг мисоли кесилгунча эгилмайдиган кедр дарахтига ўхшайди дедилар.* (Имом Муслим ривояти)

Оятдаги *хавф* сўзи душман қуршовида қолишдек умумий ва кишининг молу жонига етишидек хусусий хавф маъноларини ўз ичига олади. *لَتَبْلُوَكُمْ* – *имтиҳон қиламиз* калимасига *сизларни* олмоши қўшиб келтирилгани эътиборни тортади. Бу билан Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО} гўё "Эй мўминлар! Биз сизларни имтиҳон қиламиз! Бизнинг имтиҳонимизга сазовор бўлганингиз учун Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}га беҳисоб мактовлар айтинг! Бу шарафга ҳар ким ҳам муяссар бўлавермайди!" дегандек бўлади. Ҳақиқий мўминни чуқур ўйга толдириб, дунёда имтиҳон қилинмаган кишини ўз иймони ҳақида жиддий бош қотиришга ундайдиган Қуръони Каримнинг қуйидаги оятида Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО} марҳамат қилади:

﴿ أَحْسِبَ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَامَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ ﴿٢﴾ العنكبوت: ٢ ﴾

Одамлар "Иймон келтирдик", дейиш билан имтиҳон қилинмаган ҳолатида қолдириладилар деб ўйлашадими?! (Анкабут сураси, 2 – оят)

Ҳаётда ҳамма Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг турли синовларига йўлиқади. Бироқ бундай синовдан муваффақият билан ўтганлар ниҳоятда оз бўлади. Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг имтиҳонига муваффақият қозониш учун киши ғоят сабрли бўлиши лозим. Кўпчилик Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО} томонидан имтиҳон қилинганда бесабрлик қилиб, молу жони ширинлик қилиб, улкан ажрларни бой беради.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ عِظَمَ الْجَزَاءِ مَعَ عِظَمِ الْبَلَاءِ وَإِنَّ اللَّهَ إِذَا أَحَبَّ قَوْمًا ابْتَلَاهُمْ فَمَنْ رَضِيَ فَلَهُ الرِّضَا وَمَنْ سَخَطَ فَلَهُ السَّخَطُ ^{رواه الترمذي}

Анас ибн Молик ^{РИВоят қилдилар: РОСИЯЛЛУХУ АНУ} ривоят қилдилар: *Пайгамбар ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМУ ВАЛАЙHI} мукофотнинг ўлчами имтиҳоннинг ўлчами билан боғлиқ. Агар Аллоҳ бир қавмни яхши кўрса, уларни имтиҳон қилади. Ким рози бўлса, Аллоҳ унга розилик беради. Ким ғазаб қилса, Аллоҳ унга қаҳр қилади.* (Имом Термизий)

Фосиқу мунофиқлар фаровонлик даврида мўминлар билан бирга аралашиб юраверади. Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО} ҳақиқий мўмин бандалари ичида мунофиқ, фосиқ кимсаларнинг аралашиб юришини хоҳламайди. Зотан, Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг ҳикмати иймону такво аҳлини бошқалардан айиришни талаб қилади. Бинобарин, шариат йўлида етган мусибатлар мусулмонлар сафини тозалайди. Мусулмонлар ичида дунёвий мақсадларни кўзлаб юрганлар озгина мусибат етганда сафдан тушиб қолади. Иймон аҳлининг сафи мунофиқлардан тозалангач, Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО} ўз мадади ва нусратини туширади. Демак, имтиҳон бандалар орасидаги Аллоҳ ^{СУБХАНАХУ ВА ТАЪОЛО}нинг суннатигина эмас,

балки мўминлар сафини мунофиқлардан тозалаш учун ҳам керакдир. Росулulloҳ ^{СОҒДИЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВЭ} ^{САЛЛАМ} кўйидаги ҳадисда марҳамат қилганлари эса энг асосийсидир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا يُصِيبُ الْمُسْلِمَ مِنْ نَصَبٍ وَلَا وَصَبٍ وَلَا هَمٍّ وَلَا حُزْنٍ وَلَا أَذًى وَلَا غَمٍّ حَتَّى الشَّوْكَةِ يُشَاكُهَا إِلَّا كَفَّرَ اللَّهُ بِهَا مِنْ خَطَايَاهُ ﴿١٥٦﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{РОЗИЛЛОҲУ} ^{АНУ} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* ^{СОҒДИЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВЭ} ^{САЛЛАМ} мусулмонга етадиган кулфат, дард, қайғу, ташвиш, азият, ғам ва ҳатто баданига кирадиган тиканни ҳам Аллоҳ гуноҳларига каффорот қилади *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Имтиҳон келганда одамлар икки турга: сабрли ва сабрсизларга бўлинади. Сабрсиз кимсага икки хил мусибат етади. Биринчиси имтиҳон мусибатлари бўлса, иккинчиси сабр қилиш натижасида ҳосил бўладиган ажрдан маҳрум бўлиш. Сабрли мўмин кишининг иймони эса имтиҳон ила тобланади ва Охиратдаги улкан ажрларга ҳам мушарраф бўлади. Синовлар ҳар қанча оғир келмасин, ўз мақсади ва манҳажидан чекинмаган, Ислому йўлида матонат билан турган сабрли кишиларга Раббилари томонидан улкан хушxabарлар бор.

Бошига мусибат тушган инсоннинг қалби фақат Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} гагина боғланади. Таниш-билиши, оға-иниси, обрў-эътибори ё мол-дунёсини қўйиб, қалбини ёлғиз Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} нинг Ўзига боғлаб, Ундангина умидвор бўлиб, илтижо қилади. Аммо пайғамбарларнинг қалби доимо Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} га боғлиқ бўлган. Қўйидаги ҳадис бунинг яққол намунаси:

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا خَافَ قَوْمًا قَالَ اللَّهُمَّ إِنَّا نَجْعَلُكَ فِي نُحُورِهِمْ وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شُرُورِهِمْ ﴿١٥٧﴾ رواه أبو داود

Абу Мусо ^{РОЗИЛЛОҲУ} ^{АНУ} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* ^{СОҒДИЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВЭ} ^{САЛЛАМ} бирон қавмдан ҳадик қилсалар, "Эй Парвардигор! Биз Сени уларнинг қаршисига қўямиз ва Сендан уларнинг ёмонликларидан паноҳ тилаймиз *дердилар*. (Абу Довуд ривояти)

Мўмин киши касаллик, ўлим каби Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} томонидан бўлган мусибатларга сабр қилмоғи лозим. Аммо тугёнкор, ситамгар кимсалар томонидан бўлган тазйик, жабру зулмларга сабр қилишдан ташқари жанг қилиб бўлса ҳам уларни даф қилишга ҳаракат қилиши керак.

Балою офатларга қилгин сабр-тоқат,

Ҳеч ким бу ҳаётда яшамас абад

Мусибат етмаган ким бор дунёда

Бандага ёзиқ шулдир, қочмоқ бефойда

الَّذِينَ إِذَا أَصَابَهُمْ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿١٥٦﴾

156. Уларга мусибат етганда "Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, Унгагина қайтгувчилармиз", дейдиган кишилар – сабрлидир.

"Биз фақат Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} нинг бандалари ва фақат Унинг мулкимиз! У бизга истаган нарсасини юборишга, устимизда истаган ҳукмини юргизишга ҳақли! Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} хоҳлаган нарсасини қилади ва бу ҳақда сўралмайди! Агар бизга бирон мусибат етса, бунга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ! Зеро, ҳар қандай нарса Эгамиз тарафидан! Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} бизга ўзимиздан ҳам Меҳрибон! Бу дунёда ҳеч нарса абадий эмас! Тез кунда Унинг ҳузурига қайтажамиз! Сабр қилиб, ҳақ йўл узра давом этсак, бизга етган имтиҳонлар эвазига Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} нинг ҳузурига, албатта, ажр оламиз! Шундай экан, Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} нинг ҳар қандай ҳукмига розимиз ва қадарига таслимимиз!" дейдилар. Мазкур тушунчаларни қалбига жойлаган кишилар сабрлидир.

Эй мўминлар! Сабрли кишилар "Биз фақат Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} нинг мулкимиз ва фақат Унинг бандаларимиз! У бизга истаган нарсасини юборишга ҳақли! У устимизда истаган ҳукмини юргизади! У хоҳлаган нарсасини қилади ва бу ҳақда сўралмайди! Агар бизга бирон мусибат етган бўлса, бунга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ! Зеро, ҳар қандай мусибат Эгамиз тарафидан! У бизга ўзимиздан ҳам Меҳрибон! Бу дунёда ҳеч нарса абадий эмас! Биз тез кунда Унинг ҳузурига қайтажамиз! Агар сабр қилиб ҳақда турсак, йўлимизда давом этсак, бизга етган имтиҳонлар эвазига Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} нинг ҳузурига, албатта, ажрланамиз! Шундай экан биз Аллоҳ ^{СУБХАНОҲУ} ^{ВА ТАЪОЛО} нинг ҳар қандай ҳукмига таслим бўламиз ва қадарига розимиз!" дейдилар.

Бандалик ва қайта тирилишнинг эътирофи бўлган ушбу эътикод ғоят пурмаъно бўлиб, ақида ва тавҳидга оид қимматли тушунчаларни ўзида мужассам этади. Мусулмон киши бу калимани тилда айтибгина қўймасдан амалда ҳам кўрсатиши, яъни мусибат пайтида сабр қилиши, қадарга рози бўлиши ва Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га шуқр қилиши лозим. Бинобарин, аза бўлган хонадонда маййитнинг шаънини кўтариш учун эътикодга зид ҳар хил ношаръий, жоҳилона гапларни айтиш, хусусан, одамлар учун овоз чиқариб, ўзини-ўзи уриб, жоҳилона уввос солиб йиғлаш, таъзияга махсус либосларни кийиш мусулмоннинг сифатидан эмас:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ مِنَّا مَنْ ضَرَبَ الْخُدُودَ وَشَقَّ الْجُيُوبَ وَدَعَا بِدَعْوَى الْجَاهِلِيَّةِ ^{رواه البخاري}

Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{розияллоху аяку} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{саламу алайхи ва салам} мусибат пайтида **юзига урган, ёқа йиртган ва жоҳилий гап-сўзларни айтиб йиғлаган кимса биздан эмас! дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Мусулмон киши бошига мусибат тушганда қалби ва сўзи билан ишини Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га топшироғи, қолаверса, Росулulloҳ ^{саламу алайхи ва салам} нинг қуйидаги йўлланмаларига амал қилиши керак:

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا أَصَابَ أَحَدَكُمْ مُصِيبَةٌ فَلْيَقُلْ إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ اللَّهُمَّ عِنْدَكَ احْتَسَبْتُ مُصِيبَتِي فَأَجِرْنِي فِيهَا وَأَبْدَلْنِي مِنْهَا خَيْرًا ^{رواه الترمذي}

Абу Салама¹ ^{розияллоху аяку} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* ^{саламу алайхи ва салам} сизларнинг биронтангизга мусибат етса, Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта Унга қайтгувчилармиз! Аллоҳим! Мусибатимни ажр ҳисобладим. Унда менга ажр бергин ва менга ундан кўра яхшироғини алиштириб бергин, десин *дедилар.* (Имом Термизий ривояти)

Имтиҳон келмаган пайтда ҳар ким ўзини сабрли, мусибатларга бардошли, деб даъво қилиши мумкин. Лекин имтиҳон келганда, моли ёки жонига талофат етганда, истиржоъ² калималари ҳар кимни ҳам ёдига келавермайди. Ҳар қандай мусибат етганда ҳам Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ни унутмаган, Унинг ҳукми ва қадарига рози бўлган сабрли кишиларга қуйидаги башоратлар бор:

أُولَئِكَ عَلَيْهِمْ صَلَوَاتٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَرَحْمَةٌ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُهْتَدُونَ ¹⁰⁷

157. Ана ўшаларгагина Раббилари тарафидан салаватлару раҳмат бордир ва ўшаларгина ҳақиқий ҳидоят топгувчилардир.

Ҳар қандай мусибат етганда ҳам сабр қилиб, ўзи ҳам, молию жони ҳам Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ники эканини унутмаган, истиржоъ калималаридан мадад олган кишиларга Раббилари тарафидан мағфират ва тасаннолар бўлсин! Ўшаларга бу дунёда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} томонидан мағфират ва Қиёмат кунида улкан раҳмат бордир! Улар сабр қилиб, иймонда мустаҳкам бўлганлари туфайли Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг раҳматиға сазовор бўлиб, ҳақиқий саодат йўлини топгандирлар!

Ушбу оятда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} кўркўв, очлик, молу жонларнинг кетиши, боғдаги мева-чеваларга офатлар етишидек турли хил мусибатларни тарозининг бир палласига қўйиб, иккинчи палласига Ўзининг мағфирати ва раҳматини ҳамда "Булар ҳақиқий ҳидоят топган кишилардир", деган шаҳодатини қўймоқда. Қалби пок, холис Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га сиғинган инсон бу оятдаги ваъдаларни тасаввур қилса, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг раҳмати, мағфирати ва шаҳодатиға сазовор бўлиш учун дунёдаги бор ташвиш ва машаққатларни бўйнига олишга рози бўлади.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳидоят топганлар деб шаҳодат берган кишиларгина ҳаётда тўғри йўл узра борадилар. Айримлар уларни "Ўзини ўтга урган нодонлар", деса ҳам оламлар Тарбиятқунандаси шаҳодати билан улар ҳақиқий ҳидоят топган кишилардир. Бинобарин, Ислом шарияти қонунларини ҳаётдан четга суриб, келажаги йўқ, тутуриқсиз куфр йўлларни тўғри қилиб кўрсатиш мақсадида чор атрофга айюҳаннос солаётганлар айни гумроҳдирлар.



¹ Ушбу ҳадисни ривоят қилувчи саҳобий – Абу Салама ^{розияллоху аяку} бир кун Росулulloҳ ^{саламу алайхи ва салам} ҳузурларидан келиб, у кишидан мусибатдан сўнг мазкур дуони ўқиш лозимлигини эшитдим, дедилар. Аёллари Умму Салама ^{розияллоху аяку} мазкур дуони ўрганиб, эрлари вафот қилганида ўша дуони ўқидилар. Иддалари тугагач Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} у кишига Абу Салама ^{розияллоху аяку} дан кўра яхши инсон – Росулulloҳ ^{саламу алайхи ва салам} билан турмуш қуришни насиб этди. (Имом Аҳмад ривояти)

қайтгувчилармиз калималарини араб ² Мусибат пайтида *إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ* **Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта Унгагина** тилида талаффуз қилиш

صَلَاة – *салават* калимасини муфассир уламолар турлича изоҳлаган. Бу калимага мағфират маъносини берган уламоларнинг изоҳи энг маъқули бўлиб, қуйидаги ҳадис бу фикрни қувватлайди:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَتَاهُ قَوْمٌ بِصَدَقَتِهِمْ قَالَ اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَيَّ آلِ فُلَانٍ فَأَتَاهُ أَبِي بِصَدَقَتِهِ فَقَالَ اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَيَّ آلِ أَبِي أَوْفَى  رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абдуллоҳ ибн Аби Авфо¹ розиёллоҳу аниҳу ривоят қилдилар: *Росуллоҳ* соллаллоҳу алайҳис салом га бирон қавм закотини олиб келса, **Аллоҳим! Фалончининг оиласини мағфират қил дердилар.** У кишига отам закотини олиб борганларида **Аллоҳим! Абу Авфонинг оиласини мағфират қил дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

 إِنَّ الصَّغَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ سَعَابِرِ اللَّهِ فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتَ أَوْ أَعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَّوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ 

158. **Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир! Шундай экан ким Уйни ҳаж ё умра қилса, ҳар иккисини тавоф қилишда унга гуноҳ йўқдир! Ким ихтиёран яхшиликни қилса, албатта, Аллоҳ Шукр қилгувчи ва Билгувчидир.**

Эй мўминлар! Сафо-Марва тепаликлари Ислондаги ҳаж рукнининг белги ва рамзларидан! Шундай экан, ҳаж ё умра ибодатини бажармоқчи бўлсангиз, Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилаверинг! Мушрикларга ўхшаб қолишдан қўрқиб, Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилишдан ҳаражланманг! Зеро, сизлар Аллоҳ субҳаналлоҳу ва таъоло га иймон келтирган ҳолатда, Унинг амрига итоат қилиб саъйи қилмоқдасиз! Қачонлардир кимлардир у ердаги бутларни тавоф қилган бўлса, ўша сабабли сизларга гуноҳ йўқ!

Каъбаи Муаззаманинг шарқий-жанубий томонида жойлашган Сафо ва шимолий томонида жойлашган Марва тепаликлари орасида саъйи қилиш ҳаж ибодатининг маросимларидан биридир. Ким ҳаж ё умра мақсадида Ҳонаи Каъбани зиёрат қилса, Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилса, гуноҳкор бўлмайди, балки шундай қилиш вожибдир. Ким Аллоҳ субҳаналлоҳу ва таъоло нинг амрига бўйсуниб, ризосини тилаб, ихтиёр билан яхшиликларни холис қилса, Парвардигор бандаларининг амалларига бир неча баробар зиёда мукофот берадиган Шукр қилгувчи ва ҳамманинг барча амалини ҳамда кимнинг нияти холис, амали мақбул бўлишга лойиқ эканини Билгувчи Зотдир.

الحج – "ҳаж" сўзи луғатда қасд маъносини, шаръий истилоҳда нусук деб аталмиш муайян ибодатларни йилнинг Зул-Ҳижжа ойи саккизинчи-ўн иккинчи кунларида бажариш маъносини билдиради. الغزوة – "умра" сўзи эса луғатда зиёрат маъносини, шаръий истилоҳда йилнинг исталган пайтида Каъбаи Муаззамани тавоф қилиш, Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилиш ҳамда сочни кирдириш ё қискартиришдан иборат ибодатларни ўзида мужассам этган зиёрат маъносини билдиради. Ҳаж амалидан фарқли ўлароқ умра амалида Мино ва Арафотда туриш, Муздалифада тунаш, тош отиш, қурбонлик қилиш каби амаллар бўлмайди. Аллоҳ субҳаналлоҳу ва таъоло буюрган нарсани тарк қилиш ё қайтарган нарсани қилиш оқибатида ҳосил бўлган нарсани шариат истилоҳида *حَرَجٌ* – ҳараж, яъни гуноҳ дейилади. *سَعْيٌ* – саъйи – Сафо ва Марва тепаликлари орасида Аллоҳ субҳаналлоҳу ва таъоло га муҳтожлигини ифодалаган ҳолда етти марта югургандек тез ҳаракат билан бориб-келишдир.

Абдуллоҳ ибн Аббос розиёллоҳу аниҳу ривоят қилдилар: *...Иброҳим* алайҳис салом *Исмоил* алайҳис салом нинг онасини ўгли билан Маккага олиб келдилар. Ҳожар уни эмизиб келди. Иброҳим алайҳис салом икковларини масжиднинг тепасига, Зам-замнинг ўрнидаги катта дарахтнинг олдида туширдилар. Ўша кезларда Маккада на бирон кимса ва на сув бор эди. Икковларини шу ерга қўйиб, олдларига бир ҳалта ҳурмо ва бир меш сув қолдирдилар. Сўнг Иброҳим алайҳис салом ортга қайтиб, йўлга тушдилар. Шунда Исмоил алайҳис салом нинг онаси эргашиб, "Эй Иброҳим! Бизни на одам, на бирон нарса бўлмаган бу водийга ташлаб, қаерга кетяпсиз?" дедилар ва бу гапларни бир неча бор айтдилар. Иброҳим алайҳис салом унга қайрилиб ҳам қўймадилар. Шунда "Аллоҳ сизни шунга буюрдими?" дедилар. Иброҳим алайҳис салом "Ҳа", дедилар. "Ундай бўлса, Аллоҳ бизни ҳалок қилмас!" дедилар, сўнг қайтдилар. Иброҳим алайҳис салом йўлларида давом этдилар. Одамлар уни кўрмайдиган ерга, ас-Санийя деган жойга келганларида Ҳонаи Каъба томонга юзландилар ва қўлларини

¹ Ушбу ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Аби Авфо розиёллоҳу аниҳу 87 – ҳижрий йилда Куфа шаҳрида саҳобалардан охириги бўлиб вафот қилганлар. Оталари Алқами ибн Халид розиёллоҳу аниҳу бўлиб, ҳар иккилари ҳам Байъат-ур-Ризвон иштирокчиларидан.

кўтариб, ушбу калималар ила дуо қилдилар: **Парвардигоро! Мен зурриётимдан баъзисини экинсиз водийда Хурматли Байтинг олдига жойладим...** Исмоил ^{алайҳис-салом}нинг онаси Исмоил ^{алайҳис-салом}ни эмизиб, мешдаги сувдан ичиб, қолдилар. Мешдаги сув тугагач, ўзлари ва ўгли қаттиқ чанқадилар. Исмоил ^{алайҳис-салом}нинг тўлганаётганини кўрдилар. Исмоил ^{алайҳис-салом}нинг шу ҳолатни кўргилари келмай юрдилар. Турган ерга энг яқин бўлган Сафо тепалигига етдилар. Унга чиқиб, бирон киши кўринармикин деб водийга қараб юзландилар. Ҳеч кимни кўрмагач, Сафодан қайтиб тушдилар. Водийга етганларида кўйлақларининг этагини кўтардилар, сўнг қийналган инсоннинг югуришидек югурдилар, ҳатто водийдан ўтиб Марва тепалигига келдилар. Унга чиқиб, бирон киши кўринармикин деб қарадилар. Етти марта мана шундай қилдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоҳу аанҳу} **Пайгамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} одамларнинг Сафо-Марва орасида саъйи қилиши мана шу учундир дедилар...** (Имом Бухорий ривояти¹)

Ҳожар онамизнинг Раҳмон ^{субҳанаҳу ва таъоло}га, қолаверса, эрларига бўлган итоатларини Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} муносиб баҳолаб, ўзини мусулмон санаган ҳар бир банда учун Сафо-Марва тепаликлари орасида саъйи қилишни исломий ибодатларнинг бир қисми деб эълон қилди. Демак, Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилувчи киши Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}га бўлган ҳожатини, муҳтожлигини қалбидан ҳис қилиб, гуноҳларини мағфират қилинишига умидвор бўлиб, умрининг охирига қадар ҳақ йўлда барқарор қилишини тилаб, қалбини Яратувчига боғлаб, ҳоксорлик билан саъйи қилмоғи лозим.

Имом Молик, Имом Аҳмад ва Имом Шофиъий ^{роҳима-л-л-ҳумуллоҳ}лар қуйидаги ҳадисларга кўра Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилишни ҳаж ибодатининг рукни, деганлар:

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ خَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِلَى الصَّفَا وَقَالَ نَبْدًا بِمَا بَدَأَ اللَّهُ بِهِ ثُمَّ قَرَأَ إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ ﷺ رواه النسائي

Жобир ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Сафо томонига чиқдилар ва Аллоҳ бошлаган нарса билан бошлаймиз дедилар, сўнг **Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир** оятини ўқидилар. (Имом Насоий ривояти)

Оиша онамиз ^{розияллоҳу аанҳу} Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ҳар иккиси орасида саъйи қилишни жорий қилдилар. Улар орасида саъйи қилишни тарк қилиш ҳеч кимга мумкин эмас дедилар. (Имом Бухорий ривояти) Касамки, Аллоҳ Сафо ва Марва орасида тавоф қилмаган кишининг ҳажини ҳам, умрасини ҳам тамомламайди дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Шунга кўра саъйи қилишни унутган ё қасдан тарк қилган киши Имом Молик, Имом Аҳмад ва Имом Шофиъий ^{роҳима-л-л-ҳумуллоҳ}лар наздида бошқадан тавоф ва саъйи қилади. Аммо Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-л-л-ҳумуллоҳ} саъйи қилишни ҳажнинг рукни эмас, деганлар. Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-л-л-ҳумуллоҳ}нинг наздида жонлик сўйиш кифоя.

Мусулмонлар дин ишларида Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}га эргашмоқликлари лозим. Чунончи, Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَرْمِي عَلَيَّ رَأِحَتَهُ يَوْمَ النَّحْرِ وَيَقُولُ لِنَاتُخَذُوا مِنَّا سِكِّمٌ فَإِنِّي لَا أَذْرِي لَعَلِّي لَا أَحْجُ بَعْدَ حَجَّتِي هَذِهِ ﷺ رواه مسلم

Жобир ^{розияллоҳу аанҳу} **Пайгамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}ни ийд кунни туясида тош отаётиб мендан ибодатларингизни ўрганиб олинглар! Негаки, билмайман! Мен бу ҳажимдан кейин балким ҳаж қилмасман деяётганларини кўрдим** дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Шундай экан, ҳадисларнинг зоҳири Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилиш¹ ҳаж ибодатининг рукни эканини кўрсатади.

¹ Имом Бухорий ривоят қилган ушбу ҳадис кискартирилиб, мавзуга алоқадор ўрни олинди.

¹ Сафо-Марва тепаликлари орасида саъйи қилиш ҳаж ибодатининг рукни бўларкан, қуйида айрим ҳожи биродарларимиз Сафо-Марва тепаликлари орасида йўл қўядиган айрим хато ва камчиликларга ишора қилиб ўтишни маъқул топдик. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} барчамизга ўша хатоларга йўл қўймасликка тавфиқ берсин!

1) Саъйини Сафо тепалигидан эмас, Марва тепалигидан бошлаш; 2) Сафо ва Марва тепаликларининг энг чўққисига чикмаса, саъйи комил бўлмайди, деб тушуниш. Ҳолбуки, Сафо ё Марва тепаликларига бир оз кўтарилиш кифоя, гарчи чўққисига етмаса ҳам. 3) Саъйини Сафодан Сафогача деб билиш. Аслида саъйи Сафо тепалигидан бошланиб, Марва тепаликларига ниҳоя топади ва Сафодан Марвага бориш бир, Марвадан Сафого келиш икки деб ҳисобланади. 4) Саъйи вақтида елкани очиб юриш ёки Сафо-Марва тепаликлари орасининг барчасида югириш. Ваҳоланки, фақат яшил чизиклар билан белгиланган маълум жой орасида тезлаш лозим, холос. 5) Айрим аёлларнинг яшил чизиклар билан белгиланган маълум жой орасида эркаклар каби чопиши. Чунончи аёл киши Абдуллоҳ ибн Умар ^{розияллоҳу аанҳу}нинг сўзларига мувофиқ Сафо-Марва тепаликлари орасида чопмасдан оддий юриш билан юради. 6) Саъйи қилишда таҳоратли бўлиш шарт, деб билиш. Таҳоратли бўлиш, албатта, афзал, аммо шарт эмас. 7) Сафо-Марва орасида бориш-келиш учун алоҳида дуони хослаш ёки **Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир** оятини ҳар

Осим ибн Сулаймон ^{розиума-хулоқ} ривоят қилдилар: Анас ибн Молик ^{розиаллоҳу аанҳу} га "Сафо ва Марва орасида саъйи қилишни ёмон кўрар эдиларингми?" дедим. У киши "Ҳа! Чунки, у Аллоҳ Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг шиорларидандир! Шундай экан ким Уйни ҳаж ё умра қилса, ҳар иккисини тавоф қилишда унга гуноҳ йўқдир оятини нозил этгунига қадар жоҳилият удумларидан эди", дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Ушбу оят Ислом шариати саҳобаларнинг ҳаёти ва дунёқарашига нақадар чуқур таъсир кўрсатганидан далолат беради. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} ушбу оятни нозил этгунига қадар саҳобалар Сафо ва Марва тепаликлари орасида саъйи қилишни жоҳилият қолдиғи, деб санаганлар. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} Сафо ва Марванинг диндаги ҳаж ибодати белгиларидан эканини баён этмаганида бу икки тепалик орасида саъйи қилиш ота-боболаридан минг йиллардан бери давом этиб келган удум бўлишига қарамай ундан юз ўгиришга тайёр бўлганлар. Улар Исломга ўтганларида жоҳилиятда қилган амалларидан батамом узилишни истаганлар. Исломга кирганларидан кейинги пок ҳаётларида яна бирон ношаръий амал такрорланиб қолишидан қаттиқ хавфсираганлар. Ҳақиқий исломий тарбия инсонни мана шундай камолот сари етаклайди.

Биз мусулмонлар ҳам ўтмишдаги, қолаверса ҳозирда пайдо бўлаётган жоҳилона урфларга мана шундай қаттиқ туришимиз зарур! Диний туйғуларимиз ҳар қандай миллий ёки бошқа жоҳилона туйғулардан устун туриши лозим! Жоҳилий урф-одат ва ҳар хил ношаръий расм-русмларни қилиш учун динни бурмалаб йўл-руҳсат ахтармаслигимиз даркор! Ҳеч бўлмаганда жоҳилона анъана ва удумлардан юз ўтирган кишиларни маломат қилмаслигимиз, уларга турли туман лақабу атамаларни, иғвою бўҳтонларни ёғдирмаслигимиз керак!

الشّاعر – **Шукр қилгувчи** Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг гўзал исмларидан бўлиб, Қуръони Каримда фақат икки марта, ҳар икки ўринда ҳам **العظيم** – **Билгувчи** сифати билан ёнма-ён келтирилган. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг ризоси талабида қилинган ҳар қандай ҳаракатни зое қилмайдиган, банданинг солиҳ амалларини кадрлайдиган, эвазига савоб берадиган Зот, деган маънони билдиради. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} **Шукр қилгувчи** ва **Билгувчи** сифатларини ёнма-ён келтириш билан "Эй банда! Сенинг барча амалингни биламан ва улар ичида Менинг розилигим учун шариатимга мувофиқ қилинганларига бир неча баробар зиёда савоблар бераман", дегандек биз ожиз ва нотавон бандаларни хотиржам қилмоқда. Дарҳақиқат, Қуръони Карим ва саҳиҳ ҳадислар битта яхшиликка ўндан етти юз баробаригача ажрларни ваъда қилган.

Аллоҳ Шукр қилгувчидир ибораси бандани умрбод эзгу амаллар сари интилиб яшашга ундов ҳам тарғибдир. Аслида, бирон эзгу амални қилган банда, уни ўша амалга муваффақ этган Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}га шукр қилиши керак. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} банданинг солиҳ амал қилишига шунчалар тарафдорки, ожиз банданинг эзгу амалига оламлар Тарбиятқунандаси ташаккур билдиради. Банда Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг бу марҳаматидан бир тарафлама шодмарг бўлса, иккинчи тарафдан хижолат бўлиши керакки, шунча беҳисоб неъматларни бериб, солиҳ амалларга ҳам Ўзи муваффақ қилсаю яна банданинг минг бир нуқсон билан қилган арзимас амалига ташаккур ҳам қилса! Демак, мўмин киши бирон эзгу амал қилишни мақсад қилса, ўша ишни амалга оширишдан ҳеч нарса тўсмаслиги керак. Одамларнинг турли-туман маломатлари, жоҳилона қарашлари шариат кўрсатган эзгу амални қилишдан қайтаролмаслиги лозим. Зеро, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг Шукр қилгувчи эканини билган мўмин киши ҳеч қандай маломатга эътибор бермаслиги даркор. Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг Шукр қилгувчи сифати мўминларни фарзлардан ташқари ҳаж, умра, тавоф, намоз, рўза, инфоқ каби нафл ибодатларни кўпайтиришга чорлайди.



إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنْ آيَاتِنَا وَآمَنُوا مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ أَؤَلْتَبِئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعْنُونَ

159. **Биз нозил этган очиқ ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга Китобда баён этганимиздан кейин яширадиган кимсалар – ўшаларни Аллоҳ, албатта, лаънатлайди ва уларни лаънат қилгувчилар ҳам лаънатлайдилар.**

Эй мўминлар! Биз Таврот ва Инжилда Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг охирзамон пайғамбари бўлиб келиши, у киши олиб келган рисолат ҳақида нозил этганмиз! Бу ҳақда бирон бир мубҳамлик қолдирмасдан одамларга баён ҳам қилганмиз! Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг оятларини тамомий башариятга баён этган бўлишимизга қарамай яҳуд-насороларнинг олимлари очиқ ҳақиқатни, ҳидоят йўлини яширди! Таврот ва Инжилдаги Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг хабарини беркитди! Бундайларни Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} лаънатлайди ва раҳматидан узоқлатади! Уларни Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг барча махлуқотлари – фаришталар, солиҳ мўминлар, ҳатто ҳайвоноту ҳашаротлар, умуман, ҳамма лаънатлайди!

галда ўқиш. Саъйининг бошида бир марта ўқиш кифоя. 8) Намоз бошланишига қарамай жамоатга қўшилмасдан саъйи қилишда давом этиш ёхуд саъйини тавофдан кейинла бошлаш лозим деб билиш.

Яхуд ва насоро уламолари китобларидаги Росулulloх ^{соллаллоху алайхи ва саллам} ҳақида келган башоратларни одамлардан беркитди. Сўнг "Пайғамбарлар бир-бирининг келиши ҳақида аввалдан хабар берарди. Ўтган пайғамбарлар Исмоилнинг авлодидан пайғамбар келиши ҳақида хабар бермаган, китобларимизда бу ҳақда ҳеч гап йўқ", дейишди. Бундан ташқари зинокор эр ва аёлни тошбўрон қилиш каби айрим илоҳий ҳукмларни яширишди. Шунда Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} мана бу оятни нозил қилди.

Одатда "Дунёвий обрў, мансаб ва мол-дунёдан маҳрум бўламан ё одамлардан зарар етади", деган тушунча ҳақиқатни очик гапиришдан тўсади. Кимда ким нафсининг кўйига кириб ё ботилни қувватлаш учун ёки нафс-ҳаво ва бидъат аҳлини риюя қилиб, Қуръони Карим ё Ҳадиси Шарифдан бирон нарсани яширса ёхуд ўзгартирса, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг, қолаверса, бутун махлуқотнинг лаънатига дучор бўлади. Исломига амал қилган ва ҳақни ҳар қандай ҳолатда яширмасдан ошқора айта олган олимларга ҳаводаги қушлардан тортиб, сувдаги балиқларгача истиғфор айтгани каби Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг очик-ойдин ҳукмларини яшираётган кимсаларни бутун еру осмон лаънатлайди. Чунки, унинг бундай ёвуз қилмиши одамларни алдаш, ҳақиқатдан чалғитиш, динни бузишга қаратилган. Бунинг оқибати бир ҳақиқатнинг йўқ бўлиб, ботилнинг юзага келишига олиб келади. Росулulloх ^{соллаллоху алайхи ва саллам} қўйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ سئِلَ عَنْ عِلْمٍ فَكْتَمَهُ أَلْجَمَهُ اللَّهُ بِلِجَامٍ مِنْ نَارٍ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ^{رواه أبو داود}

Абу Хурайра ^{розиллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулulloх ^{соллаллоху алайхи ва саллам} ким бирон илм ҳақида сўралганда, уни яширса, Аллоҳ уни Қиёмат кунда ўтдан бўлган юган билан юганлайди дедилар.* (Имом Абу Довуд ривояти)

Абу Хурайра ^{розиллоху анху} мана шу оятни назарда тутиб Аллоҳга қасамки, агар Аллоҳнинг китобидаги икки оят бўлмаганида сизларга ҳеч қачон ҳеч нарса ҳақида гапирмас эдим деганлар. (Имом Бухорий ривояти)

Гарчи бу оят Таврот ва Инжилдаги Росулulloх ^{соллаллоху алайхи ва саллам}нинг хабарларини яширган аҳли китоблар ҳақида нозил бўлган бўлса-да, унинг маъноси Китобу Суннатдан бирон бир ҳақиқатни яширган ёки ҳидоятни қўйиб залолатга, суннатни қўйиб бидъатга бошлаган ҳар қандай кимсага тааллуқлидир. Чунончи, Исломига дин душманларидан кўра шариатдаги очик ҳукмларни яширган, ўзгартирган мўминлик даъвосидагиларнинг зиёни кўпроқ тегади. Бундай кимсалар Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг тавқи лаънатига мустаҳик! Улар Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг лаънати нечоғли оғир мусибат эканини ҳис қилишдан ожиз! Аксинча, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} уларни ҳар қандай қарғиш ва лаънатларга қолиб бўлса ҳам ҳаётдаги сохта обрўлар ва озгина мол-дунёни қўлга келтириш билан фахрланадиган қилиб қўяди.

Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг динидан кўра тўғри, адолатли, саодат йўли йўқ эканини била туриб яшираётган, бу ҳам етмаганидек, диний мансабларда туриб Исломдан ўзга ҳар хил таги пуч, куфр, ботил йўлларга чорлаётганлар ушбу оятни билармикин?! Қуръони Карим ва Суннати Набавийда айтилган бор ҳақиқатни одамларга очик-ойдин етказишга уринаётган ҳақиқий мўминларга душманлик қилаётганлар, турли ифвою бўҳтонлар ёғдираётган кимсалар бу қилмишлари туфайли Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг лаънатига дучор бўлаётганини ўйламасмикин?! Мол-дунёни деб ёки сохта обрўлардан, бўлиб ҳам динсиз, кофир, золим ва хоинлар олдидаги обрўлардан ажралиб қолмаслик илинжида одамлардан ҳақиқатни яширган, очик айтишдан тортинган оғиз дўзах ўти билан юганланишга лойиқдир! Ахир, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} бу оғиз ва тилни одамларга ҳақни айтиб, ҳидоятни етказиш учун яратмаганмиди?! Ҳақиқатни айтолмайдиган соқов тил, оғиз ҳайвонда ҳам бор!

Шариат илми ва аҳкомларини беркитиш нақадар ёмон оқибатларга олиб келишини бошқалар балки билмас! Бироқ бизнинг халқимиз бу нарсанинг аччиқ самараларини кўрди ва ҳозирда ҳам кўрмоқда! Исломи олимларининг одамлардан Китобу Суннатни, шариат ҳукмларини яширишлари ё ўзгартиришлари оқибатида бутун бир миллат ҳалокат жарига қуламоқда! Дин уламоларининг ҳақни беркитишдек разил қилмишлари туфайли инсон ҳаёти изидан чиқиб кетди! Ўшандай қасофатлар сабаб шариат ҳукмларини ҳаётдан четга суриб қўйдик! Энг қимматли нарса – пок Исломи ақидасини йўқотдик! Қуръони Каримни хушовоз қорилар тиловат қилганда завқ ила тебраниб, ундаги бўйруқ ва қайтариқларга парво қилмай қўйдик! Қуръони Каримга бўлган ҳурматимиз уйимизнинг тўрисида қўйиш билан чекланди! Шуми Қуръони Каримга бўлган ҳурматимиз?! Мана шу нарса ҳурмат дейиладими?! Ё алҳазар!!

¹ Шу ўринда биринчи китобнинг 45 – 51 саҳифаларига қайта мурожаат қилиш фойдадан холи эмас.

Самовий динлар, жумладан Ислом дини одамларни жаҳолат зулматларидан иймон ва ҳидоят нури сари бошлаш учун юборилган. Ислом шариати ҳар бир мусулмонни илм ўрганишга ва бошқаларга ўргатишга, залолат кўчаларида гумроҳ бўлиб юрганларни мусаффо тавҳид йўлига даъват этишга буюрган. Шариат илми инсонга одамлар орасида мағрурланиш учун эмас, балки ўта масъулиятли омонат билан берилган. Бу омонатга масъулият билан қараб, ҳеч нарсага қарамай ҳақни ошқора айтган, илмига амал қилган олимлар дунё ва Охиратда нажот топади. Илмини куфр ва ботилни оқлашга, бойлик орттиришга, золимлар хизматида солган амалсиз “олимлар” дунёда хор бўлгани қолиб, Қиёмат куни ҳолига маймунлар йиғлаши ҳам муқаррар! Демак, илм олишни мақсад қилган киши Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}дан, энг аввало, амалли бўлишга, ҳар қандай ҳолатда ҳақиқатни айта олишга муваффақ қилишини сўраши даркор. Зотан, илм аҳли зиммасида жуда ҳам оғир вазифалар бор.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ҳидоятини яширганлар Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ва тамомий башариятнинг лаънату ғазабига дучор бўлса, бунинг акси, яъни ҳар қандай тазйиқ ва машаққатларга қарамай ҳидоятни тарқатиш йўлида молу жони билан ҳаракат қилаётганлар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ва солиҳ кишиларнинг муҳаббати ва олқишларига сазовор бўлади. Ҳаётга назар солинса, бунинг яққол намунасини топилади.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нозил этган нарсагина ҳидоятдир. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нозил этган нарса одамларни фақат саодат ва абадий бахт сари бошлайди. Демак, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нозил этган нарсани яшириш, ошқор айтмаслик одамларни тўғри йўлдан оздириш, ҳақдан узоқлатиш ва уламолар гарданидаги рисолат омонатига хиёнатдир. Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} га комил шариатни юборган. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} комил қилган нарсанинг нуқсони бўлмас! Шунинг учун бўлса керак, Имом Молик ^{роҳима-хулай} "Кишининг асли бўлмаган нарсани жорий қилиши ва бу қилмишини маъқул санаши Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} рисолатга хиёнат қилган деганидир", деганлар.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَمْنَعَنَّ أَحَدَكُمْ هَيْبَةُ النَّاسِ أَنْ يَتَكَلَّمَ بِحَقِّ إِذَا رَأَاهُ أَوْ شَهِدَهُ أَوْ سَمِعَهُ ^{رواه أحمد}

Абу Саъид ^{роҳима-хулай} ривоят қилдилар: Пайғамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} одамларнинг ҳайбати биронтангизни агар ҳақни кўрса, ё унга гувоҳ бўлса, ё уни эшитса, айтишдан тўсмасин дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Ҳар қандай ҳолатда, ҳатто яққаланиб қолса ҳам ҳақни айтиш барча мусулмоннинг бурчидир! Хусусан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ва Қиёмат кунига иймон келтирган Ислом уламоларининг вазифаси – одамларга Қуръони Каримни, ҳақиқатни очик етказишдир! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг хузурида улар масъулдир! Одамларнинг эргашуш-эргашмаслиги уларнинг иши эмас! Исломга чақирувчи киши эргашувчиларнинг кўплигидан мағрурланиб кетмаслиги, юз ўгирувчиларнинг кўплигидан ғамга, тушкунликка тушмаслиги керак. Ҳар икки ҳолатни ўзига имтиҳон деб, икков ҳолатда ҳам ҳақни айта олган киши ўз вазифасини тўғри ўтади. Ҳақни айтсам, одамлар тушунмаслиги, ихтилофлар юзага келиши мумкин, дея “андиша” қилганлар ўша дамда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг мадади ва нусратидан маҳрум бўлади.

Пайғамбарлар даъват йўлида мана шундай тутум тутганлар. Баъзан инсоний туйғулар туфайли ғамга тушсалар, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг оромбахш оятлари нозил бўларди. Ўша оятлар Ислом уммати учун ҳам Қуръони Карим саҳифалари ичра бой ва улкан мерос сифатида сақланиб қолди. Биз ҳам ҳақни ошқора айтганимиз учун бошимизга мусибат тушган пайтда Қуръони Каримни тиловат қилиб, ундаги оромбахш оятлардан мадад олиб, ҳақни ошқор қилишдек машаққатли йўлда сабот билан давом этишимиз лозим. Зотан, Ислом ҳақиқатини билганидан, эшитганидан сўнг ҳақни қабул қилганларнинг дунё ва охират саодатига эришишлиги муқаррар! Ҳақни айтишдан, ҳидоят йўлидан бош тортган кимсалар икки дунё бахтсизлигига йўлиқиши ҳам муқаррар!

Уларни лаънат қилгувчилар лаънатлайдилар ибораси лаънатга лойиқ бўлган кимсаларга умумий суратда лаънат айтиш жоизлигини кўрсатади. Аммо оят ва ҳадисларнинг зоҳири хусусий суратда лаънат айтишга рухсат бермайди, гарчи лаънатга мустаҳиқ бўлса ҳам.

Одамларга баён этганимиздан кейин жумласи шуни кўрсатадики, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳужжатни қоим қилиш учун бутун инсониятга ҳидоятни баён этган. Ҳақиқатни бутун башариятга танитган. Қиёмат куни ҳеч ким ҳидоятни билмаганини узр қилиб кўрсатолмайди. Бироқ одамларнинг бир қисми ҳидоят йўлини, қолгани залолатни танлаган.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Ислом ҳукмларини, Қуръони Карим оятларини ҳамда Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг суннатларини яширганлар ҳақида жуда оғир таҳдидни баён қилганидан сўнг бундай оғир гуноҳга кўл урганларга тавба дарвозалари бутунлай ёпиқ эмаслигини баён қилади:

إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنُّوا فَأُولَٰئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ وَأَنَا التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿١٦﴾

160. **Тавба қилган, ўзини тузатган ва ҳақни баён қилган кишилар бундан мустаснодир. Ўшаларнинг тавбасини қабул қиламан ва Мен тавбаларни қабул қилгувчи, Раҳмлидирман.**

Биз нозил этган ҳақиқатни яширган, одамларга баён қилиш ўрнига ботил билан қориштирганларни Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} ва тамомий махлуқотлар лаънатлайди! Аммо қилган ишига қаттиқ афсус ва надомат ила тавба қилган, ўзини солиҳ амаллар билан тузатган, одамларга бузиб кўрсатган ақидаларни ислоҳ этган, яширган ҳақиқатларни ошқора баён қилган, хулоса қилганда, айбини тан олиш билан чекланмай ҳақиқатни айтиб ювган кишилар бундан мустасно! Гуноҳлари ҳар қанча катта бўлмасин, дилдан истиғфор айтиб одамларга "Эй одамлар! Сизлардан ҳақиқатни яшириб, айтмасдан юрганидим! Бу ишим нотўғри эди!" деб, қолган ҳаётида ўзини тузатиб, бор ҳақиқатни эълон қилган кишиларнинг тавбаларини Мен қабул қиламан! Мен тавбаларни қабул қилгувчи, шунингдек, Исломга беҳисоб талофатлар етказган, аммо калбидан пушаймон бўлиб, Китобу Суннат йўлига ўтган бандаларга ҳам меҳр сочувчи Раҳлиман!

Ушбу оят куфр, залолат ва бидъат йўлларига чақирган кимсалар чин қалбдан пушаймон бўлиб Исломга қайтса, улар учун Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}нинг тавба дарвозалари очиқ эканини кўрсатади. Чунки, Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} банданинг чин ихлос билан қилган тавбасини, албатта, қабул қилади. Муҳими, тавба қилиш фурсатини қўлдан бермаслик лозим:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ تَابَ قَبْلَ أَنْ تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنْ مَغْرِبِهَا تَابَ اللَّهُ عَلَيْهِ ^{رواه مسلم}

Абу Мусо ^{розияллоху} ^{анху} ривоят қилдилар: **Росулуллоҳ ^{саллаллоху} ^{алайхи} ^{ва} ^{саллам} ким қуёш ботиш ўрнидан чиқишидан олдин тавба қилса, Аллоҳ тавбасини қабул қилади дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Зотан, қаттиқ надомат билан чин қалбдан қилинган тавбаларни фақат Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}гина қабул қилади ва бундай гуноҳкор бандаларини бепоён раҳмати билан буркайди. Исломдан бошқа манҳажларда хато қилганлар учун ўзини тузатишга имкон йўқ. Яшаб турган ўша манҳажга нисбатан қилган хатоси нафақат кечирилмайди, балки оддий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлади.

Баъзи одамлар шариатга нисбатан қилган жиноятларидан пушаймон бўлади. Шунда "Мен кўп гуноҳлар қилдим. Нафсимни, дунёни деб Исломга, мусулмонларга кўп зиён етказдим. Энди кеч бўлди, охиратим куйиб кетди", деган хаёлга бориши мумкин. Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло} қилган ишига чин дилидан пушаймон бўлган, ўзини ислоҳ қилиш кўчасига умид билан боқаётган кишиларга хитобан "Эй бандаларим! Тавба қилиш фурсати кеч эмас! Мен чин қалбдан надомат ила чиқаётган тавбаларни қабул қилгувчи Таввобман! Гуноҳлари ўрнига солиҳ амалларни алиштириб бергувчи Раҳлиман!" дегандек бўлмоқда:

﴿ قُلْ يٰعِبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ ﴿٥٣﴾ وَأَنِيبُوا إِلَىٰ رَبِّكُمْ وَأَسْلِمُوا لَهُ، مِن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ الْعَذَابُ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ ﴿٥٤﴾ وَأَتَّبِعُوا أَحْسَنَ مَا أُنزِلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ مِّن قَبْلِ أَن يَأْتِيَكُمُ الْعَذَابُ بَعَثَةً وَأَنْتُمْ لَا تَشْعُرُونَ ﴿٥٥﴾﴾ ^{الزمر: ٥٣ - ٥٥}

Эй ўзларига жавр қилган бандаларим! Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни кечирур. Албатта, У Ўзигина Кечиримли, Меҳрибондир. Сизларга азоб келиши сўнг ёрдам берилмай қолишингиздан илгари Раббингизга қайтинглар ва Унга бўйсунинглар! Сизлар сезмаган ҳолингизда азоб сизларга тўсатдан келишидан олдин Раббингиз тарафидан нозил этилган нарсага эргашинг! (Зумар сураси, 53 – 55 оятлар)

Демак, қилган ишга афсус қилиш, гуноҳни тарк этиш тавбанинг қабул бўлиши учун кифоя эмас. Ҳатто бузган нарсаларни ислоҳ қилиш ҳам кифоя эмас. Исломда тавбанинг қабул бўлиши ўзини ва бузган нарсани ислоҳ қилишга ҳамда яширган нарсани ошқора баён қилишга қадалади. Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}нинг тавбаси ва раҳмига мушарраф бўлиш учун қилган ишига пушаймон бўлиш, ҳидоятни яшириш оқибатида бузилган эътиқодотларни тузатиш ва беркитган ҳақиқатларни ошқора эълон этиш лозим. Чунончи, тавба – Аллоҳ ^{субҳаназу} ^{ва таъоло}га бўлган ҳар қандай осийликдан унинг муқобилидаги солиҳ амалларга: ширкдан тавҳидга, куфрдан иймонга, кибрдан хоксорликка ва ҳоказо қайтиш демакдир. Гуноҳкор кимса ҳақни, шариатдаги очиқ ҳукмларни яшириши оқибатида юзага келган турли бузуқ қарашларни йўқотишга ҳаракат қилади. Инкор этиш ёхуд

ўзгартириш оқибатида йўқолиб кетган ҳукмларни ошкор айтади. Бир нарсанинг ботил эканини била туриб, унга одамларни чорлаган ё билимсизлик билан фатволар берган бўлса, тузатади. Халқни Ислом ҳақиқатига даъват қилишда астойдил ҳаракат қилади. Шундагина Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} кечиради. Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} тавба даргоҳи кенг, меҳри улкан, Раҳмли Зотдир¹.

عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَبْسُطُ يَدَهُ بِاللَّيْلِ لِيَتُوبَ مُسِيءُ النَّهَارِ وَيَبْسُطُ يَدَهُ بِالنَّهَارِ لِيَتُوبَ مُسِيءُ اللَّيْلِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ مِنْ مَغْرِبِهَا ۖ رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Абу Мусо ^{розиллоғу ашу} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солаллоғу алайҳи ва саллим} Аллоҳ ʼазза ва жалла тунда кундузи гуноҳ қилган тавба қилиши учун тавба қўлини узатади. Кундузи тунда гуноҳ қилган тавба қилиши учун тавба қўлини узатади. Бу ҳол куёш ботиш ўрнидан чикқунга қадар давом этади *дедилар*. (Имом Муслим ривояти)

Ўтган оятларда очик баён этилган ҳидоятни яширган кимсаларни қаттиқ койиганидан сўнг куйида Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ушбу ҳидоятни тамомила инкор этган, ҳидоят йўлига юришдан бўйин товлаган куфр аҳлини қаттиқ койийди:

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَمَاتُوا وَهُمْ كُفَّارًا أُولَٰئِكَ عَلَيْهِمُ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١٦١﴾

161. Кофир бўлган ва кофир ҳолатларида ўлган кимсалар – ўшаларга, албатта, Аллоҳнинг ва барча фаришталару одамларнинг лаънати бўлғай!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг вужудини ё Унинг ёлғизлигини, ё фаришталарини, ё нозил этган китобларини, ё пайгамбарларини, ё Қиёмат кунини инкор қилган ва мана шундай тарзда ҳаёт кечириб, мана шу дунёқараш билан ўлганлар кофирдир! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг шариатини, Китобини ҳаётдан четга суриб қўйган, "Дин – эскилик ёки туйғу, холос. Ислом шариати замон талабига мос келмайди", деганлар, мана шу "қараш"ни илгари сурганлар, умрини ўшандай пуч мафқураларга бағишлаганлар, бундай куфр ғояларига қарши бўлган мусулмонлар билан курашганлар ҳам, шубҳасиз, кофирдир! Мана шундай бузук дунёқараш билан яшаган, ҳаётдек неъматни куфр ила зое қилиб, дунёдан тавба қилмай кўз юмган кофирларга Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ҳамда барча фаришталар ва одамларнинг лаънати бўлғай!

Инсон дунёда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг борлиги ва бирлигига далолат қилувчи аломатлар ичида яшайди. Бутун олам шу инсон деб аталмиш хилқат учун яратилганини, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бу инсонни Ерга халифа қилиб, дунёдаги бор мавжудот унинг хизматида эканини кўради. Шундай бўлса ҳам дунёда унга берилган қимматли фурсатни қўлдан бериб, ўз яратувчисини танимасдан, ҳатто инкор қилиб яшайди. Оқибатда ўла-ўлғунича Исломдек улкан саодатдан бениасиб бўлади. Ўшандай бахтсиз, кофирона ҳаёт кечирган ва кофир ҳолатида ўлганлар, шубҳасиз, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг, фаришталарнинг ҳамда тамомий инсониятнинг лаънатига сазовордир.

خَالِدِينَ فِيهَا لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿١٦٢﴾

162. Унда абадийдирлар! Улардан азоб енгиллатилмайди ва уларга муҳлат ҳам берилмайди.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га ё фаришталарга, ё китобларга, ё пайгамбарларга кофир бўлган, мана шундай ҳолатда ўлган бахтиқаро кимсалар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг лаънатида, дўзахда абадий бўлур! Дўзах укубатлари улардан бир лаҳзага ҳам кечиктирилмайди! Жаҳаннам азоблари улардан сал бўлса ҳам енгиллатилмайди!

﴿ وَقَالَ الَّذِينَ فِي النَّارِ لِخَزَنَةِ جَهَنَّمَ ادْعُوا رَبَّكُمْ يُخَفِّفْ عَنَّا يَوْمًا مِّنَ الْعَذَابِ ﴾ ﴿٤٩﴾ غافر: ٤٩

Дўзахдаги кимсалар жаҳаннам посбонларига "Раббингизга дуо қилинг! Биздан азобнинг лоақал бир кунини енгиллатсин!" дейди. (Ғофир сураси, 49 – оят)

Дунёда зўравонлик билан, тажовузнинг барча турини касб қилиб яшаётган кофирлар ҳаётда мўминларга санокли кунлар азоб беради. Бироқ ўзлари Қиёмат куни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг азобиди абадий бўлади. Мусулмонлар билан курашганлардан жаҳаннам азоблари ақалли бир лаҳзага ҳам кечиктирилмайди. Тисраб ёнувчи дўзах алангалари сал ҳам енгиллатилмайди. Энг даҳшатлиси

¹ Ушбу оятни ўрганишда "Фотиҳа" сурасининг учинчи ва "Бақара" сурасининг 37 – оятига тақдоран мувожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

улар шу ҳолда абадий қолади. Дунёда Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг вужудини инкор қилган ёки динини ҳаётдан суриб ташлаган, пайғамбарларнинг йўли қолиб, ҳар хил куфр йўлларга чақирган кофирларнинг Қиёматдаги ҳоли шу! Ҳали ҳануз Исломга кирмасдан, куфр ҳаётидан мамнун бўлаётганлар зудлик билан тавба қилиб, ҳақ йўлга ўтсин! Йўқса, эртага уларнинг ҳолатига маймунлар йиғлайди! Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} Куръони Каримда марҳамат қилади:

﴿ وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِهَا كَذَلِكَ نَجْزِي كُلَّ كَافِرٍ ﴿٣٦﴾ ﴾

Фатр: 36

Кофир бўлган кимсаларга жаҳаннам ўти мунтазир! Уларга ҳукм қилинмайдики, ўлишса ва унинг азобидан уларга енгиллатилмайди! Ҳар бир кофирни мана шундай жазолаймиз! (Фотир сураси, 36 – оят)

Кофирларга бериладиган азоб уч тарафлама: азобнинг абадийлиги, бирон лаҳза ҳам кечиктирилмаслиги ва азобнинг бирон қисми енгиллатилмаслиги билан оғирдир. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} барчамизни кофир бўлиб ҳаёт кечиришдан, ўлар вақтда мана шундай бахтсиз ҳолатда жон беришдан сақласин!

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нозил қилган ва одамларга баён этган нарсани яширган, сўнг бу қилмишига пушаймон бўлиб тавба қилган кишилар, умуман, илм аҳли одамларга ошкор этиши лозим бўлган биринчи нарса – Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг Ягона илоҳлиги ва Ундан ўзга илоҳнинг йўқлиги, яъни тавҳиддир:

﴿ وَاللَّهُ كُفَرًا إِلَهٌُ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴿١٦٣﴾ ﴾

163. Маъбудингиз Ягона Маъбуддир. Ундан ўзга маъбуд йўқдир! У Меҳрибон, Раҳмлидир.

Эй одамлар! Сизларнинг маъбудингиз Якка ва Ягонадир! Унинг зоти, сифати, исми ва феълларида тенги йўқ! Ундан ўзга ибодат қилинишга лойиқ ҳеч бир илоҳ йўқ! У ёлғиз Ўзи Яратувчи, Ризқ берувчи, Ўлдирувчи ва Тирилтирувчидир! Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га ҳеч бир нарса ҳеч қачон тенг бўлолмас!

Худосизлик давр сурган бир замонлар бўлди. Ўшанда Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг вужудини тамоман инкор қилган тузум энг тўғри йўл сифатида илгари сурилди! Мана шундай тузумга ҳам одамлар ҳаридор бўлди! Бундай бемаъно низомга қарши турганлар қоқоқ, маданиятсиз деб атади! Худосизлик назариясини илгари сурган тарғиботчиларга илмий унвонлар ҳам берилди! Ўшандай малъунлар бошқаларга ибрат қилиб ҳам кўрсатилди! Ё ажаб! Ўшандай ғояни олға сурганлардан кўра бефаҳм кимса бўлмас! Лекин шундай бўлди! Инсоният ўз тарихида бунақанги шарманда бўлган эмас! Ўша замонларда хўп давр сурган, бугунга келиб тўнини тескари қийиб, яна бошқаларга эс бўлаётган иккиюзламачилар ҳозирда ҳам йўқ эмас!

Ушбу оятнинг **الهِمَمُ** – **маъбудингиз** дея инсониятга қарата хитоб қилиши мўъжизадир. Замонамизга бир назар солинг! Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га бандалик даъвосини қилган, мусулмонлиги оламга сиғмайдиган кимсалар ширк ботқоғига кўмилиб, ҳар хил мазорлар, булоғу дарахтлар атрофини пул сарфлаб обод қилаётир! На фойда ва на зарар келтириш қўлидан келмайдиган ўша мазорларга қўй, товуқ каби жонликларни атаётир! Ота-онаси, фарзандига бермаган нарсаларни шайтон ин қурган ўша жойларга назр қилаётир! Ўшалардан мадад, фарзанд, касбига ривож тилаётир! Таом еб, ҳожат чиқарадиган ўзи каби ожиз кимсаларга билган-билмаган ҳолда ибодат қилаётир! Энг даҳшатлиси, бундай қилмишидан савоб умид қилаётир! Ўша мушриклар ширк ўринларига қилаётган ихлосини Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га қилса, бўлмасмиди?!

Бандаларга Ўзини танитгани, ҳаётнинг қоронғу кўчаларида тўғри йўлни кўрсатиш учун Муҳаммад ^{саллаллаҳу алайҳи ва саллам}ни пайғамбар қилиб юборгани – Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг меҳрибонлигидандир. Инсоният ўзича турли хил энсақотар, бемаъно қонунлар тузиб, хор бўлмаслиги учун саодат комуси бўлмиш Куръони Каримни нозил этгани, жамики манфаатларни ўз ичига олган Ислом шариатини дин қилиб бериши – Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг буюк раҳматларидандир. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} дунёда мўминну кофирни ажратмай, барчага ризқ берувчи Меҳрибон ва Қиёмат кунида Ўз раҳмати остига фақат мўмин бандаларини олувчи Раҳмлидир. Шундай экан, ибодатларнинг барча турида Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}ни яқкалам, яъни фақат Унгагина ибодат қилмоқ лозим!

Маъбуд – сиғиниш ва ибодат қилишга лойиқ зот, деган маънони билдиради. Бу калима фақат Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га истъёмол қилингандагина ўз маъносини топади, холос.

Куръони Каримда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг вужудини исботловчи оятлардан кўра Унинг ягоналигини исботловчи оятлар кўпроқ келади. Чунки, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ни бутунлай инкор қиладиган махлук узоқ тарихда бўлган эмас, ундайлар яқин замонларда пайдо бўлган. "Коиноту ерни ким яратган?" деганга ўхшаш саволларга мушриклар "Фақат Аллоҳ", деб жавоб қилган. Лекин ибодатда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га бошқа нарсаларни шерик қилишган ва "Биз билан Аллоҳ ўртасида восита бўлади", деб эътиқод қилишган. Шунинг учун Куръони Карим куйида Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг якка ва ягоналигига, мушриклар Унга тенг қилаётган барча нарсалардан тамоман пок эканлигига далолат қилувчи борлиқдан бир неча ҳужжат ва аломатларни келтиради:

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ أَلْوَانِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلْكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَخْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيْحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿١٦٤﴾

164. *Албатта, осмонлару Ернинг яратилишида, кеча ва кундузнинг алмашувида, одамларга фойда берадиган нарсалар билан денгизда сузайтган кемаларда, Аллоҳ осмондан сувни тушириб, у билан ерни ўлганидан сўнг тирилтириши ва унда жонзотнинг барчасидан таратишида, шамолларни йўналтиришида, осмон ва ер ўртасида бўйсундирилган булутда ақлини ишлатадиган одамлар учун аломатлар бордир!*

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} осмонлару Ерни йўқдан бор қилди. Унинг қудрату ҳикмати ила кеча ва кундуз навбат билан алмашади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг илоҳий қонуниятига кўра минглаб йўловчиларни ва инсон манфаатига хизмат қиладиган юзлаб тонна юкларини ортган баҳайбат кемалар мовий денгизларда чўкмасдан сузиб юради. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} осмондан ёмғирни ёғдириб, қакроқ ерларни қайта жонлантиради. Ер юзида беҳисоб турли хил жониворларни яратиб, уларни юксак ҳикмат билан таратади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ўз қудрати билан шамолларни керакли тарафларга йўналтиради. Унинг изнига кўра булутлар осмон билан ер ўртасида муаллақ ҳолда сузиб юради. Буларнинг бариси Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг Якка ва Ягона эканидан далолат берувчи аломатлардир.

Бутун борлиқни қувват ва ҳикматда тенги бўлмаган Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бошқаради. Унга ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч нарсада тенг бўлолмайди. Мана бу бирламчи ҳақиқатдир! Бироқ ушбу ҳақиқатни билиш, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг оятлари ҳақида тафаккур қилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг якка ва ёлғизлигига далолат қилувчи аломатлардан ақлини ишлата оладиган қалби очик кишиларгина кўриб ибратланади!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} мана бу оятда Ўзининг борлиги, ягоналиги, буюк қудрати ва раҳматига далолат қиладиган тўққизта аломатни ёд қилди. Уларнинг биринчиси – баланд ва бепоён осмонлардир. Инсон осмон ҳақида юзаки нарсаларни билади, холос. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} осмонларни баланд қилиб яратди ва унга инсон ақли лол қоладиган куёш, ой, юлдузлар каби коинот бағрида сузиб юрувчи турли улкан жисмларни жойлади:

﴿أَفَلَمْ يَنْظُرُوا إِلَى السَّمَاءِ فَوْقَهُمْ كَيْفَ بَنَيْنَاهَا وَزَيَّنَّاهَا وَمَا لَهَا مِنْ فُرُوجٍ﴾ ﴿٦﴾ ق: ٦

Биз устиларидаги осмонни қандай бино қилиб, уни безаганимизни ва унинг бирон ёриқлари йўқлигини кўришмадими?! (Қоф сураси, 6 – оят)

Дунёда доврўғи етти иқлимга кетган, етти мўъжизанинг бири, деб таъриф берилган машхур жойлар бор. Аслида ундай жойларнинг ҳайратланарли ҳеч бир жойи йўқ. Лекин одамлар ўша жойларга боришни орзу қилади. Ўша жойларга бориш учун емай-ичмай йиллаб меҳнат қилади. Пул сарфлаб, не-не машаққатлар билан узоқ масофаларни босиб ўтади. Бориб қараса, рўбарўсида устун ёки девор ила тикланган оддий бир иморатни кўради, холос.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} осмондек улкан жисмларни ҳеч ким ва ҳеч нарсанинг ёрдамисиз муаллақ ҳолатда, пул сарфлаб бориб кўришга эҳтиёж қолдирмасдан устимизга кўринадиган қилиб ўрнатди:

﴿رَفَعَ السَّمَوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا﴾ ﴿٢﴾ الرعد: ٢

Осмонларни сизлар уни кўрадиган ҳолатда, устунсиз кўтариб қўйди... (Раъд сураси, 2 – оят)

Мана шундай оддий нарсани кўриш учун узок жойлардан машаққат билан чиқим қилиб борган инсон Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ҳеч бир устунсиз кўтариб, ҳаммага кўринадиган қилиб қўйган устидаги бепоён осмонлари ҳақида ўйламайди! Ҳолбуки, бошини кўтариб, андак кўзини очиб, ақлини ишлатса, кифоя! Энди мана шундай улкан жисмларни устимизга тушиб кетмайдиган, доимий муаллақ қилиб яратган Зотга аллақандай ҳақир нарсаларни тенг қилаётганларга нима дейиш мумкин?! Ахир, улкан ва маҳобатли осмонлар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг Якка ва Ёлғиз эканидан нишона эмасми?!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг улкан мўъжизаларидан яна бири – Ернинг яратилишидир. Ернинг кенглиги, ундаги аҳолининг жойлашуви, водийлари, тоғу чўллари, боғу бўстонлари олдида инсон ақли хайратдан лол қолади.

﴿ وَالْأَرْضَ مَدَدْنَاهَا وَالْقَيْنَا فِيهَا رَوَاسِيَ وَأَنْبَتْنَا فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجٍ بَهِيجٍ ﴾ ق: ۷

Ерни кенг қилдик ва унга тоғларни ўрнатдик ҳамда унда ажойиб жуфтларнинг барчасидан ундирдик! (Қоф сураси, 7 – оят)

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ерни ўз ўқи афтофида айланадиган қилиб яратди. Унинг яратилганига миллионлаб йиллар ўтишига қарамай, хануз бир маромда ҳаракатини давом эттирмоқда. Ернинг қаърига инсон учун бебаҳо қазилма бойликларни жойлади. Ернинг ажиб хусусиятларидан яна бири шуки, у тирикларни кўтаришидан ташқари яна ўликларга ҳам ўз қаъридан жой беради.

﴿ وَآيَةٌ لَهُمُ الْأَرْضُ الْمَيِّتَةُ أَحْيَيْنَاهَا وَأَخْرَجْنَا مِنْهَا حَبًّا فَمِنْهُ يَأْكُلُونَ ﴾ ﴿ ۳۳ ﴾ وَحَعَلْنَا فِيهَا جَنَّاتٍ مِّنْ نَّخِيلٍ وَأَعْنَابٍ وَفَجَّرْنَا فِيهَا مِنَ الْعُيُونِ ﴾ ﴿ ۳۴ ﴾ يس: ۳۳ - ۳۴

Биз уни тирилтирган ва ундан турли донларни чиқарган ўлик ер улар учун мўъжизадирки, ундан емоқдалар. Яна унда хурмо ва узумлардан боғларни қилдик ҳамда унда булоқларни оқиздик. (Ёсин сураси 33, 34 – оятлар)

Фан олами яқинларгача тупроқни жонсиз кимёвий бирикма деб ҳисобларди. Бугунга келиб "Тупроқ – жонли модда. Ўсимликларнинг ўсиши учун тупроқ жонлианиши шарт. Ёмғир томчилари тупроқдаги жаросимларни фаолиятга келтириб, унинг таркибидаги ҳаракатланувчи зарралар нитружин ва фосфорни жонли кимёдаги бирикмаларга қўшиладиган аҳволга келтиради, яъни жаросимларни ишга солиб тупроққа жон беради", деган хулосага келишди. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} 1400 йил илгари мана шу жараённи битта **тирилтириши** калимаси билан ифодалади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ёлғиз маъбуд эканига унамаганларга мана бу маълумотларни билиш учун 1400 йил вақт ўтиши керак бўлди.

– خلق – **Ер** калимасининг ۋ ҳарфи орқали السموات – **осмонлар** сўзига боғланиб, биргаликда **яратилиш** калимасига қаратқич келишигидаги аниқловчи бўлиши эътиборлидир. Бу нарса осмонлар билан Ернинг вужуди, мувозанати бир-бирисиз тамоман мумкин эмаслигига ишора қилади. Фан олимларининг не-не машаққатлар эвазига яқинда эришган кашфиётини Қуръони Карим 1400 йил илгари оддий усул билан ифода этишига қаранг! Бу мўъжиза эмасми?! Бу нарса осмонлару Ерни яратган Зот билан Қуръони Каримни нозил этган Зот бир эканидан нишона эмасми?!

﴿ لَخَلْقُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ أَكْبَرُ مِنْ خَلْقِ النَّاسِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾ ﴿ ۵۷ ﴾ غافر: ۵۷

Албатта, Осмонлару Ерни яратиш одамларни яратишдан каттароқдир. Лекин одамларнинг кўпи билишмайди. (Ғофир сураси, 57 – оят)

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг борлигини исботловчи белгилардан яна бири – кеча ва кундузнинг алмашувидир. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} инсоннинг касб, тирикчилик қилишига қулай қилиб кунни, дам олиб, ухлаши учун тунни яратди. Кун ёруғ, тун эса қоронғу. Кечанинг орқасидан кун, куннинг орқасидан кеча ўз вақтидан бирон лаҳза кечикмасдан келади. Бири бошқасидан ўтиб кетмайди:

﴿ لَا الشَّمْسُ يَنْبَغِي لَهَا أَنْ تُدْرِكَ الْقَمَرَ وَلَا اللَّيْلُ سَابِقُ النَّهَارِ وَكُلٌّ فِي فَلَكٍ يَسْبَحُونَ ﴾ ﴿ ۴۰ ﴾ يس: ۴۰

Қуёшнинг оёга етиб олиши мумкин бўлмас. Кеча ҳам кундуздан ўзувчи эмас. (Ёсин сураси, 40 – оят)

Кун бирдан тунга ёки тун бирданига кундузга айланмайди. Бу жараён товуш чиқармасдан, сездирмасдан аста-секинлик билан амалга ошади. Қиш ва ёз фаслида кеча ҳам, кундуз ҳам узайиб қисқаради. Сўнг яна бир пайт келганда ҳар иккиси тенглашади. Масалан, шимолий қутбга яқин ўлкаларда кун қисқа, кеча узун бўлса, истиво чизигига яқин ўлкаларда кун узун, кеча қисқа бўлади. Инсон кеча ва кундузнинг ўтишига қараб умрини ва бошқа ҳисобларини юритади.

Кун билан туннинг алмашуви қандай юз беради? Одатда бу саволга Ер ўз ўқи атрофида айланади. Ернинг қуёшга қараган томонида кундуз, бошқа томонида эса тун бўлади, деб жавоб қилинади. Ҳўп, бу жараёни, яъни Ерни мана шундай нозик ўлчов билан ўз ўқи атрофида бир маромда айланадиган қилиб қўйган Зот ким?!

Дунёдаги барча жисмлар, ҳар қанча зўр маҳорат ва нозик санъат ила ишланган бўлмасин, вақт ўтиши билан унинг ҳаракатида ўзгариш, ҳаракатга келтирувчи жиҳозларнинг бузилиши ёки тамоман ишдан чиқиши каби носозликлар пайдо бўлади. Ундан ташқари бир улкан жисмни ўрнидан қўзғатиб, ўрнига бошқа нарсани келтириш гулдурос шовқин-суронларсиз амалга ошмайди. Лекин Аллоҳ ^{субҳаналуху ва таъоло} кеча ва кундузнинг алмашувидек улкан бир жараёни ҳеч қандай товушсиз, ҳеч кимнинг ёрдамисиз, ҳеч кимга сездирмасдан бир-бирига киритади:

﴿أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يُولِجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُولِجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ﴾ لقمان: ٢٩

Аллоҳнинг кечани кундузга киритишини ва кундузни кечага киритишини кўрмайсизми?! (Луқмон сураси, 29 – оят)

Одамзодга қанчалар ажойиб, қизикарли бўлмасин, бир хил томошани такрор-такрор кўравериш ёқмайди. Бир хил воқеа ё ходисани ҳадеб томоша қилиш инсоннинг жонига тегади. Аммо кеча ва кундузнинг алмашувини ҳар куни икки марта кўриш ҳеч кимнинг жонига тегмайди, балки ҳамма кечани ҳам, кундузни ҳам шавқ билан кутади. "Яна кеч кирдимми?" ё "Яна кун чикдимми? Кеча ва кундуз ҳадеб такрорланаверадими? Бу ҳолатни кўравериш жонга тегди!" деган нарсга ҳаёлга ҳам келмайди.

﴿قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ جَعَلَ اللَّهُ عَلَيْكُمُ اللَّيْلَ سَرْمَدًا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ إِلَهُ غَيْرَ اللَّهِ يَأْتِيكُمْ بِضِيَاءٍ أَفَلَا تَسْمَعُونَ﴾ (٧١) ﴿قُلْ أَرَأَيْتُمْ إِنْ جَعَلَ اللَّهُ عَلَيْكُمُ النَّهَارَ سَرْمَدًا إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ إِلَهُ غَيْرَ اللَّهِ يَأْتِيكُمْ بِاللَّيْلِ تَسْكُونُونَ فِيهِ أَفَلَا تُبْصِرُونَ﴾ (٧٢)

القصاص: ٧١ - ٧٢

"Айтинглар-чи, агар Аллоҳ устингизга кечани Қиёмат кунига қадар абадий қилиб қўйганида Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизларга ёруғликни олиб келади?! **Эшитмайсизларми, ахир?!"** деб айтинг! **"Айтинглар-чи, агар Аллоҳ устингизга кундузни Қиёмат кунига қадар абадий қилиб қўйганида Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ сизларга унда ором оладиган кечани олиб келади?!** **Кўрмайсизларми, ахир?!"** деб айтинг! (Қасас сураси, 71, 72 – оят)

Ҳозирги замон олимлари инсон саломатлиги, атроф-муҳит ва ердаги айрим жараёнлар учун кеча ва кундузнинг бир маромда алмашуви ғоят муҳим эканини, агар унинг алмашув мароми ўзгарса, ҳаётнинг издан чиқишини айтишмоқда.

Кун билан туннинг алмашуви, шубҳасиз, ажиб бир мўъжизадир. Бироқ бу ҳолатни бир умр кўриб яшаётганимиз сабабли биз учун табиий ҳол бўлиб қолган. Ўзи шундай бўлиши керак, деб қабул қилишга одатланганимиз учун унинг мўъжизалиги кўзимиздан ғойиб бўлган. Аслида, кеча ва кундуз алмашувининг ўзгаришсиз давом этиши – Аллоҳ ^{субҳаналуху ва таъоло} нинг бирлигига, илми, қудрати, ҳикмати ва раҳматига қатъий далолат қиладган белгидир.

﴿يَقْلِبُ اللَّهُ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَعِبْرَةً لَأُولِي الْأَبْصَارِ﴾ النور: ٤٤

Аллоҳ кеча ва кундузни алмаштиради. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибрат бор. (Нур сураси, 44 – оят)

Кеча ва кундузнинг алмашувида ақл эгалари учун кўп ибратлар бор. Зеро, кеча ва кундузнинг алмашуви ҳар қандай янгиликни эскитади, ҳар қандай узокни яқинлатади, умрларни қисқартиради, ёшларни қаритади. Инсонни кун сайин буюк Ҳисоб кунни сари яқинлатиб боради. Ҳисоб кунига ҳозирлик кўриш лозимлигини эслатиб туради.

Аллоҳ ^{субҳануху}нинг борлигини кўрсатувчи ажиб мўъжизаларидан яна бири – мовий денгизлар ичра кемаларнинг писта пўчоқ мисоли сузиб юришидир. Инсон кема ясай олиши ила фахрланади. Аслида, бу Аллоҳ ^{субҳануху}нинг инсонга берган илҳоми махсулидир. Қолаверса, сув ва ҳавонинг босими, сувнинг солиштирма оғирлиги, ҳаво билан кеманинг орасини мувозанатга солиб турган бир қонуният борки, унга заррача путур етса, кема сув юзида туrolмайди. Озиқ-овқат, тижорат моллари каби инсон эҳтиёжлари бўлган минглаб тонна юклар Аллоҳ ^{субҳануху}нинг изни билан, Унинг қонуниятига бўйсунган ҳолда сув сатҳида баҳайбат кемаларда минглаб чақирим узокликдаги масофалардан сузиб келади. Холбуки, кичик бир тош сувга отилса, денгиз қаърига чўкади.

Ушбу оятнинг нузулига ўн тўрт асрдан ошди. Бу вақт мобайнида Ер аҳолиси бир неча баробарга кўпайди ва табиийки, давлатлар, турли тижорий ташкилотлараро савдо ҳажми кийслаб бўлмас даражада ортиб кетди. Умуман, инсон ҳаёти кўп жиҳатдан тараққиёт сари жадаллаб кетди. Жумладан, тижорат ва бошқа молларни ташиш усуллари ҳам такомиллашди. Илгари бир неча ойларда етказилган юклар ҳозирда бир қанча соатлар, нари борса, бир неча кунларда етиб бормокда. Бироқ оятнинг **يَتَّقُ – фойда берадиган** деб келиши 1400 йилдан кейин ҳам ўз мўъжизасини кўрсатмокда. Бутунги тараққиётнинг жадал ўсиб боришига қарамай юк ташиш соҳасида сув нақлиёти атроф-муҳит учун энг хавфсиз, энг қулай, энг ишончли ва асосийси энг арзон восита бўлиб қолмокда. Бутунжаҳон юк ташиш ташкилотининг маълумотларига қараганда ҳозирги кунда савдо, ҳарбий ва инсонпарварлик юкларининг 80 фоиздан зиёд қисми бевосита сув нақлиётида ташилади. Денгизга чиқиш имконияти бўлган давлатлар деярли барча юкларини сув орқали юк ташиш кемаларида ташийди. Сув орқали юк ташиш сердаромад бўлгани боис денгиз соҳилларига катта бандаргоҳлар қурилган. Сув орқали юк ташиш нарх-наволарга, жаҳон иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир кўрсата оладиган, даромадли тармок бўлиб келмокда.

الْفَاك – **кема** калимаси кўплик ва бирлик шаклида ҳам бир хилдир. Кўплик назарда тугилганда муаннас ҳолатда, бирлик назарда тугилганда музаккар ҳолатда келтирилади.

Аллоҳ ^{субҳануху}нинг ёлғиз маъбуд эканига далолат қиладиган яна бир аломат – ёмғирдир. Аллоҳ ^{субҳануху} Қуръони Каримнинг бошқа бир ўрнида марҳамат қилади:

﴿وَنَزَّلْنَا مِنَ السَّمَاءِ مَاءً مُّبْرَكًا فَأَنْبَتْنَا بِهِ جَنَّاتٍ وَحَبَّ الْحَصِيدِ ﴿٩﴾ ق: ٩﴾

Осмондан баракотли сувни тушириб, у билан богларни ва ўриладиган донларни ундирдик! (Қоф сураси, 9 – оят)

Ўсимлик олами ва ердаги бошқа мавжудотнинг ҳаёти учун омил бўлган ёмғир томчилари тушиши билан ернинг ўсимликлар илдиизи озикланадиган қатламидаги кимёвий моддалар бирикади ва сув таркибидаги заррачалар орқали уруғ қобиғи ёки ўсимликлар илдиизига кириб, уларга ҳаёт баҳш этади. Натижада қақроқ, унумсуз, қишдан ўлик мисоли чиққан ерлар худди қайта тирилгандек ҳаёт бошлайди. Борлиқ жунбушга келиб, ўрмонлар, қир ва адирликлардаги минглаб ўсимликлар олами Аллоҳ ^{субҳануху}нинг қудрати ила униб, ўса бошлайди. Ҳаракатга келган ҳар бир уруғ ва данаклар ягона илоҳий қонуниятга бўйсуниб, ичидаги ўз хусусиятларининг ҳаммасини сақлаб қолади. Бир ўсимлик уруғи ихтиёри билан бошқа бир ўсимлик бўлиб униб чиқолмайди.

﴿أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا نَسُوقُ الْمَاءَ إِلَى الْأَرْضِ الْجُرُزِ فَنُخْرِجُ بِهِ زَرْعًا تَأْكُلُ مِنْهُ أَنْعَامُهُمْ وَأَنْفُسُهُمْ ﴿٢٧﴾ السجدة: ٢٧﴾

Биз сувни қуруқ ерга ҳайдаб, сувнинг воситасида ундан чорвалари ва ўзлари ейдиган экинларни чиқарганимизни кўришмадилми?! (Сажда сураси, 27 – оят)

Ёмғир ёғиши билан ўсимлик ва дарахтлардаги турли касаллик ва зараркунандалар ювилиб кетади. Ёмғирда ҳавонинг тозаланиб, ундаги турли юқумли иллатларнинг ювилиб кетиши ва турли касалликларнинг олди олиниши инсон учун ҳам манфаатли. Ёмғир туфайли мева ва сабзавот, умуман, инсон ва унинг чорвалари учун ризқ етишиб пишади.

Аллоҳ ^{субҳануху}нинг Ягона Маъбуд эканига яна бир далил шуки, У овози, ранги, шакли, ҳажми, табиати турли бўлган беҳисоб жонзотларнинг ҳар туридан яратиб, ер юзи бўйлаб таратиб қўйди. Инсон улардан гўштини еб, сутини ичиб, улов сифатида миниб, терисини кийиб фойдаланади. Улар ичида фил каби улкан, баҳайбат ҳайвонларидан тортиб, чумолидек инсон кўзига кўринмайдиган майда ҳашаротлар ҳам бор. Умуман жонзотлар ичида инсонга маълум бўлганидан кўра маълум бўлмагани кўп. Уларнинг баъзиси тўрт оёқли, баъзиси икки оёқли, баъзиси эса қорни билан судралиб юради:

﴿وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِنْ مَاءٍ فَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى بَطْنِهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى رِجْلَيْنِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى أَرْبَعٍ ﴿٤٥﴾﴾ النور: ٤٥

Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улардан қорнида судралиб юрадигани бор, икки оёқлаб юрадигани бор, эмаклаб юрадигани бор... (Нур сураси, 45 – оят)

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва тазало} ҳайвоноту ҳашаротларни яратибгина қўймади, балки Ўзининг юксак билим ва ҳикмати билан барчасини Ер юзи бўйлаб таратиб ҳам қўйди. Мисол учун йиртқич ҳайвонларни ўрмонларга, сув ҳайвонларини дарё ва денгизларга таратди ва ҳоказо. Барчасининг ризкини ҳам Ўзи ўз ўрнида таъйин қилди. Агар Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва тазало} ҳар бирини ўз ўрнига таратиб, ризкини таъйин этмаганида, инсоннинг боши хатардан чикмас эди.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва тазало} Ўзининг қудрати ва нозик ҳикмати ила шамолларни ҳам керакли йўналишлар бўйлаб эсдирди:

﴿وَهُوَ الَّذِي يُرْسِلُ الرِّيحَ بُشْرًا بَيْنَ يَدَيْ رَحْمَتِهِ ۖ حَتَّىٰ إِذَا أَقْلَّتْ سَحَابًا ثِقَالًا سُقِنَهُ لِكَلِّهِمْ فَيَنْزِلُ بِهِ الْمَاءَ فَأَخْرَجْنَا

بِهِ مِنْ كُلِّ الشَّجَرَةِ ﴿الأعراف: ٥٧﴾

У Ўз раҳмати ҳузуридан шамолни хушxabар қилиб юборадиган Зотдир. Қачонки, шамол оғир булутни кўтарса, уни ўлик шаҳарга ҳайдаб, унга сувни тушириб, ўша сабабли меваларнинг барча туридан чиқарамиз... (Аъроф сураси, 57 – оят)

Шамолни фанда ҳавонинг ҳаракати деб ифодаланади. Ҳаводаги босимлар фарқи ҳавони ҳаракатга келтиради. Натижада шамоллар пайдо бўлади. Шамол баъзан булутларни ҳайдаб тўшласа, баъзан ҳайдаб уларни таркатади. Шамол икки хил: асосан ётиқ ва баъзан тик йўсинда саккиз хил йўналиш бўйлаб эсади. Эсиш шиддатига қараб шамоллар уч турга: довул, бўрон ва қасирғага бўлинади. Шамолнинг тезлиги ва йўналиши турли хил жиҳозлар ёрдамида аниқланади.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва тазало} шамолни турли йўналишлар бўйлаб, баъзан шиддат билан, баъзан майин қилиб эсдирди. Агар фақат бир тарафга эсадиган қилганида инсоният учун катта кулфатлар келтирган бўларди.

Шамолнинг йўналиши, айниқса, сув ва ҳаво кемаларининг қатнови учун аҳамиятлидир. Инсон шамолнинг эсиш йўналишини аниқлаб, ундан катта қувватдаги арзон ва беминнат каҳрабо қувватини ҳосил қилишда ҳамда қишлоқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида фойдаланади. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва тазало} нинг марҳамати билан очиқ ерларда ўсувчи ўсимликлар ва дарахтлар асосан шамол билан чангланади, куртак чиқаради. Ундан ташқари шамоллар атроф-муҳитни турли хил бадбўй ва зарарли ҳидлардан ҳам тозалаб туради. Шунингдек, шамоллар баъзан раҳмат билан эсса, баъзан катта бинолар ва баланд иншоотларни вайрон қиладиган, дарахтларни илдири ила кўпориб ташлайдиган даражадаги шиддат билан эсиб, одамларга катта кулфатлар олиб келади. Росулulloҳ ^{салвоту}_{алайхи ва саллам} шамол ҳақида йўлланма бериб, қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تُسَبُّوا الرِّيحَ فَإِنَّهَا مِنْ رَوْحِ اللَّهِ تَأْتِي بِالرَّحْمَةِ وَالْعَذَابِ وَلَكِنْ سَلُّوا اللَّهَ مِنْ خَيْرِهَا وَتَعَوَّذُوا بِاللَّهِ مِنْ شَرِّهَا ﴿رواه ابن ماجه﴾

Абу Хурайра ^{ривоят}_{қилдилар}: Росулulloҳ ^{салвоту}_{алайхи ва саллам} шамолни сўкманглар! Чунки, у раҳмат ва азобни олиб келадиган Аллоҳнинг раҳматидир! Лекин Аллоҳдан унинг яхшилигидан сўранглар ва ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тиланглар дедилар. (Ибн Можа ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва тазало} Қуръони Каримда шамол сўзини бирлик шаклида: الرِّيح – *шамол* ва кўплик шаклида: الرِّياح – *шамоллар* иборалари билан келтирган. Муфассир уламолар кўплик шакли билан келтирилган шамолдан раҳмат ва "Юнус" сурасининг 22 – оятидан бошқа ўринда бирлик ҳолатида келтирилган шамолдан азоб назарда тутилганини қайд қилишган.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва тазало} нинг яна бир буюк қудрати белгиси – осмон ва ер ўртасида сузиб юривчи булутлардир:

﴿أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يُزَيِّجُ سَحَابًا ثُمَّ يُؤَلِّفُ بَيْنَهُمْ ثُمَّ يَجْعَلُهُمُ رُكَّامًا فَتَرَى الْوَدْقَ يَخْرُجُ مِنْ خِلَالِهِ﴾ النور: ٤٣

Аллоҳнинг булутни ҳайдашини, сўнг уни бирлаштиришини, сўнг уни тўп-тўп булутлар қилишини кўрмадингизми?! Натижада булутнинг орасидан ёмғирнинг чиқаетганини кўрасиз! (Нур сураси, 43 – оят)

Булут – ҳаводаги сув ва муз заррачаларининг тўпламидир. Қуёшнинг ҳарорати денгиздаги сувларни буглантиради. Сув бугларининг миқдори кўпайиб, осмонга кўтарилади. Ҳарорат пасайганида сув зарралари бир-бири билан бирикади ва булут ҳосил бўлади. Булутлар ташқи кўринишига кўра уч турга: барра, тўп-тўп ва қатлам-қатлам булутларга бўлинади. Барра булутлар оқ рангли, юпқа ва майин бўлиб, юқори қатламларда пайдо бўлади. Тўп-тўп булутлар гулқарам шаклида, асоси ясси бўлади. Қатлам-қатлам булутлар сидирға бўлиб, осмоннинг кўз илғайдиган бутун қисмини қоплаб туради.

Булутлардаги мўъжизалардан бири шуки, улар миллионлаб тонна чучук сувларни кўтарган ҳолда Ер ва осмон орасида муаллақ сузиб юради. Сўнг ягона илоҳий қонуниятга бўйсуниб, катта ҳажмдаги сувларни меъёр билан керакли ўринларга олиб бориб, тартибли суратда ғалвир каби майдалаб муайян ўлчов билан томчилатиб ёғдиради.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} мана бу оятда инсонни очиқ кўз ва покиза қалб билан Ўз қудрати ва ҳикмати ҳақида тафаккур қилишга чорлади. Ушбу аломатлардан фақат ақлдан улуши бўлган ва ўша улушни ишлата олган кишиларгина ибрат олишини ҳам айтди. Демак, борлиқ ва ундаги беҳисоб мўъжизалар ҳақида тафаккур қилмайдиганларни бемалол ақлсиз деса бўлаверади. Бирам, бирам ақллар бор, лекин Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг борлиги, яккаю яғоналигига далолат қиладиган аломатлар ҳақида тафаккур қилмайди. Тафаккур қилишга ярамайдиган бундай ақлдан ўз эгасига не фойда?!

﴿أَمْ تَحْسَبُ أَنَّ أَكْثَرَهُمْ يَسْمَعُونَ أَوْ يَعْقِلُونَ ۗ إِنْ هُمْ إِلَّا كَالْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ سَبِيلًا ﴿٤٤﴾ الفرقان: ٤٤

Сиз уларнинг кўпини эшитишади ёки англай олишади, деб ўйлайсизми?! Йўқ! Улар ҳайвонларнинг ҳудди ўзгинаси! Йўқ! Улар янада йўлдан озганроқдир! (Фурқон сураси, 44 – оят)

Мўмин киши борлиқдаги Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг мўъжизаларини кўриб, Парвардигорнинг қудрату ҳикмати ва раҳматига тан бериб, Унга тасаннолар айтиб яшайди. Иймонсиз кимсаларнинг кўзи ва қалбини нафс-ҳаво, маъсият пардаси қоплаб олгани боис улар тафаккур, фахм-фаросат, идрок каби тушунчалардан бенасибдир. Шу сабабдан Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг бутун борлиқдаги аломатларини кўрмай, улар ҳақида тафаккур қилмай ҳайвонлар мисоли мазмунсиз яшашади. Бироқ Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг аломатлари то Қиёмат инсонни ҳақ йўлга даъват этувчи аломатлар сифатида унинг кўз ўнгида намоён бўлиб қолаверади:

﴿سَرِيهَمْ ءَايَاتِنَا فِي الْأَفَاقِ وَفِي أَنْفُسِهِمْ حَتَّىٰ يَتَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُ الْحَقُّ ﴿٥٣﴾ فصلت: ٥٣

Уларга Қуръоннинг ҳақлиги маълум бўлгунига қадар Биз борлиқдаги ва уларнинг ўзларидаги аломатларимизни кўрсатиб бораверамиз. (Фуссилат сураси, 53 – оят)

Ушбу оятда санаб ўтилган барча аломатлар Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг ягона қонуниятига бўйсунди ва Унинг яккалигига далолат қилади. Шундай экан банда Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} яратган ерда яшаб, берган ризқларидан еб, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} яратган нарсалардан фойдаланиб, ибодатни бошқага қилиши инсофданми?! Албатта, йўқ! Бироқ Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг барҳақ Маъбуд эканига далолат қиладиган аломатларни кўра туриб, Унга ҳар хил нарсаларни тенг қиладиганлар ҳам бор:

النَّاسِ مَنْ يَتَّخِذُ مِنْ دُونِ اللَّهِ أَنْدَادًا يُحِبُّونَهُمْ كَحُبِّ اللَّهِ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا أَشَدُّ حُبًّا لِلَّهِ وَلَوْ رَىٰ الذِّينَ ظَلَمُوا إِذْ يَرَوْنَ الْعَذَابَ أَنَّ الْقُوَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا وَأَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعَذَابِ ﴿١٦٥﴾

165. *Одамлар ичида Аллоҳдан ўзга шерикларни қилиб, уларни Аллоҳни яхши кўргандек яхши кўрадиган кимсалар бор. Иймон келтирган кишилар Аллоҳга муҳаббат қўйишда кучлироқдир. Зулм қилган кимсалар азобни кўришганда барча куч-қудрат Аллоҳга хослигини ва Аллоҳ азоби қаттиқ Зот эканини билганда эди!*

Бутун борлиқда Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг якка ва ёлғиз маъбуд эканига далолат қиладиган беҳисоб аломатлар бўлишига қарамай бу одамлар ичида ҳар хил нарсаларни ёхуд айрим шахсларни Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} га тенг қиладиган махлуқлар ҳам бор! Инсоннинг жаҳолат ва разолати шу даражага етадики, у ўлиб, чириб, йўқ бўлиб кетганларни ё эшитмайдиган, кўрмайдиган, жонсиз ҳақир нарсаларни ё кофир раҳбар ва пешволарини Яккаю Ягона бўлган Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} га шерик қилади. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} га осий бўлса ҳам ўшаларга итоат қилади. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг Ўзига хос бўлган сифатларини махлуқларига ҳам нисбат беради. Боз устига уларни худди Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} ни яхши кўргандек яхши кўради. Бироқ Аллоҳу Росулига иймон келтирган ва динини Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} га холис қилган мўминларнинг Раббиларига бўлган муҳаббати кучлироқ! Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} га муҳаббат

қўйиш – Унинг якка Ўзига ибодат қилиш, фақат Унинг ҳукмига рози бўлиш, амрларига итоат қилиб, қайтарган нарсаларидан сўзсиз қайтиш, Унинг дўстларини яхши кўриб, душманларини ёмон кўриш, Росулulloҳ ^{салому алайхи ва саллим} нинг йўлларидан бориб, бошқа ҳар қандай йўлларни тарк қилиш ва Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг розилигига олиб борувчи амалларни қилиш, демакдир.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Яратувчи, Ундан ўзгалар махлуқдир. Махлуқ Холикқа ҳеч қачон тенг бўлолмас! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} тамомила беҳожат, қолган ҳамма Унга ҳамиша муҳтож. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳар томонлама комил Зот, қолганлар ҳар томонлама ноқис. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дан бошқа ҳеч ким Унинг изнисиз фойда ҳам, зиён ҳам етказувчи эмас! Фақат Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Ризқ бергувчи, бошқалар ризқланувчи. Таваккул ва умид фақат Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дан бўлиши лозим. Қайси нарса тўғри, қайси нарса нотўғри, қайси нарса ҳалол, қайси нарса ҳаром эканини белгилаш фақат Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг ҳаққи. Ибодатнинг барча турини ёлғиз Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га қилиш, фақат Унинг ҳукмини тўғри деб билиш, фақат Унинг ҳукмига рози бўлиш, ошқору махфий ҳолатда фақат Ундан кўрқиш, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг бандалари устидаги ҳақларидан. Мазкур ҳақларнинг биронтасини Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дан ўзгага нисбат бериш Унга ширқдир. Мана булар мўмин киши эътиқоднинг ажралмас қисмидир. Мана шундай эътиқодни қалбига жо қилган ҳақиқий мўминнинг Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га бўлган муҳаббатини бошқа ҳеч нарсага қиёслаб бўлмас. Чунки мўмин киши Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ни хурсандлик ва ғамгинлик пайтида ҳам бир хил яхши кўради. Ҳар икки ҳолатда ҳам Раббисига суяниб илтижо қилади. Мушрик эса хурсандлик пайтида ширк келтириб, бошига ғам-ғусса тушганда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га ёлворади. Унинг Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дан ўзгага қўйган муҳаббати доимий эмас.

Мўмин киши Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ни ўзидан, ота-онаси, фарзандлари ва мол-давлатидан, умуман, ҳамма нарсадан ортиқ кўради. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг муҳаббатини даъво қилган киши шариат ҳукми келганда бошқа ҳар қандай ҳукмни четга суриб қўяди. Зеро, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг ҳукмига қарши бўлганларнинг ҳукмини ихтиёр қилиш бошқаларни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дан, Унинг муҳаббатидан ортиқ кўриш демакдир. Демак, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг муҳаббати мўмин киши учун ўзининг ва бошқаларнинг хоҳишидан устун туриши ва мана шу йўлда ҳамма нарсани қурбон қила олиши керак. Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га муҳаббат қўйиш банданинг салоҳияти ва икки дунё саодатидир. Ундан ўзгага муҳаббат қўйиш банданинг айни шақовати ва бахтсизлигидир.

Шунингдек, Ислom шариати қонунлари қолиб, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} дан ўзгаларни инсон ҳаётини идора этадиган қонунларни чиқарувчи қилиб таъйинлаш, сайлаш, ўшаларнинг фикрига суяниб баъзи нарсаларни ҳалол, баъзиларни ҳаром қилиш ёки ўшаларнинг чиқарган “қонун”га суяниб айрим нарсаларни жоиз, айрим нарсаларни ножоиз деб билиш Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло} нинг қонун чиқариш ҳуқуқини ожиз махлуқларига бериш, яъни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га шерик қилиш демакдир. Бу ҳам Ислomда ширк амалининг кўринишларидан бири, деб ҳисобланади.

Бизнинг давримизда ҳар хил дарахту тошларга, булоғу мазорларга сиғиниб, ихлос қўяётганлар бўлганидек жоҳилият даврида ҳам мушриклар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га бутларни, юлдузларни, айримлари эса фаришта ва жинларни шерик қилишар, уларга худди Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га муҳаббат қўйгандек муҳаббат қўйишарди. Бироқ улар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га ҳар хил бутларни тенг қилганда "Мана шулар бизни яратади, ризқ беради, коинотни бошқаради, мушкулимизни осон қилади, дардимизга шифо беради", деб эмас, балки "Бизни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га яқин қилади, Қиёмат куни шафоат қилади", деб шерик қилишарди.

﴿وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هَؤُلَاءِ شَفَعَتُنَا عِنْدَ اللَّهِ﴾ ^{يونس: ١٨}

Аллоҳдан ўзга уларга зарар етказолмайдиган, фойда ҳам беролмайдиган нарсаларга ибодат қилишади ва "Ўшалар Аллоҳнинг ҳузурини бизни шафоат қилгувчилар", дейишади. (Юнус сураси, 18 – оят)

Ислomда ширкнинг барча тури мазаммат қилинган. Ширкнинг яхши-ёмони бўлмайди. Мисол учун Росулulloҳ ^{салому алайхи ва саллим} га ёхуд Ийсо ^{алайхи салом} га ибодат қилган кимса билан тошга ёки дарахтга ибодат қилганнинг ҳеч қандай фарқи йўқ. Ҳар иккиси ҳам мушрик, ҳар иккиси ҳам дўзахда. Қуйидаги ҳадис бунинг яққол далилидир:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ مَاتَ وَهُوَ يَدْعُو مِنْ دُونِ اللَّهِ نَدَاً دَخَلَ النَّارَ ^{رواه البخاري}

Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{розиваллоху ану} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{салому алайхи ва саллим} бир калимани айтдилар, мен келгусини айтдим. *Пайгамбар* ^{салому алайхи ва саллим} ким Аллоҳдан ўзга шерикларга ибодат қилиб ўлса, дўзахга

киради дедилар. Мен ким Аллоҳдан ўзга шерикларга ибодат қилмай вафот қилса, жаннатга **киради**, дедим дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Макка мушрикларининг эътиқоди ҳозирги замон мушрикларининг эътиқодичалик ёмон эмас эди. Ҳозирга келиб дарахту тошларга сиғинувчиларга баъзи шахс ва тузумларга сиғинувчилар кўшилди. Улар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ҳуқуқларини ўзларининг ясама, ботил илоҳларига тақдим қилишди. Ҳукм қилиш, мадад ё шифо бериш каби Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг сифатларини бошқаларга ҳам нисбат беришди. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ни кўйиб ҳар хил булуғ мазорларга, дарахту авлиёларга шундай маҳкам ихлослари килишадикки, ҳайрон қоласиз! Маъсиятга тўлган ўшандай ширк ўринларига қилган ихлосларини масжидларга қилишмайди! Ўшандай ихлос билан масжидда беш вақт намоз ўқишмайди! Ўзи қолиб, бошқаларни ҳам гумроҳлик уммони сари етаклаётган “ҳазратлар”ига қилган ихлосини Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га қилишмайди! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг фарзларига “ҳазратлар”ининг вазифаларига берган эҳтимомининг мингдан бири ҳам йўқ! "Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Куръони Каримда бундай демоқда", десангиз, сизга "Фалон ҳазрат ё фалон зот мана бундай дедилар! У киши билмасалар, гапирмайдилар", дейишади! Ё Аллоҳ!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} "Мушриклар Аллоҳга шерик қилган нарсаларини Аллоҳни яхши кўргандек яхши кўришади", деб мазаммат қилаётган бўлса, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг муҳаббатини қалбидан тамоман чиқариб юборганларнинг ҳоли нима кечаркин?! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} **иймон келтирган кишилар Аллоҳга муҳаббат қўйишда кучлироқдир** демоқда. Биз иймонни даъво қилаётганлар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га бўлган муҳаббатимиз бошқа нарсаларга бўлган муҳаббатимиздан юқори деб айта оламизми?! Мол-дунё, ота-она, фарзанд ва нафс муҳаббати бизларни енгиб қўймайдими?! Ваҳоланки, Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} иймоннинг ҳаловати – Аллоҳу Росули ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} га муҳаббат қўйишда эканини марҳамат қилдилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ثَلَاثٌ مَنْ كُنَّ فِيهِ وَجَدَ حَلَاوَةَ الْإِيمَانِ أَنْ يَكُونَ اللَّهُ وَرَسُولَهُ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِمَّا سِوَاهُمَا وَأَنْ يُحِبَّ الْمَرْءَ لَا يُحِبُّهُ إِلَّا لِلَّهِ وَأَنْ يَكْرَهُ أَنْ يَعُودَ فِي الْكُفْرِ كَمَا يَكْرَهُ أَنْ يُقَذَّفَ فِي النَّارِ ۖ رواه البخاري

Анас ибн Молик ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: **Пайгамбар** ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **Аллоҳ ва Росули унга бошқа нарсалардан суюмли бўлиш, кишини фақат Аллоҳ учун яхши кўриш, куфрга қайтишни худди ўтга улоқтирилишни ёмон кўрганидек ёмон кўриш.** Мазкур уч хислат унда бўлган киши иймон ҳаловатини тотади дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Дунёдаги кўп нарсанинг мазасини биламиз. Бироқ кўпчилигимиз билмайдиган яна бир ҳаловат борки, у ҳам бўлса иймон ҳаловатидир. Ана ўша ҳаловатни топиш учун Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га, У юборган динга, Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} га ва у кишининг суннатларига муҳаббат қўйишимиз даркор. Шундагина камдан кам одамга насиб бўлган иймон мазасини тотамиз. Дунёда кимга муҳаббат қўйсақ Қиёматда ҳам ўшалар билан бирга бўламиз. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَتَى السَّاعَةُ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ مَا أَعَدَدْتُ لَهَا قَالَ مَا أَعَدَدْتُ لَهَا مِنْ كَثِيرٍ صَلَاةٍ وَلَا صَوْمٍ وَلَا صَدَقَةٍ وَلَكِنِّي أُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ قَالَ أَنْتَ مَعَ مَنْ أَحْبَبْتَ ۖ رواه البخاري

Анас ибн Молик ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: **Бир киши Пайгамбар** ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} дан "Эй Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Қиёмат қачон?" деб сўради. **Пайгамбар** ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **унга нима ҳозирладинг дедилар.** "Мен унга на кўп намоз, на рўза ва на садақа ҳозирладим. Лекин мен Аллоҳ ва Росулни яхши кўраман", деди. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **кимни яхши кўрсанг ўшалар билан биргасан дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га хос бўлган ҳақларни даъво қилаётганлар, Унинг шариятидан ўзга йўллари тузиб, бошқаларни ўша йўллардан боришга мажбур этаётганлар илоҳликни ошқора даъво қилсин ё қилмасин бари-бир ўзини Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га тенг қилган бўлади. Бундайлар ҳаққа, ўзига ва бошқаларга зулм қилувчидир. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га бирон авлиё, ё пешво, ё раҳбар, ё мазор, ё бошқа нарсани тенг қилган, Ундан бошқани ўзига илоҳ тутган, ўшаларга муҳаббат қўйган, Ислом шарияти қолиб куфр ва ботил йўлларга юрган, устига-устак бошқаларни Ислом ҳақиқатларидан тўсган, мусулмонларга азияту қулфат етказган бундай золимлар Қиёмат кунинда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг улкан азобларига рўбарў бўлиб, Унинг азоби ғоят қаттиқ эканини кўради! Ўшанда барча куч-қувват Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг танҳо Ўзига хос эканини, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га тенг қилган ва уларга муҳаббат қўйган нарсалари ҳеч қандай наф бермаслигини билади! Лекин унда кеч бўлади! Эвоҳ ҳолига!

Хаётда тирикчилигини мўминлар билан курашишга, уларга кулфат етказишга, бечора ва химоясиз кишиларни талашга қурганлар Охират куни аттанг қилади! Муслмонларни кўйиб, кофир, фосик, мунофиқ ва золимларни дўст тутган, ўшаларни деб Ислому ҳукмларини бузган ё яширганлар Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}га рўбарў бўлганда надомат қилади! Динини, халқини, ҳақиқий мўминларни сотиб кун кўрганлар дўзах алангасини кўрганда пушаймон бўлади! Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг динини ҳаётдан четга суриб, нафси ёки куфр қонунлари билан ҳукм юритганлар Ҳисоб куни ўтга улоқтирилганда афсус қилади! Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}га “пиру ҳазратлар”ни тенг қилганлар уларнинг ҳеч ким эмаслигига амин бўлади! Ортдан эргашганларга жаннатни ваъда қилганлар Қиёмат куни чурқ этмай ожиз ва ночор ҳолда туришини кўради! Бироқ унда вақт ўтган бўлади! Кошки, бу кунда аттанг, надомат, пушаймон фойда берса! Бу куни Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}га шериклар қилган, Унинг низомидан кўра куфр йўлларни маъқул кўриб, олқишлаган, умуман, ўзига ва бошқаларга зулм қилиб ҳаёт кечирганларни юзи билан судралиб, дўзахга отилади! Қани энди буни билишса!

Дунёда баъзи нарсаларнинг тасарруфи инсоннинг қўлида бўлиши мумкин. Ҳаётда салтанати ва давлати билан туғён қилаётганлар қўлида ҳукм, куч-қувват бўлиши мумкин. Бироқ буларнинг ҳаммаси вақтинча! Ҳақиқий салтанат, боқий қувват, туганмас давлат фақат Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг Ўзидадир! Бу ҳақиқатни дунёда билмаган ё тан олмаганлар Қиёмат куни, албатта, билади, тан олади!

Одамлар дунёда бир-бирига азоб беради. Зўравонлар бечораларни қақшатади. Кучлилар кучсизларни эзади. Лекин инсон томонидан берилган азобнинг алами вақт ўтиши билан эсдан чиқади. Бундай оғриқлар ўрни ҳеч қанча вақт ўтмай битиб, тузалиб кетиши мумкин. Аммо Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} золимларга ҳозирлаб қўйган азобларнинг алами ўтиб кетадиган ё эсдан чиқадиган эмас! Қиёмат кунининг азобларини кўрган золимлар дунёда қилган мазаларини унутиб юборади! Ҳақиқий азоб қандай бўлишини Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг азобидан бир учқунини тотганда билади! Билганда ҳам қандоқ?! Дунёда муслмонларга етказган азоблари Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг кофирларга берадиган азоби олдида роҳат эканини тушунади!

Мадина ва Шом аҳлининг қироати бўйича оятдаги **لَوَيْرَى** – **кўрганда** калимасини **لَوَيْرَى** – **кўргангизда** деб ўқилган. Ушбу қироатга кўра "Эй Муҳаммад! **Зулм қилган кимсалар азобни, барча куч-қудрат Аллоҳга хослигини ва Аллоҳ азоби қаттиқ Зот эканини билишганини кўргангизда эди!**" деган маъно чиқади.

Мана бу оят бирон кимсани ёки бирон нарсани Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}ни яхши кўргандек яхши кўриш – мушриклар сифати эканига ишора қилмоқда.

Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг ҳукмини кўйиб иймонсиз, диёнатсиз, жонидан бошқа ҳеч нарса унга азиз бўлмаган виждонсиз кимсаларнинг бузук йўлларига юриб, ёлғон ваъдаларига ишониб, ўшаларга эргашиб кетганлар Қиёмат кунда эргаштирганлар улардан юз ўгириб, безор бўлишини кўради:

﴿ ۝۱۶۶ ﴾ **إِذْ تَبَرَّأَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا مِنَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا وَرَأَوْا الْعَذَابَ وَتَقَطَعَتْ بِهِمُ الْأَسْبَابُ**

166. Азобни кўришиб эргаштирган кимсалар эргашган кимсалардан юз ўгирганда ва улардан ришталар узилганда кўрсангиз эди!

Ҳақ билан ботилни, иймон билан куфрни, яхши билан ёмонни, савоб билан гуноҳни фаркига бормай кўр-кўрона эргашган, шариат ҳукми қолиб, бошқаларнинг хошишига итоат қилиб умрини ўтказган бахтиқаро кимсалар Қиёмат куни эргаштирган пешволари билан жаҳаннам ёқасида учрашади. Аллоҳу Росулидан бошқага эргашгалар учун ваъда қилинган жаҳаннам азобларини кўзлари билан кўради. Жаҳаннам азобларининг қандайлиги Росуллуллоҳ ^{саллаллоҳу}_{алайҳи ва саллам}нинг куйидаги ҳадисларидан маълумки, уларга чидашнинг асло иложи йўқ:

عَنْ الثُّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ أَهْلَ النَّارِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ رَجُلٌ عَلَى أَحْمَصِ قَدَمَيْهِ جَمْرَتَانِ يَغْلِي مِنْهُمَا دِمَاغُهُ كَمَا يَغْلِي الْمَرْجُلُ وَالْقَمْقَمُ ^{رواه البخاري}

Нуъмон ибн Башир ^{розияллоҳу}_{анҳу} ривоят қилдилар: **Пайгамбар ^{саллаллоҳу}_{алайҳи ва саллам}нинг дўзах аҳлининг Қиёмат куни азоби энг енгилли – икки оёғининг чуқурчоғига икки чўғ қўйилган, ундан мияси қозон ва қумғон қайнаётганидек қайнайдиган кишидир деганларини эшитдим** дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Шунда эргашганлар "Бизнинг йўлимиз тўғри!" деган гапларингизга ишониб, сизларга эргашганидик! Бўёғи қандоқ бўлди?!" дейди. Ўшанда ҳақдан тўсган, залолат кўчаларига, ҳар хил куфр йўлларга чакирган золим йўлбошчиларнинг қавмидан тонишини кўринг! Дунёда "Бизга эргашаверинг, адашмайсиз, кам бўлмайсиз", дея халқни Китобу Суннат манҳажидан бошқа

йўллар сари бошлаганлар Қиёмат куни эргаштирганларидан қочади! Одамларни ширк, зулм, фасод, куфр ишларига бошлаган раҳбару пешволар эргаштирган қавмларига ёрдам бериш, азобдан халос қилиш тугул уларга сичқоннинг ини минг танга! "Бизнинг йўлимиз тўғри! Бизни бу йўлимиздан ҳеч нарса ҳеч қачон ортга қайтаролмайди!" деб куфр йўлларини танлаганлар Қиёматда ўзини кўярга жой тополмайди! Куръон ва Хадисни ҳаётга татбиқ этишга даъват қилишни кўйиб, зўравон амалдорларга маъқул кўриниш мақсадида "Ота-боболаримиз йўлидан қолмайлик", деб ҳаққа тўғаноқ бўлаётган "қори акаю домлалар" эргаштирган мухлисларига ёрдам бериш у ёқда турсин, аксинча, улардан безор бўлади! "Пиру ҳазратлар" Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг азобини, жаҳаннам алангасини кўрибоқ муридларидан юз ўгиради! Уларнинг энг расво кимсалар экани маълум бўлади! Қиёмат куни иймон риштасидан бошқа ошна-оғайничилик, дўстлик, улфатчилик каби барча алоқалар узилади! Қариндошлик, юртдошлик, ҳамкасабалик каби Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} учун бўлмаган ёки шариатга зид ҳар қандай ришталар наф бермайди! Ўшанда ботилга эргашганларнинг ҳолатини бир кўрсангиз эди!

Ушбу оятда Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га ўзгани шерик қилиб, ўшаларга муҳаббат қўйган мушрикларнинг Қиёматдаги аянчли ҳолати тасвирланмоқда. Бу кунда ҳақиқий Маъбуднинг қудрати намоён бўлиб, ботил аҳлининг нажотга бўлган умидлари сўнади. Ҳақдан адаштирган, ботил йўлларга бошлаган йўлбошчилар бошқани тугул ўзини сақлаб қололмагани, уларнинг сохта, ожиз ва энг разил кимсалар экани ошкор бўлади. Эргаштирганлар ҳам, эргашганлар ҳам ўзи билан ўзи овора бўлади. Мушрикларнинг дунёда савоб деб қилган амаллари гуноҳ бўлиб қайтади. Қариндош-уруғи ё маҳалла-кўйнинг раъйига қараб, ҳақдан бурилганлар, пуч ғоялар, маъносиз карашларга, кофир раҳбарларга жонини берганлар абадий зиёнга юз тутати:

﴿الَّذِينَ كَفَرُوا وَصَدُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ أَضَلَّ أَعْيُنُهُمْ ۖ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَءَامَنُوا بِمَا نَزَّلَ عَلَىٰ مُحَمَّدٍ وَهُوَ الْحَقُّ مِنْ رَبِّهِمْ كَفَّرَ عَنْهُمْ سَيِّئَاتِهِمْ وَأَصْلَحَ بَالَهُمْ ۖ ذَٰلِكَ بِأَنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا اتَّبَعُوا الْبَاطِلَ وَأَنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّبَعُوا الْحَقَّ مِنْ رَبِّهِمْ كَذَٰلِكَ يَضْرِبُ اللَّهُ لِلنَّاسِ أَمْثَلَهُمْ﴾

محمد: ۱ - ۳

Кофир бўлган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсган кимсаларнинг амалларини зое қилур. Иймон келтирган, солиҳ амаллар қилган ва Муҳаммадга нозил бўлган нарсага – ҳолбуки, у Раббилари тарафидан келган ҳақиқатдир – иймон келтирган кишилардан гуноҳларини афв қилур ва ҳолатларини ислоҳ этур. Сабаби кофир бўлган кимсалар ботилга эргашишди. Иймон келтирган кишилар Раббилари тарафидан келган ҳақиқатга эргашидилар. Аллоҳ одамларга мисолларини мана шундай баён қилур. (Муҳаммад ^{салватуллаҳу алайҳи ва салвам} сураси, 1 – 3 – оятлар)

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ушбу оятда эргашганларни алоҳида зикр этиш билан инсонни ўзига раҳбар ва пешволарни танлашда адашиб қолмасликка чақирмоқда. Демак, кофир, мушрик ва мунофиқларнинг раҳбар ва йўлбошчи танлашда адашгани мусулмонлар учун ибрат бўлиши лозим. Зотан, ибодатни Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}дан бошқага қилиб, Росулulloҳ ^{салватуллаҳу алайҳи ва салвам}нинг суннатларидан воз кечганларни ўзига пешво қилганлардан кўра гумроҳ кимса бўлмас:

﴿وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّن يَدْعُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ مَن لَّا يَسْتَجِيبُ لَهُ إِلَىٰ يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَهُمْ عَن دُعَائِهِمْ غَفْلُونَ ۖ وَإِذَا حُشِرَ النَّاسُ كَانُوا لَهُمْ أَعْدَاءً وَكَانُوا بِعِبَادَتِهِمْ كَافِرِينَ﴾

الأحقاف: ۵ - ۶

Аллоҳдан ўзга Қиёмат кунига қадар ижобат қилолмайдиган кимсаларга ибодат қилаётган кимсадан кўра ким адашганроқдир?! Ҳолбуки, ибодатларидан улар гофилдирлар. Одамлар жамланганда, уларга душман ва ибодатларини инкор этувчи бўлишур. (Аҳкоф сураси, 5 ва 6 – оятлар)

Шу ўринда "Ҳақда турган, ўзи амал қилиб, бошқаларни ҳам Китобу Суннат ҳидоятига чақирган мусулмон йўлбошчилар ҳам тобеларидан юз ўгирадими?" деган савол туғилиши мумкин. Албатта, йўқ! Ҳидоятга чақирган тақволи мусулмон пешволар эргашганларидан тонмайдилар:

﴿الْأَخِلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا الْمُتَّقِينَ﴾

الزخرف: ۶۷

Дўстлар бу кунда баъзиси баъзисига душмандир! Магар тақводорлар ундай эмас! (Зухруф сураси, 67 – оят)

وَقَالَ الَّذِينَ اتَّبَعُوا لَوْ أَتَيْنَاكَ بِبُرْهَانٍ كَمَا تَبَرَّءُوا مِنَّا كَذَلِكَ يَرِيهِنَّ اللَّهُ أَعْمَالَهُمْ حَسِرَاتٍ عَلَيْهِمْ وَمَا

هُمْ يَخْرَجِينَ مِنَ النَّارِ ﴿١٧٧﴾

167. Эргашган кимсалар "Кани энди бизга бир бор дунёга қайтишнинг иложи бўлганда, улар биздан тонишгани каби биз ҳам улардан тонардик", дейишади. Шу сингари Аллоҳ амалларини ўзларига ҳасратлар қилиб кўрсатади. Улар дўзахдан чиқувчи эмаслар!

Иймонсиз, каззоб, золим раҳбар ва мунофиқ пешволарга муҳаббат қўйган, ўшаларга эргашганлар Қиёмат кунининг даҳшатини кўрганда надомат билан "Кани энди яна бир бор дунёга қайтарилсак! Ушанда бизни адаштирган, ҳақдан тўсган, ёлгон ваъдалар бериб алдаганлардан биз ҳам худди биздан ҳозир тониб туришганидек тонсак!" дейди. Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло} уларга азобни кўрсатгани каби дунёда қилиб ўтган амалларини ҳам кўрсатур! Бузук қилмишлари, Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}дан ўзгага қўйган муҳаббатлари ўзларига ҳасрат бўлиб қайтур! Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}нинг шариатини четлаб қилган амаллари ўзларига кулфату уқубат келтирур! Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас! Уларнинг бахтсизлиги абадий! Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}дан бошқани илоҳ қилган, уларга муҳаббат қўйган, Раҳмон ^{субҳанауу ва таъоло}га осий бўлиб, ўшаларга итоат қилганларнинг жойи жаҳаннам! Ундайлар дўзахда абадий қолишур!

﴿يَوْمَ تُقَلَّبُ وُجُوهُهُمْ فِي النَّارِ يَقُولُونَ يَا لَيْتَنَا أَطَعْنَا اللَّهَ وَأَطَعْنَا الرَّسُولَ﴾ (الأحزاب: ٦٦)

Юзлари оловда куйдирилиб айлантириладиган кунда "Кани энди Аллоҳга итоат этганимизда! Пайгамбарга итоат этганимизда!" дейишур! (Аҳзоб сураси, 66 – оят)

Ҳаётда ҳақиқий мўминларга иғво, бўҳтонларни ёғдираётганлар бор. Буйруқ деб зулмининг барча турини касб қилганлар кўп. Иймонида содиқ турган кишиларга тинимсиз азият етказётганлар ҳар қадамда бисёр. Қилган қилмишлари Қиёмат куни уларни жаҳаннам ёқасига олиб келади. Шунда Раббим демаган тиллар Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}га ёлвориб

﴿وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكِبَرَاءَنَا فَأَضَلُّونَا السَّبِيلَا﴾ (الأحزاب: ٦٧)

"Эй Раббимиз! Биз бошлиқларимиз ва катталаримизга бўйсунганидик! Ўшалар бизни ҳақ йўлдан адаштирди!" дея ҳасрат ва надоматлар қилади. (Аҳзоб сураси, 67 – оят)

Каттик алам устида Китобу Суннатдан адаштирган пешволари учун Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}дан уларга азобни икки ҳисса қилиб беришни сўрашади!

﴿رَبَّنَا إِنَّهُمْ ضَعَفَيْنَ مِنَ الْعَذَابِ وَالْعَنَتُمْ لَعْنًا كَبِيرَا﴾ (الأحزاب: ٦٨)

Эй Раббимиз! Уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин! (Аҳзоб сураси, 68 – оят)

Холбуки, дўзах азоблари жаҳаннам аҳлига етиб, ошиб ҳам қолади. Кани энди бу кунда ҳасрату надоматлар фойда берса!

Ғоят таъсирли бир манзара. Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло} дунёда ботил, залолат, куфр йўлларга чақирганлар билан уларнинг чақириқларига лаббай, деб эргашган бахтиқаро кимсаларнинг Охират майдонида турган ҳолатини, эргашганлар билан эргаштирганларнинг хусуматини жонли шаклда кўз ўнгимизга олиб келмоқда.

Дунёда "Қуръони Карим мана бундай демокда! Росулulloҳ ^{саллаллоуу алайхи ва саллам} ҳадисларида бундай деганлар!" дейилса, "Фалон домла ундай дедилар, фалон ҳазрат бундай дедилар", деганларнинг бир орзуси бўлади. У ҳам бўлса дунёга қайта келиб, ҳақдан адаштирган ўша пешволаридан юз ўгириб, уларга тесқари бўлиб, тонишса. Қиёматнинг даҳшатли соатида қилган ягона орзулари шу! Бироқ бу эргашганларнинг пешволарига ғазаб қилиб айтаётган шунчаки гаплари, холос! Аслида

﴿بَلْ بَدَأَهُمْ مَا كَانُوا يُحْفُونَ مِنْ قَبْلُ وَلَوْ رُدُّوا لَعَادُوا لِمَا نُهُوا عَنْهُ وَإِنَّهُمْ لَكَاذِبُونَ﴾ (الأنعام: ٢٨)

Агар дунёга қайтарилишса эди, ундан тақиқланишган нарсага, албатта, яна қайтган бўлишарди. Шубҳасиз, улар ёлгончидирлар! (Анъом сураси, 28 – оят)

Мўмин киши мазкур оятларни ўрганган саодатга, тўғри йўлга, ҳақиқатга бошловчи йўлбошчи билан гумроҳлик сари шақоват ва залолат йўлига бошлайдиган қаззоб, золим пешво ва раҳбарлар орасини айриши даркор. Бинобарин, иймонун эътиқодида собит турган мусулмон уламоларга эргашиб итоат қилиши керак. Мол-дунё ва нафс-ҳавони ўзига илоҳ қилган мунофиқ, фосиқ, хусусан, шариат ҳукмларини четга суриб қўйган кофир, золимларга эргашиб кетишдан сақланиши лозим. Ислом умматини Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}дан бошқани илоҳ қилиб, ўшаларга муҳаббат қўйиб, ўшаларнинг куфр йўлларини пуч мафқураларига эргашиб кетишдан Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг Ўзи асрасин!

Баъзи муфассир уламолар *шу сингари Аллоҳ амалларини ўзларига ҳасратлар* қилиб *кўрсатади* оятини "Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} дунёда буюрган, бироқ улар тарк этган солиҳ амалларни кўрсатади. Шунда ҳасрат ва надомат қилишади", деб изоҳлаганлар.

Ширк ва маъсият аҳлининг аччиқ қисматини баён этгач, буюк раҳмат эгаси бўлмиш Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} бутун башариятга хитоб қилади:


﴿٧٨﴾ يَا أَيُّهَا النَّاسُ كُلُوا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَالًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُبِينٌ

168. Эй одамлар! Ердаги нарсалардан ҳалол-покиза бўлганини енглар! Шайтоннинг қадамларига эргашманглар! Чунки, у сизларга очиқ душмандир!

Эй одамлар! Сизлар бошқа махлуқотлардан тамомила фарқ қиладиган инсоний хусусиятлар ила яратилдингиз! Бу хусусиятлар сизлардан ҳаётда ўзингизга хос масъулиятлар билан яшашни талаб қилади! Инсонийлик хусусияти сизларни ердаги ҳалолми, ҳаромми, тўғри келган нарсаларни еб кетаверишдан тўсиб туриши керак! Чунки, ҳайвонот олаmidан сизларни ажратиб турувчи асосий фарқлардан бири ҳам шудир! Ерда сизларни имтиҳон қилиш учун айрим нарсаларни ҳаром қилдик! Шундай экан, ердаги нарсалар ичидан ҳалол, покиза бўлганини тановул қилинг! Ислом шариати буюрган ва қайтарган нарсаларда Менга итоат қилишни лозим тутинг! Сизларни адаштириш, абадий ҳалокатга тушириш пайида бўлган шайтоннинг йўлига, алдовларига эргашиб кетишдан, васвасаларига лаббай дейишдан эҳтиёт бўлинг! У сизларга адовати қаттиқ, гуноҳ ва ёмон амалларга чорловчи очикдан очиқ душман! Шайтон сизларга мункар, бузук, гуноҳ ишларни зийнатли қилиб кўрсатса, алданиб қолманг! Бир нарсани ҳалол ё ҳаромга, савоб ё гуноҳга айиришда ҳам шайтоннинг йўлига юрманг! У адоват қилиб, отангиз Одам ^{алайҳис-салом} га сажда қилишдан бош тортганини, уни алдаб, жаннатдан чиқарганини унутманг! Отангиз Одам ^{алайҳис-салом} ни макр билан жаннатдан чиқарган душманга эргашасизми?! Билингки, Аллоҳу Росулига осий бўлишнинг барча тури, Қуръони Карим ва Суннати Набавийяга хилоф бўлган ҳар қандай амал, ҳар қандай хулқ – шайтоннинг йўлидир!

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ушбу оятда инсон зотини унинг айни салоҳияти бўлган нарса – ҳалол ризқларни ейишга буюриб, кетидан айни ҳалокати бўлган нарсдан – шайтоннинг йўлларига эргашиб кетишдан, яъни ширк, куфр, зулм ва фасод кўчаларига юриб кетишдан қайтарди. Шунингдек, инсоннинг жасади ва руҳи учун зарарли бўлган нарсаларни тановул қилишга изн бермади.

Гап емоқ-ичмоқ ҳақида кетганда шуни айтиш керакки, мусулмон киши чап қўли билан ейиш-ичишдан тийилмоғи керак. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бу Иблиснинг одатидан эканини қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا تَأْكُلُوا بِالشِّمَالِ فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَأْكُلُ
بِالشِّمَالِ  رَوَاهُ مُسْلِمٌ

Жобир ^{розияллоҳу ану} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} чап қўл билан еманглар! Чунки шайтон чап қўл билан ейди дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Инсон табиатида емоқ, ичмоқ, киймоқ, жинсий эҳтиёж, муҳаббат ва адоват каби турли ғаризалар мавжуд. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ушбу ғаризалардан ҳар бирини шаръий йўл билан қондириш имкониятини ҳам яратиб қўйган. Чунончи, емоқ-ичмоқ ғаризасини ҳалол-поқ нарсаларни еб-ичиш билан, кийинишга бўлган хоҳишни Ислом руҳсат берган кийимларни кийиш билан, жинсий эҳтиёжини никоҳ билан турмуш куриб қондиришга ижозат берган. Шунингдек, қалбимиздаги муҳаббат қўйиш ғаризасини ҳам Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}ни ва Унинг дўстларини яхши кўриш билан, адоват ғаризасини шайтонни ва Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг душманларини ёмон кўриш билан қондиришга буюрган. Бинобарин, шайтонни ва унинг йўлларига юрган кимсаларни ёмон кўриб душман тутишимиз табиатимиздаги адоват ғаризасини тўғри йўл билан қондиришнинг бир кўринишидир.

Мана шу оятга кўра Исломда судхўрлик, одамларнинг мулкини порахўрлик, товламачилик йўли билан олиш, ўғрилиқ қилиб кун кўриш, ўзгаларнинг молини зўравонликнинг ҳар қандай тури ила қандай ташкилот ходими тарафидан қандай мақсадда бўлмасин, ноҳақ талаб, тажовуз қилиб тирикчилик ўтказишнинг қатъан ҳаром экани маълум бўлмоқда. Мазкур қабих усулларни касб қилган, ўша йўллар билан бола-чақа боқаётган, дунё орттираётган, давр сураётганларни Куръони Карим шайтонга эргашган, унга лашкар бўлган, Охиратда ҳам у билан жаҳаннамда бирга бўладиганлар, деб баҳолайди. Шунингдек, Ислом шариати бошқалар томонидан ҳалол ёки ҳаром деб тайинланган нарсаларни тўғри деб қабул қилишдан ҳам қайтарган ва бундай қилмишни шайтоннинг йўлларига эргашшилик ҳамда куфр деб баҳолаган.

Қайси нарсанинг ҳалол ё ҳаром эканини таъйин этувчи зот Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг ёлғиз Ўзидир. Ҳеч ким ҳар қанча илмли, мартабали, улуғзода бўлмасин, бир нарсани Куръони Карим ё Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг суннатлари, ё қиёс ёхуд Ислом уламоларининг иттифоқи устига қурилган далилсиз ўзича ҳалол ё ҳаром дейишга ҳаққи йўқ, модомики, Аллоҳу Росулига иймон келтирган бўлса. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ҳаром этган нарсани ҳалол деган ёки ҳалол этган нарсани ҳаром деганлар шайтон мисоли кимсалардир.

عَنْ عِيَّاضِ بْنِ حِمَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ ذَاتَ يَوْمٍ فِي خُطْبَتِهِ أَلَا إِنَّ رَبِّي أَمَرَنِي أَنْ أُعَلِّمَكُمْ مَا جَهِلْتُمْ مِمَّا عَلَّمَنِي يَوْمِي هَذَا كُلُّ مَا لَحَلَّتْهُ عِبْدًا حَلَالٌ وَإِنِّي خَلَقْتُ عَبَادِي حُنَفَاءَ كُلَّهُمْ وَإِنَّهُمْ أَتَتْهُمْ الشَّيَاطِينُ فَاجْتَالَتْهُمْ عَنْ دِينِهِمْ وَحَرَّتْ عَلَيْهِمْ مَا أَخَلَّتْ لَهُمْ وَأَمَرْتَهُمْ أَنْ يُشْرِكُوا بِي مَا لَمْ أَنْزِلْ بِهِ سُلْطَانًا ۖ رواه مسلم

Иёз ибн Ҳимор ^{розиллоҳу анҳу} ривоят қилдилар: *Росуллоҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бир кун хутбаларида билингким, Раббим бу кунимда менга билдирган нарсаларидан сизларга билмаган нарсаларингизни ўргатишимга буюрди. Аллоҳ Бандага Мен берган барча мол ҳалолдир. Бандаларимнинг барчасини мусулмон қилиб яратганман. Уларга шайтонлар келиб, динидан уларни буриб ташлади. Мен уларга ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилди ва уларни Мен унга ҳужжат туширмаган нарсаларни Менга шерик қилишга буюрди, деди дедилар.* (Имом Муслим ривояти)

Демак, ҳалол-ҳаром қилиш ҳаққини даъво қилаётганлар шайтон мисолидаги кимсалардир. Биз бундай кимсалардан узоқ бўлишимиз, уларни душман тутишимиз даркор. Зотан Раббимиз Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} Куръони Каримнинг бошқа бир ўрнида шайтонни ва унинг йўлига эргашган, уларни дўст тутган кимсаларни мазаммат қилади:

﴿أَفَنَسْتَحْذِرُونَهُ، وَذُرِّيَّتَهُ، أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِهِ، وَهُمْ لَكُمْ عَدُوٌّ بِئْسَ لِلظَّالِمِينَ بَدَلًا﴾ ﴿٥٠﴾ الكهف: ٥٠

Мени қўйиб, уни ва унинг зурриётини дўст тутасизларми?! Ҳолбуки, улар сизларга душмандир! Золимлар учун нақадар ёмон “ўринбосардир”! (Каҳф сураси, 50 – оят)

Инсон бировнинг ўзига душман эканида гумон қилса, ундан ҳамиша эҳтиёт бўлиб, ҳар бир қадамини ўйлаб босади, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиради. Бирон бир макру ҳийласига алданиб қолмаслик учун доим сергак туради. Лекин шайтоннинг очик душман эканини била туриб унинг васвасаларига алданиб, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}га осий бўлади.

Шайтон инсонни иймон йўлидан куфр кўчаларига чиқаришга ўта ҳарисдир. Агар бунга кучи етмаса, Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг суннатидан ҳаво ва бидъатга харидор қилишга ҳаракат қилади. Мисол учун бир киши амалларга бепарво, танбал бўлса, шайтон унга бирон гуноҳни зийнатли, оқибатини енгил қилиб кўрсатади. Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг раҳмату мағфирати кенглигини ёдга солади. Инсоннинг хатокор эканига доир оят-ҳадисларни эслатади. Шайтоннинг бундай макрига алданган иймони заиф кимса, майда гуноҳларни қила бошлайли ва тез кунда катта, ҳалок қилувчи гуноҳларни ҳам майда санайдиган бўлади. Агар кишида амалларга ғайрат, ихлос бўлса, шайтон унга бошқа кўчадан келади. "Сенга бу амаллар оз! Сен одамлардан бошқача бўлишинг керак! Одамлар ухласа, сен бедор бўл! Доимо рўза тут! Одамлар намозга таҳорат қилса, сен гусл қил! " каби шариатда ҳаддан ошиш, динда чуқур кетиш йўли орқали Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг суннатларидан адаштиради. Хуллас шайтоннинг ягона мақсади – қандай бўлмасин, инсонни ҳақ йўлдан адаштиришдир. Шайтонни ўзига дўст тутган кимсада иймон бўлиши маҳол:

﴿إِنَّا جَعَلْنَا الشَّيَاطِينَ أَوْلِيَاءَ لِلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ﴾ ﴿٢٧﴾ الأعراف: ٢٧

Биз шайтонларни иймон келтирмайдиган кимсаларга дўст қилдик. (Аъроф сураси, 27 – оят)

Бутун башариятга қаратилган бу оят, хусусан, ҳозирги даврда ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда. Наҳотки инсонга "Эй одам! Ердаги ҳамма нарсани еявермагин! Ундаги нарсаларнинг фақат ҳалол-покизаларини егин!" деб хитоб қилиш зарур бўлса? Наҳотки, ҳалол ва покиза нарсаларнигина ейиш лозимлигига инсоннинг ақли етмаса? деган ҳаёл келиши мумкин. Ҳа! Бу хитоб инсон учун ниҳоятда зарур. Бу хитоб унинг қулоқлари олдида ҳамиша жаранглаб туриши керак. Бўлмаса, инсон кўринган нарсани, ҳатто ит, тўнғиз каби жирканч нарсаларни ушлаб еб ташлайдиган ҳавfli махлукқа айланади. Бировнинг мулкини талаб, худди ўзининг молини егандек тортинмасдан ейдиган йирткичга айланади. Хусусан, шайтоннинг душман эканини эслатиб туриш ғоят муҳим. Йўқса, инсон шайтоннинг йўлидан чиқмай қолади!

﴿إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمْ عَدُوٌّ فَاتَّخِذُوهُ عَدُوًّا إِنَّمَا يَدْعُوا حِزْبَهُ لِيَكُونُوا مِنْ أَصْحَابِ السَّعِيرِ﴾ **Фاطر: 6**

Албатта, шайтон сизларга душмандир. Шундай экан уни душман тутинглар! **Шубҳасиз, у ўз жамоасини дўзах эгаларидан бўлишлари учун чақирур.** (Фотир сураси, 6 – оят)

Шайтон инсонга шунчалар қаттиқ душман экан, ундан сақланиш, зараридан ҳимояланиш воситаси ҳам бўлиши даркор. Бироқ бу ҳар ким учун ўзи билган восита бўлиши мумкин эмас. Росулulloҳ ^{СОҒЛАТЛОҚУ ОЛТИНН ОҒИ СОҒЛАМ} қуйидаги ҳадисда шайтондан ҳимояланишнинг усулини кўрсатдилар:

عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ آمُرُكُمْ أَنْ تَذْكُرُوا اللَّهَ فَإِنَّ مَثَلَ ذَلِكَ كَمَثَلِ رَجُلٍ خَرَجَ الْعَدُوُّ فِي أَثَرِهِ سِرَاعًا حَتَّى إِذَا أَتَى عَلَى حِصْنٍ حَصِينٍ فَأَحْرَزَ نَفْسَهُ مِنْهُمْ كَذَلِكَ الْعَبْدُ لَا يُحِرْزُ نَفْسَهُ مِنَ الشَّيْطَانِ إِلَّا بِذِكْرِ اللَّهِ ^{رواه الترمذي}

Абу Молик ал-Ашъарий ^{СОҒЛАТЛОҚУ ОЛТИНН ОҒИ СОҒЛАМ} ривоят қилдилар: **Пайгамбар Аллоҳни доимо ёдда тутишларингга буюраман. Чунки, бунинг мисоли душман ортидан қувиб чиққан ва мустаҳкам кўрғонга келиб, улардан ўзини ҳимоя қилган кишининг мисолига ўхшайди. Шунга ўхшаш банда ўзини шайтондан фақат Аллоҳни ёдга олиш билан ҳимоя қила олади дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

خطوات – қадамлар калимаси мажозий маънода, яъни йўл ва маслак маъносида қўлланади. **كلوا – енглар** ибораси ҳам емок, ҳам ичмоққа тааллуқлидир.

Меҳрибон ва Раҳмли Раббимиз бизларни шайтоннинг йўллариغا эргашиб кетишдан қайтарибгина қўймай, бу илоҳий амрнинг ҳикматини ҳам баён қилди:

﴿إِنَّمَا يَأْمُرُكُمْ بِالسُّوءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا نَعْلَمُونَ﴾

169. Шайтон сизларни фақат ёмонлик ва бузуқликка ҳамда Аллоҳнинг шаънига билмаган нарсаларингизни айтишингизга буюради.

Эй одамлар! Сизлар шайтоннинг йўлига юрсангиз, у сизларни эзуликка, солих амалларга эмас, фақат ёмонликка, зино, қотиллик, ўғрилик, судхўрлик каби қабих амалларга, Ислом шариати қайтарган мункар ва разил ишларга буюради! Аллоҳ ^{СУБҲАНАУ ВА ТАЪОЛО}нинг Зотига бўҳтон қилиб, Унга фарзанд ёки жуфтни нисбат бериб, Унинг шаъни, шариати ва дини ҳақида нолайик гапларни айтишга, айрим нарсаларни ўзича ҳалол ё ҳаром қилишга чорлайди!

Аллоҳу Росули буюрмаган нарсаларни ибодат деб бажариш ва унга бошқаларни ҳам тарғиб қилиш, Китоб ва Суннатда бўлмаган бирон ақида ё ҳукми шариатга қўшиш, шаръий асоссиз бирон нарсани ҳалол ё ҳаром дейиш ёхуд тасдиқлаш ҳам Аллоҳ ^{СУБҲАНАУ ВА ТАЪОЛО}нинг ҳаққига билмаган нарсани нисбат беришдир. Куръони Карим ё Суннати Набавийя, ё қиёс ёхуд Ислом уламоларининг иттифоқи бўлган бирон бир далилсиз, илмсизлик билан "Мана бу нарсани қилса бўлаверади, буниси бўлмайди. Фалон нарса ҳалол, фалон нарса ҳаром", дейиш Аллоҳ ^{СУБҲАНАУ ВА ТАЪОЛО} ҳақида билмаган нарсани айтиш демакдир. Аллоҳ ^{СУБҲАНАУ ВА ТАЪОЛО} ҳақида билмаган нарсани айтишнинг энг каттаси Куръони Каримни билимсизлик билан ғаразли мақсадларда таъвил қилишдир.

Минг афсуски, мусулмонлар мана шу нарсага эътибор бермай қўйишди. Аллоҳ ^{СУБҲАНАУ ВА ТАЪОЛО} ҳақида билмасдан гапириш, Унинг ҳалол ё ҳаром қилиш ҳаққини бошқалар томонидан поймол

килиниши гуноҳ деб саналмай қолди. Холбуки, бу шариатда энг катта гуноҳларнинг бири бўлиб, у сабабли динга ҳар хил бидъату хурофотлар, ботил ақидалар сизиб қиради.

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг зоти, сифатлари ҳақида билмаган нарсани айтиш шайтоний йўлларнинг энг каттасидир. Шайтон ва унинг лашкарлари бутун кучи ва макрини шу йўлга, яъни Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг зоти ҳақида бўҳтон қилишга ундайди. Мусулмонларнинг беътиборлиги ё илмсизлиги ёхуд ноҳолис кимсаларни ўзларига раҳбар қилиб тайинлаши оқибатида Исломга турли хил бидъату хурофотлар киритилган.

Мол-давлат ва сохта обрўларга муҳаббат қўйиш кўпинча инсонни шайтоннинг йўлларига юришга ундайди. Ўша соатда дунёда энг разил махлукқа лашкар бўлаётганини унутди. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ушбу ва ўтган оятларда инсонни шайтоннинг йўлига юришдан, унга лашкар бўлишдан қайтарди. Ҳар бир инсон ўзининг қайси йўлда эканига қарасин! Ёмонлик ва маъсиятга чақираётган, эзгу, солиҳ амаллардан тўсаётган шайтоннинг йўлидами ёки фақат хайрли нарсаларга буюриб, ёвузлик ва мункар ишлардан қайтараётган Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлидами? Шайтоннинг йўлига юриб, номи ажнабий ҳар хил куфр, ботил тузумларга чақириб, одамларни ҳақдан, маъруф ишлардан, исломий амаллардан тўсаётган золим, кофир, ва мунофиқларга эргашяптими ёки Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлига юриб, Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг суннатларига, солиҳ амалларга, икки дунё саодатига чақириб, ширк ва тамомий разолатдан қайтараётган такволи, амалли Илом уламоларига эргашяптими?! Агар шайтонга, кофир, золим ва мунофиқларга эргашаётган бўлса, зудлик билан бундай ҳалокат йўлидан иймон, ҳидоят йўлига ўтсин! Йўқса, икки дунё шақовати ва ҳалокатига дучор бўлибди. Агар Илом йўлида, Китоб ва Суннат манҳажда бўлса, ҳар қандай тазйик, азоб ва зулм уни мана шу йўлидан бура олмасин! Ўзга ҳар қандай йўлга юрса, дунё ва Охират саодатидан маҳрум бўлишини, шу йўлда маҳкам турсагина абадий нажотга эришишини унутмасин!

Демак, ким Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг дини, шариати, китоби, Пайғамбари ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг суннати ҳақида асосиз гапирса, у айни шайтоннинг амри ила иш юритган бўлади. Умуман ким қаерда гуноҳ, бузук ишни қилаётган бўлса, у шубҳасиз, шайтоннинг амрини бажараётган кимсадир.

وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ ﴿٧٧﴾

170. Уларга "Аллоҳ нозил этган нарсага эргашинглар", дейилган пайтда "Йўқ! Ота-боболаримизни унинг устида топган нарсага эргашамиз", дейишади. Агар ота-боболари ҳеч нарсага ақли етмайдиган ва тўғри йўлни топмайдиган бўлишса ҳамми?!

Мўминлар жоҳил кимсаларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида "Бирон нарсани ҳалол-ҳаромга, тўғри-ноғўғрига ажратишда ҳар хил бузук эътиқод ва жоҳилий хурофотларга эргашини қўйиб, Қуръони Каримга, Пайғамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг суннатига эргашинглар!" десалар, залолат ақли бунга жавобан "Йўқ! Биз ота-боболаримизни қайси йўлда, қайси ақидада топган бўлсак, ҳақ бўлсин, ботил бўлсин, ўша йўлга, ўша ақидага, ўшаларнинг тутмишига эргашамиз!" дейишади. Субҳаналлоҳ! Ота-боболари ноғўғри йўлда, адашган ҳолда ўтган бўлса ҳам эргашаверишадими?! Дин, шариат ишларида ҳеч нарсага ақли етмаса ҳам-а?!

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ўтган оятларда шайтоннинг йўлига ва шайтоний манҳажларга эргашиб кетишдан қайтарди. Кетидан аждодлар йўлига кўр-кўрона эргашиб кетишни қоралаб, бундай кимсаларни мазаммат қилмоқда. Бу нарса шайтоннинг йўлига эргашин билан аждодларнинг ботил йўлларига эргашин орасида фарқ йўқлигига ишора қилмоқда.

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нозил этган нарса, шубҳасиз, Қуръони Каримдир. Фақат Қуръони Каримгина ҳар томонлама муқаммал, саодат сари бошловчи ҳидоят манбаидир. Фақат Қуръони Карим қонунлари тўғри йўлга бошлайдиган ва барча ёмонликдан қайтарадиган мутлақ адолат қомусидир. Фақат Қуръони Карим ҳидояти инсонни абадий саодатга етаклайди. Инсон фақат Қуръони Карим ҳидоятига эргашибгина дунё ва Охиратда ҳар томонлама бахтли бўла олади. Бинобарин, Қуръони Каримдан ўзга ҳар қандай қонунлар инсонни абадий бахтсизлик ва ҳалокатга етаклайди. Мана бу ҳақиқатга, хусусан, ҳозирги замонда ҳеч қандай ҳужжат керак эмас.

Ҳозирда ҳам "Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} Қуръони Каримда мана бундай деган, Унинг ҳукмларига эргашайлик", дейилса, "Ота-боболаримиз сиз айтаётган нарсани билмаганми?" дейдиган ёки "Менинг бувам катта одам бўлган! У киши авлиё ўтган! Мен ўша кишининг йўлига эргашаман!" дейдиган "мусулмонлар" тез-тез учраб туради. Макка мушриклари ҳам Қуръони Карим ҳидоятига эргашмасликларини ота-боболарининг йўлига юришлари билан изоҳлашган. Ҳамма даврдаги жоҳилларнинг ҳақдан юз ўгириш учун Қуръони Карим қаршисига келтирган энг кучли далили – ота-бобоси тутган тутмишлар, ҳолос!

﴿ قَالَ فَمَا بَالُ الْقُرُونِ الْأُولَى ﴾ طه: ٥١

Унда аввалги авлодларнинг ҳоли недир?! (Тоҳа сураси, 51 – оят)

"Агар ота-боболарим йўлига эргашмасам уларни адашган дейишга тўғри келади", деган андиша инсонни кўпинча Қуръони Каримга эргашидан тўсади. Биз ота-боболаримиз йўли, шунингдек, шариат илмидан хабардор кишиларнинг айтаётган гаплари Китоб ва Суннатга мувофиқ бўлсагина, эргашмоғимиз даркор! Бордию, ота-боболаримиз йўли Ислому манҳажига, соғлом ақидага заррача зид бўлса, биз учун бундай аждодлар йўлидан кўра Қуръони Карим ҳидояти, Росулulloҳ ^{СОҲИЛЛУЛУ} ^{АЛЛАҲНИ} ^{ВА} ^{САЛҲИ} нинг суннатлари минг бор афзал бўлиши лозим! Бундан ўзгача йўл тутган кимсаларни Қуръони Карим маломат қилади:

﴿ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ تَعَالَوْا إِلَىٰ مَا أَنزَلَ اللَّهُ وَإِلَىٰ الرَّسُولِ قَالُوا حَسْبُنَا مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أُولَٰئِكَ كَانُوا آبَاءَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ شَيْئًا وَلَا

يَهْتَدُونَ ﴿١٠٤﴾ المائدة: ١٠٤

Уларга "Аллоҳ нозил этган нарсага ва пайгамбарнинг суннатига келинглар", дейилган пайтда "Ота-боболаримизни унинг устида топган нарса бизга кифоя", дейишади. Агар ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва тўғри йўлни топмайдиган бўлса-чи?! (Моид сураси, 104 – оят)

Аллоҳ ^{СУБҲАНА} ^У ^{ВА} ^{ТАЪО} ^{ЛА} нозил этган нарсага эргашидан чақирилганда бўйин товлаб, фақат ота-бобосининг йўлига эргашидан маъқул қўрганларни Қуръони Карим бошқа бир ўринда шайтонга, унинг жаҳаннам алангаси томон қилган даъватига лаббай деган кимсалар деб баҳолаган:

﴿ وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أُولَٰئِكَ كَانُوا الشَّيْطَانِ يَدْعُوهُمْ إِلَىٰ عَذَابِ السَّعِيرِ ﴿٢١﴾

لقمان: ٢١

Агар уларга "Аллоҳ нозил этган нарсага эргашинглар", дейилса "Йўқ! Ота-боболаримизни унинг устида топган нарсага эргашамиз", дейишади. Агар шайтон уларни дўзах азоби сари чақираётган бўлса ҳамми?! (Лукмон сураси, 21 – оят)

Ота-боболарга эргашидан мутлақ ноҳақликми ёки аждодлар йўли тўғри бўлса, уларга эргашидан мумкинми? Жавоб шуки, биз мўминлар дин ишларида фақат Аллоҳу Росули ^{СОҲИЛЛУЛУ} ^{АЛЛАҲНИ} ^{ВА} ^{САЛҲИ} ҳамда саҳобалар ва уларга яхшилик билан эргашган солиҳ кишиларга эргашмоқликка буюрилганмиз. Зеро, мана шуларгина биз учун динда ўрнак қилиб берилган. Агар аждодларимиз Китобу Суннат йўлида ўтган бўлса, уларга, албатта, эргашамиз. Акс ҳолда, аждодларимизни ҳар қанча яхши кўрмайлик, агар Ислому шариатига зид йўлда ўтган бўлса, дин ишларида улар биз учун ўрнак бўлолмайди. Аҳлус-суннат вал-жамоат уламоларининг фикри шудир.

"Аллоҳ ^{СУБҲАНА} ^У ^{ВА} ^{ТАЪО} ^{ЛА} нозил этган нарсага эргашинглар", дейилганда мўмин киши Қуръони Карим ҳукмларини сўзсиз қабул қилиши, ота-бобоси қилиб келган ишларни ўзига ҳужжат қилмаслиги лозим. Чунки, Ислому – иттибоъ, яъни Қуръони Каримга, Росулulloҳ ^{СОҲИЛЛУЛУ} ^{АЛЛАҲНИ} ^{ВА} ^{САЛҲИ} нинг суннатларига эргашмоқликдир:

﴿ اتَّبِعُوا مَا أَنزَلَ إِلَيْكُم مِّن رَّبِّكُمْ وَلَا تَتَّبِعُوا مِن دُونِهِ أَوْلِيَاءَ ﴾ الأعراف: ٣

Сизларга Раббингиз томонидан нозил этилган нарсага эргашинглар ва ундан бошқа "дўстлар"га эргашманглар! (Аъроф сураси, 3 – оят)

Ушбу оят дин ишларида Аллоҳ ^{СУБҲАНА} ^У ^{ВА} ^{ТАЪО} ^{ЛА} нинг калом ва Росулulloҳ ^{СОҲИЛЛУЛУ} ^{АЛЛАҲНИ} ^{ВА} ^{САЛҲИ} нинг суннатларига асосланган кўрсатмаларга эргашмоқлик лозим эканини кўрсатмоқда. Ислому шариатидан ўзга даъватларга, Қуръони Каримдан бошқа йўлларга чақираётган кимсаларга-ку ҳеч қачон эргашилмайди!

Ҳозирда ҳам ичимизда бирон шахс ё йўналишга кўр-кўрона тақлид қилиб эргашган кишилар хўп бисёр. Масалан Имом Абу Ҳанифа ^{РОҲИМА} ^{ТУҲО} га эргашганлик идаосидаги кишиларни олсак, аслида уларнинг даъвоси чин эмас. Чунки Имом Абу Ҳанифа ^{РОҲИМА} ^{ТУҲО} бошқа барча имомлар қатори "Далилга эргашинглар! Агар бизнинг сўзимиз Китобу Суннатга зарра миқдоридан зид бўлса, деворга уриб, улоқтиринглар", деб елкаларидан соқит қилганлар. Мазҳаб имомларининг шу маънодаги сўзлари жуда кўп. Шунга кўра оят ё ҳадисдан очиқ далиллар келганида "Бизнинг мазҳабда мана бундай! Фалон домла бундай деганлар!" деб бирон мазҳаб ё аҳли илм кишининг сўзига кўр-кўрона

эргашаётганлар аслида ўз фикр ва қарашларига таассуб қилишаётир, холос. Агар бирон масалада Китобу Суннатдан бирон далилни билмасак, хоҳ оят-ҳадисдан далилларни ажрата билишга лаёқатимиз бўлсин, хоҳ бўлмасин, бундай ҳолатда бирон мазҳаб ёки ўзимиздан кўра илмда пешқадам кишининг фикрига суянишимиз мумкин. Зотан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} агар очик-ойдин далилга эга бўлмаган ҳолатимиздагина илм аҳлидан сўрашга буюриб, марҳамат қилган:

﴿فَسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ ﴿٤٣﴾ بِالْبَيِّنَاتِ وَالزُّبُرِ ﴿٤٤﴾﴾ النحل: ٤٣ - ٤٤

Агар очик ҳужжат ва китоблар орқали билмасангиз, унда илм аҳлидан сўранглар! (Наҳл сураси, 43 ва 44 – оятлар)

Китоб ва Суннатдан очик далиллар турганда бирон мазҳаб ёки бир шахсга кўр-кўрона тақлид қилиб қарши чиқиш тўғри эмас. Шайх-ул-Ислому Ибн Таймийя ^{роҳима-хулоқ} тақлид қилиши ўлаксага ўхшайди. Ўлаксени мажбурилик ҳолатида истеъмол қилиш жоиз. Агар шаръий йўл билан сўйилган гўшт бўлса, ўлакса ҳаром. Шунга ўхшаш Китобу Суннатдан очик далил бўлганда кўр-кўрона тақлид қилиш ҳаром. Агар далил бўлмаса, ҳақ сўзни айтади, ўзи ҳам амал қилади, деб гумон қилинган бирон илм аҳлининг фикрига суяниш мумкин", деганлар.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бу оятда Куръони Каримдан юз ўгириб аждодларнинг ботил йўлларига кўр-кўрона эргашганларни мазаммат қилиб, ортидан ўшандай кимсаларнинг тутмишини яна ҳам ойдинлаштириб, уларнинг ақлий даражасини яққол кўрсатиб берадиган ажиб бир мисолни келтиради:

﴿وَمَثَلُ الَّذِينَ كَفَرُوا كَمَثَلِ الَّذِي يَدْعُو بِمَا لَا يَسْمَعُ إِلَّا دُعَاءَ وَنِدَاءَ ۗ صُمٌّ بُكْمٌ عُمْىٰ فَهُمْ لَا يَعْقِلُونَ ﴿١٧١﴾﴾

171. Кофир бўлган кимсаларнинг мисоли чақирқиқ ва овоздан бошқа нарсани эшитмайдиган ҳайвонларга қичқираётган кишининг мисолига ўхшайди. Улар кар, соқов, кўрдир. Шундай экан улар ҳеч нарсани англашмайди.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ҳидоятдан бенасиб бўлган кофирларнинг мисоли ўтлаб юрган, овоз ва товушларни эшитиб, маънони англамайдиган ақлсиз подага ўхшайди. Чўпон подани керакли товуш ва овозлар билан ҳайдаб бошқаради. Пода чўпоннинг гапларини товуш сифатида эшитади. Бироқ унинг маънолари ҳақида фикр юритолмайди.

Пайғамбарлар ва уларнинг йўлини тутган солиҳ кишилар куфр, ширк ва жаҳолат ботқоғига ботган кофирларни Куръони Карим оятлари билан залолатдан ҳидоятга, куфрдан иймонга, ҳалокатдан нажотга, жаҳолатдан маърифатга, шақоватдан саодатга чақирсалар, эшитади. Бироқ худди пода каби Куръони Карим оятлари ҳақида фикр юритмайди, ўйламайди. Яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтарадиган, тўғри йўлга бошлайдиган исломий даъват ҳақида мулоҳаза қилмайди. Унинг эшитиши худди ҳайвоннинг эшитиши кабилар. Энг ёмони ақлини бу ҳақда ишлатишга уринмайди ҳам.

Ушбу оят залолат ақлини иймон ва ҳидоят нури сари даъват этган Росулulloҳ ^{соллаллоу алайҳи саллам} ни ва то Қиёмат кунига қадар у кишининг йўлларида бориб, Ислому омонатини халқларга етказишни мақсад қилган кишиларни чўпонга тамсил қилмоқда. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг яққалигига шунча далил-ҳужжатлар бўлишига қарамай Уни инкор қилган, Ислому ҳақиқатидан юз ўгирган, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг каломини кўйиб, ота-боболарининг ботил йўлларига кўр-кўрона эргашмоқликни афзал кўрган кофирларни даъватни эшитиб, тафаккур қилмайдиган, фойда-зарарни билмайдиган ҳайвонлар подасига, исломий даъватни чўпоннинг подага қичқирган овозига ўхшатмоқда. Борлиқдаги Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ягоналигига далолат қилувчи аломатларни кўрмаётган, эшитмаётган, англаб етмаётганлар шундай ачинарли, аянчли аҳволдаги кимсалардир.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ақл, фаҳм-фаросат каби инсонга берган нарсаларни ҳайвонга бермади. Шундай бўлса-да, чўпон қарамоғидаги подага гапирса, ҳайвонлар унинг товушини эшитади, буйруқларига бўйсунди. Бироқ сўзларнинг маъносини англамайди. Лекин кофирлар ҳайвонлардан ҳам бадтарроқ:

﴿وَلَقَدْ ذَرَأْنَا لِجَهَنَّمَ كَثِيرًا مِّنَ الْجِنِّ وَالْإِنسِ ۗ لَهُمْ قُلُوبٌ لَا يَفْقَهُونَ بِهَا وَلَهُمْ أَعْيُنٌ لَا يُبْصِرُونَ بِهَا وَلَهُمْ آذَانٌ لَا يَسْمَعُونَ بِهَا ۗ﴾

﴿أُولَئِكَ كَالْأَنْعَامِ بَلْ هُمْ أَضَلُّ أُولَئِكَ هُمُ الْغَافِلُونَ ﴿١٧١﴾﴾ الأعراف: ١٧٩

Биз жин ва инсонлардан кўпчилигини жаҳаннам учун яратдик. Уларнинг қалблари бор, у билан англашмайди. Уларнинг кўзлари бор, у билан кўришмайди. Уларнинг қулоқлари бор, у

билан эшитишмайди. Ана ўшалар ҳайвонлар кабидир. Йўқ! Улар адашганроқдир! Айни ўшалар гофилдирлар! (Аъроф сураси, 179 – оят)

Уларни Куръон ва Ҳадис йўлига даъват қилинса, овозни эшитадию даъватдаги чуқур мазмунларни англамайди. Бунга сабаб уларда соғлом ақл йўқ. Балки улар энг нодон, энг жоҳил кимсалардир. Зеро, ақлли киши уни ҳақ йўлга даъват этаётган, маъсият, гуноҳ ишлардан қайтараётган, дўзах азобларидан огоҳ этиб, жаннат неъматларига чорлаётган даъватчининг сўзларини тафаккур қилмасдан қўймайди.

Ширк, бидъат ва маъсият ишларда ақл-идроксиз аждодлар йўлига ёки золим, кофир пешволар йўлига эргашганлар мисоли қўйчивон қайси томонга бошласа, ҳалокатми, жарми, кетаверадиган ҳайвон каби онгсиз кимсалардир. Дунё ва охираат саодати бўлмиш Куръони Карим нуридан бош тортиб, Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}нинг амрларидан юз ўгириб, онгли равишда ботилни, жаҳаннам ўтини танлаган кимса ҳар қанча маккор, устаси фаранг бўлмасин, ҳақни қўйиб ботилни ихтиёр этгани учун энг аҳмоқ кимсадир. Улар ҳидоятни эшитишдан, тўғри йўлни кўришдан, ҳақиқатни айтишдан ожиз. Гарчи уларнинг кўзи бўлса ҳам саодат ва ҳидоят йўлини кўрмагани, ҳақиқатдан кўз юмгани ва кимларгадир кўр-кўрона эргашгани учун кўрдир. Куръони Карим даъватини эшитмаган қулоқлари қардир. Ҳақни айтолмаган, Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}нинг оятларини тиловат қилишга ишлатмаган тиллари ҳар қанча гапга чечан бўлмасин, соқовдир. Зотан, қулоқнинг асл вазифаси ҳақни эшитиш, кўзнинг вазифаси ҳидоят йўлини кўриш, тилнинг вазифаси ҳақиқатни айтишдир. Мазкур вазифаларни ўтамаётган қулоқлар қар, кўзлар кўр, тиллар соқовдир.

Дунёда тўғри маънодаги қар, соқов ва кўрлар бор. Бирок, уларнинг ақлий қобилиятлари кўпинча яхши ривожланган бўлади. Кофирлар исломий даъватни эшитмайдиган қар, ҳақни айтолмайдиган соқов, ҳидоят аломатларини кўрмайдиган кўр бўлишидан ташқари уларнинг ақли ҳам ишламайди.

Мана бу оят ўйламай-нетмай бирон кимсага кўр-кўрона эргашиш кофирларнинг сифати эканига ишора қилмоқда. Киши Ислому ҳақида тафаккур қилмаса, уни ҳақиқий, ягона тўғри йўл деб қаноат ҳосил қилмаса, мўмин бўлолмайди. Чунки, мўмин кишининг эътиқоди фаҳм ва идрок устига қурилган бўлиши даркор. Ислому инсонни ҳайвонлар каби кўрларча буйсундиришни, бирон амални мажбуран қилдиришни мақсад қилган эмас. Ислому инсон ақли билан Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}ни таниб, қилаётган амални Унинг розилиги учун қилишини ҳамда гуноҳдан ҳам Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло} қайтаргани учун, қолаверса, унинг ёмон оқибатларидан қўркиб қайтишини мақсад қилган.

Эшитиш, кўриш, гапириш аъзоларидан фойда олмаган кимсанинг бу аъзолардан маҳрум бўлган кишилардан фарқи йўқ. Балки, бу аъзолардан маҳрум бўлган кишининг Қиёматдаги жавобгарлиги енгил. Аммо Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло} берган аъзоларни керакли йўсинда ишлатмаган кимсаларнинг жавобгарлиги эса ўта оғирдир¹.

Ушбу оятга қадар суранинг оқими асосан аҳли китоблар ҳақида бўлди. Қуйидаги оятдан бошлаб Куръони Карим шариатнинг айрим ҳукмларини баён қилишга ўтади.

Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло} суранинг 168 – оятида умум башариятга хитоб қилиб, бошқа махлуқот сингари ҳалол-ҳаромни фарқ қилмай дуч келган нарсани еб кетавериш инсон деган шарафли номга муносиб эмаслигини баён этди. Бирок Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}нинг огоҳ этишига қарамай ўзини инсон санаган айримлар бу танбеҳга эътибор бермади. Шунинг учун бўлса керак -валлоҳу ʼалам-Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло} қуйидаги икки оятда "Раббим Аллоҳ", деб эътиқод қилган иймон аҳлига хитоб қилади:

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ ءٰمَنُوْا كُلُوْا مِنْ طَيِّبٰتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ وَاشْكُرُوْا لِلّٰهِ اِنْ كُنْتُمْ اِيَّاهُ تَعْبُدُوْنَ ﴿١٧٢﴾

172. Эй иймон келтирган кишилар! Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг покизаларидан енглар ва Аллоҳгагина шукр қилинглар, агар Унгагина ибодат қиладиган бўлсангиз!

Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло}ни ягона маъбуд деб, Муҳаммад ^{салватуллоҳу алайҳи ва саллим}ни барҳақ пайғамбар деб, Ислому шариатини ҳақ дин ва тўғри йўл, деб иймон келтирган эй мусулмон эр ва муслима аёллар! Аллоҳ ^{субҳанауу ва таъоло} ердаги ҳамма нарсани сиз инсонлар учун яратди ва уларнинг кўпини ҳалол қилди. Фақат айрим нарсаларни ҳаром қилди, холос. Шундай экан сизлар ҳалол, покиза нарсаларни еб-ичинглар! Жасадингиз ва табиатингиз учун зарарли бўлган турли хил ҳаром, нопок, шубҳали нарсаларни еб-

¹ Ушбу оятни ўрганишда суранинг 18 – ояти тафсирига қайта мурожаат қилиш фойдалан холи эмас.

ичишдан сизларни иймону эътиқодингиз тўсмоғи керак! Агар Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га ибодат қилсангиз, буйруқ ва қайтарикларига итоат қилувчи, ҳукмларига бўйсунувчи бўлсангиз, ҳалол ва покиза нарсаларни ейиш билан чекланмай Раҳмон ^{субҳаназу ва таъоло} берган беҳисоб неъматларни эътироф этиб, ҳалол нарсаларни яратиб ризқ қилиб берган Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га шукр қилинг! Уни рози қиладиган амалларни кўпайтиринг! Ҳалол ва покиза нарсаларни еб-ичадиган мўмин қилиб яратгани учун Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га кўп ташаккурлар айтинг!

"Эй иймон келтирган кишилар! Покиза, ҳалол нарсаларни ейиш фақат сизларнинг сифатингиз!" дегандек Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ушбу оятда бизни энг улуг ва шарафли номимиз билан чақириб, Унинг шариати ҳукмларини, жумладан, ҳалол ва ҳаром ҳақидаги кўрсатмаларни фақат Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг Ўзидан қабул қилишга чорламоқда. Ундан ташқари, агар ибодатни холис Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг Ўзига қиладиган бўлсак, Унга беҳисоб шукр айтишга буюрмоқда. Чунончи, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га шукр қилмаган кимса Унга ибодат ҳам қилмабди. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га шукр қилиш бўлмаса, ибодат ҳам комил бўлмайди¹.

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} инсонни дунёвий лаззатлардан воз кечишга, нафсини қийнашга буюрган эмас. Парвардигори олам Ислому умматини ўрта ва афзал уммат қилиш билан ҳам жасаднинг, ҳам руҳнинг ҳаққини ўташга, шариат чегарасидан чиқмаган ҳолда дунёвий лаззатлардан фойдаланишга рухсат берган. Аммо мушриклар ҳамда аҳли китоблар Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ҳаром қилмаган нарсаларни ўзларига ҳаром қилиб олишган эди. Хусусан, насоролар "Нафсни қийнаб, дунё лаззатларидан воз кечиш бандани Яратганга яқин қилади. Жасадни қийнаш орқали инсон руҳий камолотга эришади", деб эътиқод қилишарди. Табиийки бундай эътиқодлар ҳеч қандай асоссиз, насоро роҳиблари томонидан ўзича тўқиб олинган эди.

Ҳалолдан касб қилиш, ҳалолдан ейиш амалнинг қабул бўлиши ва дуонинг ижобат бўлишига сабабдир. Бинобарин, ҳаромдан топиш, ҳаром нарсаларни истеъмол қилиш амалнинг қабул бўлмаслиги ва дуонинг ижобат бўлмаслигига сабаб бўлади. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ لَا يَقْبَلُ إِلَّا طَيِّبًا وَإِنَّ اللَّهَ أَمَرَ الْمُؤْمِنِينَ بِمَا أَمَرَ بِهِ الْمُرْسَلِينَ فَقَالَ ﴿يَا أَيُّهَا الرُّسُلُ كُلُوا مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾ وَقَالَ ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُلُوا مِن طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ﴾ ثُمَّ ذَكَرَ الرَّجُلَ يُطِيلُ السَّفَرَ أَشْعَثَ أَغْبَرَ يَمُدُّ يَدَيْهِ إِلَى السَّمَاءِ يَا رَبِّ يَا رَبِّ وَمَطْعَمُهُ حَرَامٌ وَمَشْرَبُهُ حَرَامٌ وَمَلْبَسُهُ حَرَامٌ وَغَدِيهِ بِالْحَرَامِ فَأَنَّى يُسْتَجَابَ لِذَلِكَ ﴿١﴾ رواه مسلم

Абу Хурайра ^{розияллоҳу алайҳи} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} Эй одамлар! Аллоҳ покдир. У фақат покиза амални қабул этади. Аллоҳ мўминларни пайғамбарларни буюрган нарсаларга буюриб, "Эй пайғамбарлар! Покиза нарсаларни енглар ва солиҳ амалларни қилинглар! Мен сизлар қилаётган нарсаларни, албатта, Билгувчиман! Эй иймон келтирган кишилар! Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг покизаларидан енглар деди. Сўнг Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} сочлари тўзиган, чанга беланган, узоқ сафар қилган кишини зикр этдилар. Қўлини осмонга чўзиб, "Эй Раббим! Эй Раббим!" деб илтижо қилади. Ҳолбуки, унинг емоғи ҳаром, ичмоғи ҳаром, кийими ҳаромдир. Ҳаромдан озикланган. Бундайларнинг дуоси қаердан ижобат бўлсин?! дедилар. (Имом Муслим ривояти)*

Эй иймон келтирган кишилар! Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсаларнинг покизаларидан енглар ояти айниқса бугунги кунда ўзининг долзарблигини кўрсатмоқда. Ҳозирга келиб гайри исломий диёрларда муслмонмас кимсалар томонидан ишлаб чиқарилган, Ислому шариати талабларига номувофик, иштибоҳли, бироқ ташқи кўриниши жозибали жуда кўп озик-овқат, гўшт маҳсулотлари, турли ширинликлар, қанд-курслар, сақичлар, ҳар хил ичимликлар муслмонлар хонадонига кириб келди! Энг ачинарлиси бундай шубҳали нарсалар муслмонлар дастурхонининг кўрки саналмоқда! Ўзини тақволи санаган кишиларнинг ҳар қандай маросимлари ўша нарсаларсиз ўтмайди бўлиб қолди! Муслмонлар бундай гумонли нарсаларни емоқда, фарзандларига едирмоқда! Ҳар хил шубҳали нарсаларни тановул қиладиганимиз учун бўлса керак, дуоларимиз ижобат бўлмаяпти! Гумонли нарсалардан парҳез қиладиганимиз учун бўлса керак, Эшитувчи, Ижобат этгучи бўлган Зотга қилган нолаю илтижоларимиз осмонга кўтарилмаяпти!

¹ Ушбу оят мазмунан 152 ва 168 – оятларга яқин бўлгани боис уларга тақрибан қайтиш фойдадан ҳоли эмас.

Биз таркибида Ислом шариати ҳаром қилган моддалар бўлмаган нарсаларни ҳаром, дейишдан узоқмиз. Бунга бизнинг асосимиз йўқ. Бироқ шубҳа қилишга етарли сабаблар бўлган нарсаларни мусулмонлар бемалол истеъмол қилишлари яхши эмас, демоқчимиз. Ислом ҳудудлари паймол қилинган диёрларда ишлаб чиқарилган ёки шариат кўрсатмаларига амал қилмайдиган, балки билмайдиган кимсалар чиқарган маҳсулотлар ҳар қанча жозибали, мазали, арзон бўлмасин, "Таркибида Ислом ҳаром қилган нарсалар йўқ", деган ёзувга асосланиб, ейиш ё ичиш тақволи, ҳалкуми пок бўлишини хоҳлаган мўмин кишига тўғри келмаслигини айтмоқчимиз. Мусулмон киши тўғри келган жойда, хусусан, Ислом шариати ҳаром қилган нарсалар сотиладиган ўринларда парhez қилмасдан овқатланиб кетавериши унинг иймони ва тақвосига доғ туширадиган нарсани эканини уқтирмоқчимиз. Ахир ҳалол-ҳаром каби тушунчалардан узоқ, бенамоз кимсалар ўша маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнида исломий талабларга риоя этган, деб ким айта олади?! Ўша корхоналарда шариат ҳаром қилган бошқа нарсалар ишлаб чиқарилмаслигига қафолат борми?! Бенамоз кимсалар ўша маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланган анжомлар, идишлар шариат талабига мувофиқ ҳолатда тоза бўлганига ишонса бўладими?!

عَنْ الثُّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ الْحَالُ بَيْنَ وَالْحَرَامِ بَيْنٌ وَيَبْنُهُمَا مُشَبَّهَاتٌ لَا يَعْلَمُهَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ فَمَنْ اتَّقَى الْمُشَبَّهَاتِ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرْضِهِ وَمَنْ وَقَعَ فِي الشُّبُهَاتِ كَرَعَ يَرَعَى حَوْلَ الْحِمَى يُوشِكُ أَنْ يُوَاقِعَهُ أَلَا وَإِنَّ لِكُلِّ مَلِكٍ حِمًى أَلَا إِنَّ حِمَى اللَّهِ فِي أَرْضِهِ مَحَارِمُهُ رواه البخاري

Нўъмон ибн Башир розияллоху алаҳи ва таволя ривоят қилдилар: *Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва саллам ҳалол аниқ. Ҳаром ҳам аниқ. Иккисининг орасида кўп одамлар билмайдиган шубҳалар мавжуд. Ким шубҳалардан тийилса, дини ва шаънини сақлабди. Шубҳаларга тушган киши ман қилинган жой атрофида ўтлатаётган, унга киришига яқин қолган чўпонга ўхшашдир. Билингики, ҳар бир подшонинг чегараси бор. Билингики, Аллоҳнинг еридаги чегараси ҳаромларидир дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ субҳанаху ва таволя оламдаги жуда кўп нарсаларни покиза қилиб яратди ва уларни биз мўминларга ҳалол қилди. Улар ичида баъзи нарсаларнигина ҳаром қилди. Қуйида уларнинг баъни келади:

إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالدَّمَ وَلَحْمَ الْخِنْزِيرِ وَمَا أُهْلَ بِهِ لِغَيْرِ اللَّهِ فَمَنْ أَضْطَرَّ عَلَيْهِ بَإِحْتِاجٍ وَلَا عَادٍ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ (۱۷۳)

173. Аллоҳ *сизларга фақатгина ўлакани, қонни, тўнғиз гўштини ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсани ҳаром қилди. Ким хоҳловси ва ҳаддан ошувчи бўлмаган ҳолда ноилож бўлса, унга гуноҳ йўқдир! Албатта, Аллоҳ Кечиргувчи, Раҳмлидир.*

Эй иймон келтирган кишилар! Сизларга шариат кўрсатмасига мувофиқ ҳолатда сўйилмасдан туриб жони чиққан жонлиқни, оқиб чиққан қонни, тўнғиз гўштини ва Аллоҳ субҳанаху ва таволя дан бошқанинг номи айтилиб ёки бошқага атаб сўйилган ҳар қандай нарсани ҳаром қилди, холос! Жисмингиз ва руҳингиз учун зарарли бўлган мазкур ҳаром нарсалардан четланинг! Иймон сифати сизларни Аллоҳ субҳанаху ва таволя ҳаром қилган нарсаларни тановул қилишдан тўсмоғи лозим! Бироқ қайси бирингиз оч ва ночор ҳолатда, ҳалол таомлар тамоман бўлмаган жойга тушиб қолса, ҳаром нарсалардан бошқа егулик нарсани тополмаса, ёхуд бирон золим унинг ҳаётига таҳлика солиб, ҳаром нарсаларни ейишга мажбурласа, шунда тўйгунича емасдан, эҳтиёж миқдоридан ҳаддан ошмасдан, ҳаром нарсанига ошиқмаган ҳолда еса, унга гуноҳ йўқ! Зеро, Аллоҳ субҳанаху ва таволя мағфират даргоҳи кенг, раҳмати улкан Зотдир!

Мўмин киши Аллоҳ субҳанаху ва таволя ҳаром қилган нарсаларни тап тортмай бемалол тановул қилаётганларни кўрганда ажабланмаслиги керак. Чунки, ҳалол-ҳаром тушунчаси фақат Аллоҳ субҳанаху ва таволя ни "Барҳак, ягона Маъбуд", деб этиқод қилган, Унинг амрларини сўзсиз бажариб, қайтарганларидан ҳам сўзсиз тийилаётган, Росулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ни "Башариятни ҳидоятга бошловчи пайгамбар" деб йўлларига юраётган, "Қуръони Карим – Аллоҳ субҳанаху ва таволя нинг башариятга қонун ва ҳаётий дастур бўлиши учун нозил этган саодат китоби", деб иймон келтирган мўмин кишиларга хос тушунчадир. Кофирга ҳалол билан ҳаромнинг фарқи йўқ! Чунки, Исломдан бошқа куфр тузумларда ҳалол ё ҳаром деган луғатнинг ўзи йўқ! Шунинг учун бўлса керак, Аллоҳ субҳанаху ва таволя **عليكم** – *сизларга* деб марҳамат қилмоқда. Агар биронтаси "Нима учун ўлиб қолган ҳайвон ҳаром бўларкан? Менга ҳаром эмас, мен еявераман", ёки "Мен тўнғиз тери маҳсулотларни

киявераман", деса "Бу оят сизга эмас, Аллоҳу Росули ^{СОҒЛОМЛИҚУ} ^{АЛЛАҒИ ВА} ^{СУЛҒАМ} га иймон келтирганларга хитоб қилмоқда", дейишимиз керак.

Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} мўмин бандаларига ушбу оятда тўрт нарсани ҳаром қилганини баён қилади:

1. Ўлакса. Тириклигида шарият кўрсатганидек сўйиб истеъмол қилиш ҳалол бўлган ҳайвон бўғизланмасдан туриб ўлса, ҳаром бўлади. Ўлимтикни инсонга ҳаром қилиниши – Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} нинг ердаги халифасининг муқаррам қилиниши белгисидир. Зотан, ўлимтикка нигоҳ тушиши билан покиза ва соғлом инсоний табиат эгасида ундан жирканиш пайдо бўлади ва бундай нарсани ейишдан бош тортади. Шунинг учун Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} бундай жирканч нарсани инсондек муқаррам зотга раво кўрмади.

Ҳозирги замон фани сўйилган ҳайвон ёки парранда танасидан қон билан бирга инсоннинг саломатлигига раҳна солувчи турли иллатлар, касаллик юқтирувчи моддалар ҳам чиқиб кетишини, натижада унинг гўшти ва ёғи ейишга яроқли бўлишини кашф қилди. Бундан ташқари ўлимтиктан, хусусан, касаллик билан ўлган ҳайвондан қон чиқиб кетмагани боис унинг танасида, томир ва мушакларида инсонни нафас қисиш касаллигига олиб келувчи қарбон моддаси сақланиб қолишини ҳам айтмоқда. Фаннинг кечиккан бундай кашфиётлари мусулмонлар учун янгилик эмас. Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} ўн тўрт аср муқаддам ўлимтикни ҳаром қилиш билан бизларни турли ёмон оқибатлардан сақлади.

2. Қон. Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} мўмин бандаларига сўйилаётган ҳайвондан оқиб чиққан қонни ҳам ҳаром қилди. Бироқ шариятимиз уламолари сўйилган гўштдаги мушаклар, томирлар орасида қолган қон ҳаром эмас. Лекин сўйиш пайтида ҳайвондан қонни имкон қадар кўпроқ окизиб ташлаш керак, деганлар. Қуйидаги ҳадис буни қувватлайди:

عَنْ رَافِعِ بْنِ خَدِيجٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا أَنَهَرَ الدَّمَ وَذَكَرَ اسْمَ اللَّهِ فَكُلُوهُ مَا لَمْ يَكُنْ سِنًّا وَلَا ظَفْرًا وَسَأَحَدْتُكُمْ عَنْ ذَلِكَ أَمَّا السِّنُّ فَعَظْمٌ وَأَمَّا الظَّفْرُ فَمُدَى الْحَبَشَةِ ^{رواه البخاري}

Рофиъ ибн Хадиж ^{РОЗИЯЛЛОҒУ} ^{АНЗУ} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{СОҒЛОМЛИҚУ} ^{АЛЛАҒИ ВА} ^{СУЛҒАМ} сўйган асбоб тиш ё тирноқ бўлмасагина қони оқизилган ва Аллоҳнинг номи ёд қилинган нарсани еяверинлар. Сизларга бу ҳақда айтиб берай. Тиш суякдир. Тирноқ эса ҳабашларнинг пичоғидир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Исломи шарияти инсон жасади ё руҳияти учун зарарли бўлган нарсаларни ҳаром қилганида шубҳа йўқ. Мусулмонлар гарчи аввалда Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} ҳаром этган нарсаларнинг хикматларини билмасалар-да, "Раббимиз томонидан юборилган қатъий ҳукм", деб сўзсиз қабул қилишди ва ўзларини турли мудҳиш оқибатлардан сақлаб қолишди. Қарангки, бугунга келиб руҳий касалликларни ўрганиш фани қон ичиш инсонни тузатиб бўлмас руҳий касалланишга олиб келишини исботламоқда. Исломи ҳукмларини ҳаётга татбиқ этган кишиларнинг бахти шундаки, кашф қилиниши учун узоқ йиллар керак бўлган офатларни Қуръони Карим уларга ўн тўрт аср илгари содда усул билан баён қилиб берган.

3. Тўнғиз гўшти. Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} тўнғизнинг нафақат гўштини балки бутун жасадини қатъан ҳаром қилган. Тўнғиз Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} яратган махлуқотлар ичида энг ифлос ва ўта жирканчидир. У чиқинди, ахлат ва ифлос нарсаларни ейди.

Инсоннинг еган нарсаси қон орқали унинг вужудига сингийди. Мисол учун баъзи таомлар тановул қилинса, мижознинг иссиқлиги ё совуқлиги ошади. Бу таъсир унинг руҳиятига ҳам ўтади. Шунинг учун бўлса керак, тўнғиз гўштини истеъмол қиладиган халқларда ифпат, аёли, қизи ва опа-сингилларига нисбатан қизганиш туйғулари йўқолиб кетгани бугун сир эмас. Чунончи, тўнғиз табиатидаги жирканч ҳолатлардан бири шуки, унда жуфтани қизганиш каби туйғулар йўқ.

Исломи ҳукмларини тан олмаган фан олимлари бугунга келиб тўнғиз гўшти таркибида инсон саломатлиги учун ўта хатарли бўлган узун, тасмасимон гижжа ва унинг тўп-тўп тухумлари мавжудлигини, улар юқори ҳароратда пиширилганда ҳам йўқолмаслигини илмий йўл билан исботламоқда. Қуръони Карим томонидан қатъан ҳаром, деб айтилган ҳукмдаги битта офатни топиш учун фан олимларига ўн тўрт аср керак бўлди. Аллоҳ ^{СУБАНАХУ} ^{ВА ТАҒОЛО} ҳаром қилган нарсалардаги ҳали фанга номаълум беҳисоб офатларни топиш учун яна қанча йиллар керак бўларкин?!

Шундай экан, фан ва илмий кашфиётлардан ўн тўрт аср илгарилаб кетган Исломи шариятини энг адолатли, энг тўғри йўл деб тан олиш ва ҳаётга татбиқ этиш вақти келмадимикин?! Қуръони Карим – инсоният саодати, деб иқроп бўлиш ва уни ҳаёт манҳажига айлантириш пайти келмадимикин?!

Аллоҳ ^{субҳануху}_{ва таъоло} тўнғиз гўшти, ёғи ва терисини ҳаром қилди. Шунга қарамай кейинги даврда унинг ҳаромлигига эътибор бермасдан истеъмол қиладиганлар пайдо бўлди. Минг афсуски, бунинг таъсири мусулмонлик даъвосидаги кишиларда ҳам кўринмоқда! Аллоҳ ^{субҳануху}_{ва таъоло} ҳаром қилган тўнғиз ҳозир ҳам диёримизнинг турли вилоятларида боқилаётир! Юртимизнинг айрим жойларида чўчкахоналар ҳамон мавжуд! Баъзи жойларга янгитдан қурилаётир! Исломда қатъан ҳаром саналган тўнғиз гўшти мусулмонларнинг бозорида сотилаётир! Мусулмонлар тўнғиз тери кийим ва пойабзалларни пулга олиб кияётир! Молию жони билан Исломга хизмат қилаётган кишиларга тинмай бўхтон ва иғволарни ёғдириб, сўзию амали ила зиён етказаётган “имомлар, дин пешволари”нинг бурро тиллари бу ҳақда чурқ этмаётир! Одамларга тавҳидни, суннатни, саҳиҳ ақидани ўргатиш ўрнига динимиз ғанимларининг буюртмасига асосан мусулмонлар орасини бузадиган эски, фитна гапларни кўзиб юрган “шайху уламолар” тилини ютгандек нимагадир лом-мим демаётир! Ё Аллоҳ!

Мўмин киши теридан тикилган кийим ё пойабзалларни харид қилишда маҳсулотнинг терисига эътибор бериши лозим. Агар тери ҳақида билимга эга бўлмаса, биладиган кишиларга кўрсатиб, тўнғиз териси эмаслигига амин бўлганидан кейингина харид қилиши даркор. Зотан, мўмин киши тўнғиз терисидан тикилган кийимларни ёки тўнғиз тери пойабзалларни кийиб юриш у ёқда турсин, баданига тегиб кетишидан ҳазар қилиши, Аллоҳ ^{субҳануху}_{ва таъоло} ҳаром қилган нарсдан жирканиши лозим.

Шунингдек, ҳозирги замонда қон ва тўнғиздан олинадиган ҳар хил дори-дармонлар пайдо бўлган. Мусулмон киши динсиз, ҳалол-ҳаромни ажратмайдиган, бенамоз шифокорларнинг маслаҳатига кириб, ўшандай дориларни истеъмол қилишдан эҳтиёт бўлиши, тўнғиз гўшти истеъмол қилинадиган ўлкаларга сафар қилса, емоқ-ичмоқлари ҳақида олдиндан бош қотириши даркор.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ عَامَ الْفَتْحِ وَهُوَ بِمَكَّةَ إِنَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ حَرَّمَ بَيْعَ الْخَمْرِ وَالْمَيْتَةِ وَالْخَنْزِيرِ وَالْأَصْنَامِ فَقِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَأَيْتَ شُحُومَ الْمَيْتَةِ فَإِنَّهَا يُطْلَى بِهَا السُّفُنُ وَيُدْهَنُ بِهَا الْجُلُودُ وَيَسْتَصْبَحُ بِهَا النَّاسُ فَقَالَ لَا هُوَ حَرَامٌ ثُمَّ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عِنْدَ ذَلِكَ قَاتَلَ اللَّهُ الْيَهُودَ إِنَّ اللَّهَ لَمَّا حَرَّمَ شُحُومَهَا جَمَلُوهُ ثُمَّ بَاعُوهَا فَأَكَلُوا ثَمَنَهُ ^{رواه البخاري}

Жобир ибн Абдуллоҳ ^{розияллоху}_{анно} ривоят қилдилар: *Росуллоҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам} Маккаи Мукаррама фатҳ қилинган йили Аллоҳу Росули маст қилувчи ичимлик, ўлакса, тўнғиз ва бутларни сотишни ҳаром қилди дедилар. Шунда "Ё Росуллоҳ! Улаксанинг ёғи-чи? Ахир у билан кемаларни бўялади, териларга ишлов берилади, одамлар уни чироқ қилиб ёқади", дейилди. Росуллоҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам} Йўк! У ҳаром дедилар. Сўнг Аллоҳ яхудларни ҳалок қилсин! Аллоҳ ўлаксанинг ёғини ҳаром қилганида уни эритишди, сўнг уни сотиб, пулини ейишди дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ الْخَمْرَ وَثَمَنَهَا وَحَرَّمَ الْمَيْتَةَ وَثَمَنَهَا وَحَرَّمَ الْخَنْزِيرَ وَثَمَنَهُ ^{رواه أبو داود}

Абу Хурайра ^{розияллоху}_{анно} ривоят қилдилар: *Росуллоҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам} Аллоҳ маст қилувчи ичимликни ва унинг пулини, ўлаксени ва унинг пулини, тўнғизни ва унинг пулини ҳаром қилди дедилар.* (Абу Довуд ривояти)

4. Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарса. Мушриклар жоҳилият даврида Катъбаи Муаззама ичи ва атрофига ўрнатилган 360та бутга атаб сўйишарди. Қурбонликларини "Лот ва Уззо номи билан", деб сўйишарди. Ислом Аллоҳ ^{субҳануху}_{ва таъоло}дан ўзганинг номи айтиб сўйилган ёки авлиёларга, мазорларга аталган ҳар қандай жонликни ҳамда Аллоҳ ^{субҳануху}_{ва таъоло}дан ўзгага назр қилинган таомни қатъий ҳаром қилди. Бундай сўйилган жонликни Аллоҳ ^{субҳануху}_{ва таъоло} ўлакса ва тўнғиз гўштидек жирканч нарсалар қаторида зикр этди. Зотан, Аллоҳ ^{субҳануху}_{ва таъоло}дан ўзгага жонлик атаб сўяётганлар, хоҳ тан олишсин, хоҳ тан олишмасин, ширк амалини қилиб мушрик бўлишади. Бундай амални қилаётган кимсаларни Росуллоҳ ^{саллаллоху}_{алайхи ва саллам} кўйидаги ҳадисда лаънатлаганлар:

عَنْ عَامِرِ بْنِ وَائِلَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قُلْنَا لِعَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ أَخْبِرْنَا بِشَيْءٍ أَسْرَهُ إِلَيْكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ مَا أَسْرَ إِلَيَّ شَيْئًا كَتَمَهُ النَّاسُ وَلَكِنِّي سَمِعْتُهُ يَقُولُ لَعَنَ اللَّهُ مَنْ ذَبَحَ لِغَيْرِ اللَّهِ وَلَعَنَ اللَّهُ مَنْ آوَى مُحَدَّثًا وَلَعَنَ اللَّهُ مَنْ لَعَنَ وَالِدَيْهِ وَلَعَنَ اللَّهُ مَنْ غَيَّرَ الْمَنَارَ ^{رواه مسلم}

Омир ибн Восила ^{розиллоху ану} ривоят қилдилар: Али ибн Абу Толибга "Росулуллох ^{солаллоху алайхи ва саллим} сизга сир қилган бирон нарсани айтиб беринг", дедик. Шунда "Росулуллох ^{солаллоху алайхи ва саллим} одамлардан яширган бирон нарсани менга сир қилмаганлар. Лекин мен у кишининг Аллохдан бошқага сўйган кимсани Аллох лаънатласин! Бидъатчига ёрдам берган кимсани Аллох лаънатласин! Ота-онасини лаънатлаган кимсани Аллох лаънатласин! Ернинг ҳудудларини ўзгартирган кимсани Аллох лаънатласин деганларини эшитганман", деди. (Имом Муслим ривояти)

Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} ўлакса, қон ва тўнғиз гўштини ҳаром қилиш билан инсон жасадини жуда кўп зарарли иллат ва ифлосликлардан, Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}дан ўзганинг номи айтиб сўйилган ҳайвонни ҳаром қилиш билан эса унинг қалбини бошқалар эътибор бермайдиган маънавий-руҳий нопокликлардан сақлади.

Моддий қарашлар таъсирида бўлганлар "Нима учун Аллохдан бошқанинг номини айтиш билан асли ҳалол бўлган ҳайвоннинг гўшти ҳаромга айланади?" дейиши мумкин. Ҳа! Мусулмон киши учун Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}дан бошқанинг номи айтиб сўйилган ҳайвон худди ўлакса, қон ва тўнғиз каби ҳаромга айланади! Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}дан бошқанинг номи айтиб сўйилган ҳайвон ундаги бирон моддий иллат ё зарар сабабидан эмас, балки руҳий-маънавий мараз туфайли ҳаром қилинган! Зотан, Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} сўйиладиган ҳайвонни яратган ва унга жон берган. Сўйиб тановул қилишга ҳам Ўзи муваффақ қилган. Шундай экан сўйишда ҳам фақат Унинг номи айтилиши лозим. Демак, мўмин киши ҳар бир ҳаракатини фақат Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} тарафига юзлантириши, Ундан бошқа тарафга йўналган ҳар қандай нарса ҳаром, деб эътиқод қилиши керак.

Фуқаҳолар "Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}дан ўзганинг номи айтиб сўйилган, шунингдек, Унинг номига бошқанинг номини бирга айтиб сўйилган жонлик ва яна диндан қайтган муртад ё мажусийнинг сўйгани ҳам ҳаром", деганлар.

Бу нарса мўмин кишини гўшт маҳсулотларини дуч келган жойдан, харид қилишдан сақланишга, Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}нинг номини айтиб, шариатга мувофиқ сўядиган қассоблардан харид қилиши лозимлигига ундайди.

Ислом шариати ҳаром қилган ўлимтик, қон, тўнғиз гўшти ва Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}дан бошқанинг номи айтиб сўйилган нарсаларни ейиш, сотиш, қандай мақсадда бўлмасин, фойдаланиш мутлақ ҳаромдир. Лекин ҳаётда мўмин киши ўша ҳаром нарсаларни ейишга мажбур бўладиган ҳолатлар ҳам юз бериши мумкин. Фаразан, бир одам шундай ҳолатга тушиб қолдики, унинг олдида мазкур ҳаром қилинган нарсадан бошқа бирон егулик умуман йўқ. Очлик сабабли ҳалок бўлиш аниқ. Ёки бирон бадбахт, золим ҳаром нарсани ейишга мажбурлаб, "Агар емасанг ўлдираман", демокда. Емаса, ўлдирилиши, ҳалок бўлиши аниқ.

Шундай ҳолатда ҳам ўлакса, қон ва тўнғиз гўштининг ҳаромлиги бекор бўлмайди. Лекин Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} бундай ҳолатда мажбуран тановул қилган мўмин кишидан гуноҳни кўтаради. Бундай ночор ҳолатда мусулмон киши учун Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} ҳаром қилган нарсадан ейиш ёки ичишга рухсат қилинади. Балки, шундай ҳолатда емасдан вафот қилса, Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} берган рухсатдан фойдаланмасдан ўзини ҳалок қилгани учун гуноҳкор бўлади. Шундай ҳолатда мўмин киши қалбдан ачиниб, ҳаромдан лаззатланмасдан, бир томчи ё бир тишлам бўлсин, зарурат чегарасидан ошмаслиги даркор.

Баъзи муфассир уламолар ^{بأغ} калимасини ҳалол ва покиза нарсалар бўла туриб ҳаром нарсаларни еб, ўзига зулм қилган золим, ^{عابد} – **ҳаддан ошувчи** калимасини ҳожатидан ортигини ейишни мақсад қилган кимса, деб ҳам тафсир қилишган.

Ҳақиқий мўмин киши ҳаром нарсаларни мажбурлик ҳолатида Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} рухсат қилгани учун еса ҳам қалби танг бўлиб, юраги сиқилади. Мана шу вақтда Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} унга гўё "Эй банда! Ташвиш қилмагин! Раббинг Кечиримли, бандаларига қийинчилик туғдиришни истамайдиган Раҳмли Зот", дегандек бўлмоқда.

Музтарлик ҳолатида ейишга рухсат қилинган миқдор ҳақида уламолар ўртасида ихтилофлар мавжуд. Баъзилар ҳаётни сақлагудек миқдорда, баъзилар тўймагудек миқдорда, баъзилар кимсасиз жойда кетаётган инсон еганидан ташқари заҳира қилиб олишига ҳам рухсат, дейдилар. Бу нарса ҳар бир кишининг иймони ва тақвосига боғлиқдир.

Демак, ушбу оятда зикри ўтган ҳаром нарсаларни мажбурлик ҳолатида тўймагудек, эҳтиёж миқдорида ҳаддан ошмасдан, ҳаромга ошиқмаган ҳолда еса, бўлади. Агар заруратни кетказмаса, ейиш мумкин бўлмайди. Мисол учун бир одам ташна ҳолатда мажбур бўлиб қолса, ичгани заҳардан бўлак бошқа нарса тополмаса, заҳар унга ҳалол бўлмайди. Чунки, заҳар ҳолатни яхшиламайди, заруратни кетказмайди, балки ичган одамни ўлдиради.

Зарурат ва ночорлик ҳолатида ҳаром нарсаларни ейишга рухсат қилгани – Аллоҳ ^{субҳанаху}нинг буюк раҳмати белгисидир. Мусулмон кишининг ҳаёти шундай қимматки, Аллоҳ ^{субҳанаху} уни сақлаб қолиш учун ночор пайтда ҳаром нарсдан истеъмол қилишга изн берди. Энди мусулмонни қамаб, очлик ва ташналик билан азоблаётган ёки ҳаром нарсаларни ейишга мажбурлаётган золимлар қилмишларининг нақадар оғир гуноҳ эканини билиб қўйсин!

Исломда ушбу оятда зикр қилинган нарсаларгина ҳаром қилинган деб тушунмаслик керак. Зеро Абу Саълаба, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн Аббос ^{руивиялр}лардан қилинган саҳих ҳадисларга кўра Росулulloҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} ҳар қандай сўйлоқ тишли йиртқич ва чангалли қушни ҳамда хонаки эшак гўштини ейишдан ҳам қайтарганлар. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари)

Ушбу оят *الضُّرُورَاتُ تُبَيِّحُ الْمَحْظُورَاتِ* – Заруратлар тақиқланган нарсаларга рухсат қилади", деган машхур усул қоидага далил бўла олади.

إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَشْتُرُونَ بِهِ نَمًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا النَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿١٧٤﴾

174. Аллоҳ нозил этган Китобдан иборат нарсаларни яшираётган ва уни озгина баҳога сотаётган кимсалар – ўшалар қоринларида дўзах ўтидан бўлак нарсани емаяптилар! Аллоҳ Қиёмат кунда уларга гапирмайди ва уларни покламайди! Уларга аламли азоб бор!

Аҳли китоблар Муҳаммад ^{саллаллоху алайхи ва саллам}нинг Таврот ва Инжилдаги хабар ва сифатларини ҳамда у кишига иймон келтиришга бўлган амрларни яширгани каби Аллоҳ ^{субҳанаху} Қуръони Каримда нозил этган оятларни беркитиш ё бузиш орқасидан мол-дунё топиб, қоринни қапайтириб, мамнун бўлаётганлар аслида дўзах ўтини емоқда! Сохта обрўлардан, авом халқлардан келаётган ҳадялардан, золим, мунофиқ ва кофирлар берган вақтинча лавозимлардан айрилиб қолишдан кўрқиб, шариат ҳукмларини ошқор айтиш ўрнига озгина дунё орттириш пайида беркитаётган, бузиб айтаётганлар қоринларига олов бўлиб ёнадиган жаҳаннам чўғларини жойламоқда! Сарик чақа, ўткинчи обрў ва мансабларни деб Аллоҳ ^{субҳанаху}нинг оятларини сотганларга Раҳмон ^{субҳанаху} Охират кун гапирмайди! Одам ^{алайҳис-салом} дан тортиб Қиёматгача ўтган бутун башарият тўпланган Маҳшарда энг зарур ва асосий соатда Аллоҳ ^{субҳанаху} уларни ёвуз қилмишлари ва уммонлар мисоли гуноҳларидан покламайди! Аллоҳ ^{субҳанаху} газаб қилгани ва лаънатлагани боис солиҳ бандаларига айтадиган раҳмат сўзларини айтиш ўрнига аламни зиёда эттириб уларга

﴿أَخْسَرُوا فِيهَا وَلَا تَكْفُرُونَ﴾ ﴿١٧٨﴾ ﴿المؤمنون: ١٠٨﴾

Унда даф бўлинглар ва Менга гапирманглар!¹ дейди. Бу ҳали ҳаммаси эмас! Дунёда сотгани бошқа бирон нарса қолмагандек, Аллоҳ ^{субҳанаху}нинг шариатини сотиб, топган мазаларини бир зумда унуттириб юборадиган жаҳаннамнинг аламли азоблари ҳам бор!

Бирон ноҳўя ишингиз сабабли ота-онангиз ранжиб бутун оилангиз даврасида сизга гапирмай қўйса, бу ҳолатдан қанчалар хижолат бўлиб, ўзингизни ноқулай сезасиз. Энди тамомий башарият ҳозир бўлган кунда бир одамга Аллоҳ ^{субҳанаху}нинг гапирмаслигидан кўра қаттиқ азоб бўлмайди. Дини, иймонини сотганларни покиза, табаррук, улуғ зотлар, деб билган авом халқ Қиёмат кун уларнинг манфур, энг разил кимсалар эканини билади. Аллоҳ ^{субҳанаху} мўмин бандаларини кечириб, гуноҳларидан поклаб турган пайтда, уларни поклаш тугул, гапирмайди ҳам! Хорлик шу билан тугамайди! Уларга аламли азоблар ҳам муҳайё! Ҳақиқатни яшириб, одамларни ботилга бошлагани учун уларга дўзах оловини едириб азоб берилади!

Одатда, арзимас дунё ва сохта обрўларни қўлга киритиш илинжи инсонни Китоб ва Суннат ҳукмларини одамлардан яшириш ва ботил билан қориштиришга ундайди. Аллоҳ ^{субҳанаху} бундай кабиҳ, ўта машғум жиноятга қўл урганларни "Қуръони Карим оятларини озгина баҳога сотаётганлар", деб баҳоламоқда. Гарчи Китоб ва Суннат ҳукмларидан биргинасини яшириш ё бузиб кўрсатиш эвазига бутун дунё қўлга киритилса-да, ҳидоятни бой бериш ва ўзини абадий жаҳаннам азобига гирифтор қилиш олдида оз ва арзимасдир:

﴿فَمَا مَتَّعَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا قَلِيلٌ﴾ ﴿التوبة: ٣٨﴾

Шундай экан, ҳаёти дунё матоси Охиратда озгина нарсдан бўлак нарса эмас! (Тавба сураси, 38 – оят)

¹ (Муъминун сураси, 108 – оят)

Демак, Қуръони Карим ва Суннати Набавийяни четлаб эришилган ҳар қандай ғалаба, муваффақият, бойлигу фаровонлик икки пул! Исломни бой бериш оқибатида дучор бўлинган талафотни ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди! Балки, бошқалар бу ҳақиқатни билмас ёки тан олмас! Лекин яқин келажақда билади, тан олади! Бироқ унда вақт ўтган бўлади!

Минг афсуски, Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг оятларини, шариат ҳукмларини, дин ҳақиқатини яшираётган, бузиб кўрсатаётган, арзимас дунё матоси эвазига сотаётганлар ҳозирги замонимизда хўб кўпайди. Ҳақни ошкор айтаётган кишилардан кўра, уни беркитиб дунё топаётган, шариат ҳукмларини тижорат матосига айлантирганлар жуда бисёр. Исломга етган асосий, катта талафотлар ҳам ўшандайларнинг одамларга Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг ҳукмларини ошқора айтмасдан яшириб, бузиб кўрсатиши оқибатида етган!

Ким Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} Қиёмат куни менга гапирмасин деса, шариатни сотсин! Охират куни уммонлар мисоли гуноҳлар қуршовида қолишни истаган олимлар шариат ҳукмларини яширсин! Жаҳаннамнинг аламли азобларига дучор бўлай, деганлар Китобу Суннатни бузиб кўрсатсин! Мана шунда мақсадига, албатта, эришади!

Ислом ҳукмларини яшираётган, бузиб айтаётган “дин пешволари” авом халққа йўли ва сўзининг тўғрилигини, унга эргашганлар Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг ҳузурида нажот топажак эканини турли макру алдовлар ила укдиришга уринади. Одамлар бундайларни "Бу зотлар билмаса, гапирмайди. Уларнинг этагини маҳкам ушламоқ, уларга эргашмоқ даркор. Шунда адашмаймиз, дунёда кам бўлмаймиз, Охиратда ҳам нажот топамиз", деб эътиқод қилади. Қуръони Карим ўшандай жоҳил мухлисларга қарата "Сизлар сиғингудек ҳурмат қилиб, кўкларга кўтараётганларга Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} Қиёмат куни гапирмайди! Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} гапирмаган, раҳмат назари билан боқмаган кимсалар сизларга қаердан ёрдам берсин?!" дегандек бўлади.

Мусулмон киши охиратини бой берган ўшандай бадкирдорларнинг мункар, бидъат амалларга чорлаганини кўрганда, Китобу Суннатга зид хурофот, ботил гапларини эшитганда, "Фалон ҳазрат ундай дедилар-ку? Фалон қори ака бундай дедилар-ку?" демасдан ҳақиқат аҳлининг имоми – Росулulloҳ ^{саллаллаҳу}_{алиҳи ва саллам}нинг йўлларида қолмасдан, Қуръони Карим йўриқларидан чиқмасдан халқларга Ислом даъватини ёйиш йўлида олға бориши лозим. Зеро, бу дунёда кимдир Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг раҳмату мағфиратига, жаннатига сазовор бўлиш учун талпинса, яна кимдир Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг лаънату ғазабига, жаҳаннамнинг абадий укубатларига эришиш учун интилади. Ҳар ким ўз мақсади сари жидду жаҳд қилади. Бироқ ботилнинг даври ҳам, ҳукми ҳам вақтинча. Ботил ҳақ уйқуда бўлсагина давом этади. Ҳақ аҳли ҳақиқатни маҳкам ушларкан, асло мағлуб бўлмайди¹.

Ушбу оят мусулмон уламоларни аҳли китоблар каби арзимас дунё, ўткинчи мансаб ва сохта обрўларни деб Қуръони Карим ҳукмларини, Росулulloҳ ^{саллаллаҳу}_{алиҳи ва саллам}нинг суннатларини яширишдан, золим ва кофирлар манфаатига мос равишда ўзгартириб, бузиб таъвил қилишдан қаттиқ қайтармоқда.

﴿ ۱۷۵ ﴾ اُولَٰئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الضَّلٰلَةَ بِالْهُدٰى وَالْعَدَابَ بِالْمَغْفِرَةِ ۗ فَمَا أَصْبَرَهُمْ عَلَى النَّارِ

175. Ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, мағфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Уларни дўзахга нима нарса чидамли қилди-я!

Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг ҳукмларини яшириш, ўзгаларнинг манфаати ёхуд талабига мос қилиб ўзгартиришдек мудҳиш жиноятга қўл урганлар дунёда ҳидоят ўрнига залолатни, иймон ўрнига куфрни, солиҳ амаллар ўрнига гуноҳларни, Охиратдаги мағфират ўрнига азобу укубатларни, жаннат ўрнига дўзахни сотиб олган бахтиқаро, малъун кимсалардир! Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг ҳукмларини, Росулulloҳ ^{саллаллаҳу}_{алиҳи ва саллам}нинг суннатларини, Исломдан бошқа ҳар қандай йўлларнинг пуч ва ботил эканини ошкор айтиб, Китобу Суннат йўлига хизмат қилиш ўрнига дунёни, арзимас сариқ чақаларни, кофирлар берадиган амал ва сохта обрўларни, золим ва мунофиқларга хизмат қилишни афзал кўрганлар дўзахнинг тисираб ёнувчи алангаларига қандай сабр қиларкин?! Қуръони Каримни, Росулulloҳ ^{саллаллаҳу}_{алиҳи ва саллам}нинг суннатларини ҳаётга татбиқ этишга даъват қилаётган чин мўминларни адашган деб, уларга тилию амали билан кулфату азиятлар етказаётган мунофиқлар дўзах азобларига қандай чидаркин?! Одамларга рўй-рост эълон қилиб, ҳаёт манҳажига айлантириш учун нозил бўлган Қуръони Карим оятларини беркитиш ё аслидан бузиб, ўзгача таъвил қилишдек жаҳаннам сари етаклайдиган ўта машъум жиноятга нима нарса шунчалар журъатлантирдикин?! Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг шариати қолиб, куфр, ботил йўлларга чақираётган, камига мусулмонларга қарши иш юритиб, уларни қамаб, масжидларни беркитаётган золимлар дўзах

¹ Ушбу оятни ўрганишда суранинг 159 – оятига тақроран мувожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

оташларига сабрни қаердан олдикин?! "Қуръони Карим ҳукмларига бўйсунинг! Росулulloҳнинг суннатларига эргашинг! Ислому кўрсатмаларига амал қилинг!" дейилса, бош тортган, боз устига бундай йўлга даъват қилаётган мўминлар билан курашаётганларни дўзах ўтига нима нарса сабрли қилдикин?! Дўзах оташларига мунчалар сабрли бўлишмаса!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Ислому шариати аҳкомларини яширган ёки бошқалар манфаатига мос қилиб ўзгартирган кимсаларнинг ҳаётдаги қилмишини тижоратга, олди-сотдига ўхшатиб таажжуб изҳор қилмоқда.

Инсон савдода бирон нарсани сотиб олишга мажбур эмас. Сотувчи ҳам, оловчи ҳам ўз эркидан келиб чиққан ҳолда иш тутади. Кофирлар ҳам ҳаётда иймон ё куфрни танлашда ихтиёрли. Шариату ҳукмларини беркитаётган ё бузаётганлар ҳам хоҳласа, бундай қилмишларини бас қилиб, одамларга ҳақиқатни ошкор этса бўлади. Агар ҳидоят йўлини маҳкам тутса, ҳеч кимни рияю қилмасдан, ҳеч кимдан кўркмасдан, ҳеч нарсага алданмасдан, шариату ҳукмларини яширмасдан, ўзгартирмасдан эълон қилса, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг раҳмату мағфиратига, жаннатга сазовор бўлади. Лекин улар ўз ихтиёрлари билан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг оятларини ортларига улоқтириб, залолатни танлаб, бу савдода жуда ҳам катта бой беришди. Имкониятларида бўлган ҳидоятдек қимматбаҳо нарсанинг муқобилига залолатни сотиб олишди. Оқибатда жаҳаннамнинг улкан азобларини кўлга кириштирди.

Ҳидоят фақат Қуръони Карим ва Суннати Набавийдир. Ундан бошқа ҳар қандай тузум, ҳар қандай мафкура залолат, гумроҳликдир. Шундай экан, эътиқодда, ибодатда, ҳақ билан ботил орасини айришда, ҳалол-ҳаром каби шариату ҳукмларида одамларнинг нафс-ҳавосига тобе бўлиш ҳам ҳидоят ўрнига залолатни сотиб олиш демакдир. Ислому ҳидояти ўрнига залолатни ихтиёр этганларни мағфирату ўрнига азобни танлаганлар, деб билмоқ керак.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га қасамки, жаҳаннам азобларига ҳеч бир инсоннинг сабри чидамас. Дунё ўтига чидолмайдилару, дўзах ўтига қандай чидашсин! Ҳолбуки, жаҳаннам олови Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг куйидаги шаҳодатлари билан дунё ўтидан бир неча баробар баланддир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ نَارُكُمْ جُزْءٌ مِنْ سَبْعِينَ جُزْءًا مِنْ نَارِ جَهَنَّمَ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ كَأَنَّهُ لَكَافِيَةٌ قَالَ فَضَلَّتْ عَلَيْهِنَّ بِتِسْعَةٍ وَسِتِّينَ جُزْءًا كَلُّهُنَّ مِثْلَ حَرِّهَا ^{رواه البخاري}

Абу Ҳурайра ^{رضي الله عنه} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} оловингиз жаҳаннам оловининг етмиш бўлагидан бир бўлагидир дедилар. Эй Росулulloҳ! Кофирларни азоблаш учун етарли бўлса керак, дейилди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} барчаси унинг ҳароратига ўхшаш олтмиш тўққиз бўлак унга зиёда қилинди дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Тарихда кўплаб уламолар ўтган. Ўз замонасидаги золимларга яхши кўриниш ё дунё орттириш пайида ҳақни яшириб, бузиб кўрсатганларни ҳеч ким эсламайди. Аммо Имом Аҳмад ^{رضي الله عنه} каби ҳақда турган, ҳеч нарсадан кўркмай, ҳеч нарсага алданмай одамларга ҳақни яширмасдан айтиб кетган олимларгина тарихда яхши ном билан қолган. Бу ҳақни ошкор қилиш йўлида жонбозлик қилган уламоларга дунёда берилган мукофотларнинг биридир. Шубҳасиз, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} уларга Ўзининг ҳузурини улкан мукофотлар ҳам ҳозирлаб қўйган.

ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ نَزَلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَإِنَّ الَّذِينَ اخْتَلَفُوا فِي الْكِتَابِ لِي شِقَاقٍ بَعِيدٍ ﴿١٧٦﴾

176. Бунинг сабаби – Аллоҳ Китобни ҳақ билан нозил этгандир. Китоб ҳақида ихтилоф қилган кимсалар эса, шубҳасиз, узоқ келишмовчиликдадир.

Таврот ва Инжил ҳақида ихтилоф қилган аҳли китоблар, шунингдек уларга ўхшаб Қуръони Каримнинг баъзи ҳукмларига иймон келтириб, бошқасига кофир бўлган ёки уларни буткул беркитган ё ўзгача таъвил қилиб, асл мақсадидан буриб ташлаган кимсаларнинг улкан, даҳшатли азоблар билан жазоланиши муқаррар! Бунга сабаб шуки, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳақни қарор топтириш ва ботилни заволга учратиш учун Ўз Китобини нозил этган. Қуръони Карим маъноларини бузиб таъвил қилиш билан ихтилоф чиқарганлар ҳақдан ғоят узоқ бўлган келишмовчиликлар ичра қолаверади.

Ихтилоф – ҳақ йўлдан залолат томон бурилиш демакдир. Қуръони Карим ҳукмларида ихтилоф қилиш ҳақдан узоқ бўлиш маъносини билдиради. Зотан, ихтилоф қилаётганлар одамларни бир томонга чақирмайди, балки ҳар ким ўз томонига тортишга уринади.

Ушбу оят мўминларни ихтилоф қилмасдан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ҳукмига сўзсиз итоату этиб, ҳаётга татбиқ этишга чорламоқда. Йўқса, уларнинг орасида катта ихтилоф ва низолар юзага келишига

ишора қилмоқда. Шунингдек, ушбу оятдан умматлар ўртасидаги келишув, ҳақидаги тушунча ҳам равшан бўлмоқда.

Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг шариатини ҳаётига татбиқ этган турли ўлкалардаги ҳар хил миллат ва элат вакиллари ягона Ислом байроғи остида бирлашган ва ҳеч қайси тузум эришолмаган аҳиллик ва тотувликка осонлик билан эришган. Куръони Карим ҳукмларини қабул қилмаган жамиятда ҳеч қачон келишув, иттифоқ бўлмайди. Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг динини ҳаётдан суриб, куфр ғоялар, ботил ақидалар, баландпарвоз шиорлар, пуч қарашлар остида бирлашган жамиятлар иттифоқи фақат қоғоз ва битимларда қолиб кетган.

❁ لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ ءَامَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ وَءَاتَى الْمَالَ عَلَىٰ حُبِّهِ ذَوِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَأَبْنَ السَّبِيلِ وَالسَّائِلِينَ وَفِي الرِّقَابِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَءَاتَى الزَّكَاةَ وَالْمُؤْتُونَ بِعَهْدِهِمْ إِذَا عَاهَدُوا وَالصَّابِرِينَ فِي الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ أُولَئِكَ الَّذِينَ صَدَقُوا وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُتَّقُونَ ﴿٧٧﴾

177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонга буришларингиз яхшилик эмас! Бироқ яхшилик ким Аллоҳга, Охират кунига, фаришталарга, Китобга ва пайғамбарларга иймон келтирса, молни яхши кўра туриб қариндошларга, етимларга, мискинларга, мусофирга, сўровчиларга ва қулликдагиларни озод қилишга берса, намозни барпо этса, закотни ўтаса ўшанинг ҳамда аҳдлашган вақтда аҳдларига вафо қилгувчилар, йўқчилигу мусибатларда ва жанг пайтида сабр қилгувчиларнинг амалидир. Ўшаларгина иймонида содиқ бўлган кишилардир ва ўшаларгина тақводорлардир.

Эй насоролар! Сизларнинг Машриқ томон юзланишингиз яхшилик эмас! Эй яҳудлар! Сизларнинг Мағриб томонга Байтул Макдисга юзланишингиз ҳам яхшилик эмас! Эй мўминлар! Сизларнинг Каъбаи Муаззама томонига қуруқ юзланишингиз яхшилик дегани эмас! Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг амри ё шариатига асосланмаган бўлса, Машриқ ё Мағриб томонга юзланиш Унинг наздида яхшилик эмас! Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}га, Охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга чин қалбидан иймон келтирган мусулмон кишининг амалигина яхшиликдир!

Мўмин киши мол-дунёсини ҳар қанча яхши кўрмасин, муҳтож қариндош-уруғларига улашади. Боқувчисини йўқотган заиф, норасида етимларга мурувват кўрсатади. Йўқчиликдан қийналган мискинларга инфоқ қилади. Узоқда бўлгани сабабли оиласи ва давлатидан узилиб қолган мусулмон мусофирларга кўмак беради. Ночор ҳолатда қолиб, бировдан сўраб тиланишга мажбур бўлган камбағал биродарига ёрдам беради. Кофир ва золимлар қўлида тутқунликда, асирликда бўлган мўминларни озод этишга сарфлайди. Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} фарз қилган намозни тарқ қилмасдан маромида барпо қилади. Камбағал мўминларнинг ҳаққи бўлган закотни оғринмасдан, Ислом кўрсатган ўринларга бериш билан ўтайди. Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}га ва одамларга берган аҳдига имкон қадар вафо қилади. Етишмовчилик, камбағаллик, қийинчилик, касаллик, ожизлик каби ночор пайтларда сабр қилади. Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} учун бўлган жанг машаққатларида матонат билан туради. Мана шундай мўминнинг амалигина яхшиликдир! Ўшаларгина тилдаги иймонни амалда исботлаган динида ҳақиқий содиқ кишилардир! Ўшаларгина Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг ғазаби ва азобидан ҳақиқий кўрқадиган тақво аҳлидир!

Дунёда ҳеч ким "Мен ёмонлик қиялман", демайди. Мансабидан фойдаланиб оддий одамларга кун бермаётган, қўлидаги зулм таёқчаси билан ҳимоясиз бечоралар устида истаган ҳукмини юргизаётганлар ҳам ўзича яхшилик қилаётир. Мусулмонларни қамаб, масжидларни беркитиб, Ислом билан қурашаётганлар ҳам ўзича эзулик қилаётир. Халқини, хусусан, мусулмон уламоларни сотиб кун кўраётган, бола-чақа боқаётганлар ҳам "Мен ёмон, разил иш қиялман", демайди. Исломга хизмат қилиш қолиб, Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг душманларига хизмат қилишни ихтиёр этган, кофиру золимлар истагига мос равишда шариат ҳукмларини бузиб бераётган, сариқ чақа, сохта обрў ва мансабларни деб охиратини бой бераётганлар ҳам "Исломга хизмат қилмоқдамиз", дейди. Халқни эзиб, бошига қора кунларни солиб, зулму ёлғон ила давр сураётган "одил", халқига "ғамхўр" раҳбарлар бошқаларни беҳаёларча эзуликлар сари даъват қилади. Хуллас, ҳамма ўзича яхшилик қилаётган. Яхшилик ҳар кимнинг ўлчовида ҳар хил. Амаллар одамларнинг ўлчовига ташлаб қўйилса, барча тушунчаларда ана шундай беқарорлик вужудга келади. Шунинг учун Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} эзулик ва разиллик учун ўзгармас ва мутлақ адолатли бир тарози ўрнатиб қўйди. Демак, яхшилик фақат Ислом тарозиси яхшилик деб белгилаган амаллардир.

Мўмин киши яхшиликни фарқлашда бошқалардек тойилиб кетмаслиги учун Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло} буюртма қилиб қайси нарса яхшилик эканини Ўзи баён этади. Қолаверса, Машриқ ё Мағрибга юзланиш ибодатдан кўзда тутилган яхшилик эмаслигини баён қилиш билан шариат рукнларини зоҳиран

бажаришда манфаат йўқлигига ишора қилди. Зеро, ҳаётда шундай кишилар борки, улар динни фақат намоз ўқиш, рўза тутиш, деб билади. Шариатнинг қолган рукнларини бажармайди. Ислом қайтарган маъсият ишлардан қайтмайди. Мусулмонларнинг ҳоли нима кечаётгани билан иши йўқ. Исломнинг ривожини учун ҳеч қандай ҳаракати ёки бирон диний қайғуси ҳам йўқ. Бироқ намоз ўқиши, рўза тутишини рўқач қилиб, ўзини энг яхши одам, ҳақиқий мусулмон деб хисоблайди.

Намоз ўқимай, рўза тутмай, шариат рукнларини бажармай юрган кимса, шубҳасиз, мусулмон бўлолмайди. Лекин мусулмонликни фақат намоз ўқиш ва рўза тутишга чеклаб, шариатнинг қолган ҳукмларини бажармаслик, исломий ҳаракатга бепарво қараш, дин учун қайғу чекмаслик ҳам ҳақиқий мусулмон кишининг сифати эмас! Ушбу оят динини намозга чеклаб олган ўшандай кишиларга "Ислом фақат намоз ва рўзагина эмас!" дегандек танбех бермоқда. Демак, диннинг баъзи ҳукмларига эҳтимом бериб, бошқасини беэйтибор қўйганлар тўла маънода яхшилик қилувчи бўлолмайди.

Қуйида иймон рукнларини тафсир қилишдан олдин иймоннинг аҳлус-суннат вал-жамоат эътиқодидаги мухтасар ифодасини айтсак. Иймон – тил билан иқроор ^{субҳанаху ёи таъоло}нинг исм-сифатларини ўрганиш, Унинг коинотдаги мўъжизалари ҳақида тафаккур қилиш, Унга ва Росули ^{солаллаҳу алайҳи ва саллам} га итоат қилиш ҳамда солиҳ амаллар билан зиёда бўлади. Раҳмон ^{субҳанаху ёи таъоло}нинг исм-сифатларини билмаслик, коинот ҳақида фикр юритмаслик, Аллоҳу Росули ^{солаллаҳу алайҳи ва саллам} га осий бўлишнинг барча тури, хусусан, катта гуноҳларга ружуъ қилиш ва ибодатларни тарк қилиш билан заифлашади.

Ушбу оят ҳар бир яхшиликнинг асоси, ҳар бир эзуликнинг манбаи бўлган иймоннинг қазо ва қадардан бошқа барча рукнларини ўзида бирлаштиради. Росулulloҳ ^{солаллаҳу алайҳи ва саллам} нинг қуйидаги ҳадислари фикримизга исботдир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَارِزًا يَوْمًا لِلنَّاسِ فَأَتَاهُ جَبْرِيلُ فَقَالَ مَا الْإِيمَانُ قَالَ
الْإِيمَانُ أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَبِلِقَائِهِ وَرُسُلِهِ وَتُؤْمِنَ بِالْبَعَثِ ﴿١﴾
رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розияллоҳу алайҳи} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солаллаҳу алайҳи ва саллам} *бир кун одамларга гапириб турганларида у кишининг хузурига Жибрил келиб "Иймон нима", деб сўради. Росулulloҳ* ^{солаллаҳу алайҳи ва саллам} *иймон Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, Унга рўбарў бўлишга ва қайта тирилишга иймон келтирмоғингдир дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Шунингдек, ушбу оят жасад ва мол-давлат билан адо этиладиган ибодатларни ўзида мужассам этиб, барчасига яхшилик деган умумий номни берди:

1) Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}га иймон келтириш. Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло} зоти, исму сифати ва феълларида тенгсиз ва ёлғиз маъбуд. Раҳмон ^{субҳанаху ёи таъоло} ҳар қандай нуқсондан пок. Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло} осмонда, Арш устида. Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло} Ёлғиз Ўзи барча комил сифатлар, жумладан рубубийят ва улухийят сифатлари Эгаси. Мазкур тушунчаларга қалбан жазм билан эътиқод қилиш Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}га бўлган иймон маъноларидан.

Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}га бўлган иймон уч нарсада: рубубийят, улухийят ҳамда исм ва сифатларда Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}ни якка деб жазман эътиқод қилишни тақозо этади. "Коинотнинг Ёлғиз Яратувчиси, Ягона Бошқарувчи ва Эгаси – Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}дир", деб қатъий эътиқод қилиш рубубийят тавҳиди маъносини билдиради. Рубубийят бобида Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}ни ёлғиз деб иймон келтириш кишини куфр ва ширк ботқоғидан Исломга олиб чиқишга кифоя қилмайди. Чунончи, бу нарсага, ҳатто мушриклар ҳам иқроор бўлган. "Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}дан ўзга ибодат қилишга лойиқ илоҳ йўқ! Раҳмон ^{субҳанаху ёи таъоло}дан ўзга барча илоҳлар ботил", деган эътиқод Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}нинг улухийятини тасдиқлаш маъносини билдиради. Мана шу билан мўмин киши бошқалардан ажралади.

Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}га бўлган иймон инсонни ҳар хил туғёнкор, золимларга, турли туман ботил, пуч, куфр ғояларга қул бўлиб, хор бўлишдан, умуман, Раҳмон ^{субҳанаху ёи таъоло}дан бошқага бўйин эгишдан озод этади. Инсонни ўзига ўхшаш ожиз одамга бўйин эгишдан халос этиб, унга ҳақиқий, озод ва бахтиёр ҳаётни бахшида этади.

Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}га бўлган иймон инсонни фақат Унинг ҳукми адолатли, фақат Унинг йўли тўғри эканига, Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}нинг йўлидан бошқа ҳар қандай йўллар эса ботил, залолат, гумроҳлик деб эътиқод қилишга мажбур этади. Бусиз, инсон иймон ҳаловатини тополмайди.

"Биз ҳам Аллоҳга ишонамиз! Биз ҳам мўмин-мусулмонмиз!" деб Ислом буюрган биронта амални бажармай, қайтарганидан қайтмасдан, устига-устак мусулмонлар билан курашиб ҳаёт кечирадиган, иймонни даъво қилиб, Аллоҳ ^{субҳанаху ёи таъоло}га мутлақ ибодат қилмайдиганлар ҳар қадамда

учратилади. Росулulloх ^{СОҒЛАЛЛОҒУ} ^{АЛАҒИНИ ҲАҚ} ^{САЛЛАМ} нинг қуйидаги ҳадислари бундайларнинг “иймон”ини тамоман чиппакка чиқаради:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَدْرُونَ مَا الْإِيمَانُ بِاللَّهِ وَحْدَهُ قَالُوا اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَعْلَمُ قَالَ شَهَادَةٌ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَإِقَامُ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ وَصِيَامُ رَمَضَانَ وَأَنْ تُعْطُوا مِنَ الْمَغْنَمِ
الخُمْسِ ^{رَوَاهُ} البخاري

Абдуллох ибн Аббос ^{РОЗЯКЛОҒУ} ^{АҒУС} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{СОҒЛАЛЛОҒУ} ^{АЛАҒИНИ ҲАҚ} ^{САЛЛАМ} Аллохнинг ёлғиз Ўзига иймон келтириш маъноси нималигини биласизларми дедилар. "Аллох ва Росули билувчи роқ", дейишди. Аллохнинг ёлғиз Ўзига иймон келтириш – Аллохдан ўзга илох йўк ва Муҳаммад Аллохнинг элчиси, деб гувоҳлик бериш, намозни барпо қилиш, закотни ўташ, Рамазонда рўза тутиш ва топганидан бешдан бирини беришингиздир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

2) Охират кунига иймон келтириш. Охират кунининг бўлиши ҳақ. Бу кун Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} нинг илми азалийсида белгиланган вақтда, албатта, бўлади. Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} бу кунда бандаларни қайта тирилтиради ва ҳисоб-китоб қилиш учун Махшарга тўплайди. Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} нинг шариатига мувофиқ ҳаёт кечирганларни жаннат билан мукофотлайди. Ҳаётини Исломдан ўзга йўлларда ўтказганларни жаҳаннам азоблари билан жазолайди. Хуллас, мўминнинг Охират кунига бўлган иймони қабр фитнаси, икки фариштанинг саволга тутиши, қабрдаги роҳат ё азоб, сирот кўприги, тарози, ўнг ё чапдан бериладиган номаи аъмоллар ҳамда Қуёшнинг мағрибдан чиқиши, Яъжуж-Маъжуж ва Дажжолнинг чиқиши, Йисо ^{АЛАЙҲИС} ^{САЛОМ} нинг тушиши, Дажжолни қатл қилишидек Қиёмат кунининг аломатлари каби Қуръони Карим ёхуд Росулulloх ^{СОҒЛАЛЛОҒУ} ^{АЛАҒИНИ ҲАҚ} ^{САЛЛАМ} нинг саҳиҳ ҳадислари тавсиф этган хабарлар доирасида бўлишини тақозо этади.

Ислом Охират кунига иймон келтиришга катта эҳтимом беради. Қуръони Карим жуда кўп ўринларида Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} га ва Охират кунига бўлган иймонни бир-бирига боғлаб зикр этади. Бундан ташқари Қуръони Каримнинг деярли ҳар саҳифасида Охират кунига алоқадор оятлар учрайди. Буларнинг барчаси инсонга Охиратни эслатиб туради. Агар шундай бўлмаганда, инсон Қиёмат кунини тезда унутади. Оқибатда ўзига ва ўзгаларга зулм қилади. Ўрмон қонун асосида яшаб, ҳаёти тамоман изидан чиқиб кетади. Ваҳший ҳайвон мисоли жамият учун ўта хатарли бир махлуққа айланади. Охират кунига иймони йўк жамиятда ҳеч қачон тотувлик, меҳр-оқибат, адолат бўлмайди. Охират кунига бўлган иймон инсонга хотиржамликни, тотувликни, аҳилликни, тинчлик ва омонликни бахшида этади ҳамда эзгу амаллар сари чорлайди. Ҳаётига ўзгача мазмун киритади.

Охират кунига бўлган иймон кишидан солиҳ амаллар билан бу кунга тараддуд кўришни талаб этади. Эртага душман ҳужум қилмоқчи, деган хабарни эшитган одам хушёрликни оширмаса, ишонмаганидан далолат берганидек Қиёмат кунига иймон келтирдим, деган киши ўша кунга ҳозирлик кўрмаса, унинг Охиратга бўлган иймони ноқисдир.

3) Фаришталарга иймон келтириш. Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} Ўзининг китобида ёд этган ёхуд Росулulloх ^{СОҒЛАЛЛОҒУ} ^{АЛАҒИНИ ҲАҚ} ^{САЛЛАМ} нинг саҳиҳ ҳадисларида зикри келган Жибрил, Исрофил, Микоил, Ҳорут ва Морут, жаҳаннам посбони Молик ва Малак-ул-мавт¹ каби барча малоиқаларнинг мавжудлигини қалбан тасдиқлаш демакдир.

Жибрил ^{АЛАЙҲИС} ^{САЛОМ} фаришталарнинг энг афзалидир. Фаришталар емайдиган, ичмайдиган, ухламайдиган қанотли хилқатдир. Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} уларни инсонни яратишдан олдин нурдан яратган. Фаришталар Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} нинг ибодатидан бўйин товламайдиган, туну кун сусткашлик қилмай Унга тасбиҳ айтиб турадиган, хоҳиш-истаклар ва гуноҳ ишлардан пок бандалардир. Уларнинг ададини Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} дан ўзга ҳеч ким билмайди. Одамлар фаришталарни кўролмайди. Фаришталар Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} нинг изни билан инсон қиёфасига кириши мумкин. Аллох ^{СУБҲОНАҒУ} ^{ВА ҲАҚ} ихтиёр қилган инсон уларни баъзан аслий суратида, баъзан бирон одам суратида кўрган бўлиши мумкин². Фаришталарнинг тирик жонзотнинг жонини олиш, инсоннинг яхши-ёмон амалларини ёзиб бориш каби Қуръони Карим ё Росулulloх ^{СОҒЛАЛЛОҒУ} ^{АЛАҒИНИ ҲАҚ} ^{САЛЛАМ} нинг саҳиҳ ҳадислари орқали инсонга маълум бўлган ва маълум бўлмаган ўзларига хос кўшлаб вазифалари бор. Малоиқаларга доир мухтасар эътиқод шудир. Бундан ташқари Китоб ва саҳиҳ Суннат доирасида фаришталар ҳақидаги хабарларини тасдиқлаб иймон келтирмоқ лозим.

¹ Ҳалқимизда ўлим фариштасини «Азроил» деб аташ одат бўлиб қолган. Бундай номнинг Китоб ва Суннатдан ҳеч қандай асоси йўк.

² Росулulloх ^{СОҒЛАЛЛОҒУ} ^{АЛАҒИНИ ҲАҚ} ^{САЛЛАМ} нинг Жибрил ^{АЛАЙҲИС} ^{САЛОМ} ни олти юзта қанотлари бўлган аслий суратларида ёки Дихят-ул Калбий ^{РОЗЯКЛОҒУ} ^{АҒУС} суратида кўрганликларини мисол қилиш мумкин. (Имом Бухорий ривояти)

Фаришталарга бўлган иймон ғойиб оламининг бир қиррасики, у билан инсон ҳайвондан ажралиб туради. Зеро, ғойибга бўлган иймон инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради. Малоикаларга иймон келтирмаган кимса ваҳий, пайғамбарлик каби тушунчаларни ҳам инкор этган бўлади.

Мўмин киши унинг ҳар бир сўзи ва ҳаракатини кўриб, кузатиб, ёзиб, гувоҳ бўлиб бораётган Раҳмон ^{субҳанаху}_{ва таволю}нинг лашкарлари бўлмиш малоикаларга иймон келтириш билан ўзини тузатади, гуноҳлардан узоқ бўлишга ҳаракат қилади. Дин йўлида азият тортганда, зулмга йўлиққанда Қиёмат куни, албатта, ажрга эга бўлишини, малоикалар Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю}нинг ҳузурини унга гувоҳлик беришини ўйлаб, диний ҳаракатларида сабот билан давом этади. Ҳақда мустаҳкам тургани учун юртида, кавм-қариндошлари, дустлари ичида, ҳатто оиласида ёлғизланганида малоикаларнинг унс-уфатидан руҳланади. Унга ҳамшиша вафодор рафиқлари ҳаққига истиғфор айтиб тургани катта далда бўлади.

4) Китобга иймон келтириш. Таврот, Инжил, Забур, Иброҳим ва Мусо ^{алайҳис}_{салом} га нозил бўлган Саҳифалар каби Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} ўтган пайғамбарларга нозил этган жамики китобларга, алалхусус, Қуръони Каримга иймон келтириш китобга иймон келтириш маъноларидан.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} инсониятга пайғамбар юборар экан, ҳар бирига Ўз ҳузурини китоб нозил этган. Бу ҳақда Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} Қуръони Каримни бошқа бир ўрнида марҳамат қилади:

﴿كَانَ النَّاسُ أُمَّةً وَاحِدَةً فَبَعَثَ اللَّهُ النَّبِيِّنَ مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِي مَا اخْتَلَفُوا فِيهِ

البقرة: ۲۱۳ ﴿۱۷۲﴾

Одамлар бир миллат эди. Аллоҳ хушxabар берувчи ва огоҳ этувчи пайғамбарларни юборди ва улар билан бирга одамлар орасида унда келишолмаган нарсаларида ҳукм қилиш учун ҳақ билан китобни нозил этди. (Бақара сураси, 213 – оят)

Самовий китобларнинг барчаси ҳақ ва ҳидоят билан Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} томонидан нозил этилган ва барчаси ибодатда Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю}ни ёлғизлашга, яъни тавҳидга чақирган. Қуръони Карим Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} нозил этган китобларнинг охиргисидир. У ўзидан олдинги Таврот, Инжил, Забур каби китобларнинг самовий эканини тасдиқлайди ва мазкур китоб аҳллари уларга ўзгартиришлар киритиб юборганини фош қилади.

Қуръони Каримдан бошқа самовий китобларга бўлган иймон уларни ҳам бир пайтлар Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} пайғамбарларига нозил этгани билан чекланади. Аслий ҳолатини сақлаб қолган, ҳукми Қиёматга қадар давом этади, деган эътиқод фақат Қуръони Каримга хосдир. Чунончи Қуръони Карим қуйидагилар билан бошқа самовий китоблардан фарқ қилади: Қуръони Карим Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} бутун башариятга нозил этган ягона китобдир. Фақат Қуръони Карим инсониятнинг Қиёматга қадар абадий ва ўзгармас дастуридир. Унинг ҳукмлари бирон замон ё макон ё миллатга хосланмаган. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} фақат Қуръони Каримни Қиёматга қадар сақлаш кафолатини Ўз зиммасига олган. Шу боис самовий китоблар ичида фақат Қуръони Карим Жибрил ^{алайҳис}_{салом} Росулulloҳ ^{саллаллоҳу}_{алейҳи ва саллам} га тиловат қилиб берган аслий ҳолатини сақлаб қолган. Бинобарин Муҳаммад ^{саллаллоҳу}_{алейҳи ва саллам} дан кейин яшаган инсон иймонни даъво қилса, Қуръони Каримга эргашиб, буйруқларини бажаришда, қайтарганидан қайтишда ихтиёрли эмас. Хулоса қилганда мўмин киши Қуръони Каримда номи зикр этилмаган китобларга умумий суратда, номи зикр этилган китобларга хусусий суратда иймон келтирмоғи лозим.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} нозил этган китобларга бўлган иймон инсондан Қуръони Каримни ўрганишни, ҳаётига татбиқ этишни, ҳукмларига амал қилишни, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} нозил этган қонундан бошқа барча қонунлар одамзодни абадий бахтсизлик ва шақоватга бошлайди, деб эътиқод қилишни талаб қилади. Шунингдек, бошқаларни илоҳий қонунлар асосида яшашга тарғиб қилишни ҳам тақозо этади. Йўқса, иймони содиқ эмас! Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} нозил этган ҳукмларга амал қилмасдан уни ўқиб, ҳатто ёдлаб юрганлар мисоли қуриган дарахтга ўхшайди.

5) Пайғамбарларга иймон келтириш. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} бандалари ичидан танлаб, башариятни ҳидоят йўлини кўрсатиб бериш учун юборган барча пайғамбарларни бир-бирдан ажратмаган ҳолда иймон келтириб тасдиқлаш демакдир.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таволю} одамни яратар экан, ҳаётда ҳидоят йўлини топишда инсонни ўз ҳолига ташлаб қўймади. Балки ҳикмати тақозо этган пайтда бандалари ичидан башариятга ҳидоят йўлини кўрсатадиган, мўминларга жаннат билан хушxabар берувчи, мушрик, кофир ва мунофиқларни дўзах азобидан огоҳ этувчи пайғамбарларни пайдар-пай юбориб турган ва ҳар бирига

пайгамбар эканини исботлайдиган мўъжизаларни берган. Барча пайгамбарлар тавҳид асосига қурилган рисолатни олиб келган:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ مِنْ رَسُولٍ إِلَّا نُوحِي إِلَيْهِ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنَا فَاعْبُدُونِ ﴾ ^{سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ} ^{الأنبياء: ٢٥}

Биз Сиздан олдин юборган ҳар бир пайгамбарга "Мендан бошқа ҳеч қандай илоҳ йўқ! Менгагина ибодат қилинган", деб ваҳий қилганмиз. (Анбиё сураси, 25 – оят) Аллоҳ юборган барча пайгамбарлар эркак зотидан бўлиб, аёл зотидан биронта пайгамбар юборилмаган:

﴿ وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ إِلَّا رِجَالًا نُوْحِي ﴾ ^{سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ} ^{الأنبياء: ٧}

Биз сиздан олдин ҳам фақат эркакларни уларга ваҳий қилиб юборганмиз. (Анбиё сураси, 7 – оят) Пайгамбарлар ҳам оддий одамлар қатори еб-ичиб, оила қуриб, касал бўлиб яшаган, вафот қилган. Улар ғайриинсоний табиатлар билан хосланмаган:

﴿ وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ وَجَعَلْنَا لَهُمْ أَزْوَاجًا وَذُرِّيَّةً ﴾ ^{سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ} ^{الرعد: ٣٨}

Биз Сиздан олдин ҳам пайгамбарларни юборганмиз ва уларга жуфтлар ва зурриётлар берганмиз. (Раъд сураси, 7 – оят) Аллоҳ биронта пайгамбарга Ўзининг изнисиз бошқага фойда ё зарар етказиш ё ғайбни билиш каби илоҳий хусусиятларни бермаган:

﴿ قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتَ أَعْلَمُ الْغَيْبِ لَاسْتَكْتَرْتُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِيَ السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا نَذِيرٌ وَبَشِيرٌ لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ ﴾ ^{سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ} ^{الأعراف: ١٨٨}

Аллоҳ хоҳлаганидан ташқари ўзимга ҳам фойда ё зарар етказишга эга эмасман! Агар ғайбни билганимда, яхшиликни, албатта, кўпайтирадим ва менга ёмонлик етмас эди! Мен фақат огоҳ этувчи ва иймон келтирадиган кавмга хушхабар берувчиман, деб айтгинг! (Аъроф сураси, 188 – оят) Пайгамбарлар одамлар ичида илм, амал, тақво, ростгўйлик, омонатдорлик, одоб-ахлоқ, заковат каби барча фазилатларда энг баланд мартабада бўлган. Уларда пайгамбарликдан олдин ҳам, кейин ҳам хиёнат, ёлгон, ҳақни яшириш каби иллатларнинг бўйи ҳам топилмаган. Пайгамбарлар Аллоҳ томонидан юкланган рисолат омонатини тўла-тўқис адо этган.

Муҳаммад инсон ва жин тоифасига юборилган сўнгги пайгамбардир. Муҳаммад билан пайгамбарлик ниҳоя топган, ул зотдан сўнг бошқа пайгамбар бўлмайди:

﴿ مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ ﴾ ^{سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ وَبِحَمْدِكَ} ^{الأحزاب: ٤٠}

Муҳаммад эркакларингиздан биронтасининг отаси эмас, лекин Аллоҳнинг элчиси ва пайгамбарларнинг сўнгисини бўлди. (Аҳзоб сураси 40 – оят) Муҳаммад юборган пайгамбарлар ичида, умуман тамомий башариятнинг энг яхшисидир. Аҳлус-суннат вал-жамоат эътиқодидаги кишининг пайгамбарлар ҳақидаги мухтасар эътиқоди шундай бўлиши лозим.

Инчунин, Куръони Карим зикр этган фаришталар, пайгамбарлар ва китобларга ижмолий суратда, зикр этмаганларига эса умумий суратда иймон келтириш лозим. Чунончи, Китоб ва пайгамбарларга бўлган иймон инсонга "Башарият бутун бир мавжудот. Унинг Яратувчиси, дини ва ҳаёт йўли бир", деган қимматли тушунчаларни беради.

Пайгамбарларга бўлган иймон инсондан пайгамбарларнинг, хусусан, уларнинг сўнгисини бўлган Муҳаммаднинг сийрати ва суннатларини ўрганишни, суннатларига эргашишни, олий хулқларидан ўрнак олишни, ул зотдан бошқани ўзига йўлбошчи қилганлар тубсиз жарликка кулаётганлар, деб билишни такозо этади. Йўқса, иймон лаззатидан маҳрум бўлади.

"Аллоҳ нозил этган китобда бундай деган!" дейилса, "Ота-бобомиз бошқача деган! Улар сиз айтаётган нарсани билмаганми?" деб жавоб қайтараётган "мўмин"ларда иймондан асорат ҳам бўлмайди! Хусусан, "Пайгамбарнинг суннатлари бундай! Ул зот ҳадисларида мана бундай деганлар!" дейилса, "Биз аждодларимиз йўлидан борамиз! Сиз ота-бобомиздан ҳам билимдонмисиз?" дейдиганларда иймондан бўй ҳам бўлмайди!

Росулulloх ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} га иймон ва муҳаббатни даъво қиладиган айрим жоҳиллар мавлуд каби асоси йўқ турли зиёфат мажлислар ўтказишни Муҳаммад ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} га муҳаббат қўйиш деб билади. Ҳаёти эса Пайғамбар ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} нинг суннатларига зид бўлган бидъату хурофотларга тўла. Росулulloх ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} нинг суннатларига амал қилиш, бошқаларни тарғиб қилиш майдонида уларни асло топмайсиз. Бундай кимсаларнинг Қиёмат кунндаги аянчли ҳолати куйидаги ҳадисда ифода этилган:

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنِّي فَرَطُكُمْ عَلَى الْحَوْضِ مِنْ مَرَّةٍ عَلَيَّ شَرِبَ وَمَنْ شَرِبَ لَمْ يَظْمَأْ أَبَدًا لَيْرِدَنَّ عَلَيَّ أَقْوَامٌ أَعْرَفُهُمْ وَيَعْرِفُونِي ثُمَّ يُحَالُ بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ فَأَقُولُ إِنَّهُمْ مِنِّي فَيَقَالُ إِنَّكَ لَأَ تَدْرِي مَا أَحَدُثُوا بَعْدَكَ فَأَقُولُ سَحَقًا سَحَقًا لِمَنْ غَيْرِ بَعْدِي ^{رواه البخاري}

Саҳл ибн Саъд ^{РОЗНАЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ} ^{ВА} ^{САЛМА} ривоят қилдилар: Пайғамбар ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} мен Ҳавзга сизлардан илгари бораман. Ким олдимдан ўтса, ундан ичади. Ким ундан ичса, ҳаргиз чанқамайди. Менга қавмлар келади. Мен уларни танийман, улар ҳам мени танишади. Сўнг мен билан уларнинг ораси тўсиб қўйилади¹. Шунда мен "Улар менинг умматимдан", дейман. "Сиз улар сиздан кейин нималарни тўкиб ташлаганини билмайсиз", дейилади. Шунда "Мендан кейин динни ўзгартирган кимсалар даф бўлсин, даф бўлсин", дейман *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Пайғамбарлар йўлига, хусусан, Росулulloх ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} нинг суннатларига эргашишдан бўйин товлаганлар Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ} ^{ВА} ^{ТАЪОЛА} га ва Қиёмат кунига иймон келтирмаган. Чунки, Қуръони Карим биз мўминлар учун Росулulloх ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} нинг суннатларида гўзал намуна бор эканини марҳамат қилади:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ﴾ ^{الأحزاب: ٢١}

Сизлар учун – Аллоҳдан ва Охират кундан умидвор бўлган кишиларга Аллоҳнинг элчисига гўзал намуна бор. (Аҳзоб сураси, 21 – оят)

Демак, Росулulloх ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} ни қўйиб бошқадан ўрнак олган ёки Муҳаммад ^{СОУДУЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ ВА} ^{САЛМА} нинг муборак ҳаётлари, суннатлари юксак намуна эканини тан олмаганларнинг Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ} ^{ВА} ^{ТАЪОЛА} га ва Қиёмат кунига иймони йўқ, деб айтиш лозимдир.

Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ} ^{ВА} ^{ТАЪОЛА} иймон асосларини баён этганидан сўнг унинг самараси бўлган бир талай солиҳ амалларни баён қилади. Қиёмат куни савобидан умидвор бўлиб инфоқ қилиш уларнинг биридир. Бу инфоқ закотдан бошқа бўлиб, бу учун алоҳида нисоб ҳам, йилнинг айланиши ҳам шарт қилинган эмас. Мол-дунёдан Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ} ^{ВА} ^{ТАЪОЛА} нинг йўлида садақот қилишнинг закотни ўташдан илгари келиши ихтиёрий инфоқ қилишга далолат қилади. Демак, мўмин киши закотни ўтаганидан сўнг Ислоннинг бошқа эҳтиёжлари туғилса, молидан сарф қилиши лозим. Уламолар шу каби оятларни молда закотдан бошқа ҳақлар борлигига ҳужжат қилишган.

Ислон инсонни нафсига, дунёга қул бўлишдан озод қилади. Чунки, нафс ва дунёга қул бўлган кимса бошқаларга қул бўлишни хорлик деб билмайди. Дунёга муҳаббат қўйган кимса ҳар қандай хорликни қабул қиладиган, ҳар кимнинг олдида бўйин эгадиган ориятсиз кимсага айланади. Мол-дунёсини Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ} ^{ВА} ^{ТАЪОЛА} кўрсатган ўринларга ихтиёран инфоқ қилишни одат қилган мўмин кишида худбинлик, бахиллик, дунёга қул бўлиш, унга ҳирс қўйиш каби разил хулқлар топилмайди.

Ҳар қандай инсон мол-дунёни яхши кўради. Лекин мўминнинг мол-дунёни яхши кўриши Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ} ^{ВА} ^{ТАЪОЛА} нинг йўлида инфоқ қилишдан тўсолмайди. Шу билан бошқалардан ажралиб туради. Мўмин киши ўзи тўқ бўлиб, ёнидаги мусулмон биродари оч ва ночор ҳолатда қолишига ҳеч қачон рози бўлмайди! Мол-дунёдан кўра Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ} ^{ВА} ^{ТАЪОЛА} га яқин бўлишни афзал деб билади! Чин мусулмон дин эҳтиёжларини ўзининг шахсий эҳтиёжларидан юқори қўяди:

﴿وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَن يُوقِ شَحْحَ نَفْسِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾ ^{الحشر: ٩}

...Ўзларининг эҳтиёжлари бўла туриб, ўзгаларни афзал билурлар. Ким нафсининг бахиллигидан сақланса, ана ўшаларгина нажот топгувчидирлар. (Ҳашр сураси, 9 – оят)

¹ Ҳадиснинг қолган қисмини бошқа ровий – Нўмон ибн Абу Ййош ^{РОЗНАЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ} ^{ВА} ^{САЛМА} Абу Саид ал-Худрий ^{РОЗНАЛЛОҲУ} ^{АЛЛАҲИ} ^{ВА} ^{САЛМА} дан ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ الصَّدَقَةِ أَعْظَمُ أَجْرًا قَالَ أَنْ تُصَدَّقَ وَأَنْتَ صَاحِبُ شَحِيحٍ تَخْشَى الْفَقْرَ وَتَأْمَلُ الْغِنَى وَلَا تَمْهُلُ حَتَّى إِذَا بَلَغْتَ الْحُلُقُومَ قُلْتَ لِفُلَانٍ كَذَا وَلِفُلَانٍ كَذَا وَقَدْ كَانَ لِفُلَانٍ ﴿١٠﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра розияллоху алаҳи ва саллам ривоят қилдилар: *Бир киши Пайгамбар СОЛДУЛЛОХУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ нинг хузурларига келиб, "Эй Росулulloх! Қандай садақанинг ажри буюроқ?" деди. Росулulloх СОЛДУЛЛОХУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ Сен соғлом, ҳасис бўлиб, камбағалликдан кўркқан, бойликни умид қилган ҳолатингда садақа қилишингда савоб кўпдир. Садақани жонинг халқумга етгунча, фалончига шунча, фалончига бунча дегунинггача кечиктирмагин! Унда сен айтмасанг ҳам фалончига бўлади дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

6) Молни яхши кўра туриб қариндошларига бериш. Дастлаб Аллох СУБХАНОХУ ВА ТАЪОЛО мурувват кўрсатишга энг лойиқ бўлган тоифани зикр қилди. Зеро, кишининг яхшилигига, авваламбор, унинг яқинлари, қариндош-уруғлари ҳақлидир.

Нима учун Куръони Карим инфоқ қилишни яқинлар, қариндош-уруғлардан бошлашни таълим бериб, ҳатто боқувчисини йўқотган норасида етимлардан ҳам илгари қўймоқда? Боз устига Росулulloх СОЛДУЛЛОХУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ ҳам қуйидаги ҳадисларда шундай марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ صُدَيْ بْنِ عَجَلَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا ابْنَ آدَمَ إِنَّكَ أَنْ تَبْذُلَ الْفَضْلَ خَيْرٌ لَكَ وَأَنْ تُمَسِكَهُ شَرٌّ لَكَ وَلَا تُلَامُ عَلَى كَفَافٍ وَأَبْدَأُ بِمَنْ تَعُولُ وَالْيَدُ الْعُلْيَا خَيْرٌ مِنَ الْيَدِ السُّفْلَى ﴿١١﴾ رواه مسلم

Абу Умома Судай ибн Ажлон розияллоху алаҳи ва саллам ривоят қилдилар: *Росулulloх СОЛДУЛЛОХУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ Эй одам боласи! Молингдан ортиқчасини инфоқ қилишинг сен учун яхшидир. Уни ушлаб қолишинг сенга ёмондир. Эҳтиёжга кераклиси қолса, унга маломат қилинмайсан. Инфоқни қарамоғингидан бошлагин. Юқори қўл пастки қўлдан яхшидир дедилар.* (Имом Муслим ривояти)

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَبْدَأُ بِنَفْسِكَ فَتَصَدَّقْ عَلَيْهَا فَإِنْ فَضَلَ شَيْءٌ فَلِأَهْلِكَ فَإِنْ فَضَلَ عَنْ أَهْلِكَ شَيْءٌ فَلِذِي قَرَابَتِكَ فَإِنْ فَضَلَ عَنْ ذِي قَرَابَتِكَ شَيْءٌ فَهَكَذَا وَهَكَذَا ﴿١٢﴾ رواه مسلم

Жобир ибн Абдуллох розияллоху алаҳи ва саллам ривоят қилдилар: *Росулulloх СОЛДУЛЛОХУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ садақани ўзингдан бошлаб, ўзингга садақа қил. Агар бирон нарса ортса, унда оилангга бер. Агар оилангдан бирон нарса ортса, унда қариндошларингга бер. Агар яқинларингдан бирон нарса ортса, ҳоказо ва ҳоказо дедилар.* (Имом Муслим ривояти)

Бунга сабаб агар ҳар бир киши яқинлари ичидаги муҳтожларга мурувват кўрсатиб, оғирини енгил қилиб борса, жамиятдаги ночор табақалар камайиб боради. Демак, Аллох СУБХАНОХУ ВА ТАЪОЛО буюрган қариндошлари ичида эҳтиёжманд, ночор кишилар қолиб, бошқаларга мурувват кўрсатаётганлар яхшиликдан анча узоқдаги кишилардир. Чунки, Росулulloх СОЛДУЛЛОХУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ الرَّحِمَ شَجْنَةٌ مِنَ الرَّحْمَنِ فَقَالَ اللَّهُ مَنْ وَصَلَكَ وَصَلْتُهُ وَمَنْ قَطَعَكَ قَطَعْتُهُ ﴿١٣﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра розияллоху алаҳи ва саллам ривоят қилдилар: *Пайгамбар СОЛДУЛЛОХУ АЛАХИ ВА САЛЛАМ Раҳм! сўзи Раҳмон сўзидан олингандир. Шунга кўра Аллох "Ким сени боғласа, Мен уни боғлайман. Ким сени узса, Мен ҳам уни узаман", деди дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

7) Етимларга инфоқ қилиш. Ҳеч қандай дунёвий манфаат келмайдиган, мақтов ва миннатдорчилик билдиришни билмайдиган, отасини йўқотган норасида етим болаларга Аллох СУБХАНОХУ ВА ТАЪОЛО берган молдан инфоқ қилиш айни яхшиликдир.

Бу нарса Аллох СУБХАНОХУ ВА ТАЪОЛО нинг инсонга ўз отасидан ҳам меҳрибон эканини кўрсатади. Зотан, шариат қодир бўлган ҳар бир мусулмонни боқувчисини йўқотган етим-есирларга молиявий

¹ Раҳм сўзи араб тилида қариндошчилик маъносини билдиради.

мурувват кўрсатишга буюрган ва унга катта ажрларни ваъда қилган. Росулulloх СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙХИ ҲИ САЛЛАМ ҳатто дийдаси қаттиқ кишига етимларни парвариш қилишни маслаҳат берганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا شَكَأَ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَوَّاهُ قَلْبَهُ فَقَالَ امْسَحْ رَأْسَ الْيَتِيمِ وَأَطْعِمِ الْمَسْكِينَ رواه احمد

Абу Хурайра РОЗИЯЛЛУХУ АНХУ ривоят қилдилар: *Бир киши Пайгамбар СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙХИ ҲИ САЛЛАМ га дийдасининг қаттиқлигидан шикоят қилди. Шунда Росулulloх СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙХИ ҲИ САЛЛАМ етимнинг бошини силагин ва мискинга таом едиргин дедилар.* (Имом Аҳмад ривояти)

Мана шу каби оятлар сабаб Исломда етимхоналар қурилмаган. Етимхоналарни қуриш, етимларни парвариш қиладиган махсус одамларни тайинлаш жамиятнинг маънан ҳалок бўлганини кўрсатади. Ислом етимпарварликни инсоннинг қалбига ўрнатган. Етимларнинг эҳтиёжи ва тарбиясини мусулмонларнинг гарданига юклаган. Дунёни текширинг! Исломдан бошқа ҳеч қайси тузум етимларга мурувват кўрсатиб, ғамхўрлик қилишни умумий мажбурият этиб тайинлаган эмас! Ислом манҳажини ҳаётдан четга суриб қўйган куфр жамиятларда етимлар муаммоси ҳал бўлиши у ёқда турсин, кун сайин чуқурлашиб бормоқда. Қизиқки, ҳозирга келиб етим деган луғатнинг маъноси ҳам ўзгарди. Илгари ота-онасидан ажралган гўдакларни етим, дейилган бўлса, бугунга келиб, ўзига тўқ, обрў-эътиборли ота-онаси тирик етимлар пайдо бўлди. Улар учун минглаб етимхоналар қурилган, минглаб одамлар етимларни парвариш қилишга жалб этилган, юзлаб жамғармалар ташкил қилинган бўлишига қарамай етимлар муаммоси кунсайин кучайса кучаймоқдаки, асло камаймаяпти. Ҳаётдаги бошқа муаммолар каби етимлар муаммоси ҳам фақат Ислом шариати ҳаётга татбиқ этилгандагина ҳал бўлиб барҳам топади. Бундан бошқа йўллар билан ҳал қилишга уриниш фақат салбий натижа беради, холос. Бу ҳақиқатни кимлардир илгари тан олмаган бўлса, бугунга келиб, боши берк кўчага кирганда тан олишга мажбур.

Ўшандай етимхоналарда “тарбия” топганлар меҳр кўрмагани боис бағри тош, дийдаси қаттиқ, бераҳм, шафқатсиз бўлиб улғаяди. Шунинг учун зулм билан давр сураётган зўравон раҳбарлар халқнинг ғалаёнини бостиришда ўшандай жойларда “тарбия” кўрганлардан ташкил топган қисмларни ишга солади. Натижада улар тарихда мисли кўрилмаган ваҳшийликларни амалга ошириб, беғуноҳ халқни қиргин қилади.

Шунингдек, етимларнинг молини ейдиган, боз устига бунга эҳсон дейдиган махлуқ Исломга мутлақ ётдир! Бундайлардан Аллоҳу Росули тамоман безордир! Чунки, динимизда етимнинг молини ейиш катта гуноҳ деб ҳисобланади.

8) Мискинларга инфоқ қилиш. Мусулмон киши қўли юпка, қурби етмайдиган, ночор биродарига қўлидан келганича молиявий кўмак беришни яхшилик деб билади. Молини ҳар қанча яхши кўрмасин, ҳолати оғир, қийналган диндошларини унга бажонидил шерик қилади:

﴿وَيُطْعَمُونَ الطَّعَامَ عَلَىٰ حَيْثُ مَسْكِينَتِهِمْ وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا﴾ الإنسان: ٨

Таомни яхши кўришига қарамасдан мискин, етим ва асирларга едирурлар. (Инсон сураси, 8 – оят)

Мискин ким? Уни қандай ажратиш мумкин? Росулulloх СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙХИ ҲИ САЛЛАМ нинг қуйидаги ҳадислари бу саволга жавоб бўлади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَيْسَ الْمَسْكِينُ الَّذِي تَرُدُّهُ الْأَكْلَةُ وَالْأَكْلَتَانِ وَلَكِنَّ الْمَسْكِينُ الَّذِي لَيْسَ لَهُ غِنًى وَيَسْتَحْيِي أَوْ لَا يَسْأَلُ النَّاسَ إِحْفَافًا رواه البخاري

Абу Хурайра РОЗИЯЛЛУХУ АНХУ ривоят қилдилар: *Пайгамбар СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙХИ ҲИ САЛЛАМ бир егулик, икки егулик уни ортига қайтарадиган киши мискин эмас. Балки мискин – бойлиги йўқ, сўрашга тортинадиган ёки одамлардан қаттиқ сўрамайдиган кишидир дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Бинобарин, камбағал, мискинлар қолиб, ўзига тўқ, эҳтиёжсиз, бадавлат кишиларни чақириб зиёфат бериш мўмин кишининг эътиқодида тўла маънодаги эҳсон эмас!

Араб тилидаги «الفَقِير» – фақир» ва «المِسْكِين» – мискин» калималари бошқа-бошқа келганда бир маънони, яъни емоқ-ичмоғи, кийим-кечаги, уй-жойи ва ҳоказо нарсаси йўқ, рўзгор тебратишга қийналган, аҳволи ночор, деган мазмунни билдиради. Агар ҳар иккиси бир жойда келса, ҳар

иккиси алоҳида маънони англатади. Унда «الفَقِير – фақир» калимаси «المِسْكِين – мискин» калимасига нисбатан эҳтиёжи кўпроқ, ҳолати тангрок, деган мазмунни англатади.

9) Мусофирларга инфоқ қилиш. Имкониятлари, оиласи, яқинлари ва юртидан олисда бўлгани боис улардан узилиб, танг ҳолатда қолган мусулмон мусофирга қўлдан келганича молиявий ёрдам кўрсатиш ҳам Исломдаги эзгу амаллар сафига киради. Агар қўлдан келмаса, ҳеч бўлмаганда тўғри йўлни кўрсатиб ёки йўлдаги хавф-хатар ва турли кўринишдаги қароқчиларнинг борлигидан огоҳ этиши даркор. Шунингдек, диний хизмат билан бирон жойга отланаётган кишига ёхуд илм ўрганаётган мусулмон мусофир талабаларга молиявий қўмак бериш ҳам динимиз тарғиб қилган ишлардан.

Шу ўринда бир нуктага ишора қилмоқчимиз. Шариат ҳукм сурган даврда шаҳрига келган меҳмонни ҳурмат, иззат қилишни ҳар бир мусулмон ўзининг шарафли вазифаси деб билган. Ҳаттоки, савобга эришмоқ мақсадида мусофирга беминнат хизмат қилиш, кўнглини олиш учун уйига олиб кетиб, хизматида бўлиш мусулмонлар орасида талаш бўлган. Ислом шариати ҳаётга татбиқ этилган саодат даврида исломий юртларда номи турлича, фаҳшу мункарга тўлган меҳмонхоналар бўлмаган. Мусофирни уйига сиғдирмайдиган, меҳмоннинг ҳаққини билмайдиган ёввойи табиатли жамият пайдо бўлганидан кейин бундай меҳмонхоналар қуришга эҳтиёж туғилган. Бундай “меҳмонхоналар” тараққиётнинг белгиси эмас, маънавий инқирознинг аломатидир.

10) Сўровчига инфоқ қилиш. Камбағаллиги, катта миқдорда қарздор бўлгани, кунлик ҳаётини ўтказишга қийналиб қолгани, оқибатида бировлардан сўраш даражасига тушган мусулмон сўровчига мурувват кўрсатиш ҳам яхшиликнинг бир кўринишидир. Шунингдек, масжид ва мадраса каби Исломга манфаат келтирадиган жойларни қуриш ё таъмир этиш учун сўралса, қўмак бериш ҳам айни муддаодир. Бироқ меҳнат қилишга лаёқати бўлган, тиламчиликни ўзига касб қилган, хусусан, салла-чопон кийиб, мусулмонлар шаънига иснод келтираётган тиламчиларга, ҳар қанча нола қилсин, ҳеч нарса берилмайди. Бундай кимсалар ҳақида Росулulloҳ СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛَام марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ سَأَلَ النَّاسَ أَمْوَالَهُمْ تَكْثُرًا فَإِنَّمَا يَسْأَلُ جَمْرًا فَلْيَسْتَقِلَّ أَوْ لِيَسْتَكْثِرْ ﴿١٠﴾ رواه مسلم

Абу Ҳурайра РОЗИЯЛЛУҲУ АНУ ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛَام ким бойиш мақсадида одамларнинг молларини сўраб тиланса, дўзах чўғини сўрабди. Шундай экан, оз сўрасин ё кўп сўрасин ўзига хавола дедилар. (Имом Муслим ривояти)

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا يَزَالُ الرَّجُلُ يَسْأَلُ النَّاسَ حَتَّى يَأْتِيَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَيْسَ فِي وَجْهِهِ مِرْعَةٌ لَحْمٍ ﴿١١﴾ رواه البخاري

Абдуллоҳ ибн Умар РОЗИЯЛЛУҲУ АНУ ривоят қилдилар: *Пайгамбар* СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛَام киши одамлардан сўрашда давом этади, ҳаттоки Қиёмат куни юзида бир парча гўшти йўқ ҳолатда келади дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Кимларга, қанча вақт ва қанча миқдоргача тиланиш мумкин? Ушбу саволга Росулulloҳ СОЛЛАЛЛУҲУ АЛАЙHI ВА САЛَام нинг қуйидаги ҳадисларидан жавоб оламиз:

عَنْ قَبِيصَةَ بْنِ مُخَارِقِ الْهَلَالِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ تَحَمَّلْتُ حَمَالَةً فَأَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَسْأَلُهُ فِيهَا فَقَالَ أَقِمْ حَتَّى تَأْتِيَنَا الصَّدَقَةُ فَنَأْمُرَ لَكَ بِهَا قَالَ ثُمَّ قَالَ يَا قَبِيصَةُ إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لَا تَحِلُّ إِلَّا لِأَحَدٍ ثَلَاثَةَ رَجُلٍ تَحْمَلُ حَمَالَةً فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَهَا ثُمَّ يُمَسِّكُ وَرَجُلٌ أَصَابَتْهُ جَائِحَةٌ اجْتَاكَ مَالَهُ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَ قَوْمًا مِنْ عَيْشٍ أَوْ قَالَ سِدَادًا مِنْ عَيْشٍ وَرَجُلٌ أَصَابَتْهُ فَاقَةٌ حَتَّى يَقُومَ ثَلَاثَةَ مِنْ ذَوِي الْحِجَا مِنْ قَوْمِهِ لَقَدْ أَصَابَتْ فَلَانًا فَاقَةٌ فَحَلَّتْ لَهُ الْمَسْأَلَةُ حَتَّى يُصِيبَ قَوْمًا مِنْ عَيْشٍ أَوْ قَالَ سِدَادًا مِنْ عَيْشٍ فَمَا سِوَاهُنَّ مِنَ الْمَسْأَلَةِ يَا قَبِيصَةُ سَحْنًا يَأْكُلُهَا صَاحِبُهَا سَحْنًا ﴿١٢﴾ رواه مسلم

Қабиса ибн Мухориқ ^{розиқллоҳу аяҳу} ривоят қилдилар: *Катта жарима¹ни бўйнимга олиб, Росулulloҳнинг олдиларига шу нарсани сўраб келдим. Бизга садақа келиб, уни сенга беришларига буюргунимизча тура тур дедилар. Сўнг эй Қабиса! Тиланчилик уч кишидан бўлакка ҳалол эмас! 1) Катта маблағни бўйнига олган киши. Унга етишгунга қадар тиланиш ўшанга ҳалол. Сўнг тўхтатади. 2) Молига офат келтирган мусибат бошига тушган киши. Унга зарурий эҳтиёжлари ё рўзғорига керакли микдорга етишгунга қадар тиланиш ҳалол. 3) Мухтожлик етган, ҳатто қавмидан ақлли уч киши "Ҳақиқатда фалончига ночорлик етган", дея шаҳодат берган киши. Унга зарурий эҳтиёжлари ёки рўзғорига керакли микдорга етишгунга қадар тиланиш ҳалол. Эй Қабиса! Бундан бошқа тиланиш ҳаром! Унинг эгаси ҳаромдан еган бўлади! дедилар.* (Имом Муслим ривояти)

11) Қуллик ва асирликдагиларни озод қилишга сарфлаш. Мўмин киши мол-дунёсини қулларни ҳамда иймону Ислому йўлидаги ҳаракати учун маҳбус бўлган мусулмонларнинг ҳолидан хабар олишга, уларни қамоқлардан озод этишга сарфлашни ҳам яхшилиқнинг ажралмас қисми деб билади. Имом Молик ^{розиқаллоҳу аяҳу} мўмин кишига, гарчи дунёси тугаб қоладиган бўлса ҳам, мусулмон асирни озод қилиш вожибдир, деганлар.

Шундай экан, мусулмонларни қамаб, озод қилиш эвазига оиласидан пул талаб қилаётган, хиёбоналарда ишлаб, маош олиб, бола-чақа боқаётган ваҳшийлар ҳам ўзининг ким эканини билиб қўйсин!

12) Намозни барпо қилиш. Эзгу амал қилишни мақсад қилган киши даставвал Исломининг энг муҳим рукни бўлиши намозни Росулulloҳ ^{соҳиллоҳу алайҳи ва саллам} ўқиганларидек барча тартиб-қоидалари ва вақтларига риоя этган ҳолда, комил суратда, қанда қилмасдан, хушув-хузув билан ўқиб барпо этиши лозим. Намоз ўқимай, шариат ҳукмларини бажармай туриб йўл ва кўприклар, шифохоналар, ҳатто масжиду мадрасалар курсин, Ислому тарозисидан бундайлар яхшилиқ қилгучи деб ҳисобланмайди. Чунончи, Аллоҳ ^{субҳанoҳу ва таъоло} **намозни барпо этган** қалимасини **иймон келтирган** қалимасига боғламоқда. Қолаверса, Қуръони Карим намозларида доим бўлган намозхонларни қуйидагича мадҳ этади:

﴿ إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا ﴿١٩﴾ إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا ﴿٢٠﴾ وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعًا ﴿٢١﴾ إِلَّا الْمُصَلِّينَ ﴿٢٢﴾ الَّذِينَ هُمْ عَلَى صَلَاتِهِمْ دَائِمُونَ ﴿٢٣﴾ وَالَّذِينَ فِي أَمْوَالِهِمْ حَقٌّ مَّعْلُومٌ ﴿٢٤﴾ لِلسَّائِلِ وَالْمَحْرُورِ ﴿٢٥﴾ وَالَّذِينَ يُصَدِّقُونَ بَيَّوْمِ الَّذِينَ ﴿٢٦﴾ وَالَّذِينَ هُمْ مِّنْ عَذَابِ رَبِّهِمْ مُشْفِقُونَ ﴿٢٧﴾ ﴾ المعارج: ١٩ - ٢٧

Ҳақиқатан инсон тоқатсиз қилиб яратилди. Агар унга ёмонлик етса, сабрсиз бўлур. Агар унга яхшилиқ етса, бахил бўлур. Магар намозхонлар бундай эмас! Улар намозларида давоматли кишилардир. Яна улар **молларида маълум ҳақ бўлган кишилардир.** Бу ҳақ **сўровчи ва маҳрумлар учундир.** Яна улар **Ҳазо кунини тасдиқ этадиган кишилардир.** Яна улар **Раббиларининг азобидан қўрқувчи кишилардир.** (Маъориж сураси, 19 – 27 – оятлар)

Ҳақ намоз хусусида кетганда, шуни ҳам айтиш керакки, намознинг дуруст бўлиши учун қуйидаги беш нарсани шарт қилинади: таҳорат, намоз вақтининг кириши, авратларни беркитиш, кийим ва баданнинг поклиги, қиблага юзланиш ва нийят.

13) Закотни ўташ. Эзгуликни мақсад қилган мўмин киши Аллоҳ ^{субҳанoҳу ва таъоло} берган мол-давлати маълум микдорга етиши билан унинг қирқдан бирини шариат кўрсатган ўринларга бериш билан закотини ўтайди. Закот камбағал мусулмонларнинг бойлар мол-мулкидаги ҳаққидир. Закот ислоний жамяятнинг асосий молиявий таянчи ҳамдир. Закот мусулмон кишининг қалбини бахилликдан, молини шубҳалардан поклайди:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ أَتَى رَجُلٌ مِنْ بَنِي تَمِيمٍ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي ذُو مَالٍ كَثِيرٍ وَذُو أَهْلٍ وَوَلَدٍ وَحَاضِرَةٍ فَأَخْبِرْنِي كَيْفَ أَنْفِقُ وَكَيْفَ أَصْنَعُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تُخْرِجُ الزَّكَاةَ مِنْ مَالِكَ فَإِنَّهَا طَهْرَةٌ تُطَهِّرُكَ وَتَصِلُ أَقْرَبَاءَكَ وَتَعْرِفُ حَقَّ السَّائِلِ وَالْجَارِ وَالْمَسْكِينِ فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَقَلُّ لِي قَالَ قَاتِ ذَا الْقُرْبَى حَقَّهُ وَالْمَسْكِينِ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا تُبَدِّرْ تَبْدِيرًا ﴿١﴾ رواه احمد

¹Икки мусулмон киши ё жамоанинг орасини ислоҳ этиш каби шаръий мақсад учун бўйнига олинган маблағ

Анас ибн Молик ^{розиллоху алаҳи ва саллам} ривоят қилдилар: Бану Тамим қабиласидан бир киши Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} нинг олдиларига келиб "Эй Росулulloҳ! Мен бадавлат, оилали, бола-чақалиман. Қандай инфоқ қилишимни, қандай қилишимни билдиринг", деди. Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} молингдан закотини чиқарасан. Чунки, у сени тозалайдиган покликдир. Қариндош-уруғларингга силаи раҳм қиласан. Сўровчи, кўшни ва мискиннинг ҳаққини риюя қиласан дедилар. "Эй Росулulloҳ! Менга камайтириб беринг", деди. Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} унда қариндошни, мискин ва мусофирнинг ҳаққини бергин ва исроф қилмагин дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Бизнинг эътиқодимизда шарият белгилаган микдордаги мол-давлатга эга бўла туриб, мусулмон камбағалларнинг ҳаққи бўлган закотни инкор этган кимса, шубҳасиз, кофирдир. Абу Бакр ^{розиллоху алаҳи ва саллам} бундайлар ҳақида Аллоҳга қасамки, агар Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} га берган закот эчкичасини менга беришмаса, уришаман деганлар. (Имом Бухорий ривояти) Закотни бермаган ё инкор этганларнинг охиратдаги ҳолини Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} нинг қуйидаги ҳадислари ёрқин ифодалайди:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَلَمْ يُؤَدِّ زَكَاتَهُ مِثْلَ لَهُ مَالَهُ شَجَاعًا أَفْرَعُ لَهُ زَيْبَتَانِ يُطَوِّفُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَأْخُذُ بِلَهْزَمَتَيْهِ يَعْنِي بِشِدْقَيْهِ يَقُولُ أَنَا مَالِكٌ أَنَا كَنْزُكَ ﴿٣٩﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розиллоху алаҳи ва саллам} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} кимга Аллоҳ мол-дунё берган бўлса унинг закотини ўтамаган бўлса, унга моли кўзининг устида икки қора доғи бўлган илон қилиб кўрсатилади. Уни бўғади ва мен сенинг молингман, мен сенинг бойлигингман, деб икки нягидан чангаллайди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Закотда беш нарса: Ислом, ҳурлик, нисоб, тамлик ва ҳавл шарт қилинади. Қўй, эчки, мол ва туялардан закот чиқарилади. Отлардан тижорат матоси бўлмаса, закот чиқарилмайди. Тижорат молларига 85 гр тилло ёки 595 гр кумуш микдори нисоб қилиб олинади. Закотни Қуръони Карим кўрсатган саккизга ўринга, закот эканини айтиб берилади. Барча амаллар каби закот ҳам Китоб ва Суннат доирасида ўталмаса, яъни шарият кўрсатган ўринларга шарият кўрсатганидек берилмаса, қабул бўлмайди.

Ислом имконияти бор ҳар бир мўмин кишига юклаган умумий мажбуриятларни биз мусулмонлар унутиб бормокдамиз! Шунинг учун орамизда камбағал ва ночор биродарларимиз кўпайиб бормокда! Фақат ўзимизни ўйлашимиз, ён атрофдаги оч ва муҳтож биродарларга эътибор бермаслигимиз, энг асосийси мол-дунёга ҳирс кўйганимиз боис мусулмонлар ганимларига қарам бўлмокда! Гуноҳ, бидъат ишларга ҳар қанча бўлса, сарфлаймиз! Аммо, мўмин биродаримизнинг "Раббим Аллоҳ! Муҳаммад ^{розиллоху алаҳи ва саллам} нинг йўлидан бошқа ҳар қандай йўл залолат", дегани учун яҳуд-насоролар, кофир ва зolimлар азобида тутқунликда ҳаёт кечиршига парво қилмаймиз! Қалбимизга дунё муҳаббати ўрнаб кетган! Ҳолбуки, Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} бизнинг устимизда хавф қилган нарса айни шу эди:

عَنْ عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَوَاللَّهِ لَا الْفَقْرَ أَخْشَى عَلَيْكُمْ وَلَكِنْ أَخْشَى عَلَيْكُمْ أَنْ تُبْسَطَ عَلَيْكُمْ الدُّنْيَا كَمَا بُسِطَتْ عَلَى مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ فَتَنَافَسُوهَا كَمَا تَنَافَسُوهَا وَتُهْلِكُكُمْ كَمَا أَهْلَكْتَهُمْ ﴿٣٩﴾ رواه البخاري

Амр ибн Авф ^{розиллоху алаҳи ва саллам} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{розиллоху алаҳи ва саллам} Аллоҳга қасамки, устингизда кўрқадиганим камбағаллик эмас! Лекин сизлардан олдин ўтганларга сероб қилиб берилгани каби сизларга дунё сероб қилиб берилишидан, мол тўплашда беллашганларидек беллашмоғингиздан, дунё уларни ҳалок қилганидек сизларни ҳам ҳалок қилишидан кўрқаман дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Закот бериш билан ҳеч ким камбағал бўлиб қолмайди. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг розилиги йўлида инфоқ қилган мўминнинг дунёсига дунё кўшилса, кўшиладики, камаймайди:

﴿ وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ ۗ ﴾ ﴿٣٩﴾ سبأ: ٣٩

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} учун бирон нарсани инфоқ қилсангиз, У ўрнини тўлдиради. (Сабаъ сураси, 39 – оят)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ تَصَدَّقَ بِعَدَلٍ تَمَرَةً مِنْ كَسْبٍ طَيِّبٍ وَلَا يَقْبَلُ اللَّهُ إِلَّا الطَّيِّبَ وَإِنَّ اللَّهَ يَتَقَبَّلُهَا بِيَمِينِهِ ثُمَّ يُرَبِّيهَا لِصَاحِبِهِ كَمَا يُرَبِّي أَحَدَكُمْ فَلَوْهُ حَتَّى تَكُونَ مِثْلَ الْجَبَلِ ۝ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розияллоғу аниҳу} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{СОҒДИЛЛОҒУ АЛЛАҒИ ОҒИ СУЛЛАМ} ким ҳалол касбдан ҳурмонинг қийматича садақа қилса – Аллоҳ фақат ҳалолни қабул қилади – Аллоҳ уни мамнуният ила қабул қилиб, сўнг бирингиз тойчоғини боққани каби уни эгасига тоғча бўлғунига қадар ўстиради *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ قَالَ اللَّهُ أَنْفِقْ يَا ابْنَ آدَمَ أَنْفِقْ عَلَيْكَ ۝ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розияллоғу аниҳу} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{СОҒДИЛЛОҒУ АЛЛАҒИ ОҒИ СУЛЛАМ} Аллоҳ "Эй одам боласи! Менинг йўлимга **инфоқ қилгин, сенга инфоқ қилиб қайтараман**", дейди *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا نَقَصَتْ صَدَقَةٌ مِنْ مَالٍ ۝ رواه مسلم

Абу Хурайра ^{розияллоғу аниҳу} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{СОҒДИЛЛОҒУ АЛЛАҒИ ОҒИ СУЛЛАМ} **закоат молни камайтирмайди** *дедилар*. (Имом Муслим ривояти)

14) Аҳдга вафо қилиш. Мўмин киши Аллоҳ ^{СУБХОНАУ ВА ТАҒОЛА} нинг ўзига ибодат қилиш, Унга ҳеч ким ва ҳеч нарсани тенг қилмаслик, пайғамбарлар йўлидан бориб, куфр, ботил йўлларга юрмаслик каби Раббисига берган аҳдларига вафо қилади. Шунингдек одамларга берган аҳд ва ваъдаларга ҳам масъулият билан ёндашиб, риоя қилади.

Ислом аҳдга вафо қилишга қаттиқ эътибор беради. Аллоҳ ^{СУБХОНАУ ВА ТАҒОЛА} Қуръони Каримнинг бошқа бир ўрнида марҳамат қилади:

﴿وَأَوْفُوا بِالْعَهْدِ إِنَّ الْعَهْدَ كَانَتْ مَسْئُولًا﴾ (الإسراء: ٣٤)

Аҳдга вафо қилинглар! Чунки, аҳд сўраладиган нарсадир. (Исро сураси, 34 – оят)

Аҳдга вафо қилиш ҳақиқий мўминнинг сифатидир. Кофирлар эса мусулмонларга берган аҳдини қўйинг, ўзаро битим ва келишувларига ҳам вафо қилмайди. Бунга узоқ ва яқин тарихда минглаб мисоллар келтириш мумкин.

Минг афсуски, аҳдга вафо қилмаслик касофати биз мусулмонларга ҳам урган. Аллоҳ ^{СУБХОНАУ ВА ТАҒОЛА} га берган аҳдимизга вафо қилмаганимиздан ташқари мўмин биродаримизга берган аҳд ва ваъдаларга ҳам вафо қилмай қўйдик! Энг хатарлиси бу нарса одат тусига кириб бормоқда! Оқибатда мусулмонлар орасида ўзаро ишончсизлик, гумонсираш каби ноҳуш ҳолатлар пайдо бўлмоқда! Холбуки, динимиз тарихи, хусусан, саодат асри аҳдга вафо қилишнинг гўзал намуналарига ниҳоятда бой. Қолаверса, аҳдга вафо қилмаслик катта гуноҳлардан. *Росулуллоҳ* ^{СОҒДИЛЛОҒУ АЛЛАҒИ ОҒИ СУЛЛАМ} аҳдга вафо қилмасликни мунофиқлик аломатларидан деб санаганлар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَرْبَعُ خِلَالٍ مَنْ كُنَّ فِيهِ كَانَ مُنَافِقًا خَالِصًا مَنْ إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ وَإِذَا عَاهَدَ غَدَرَ وَإِذَا خَاصَمَ فَجَرَ وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خِصْلَةٌ مِنْهُنَّ كَانَتْ فِيهِ خِصْلَةٌ مِنَ النِّفَاقِ حَتَّى يَدْعَهَا ۝ رواه البخاري

Абдуллоҳ ибн Амр ^{розияллоғу аниҳу} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{СОҒДИЛЛОҒУ АЛЛАҒИ ОҒИ СУЛЛАМ} **тўрт хислат унда бўлган кимса гирт мунофиқ бўлади. Ким гапирганда ёлгон гапирса, ваъда қилганда устидан чиқмаса, аҳд берганда хиёнат қилса, хусумат қилганда номардлик қилса, мунофиқдир. Кимда ўша хислатлардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунга қадар унда мунофиқликдан бир хислат мавжуд бўлади** *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

15) Йўқчилик, мусибат ҳамда жанг пайтида сабр қилиш. Мусулмон кишининг камбағаллик, ночорлик, касаллик, фарзанду яқинларининг вафоти каби мусибат пайтида сабр қилиши ҳам айна яхшиликдир. Зотан, соғлом ақида ўз эгасидан ҳақ йўлда етадиган машаққат ва азиятларга сабр қилишни талаб қилади. Хусусан, Ислом учун бўлган жангларда яқинлари қурбон бўлганда,

молига катта талофатлар ё танасига оғир жароҳатлар етган пайтда сабр ва матонат кўрсатиш, урушнинг мудҳиш оқибатларига бардош бериш айна эзгуликдир.

Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} очлик ва қийинчилик вақтида, хусусан, жангда сабр қилишда, жасурликда мисли йўқ эдилар. Баро ^{РОЗИЯЛЛУХУ АНУ} Аллоҳга қасамки, уруш қизиганда Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} билан ҳимояланардиқ. Ботирларимиз Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} нинг ортларига ўтиб оларди дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Шундай экан, йўқчилик, камбағаллик ҳақиқий мўминни тама қилишга мажбур этолмайди. Сабрли мўмин Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} дан ўзгага ночор ҳолатларидан шикоят қилмайди. Қийналганини рўкач қилиб ўғрилиққа, хиёнатга, талон-тарожга қўл урмайди. Оғир дардга мубтало бўлса, Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} нинг қадаридан норизо бўлмайди. Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} нинг қуйидаги ҳадислари унга катта далда беради:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدِهِ الْخَيْرَ عَجَّلَ لَهُ الْعُقُوبَةَ فِي الدُّنْيَا وَإِذَا أَرَادَ اللَّهُ بِعَبْدِهِ الشَّرَّ أَمْسَكَ عَنْهُ بِذَنْبِهِ حَتَّى يُؤَافِيَ بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ ﴿٣٠﴾ رواه الترمذي

Анас ибн Молик ^{РОЗИЯЛЛУХУ АНУ} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} Аллоҳ бандасига яхшиликни хоҳласа, унга дунёда жазони тезлатади. Агар бандасига ёмонликни истаса, ундан гуноҳлари сабабли мустаҳиқ бўлган азобни кечиктиради. Ҳаттоки, Қиёмат куни уни тўла қилиб беради дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Шунингдек, ҳақиқий мўминни урушдаги машаққат ҳам ортга чекинтиролмайди. Мусулмон киши учун ўзига, оиласига, мол-дунёсига, яқинларига етган мусибатдан динига етган мусибат оғирроқ бўлади. Ҳар бир мўмин киши қийинчилик ва мусибат пайтида, албатта, сабр қилиши, Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} нинг амрини бажариб, қайтарганидан тийилиб, Охират кунининг азобидан ўзини қутқариши лозим. Сабр бу ҳеч қандай чора кўрмасдан, олма пиш, оғзимга туш қабилида осмондан нажот кутиб ётиш, дегани эмас. Балки ўлим, муҳтожлик, тазйик, касаллик каби бошига тушган мусибатларга сабр қилиб, Исломга зид бўлган сўзу амаллардан узоқ бўлиб, шариат доирасида тадбирини, чорасини кўриш маъносини англади.

Тилида айтган иймонида содиқ турган, ҳақиқий тақво эгалари эзгуликнинг мазкур турларини ўзида мужассам этадилар. Бу ҳақда Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} нинг Ўзи шаҳодат бермоқда. Аллоҳим! Бизларни ҳам ўшандай содиқ, тақволи бандаларинг қаторида қилгин! Зеро, содиқлик, айниқса ҳозирги замонда одамлар орасидан кўтарилиб бораётган фазилатлардан. Энг ачинарлиси, бу сифат мусулмонлардан ҳам тобора йироқлашмоқда. Оқибатда мусулмонлар орасида ҳам ўзаро ишончсизлик руҳи ўрнаб бормоқда. Холбуки, Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} қуйидаги ҳадисда содиқликни эзгулик деб таърифладилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ الصِّدْقَ بَرٌّ وَإِنَّ الْبِرَّ يَهْدِي إِلَى الْجَنَّةِ وَإِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَحَرَّى الصِّدْقَ حَتَّى يُكْتَبَ عِنْدَ اللَّهِ صِدْقًا وَإِنَّ الْكُذْبَ فُجُورٌ وَإِنَّ الْفُجُورَ يَهْدِي إِلَى النَّارِ وَإِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَحَرَّى الْكُذْبَ حَتَّى يُكْتَبَ كَذَابًا ﴿٣٠﴾ رواه مسلم

Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{РОЗИЯЛЛУХУ АНУ} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{СОЛЛАЛЛУХУ АЛАЙHI ВА САЛЛАМ} содиқлик эзгуликдир. Эзгулик, албатта, жаннатга етаклайди. Банда содиқликни маҳкам тутати, ҳаттоки Аллоҳнинг ҳузуринида ростгўй деб битилади. Ёлғон бузукликдир. Бузуклик дўзахга етаклайди. Банда ёлғонга одат қилади, ҳаттоки каззоб деб битилади дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Бандани Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} нинг розилигига олиб боради, Раббисига яқин қилади ҳамда жаннатдаги олий мақомларга эриштиради, деб белгиланган исломий эзу амаллар шулардир. Инсон дунёда Аллоҳ ^{СУБАНАХУ ВА ТАЪОЛО} рози бўладиган мазкур эзгуликларга эҳтимом бериб яшаши лозим. Одамзод мана шу яхшиликлардан юз ўгириб яшамокда! Мана шу яхшиликка даъват этаётган мўминларга зулму тазйик, ғазабу адоват қилмоқда!

﴿يَحْسِرَةٌ عَلَى الْعِبَادِ﴾ ﴿٣٠﴾ يس: ٣٠

Бундай бандаларга ҳасрат бўлсин! (Ёсин сураси, 30 – оят)

Ушбу оятда зикри ўтган иймон ва эзгулик турларини саҳобалар, уларга яхшилик билан эргашган аждодларимиз ўзларида мужассам этдилар. Шу сабаб дунёда азизу мукаррам бўлдилар. Бутун уммат учун ибрат намунаси сифатида тарихда қолдилар.

Минг афсуски, ушбу оятдаги яхшиликлар мусулмонлар орасидан кўтарилиб бормокда. Нафақат яхшилик, балки яхшилик ҳақидаги шаръий тушунча ҳам биз учун бегоналашмокда. Оқибатда мусулмонлар душманларига қарам, ҳар томонлама колоқ миллатга айланди. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳақиқий мўмин бандаларига ваъда қилган нусратдан маҳрум бўлди. Бундай аянчли ҳолатдан қутилишнинг ягона йўли – ҳақиқий иймон эгаси бўлиш ва ушбу оятдаги яхшиликлар кетини узмасликдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِصَاصُ فِي الْقَتْلِ ۗ الْحُرُّ بِالْحُرِّ وَالْعَبْدُ بِالْعَبْدِ ۗ وَالْأُنثَىٰ بِالْأُنثَىٰ ۗ فَمَنْ عُفِيَ لَهُ مِنْ أَخِيهِ شَيْءٌ فَأَبْعَ بِالْمَعْرُوفِ وَأَدَاءٍ إِلَيْهِ بِإِحْسَانٍ ۗ ذَٰلِكَ تَخْفِيفٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَرَحْمَةٌ ۗ فَمَنِ اعْتَدَىٰ بَعْدَ ذَٰلِكَ فَلَهُ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٨﴾

178. *Эй иймон келтирган кишилар! Сизларга ўлдирилганлар ҳақида қасос олиш фарз қилинди. Хур одамнинг бадалига хур одам, қулнинг бадалига қул, аёл кишининг бадалига аёл киши қатл қилинади. Кимга биродари томонидан бирон нарса афв қилинса, унда яхшилик билан бўйсунуши ва унга чиройлилик билан товон тўлаши лозим. Бу Раббингиз томонидан энгиллик ва раҳматдир. Энди ким шундан кейин ҳам тажовуз қилса, унга аламлантирувчи азоб бордир.*

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Ягона ва барҳақ маъбуд! У юборган Ислом шариатигина тўғри йўл ва айни адолатдир! Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} олиб келган дин саодат ва ҳотиржамлик йўлидир! Инсониятнинг бахти Аллоҳу Росули ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг ҳукмини ҳаётга татбиқ этишда! Мазкур эътиқодни қалбига жойлаган эй иймон аҳли! Сизларга ўлдирилган яқинларингиз устидан қасос олиш ва шу пайтда тенглик ва бараварликка қатъий риоя этиш фарз қилинди! Шундай экан бирингиз бошқангизга тажовуз қилманг! Хур, озод киши хур одамни ўлдирган бўлса, сизлар ҳам қасос олишда фақат ўлдирган ўша хур одамни ўлдиринг! Унга қўшиб бошқани ҳам қатл этманг! Қул қулни ўлдирган бўлса, ўша қулни ўлдиришингиз кифоя! Бир-бирингизга зулм қилиб, ўлдирилган бир одам эвазига бир неча одамни ёки қул ўрнига ҳурни, аёлнинг бадалига эркакни қатл қилманг! Бундай қилиш зулм ва туғендир! Бордию мақтулнинг валийлари қотилни ўлдириш ўрнига ундан товон олишга кўнса, мақтул тараф қотилдан хунни талаб қилишда яхшиликни унутмасин! Пайтдан фойдаланиб қотилга жабр, таҳдид қилмасин! Шунчалар оғир жинояти кечирилган қотил ҳам ҳаётини сақлаб қолган тарафга миннатдор бўлиб, товон тўлашни чўзмасин! Қотилни афв қилишга рухсат этилиши Раббингиз томонидан сиз мўминлар учун энгиллик ва меҳрибонликдир! Шундай раҳмдилликдан сўнг ҳам бирон тараф: мақтулнинг валийлари товонни тўлатиб, сўнг қотилни ўлдирса; қотил товонни тўламаса ё белгиланган миқдорни тўлагигича ўтамаса ёхуд афв этилганидан кейин такроран яна бошқа қотилликка қўл урса, унда ҳаддан ошган бундай тажовужкор кимсалар учун Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг аламли азоблари муҳайёдир!

Қуръони Карим *Эй иймон келтирган кишилар* дея бизни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га эътиборли бўлган, Раббимизга боғлаб турган ягона иймон сифатимиз билан чақирмокда. Инсон Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га молдавлати, ҳовли-жойлари, қадди-қомати, фарзандларининг кўплиги ёхуд боғ-роғлари билан мўътабар эмас. Одамзод Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг эътиборига фақат иймон сифати билан сазовор бўлади. Шунинг учун мўмин киши иймонни ғанимат билиб қадрига етиши, динини ҳеч қачон ҳеч нарсага алиштирмаслиги, иймонини сақлаб қолиш учун керак бўлса, жонини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлиши даркор. Зотан, иймонсиз кимса Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг ҳузурида ҳеч қандай эътиборга эга эмас:

﴿ قُلْ مَا يَعْجُبُا بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ ﴾ الفرقان: ٧٧

Агар иймонингиз бўлмаса, Раббим сизларни эътиборга олмайди, деб айтинг! (Фурқон сураси, 77 – оят)

Ислом келишидан олдин башарият ўрмон қонуни билан яшарди. Жоҳилият даврида худди ҳозиргидек одамлар ўртасида тажовужкорлик, зулм ишлари кўплаб содир бўларди. Арзимас нарсалар сабаб одамлар орасида қонли тўқнашувлар бўлиб турарди. Шунда ҳар томонлама кучли, ҳарбий салоҳияти ва тайёргарлиги устун қабиланинг қулини бошқа қабиланинг қули ўлдириб қўйса, "Бизнинг қулимиз уларнинг хур одамига тенг! Бизнинг аёллар уларнинг эркак кишисига баробар! Агар биздан қул ўлдирилган бўлса, биз улардан хур одамни ўлдириб ўч оламиз! Агар биздан аёл ўлдирилган бўлса, биз уларнинг эр кишисини ўлдираемиз!" деб ўзини бошқалардан устун қўярди. Ҳозирда бирон кимсанинг содир этган жинояти учун ота-онасидан тортиб барча яқинларига тазйиқ ва зулм ўтказилгани каби ўлдирилган бир одам учун бир неча одамдан, ҳатто бутун бошли бир қабиладан қасос олинарди. Хуллас, қасос олишда ҳозирги мушриклар каби

Мақка мушриклари ҳам ўзи билган йўлни тутарди. Ўша жоҳилият давридан қолган зулм ва тажовузнинг турли кўринишлари бугунги кунда ҳам ҳар қадамда учрайди.

Ҳозиргидек ўрмон қонуни ҳукм сураётган бир пайтда Меҳрибон ва Раҳмли бўлган Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} қасос олиш борасидаги Ўз ҳукмини нозил этиш билан жамият ўртасидаги тенгликни ва ҳақиқий адолатни барпо қилди. Қотилни ўлдириб қасос олинса, тенглик ва баробарлик мезонини риоя қилишни, ҳаддан ошмасликни фарз қилди.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ كِتَابُ اللَّهِ الْقصاصُ ^{رواه البخاري}

Анас ибн Молик ^{розиёлаҳу аяҳу} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солаллаҳу алайҳи ва саллам} қасос – Аллоҳнинг фарзидир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Яҳудларнинг китоби бўлмиш Тавротда қотиллик кечирилмас гуноҳ бўлиб, унда қотилни фақат ўлдиришга ҳукм қилинган эди. Насоролар китоби бўлмиш Инжил ҳукми бўйича эса қотил фақат тоvon тўларди, холос. Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} Ислом умматига қотилни ўлдириш, тоvon тўлатиш ва умуман кечириб юбориш ихтиёрини бериб улкан марҳамат кўрсатди. Зеро, бундай ихтиёр ўтган умматлар шариатида бўлган эмас:

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розиёлаҳу аяҳу} Бани Исроилда тоvon тўлаш бўлмаган. Уларда қасос олиш бор эди, холос. Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} бу Ислом умматига **"Сизларга ўлдирилганлар ҳақида қасос олиш фарз қилинди. Ҳур одамнинг бадалига ҳур одам, қулнинг бадалига қул, аёл кишининг бадалига аёл киши** қатл қилинади" оятини нозил қилди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Исломда бир одам бошқа бир одамни қасдан ўлдирса, эрми, аёлми, ёшми, қариями, қотилнинг жамиятдаги мақоми қандай бўлишидан қатъиназар, уни ҳам қатл қилиб қасос олинади. Мақтулнинг валийлари қотилни ўлдириб қасос олишни ихтиёр қилса, уларни ҳеч ким қайтаролмайди. Зотан, бу айни адолатдир. Аллоҳ ^{субҳанату ва таъоло} ўз яқинидан жудо бўлган, қалбига жароҳат ва алам етган мақтулнинг валийсига қотилнинг яшаш-яшамаслик масаласини ҳал этиш ҳуқуқини берди. Демак, ҳамма гап ўлдирилган кишининг валийларида қолади. Валий афв этиш ёки тоvon олишга рози бўлмасдан, ўлдириш қарорида қатъий қолса, қотилни ўлимдан ҳеч нарса сақлаб қолмайди. Агар бирон мусулмон ўлдирилиб, унинг валийси бўлмаса, унда мусулмонларнинг халифаси валий бўлади. Хоҳласа, қотилни ўлдиради, хоҳласа тоvon тўлатиб, мусулмонларнинг хазинасига топширади.

Агар бир кишининг қатл этилишида бир тўда одамлар иштирок этган бўлса, ўша тўданинг барчаси ўлдирилади. Умар ибн Хаттоб ^{розиёлаҳу аяҳу} Санъо шаҳрида бир йигитни ўлдиришда иштирок этган етти кишини ўлимга ҳукм этиб, *агар Санъо аҳли ўлдирганда барчасини ўлдирардим* деганлар. (Имом Молик ривояти) Умар ибн Хаттоб ^{розиёлаҳу аяҳу}нинг бу ҳукмларига бирон саҳобий эътироз билдирмаган.

Қотилдан қасос олиш учун барча зарурий шароитларни яратиб бериш, қасос олувчининг ҳадидан ошмаслигини назорат қилиш, шунингдек, тоvon миқдорини белгилаш Ислом халифаси томонидан тайинланган қозилар гарданига юкланади.

Саҳобалар ва тобиъинлар ҳукмига асосан фуқаҳолар тоvon миқдорини юзта туя ёки минг мисқол тилло, деб баҳолашган. Тоvon тўлашда қотилнинг мулкидан олинади. Агар қотилнинг мулки тоvonга етмаса, ака-ука, опа-сингил ва ота-онасининг мулкидан олинади. Агар ўшанда ҳам етмаса, қотил яшаб турган диёрдагиларнинг мулкидан ҳам қўшилади. Қотил белгиланган тоvonни тўлашда чўзмасдан, миқдоридан камайтирмасдан ўтайди.

Борди-ю, ўлганнинг валийлари тоvon олишга рози бўлса, бу ечим ҳар икки томон учун енгиллик ва меҳр-оқибатдир. Бундай ҳолатда мақтулнинг яқинлари қотилдан шариат белгилаган миқдордаги тоvonни талаб қилишда бағрикенглик, яхшилик туйғуларини ёдда тутишлари, унга дўқ-пўписа қилмасликлари лозим. Қотилнинг зулмга қўл урганига қараб мазлумлар ҳам ўзини зулмга урмаслиги, билъакс, олийжаноблик, яхшилик ва адолат томонида туришлари лозим. Қотил тоvonни тўлаганидан сўнг унга гина-кудурат қилмасликлари даркор. Чунки, Қуръони Карим **кимга биродари томонида бирон нарса афв қилинса** деб мақтулнинг валийсига одамийлик ва диний биродарлик тушунчаларини эслатмоқда. Қотил сизга ҳар қанча оғир жароҳат ва алам етказмасин, у бари-бир динда сизга биродар эканини унутманг, дегандек бўлмоқда. Бошқалар "Мақтулнинг эгаси қотилни ўлдирмасдан тоvon олишга рози бўлганидан кейин нима деса, нима қилса, ҳақли", деб билади. Ислом эса шундай ҳолатда ҳам ўлдирилган кишининг валийсини эзгуликни унутмасликка даъват қилаётир.

Мақтулнинг валийлари қотилни ўлдирмасдан, тоvon ҳам олмасдан, кечириб юборишлари ҳам мумкин. Қотилни афв этишда умумий манфаатга таяниб иш кўрмоқ даркор. Мисол учун қотил

яхши хулқ ва эзгу ишлари билан танилган бўлиб, қотиллик жинояти ундан биринчи марта содир бўлган бўлса, агар афв этилса, ҳолатини ўнглашга умид бўлса, афв этиш маъқул. Аммо қотил илгаритдан ёмонлик билан танилган бўлиб, агар афв қилинса ҳам фақат ёмонлиги зиёда бўлади, деган гумон бўлса, бундай қотилни кечирмаслик маъқул. Шунга қарамай қотилни афв қилиш борасидаги якуний сўз мақтулнинг валийларида қолади. Бироқ қандай бўлмасин, ўртада розилик вужудга келганидан сўнг мақтулнинг валийлари қотилни ўлдирса ёхуд қотил яна қайтадан бошқа қотилликка кўл урса, ҳаддидан ошган бундай кимсаларга Қиёмат куни аламлантирувчи азоб бордир.

Фуқаҳолар икки масалада: қулни ўлдирган ҳур одамни ва зиммийни ўлдирган мусулмонни ўлдириш-ўлдирмаслик ҳақида ихтилоф қилишган. Имом Молик, Имом Аҳмад ва Имом Шофибий ^{роҳима-хулоқ}лар қулни ўлдирган ҳур одам ҳам, зиммийни ўлдирган мусулмон ҳам ўлдирилмайди, деганлар. Жумҳур уламолар, жумладан, Шайх-ул-Ислом Ибн Таймийя ^{роҳима-хулоқ} ҳам ушбу фикрни маъқуллаганлар. Аммо мазҳаббошимиз Имом Абу Ханифа ^{роҳима-хулоқ} қулни ўлдирган ҳур одам ҳам, зиммийни ўлдирган мусулмон ҳам ўлдирилади, деганлар.

Қотилдан қасос олишнинг кайфияти ҳақида Имом Молик ва Имом Шофибий ^{роҳима-хулоқ}лар "Қандай ўлдирган бўлса, ўшандай суратда ўлдирилади", деганлар. Имом Аҳмад ва Имом Абу Ханифа ^{роҳима-хулоқ}лар "Қилич билан бир уришда ўлдирилади", деганлар.

Баъзи муфассир уламолар оятдаги **ҳур одамнинг бадалига ҳур одам, қулнинг бадалига қул, аёл кишининг бадалига аёл киши** калималари "Моида" сурасининг 45 – ояти билан мансук бўлган, дейдилар.

Исломдан бошқа тузумлар қотилни маълум бир вақтга озодликдан маҳрум этади. Куфр аҳлининг наздида қотилнинг бир неча йиллар қамоқда ўтириши етарли жазо. Қотил маълум бир вақт маҳбус бўлиб сўнг яна озодликка чиқади. Агар бадавлат ё мансабдор бўлса ёки бой, обрў-эътиборли одамнинг фарзанди бўлса, жазони таъйин этувчи маҳкама билан келишиб, жазони қисман ўтайди ёхуд тамоман жазоланмайди. Ўлганнинг оиласи ва фарзандларига товон тўлаш, ёрдам бериш тўғрисида-ку гапирмай кўя қолинг!

Хўп, қотилга бундай жазо берилиши ўлган кишининг яқинлари, фарзандлари қалбидаги алам ва мусибатни кетказа оладими?! Қотилни бер неча йилга маҳбус этиш ўлган кишининг хонадонига ё иқтисодий ё маънавий кўмак берадими?! Ахир қамоқ жазосига тортилган қотил нафақат қотиллик, балки жиноятнинг бошқа турларида ҳам устаси фаранг бўлиб чиқиши инкор этиб бўлмас ҳақиқат-ку! Агар қотил маълум вақт ўтганидан сўнг бемалол юраверадиган бўлса, ўлганнинг яқинлари, оиласи ва фарзандларининг қалбидаги яраси, алами, адовати янгиланмайди?! Бу нарса янги-янги жиноятлар, қон тўкишларга олиб келмайди?! Қамоқ жазоси билан жазоланган қотиллар ҳаётда такрор-такрор қотиллик қилган ҳолатларини ким рад қилади?! "Ўлим жазосини кўллаш бағритошлик! Қотилга бериладиган жазо уни тўғри йўлга бошлайдиган тарбиявий жазо бўлиши керак", дейишади! Меҳр-оқибат туйғуларидан келиб чиқиб ўзларича қотилга "раҳм-шафқат" қилишади! Унда минглаб одамларга ким шафқат қилади?! Ахир бу нарса бошқа қотилликларга йўл очиб беради-ку!

Жиноий ишлар билан шуғулланувчи фан ҳозирга келиб, қасддан одам ўлдиргани қасос олиш йўли билан жазоланмаслиги қотиллик жиноятининг тобора кўпайишига сабаб эканини тан олишга мажбур бўлмоқда.

Куфр низомига қурилган айрим босқинчи мамлакатлар ўзининг турли хил ҳарбий-иқтисодий, тижорий ва маданий ташкилотларига аъзо бўлиш истагини билдираётган давлатларга ўлим жазосини бекор қилиш талабини кўяди. Ўзга юртларга, хусусан, мусулмон диёрларига бостириб кирган ва маҳаллий аҳолини истаганича қиргин қилаётган босқинчи кўшинлари учун олдиндан дахлсизлик ҳуқуқини кўлга киритади. Қани бу ерда адолат?! Қани тенглик?!

Бу Ислом ғанимларининг шариятимиз ҳукмларини йўқотишга қаратилган ёвуз сиёсатларининг бир кўринишидир. Биз мусулмонлар куфрнинг бундай ҳужумларига бефарқ бўлмаслигимиз даркор! Аллоҳ ^{субҳану-ва-таъоло}нинг ҳукмларида инсон учун беҳисоб манфаатлар борлигини, Ислом ҳукмларигина одамларга айни адолат, барқарорлик, тинчлик ва тотувлик олиб келишини халқларга тушунтириб боришимиз лозим!

وَلَكُمْ فِي الْقِصَاصِ حَيٰوةٌ يَاۤؤَيُّ آلَٰبِٔ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُوْنَ ﴿١٧٩﴾

179. Сизлар учун қасос олишда ҳаёт бордир, эй ақл эгалари! Шояд тақво қилсангиз!

Яхши-ёмон, фойда ва зарарнинг фарқига борадиган эй ақл эгалари! Аллоҳ ^{субҳану-ва-таъоло}нинг қотилдан қасос олиш борасидаги ҳукмини ҳаётга татбиқ этишда сизлар учун ҳаёт бордир! Яъни, бировни

ўлдирган кимса ўзи ҳам, албатта, қатл қилинишини билса, ўзини қотилликдан тийиб, бундай жиноятга қўл урмасликка ҳаракат қилади. Бу билан ўзининг ва бошқаларнинг ҳаётини сақлаб қолади! Бу эса минглаб бегуноҳ қонлар тўкилишининг олдини олади! Одамларга хотиржамлик ва омонлик беради! Шундай экан, шояд қотилликдан тийилсангиз ва Аллоҳ ^{субҳануҳу ва таъоло}дан қўрсангиз!

Қотилдан қасос олинishi муқаррар бўлса, кўпчилик бу жиноятга қўл уришдан тийилади. Бу нарса қотиллик қилишни мақсад қилган кимсанинг ҳам, ўлдирилиши мумкин бўлган инсоннинг ҳаётини ҳам сақлаб қолишга сабаб бўлади. Қотил ўзига ҳеч қандай таниш-билиши, мансабу мол-дунёси ёрдам беролмаслигини, ўлимдан қутилиш эвазига пора олинмаслигини, мақтулнинг валийлари ўлдириш йўли билан қасос олишни талаб қилса, унга ҳеч ким ёрдам беролмаслигини билса, қотилликка яқин бормади. Ислom ҳукмининг жорий этилиши инсониятни қотиллик ташвишидан халос этади. Ҳаёт осойишта ва хотиржамлик билан ўтади.

Ҳозирда ваҳшиёна одам ўлдираётганлар қотилликка қандай журъат қиляпти?! Моддий қувватга эга, зўравон ва тажовузкор айрим миллат ё давлатлар ўзидан кўра кучсиз давлатларга бостириб киришдан, бойликларини талон-тарож қилишдан, минглаб бегуноҳ одамларни қирғин қилиб, қонини тўкишдан нима учун қўрқмаяпти?! Негаки, улар қилган жиноятлари учун жавобгар бўлмаслигини, қатл этилмаслигини яхши билади! Агар Ислom шариасти ҳаётга татбиқ этилганида, инсоният ўртасида жиноятчилик, хусусан, қотиллик бу даражада авжига минмас эди.

Ислom қотилга қасос олиш орқали ўлим муқаррар эканини эълон қилиш билан минглаб қотилликларни ва бегуноҳ қон тўкилишининг олдини олди. Бу билан қотиллик жиноятининг илдизига болта урди. Демак, қасос олиш мақсадида баъзиларни ўлдириш, бошқаларга ҳаёт баҳшида этиш демакдир. Товон тўлашга рухсат берилгани эса қотилнинг ҳаётини сақлаб қолишидан ташқари моддий манфаат келтириб турган кишининг ҳаётдан кетиши оқибатида оилада вужудга келадиган муҳтожликни қоплайди ва оиланинг тикланиб олишига ёрдам беради.

Ўтган оятдаги **қасос олиш** калимаси маърифат – таниқли ҳолатда келди. Бу оятда эса **ҳаёт** калимаси накра – таниқсиз ҳолатда келди. Бу нарса шарият ҳукмлари бутун башариятга ҳаёт инъом этишини кўрсатади.

Шариятимиз таъйин этган қасос олишнинг ҳикматини инсоният балки бошқа даврларда ҳам тушунгандир. Лекин бугунга келиб Ислomнинг адолатини мўминлар ҳам, бошқалар ҳам гоят чуқур тушунмоқда. Шариятимизнинг бундай адолатли ҳукмидан бош тортган халқларнинг боши жиноятдан чиқмай қолди.

Ислom ҳукмларини четга суриб қўйган жамиятларга бир назар солинг! Зулм ва тажовуз билан ўлдирилган кишининг хонадонига на қотил, на бошқалар тарафидан, бир моддий кўмак берилади. Қотилнинг маълум вақт маҳбус бўлишидан ҳеч бўлмаганда маънавий қониқиш ҳам ҳосил бўлмайди. Яқин кишининг, хусусан, отасининг қотилини бемалол юришини кўриш инсон ҳаётини тинимсиз беқарор қилади. Қасос олиш туйғуси уни доим безовта қилади. Бу нарсанинг таъсири авлодларига ҳам ўтади. "Отамизни қатл қилган шахснинг авлоди", деган адоват руҳидаги қарашлар узок йиллар давом этади. Қасос олишнинг шарият кўрсатган қайси бир тури жорий қилиниши билан бундай фикрлар ўша вақтдаёқ тўхтади ва ҳаёт яна ўз изига тушади.

Боқувчи ва тарбия қилувчиси ҳаётдан кўз юмган хонадон ҳаёти ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан бутунлай издан чиқиб кетади. Ундан ташқари уларда қотилга нисбатан бир умр адоват туйғуси ҳам сақланиб қолади. Қотилни ўлимдан сақлаб қолган давлатлар иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан ҳар қанча қудратга эга бўлмасин, уларда кунига юзлаб одам ўлдириш жинояти содир этиладики, оддий одамлар ҳаёти учун омонлик, хотиржамлик йўқ.

Қуръони Каримнинг қасос ҳақидаги икки ояти ҳозирда кўшлаб ҳуқуқшунослар, қонуншунослар ҳал этолмаган мураккаб масалаларни осонлик билан ҳал қилган. Қасос олиш ҳақидаги ислomий ҳукм адолат, энгиллик ва меҳр-оқибат асосига қурилган. Инсон бу ҳукмнинг ҳикматлари ҳақида тафаккур ва тадаббур қилиши лозим. Зеро, қасос олишда инсоният учун ҳаёт борлигини фақат ақлли кишиларгина англаб етади. Бинобарин, қасос ҳақидаги ҳукм, умуман, шарият ҳукмлари замон талабига мос эмас, деганларни бемалол ақлсиз деса бўлади.

Аллоҳ ^{субҳануҳу ва таъоло}нинг ҳукмлари ҳақида тафаккур қилиш инсоннинг қалбида Ундан қўрқиш, яъни тақво ҳосил бўлишига омил бўлади. Тақво эса ҳаётдаги барча эзгуликнинг қалитидир. Тақволи киши барча турдаги жиноятлардан сақланишга интилади.

كُتِبَ عَلَيْكُمْ إِذَا حَضَرَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ إِنْ تَرَكَ خَيْرًا الْوَصِيَّةَ لِلْوَالِدَيْنِ وَالْأَقْرَبِينَ بِالْمَعْرُوفِ ۗ حَقًّا عَلَى الْمُنْفِقِينَ ۗ

180. **Биронтангизга ўлим келган пайтда агар мол-мулк қолдираётган бўлса, ота-онага ва қариндошларга адолат билан васият қилиш сизларга тақводорлар зиммасидаги бурч тариқасида фарз қилинди.**

Эй иймон келтирган кишилар! Биронтангизга ўлим аломатлари ҳозир бўлиб, ортидан катта бойлик, мол-давлат қолдираётган бўлса, учдан биридан ошмаган ҳолда, бойларни риюя этиб, камбағалларни унутмасдан адолат билан ота-онаси ва қариндошларига васият қилиш фарз қилинди.

Ушбу оятга биноан ҳаётдан кўз юмаётган инсон маълум бир миқдор молу-дунёни ортда қолаётган яқинлари – ота-онаси ва қариндош-уруғларига васият қилиб кетиши фарз қилинган эди. Бироқ мерос ҳақидаги оятлар нозил бўлгач, ушбу оят мансوخ бўлган. Ислом шариати тарафидан меросга ҳақли кишилар ва уларнинг тегишли улушлари аниқ баён этилгач, меросхўрлар меросдан ўзларига тегишли қисмни олишга ҳақли бўлади, холос. Улар ҳақида васият қилиш жоиз бўлмайди. Чунки, Росулulloҳ СОҒДИЛЛОҒУ
АЛЛАҒИ ВА
САЛҒАМ қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ عَمْرٍو بْنِ خَارِجَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَعْطَى كُلَّ ذِي حَقٍّ حَقَّهُ وَلَا وَصِيَّةَ لِرِثٍ رواه النسائي

Амр ибн Хорижа РОЗИЯЛЛОҒУ
АНУ ривоят қилдилар: Росулulloҳ СОҒДИЛЛОҒУ
АЛЛАҒИ ВА
САЛҒАМ хутба қилиб, Аллоҳ ҳар бир ҳақдорга ҳақини берди. Меросхўр учун васият йўқдир дедилар. (Имом Насоий ривояти)

Демак, меросхўрга меросдан ташқари кўшимча яна бирон нарса берилишини васият қилиш мумкин эмас. Меросхўр бўлмаган кишиларга васият қилиш мумкин. Шунда ҳам васият мол-мулкнинг учдан бирига чекланади:

عَنْ سَعْدِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعُوذُنِي وَأَنَا مَرِيضٌ بِمَكَّةَ فَقُلْتُ لِي مَا لِي أَوْصِي بِمَالِي كُلِّهِ قَالَ لَا قُلْتُ فَالْشُّطْرُ قَالَ لَا قُلْتُ فَالثُّلُثُ قَالَ الثُّلُثُ وَالْثُّلُثُ كَثِيرٌ أَنْ تَدَعَ وَرَثَتَكَ أَغْنِيَاءَ خَيْرٌ مِنْ أَنْ تَدْعَهُمْ عَالَةً يَتَكَفَّفُونَ النَّاسَ فِي أَيْدِيهِمْ وَمَهْمَا أَنْفَقْتَ فَهُوَ لَكَ صَدَقَةٌ حَتَّى اللَّقْمَةَ تَرْفَعُهَا فِي فِي امْرَأَتِكَ وَلَعَلَّ اللَّهَ يَرْفَعَكَ يَنْتَفِعُ بِكَ نَاسٌ وَيُضْرَبُ بِكَ آخِرُونَ رواه البخاري

Саъд РОЗИЯЛЛОҒУ
АНУ ривоят қилдилар: Маккада бетоблигимда Пайгамбар СОҒДИЛЛОҒУ
АЛЛАҒИ ВА
САЛҒАМ мени йўқлаб келардилар. "Менинг молим бор. Молимнинг ҳаммасини садақа қилишларига васият қилай", дедим. Йўқ дедилар. Унда ярмини, дедим. Йўқ дедилар. Унда учдан бирини, дедим. Майли учдан бирини. Учдан бири ҳам кўп. Меросхўрларнинг одамлардан қўллари ила тиланадиган ҳолда камбағал қилиб қолдиришингдан кўра бой ҳолатда қолдиришинг яхшидир. Нимаики инфоқ қилсанг, ҳатто аёлингни оғзига солиб қўйган бир лукма ҳам сен учун садақадир. Шояд Аллоҳ сени дарддан халос қилса, сен туфайли одамлар фойдаланса ва бошқалар, яъни кофирлар зиён топса дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Қатода РОЗИЯЛЛОҒУ
АНУ Аллоҳ СУБАҲАҲУ
ВА ТАРҒО ота-она ва қариндошларга васият қилишга буюрди. Сўнг "Нисо" сурасидаги оят билан у бекор бўлди. Аллоҳ СУБАҲАҲУ
ВА ТАРҒО ота-онага маълум улушни белгилади. Мол-дунёдан ҳар бир меросхўрга ҳам ўз улушини белгилади. Улар учун васиятга ўрин қолмади. Мерос олмайдиган қариндошлар учун васият қилиш жоиз бўлди дедилар. (Имом Доримий ривояти)

Агар ота-она, ака-ука, опа-сингил ва фарзандлар Исломда бўлмаса мусулмоннинг мол-мулкига меросхўр бўлолмайди. Мерос тақсимоти пайтида аввал васият эгаларига ҳақлари адо қилиниб, сўнгра қолган мулк меросхўрларга бўлиб берилади.

فَمَنْ بَدَلَهُ بَعْدَ مَا سَمِعَهُ فَإِنَّمَا إِثْمُهُ عَلَى الَّذِينَ يُبَدِّلُونَهُ إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ عَلِيمٌ (181)

181. **Ким уни эшитганидан кейин ўзгартирса, унда унинг гуноҳи ўзгартираётган кимсаларга бўлади. Албатта, Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.**

Эй иймон келтирган кишилар! Васият қилувчининг васиятини эшитгандан сўнг ўзгартириш ёки васиятга бирон нарсани кўшиш ёхуд ундан бирон нарсани олиб ташлаш гуноҳдир! Бу гуноҳ васиятни ўзгартирган кимсалар бўйнига тушади! Аллоҳ СУБАҲАҲУ
ВА ТАРҒО ҳар бир нарсани Эшитгувчи ҳам Билгувчи Зотдир!

Шунга кўра вафот этган киши меросхўрларига мол-давлатидан қарзини ўтаб қўйишни тайинласа, унинг бўйнидан қарз соқит бўлади.

Васият қилувчининг васиятини фақат бир ҳолатда ўзгартиришга рухсат бор:

﴿۱۸۲﴾ فَمَنْ خَافَ مِنْ مُوسِرٍ جَنَفًا أَوْ إِثْمًا فَأَصْلَحَ بَيْنَهُمْ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ إِنَّ اللَّهَ عَفُورٌ رَحِيمٌ

182. **Ким васият қилувчидан зўрлик ё гуноҳ содир бўлишидан қўрқиб, уларнинг ораларини ислоҳ этса, унга гуноҳ йўқ. Албатта, Аллоҳ Кечиргувчи, Меҳрибондир.**

Эй мўминлар! Васият қилувчи васиятида мол-мулкнинг учдан биридан ошириб юбориш ё меросхўрлардан бирини меросдан маҳрум қилишдек хатога адашиб ёхуд қасддан йўл қўяётганини кўрдингиз. Шунда васият қилувчи билан меросхўрлар орасини ислоҳ этиш мақсадида васиятга тузатиш киритсангиз, бунда сиз учун гуноҳ йўқдир! Зотан, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} мағфират даргоҳи кенг, Меҳрибон Зотдир!

Ушбу оятга кўра васият қилувчи ўз васиятини хатолик билан ё зулм мақсадида қасддан кимгадир ўчакишиб шариат кўрсатмаларига хилоф равишда тузган бўлса, ёхуд гуноҳ ишга васият қилган бўлса, бошқа бирон киши меросхўрларнинг ўртасини ислоҳ қилиш ва томонларни ўзаро келиштириш мақсадида васиятни ўзгартирса, унга гуноҳ бўлмайди. Бинобарин, васият қилувчи ҳам васиятни тузишда зулм ва гина-кудурат каби нарсалардан йироқ бўлган ҳолда, эзгулик ва адолат тамойилларига суяниб иш кўриши лозим.

Шунингдек, бидъат маросимларни ўтказиш, мол-мулкни ношаръий ўринларга сарфлаш каби Ислом қайтарган мункар ишларга васият қилган бўлса, бундай васият бажарилмайди. Уни тузатиб, шариат кўрсатган йўсинда ўталади.

Мазкур оятлар бошқа оятлар каби ижтимоий ҳаётдаги барча икки-чикир масалаларни ҳамда чуқур мазмунларни ўз ичига олган. Уларни ҳаётга татбиқ этилмаслиги оқибатида ҳозир олам улкан муаммолар гирдобидида қолган. Ушандай оламшумул муаммоларни кўрганда шариат ҳукмларини янада теранроқ тушунамиз. Мисол учун бир инсоннинг вафотидан сўнг меросхўрлари ўртасида келиб чиқаётган жанжаллар, қариндош-уруғларнинг алоқалари узилиб, юз кўрмас бўлиб кетишидек нохуш ҳолатлар Қуръони Карим ҳукмларини ҳаётга татбиқ этмаслик оқибатида содир бўлган. Минг афсуски, халқимиз Ислом шариатининг олижаноб қонуларини билмай, уларнинг адолатидан бенаиб бўлиб ўтмоқда. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} Қуръони Карим ҳидоятини барчага, шу жумладан бахтиқаро халқимизга ҳам насиб этсин!

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ўтган оятларда қасос олиш ва васият ҳақидаги ҳукмларни баён этгач, қуйидаги оятда Исломнинг асосий руқнларидан бири бўлмиш рўза ҳақида баён қилади:

﴿۱۸۳﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

183. **Эй иймон келтирган кишилар! Сизлардан илгаригиларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди. Шояд тақволи бўлсангиз!**

Эй иймон келтирган эр ва аёллар! Сизлардан илгари ўтган пайғамбарлар ва уларнинг умматларига фарз қилингани каби сизларга ҳам Рамазон ойида рўза тутиш фарз қилинди! Рамазон ойида рўза тутинг, шояд шунда тақводорлар орасидан жой олсангиз! Рўза ибодати туфайли гуноҳлардан тийилсангиз!

Ояти кариманинг **Эй иймон келтирган кишилар** деб бошланиши рўзанинг фарзлигига эътибор бермай бепарво қараётганларга қарата "Рўза тутиш ҳаммага эмас, фақат иймон келтирган кишиларга фарз қилинган!" дегандек бўлмоқда. Рўза тутишга қодир бўла туриб "Рўза тутсам, оч қолиб, ҳолдан тойиб, қийналиб кетарканман", деган кимса билсинки, бу нидо унга эмас! Бу нидо рўза тутишга бепарво бўлганлар иймон келтирган кишилар сафида эмаслигига ишора қилмоқда. Зотан, яшаш, насл қолдириш, ўлиш каби сифатларда барча инсон, ҳатто ҳайвон ҳам муштаракдир. Аммо иймон сифати фақат Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ни Тарбиятқунанда деб, фақат Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ни тўғри йўлга бошловчи пайғамбар, деб эътикод қилган кишига хосдир.

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} мўмин бандаларига Рамазон ойида рўза тутишни фарз қилди. Рўза тутиш Мадинаи Мунавварада ҳижратнинг иккинчи йилида жиҳод фарз қилинишидан сал илгари фарз бўлди. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} рўза фарз қилинганидан сўнг тўккиз йил ўтгач вафот қилдилар.

Ислом умматини Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нинг йўлидаги қийинчилик ва машаққатларга ҳозирлаш, хусусан, жиҳод пайтида бўладиган очлик ва ташналикларга чидамли қилиб тарбиялаш, энг муҳими тақво сифатини қўлга киритишлари учун Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} мусулмонларга рўза сабоғини берди. Рўзадор Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нинг амрига кўра жасад талаб қиладиган лаззатларни вақтинча тарк қилади. Кундузи ейиш ва ичишдан, турмуш ўртоғи билан яқинлик қилишдан тийилади. Бу нарса мўминнинг

қалбига Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг назоратини ўрнатади. "Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} мени кўриб турибди", деган туйғу тақволи рўзадорни камолот сари етаклайди. Рўза билан ҳақиқий тарбияланган қалб эгаси гуноҳлардан ҳамиша узоқ бўлишга ҳаракат қилади.

Исломда муҳим воқеалар Рамазон билан боғланган. Мисол учун, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Рамазон ойида Қуръони Каримни нозил эта бошлаган. Мусулмонларнинг кўли баланд келган Бадр жанги Рамазон ойида бўлган. Исломнинг ғурбати ниҳоя топиб, Арабистон яриморотида ширк салтанатининг заволига олиб келган Маккаи Мукаррама фатҳи Рамазон ойида бўлган. Қаранги, Ислом тарихидаги муҳим жанглар айна Рамазон ойида бўлиб ўтганидан сабоқ чиқариш тугул, бугун биз мусулмонлардан жиҳод тушунчаси, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлидаги ҳаракат руҳи йўқолиб бормокда!

Рамазон – Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам}нинг шаҳодатлари билан ўзгача ойдир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ شَهْرُ رَمَضَانَ فَتُحَتُّ أَبْوَابُ السَّمَاءِ وَغُلِقَتْ أَبْوَابُ جَهَنَّمَ وَسُلِسَتْ الشَّيَاطِينُ ﴿١﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розияллоху аниху} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} агар Рамазон ойи кирса, осмон дарвозалари очилади, жаҳаннам дарвозалари эса ёпилади ва шайтонлар занжирбанд қилинади дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

الصيام – "Рўза тутиш" сўзи луғатда тийилиш, шариат истилоҳида Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг амрига итоат этган ҳолда, Унга яқинлик ҳосил қилиш умидида холис ният билан қамарий ҳисоб бўйича бир ой мобайнида сабоҳдан кўёш ботгунга қадар емок, ичмок ва жинсий яқинликдан тийилиш маъносини билдиради.

Рўза тутиш – балоғатга етган, ақли, муқим, рўза тутишга қодир ҳар бир мусулмон эр ва аёл учун фарз бўлган Исломнинг тўртинчи рукнидир. Шариат ружат қилган ҳолатдан ташқари амали, мансаби ёки яна бошқа бир нарсани баҳона қилиб, инкор этган ҳолда қасдан рўза тутмаган кимса, шубҳасиз, кофирдир. Агар рўзанинг фарзлигини инкор этса, Қуръони Карим ояти ила собит бўлган рукни инкор этгани учун кофир бўлади ва тавба қилмаса, ўлдирилади.

Рамазон ойининг қачондан бошланишини олдиндан ҳеч ким айтолмайди. Чунки бу ғайб масаласидир. Демак, илгаридан фалон куни рўза тутилади, деб эълон қилиш ҳатодир. Ҳилолнинг кўрилганига қарамай олдиндан чиқарилган тақвимларга ё кўпчиликка суяниб рўза тутмаслик ё тамомламаслик ёки ой кўрилгани ҳақидаги ишончли маълумотга суянмасдан Рамазон рўзасини бошламок шариатга зиддир. Чунки Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} бу хусусда қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ صُومُوا لِرُؤْيَيْهِ وَأَفْطِرُوا لِرُؤْيَيْهِ فَإِنْ غَيَّبَ عَلَيْكُمْ فَأَكْمَلُوا عِدَّةَ شَعْبَانَ ثَلَاثِينَ ﴿٢﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розияллоху аниху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар ^{соллаллоху алайхи ва саллам} уни, яъни ойни кўриб рўза тутинглари, уни кўриб рўзадан чиқинглари. Агар сизларга ой булут ила қопланса, унда Шайбонни ўттиз қилиб тўлдиришлари дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Имом Абу Ханифа, Имом Аҳмад ва Имом Молик ^{роҳимахуллоху}лар "Бир диёрда ой кўриниши билан бошқа диёрдагилар ҳам ўзлари ойни кўрмаган бўлса-да, рўза тутишлари лозим", дейдилар. Аммо Имом Шофиий ^{роҳимахуллоху} "Ҳар бир диёр ойни ўзи кўриб рўза тутиши керак. Ойни бошқа диёр аҳлининг кўргани кифоя эмас", деганлар.

Шунга кўра, Рамазон ойи ҳилолни кўриш билан бошланади. Шайбон ойининг ҳилолини кўриш билан ниҳоя топади. Рамазон рўзаси тонг отишидан илгари саҳарлик қилиш билан бошланади:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَسَحَّرُوا فَإِنَّ فِي السَّحُورِ بَرَكَةً ﴿٣﴾ رواه البخاري

Анас ибн Молик ^{розияллоху аниху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар ^{соллаллоху алайхи ва саллам} саҳарлик қилишлари! Чунки, саҳарлик қилишда барака бор дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

"Наҳотки, саҳарлик қилишга ҳам буюриш керак бўлса", деган фикр қилиши мумкин. Ҳа! Ҳар ким ҳам уйқудан қолиб, тонг саҳарда туриб, таомланавермайди. Бунинг учун инсонга иймон ва ихлос керак. Қолаверса, аҳли китоблар ётишдан олдин тўйиб ётишар ва саҳарликка туришмас

эди. Росулulloх <sup>СОЛДУЛЛОХУ
АЛАХУ ОДА
САЛАМ</sup> ўшаларга ўхшаб қолишдан огоҳ этиб, қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ فَصَلُّ مَا بَيْنَ صِيَامِنَا وَصِيَامِ أَهْلِ الْكِتَابِ أَكَلَةُ السَّحَرِ ^{رواه مسلم}

Амр ибн ал-Ъос <sup>РОЗЯЛЛОХУ
АХУ</sup> ривоят қилдилар: *Росулulloх* <sup>СОЛДУЛЛОХУ
АЛАХУ ОДА
САЛАМ</sup> **бизнинг рўзамиз билан аҳли китобларнинг рўзаси орасидаги фарқ – саҳарликни ейишдир дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Қасддан емоқ, ичмоқ, жимоъ, манийнинг шаҳват билан чиқиши, қон олдириш, бировга қон бериш, ҳайз ва нифос қонининг келиши, шунингдек, инсонга озуқа бўлиб, ейиш-ичишдан беҳожат қиладиган дори-дармонларни нина орқали томир ё мушакларга юбориш рўзани бузади. Қувват бермайдиган дори-дармонлар нина орқали юборилса, рўза бузилмайди. Шунингдек, рўзадор сурма қўйиши хушбўйланиши, ҳамда мисвок ишлатиши мумкин. Бироқ Имом Шофиъий <sup>РОЗЯМА
ХУЛЛОХ</sup> рўзадорнинг оғзидаги бўйни кетказиб қўймаслик учун қариқ санаганлар. Қўз ё қулоққа дори томизиш, нафас бўғилиши дардига чалинган беморлар ишлатадиган пуркагичлар, буруннинг қонаши, ташхис учун олинган қон, милқдан чиққан қон ё тиш олдириш ҳам рўзани бузмайди. Аммо қон ютишдан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Қасддан қусган одамнинг рўзаси бузилади. Қасддан бўлмаса, рўза бузилмайди:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَنْ ذَرَعَهُ الْقَيْءُ فَلَيْسَ عَلَيْهِ قَضَاءٌ وَمَنْ اسْتَقَاءَ عَمْدًا فَلَيْقُضْ ^{رواه الترمذي}

Абу Хурайра <sup>РОЗЯЛЛОХУ
АХУ</sup> ривоят қилдилар: *Пайгамбар* <sup>СОЛДУЛЛОХУ
АЛАХУ ОДА
САЛАМ</sup> **Кимга қусуқ голиб келса, унга рўзасининг қазоси йўқ. Ким қасдан қайт қилса, унда рўзасининг қазосини тутсин дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Унутган ҳолда бирон нарсани еган ё ичган рўзадорнинг рўзаси ҳам бузилмайди:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا نَسِيَ فَأَكَلَ وَشَرِبَ فَلَيْتَمَّ صَوْمَهُ فَإِنَّمَا أُطْعَمَهُ اللَّهُ وَسَقَاهُ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра <sup>РОЗЯЛЛОХУ
АХУ</sup> ривоят қилдилар: *Пайгамбар* <sup>СОЛДУЛЛОХУ
АЛАХУ ОДА
САЛАМ</sup> **ким унутиб, таом еса, ичса, рўзасини охиригача етказсин! Чунки, уни Аллоҳ едирибди, ичирибди дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Аммо рўзани қасддан бузиш катта гуноҳдир. Бундай гуноҳга қўл урган кимса қаттиқ тавба қилиб, муслима чўрини озод қилиш, кодир бўлмаса, олтмиш кун рўза тутиш, кодир бўлмаса, олтмишта мискинни тўйдириш йўли билан каффорот тўлаши лозим.

Маълумки, рўза тутиш аҳли китобларга ҳам фарз қилинган. Лекин Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАЪОЛУ</sup>нинг рўза ҳақидаги ҳукмини яҳудлар ҳам, насоролар ҳам ўзгартирган. Яҳудлар йилда фақат бир кун – Ошуро, яъни Фиръавн чўктирилган кунда рўза тутиш фарз, деб билади. Насоролар эса рўзани эллик кунга қадар зиёда қилади. Иссиқ кунларда рўза тутишнинг оғирлигини рўкач қилиб, уни баҳорга кўчиришган.

Рўзанинг фақат биз мусулмонларгагина эмас, балки башарият қарвонида ўтган барча умматларга, Исломдан аввалги динлар аҳлига ҳам фарз қилинганини билишимиз биздан унинг баъзи қийинчилик ва машаққатларини қисман бўлса-да енгилтатади. Дарҳақиқат, қийинчилик жамоанинг баъзи аъзоларига чекланган бўлса, машаққатли амал бўлиб кўринади. Аммо бутун жамоа машаққатда шерик бўлса, унинг қийинчилиги қисман енгилроқ туюлади. Қолаверса, рўза тутиш Ислом умматини ўтган умматларга бевосита боғлайди. Чунончи, ўтган умматларга ҳам рўза тутиш фарз бўлгани Одам <sup>АЛАЙХИС
САЛАМ</sup> дан бошлаб то бизга қадар юборилган самовий динларнинг манбаи, негизи ва мақсади бир эканини кўрсатади. Негаки, рўза тутиш ўтган динларнинг ҳам асосий рўкнларидан бўлган. Демак, рўза тутиш ўтган пайгамбарлар ва солиҳ кишиларга ҳам фарз бўлганини билган мусулмон киши Рамазон ойининг келаётгани билан шоду хуррам бўлади. Рўза тутиш билан ўтган солиҳлар қарвонига қўшилаётганидан бахтиёр бўлади.

Бундан ташқари рўза Исломдан бошқа ҳеч қайси тузум, ҳеч қайси низом, ҳеч қайси давлат амалда кўрсатолмаган ижтимоий бирлик ва тенгликни ифода этади. Бой ё камбағал, мансабдор ёки оддий инсон учун бир хил қоида. Ҳамма бир вақтда ейиш-ичишни тўхтатади ва бир вақтда

ифтор қилади. Давлатманд ё мансабдор кишига, умуман ҳеч кимга саҳарликни вақтидан кечиктириш ёки вақтидан олдин ифтор қилиш мумкин эмас.

Киши рўза тутаркан, оч ва ночор, камбағал биродарининг ҳолатини бошидан ўтказиб яқиндан ҳис этади. Чунки, камбағалларнинг дардини эшитиш уларнинг қийинчиликларини англаб етиш дегани эмас. Чунончи, уловдаги киши пиёданинг машаққатини пиёда юрибгина ҳис этгани каби мўмин киши рўза тутиб очлик азобини тушуниб этади. Бу нарса унинг қалбида меҳр-мурувват, моддий кўмак кўрсатиш иштиёқини уйғотади. Ривоят қилинишича, Юсуф ^{алайҳис-салом} кўп нафл рўза тутарканлар. "Ер хазиналари кўл остингизда бўла туриб ҳам оч юрасизми?" деганларида ул зот "Тўқ юрсам, очларни унутиб қўйишдан қўрқаман", деб жавоб қилган эканлар. Абдуллоҳ ибн Умар ^{розияллоҳу аанҳу} бирон егим ёки мискин бўлмаса, ифторлик қилмас эканлар.

Мўминнинг қалбида такво мамлакатини қурадиган энг муҳим омиллардан бири, шубҳасиз, рўзадир. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бизни қорнимиз оч, ташна ҳолда қийналиб юришимиз учун ё жазолаш мақсадида рўза тутишга буюрган эмас. Лекин, ҳаётда шундай қийинчиликларга дучор бўлиш мумкинки, такво сифатига эга бўлмаганлар бу қийинчилик ва машаққатлардан ўтолмайди. Такволи киши эса ҳаётда ўз мувозанатини йўқотмайди. Рўза тутишнинг таквога эришишда ёрдам беришини билишимиз биздан рўзанинг қийинчилигини янада енгиллатади.

Демак, рўза тутишдан кўзланган асосий мақсад маълум бир вақт оч юриш эмас, балки қалбни тарбиялаш, таквони ҳосил қилишдир. Таквони қалбига ўрнатган киши ўзини ҳамавақт гуноҳ ва мункар ишлардан тияди. Ўшандай таквони ҳосил қилган рўзадорнинг Қиёмат кунги мукофотига ҳавас қилса арзийди:

عَنْ سَهْلِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ فِي الْجَنَّةِ بَابًا يُقَالُ لَهُ الرَّيَّانُ يَدْخُلُ مِنْهُ الصَّائِمُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا يَدْخُلُ مِنْهُ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ يُقَالُ أَيْنَ الصَّائِمُونَ فَيَقُومُونَ لَا يَدْخُلُ مِنْهُ أَحَدٌ غَيْرُهُمْ فَإِذَا دَخَلُوا أُغْلِقَ فَلَمْ يَدْخُلْ مِنْهُ أَحَدٌ ^{رواه البخاري}

Саҳл ибн Саъд ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: **Пайгамбар** ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллим} жаннатда «Райён» дейиладиган дарвоза бор. Ундан Қиёмат куни рўзадорларгина киради. Улардан бошқа ҳеч ким ундан кирмайди. "Рўзадорлар қани?" дейилади. Шунда ўринларидан турадилар. Улардан бошқа ҳеч ким ундан кирмайди. Кириб бўлишгач, беркитилади. Ундан ҳеч ким киролмайди *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Кўпчилик рўзада емоқ-ичмоқдан тийиладую гийбат, сўқиниш, ёлғон каби разил иллатлардан тийилмайди. Холбуки, рўза тутиб, ўзини гийбат, ёлғон, сўқиниш ва бефойда гап-сўзлардан тиймасдан юрган рўзадорларга қорнининг оч юришидан ҳеч қандай манфаат йўқ. Чунончи, Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллим} қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ لَمْ يَدَعْ قَوْلَ الزُّورِ وَالْعَمَلَ بِهِ فَلَيْسَ لِلَّهِ حَاجَةٌ فِي أَنْ يَدَعَ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: **Росулulloҳ** ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллим} **ким ёлғон сўзни ва унга амал қилишни қўймаса, емоқ ва ичмоқни тарк этишида Аллоҳга ҳожат йўқ** *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Агар бирон жохил кимса рўзадор билан жанжаллашса, "Мен эрта тонгда Раббимга нафсимни жиловлайман, гуноҳлардан йироқ бўламан. Жанжал қилмайман, сўқинмайман, беҳуда гапларни гапирмайман", деб аҳд бердим, дейиши лозим.

Имом Куртубий ^{роҳима-хуллоҳ} "Бу қилмишларни Рамазондан бошқа пайтда қилиш жоиз, деб тушунмаслик керак. Улардан ҳар доим четланиш лозим. Рамазонда эса тамоман яқинига бормаслик даркор", деганлар.

Ҳаётда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} фарз қилган рўзани назар-писанд қилмайдиган, Рамазон кунларида тап тортмай ҳамманинг кўз ўнгида ҳаёсизларча овқатланаверадиган кимсалар ҳозирда бисёр. Улар бундай қилмишлари билан "Эй одамлар! Сизлар бизни адашиб мусулмон деб юрманг! Бизнинг мусулмон эмаслигимни билиб қўйинг! Мабодо ўлсак, жаноза ўқиб юрманг! Мусулмонлар қабристонига кўмиб ҳам юрманг!" деган бўлади. Имом Заҳабий ^{роҳима-хуллоҳ} "Мусулмонлар ўртасида бирон кимса сабабсиз рўза тутмаса, у ароқхўр ва зинокордан ҳам ёмон", деган гап кенг тарқалган ва бундай кимсани мусулмон деб ҳисобланмаган деганлар. Шайх-ул-Ислоҳ Ибн Таймийя ^{роҳима-хуллоҳ} Рамазон ойида сабабсиз рўза тутмаган ва бундай қилмишни жоиз деган кимсани

ўлдилинглар! Агар ҳаромлигига ишонсаю рўза тутмаса, жазоланглар! деганлар¹. Мансабини, ишини баҳона қилиб, намоз ўқимасдан, рўза тутмасдан кофир ҳолда ўлган бундай кимсаларга жаноза ўқимаслик, мусулмонлар қабристонига дафн қилмаслик керак! Ўшаларга аталган “аҳсон”ларда иштирок этмаслик, уларга бағишлаб Қуръон ўқиб, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг оятларини хорламаслик лозим!

Ҳозирга келиб ғаройиб бир рўзадорлар пайдо бўлган. Улар намоз, закот каби Ислонинг асосий, муҳим рукнларига амал қилишмайди. Ибодат майдонида уларни кўрмайсиз. Бироқ “рўза тутишади”. Хўш, бундай “рўзадорлар”га савоб борми? Қиёмат куни ваъда қилинган мукофотларга улар ҳам эришадими? Жавоб шуки, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳар қандай инсоннинг савоб умидида қилган амалини қатъий уч шарт: иймон, ихлос ҳамда Китобу Суннатга мувофиқ бўлган ҳолдагина қабул қилади ва Охират куни ажр беради. Табиийки, бундай “рўзадорлар”ларнинг тўтган “рўза”си мазкур икки шартга мувофиқ эмас. Бундайларнинг “рўза тутиши” шариатнинг бир рукнига “амал қилиб”, бошқаларини тарк қилиш, уларга кофир бўлиш ёхуд мазах қилиш, деб баҳоланади. Қолаверса, Қуръони Карим ва саҳиҳ Суннатга асосланган қўплаб далиллар бенамоз кимсанинг кофир эканини кўрсатади:

﴿فَإِنْ تَابُوا وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ فَإِخْوَانُكُمْ فِي الدِّينِ﴾ ^{التوبة: 11}

Агар тавба қилсалар, намозни барпо қилсалар, закотни берсалар, ўшанда динда сизларнинг биродарларингиздир! (Тавба сураси, 11 – оят)

Демак, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} буюрган фарз амал, деган эътиқод билан рўза тутмаган рўзадорлар савобга эга бўлмайди. Росулulloҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} ҳам қуйидаги ҳадисда рўза учун бериладиган мукофотни иймон ва эътиқодга боғлаганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розиллоху анху} ривоят қилдилар: **Росулulloҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} ким Рамазонда иймон ва эътиқод билан рўза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Баъзилар йилда бир марта Рамазон ойида “мусулмон” бўлади. Йилда бир ой тарових намозларига қатнашадиганлар ҳам бор. Лекин Рамазон ойи тугаши билан уларнинг “мусулмон”лиги ҳам тугайди. Яна гуноҳлар уммонига ғарқ бўлиб кетишади. Рамазонда рўза тутиб, бир ой “мусулмон” бўлиб, сўнг йилнинг қолган пайтида билганини қилаверадиган, Рамазондан бошқа пайтда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ни танимайдиган бунақанги бахтиқаро “рўзадорлар”нинг бекордан оч юргани қолади, холос. Улар дунёда тутган рўзаларидан Охиратда наф ололмайди. Рамазондан бошқа пайтда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ни танимай, нафс-ҳаво ва шайтонга қул бўлганларнинг оқибати нақадар ёмондир!

"Соғлиқка фойдаси бор", деган ният билан рўза тутган кимсага ҳам Охиратда савоб йўқ. "Таниш-билишларим, ошна-оғайниларим, оиладагилар ҳаммаси рўза тутмоқда. Мен ҳам тутмасам бўлмайди. Рўза тутмасам маҳаллада ифторликка киришдан уялиб қоламан", деган андиша ундовида рўза тутган кимсага Қиёматда ҳеч қандай ажр йўқ.

Намоз ўқимай рўза тутадиган ёки фақат Рамазон ойидагина намоз ўқиб, рўза тутадиганларни ҳам Ислон олқишлайди. Уларга диннинг ҳеч бўлмаганда битта рукнини, лоақал, йилда бир ой бўлса ҳам адо қилиш бахти муборак бўлсин! Ислон шариати дарвозаси томон қўйган қадамлари мустаҳкам бўлсин! Залолатдан ҳидоят томон қўйган қадамлари рост бўлсин! Бироқ Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} мусулмон кишига буюрган фарз амалларни тўла қоим қилмас экан, ҳеч кимнинг иймони бут бўлмайди! Намоз, закот, рўза каби Ислоннинг асосий рукнларини тўла бажармаганнинг дини мукамал бўлмайди! Зотан, Ислон Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га тўлиқ таслим бўлиш ва Росулulloҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} олиб келган шариатга тўла итоат қилиш билан комил бўлади. Ушбу ҳақиқат олдида ҳамма бўйин эгиши, шариат талабларини тўла-тўқис бажариши шарт!

Инсоннинг тўғри йўлдан адашиб, шайтон кўйига кириб кетишида асосан икки нарса: моддий нарсаларга интилиш ва шаҳвоний истаклар сабаб бўлади. Одамзод ейиш-ичиш ва шаҳвоний истакларини қондириш йўлида гуноҳларга қўл уради. Лекин Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га ҳақиқий банд бўлиши учун инсон ўз эҳтиросларига қул бўлмаслиги, нафақат жасади, балки руҳи ва истаклари ҳам шариатга бўйсунмоғи керак. Масалан, Ислон закотни тайин этиш билан мўмин кишининг

¹ Шайх-ул-Ислон Ибн Таймийянинг «Мажмуъул фатава» китобидан

қалбини дунёга бўлган муҳаббатдан халос қилди. Шунга ўхшаш инсоннинг қорни оч бўлса, тили, кўзи, қўли, умуман барча аъзолари очликни ҳис этади. Рўза эҳтиросларни тийишда, нафсни жиловлашда, шайтонни енгишда, ўзини ўзи бошқаришда инсонга катта ёрдам беради. Ҳавоий-нафси, қорни ва шаҳватига қул бўлган кимса қаердаю нафсини жиловлаган, иймонига бўйсундирган киши қаерда!

Демак, инсоннинг маънавий камолотга эришмоғи учун нафс истакларини жиловлашда рўзанинг аҳамияти бекиёсдир. Чунки, рўза тутиш инсонни шайтон йўлларига юришдан тўсади. Нафс-ҳаво ва қорин талабларини жиловлашга ёрдам беради, хоҳиш-истакларга қул бўлишдан сақлайди. Қалбида меҳр-шафқат туйғуларини уйғотиб, руҳиятини поклайди ва мўътадилликка, эвидаликка ўргатади. Ошкор ва махфий ҳолатда Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}дан кўркишга одатлантиради. Эҳсонкор, юмшоқ феъл, қалби пок, меҳр-оқибатли кишига айлантиради. Мана шундай рўзадорни Қиёмат куни Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг Ўзи мукофотлайди:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اللَّهُ كُلُّ عَمَلٍ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصِّيَامَ فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ وَالصِّيَامُ جُنَّةٌ وَإِذَا كَانَ يَوْمَ صَوْمِ أَحَدِكُمْ فَلَا يَرْفُثُ وَلَا يَصْنَعُ فَإِنْ سَابَهُ أَحَدٌ أَوْ قَاتَلَهُ فَلْيَقُلْ إِنِّي أَمْرٌ صَائِمٌ وَالَّذِي نَفْسُ مُحَمَّدٍ بِيَدِهِ لَخُلُوفُ فَمِ الصَّائِمِ أَطْيَبُ عِنْدَ اللَّهِ مِنْ رِيحِ الْمَسْكِ لِلصَّائِمِ فَرْحَتَانِ يَفْرَحُهُمَا إِذَا أَفْطَرَ فَرِحَ وَإِذَا لَقِيَ رَبَّهُ فَرِحَ بِصَوْمِهِ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоху аанху} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{саллаллоху алайхи ва саллам} Аллоҳ "Одам боласининг барча амали ўзи учундир. Магар рўза Мен учун ва Мен у билан мукофотлайман", деди. Рўза дўзахдан тўсувчи қалқондир. Агар биронтангизнинг рўза тутган куни бўлса, сўкинмасин ва шовқин-сурон қилмасин. Агар биронтаси уни сўкса ёки уришса, "Мен рўза тутган кишиман", десин. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, рўзадор оғзининг бўйи Аллоҳнинг наздида мушкнинг бўйидан ҳам хушбўйроқдир. Рўзадор учун улар билан хурсанд бўладиган икки хурсандлик бор. Ифтор қилганда хурсанд бўлади. Раббига йўликқанда рўза тутгани сабабли хурсанд бўлади *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Муҳаддис уламолар юқорида зикр қилинган рўзадан мақсад ҳам сўзда, ҳам феълда гуноҳлардан тийилган кишининг рўзаси эканига иттифоқ қилган ҳолда "Магар рўза Мен учун ва Мен у билан мукофотлайман", иборасига қуйидаги изоҳларни билдирганлар:

1) Рўза ибодати бошқа амаллар каби зоҳирда кўринмайди. У фақат қалба бўлади. Шунинг учун унда риё бўлмайди.

2) **Мен у билан мукофотлайман**", дегани "Рўзанинг савоби қандай бўлишини Мен Ўзим биламан", деган маънони ҳам англатади. Чунончи, бошқа баъзи ибодатларнинг савоби бандаларга аён.

3) Рўзанинг Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га нисбат берилишининг яна бир сабаби шуки, рўза фақат Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} учун тутилади. Бошқа амалларни Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}га ширк келтирган ҳолда Ундан ўзгага ҳам қилиш мумкин.

Шу ўринда Рамазон ойида мусулмонлар орасида, хусусан, бизнинг диёрларимизда учрайдиган айрим мункар ҳолатлар ҳақида тўхталсак. Баъзи рўзадорлар саҳарликни вақтидан олдинроқ тўхтатиб, ифторни вақтидан таъхир қилади ва бошқаларни ҳам шунга мажбурлайди. Бу билан шом намозининг вақти ҳам орқага сурилади. Ҳеч бўлмаганда Рамазонда Суннатга мувофиқ иш юритилмайди. Бундай қилмишлар "Савоби кўпроқ бўлади", деб изоҳланади. Шундай йўл тутмаган кишиларни маломат ҳам қилинади. Холбуки, *Росулуллоҳ* ^{саллаллоху алайхи ва саллам} қуйидаги ҳадисларда бошқача йўлланма бердилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَزَالُ الدِّينُ ظَاهِرًا مَا عَجَلَ النَّاسُ الْفِطْرَ لِأَنَّ الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى يُؤَخَّرُونَ ^{رواه أبو داود}

Абу Хурайра ^{розияллоху аанху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{саллаллоху алайхи ва саллам} **модомики одамлар ифторни тезлатишаркан, Ислом дини ғолиб бўлишда**¹ **давом этади. Чунки, яхуд ва насоролар ифторни кечиктиришади** *дедилар*. (Абу Довуд ривояти. Носируддин Албоний ҳасан, деганлар)

¹ Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг ривоятларида **Одамлар ифторликни тезлатишса, мудом яхшилик узра бўладилар** деб келтирилган.

Молик ибн Омир ^{роҳима-хулоқ} мен ва Масруқ Ойша ^{розияллоҳу анҳо}нинг олдига кириб "Эй мўминлар онаси! Муҳаммад ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг саҳобаларидан икки киши бор. Бири ифторни ва намозни тезлатади. Бошқаси ифторни ва намозни кечиктиради", дедик. Ойша ^{розияллоҳу анҳо} "Ифторни ва намозни тезлатадигани қайсиниси", дедилар. "Абдуллоҳ ибн Масъуд", дедик. Ойша ^{розияллоҳу анҳо} Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} шундай қилардилар, дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Демак, таквони мақсад қилган рўзадор саҳарликни Аллоҳ ^{субҳонаху ва тиболо} рухсат қилган вақтгача олиб бориши, Раббиси рухсат қилган пайт кириши билан ифторликни бошлаши, жоҳилларнинг маломатига эътибор бермаслиги даркор. Барча ибодати, хусусан, рўза ибодати Суннатга мувофиқ бўлишига ҳаракат қилиши керак.

Мўмин киши фарздан ташқари душанба-пайшанба кун, Шаввол ойидан олти кун, Ашуро кун, қамарий ойларнинг 13, 14 ва 15 – кунлари, Зул-Ҳижжа ойининг тўққизинчи кун тутиш суннат бўлган нафл рўзаларга ҳам иштиёкманд бўлиши керак. Чунки, Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} нафл рўзанинг савоби нақадар улуғ эканини куйидаги ҳадисларда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مُرْنِي بِأَمْرٍ يَنْفَعُنِي اللَّهُ بِهِ قَالَ عَلَيْكَ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَا مِثْلَ لَهُ ^{رواه النسائي}

Абу Умома ^{розияллоҳу анҳо} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг олдида келиб "Эй Росулulloҳ! Мени Аллоҳ у билан фойдалантирадиган ишга буюринг", дедим. Ўзингга рўзани лозим тутгин. Чунки, унинг савобда тенгги йўқ дедилар. (Имом Насоий ривояти)

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ صَامَ يَوْمًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ بَعَدَ اللَّهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ سَبْعِينَ خَرِيفًا ^{رواه البخاري}

Абу Саид ал-Худрий ^{розияллоҳу анҳо} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} ким Аллоҳнинг йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзини дўзахдан етмиш йилга узоқлатади деганларини эшитдим дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Агар Аллоҳ ^{субҳонаху ва тиболо}нинг ризоси умидида тутилган бир кунлик рўза рўзадорнинг юзини дўзахдан етмиш йилга узоқлатса, бир ой тутилган рўзанинг мусулмон учун нақадар улуғ бахт эканини билиш қийин эмас.

Ўтган художўй обид кишилардан Ҳасан ибн Солиҳ ^{роҳима-хулоқ}нинг бир жориялари бўлиб, уни бир кишига сотдилар. Сотиб олган киши уйига олиб борди. Кеча яримлаганидан сўнг жория ўрнидан туриб "Вақти намоз!" дея ҳаммани уйғота бошлади. Ҳамма шоша-пиша "Бомдод вақти бўлдимми?" деди. Шунда жория "Нима, сизлар фарзлардан бошқа намоз ўқимайсизларми?!" дея таажжубланди. Тонг ёришгач, Ҳасан ибн Солиҳ ^{роҳима-хулоқ}нинг олдига бориб, "Сиз мени фарзлардан бошқа нафл ибодатларга бепарво бўлган офиятсиз қавмга сотибсиз! Мени қайтариб олинг", деб туриб олди.

Баъзи кунлар борки, унда рўза тутган киши гуноҳкор бўлади. Бу кунларнинг бири жума кунидир. Жума кунини хослаб рўза тутишдан қайтарилган:

عَنْ جُوَيْرِيَةَ بِنْتِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ دَخَلَ عَلَيْهَا يَوْمَ الْجُمُعَةِ وَهِيَ صَائِمَةٌ فَقَالَ أَصُمْتَ أَمْسِ قَالَتْ لَا قَالَ تُرِيدِينَ أَنْ تَصُومِي غَدًا قَالَتْ لَا قَالَ فَأَفْطِرِي ^{رواه البخاري}

Жувайрия бинт ал-Хорис ^{розияллоҳу анҳо} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} жума кун кирдилар. Жувайрия рўзадор эдилар. Шунда кеча рўза тутдингизми? дедилар. "Йўқ", дедилар. Эртага рўза тутишни истайсизми? дедилар. "Йўқ", дедилар. Ундай бўлса, рўзангизни очинг дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا يَصُومَنَّ أَحَدُكُمْ يَوْمَ الْجُمُعَةِ إِلَّا يَوْمًا قَبْلَهُ أَوْ بَعْدَهُ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоҳу анҳо} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг сизларнинг биронтангиз жума кун рўза тутмасин. Магар бир кун олдин ё бир кун кейин кўшиб тутса, жоиз деганларини эшитдим дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Жобир ^{розияллоху ану} Пайгамбар ^{солдавоқу алайхи ва саллам} жума кунини хослаб рўза тутишдан қайтардилар дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Икки ҳайит кунлари ҳам рўза тутишдан қайтарилган: Саъд ибн Убайд ^{роҳима-хуллоқ} Умар ибн Хаттоб ^{розияллоху ану} билан ийд кунини бирга бўлдим. Ҳанда "Бу Росулulloх ^{солдавоқу алайхи ва саллам} рўза тутишдан қайтарган икки куннинг биридир. Биринчиси рўзаларингизни очадиган кунингиз. Кейингиси унда қурбонликларингиздан ейдиган кундир, дедилар. Абдуллох ибн Умар ^{розияллоху ану} Ташириқ кунлари ҳажада қурбонликка қодир бўлмаган кишидан бошқага рўза тутиши рухсат қилинган эмас дедилар. (Имом Бухорий ривоятлари)

Шанба кунини хослаб рўза тутишдан, шунингдек, ҳар куни рўза тутишдан ва ўткарма рўзадан ҳам қайтарилган. Бундан ташқари шак кунлари ҳам рўза тутиш мумкин эмас:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا يَتَقَدَّمَنَّ أَحَدُكُمْ رَمَضَانَ بِصَوْمٍ يَوْمٍ أَوْ يَوْمَيْنِ إِلَّا أَنْ يَكُونَ رَجُلٌ كَانَ يَصُومُ صَوْمَهُ فَلْيَصُمْ ذَلِكَ الْيَوْمَ ^{رواه البخاري}

Абу Ҳурайра ^{розияллоху ану} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{солдавоқу алайхи ва саллам} ҳеч қайсингиз Рамазон ойига бир ё икки кун рўза тутиб келмасин. Магар киши рўза тутаётган бўлса, унда ўша куни рўза тутаверсин¹ дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Рўза тутишда инсон учун кўплаб фойда ва ҳикматлар бор. Бир вақтлар Исломига ғараз ила қараганлар "Рўза тутиш инсон саломатлиги учун зарар", деган фикрни илгари сурди. Қизиқки, бу фикрни илмий жиҳатдан исботлашга ҳам уриниб кўришди. Бироқ ҳеч қанча вақт ўтмай тиббиёт фани рўза тутишнинг инсон саломатлиги учун бекиёс манфаат келтиришини исботлади. Ҳаттоки, тиббиётда очлик билан даволаш йўналиши пайдо бўлди. Бу йўналиш баъзи бир сурункали касалликларни даволашда энг муваффақиятли усул деб тан олинди. Рўза тутган инсонда озқани ҳазм қилишга кетадиган қуввати танада тўпланган туз ва турли хил заҳарни, хусусан, саноат ишлаб чиқараётган заҳарли моддалар ҳамда тикилмаларни ҳайдаб чиқаришга сарфланиши ва танада ўзига хос тозаланиш жараёни бўлиб ўтиши тиббий жиҳатдан аниқланди. Тиббиётнинг аниқлашича инсоннинг еган овқати унинг танасида ўн метрдан зиёдрок масофани босиб ўтади ва шу жараёнда парчаланadi, ҳазм бўлади. Ҳазм қилишдаги асосий вазифалардан бири жигарга юкланган. Шундай экан, жигар 24 соат мобайнида тинмай энг оғир вазифалардан бирини бажаради. Рўза тутганда жигар вазифаси қисман енгиллашади ва бир оз дам олишга имкон туғилади. Бундан ташқари рўза оғиз, сўлак безлари, хусусан, энг нозик аъзолардан бири бўлмиш овқат ютиш найи – қизилўнгач учун ҳам бир оз дам олиш фурсатини беради. Буйрак, юрак, ўпка, ўт каби муҳим аъзолар фаолияти яхшиланади.

Фан шундай беқарор нарсадир. Бугун бир нарсани исботласа, эртага аксини ҳам исботлаб тураверади. "Кеча бундай деган эдим, бугун бошқача дейманми?" деган андиша фанда бўлмайди. Шунинг учун Меҳрибон Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} биз мўминларни фан кашфиётларига қаратиб қўймасдан рўзани фарз қилиш билан бизларга беҳисоб инъом кўрсатди.

Рўза тутишда инсон жасади учун мазкур манфаатлар бор. Лекин мусулмон киши ўша манфаатларни деб рўза тутмайди. Мўминнинг рўза ҳақидаги эътиқоди тиббиётнинг кечиккан бунақанги эътироф ва хулосаларига боғланмайди. Ҳақиқий мўмин бунақанги кашфиётларсиз ҳам Рамазоннинг юксак ҳикмат ва улкан манфаатларга лиммо-лим Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}нинг фарз этган рўзани бири деб эътиқод қилаверади. Чунончи рўза тутишдан кўзланган асосий мақсад – тананинг соғлиги эмас, балки қалбнинг соғлигидир.

Аллох ^{субҳанаху ва таъоло} биз мусулмонларга Рамазон ойини раҳмат қилиб берди. Рамазон ойида гуноҳлар кечиради, даражотлар зиёда бўлиб, қалблар Аллох ^{субҳанаху ва таъоло}га яқинлашади. Минг афсуски, аксаримиз бундай ганимат кунларни кадрига тўла етмаймиз! Рўза тутган кунларимизнинг рўза тутмаган кунларимиздан фарқи оч юришда бўлади, холос! Таҳажжуд, эътиқоф, намозларни масжидда жамоат билан ўқиш каби нарсалар кўпчилигимиз учун Рамазонда ҳам бегона! Баъзиларимиз Рамазон ойини ганимат билиш ўрнига қимматли вақтларни ношаръий, ҳаёсиз томошаларни кўришга, мусиқий кўрсатувларни, турли туман риёзий мусобақаларни томоша қилишга сарфлаймиз! Гарчи бу рўзани бекор қилмасан-да ажрини бекор қилади! Абдуллох ибн Масъуд ^{розияллоху ану} куёш ботган, умрим камайган, аммо амалим зиёда бўлмаган кунга надомат қилганимдек бошқа бирон нарсага надомат қилмадим деганлар. Ҳасан Басрий ^{роҳима-хуллоқ} "Биз дирҳам ва динордан кўра ўтаётган вақтимизга ҳарис бўлайлик!" деганлар. Умар ибн Абдулазиз ^{роҳима-хуллоқ} "Кеча ва кундуз сенинг зараринга ишламоқда. Сен уларни ўз фойданга ишлатгин!" деганлар.

¹ Мисол учун бир киши душанба-пайшанба куни нафл рўза тутса ва шайбон ойининг охириги куни душанба ё пайшанба кунга тўғри келса, ўшанда бу кунда рўза тутиши мумкин.

Савдогар мол-дунё тўплашда ҳеч бир фурсатни бой бермасдан тиришади! Мўмай даромад келтириши мумкин бўлган ҳар қандай ишни қўлдан бермасликка ҳаракат қилади. Биз эса савоб амаллар мавсумига бепарвомиз! Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} берадиган ажрларга интирмаймиз! Очликни ҳис этмаслик учун кундузни ухлаб ўтказамиз!

Бу борада биронтаси танбиҳ берса, "Вақтни ўтказяпмиз-да", деб жавоб берамиз! Ахир вақт ўтмай қолмайди-ку! У яшин мисоли тез ўтиб, инсонни ҳар лаҳзада Қиёмат сари яқинлатмоқда! Вақтини беҳуда ўтказган – умрини совургандир! Зеро, вақт ҳаёт демакдир!

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نِعْمَتَانِ مَعْبُونٌ فِيهِمَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ الصَّحَّةُ وَالْفَرَاغُ ^{رواه البخاري}

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоху аху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{соллаллоху алайҳи ва саллам} **кўп одамлар бой берадиган икки неъмат бор. Бу тансиҳатлик ва бўш вақтдир дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Анвои таомларни ҳозирлаш мақсадида қимматли вақтимизни бозорларда, оилаларимиз эса овқат тайёрлаш билан овора бўлиб ошхонада ўткази! Рамазонда бошқа вақтдан кўра кўпроқ овқат ейишга вақт ва пул сарфлаймиз! Ҳолбуки, Росулulloҳ ^{соллаллоху алайҳи ва саллам} қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَجُلًا كَانَ يَأْكُلُ أَكْلًا كَثِيرًا فَأَسْلَمَ فَكَانَ يَأْكُلُ أَكْلًا قَلِيلًا فَذَكَرَ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ إِنَّ الْمُؤْمِنَ يَأْكُلُ فِي مَعَى وَاحِدٍ وَالْكَافِرُ يَأْكُلُ فِي سَبْعَةِ أَمْعَاءٍ ^{رواه البخاري}

Абу Ҳурайра ^{розияллоху аху} ривоят қилдилар: *Бир киши кўп овқат еярди. Мусулмон бўлиб, оз ейдиган бўлди. Бу Пайгамбар* ^{соллаллоху алайҳи ва саллам} *га айтилди. Шунда мўмин киши битта ичакка ейди. Кофир эса еттита ичакка ейди дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Нагижада Рамазон ойи хазм қилиш, семириш ва турли хил ошқозон-ичак касалликларини орттириш ойига айланади! Ҳаддан зиёд овқат ейишимиз оқибатида таровиҳ намозларида малолланиб тураемиз! Ҳолбуки, мусулмон ейиш учун яшамайди, яшаш учун ейди! Суфён Саврий ^{роҳима-хилоф} "Тананг соғ бўлишини истасанг, оз егин, кўп емагин! Кўп есанг, кўп ичасан ва кўп ухлайсан! Оқибатда кўп яхшиликдан қоласан!" деганлар.

Оламлар Тарбиятқунандасининг энг суюкли бандаси, Одам ^{алайҳис салом} дан тортиб Қиёматгача бўлган башарият саййиди, энг улуғ пайгамбар Муҳаммад ^{соллаллоху алайҳи ва саллам} ифтор қилганларида дастурхонда оддий хурмо ҳам топилмаган кунлар бўлган:

Анас ибн Молик ^{розияллоху аху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{соллаллоху алайҳи ва саллам} *Шом намозини ўқишдан олдин янги пишиган хурмо билан, агар топилмаса, қуритилган хурмо билан, агар топилмаса, бир хўплам сув билан ифтор қилардилар.* (Имом Термизий ривояти. Носируддин Албоний саҳиҳ деган)

Хонадонимизга оддий бир меҳмон келгудек бўлса, уни кутиб олиш учун ўзгача тайёргарлик кўрамиз. Келган заҳотиёқ бутун оиламиз билан унинг атрофида парвона бўламиз. Ҳолбуки, бундай меҳмондан бизга нари борса, озгина дунёвий манфаат келиши мумкин, холос. Аммо бир йилда бир марта келадиган, агар муносиб кутиб олиб, муносиб тарзда меҳмон қилсак, гуноҳларимиздан поклаб кетадиган муборак Рамазон ойининг келишига етарлича эҳтимом бермаймиз! Эҳтимомимиз қорнимиздан ошмайди!

Муборак Рамазон ойи тезда кетадиган меҳмондир! Шундай экан, уни шариат кўрсатган йўсинда чиройли меҳмон қилайлик! Бу ойнинг ибодат ва савоб олиш мавсуми эканини билайлик! Бақир-чақирдан, жоҳилона феъл-атвордан, гуноҳнинг барча туридан тийилайлик! Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нинг зикридан тўсувчи ҳар қандай мункар нарсани уйимиздан, ҳеч бўлмаганда Рамазон ойида чиқариб ташлайлик! Тилимиз доимо Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} нинг зикрида бўлсин! Қорнимиз емоқ-ичмоқдан тийилганидек тилимиз ёлғон, гийбат, ҳақорат ва беҳуда гап-сўзлардан тийилсин! Очликни ҳис этганимизда ожизлигимизни, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} га муҳтожлигимизни ўйлаб, гуноҳларимизни мағфират қилишини тилаб, ёлғиз Ўзига ёлворайлик! Таровиҳ намозларини жамоат билан адо этайлик! Бу ойни, айниқса, охири даҳани тунда ибодат билан бедор ўтказайлик! Бу ойдаги минг ойдан беҳтар бўлган муборак Қадр кечани ғанимат билиб, унда ибодат билан машғул бўлайлик! Бу ойда саховатни лозим тутиб, хайр-эҳсон қилишга, садақотлар беришга эҳтимом берайлик! Росулulloҳ ^{соллаллоху алайҳи ва саллам} Рамазонда Жибрил ^{алайҳис салом} дарс бериш учун келганларида сахийларнинг сахийсига айланардилар! Биз ҳам мусулмон, хусусан, муҳтож биродаримизга ифторлик беришга харис бўлайлик! Чунки, Росулulloҳ ^{соллаллоху алайҳи ва саллам} қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ زَيْدِ بْنِ خَالِدِ الْجُهَيْنِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ فَطَرَ صَائِمًا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ
غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَنْقُصُ مِنْ أَجْرِ الصَّائِمِ ۞ رواه البخاري

Зайд ибн Холид ал-Жуханий ^{розияллоху аниҳу} ривоят қилдилар: *Росуллох* ^{СОЛДЛОХУ АЛЛАХИ АЙ САЛЛАМ} ким рўзадорга ифтор берса, унга унинг ажрича савоб бўлади. Бундан ташқари рўзадорнинг ажридан камаймайди дедилар¹. (Имом Бухорий ривояти)

Ифторлик дастурхонидаги овқатлар сонини кўпайтиришдан кўра солиҳ амалларни кўпайтирайлик! Рамазон ойида бозорга боришдан имкон қадар четланайлик! Абдуллох ибн Умар ^{розияллоху аниҳу} *Росуллох* ^{СОЛДЛОХУ АЛЛАХИ АЙ САЛЛАМ} Рамазон ойининг охириги ўн кунлигида эътикоф ўтирардилар деганлар. (Имом Бухорий ривояти) Биз ҳам оз бўлса-да эътикоф ибодатини қоим қилишга уринайлик! Фарзандларимизни ёшлигидан рўза тутишга чиниктирайлик! Рубайийъ бинт Муъаввиз ^{розияллоху аниҳу} ...болаларимизга рўза туттирардик. Уларга жундан ўйинчоқ қилиб, агар биронтаси ифтор вақти бўлгунга қадар овқатга йиғласа, уни берардик деганлар. (Имом Бухорий ривояти) Хусусан, охириги ўн кунликда ибодатларга тиришқоқ бўлайлик! Чунки, Ойша онамиз ^{розияллоху аниҳу} *Росуллох* ^{СОЛДЛОХУ АЛЛАХИ АЙ САЛЛАМ} охириги ўн кунликда бошқасидан кўра ибодатга ўзгача ҳаракат қилардилар. (Имом Муслим ривояти) Охириги ўн кунлик кирганда *Росуллох* ^{СОЛДЛОХУ АЛЛАХИ АЙ САЛЛАМ} аёллардан узоқлашар ва кечалари бедор бўлардилар ҳамда оилаларини ҳам уйғотиб олардилар дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Рамазондан сўнг нафл рўзаларга ҳам эътибор қилайлик! Рамазонда одат қилган ибодатларни кейин ҳам давом эттирайлик! Ўзимиз шоду хуррам бўлган ийд кунда етимларни, бечораҳол биродарларимизни унутмайлик! Абдуллох ибн Умар ^{розияллоху аниҳу} *Росуллох* ^{СОЛДЛОХУ АЛЛАХИ АЙ САЛЛАМ} мусулмонлардан қулга, ҳурга, эрга, аёлга, катта ва кичикга ҳурмодан бир соъ ёки арпадан бир соъ фитр закотини фарз қилдилар ва уни одамлар намозга чиқишидан олдин¹ ўташга буюрдилар дедилар. (Имом Бухорий ривояти) Абдуллох ибн Аббос ^{розияллоху аниҳу} *Росуллох* ^{СОЛДЛОХУ АЛЛАХИ АЙ САЛЛАМ} фитр закотини рўзадорга лагв, сўкиншидан покловчи, мискинлар учун таом қилиб фарз қилдилар. Ким ийд намозидан олдин ўтаса, ўша мақбул фитр закотидир. Ким намоздан кейин ўтаса, унда шунчаки садақалардан биридир деганлар. (Абу Довуд ривояти)

أَيَّامًا مَعْدُودَاتٍ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ وَعَلَى الَّذِينَ يُطِيقُونَهُ فِدْيَةٌ طَعَامٍ مِسْكِينٍ فَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ. وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٤﴾

184. **Санокли кунларда фарз қилинди. Шундай экан, сизлардан ким касал ё сафарда бўлса, унда санок бошқа кунлар ҳисобидан тўлдирилади. Уни қийинчилик билан тутадиган кишилар зиммасига бир мискиннинг таоми фидядир. Ким ихтиёр билан яхшилик қилса, унда бу ўзи учун яхшидир. Агар билсаларингиз рўза тутишларингиз ўзларингиз учун яхшидир.**

Эй иймон келтирган кишилар! Сизларга йил давомида эмас, балки санокли кунлардагина рўза тутиш фарз қилинди, холос. Сизлардан ким очлик зарар келтирадиган касалликка дучор бўлган бўлса, ё сафарда бўлса, соғайиб кетганидан ёки сафардан қайтганидан сўнг Рамазонда тутолмаган кунлар ҳисобини бошқа кунлар ҳисобидан тўлдиради. Қарилги, қувватсизлиги сабабли рўза тутолмаган ёки тузалмас касалликларга мубтало бўлган кишилар рўза тутолмаган ҳар бир куни эвазига бир мискин тўядиган микдорда фидя беради. Энди ким ихтиёр билан Аллох ^{СУБХАНИҲУ ВА ТАЪАЛА}дан ажр умидида фидя микдори зиёда қилса ёхуд бир эмас бир нечта мискинга фидя берса, бундай амали Қиёмат куни Раббисининг ҳузурда ўзи учун яхшидир. Бироқ қийналиб бўлса ҳам рўза тутишингиз сизлар учун фидя беришингиз ёки бошқа кунда рўза тутиб беришингиздан яхшироқдир, агар рўза тутишнинг дунёдаги манфаатлари ва Қиёматдаги ажри нақадар буюк эканини билсангиз!

Саҳобалардан Абдуллох ибн Масъуд, Муъоз ибн Жабал, Абдуллох ибн Умар, Абдуллох ибн Аббос, Салама ибн ал-Акваъ ^{розияллоху аниҳу} ҳамда Мужоҳид, Алқама ва Зухрий ^{роҳима-ҳуллоху}лардан ривоят қилинишича аввали Ислолда, ҳар бир ойдан уч кун рўза тутилган. Ундан ташқари хоҳлаган рўза тутар, хоҳлаган тутмасдан фидя берарди: Салама ибн ал-Акваъ ^{розияллоху аниҳу} **Уни қийинчилик билан тутадиган кишиларга бир мискиннинг таоми фидядир** ояти нозил бўлганида хоҳлаган рўза тутмасдан фидя бериб юрарди. Ундан кейинги оят нозил бўлгач бу нарсани бекор қилди дедилар.

¹ Шайх-ул Ислом Ибн Таймийя ^{роҳима-ҳуллоху} "Бу ҳадисда рўзадорни тўйғунча едириш назарда тутилган", деганлар. (Ихтияротул фикхийя)
¹ Абдуллох ибн Умар ^{розияллоху аниҳу} фитр садақасини ийд кунидан бир ё икки кун илгари берардилар. (Имом Бухорий ривояти) *Росуллох* ^{СОЛДЛОХУ АЛЛАХИ АЙ САЛЛАМ} ҳамда саҳобаларнинг суннатларига хилоф бўлгани боис жумҳур уламолар фитр садақасининг қийматини чиқариб, пул беришдан қайтарганлар.

Абдуллоҳ ибн Умар ^{розияллоҳу аанҳу} *...бир мискиннинг таоми фидядир* оятини ўқиб бу мансук бўлган дедилар. (Имом Бухорий ривояти) Кейинроқ *сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин* калималари нозил бўлгач рўза тутиш фарз бўлди.

Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} биз мусулмонларга бир йил эмас, балки бир йилдан санокли кунлар – ўттиз ёки йигирма тўққиз кун рўза тутишни фарз қилди, холос. Демак, рўза санокли кунларгина фарз бўлиб, у йилнинг жуда оз қисмини, ўн иккидан бирини ташкил қилади, холос. Бу эса Рамазони шарифдаги яна бир енгилликдир. Зотан, киши бирон машаққатли амални бажараётганда, бу амалнинг санокли кунларда ниҳоясига етишини билиши ундан машаққатни бироз енгиллатади.

Агар бизга "Бир обрўли, давлатманд киши хонадонингизга келиб сизга саҳоват кўрсатиб, кўп инъом-эҳсонлар бериб кетади. Бирок узоқ турмайди, тезда қайтади", дейилса ниҳоятда хушёр турамыз. Фурсатни ганимат билиб, имкони борича кўпроқ нарса олиб қолишга ҳаракат қиламыз. Аммо санокли кунларга меҳмон бўлиб келадиган, гуноҳларимиздан поклаб кетадиган муборак Рамазон ойига бепарво қараймиз! Атига бир ойга келадиган савоблар ойига етарлича эҳтимом бермаймиз! Амалларни кўпайтиришга ошиқмаймиз!

Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг бандаларига бўлган меҳрибонлиги аломатларидан бири шуки, очлик зиён етказадиган ёки касалликни оғирлаштирадиган дардга мубтало бўлган бемор Рамазон ойида тузалгунига қадар рўза тутмаслиги мумкин. Баъзи уламолар ҳар қандай касалликка дучор бўлган киши рўза тутмаслиги мумкин, деганлар. Бироқ жумҳур уламолар, жумладан Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-хуллоҳ} "Касаллик деганда мутлақ касаллик эмас, очлик зиён етказадиган касаллик назарда тутилган. Очлик зиён етказмайдиган касалликка чалинган бемор рўза тутиши лозим" деб, рўза тутмаслик учун бўлган руҳсатни очлик зарар келтирадиган ёки оғирлаштирадиган касалликка қайд қилганлар. Чунончи, тиббиёт ҳам очлик барча касалликларга бирдек зиён келтирмаслигини, аксинча, айрим касалликларни фақат очлик билан даволаш мумкинлигини айтмоқда.

Ҳомилалар ё эмизикли аёл ҳам боласига зарар етишидан қўрқса, рўза тутмаслиги жоиз. Мазкур ҳолатлар сабаб рўза тутилмаса, тутилмаган кунлар қанча бўлса, кейин шунча кун рўза тутиб, ҳисобни бошқа кунлардан тўлдирилади. Ҳайз ва нифос ҳолатидаги хотин-қизлар ҳам рўза тутмайди. Агар рўза тутсалар, рўзалари мақбул эмас. Кейинроқ узрларидан поклангач, бир кунига бир кун рўза тутиб беришади. Намознинг қазосини эса ўқишмайди: Ойша онамиз ^{розияллоҳу аанҳу} *бизда ҳам шу ҳолат бўларди. Рўзанинг қазосини тутишга буюриллардик, намознинг қазосини ўқишга буюрилмас эдик* дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Рамазон ойида узоқ жойга сафар қилган мусофирга сафардан қайтгунига қадар рўза тутмасликка изн берилиши – Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг меҳрибонлигидан яна биридир. Сафарнинг миқдори ҳақида фуқаҳолар ўртасида ихтилофлар мавжуд. Имом Молик, Имом Аҳмад ва Имом Шофийий ^{роҳима-хуллоҳ}лар сафар миқдорини икки кунлик йўл, деб айтганлар. Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-хуллоҳ} эса уч кунлик йўл, деб белгилаганлар. Демак, рўза ҳам намоз каби дир. Яъни киши қишлоғининг уйлари, дарахтлари кўринмай кетгунига қадар намозини қаср ўқиёлмагани каби рўзасини ҳам бузолмайди. Бундан ташқари сафарнинг шариятга мувофиқ бўлиши ҳам қайд қилинган. Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоҳу аанҳу} *Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} Рамазонда рўза тутиб Маккага чиқдилар. Кадид деган жойга етганларида рўзаларини очдилар. Шунда одамлар ҳам рўзасини очди. Рамазон ойи тугагунга қадар рўза тутмадилар* дедилар. Анас ибн Молик ^{розияллоҳу аанҳу} *Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} билан бирга сафар қилардик. Рўза тутган рўза тутмагани ё рўза тутмаган рўза тутгани айбламас эди* дедилар. (Имом Бухорий ривоятлари)

Фуқаҳоларнинг ижмосига кўра мусофир рўза тутишга қодирлиги, имкониятининг борлиги, сафарнинг енгиллиги ва шароитларнинг муҳайёлигидан қатъиназар, рўза тутмаслиги мумкин:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ حَمْرَةَ بِنَ عَمْرٍو الْأَسْلَمِيَّ قَالَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَأَصُومُ فِي السَّفَرِ وَكَانَ كَثِيرَ الصِّيَامِ فَقَالَ إِنْ شِئْتَ فَصُمْ وَإِنْ شِئْتَ فَأَفْطِرْ ﴿١٠﴾ رواه البخاري

Ойша ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: *Ҳамза ибн Амр ал-Асламий кўп рўза тутарди. Пайгамбар ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} га "Сафарда рўза тутайми?" деди. Шунда Росулуллоҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} хоҳласанг рўза тут, хоҳласанг рўза тутма дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ حَمْرَةَ بِنَ عَمْرٍو الْأَسْلَمِيَّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَجِدُ بِي قُوَّةً عَلَى الصِّيَامِ فِي السَّفَرِ فَهَلْ عَلَيَّ جُنَاحٌ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هِيَ رُحْمَةٌ مِنَ اللَّهِ فَمَنْ أَخَذَ بِهَا فَحَسَنٌ وَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يَصُومَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ ﴿١١﴾ رواه مسلم

Хамза ибн Амр ^{розиulloху ашу} Эй Росулulloх! Менинг сафарда ҳам рўза тутишга қувватим етарли. Рўза тутсам менга гуноҳ бўладими? дедилар. Шунда Росулulloх ^{СОҒДИЛЛОХУ АЛЛАҒИ ВА СЕЛЛАМ} бу Аллох тарафидан рухсатдир. Шундай экан, ким бу рухсатни олса, яхши. Ким рўза тутишни яхши кўрса, унга ҳам гуноҳ йўқир дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Сафарда рўза тутиш афзалми ёки тутмасликми, деган саволга Имом Абу Ханифа, Имом Шофий ва Имом Молик ^{РОҲИМА-ХУМУЛЛОХУ}лар сафар шароитлари кўтарса, рўза тутиш мусофирга машаққат туғдирмаса, рўза тутиш афзал, деганлар. Аммо Имом Авзабий ва Имом Аҳмад ^{РОҲИМА-ХУМУЛЛОХУ}лар Аллох ^{СУБҲОНАХУ ВА ТАЪОЛО} берган рухсатдан фойдаланиб рўза тутмаслик афзал, деганлар.

Куйидаги ривоятлар ўта қийин, машаққатли сафарда ўзини ўзи қийнаб рўза тутишнинг суннатга хилоф эканини кўрсатади:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ فَرَأَى زِحَامًا وَرَجُلًا قَدْ ظَلَلَ عَلَيْهِ فَقَالَ مَا هَذَا فَقَالُوا صَائِمٌ فَقَالَ لَيْسَ مِنَ الْبِرِّ الصَّوْمُ فِي السَّفَرِ ^{رواه البخاري}

Жобир ибн Абдуллох ^{розиulloху ашу} Росулulloх ^{СОҒДИЛЛОХУ АЛЛАҒИ ВА СЕЛЛАМ} сафарда эдилар. Ўшанда бир тўдани ва унга соя қилиниб турган бир кишини кўриб бу нима? дедилар. Рўзадор экан, дейишди. Шунда сафарда рўза тутиш яхшиликдан эмас дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ خَرَجَ عَامَ الْفَتْحِ إِلَى مَكَّةَ فِي رَمَضَانَ فَصَامَ حَتَّى بَلَغَ كُرَاعَ الْعَمِيمِ فَصَامَ النَّاسُ ثُمَّ دَعَا بِقَدَحٍ مِنْ مَاءٍ فَرَفَعَهُ حَتَّى نَظَرَ النَّاسُ إِلَيْهِ ثُمَّ شَرِبَ فَقِيلَ لَهُ بَعْدَ ذَلِكَ إِنْ بَعْضَ النَّاسِ قَدْ صَامَ فَقَالَ أَوْلَيْكَ الْعَصَا أَوْلَيْكَ الْعَصَا ^{رواه مسلم}

Жобир ибн Абдуллох ^{розиulloху ашу} ривоят қилдилар: Росулulloх ^{СОҒДИЛЛОХУ АЛЛАҒИ ВА СЕЛЛАМ} Макка фатҳ қилинган йили Рамазонда Макка сари чиқдилар. Куроъул Фамим деган жойга етгунга қадар рўза тутдилар, одамлар ҳам рўза тутди. Сўнг бир коса сув сўрадилар-да, одамлар уни кўрар даражада кўтардилар, кейин ичдилар. Шунда ул зотга "Баъзи одамлар рўза тутди", дейилди. Росулulloх ^{СОҒДИЛЛОХУ АЛЛАҒИ ВА СЕЛЛАМ} улар осийдилар, улар осийдилар дедилар. (Имом Муслим ривояти)

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكْثَرْنَا ظِلًّا الَّذِي يَسْتَبْطِلُ بِكِسَائِهِ وَأَمَّا الَّذِينَ صَامُوا فَلَمْ يَعْمَلُوا شَيْئًا وَأَمَّا الَّذِينَ أَفْطَرُوا فَبَعَثُوا الرِّكَابَ وَأَمْتَهُنَا وَعَالَجُوا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَهَبَ الْمُفْطِرُونَ الْيَوْمَ بِالْأَجْرِ ^{رواه البخاري}

Анас ибн Молик ^{розиulloху ашу} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{СОҒДИЛЛОХУ АЛЛАҒИ ВА СЕЛЛАМ} билан сафарда бирга эдик. Сояси кўпрогимиз кийими билан сояланган¹ киши эди. Рўза тутган кишилар ҳеч нарса қилишмади. Рўза тутмаган кишилар туяларни ўтлатишди, қаттиқ меҳнат қилишди. Шунда Пайгамбар ^{СОҒДИЛЛОХУ АЛЛАҒИ ВА СЕЛЛАМ} бугун ажрни рўза тутмаганлар олиб кетди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Демак, сафарда рўза тутиш ё тутмаслик афзаллигини олдиндан айтиш қийин. Рўза тутишдан асл мақсад таквога эга бўлиш экан, бу масалани сафарнинг ўзи ҳал қилади. Сафардаги баъзи ҳолатда рўза тутиш афзал бўлса, баъзи ўринларда рўза тутмаслик афзал бўлади.

Касаллик ё сафарда бўлгани сабабли рўза тутолмаган киши қазо рўзаларини қандай тартибда ўтайди? Жавоб шуки, қазо рўзани пайдар-пай тутиш шарт қилинмаган бўлса-да имкони борича тезроқ тутиш мақсадга мувофиқдир. Кўпчилик "Кейин алоҳида тутишим қийин, яхшиси ҳозир тутиб олаверай", деб сафарда рўзасини очмайди. Бу рўза ҳақидаги тушунчанинг хатолигидир. Зотан, рўзани чин қалбдан, ихлос билан қабул қилмоқ керак.

Рамазон ойининг санокли кунлар эканини билиш биздан унинг машаққатини бир оз енгиллатса, бемор тузалганидан кейин, мусофир эса сафардан қайтганидан сўнг бошқа кунларда тутиб беришга рухсат этилганини билиш рўза машаққатини яна ҳам енгиллатади.

Араб тилида "Итоқа" сўзи оғир машаққат билан рўза тутмоқ маъносини англатади. Рўза тутганда мадори қуриб, хориб қоладиган ҳолатдаги ёши улуғ қарияларга рўза тутолмаган ҳар бир кунга битта мискин, бечора мўмин кишига кунлик таомини, яъни саҳарлик ва ифторликка етарли миқдорда егулик бериш эвазига рўза тутмаслик рухсат қилинади. Агар бир киши ихтиёрий равишда кўпроқ яхшилик қилишни хоҳласа, яъни бир мискинга эмас, бир қанча

¹ Каттик иссиқдан киноя

мухтожларга таом беришни ёки фида тариқасида бериладиган таомлар турини кўпайтиришни ихтиёр қилса, бу амали унинг дунё ва охирати учун яхшидир.

Фидянинг миқдори ҳақида фуқаҳолар ўртасида ихтилофлар бор. Анас ибн Молик ^{розиллаҳу ануҳу} кексайиб қолганларида бир ёки икки йил рўза тутолмаганлар. Шунда ҳар бир кун эвазига бир мискинга нон ва гўшт фида берганлар ва рўза тутмаганлар. (Имом Бухорий ривояти) Имом Абу Ханифа ^{роҳимаҳуллоҳ} фидянинг миқдорини бир соъ хурмо ёки ярим соъ¹ буғдой, деб белгилаганлар. Имом Молик ^{роҳимаҳуллоҳ} нинг наздларида фида миқдори бир муд, яъни бир кг 330 гр.дир.

Шунга қарамай бир оз қийналиб бўлса-да, рўза тутмоқ афзалдир. Масалан, айрим кексалар Рамазоннинг дастлабки кунларида "Рўза тутсам мадорим қуриб қоляпти", дейишлари ёки ҳали тутмасдан туриб "Тутсам чарчаб қолармиканман", деган гумонга боришлари мумкин. Бирок, рўза тутиш билан қувватга кириб кетганлар ҳаётда кўп учрайди. Бу рўзадаги яхшиликларнинг биттасидир. Рўза тутишда биз бандаларга аён бўлмаган бундан бошқа яна кўп манфаатлар борки, бу фақат Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг Ўзига маълумдир.

Ўтган оятларда биз мўминлар учун рўза тутиш фарз қилингани, рўза санокли кунлар экани зикр этилди. Қуйидаги оятда ўша санокли кунлар ҳидоят йўлини кўрсатиб, ҳақни ботилдан айириб берадиган Қуръони Карим нозил бўлган Рамазон ойи экани баён қилинмоқда:

شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ وَالْفُرْقَانِ ۚ فَمَن شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ ۖ وَمَن كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِّنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ وَلِتُكْمِلُوا الْعِدَّةَ وَلِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَيْتُمْ وَلِعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿١٨٥﴾

185. **Рамазон – унда одамлар учун ҳидоят ҳамда тўғри йўл ва Фурқондан иборат ҳужжатлар** бўлган ҳолда Қуръон нозил қилинган ойдир. Шундай экан, сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин! Кимки касал ёхуд сафарда бўлса, унда санок бошқа кунлар ҳисобидан тўлдирилади. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди, У сизларга қийинчиликни хоҳламайди. Бу санокни тўлдиришларин-гиз ва сизларни ҳидоятга бошлагани боис Аллоҳни улуғлашларин-гиз учундир. Шояд шуқр қилсаларингиз!

Эй иймон келтирган кишилар! Сизларга рўза тутиш фарз қилинган санокли кунлар – инсонни Дунёю Охират саодати сари бошлайдиган, нажот ва ҳидоят йўлини кўрсатиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳақ билан ботил, ҳидоят билан залолат, саодат билан шақоват, яхшилик билан ёмонлик орасини ажратиб берадиган Қуръони Карим нозил бўлган қамарий йилнинг тўққизинчи ойи бўлмиш Рамазон ойдир! Рамазон ойида Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг ҳудудлари, фарзлари, ҳалол ва ҳаром каби шариат ҳукмларини изоҳлаб очиқ-ойдин баён этадиган, жаҳолат қоронғуликларидан иймон нури сари ҳақиқатга чорловчи равшан оятлардан иборат Қуръони Карим нозил этила бошланган!

Шундай экан, сизлардан ким Рамазон ойида соғлом, мусофир бўлмаган ҳолда ҳозир бўлса, ёхуд унга Рамазон ойи кўринганлиги хабари етса, кундузлари рўза тутсин! Ким бетоблиги ё мусофирлиги туфайли рўза тутолмаган бўлса, Рамазон ойида тутолмаган кунлар ҳисобини бошқа кунлар ҳисобидан тўлдирсин! Бу билан Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} сиз мўминларга фақат енгиллик ва осонликни ирода қилади!

﴿ يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُخَفِّفَ عَنْكُمْ ﴾ النساء: ٢٨

Аллоҳ сизлардан енгиллатишни хоҳлайди. (Нисо сураси, 28 – оят)

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} сизларга бирон қийинчилик ёхуд машаққатни ирода қилган эмас! Шу боис касал ҳолатингизда ё сафарда сизларга рўза тутмасликка руҳсат қилди. Ой, хоҳ йигирма тўққиз, хоҳ ўттиз кун бўлсин, касаллик ё мусофирлик сабабли рўза тутолмаган кунлар ҳисобини тўлдиришингиз учун қазосини тутишга ҳам буюрди. Рамазон ойида рўза тутиб, уни тамомлашга муваффақ этгани учун рўза ойини тугатиб, Шаввол ойини кўрганда, ибодатларингиз интиҳосида, ийд намозига бориш ва қайтишда Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} ни улуғлаб, Унга такбирлар айтишингиз учун сизларга машаққатни хоҳламади. Қани энди Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} нинг фазлу карамига шуқр қилсангиз!

«Рамазон» калимасининг турлича маънолари бўлиб, булар ичида куйдирувчи, яъни солиҳ амаллар билан гуноҳларни куйдириб йўқотувчи, деган маъно энг маъқулидир.

¹ Бир ярим кг

Рамазон ойининг фазилатларидан бири шуки, бу ойда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} томонидан башариятга кўрсатилган буюк инъом – Қуръони Карим¹ нозил этила бошланган. Қуръони Карим Ислом умматининг абадий, ўзгармас дастури бўлишидан ташқари, шариат ҳукмларини, ҳидоят йўлини ёритиб берувчи илоҳий китоб ҳамдир. Қуръони Каримдаги барча нарса ҳақдир. Ундаги барча оят ҳидоятдир. Қуръони Каримда шубҳа йўқ, ундаги ҳар бир нарса аник-равшандир. Унда жаҳолат йўқ, аксинча, барча нарса илмдир. Қуръони Карим – Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг каломи, махлуқ эмас!² Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Қуръони Каримни Рухул-Амин – Жибрил ^{алайҳис салом} нинг воситасида Муҳаммад ^{салому алайҳи ва саллам} га ваҳий услубида нозил этганига гувоҳлик берамиз. Саҳиҳ йўллар орқали келган барча қироатларни исбот қиламиз ва улардаги маъноларни ҳақ деб биламиз. Мазкур нарсалар Қуръони Карим борасидаги мўмин кишининг мухтасар эътиқоди бўлиб, бусиз ҳеч кимнинг иймони бут бўлмайди.

Ислом уммати ушбу дастурни ҳаётга татбиқ этган даврда бутун оламга ҳукмрон бўлган. Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида илғор миллат сифатида шуҳрат топган. Ҳақ билан ботилни айришда фақат Қуръони Каримни ўлчов деб тан олган пайтда Ислом миллати бутун дунёга маърифат ва маданият таратиб, бошқа халқларни гумроҳлик ва бахтсизлик исканжасидан халос этган. Минг афсуски, ҳозирда кўп одамлар бахт-саодат манбаи бўлмиш Қуръони Карим ҳидоятдан юз ўгириб яшамокда!

Дунёда Қуръони Каримдан ўзга одамларнинг “бахт-саодати” учун тузилган кўплаб қонунлар борки, уларни лозим тутган миллатлар боши бахтсизлик кўчасидан чиқолмай қолган. Қуръони Каримдан ўзга адолат билан адолатсизлик орасини “айриб берадиган” низомларни лозим тутган бахтиқаро халқлар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг дастуридан юз ўгириши натижасида ўзини ҳал қилиб бўлмас оламшумул муаммоларга дучор этган.

Демак, оламдаги иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликлардан фақат Қуръони Карим ҳукмларини ҳаётга татбиқ этиш билангина қутилиш мумкин. Бундан ўзга уринишлар фақат салбий натижа беришини бугунги кун яққол кўрсатмоқда.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} мана бу оятда **сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин** дея марҳамат қилмоқда. Ушбу калима билан рўза Ислом шариатининг асосий руқнларидан бирига айланди. Энди Рамазон ойида ҳозир бўлиб, рўза тутмаган ким бўлади? Бундайлар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг наздида тирик эмас, ўлик бир кимсадир! Зеро, Рамазон ойида рўза тутмоқ Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг ҳар бир тирик кишига бўлган амридир.

Шу ўринда яна бир нарсага эътиборни қаратсак. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} оятда "Рамазон ойида рўза тутинглар", демасдан **сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин** демокда. Маълумки, Қуръони Карим – барча оламларнинг Яратувчиси ҳам Тарбиятқунандаси бўлмиш Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} томонидан бутун инсониятга нозил этилган китобдир. Шунга кўра Қуръони Карим ҳукмлари ер юзининг барча қитъаларида яшовчи кишиларни қамраши керак. Чунончи, Ер юзида шундай жойлар ҳам борки, у ерда йилнинг ярмида кун, қолган ярмида тун бўлади. Демак, ҳилолни доим кузатишга имконияти йўқ бўлган Қутб доирасида яшовчи мусулмонлар ҳам борлигини инобатга олиб Қуръони Карим **сизлардан ким бу ойда ҳозир бўлса, рўза тутсин** демокда. Хўш, унда шимолий ёки жанубий қутбларда яшовчи мусулмонлар нима қилади, деган савол туғилади. Фуқаҳолар "Бундай ўлкаларда яшовчи мусулмонлар ўзларига яқин бўлган диёрлар ҳукмида бўлади", деганлар.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} буюрган барча шариат таклифотлари инсоннинг тоқатига мувофиқ енгил нарсалардир. Зотан Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} қайси бир фарз амални буюрган бўлса, унда кўплаб руҳсат ва енгилликларни қилган:

﴿وَمَا جَعَلْ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ﴾ ^{الحج: ٧٨}

Аллоҳ **сизларга динда бирон тангликни қилмади!** (Ҳаж сураси, 78 – оят)

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَعْثَبْنِي مُعْتَبًا وَلَا مُتَعْتَبًا وَلَكِنْ بَعَثَنِي مُعَلِّمًا مُيسِّرًا ﴿رواه مسلم﴾

¹ Биринчи китобнинг 24 ва 36 – саҳифаларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

² Мўътазила каби гумроҳ тоифалар Қуръони Каримни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг каломи деб эмас, яратилган бир махлуқ деб билади.

Жобир ибн Абдуллоҳ ^{розияллоғу алайҳи} ривоят қилдилар: **Аллоҳ мени қийин қилгувчи ҳам, машаққат туғдирувчи ҳам қилиб юбормади. Лекин мени енгиллатувчи муаллим қилиб юборди дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Росуллоғ ^{солляллоғу алайҳи ва саллам} икки ишдан бирини ихтиёр қилсалар, модомики гуноҳ бўлмаса, улардан енгиллини танлаб олдилар. (Имом Бухорий ривояти) Зотан, Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ ^{субҳанағу ва таъоло} ҳеч кимни тоқатидан ташқари нарсага буюрган эмас:

﴿ لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا ﴾ البقرة: 286

Аллоҳ ҳеч кимнинг зиммасига тоқатидан ортигини юкламайди! (Бақара сураси, 286 – оят)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّمَا بُعِثْتُمْ مُيسِّرِينَ وَلَمْ تُبْعَثُوا مُعَسِّرِينَ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоғу алайҳи} ривоят қилдилар: **Пайгамбар ^{солляллоғу алайҳи ва саллам} сизлар осон этгувчилар қилиб юборилгансизлар! Қийин қилгувчилар қилиб юборилмагансизлар дедилар** (Имом Бухорий ривояти)

Бирок Аллоҳ ^{субҳанағу ва таъоло} буюрган нарсаларнинг енгиллигини иймон ва ихлос билан ёндашганидагина ҳис этиб билиш мумкин. Минг афсуски, инсон кўпинча билимсизлиги ёхуд кўп ҳолатда Китоб ва Суннат йўлидан оғиши оқибатида Аллоҳ ^{субҳанағу ва таъоло} енгил қилган нарсаларни ўзига-ўзи қийин қилиб олади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ الدِّينَ يُسْرٌ وَلَنْ يُشَادَّ الدِّينَ أَحَدٌ إِلَّا غَلَبَهُ فَسَدِّدُوا وَقَارِبُوا وَأَبْشِرُوا وَاسْتَعِينُوا بِالْعَدْوَةِ وَالرَّوْحَةِ وَشَيْءٍ مِنَ الدَّلْجَةِ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоғу алайҳи} ривоят қилдилар: **Пайгамбар ^{солляллоғу алайҳи ва саллам} дин енгилликдир. Ҳеч ким динни қийинлаштирмайди, магар дин унга ғалаба қилади. Шундай экан, амалларда ўртача бўлинглар! Мукамал қилишга яқинлашинглар! Савоб билан ҳушнуд этинглар! Эртаю кеч ва туннинг бир қисмидан фойдаланинглар дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ قَيْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُعَاذًا وَأَبَا مُوسَى إِلَى الْيَمَنِ فَقَالَ يَسْرًا وَلَا تُعَسِّرُوا وَيَسْرًا وَلَا تُنْفِرُوا وَتَطَاوَعًا وَلَا تَخْتَلِفُوا ^{رواه البخاري}

Абдуллоҳ ибн Қайс ^{розияллоғу алайҳи} ривоят қилдилар: **Пайгамбар ^{солляллоғу алайҳи ва саллам} Муъоз ва Абу Мусони Яманга юбориб, енгиллатинглар, қийинлаштирманглар! Ҳушнуд этинглар, чўчитманглар! Иттифок бўлинглар, ихтилоф қилманглар дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанағу ва таъоло} Рамазон ойида рўза тутишни фарз этиш билан одамларга қийинчилик ва машаққатни ирода этган эмас. Аксинча, рўза тутиш билан бандага нафсининг ёмон хоҳишларидан халос бўлиб, иродасини ҳақиқий инсоний фазилат ва гўзал хулқлар ила мукамал тарбиялаб олиши учун бир фурсат, имконият яратиб берган. Иродали киши ҳаётдаги қийинчилик ва қарама-қаршиликларни матонат билан енгиб ўтади. Нафсига қул бўлган кимса эса ҳаётдаги энг кичик мавжларга учраши биланоқ оддий инсоний сифатлардан ҳам беҳижолат юз ўгираверади. Ундай кимса қорнини тўйдириш, нафсини қондириш йўлида ҳар қандай разолатдан қайтмайди.

Ҳаётда айрим илмли, ҳурматли кишиларни бузук, маишатпараст, туғёнкор кимсалар олдида қадрсиз, хор бўлиб юрганини кўриш мумкин. Ўшаларни текширсангиз, қорни ё нафсига қул бўлганлиги оқибатида хорликнинг барча турига рози бўлиб, шу кўйга тушган. Шунинг учун инсонни мукаррам қилиб яратган Аллоҳ ^{субҳанағу ва таъоло} уни қорин ва нафс қуллигидан озод бўлишига кўмак берадиган рўзани машруъ қилди. Рўзани шариат кўрсатган йўсинда ўзлаштирган мўмин киши нафси ва қорнига қул бўлишдан озод бўлиб, ўзидаги инсоний сифатларни сақлаб қолади. Аммо қорин ва нафс бандалари зоҳирда яхши ва осон яшаётганга ўхшаса-да қуллик уларни ҳаётда улкан машаққат ва муаммоларга, охири берк кўчаларга олиб кирган. Охир-оқибат ҳаёт улар учун шармандалик билан тугайди.

Рамазон бутун башариятга кўрсатилган улкан марҳамат – Қиёматга қадар ўзгармас дастур нозил бўлган ой экан, биз мусулмонлар бу муборак ойни қандай ўтказмоқдамиз?! Куръони Карим нозил бўлган бу ойда бизнинг ҳаётимиз Аллоҳ ^{субҳанағу ва таъоло}нинг китобига қанчалар мувофиқ

ўтмоқда?! Қуръони Каримни тиловат қилишга, маънолари ҳақида тадаббур қилишга бўлган эътиборимиз қанчалик?!

Рамазон ойи Ислому умматига шунчалар буюқ инъом кўрсатилган муборак ойдир. Шунчалар инъом кўрсатган, қулайлик ва енгилликлар бериб, тўғри йўлга йўллаб, абадий саодат йўлини кўрсатиб берувчи Қуръони Каримни бизларга нозил этган Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни кўп улуғлаб, Рамазон ойи интиҳосига етганида Унга такбирлар айтиб, беҳисоб шукрлар қилишимиз лозим. Ҳаётимизни, хусусан, Рамазон ойини Қуръони Каримни нозил этган Зотнинг ҳукмига мувофиқ ўтказишимиз даркор.

"**Кимки касал ёхуд сафарда бўлса, унда саноқ бошқа кунлар** ҳисобидан тўлдирилади", жумласи такроран келтирилди. Муфассир уламолар бу такрорни "Рўза тутиш ва фида бериш ҳақидаги ҳукм бекор бўлгани туфайли касал ва мусофир ҳақидаги ҳукм ҳам бекор бўлган, деб тушунмаслик учун", деб изоҳлаганлар.

Имом Абу Ҳанифа ^{роҳимаху ҳуллох} дан бошқалар наздида ҳар икки ийд кунлари такбир айтиш машруъдир. Бу вақтда такбир айтишда улкан савоблар бор. Абдуллоҳ ибн Умар ^{роҳимаху ануху} ҳар икки ийда намозгоҳга етгунларига қадар такбир айтиб борардилар. (Имом Байҳақий ривояти)

وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ ﴿١٨٦﴾

186. **Агар бандаларим Сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, у ҳолда Мен, албатта, уларга Яқинман. Менга дуо қилса, дуо қилгувчининг дуосини ижобат қиламан. Шундай экан, Менга қулоқ солсинлар ва Менга иймон келтирсинлар! Шояд улар шунда тўғри йўлни топсалар!**


Эй Муҳаммад ^{соллалоху алайхи ва саллам}! Агар бандаларим Сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, билишсинки, Мен уларга гоят Яқинман! Уларнинг барча ҳолатларини, дуою илтижоларини Ўз илмим билан биламан, эшитаман. Ҳар қандай кишининг дуосини ижобат қиламан, агар дуо қилгувчи иймон ва ихлос билан чин қалбдан фақат Менга дуо қилса! Шундай экан, бандаларим дуоларининг ижобат бўлишини истасалар, Менга ва Пайғамбарим ^{соллалоху алайхи ва саллам} га иймон келтирсинлар! Буйруқларимни бажариб, қайтарганимдан қайтиб, шариатимни маҳкам тутиб, ҳукмларимга итоат этиб, Менга ижобат қилсинлар! Шояд шунда ҳам дунё, ҳам Охират саодати бўлмиш ҳидоят йўлини топсалар!

Рўзанинг интиҳосида шукронаю такбирлар билан улуғланаётган Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} бандаларга, хусусан, рўзадорларга Ўзининг яқин эканини билдирмоқда. **القريب** – **Яқин** Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг 99та гўзал исмларидан биридир. Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг бу исми бир тарафдан Раҳмон ^{субҳонаху ва таъоло} осмонлар узра Арш устидан бутун мавжудотнинг, шу жумладан одамзотнинг ҳар бир ҳаракатини Ўз илми билан яқиндан билиб турувчи, деган маънони билдирса, иккинчи тарафдан Ўз раҳмати, нусрати ва фазли билан фақат мўмин бандаларига хос яқинлиги маъносини ҳам англатади. Мазкур маънолардан Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг Арш устидаги олийлиги билан бандаларига бўлган яқинлиги орасида қарама-қаршилик келиб чиқмайди. Зотан, Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} яқин бўлиши билан Олий, олийликда бўлиши билан Яқиндир. Росулulloҳ ^{соллалоху алайхи ва саллам} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَكُنَّا إِذَا أَشْرَفْنَا عَلَى وَادٍ هَلَلْنَا وَكَبَّرْنَا ارْتَفَعَتْ أَصْوَاتُنَا فَقَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا أَيُّهَا النَّاسُ ارْبِعُوا عَلَيَّ أَنْفُسِكُمْ فَإِنَّكُمْ لَا تَدْعُونَ أَصَمًّا وَلَا غَائِبًا إِنَّهُ مَعَكُمْ إِنَّهُ سَمِيعٌ قَرِيبٌ تَبَارَكَ اسْمُهُ وَتَعَالَى جَدُّهُ ﴿١٨٦﴾ رواه البخاري

Абу Мусо ал-Ашъарий ^{роҳимаху ануху} ривоят қилдилар: **Росулulloҳ ^{соллалоху алайхи ва саллам} билан сафарда бирга эдик. Қачон бир водийга чиқсак таҳлил ва такбир айтардик. Шунда овозларимиз кўтарилиб кетарди. Росулulloҳ ^{соллалоху алайхи ва саллам} 'Эй одамлар! Ўзларингизни босинглар! Чунки сизлар кар ё ғойиб кимсага дуо қилаётганингиз йўқ! У сизлар билан биргадир. У Эшитгувчи, Яқин, исми баракотли, улуғлиги олийдир дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} **Агар бандаларим Сиздан Мен ҳақимда сўрасалар** дея оятни Муҳаммад ^{соллалоху алайхи ва саллам} га хитоб қилиш билан бошлади. Бироқ жавобни бевосита бандаларга қаратиб "**Мен уларга Яқинман**", деди. Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} Ўзининг бандаларига нақадар яқин эканини билдириш учун Муҳаммад ^{соллалоху алайхи ва саллам} орқали "Айтинг" дейишни хоҳламади. "Дуоларни эшитаман", демади, балки бирданига **ижобат қиламан** деди.


عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالَّذِي تَدْعُونَهُ أَقْرَبُ إِلَيَّ أَحَدِكُمْ مِنْ عُنُقِ رَاحِلَةٍ أَحَدِكُمْ  رواه مسلم

Абу Мусо ал-Ашъарий ^{розиллоху анху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солдллоху алайҳи ва саллам} **касамки, сизлар Унга дуо қилаётган Зот ҳар бирингизга туясининг бўйнидан ҳам яқинроқдир дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Бизнинг халқимиз мубтало бўлган, қон-қонига сингиб кетган ширк амалларидан бири – Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}дан ўзгага дуо қилишдир. Минг афсуски, ҳозирга келиб ўзини мусулмон санаган, ҳатто бошқаларни адашганликда айблаб, ўзи Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}дан бошқага дуо қиладиганлар хўп кўпайди! Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг якка Ўзига "Раббим!" деб илтижо қилса, ижобат қиламан, деб ваъда қилган, инсонга юрак томиридан ҳам яқин бўлган Зотга бу нотовон инсон деб аталмиш махлук тоғларни ё мозорларни, ё булокларни, умуман кўзига кўринган қаердаги ҳақир нарсаларни, ожиз кимсаларни гоҳ восита, гоҳ шерик қилади! Турли мозорларга бориб, атрофида тавоф қилиб, ўша қабр эгасидан ҳожатини чиқаришини, дардига шифо беришни, мушқулини осон қилишини, ишларига ривож беришини, фарзанд ато қилишини сўраб дуо қиладиган гумроҳлар чор атрофимизда тўлиб тошган! Фойда ҳам, зарар ҳам етказолмайдиган нарсаларга ёлвориб ихлос билан шундай дуо қиладики, таажжубда қоласиз! Мушрик ҳолда дуо қилаётганидаги ихлосни масжидда дуо қилаётганида топмайсиз! "Фалончи ота кўлласин! Фалончи буванинг руҳи мадад берсин!" деганга ўхшаш инсоннинг қилган барча амалини ҳабата қилиб, тубсиз жаҳаннамга бошлайдиган ширк гаплар ҳар қадамда кулоққа чалинади! Субҳаналлоҳ!

Бундай гапларни кўп марта эшитганимиз туфайли кулоқларимиз ҳам ўрганиб кетган, эътибор бермаймиз! Ширк амалларни Исломдан деб билиш мусулмонлар учун ачинарли ҳолдир! Бундан ҳам ачинарлиси, бундай амалларнинг ширк эканини билганларимиз бу нарсдан қайтариш ўрнига, дунё ва сохта обрўлар илнжида мум тишлаймиз! Бундан ҳам даҳшатлиси, ширк амалларга қарши турган, ширкдай нажосатдан покланишга, халқни ибодатнинг барча турида ёлғиз Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}га сизинишга даъват этган солиҳ кишиларга душманлик қиламиз! Хоҳ сўзи, хоҳ амал билан уларга зиён етказиш пайида бўламиз!

Рўза ҳақидаги ҳукмлар баён этилган икки оят орасида бирдан дуо ҳақидаги оятнинг келиши ифтор пайтида, хусусан, Рамазон ойи ниҳояланиб бораётган пайтда дуоларга астойдил бўлиш лозимлигини кўрсатади. Зеро, дуо қилгувчилар ичида рўзадорнинг дуоси ижобатга яқинроқдир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثَلَاثَةٌ لَا تُرَدُّ دَعْوَتُهُمُ الصَّائِمُ حَتَّى يُفْطَرَ وَالْإِمَامُ الْعَادِلُ وَدَعْوَةُ الْمَظْلُومِ يَرْفَعُهَا اللَّهُ فَوْقَ الْغَمَامِ وَيَفْتَحُ لَهَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ وَيَقُولُ الرَّبُّ وَعِزَّتِي لَأَنْصُرَنَّكَ وَلَوْ بَعْدَ حِينٍ  رواه الترمذي

Абу Хурайра ^{розиллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{солдллоху алайҳи ва саллам} Қуйидаги уч кишининг дуоси қайтарилмайди: рўзадорнинг ифтор қилгунга қадар дуоси; адолатли мусулмон раҳбарнинг дуоси; мазлумнинг дуоси. Аллоҳ унинг дуосини булутлар узра кўтаради ва унга осмон дарвозалари очилади. Раб ^{субҳонаху ва таъоло} "Улуғлигимга қасамки, бир оз кейинроқ бўлса-да, сенга, албатта, нусрат бераман", дейди дедилар. (Имом Термизий ривояти)

﴿ وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَدْعُونَ عَنِّي لَيَكُونُوا مِنِّي قَاعًا تُغْرَقُونَ فَادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَدْعُونَ عَنِّي لَيَكُونُوا مِنِّي قَاعًا تُغْرَقُونَ ﴾ غافر: ٦٠

Раббингиз "Менга дуо қилинглар, сизларга ижобат қиламан! Менинг ибодатимдан кибрланаётган кимсалар яқинда хор ҳолда жаҳаннамга кирурлар!" деди. (Ғофир сураси, 60 – оят)

عَنْ الثُّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الدُّعَاءُ هُوَ الْعِبَادَةُ  رواه الترمذي

Нўъмон ибн Башир ^{розиллоху анху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солдллоху алайҳи ва саллам} **дуо ибодатдир дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Демак, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф таъбири билан айтганда, дуо ибодатдир. Инсон дуо қилишда ёлғон, хиёнат, бировнинг ҳаққини ноҳақ ейиш, зулм каби дуонинг йўлини тўсадиган иллатлардан пок бўлиши ҳамда кўз ва қоринни ҳаромдан тийиши лозим. Бундан ташқари дуонинг

¹ Бошқа бир ривоятда мусофирнинг ва отанинг фарзандига қилган дуолари мустаҷоб экани зикр қилинган.

ижобати учун тазарруъ билан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг гўзал исмларини васила қилган ҳолда, покиза қалб, чин ихлос, юсак умид ва буюк ишонч бўлиши муҳим:

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَعَوْتُمُ اللَّهَ فَأَعْزِمُوا فِي الدُّعَاءِ وَلَا يَقُولَنَّ أَحَدُكُمْ
إِنْ شِئْتَ فَأَعْطِنِي فَإِنَّ اللَّهَ لَا مُسْتَكْرَهَ لَهُ ^{رواه البخاري}

Анас ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{соллаллоху алайхи ва саллам} агар Аллоҳга дуо қилсангиз, дуо қилишда қатъиятли бўлинглар! Биронгангиз "Агар хоҳласанг, менга ато этгин", деб ҳаргиз айтмасин! Чунки Аллоҳни мажбурловчи йўқдир *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Айниқса, "Ҳожатни беришга фақат Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} қодир, деган эътиқодни қалбга мустаҳкам ўрнатмоқ даркор. Шунинг учун Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} оятда *Агар Менга дуо қилса* дея ижобат қилишни ёлғиз Ўзига ибодат қилган, Ўзига илтижо қилиб сўраган кишиларга чекламоқда. Чунончи дуоларнинг ижобат бўлиши бандаларнинг Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг даъватига ижобат қилишларига бевосита боғлиқдир.

Дуо қилишда таҳорат билан, қўлни очиб, қиблага юзланган ҳолда, аввал Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га ҳамд, сўнгра *Росулуллоҳ* ^{соллаллоху алайхи ва саллам}га салавот айтиб, умид ва қўрқув билан дуо қилиш мустаҳаб ҳисобланади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га сўзсиз итоат этиб, ҳар қандай мункар ишдан қайтган ҳолда, хусусан, солиҳ амаллар каби дуонинг мустажоб бўлиши учун зарур бўлган мазкур омиллар билан дуо қилган кишининг дуосини ижобат қилмасликдан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳаё қилади:

عَنْ سَلْمَانَ الْفَارِسِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِنَّ اللَّهَ حَيِّيٌّ كَرِيمٌ يَسْتَحْيِي إِذَا رَفَعَ الرَّجُلُ
إِلَيْهِ يَدَيْهِ أَنْ يَرُدَّهُمَا صِفْرًا خَائِبَتَيْنِ ^{رواه الترمذي}

Салмон Форсий ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{соллаллоху алайхи ва саллам} Аллоҳ ғоят Ҳаёли, ўта Сахийдир. Киши Унга икки қўлини кўтариб сўраса, уларни бўш, умидсиз ҳолда қайтаришдан ҳаё қилади *дедилар*. (Имом Термизий ривояти)

Дуо шариятга мувофиқ бўлмаса ёки дуо қилувчининг тили билан қалби бир бўлмаса ёхуд дуо гуноҳ билан ҳамоҳанг бўлса, ижобат бўлмайди. Бундай кишиларнинг дуоси ипи бўш камондан отилган ўқ каби узокқа бормайди. Дуо мисоли найзадир. Найза ҳар қанча ўткир бўлмасин, найзабоз маҳоратли бўлмаса ё мўлжалдан тўсувчи нарсалар баргараф қилинмаса, нишонга тегмайди. Қачонки, найза ўткир, найзабоз маҳоратли, ҳалал берувчи нарсалар баргараф қилинса, шунда нишонга тегди. Банда тарафидан дуонинг мустажоб бўлишидан тўсадиган иллатлар содир бўлмаса, Аллоҳ ижобат қилишни ваъда қилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ لَا يَزَالُ يُسْتَجَابُ لِلْعَبْدِ مَا لَمْ يَدْعُ بِإِثْمٍ أَوْ قَطِيعَةٍ
رَحِمَ مَا لَمْ يَسْتَعْجَلْ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْاسْتَعْجَالُ قَالَ يَقُولُ قَدْ دَعَوْتُ وَقَدْ دَعَوْتُ فَلَمْ أَرَ يَسْتَجِيبُ لِي
فَيَسْتَحْسِرُ عِنْدَ ذَلِكَ وَيَدْعُ الدُّعَاءَ ^{رواه مسلم}

Абу Хурайра ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{соллаллоху алайхи ва саллам} бандага мудом ижобат қилинади модомики гуноҳ ё қариндош-уруғчиликни узиш билан дуо қилган бўлмаса, агар шошилтирмаса *дедилар*. "Шошилтириш нима", дейилди. Дуо қилдим, дуо қилдим, менга ижобат қилганини ҳеч кўрмадим деб, шу пайтда умиди узилади ва дуо қилишни тарк қилади *дедилар*. (Имом Муслим ривояти)

Суфён ибн Уяйна ^{розияллоху анху} Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} шундай Зотки, У махлуқотлари ичида энг разил бўлган Иблисининг муҳлат сўраб қилган дуосини ҳам ижобат қилган. Шундай экан, инсон ҳар қанча катта гуноҳ қилмасин, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг раҳматидан ноумид бўлмаслиги, мағфират сўраб қилган дуосининг ижобат бўлишига умидвор бўлиши керак, деганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَيْسَ شَيْءٌ أَكْرَمَ عَلَى اللَّهِ تَعَالَى مِنَ الدُّعَاءِ ^{رواه الترمذي}

¹ Ушбу ҳадисни Имом Байҳақий, Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ^{розияллоху анху} ҳам ривоят қилиб саҳиҳ деганлар. Носируддин Албоний ҳам саҳиҳ, деганлар.

Абу Хурайра розиаллоху анху ривоят қилдилар: **Пайгамбар** соллаллоху алайхи ва саллам **Аллох** субҳонаху ва таъоло га дуодан кўра афзал нарса **йўқдир дедилар**. (Имом Термизий ривояти)

Ибн Қойюм роҳима-хулоқ "Дуо исталмаган нарсани даф қилишда, мақсад қилинган нарсага эришишда энг кучлик воситадир. Дуо энг фойдали даво ҳамдир. Дуонинг ижобат бўлишини сабр билан кутмасдан дуо қилишни тарк қилган кимсанинг мисоли уруғни эккан, сув қуйган, лекин ўша заҳотиёқ униб чиқмагани учун кўл силтаб ташлаб кетган кишига ўхшайди", деганлар. Зотан, Аллох субҳонаху ва таъоло дуони Ўзи истаган вақтда, истаган кишисига, истаганича ижобат қилади.

Биз ҳам кўп дуо қиламизу лекин ижобат бўлганини доим ҳам кўравермаймиз. Бунга сабаб биз Аллох субҳонаху ва таъоло нинг ёлғиз Ўзига ибодат қилмаймиз! Ёхуд Унга тўла итоат қилмаймиз! Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам нинг барҳақ пайгамбар эканликларини била туриб, суннатларига эргашиб ўрнига қаердаги разил кимсаларга эргашамиз! Қуръони Каримни ўрганмаймиз! Ўрганганларимиз унга амал қилмаймиз! Аллох субҳонаху ва таъоло нинг неъматларидан еб, шукр қилмаймиз! Ислонинг тўғри йўл эканини била туриб, қаердаги куфр йўлларга харидорлик қиламиз! Шайтоннинг душманлигини била туриб, унинг йўлларига юрамиз! Аллох субҳонаху ва таъоло нинг душманлари қолиб, дўстлари билан курашамиз! Ўликларни кўриб ибратланмаймиз! Охиратни кўйиб, дунёни обод қиламиз! Ўз айбларимиз қолиб, бошқаларнинг айби билан овора бўламиз! Жаннатнинг яхши жой эканини биламизу унга яраша амалимиз йўқ! Дўзахнинг ёмон жой эканини биламизу жаҳаннамга олиб борадиган амалларни қиламиз! Шу ҳолда дуоларимиз қаердан ижобат бўлсин?!

Дуоларимизнинг ижобат бўлмаётганига энг асосий сабаблардан яна бири – ал-амру бил-маъруф ван-наҳю ьнил-мункар – яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш, яъни ислоний даъватни тарк этганимиздир! Аллох субҳонаху ва таъоло амру маъруф, нахий мункарни тарк этган яхуд-насороларни Қуръони Каримнинг бошқа бир ўрнида қаттиқ қойиб, марҳамат қилади:

﴿كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا يَفْعَلُونَ﴾ المائدة: ٧٩

Қилган мункар ишлардан бир-бирларини қайтаришмас эди! Қилаётган ишлари нақар ёмон! (Моидда сураси 79 – оят)

Мана шунинг қасрига бўлса керак, валлоху аълам, Аллох субҳонаху ва таъоло дуоларимизни ижобат қилмаяпти! Ҳолбуки, Раббимиз ҳам Эшитгувчи, ҳам Ижобат қилгувчидир! Бунинг боиси биз мусулмонлар оиламиз, қариндош-уруғларимиз, дўсту биродарларимиз, маҳалла-кўйимиз, ён-атрофимизда содир этилаётган минглаб мункар, фасод ишларга бепарво қарашимиздир! Уммати Муҳаммад соллаллоху алайхи ва саллам нинг афзал уммат деб танилишига сабаб бўлган улуғ шарафни тарк этганимиздир! Бундан ҳам хатарлиси шуки, кўпчилигимиз амру маъруф, нахий мункар қилган кишига ёрдам бериш, ҳеч бўлмаганда ҳаққига дуо қилиш ўрнига, уни ёмон кўриб мазах қиладиган, гапларига гаши келадиган бўлиб қолганидир! Ҳолбуки, Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ حُذَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَتَأْمُرَنَّ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ أَوْ لَيُوشِكَنَّ اللَّهُ أَنْ يَبْعَثَ عَلَيْكُمْ عِقَابًا مِنْهُ ثُمَّ تَدْعُوهُ فَلَا يُسْتَجَابُ لَكُمْ ﴿١٠٧﴾ رواه الترمذي

Хузайфа ибн ал-Яман розиаллоху анху ривоят қилдилар: **Пайгамбар** соллаллоху алайхи ва саллам жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, яхшиликка буюрасизлар, ёмонликдан қайтарасизлар ёки Аллох сизларга Ўз назидан азоб юборишини тезлатади. Сўнг Унга дуо қиласизлар, сизларга ижобат қилинмайди дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Ҳар бир нарса учун яхши, қулай вақт бўлганидек дуонинг ижобат бўлиши учун ҳам ўзига хос вақтлар бор. Бу вақтларнинг асосийси тонг саҳардир. Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам нинг қуйидаги ҳадислари бунга яққол далолат қилади:

¹ Ибн Қойюм роҳима-хулоқ нинг «ал-Жаваб-ул Кафий» номли китобларидан.

² Шу ўринда суранинг 119 – ояти тафсирига қайтиш фойдадан ҳоли эмас.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ يَنْزِلُ رَبُّنَا تَبَارَكَ وَتَعَالَى كُلَّ لَيْلَةٍ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا حِينَ يَبْقَى ثُلُثُ اللَّيْلِ الْآخِرِ يَقُولُ مَنْ يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ لَهُ مَنْ يَسْأَلُنِي فَأُعْطِيهِ مَنْ يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллох* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} **Раббимиз** ^{субҳонаху ва таъоло} **туннинг охиригидан бири қолганида дунё осмонига тушиб, "Ким Менга дуо қилади, унга ижобат қиламан. Ким Мендан сўрайди, унга бераман. Ким Мендан мағфират сўрайди, уни мағфират қиламан дейди", дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ فِي اللَّيْلِ لَسَاعَةً لَا يُؤَافِقُهَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ يَسْأَلُ اللَّهَ خَيْرًا مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ وَذَلِكَ كُلُّ لَيْلَةٍ ^{رواه البخاري}

Жобир ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} **тунда бир соат борки, мусулмон киши Аллоҳдан дунё ва охираат ишидан бирон яхшиликни сўраб, ўша соатга тўғри келса, Аллоҳ унга ўша сўраганини беради. Бу ҳар кечада тақрорланади дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Одамлар наздида эътиборсиз бўлган кишиларнинг қалбини яралаб қўйишдан, хусусан, мазлумнинг дуосидан ғоят эҳтиёт бўлмоқ керак. Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} унинг дуосини ижобатсиз қолдирмайди:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ مُعَاذًا إِلَى الْيَمَنِ فَقَالَ اتَّقِ دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ فَإِنَّهَا لَيْسَ بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ حِجَابٌ ^{رواه البخاري}

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} **Муъозни Яманга жўната ётиб мазлумнинг дуосидан кўрққин! Чунки унинг дуоси билан Аллоҳнинг ўртасида тўсиқ йўқдир дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Шунингдек азон ва иқомат орасида қилинган дуо ҳам ўзгачадир. *Росулуллох* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الدُّعَاءُ لَا يَرُدُّ بَيْنَ الْأُذَانِ وَالْإِقَامَةَ ^{رواه الترمذي}

Анас ибн Молик ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллох* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} **азон ва иқомат ўртасида дуо қайтарилмайди дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Мусулмон кишининг мусулмон биродарига қилган ғойибона дуоси ҳам мустажоб дуолар қаторига киради. Бу ҳақда *Росулуллох* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} қуйидагича марҳамат қилдилар:

عَنْ أُمِّ الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ حَدَّثَنِي سَيِّدِي أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ مَنْ دَعَا لِأَخِيهِ بِظَهْرِ الْغَيْبِ قَالَ الْمَلَكُ الْمُؤَكَّلُ بِهِ آمِينَ وَلَكَ بِمِثْلِ ^{رواه مسلم}

Умму Дардо ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Хўжайиним Росулуллох* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} **нинг ким биродарига ғойибона дуо қилса, унга бириктирилган фаришта "Омин! Сенга ҳам ўшандай бўлсин", дейди деб айтаётганларини эшитганларини айтдилар.** (Имом Муслим ривояти)

Жума кунини ҳам ғанимат билмоқ керак. Зеро, *Росулуллох* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} нинг шаҳодатлари билан бу кунда ғоят қимматли бир соат бор:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَكَرَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ فَقَالَ فِيهِ سَاعَةٌ لَا يُؤَافِقُهَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ وَهُوَ قَائِمٌ يُصَلِّي يَسْأَلُ اللَّهَ تَعَالَى شَيْئًا إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ وَأَشَارَ بِيَدِهِ يُقَلِّلُهَا ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллох* ^{солҳилоху алаҳи ва саллам} **Жума кунини зикр қилиб унда бир соат борки, мусулмон банда намоз ўқиган ҳолда туриб Аллоҳ** ^{субҳонаху ва таъоло} **дан бирон нарсани сўраб унга мувофиқ келса, унга беради дедилар ва қўллари билан унинг оз эканини билдириб ишора қилдилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Бундан ташқари Китоб ва Суннат асосидаги далиллар сафарда, мусибат етган вақтда, фарз намозлардан сўнг қилинган дуоларнинг кўпроқ ижобат бўлишига ишора қилади.

Гап дуо ҳақида кетганида шуни ҳам айтиш керакки, дуода ҳаддан ошиш ҳам шарият мазаммат қилган амалдир. Ўзига лойиқ бўлмаган ёхуд кераксиз нарсаларни сўраш дуода ҳаддан ошиш маъноларидан. Шунга кўра кўпчиликка малол келадиган даражада, ҳар бир кишини номма-ном зикр қилиб, такрор-такрор, узундан-узоқ дуо қилишлар дуо қилиш одобларига хилофдир. Куръони Карим ва Суннати Набавийя бизни бундан қайтаради:

﴿ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمَعْتَدِينَ﴾ الاعراف: ٥٥

Раббингизга тазарруъ билан ҳамда хуфёна дуо қилинглари! У ҳаддан ошгувчиларни яхши кўрмас! (Аъроф сураси, 55 – оят)

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُعْفَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ ابْنَهُ يَقُولُ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْقَصْرَ الْأَيْضَ عَنْ يَمِينِ الْجَنَّةِ إِذَا دَخَلْتُهَا فَقَالَ أَيُّ بُنْيٍّ سَلَ اللَّهُ الْجَنَّةَ وَتَعَوَّذَ بِهِ مِنَ النَّارِ فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّهُ سَيَكُونُ فِي هَذِهِ الْأُمَّةِ قَوْمٌ يَعْتَدُونَ فِي الطُّهُورِ وَالِدُعَاءِ رواه أبو داود

Абдуллоҳ ибн Муғоффал ривоятлову ашу ўғилларининг "Аллоҳим! Жаннатга кирсам, Сендан унинг ўнг томонидан оқ қасрни сўрайман", деяётганини эшитдилар. Шунда Эй болам! Аллоҳдан жаннатни сўрагин, дўзахдан паноҳ тилагин! Чунки мен Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам нинг бу уммат ичидан яқинда таҳорат ва дуода ҳаддан ошадиган қавм бўлади деганларини эшитганман дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Баъзан қалбимизнинг ёлғиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолога боғлангани ёки бирон солиҳ амалимиз ёхуд дуо қилган вақт сабаб айрим дуоларимиз ижобат бўлади. Биз эса буни қилган дуойимиз туфайли деб, унинг ижобат бўлишига сабаб бўлган омиллардан кўз юмамиз. Оқибатда дуоларимиз ижобат бўлмай қолади.

Хулоса қилганда ким ҳожатини Раббисидан тазарруъ, умид ва ишонч ила, шариятга мувофиқ дуо билан сўраса, Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло Ўзининг ҳикмати тақозо этган пайтда, албатта, ижобат қилади. Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолодан кўрқиб, Унга илтижо қилган муслмон банда ҳеч қачон ютказмайди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَدْعُو بِدَعْوَةٍ لَيْسَ فِيهَا إِثْمٌ وَلَا قَطِيعَةٌ رَحِمَ إِلَّا أَعْطَاهُ اللَّهُ بِهَا إِحْدَى ثَلَاثٍ إِمَّا أَنْ تُعَجَّلَ لَهُ دَعْوَتُهُ وَإِمَّا أَنْ يَدْخِرَهَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ وَإِمَّا أَنْ يَصْرِفَ عَنْهُ مِنَ السُّوءِ مِثْلَهَا قَالُوا إِذَا نُكِّرْتُ قَالَ اللَّهُ أَكْثَرُ رواه أحمد

Абу Саъид ривоятлову ашу ривоят қилдилар: **Пайгамбар** соллаллоҳу алайҳи ва саллам ичида гуноҳ сўзлар бўлмаган дуо билан ёки қариндош-уруғчиликни узмасдан дуо қиладиган бирон бир муслмон йўкки, магар Аллоҳ унга куйидаги уч нарсанинг бирини беради: унга дуосининг ижобатини тезлатади; уни Охиратга сақлаб қўяди; ундан ўшанинг баробарича ёмонликни қайтаради дедилар. Саҳобалар унда дуони кўпайтирамиз дейишди. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ ижобат қилишда кўпроқдир дедилар. (Имом Аҳмад ривояти)

Оятдаги «الرُّشْدُ – рушд» сўзи араб тилида ҳидоят ва солиҳ амалларга йўлланиш маъносини билдиради. Баъзи муфассир уламолар уни Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло суядиган ва ғазаб қиладиган нарсаларни билиш, деб изоҳлаганлар. Демак, Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолонинг даъватига ижобат қилиш, Унга иймон келтириш инсонни тўғри йўл, ҳақиқат, адолат ва бахт саодат сари бошлайди. Бироқ Аллоҳ субҳанаҳу ва таъолодан ўзганинг даъватига ижобат қилиш эса тубсиз ҳалокат ва абадий шақоватга етаклайди.

Ўтган оятларда рўзага доир бир қатор ҳукмлар баён қилинган эди. Куйидаги оятда ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таъоло яна рўзага тааллуқли бўлган бир неча ҳукмларни баён қилади:

أَجَلٌ لَكُمْ لَيْلَةَ الصِّيَامِ أَرْفَتْ إِلَى نِسَائِكُمْ هُنَّ لِيَّاسٌ لَكُمْ وَأَنْتُمْ لِيَّاسٌ لَهُنَّ عَلِمَ اللَّهُ أَنَّكُمْ كُنْتُمْ تَخْتَانُونَ أَنْفُسَكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ وَعَفَا عَنْكُمْ فَالْتَنَ بِشُرُوهِنَّ وَأَبْتَعُوا مَا كَتَبَ اللَّهُ لَكُمْ وَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يَبَيِّنَ لَكُمْ الْحَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْحَيْطِ

الْأَسْوَدَ مِنَ الْفَجْرِ ثُمَّ أَتَمُوا الصِّيَامَ إِلَى الْآيْلِ وَلَا تُبَشِّرُوهُمْ وَأَنْتُمْ عَاكِفُونَ فِي الْمَسْجِدِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَقْرُبُوهَا كَذَلِكَ
يَبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ

187. Сизларга рўза кечасида аёлларингизга қўшилмоқ ҳалол қилинди. Улар сизларга либосдир. Сизлар ҳам уларга либосдирсиз. Аллоҳ сизлар ўзларингизга хиёнат қилаётганингизни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди улар билан қовушаверинглар ва Аллоҳ сизларга ёзган нарсани талаб қилинглар. Сизларга тонгдан оқ ип қора ипдан ажралгунга қадар еб-ичаверинглар. Сўнгра рўзани кечгача тамомига етказинглар. Масжидларда эътикоф ўтирган ҳолатингизда улар билан қовушманглар! Бу Аллоҳнинг чегараларидир! Шундай экан, уларга яқинлашманглар! Аллоҳ одамларга оятларини мана шундай баён қилади, шояд улар тақво қилишса!

Эй рўзадор, мўмин бандалар! Сизлар учун субҳга қадар аёлларингиз ва қўл остингиздаги чўриларингиз билан жинсий яқинлик қилишга рухсат қилинди! Зеро, сизлар бир-бирингизга баданингизни иссиқ-совукдан, бегона кўздан, гуноҳдан беркитиб тўсадиган кийим кабидирсиз! Кийимларингиз айб ўринларингизни беркитиб тургани каби аёлларингиз ҳам сизларни гуноҳ ва бузқликлардан тўсиб турувчи либос манзилатидалар! Сизлар ҳам уларнинг айбларини яшириб турувчи либос ўрнидасиз!

Рухсат қилинишидан олдин сабр қилолмай Рамазон кечаларида аёлларингиз билан яқинлик қилиб, ўзингизга хиёнат қилаётганингизни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} билди ва тавбаларингизни қабул айлаб, сизларни кечирди! Сизларга машаққат туғдирган аввалги ҳукми бекор қилиб, тавбангизни қабул қилди! Энди Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} рухсат этди, аёлларингиз билан қовушаверинг! Бироқ жинсий яқинликдан мақсад шахвоний истакларни қондиришигина эмас, насл қолдириш, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг илми азалийсида битилган фарзандни талаб қилиш ҳам бўлмоғи керак! Зотан, жинсий майлнинг яратилиши ва никоҳнинг машруъ бўлишидан кўзда тутилган ҳикмат ҳам шудир!

Оқ ип қора ипдан, яъни субҳи содиқ субҳи козибдан ажралгунга қадар еб-ичаверинг! Сўнг субҳи содиқдан кечгача, то қуёш ботқунга қадар емоқ, ичмоқ ва жинсий яқинликдан тийилиб, рўзани охирига етказиб тугатинг! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га қурбат ҳосил қилиш мақсадида масжидларда эътикоф ўтирганингизда аёлларингиз ва қўл остингиздаги чўрилар билан жинсий яқинлик қилманг!

Рамазон кечасида аёлларингиз билан яқинлик қилишга, субҳи содиққа қадар еб-ичишга рухсат берилиши, эътикоф ўтирганингизда жимоъ қилишдан қайтариш, умуман, фарз, вожиб ва ҳаром каби ҳукмлар Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг ҳудудларидир! Уларга асло яқинлаша кўрманг! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} одамларга рўзага доир ҳукмларни баён қилгани каби Ўзининг ҳақ йўл ва абадий саодатга бошловчи илоҳий ва муқаддас оятларини ҳам мана шундай очиқ-ойдин баён қилиб боради! Қани энди одамлар тақво қилса!

Баро ^{риwayat} Муҳаммад ^{салвоату алайҳи ва салам} нинг асҳобларидан бир киши рўзадор бўлса, ифторга келиб, ифтор қилмай ухлаб қолса, ўша кечада ҳам, эртаси кунни ҳам ейиш мумкинмас эди. Қайс ибн Сирмат ал-Ансорий рўзадор эди. Ифтор вақти келганида аёлига келиб унга "Овқатинг борми?" деди. Аёли "Йўқ, лекин бориб сизга бирон нарса топарман", деди. Кунни ишлаб ўтқизгани боис кўзлари уйқуга кетди. Аёли келиб уни кўргач. "Ифторликдан маҳрум бўлибсиз!" деди. Эртасига кун яримлаганида хушидан кетди. Пайгамбар ^{салвоату алайҳи ва салам} га бу ҳол айтилди. Шунда мана шу сизларга рўза кечасида аёлларингизга қўшилмоқ ҳалол қилинди ояти нозил бўлди. Бундан саҳобалар хўп хурсанд бўлишди. Сўнг сизларга оқ ип қора ипдан ажралгунга қадар еб-ичаверинглар ояти нозил бўлди. Рўза тутиш фарз қилинганда кишилар бутун Рамазон бўйи аёлларга яқинлашмас, ўзларига хиёнат қилишарди. Шунда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Аллоҳ сизлар ўзларингизга хиёнат қилаётганингизни билиб, тавбаларингизни қабул қилди ва сизларни афв этди оятини нозил этди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Рўза фарз қилинган дастлабки пайтда киши хуфтон намозини ўқиганидан сўнг ёки ухлаб қолиб ифтор вақтини ўтказиб юборгудек бўлса, кейинги куннинг қуёши ботқунга қадар емоқ, ичмоқ ва жинсий яқинлик ҳаром қилинган эди. Ҳалол қилинди, энди улар билан қовушаверинглар иборалари бу нарсага олдин рухсат берилмаганини кўрсатади. Гўё рўза субҳдан эмас, уйқу пайтидан бошланарди. Саҳобалар гоҳо ифтор пайтида уйига келиб, егулик нарса топилмай, ухлаб қолар, уйғонган вақтда эса ифтор вақти ўтиб кетган бўларди. Шунда ейиш-ичишга рухсат йўқлиги боис ўткарма рўза тутишга мажбур бўлишарди. Оқибатда эртасига жуда оғир аҳволга тушиб, қийналишарди. Баъзиларда эса ифтордан кейин ёки бир оз ухлаб қолиб, сўнг аёли билан қўшилиб, ўзига хиёнат қилган ҳолатлар ҳам бўлган. Бу ҳукм кишиларга, хусусан, ёш оилаларга анча машаққат туғдирарди.

Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ифтордан кейин ухлаб қолган кишиларнинг емоқ-ичмоқ ва жинсий истаклари бўлишини, оқибатда беихтиёр шу ишларга қўл уриб, рўза ҳақидаги ҳукми бузиб, ўзларига хиёнат қилишларини Ўз илми азалийси билан билди. Бу ишга қўл урган кишиларнинг тавбаларини қабул қилиб, уларни кечирди. Бандаларига енгиллик бериб, тонг саҳарга қадар емоқ, ичмоқ ва аёли билан қовушмоққа рухсат берувчи ушбу оятни нозил этиш билан улардан бу машаққатни кўтарди. Шундан сўнг емоқ, ичмоқ ва жинсий яқинликдан тийилиш, яъни рўза тутиш муддати субҳи содиқдан то куёш ботқунга қадар экани қатъий ҳукм бўлди.

الرَّفَثُ сўзидан жимоъ ва унга олиб борувчи омиллар назарда тутилган. Араб тилида бу калима фаҳш сўзларни айтиш маъносини билдиради. Муфассир уламолар "Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} саҳобаларнинг рухсат берилишдан олдин аёллари билан яқинлик қилганларини қоралаш учун ушбу иборани қўллади", деганлар.

Инсон билан кийим доимо бир-бирига яқин бўлгани боис эр-хотин либосга киноя қилинди. Либос инсонга қанчалар зарур, доимий бир эҳтиёж бўлса, эр-хотин рўзгор машаққатларини енгиллашди, ҳаёт қарвонини тортишда бир-бирига нисбатан шунчалар зарурдир. Исломи назарида эр-хотин бир-бирисиз бутун бирлик бўлолмайди. Баданга энг яқин нарса кийимдир. Инсоннинг кўриниши кийими билан зийнатли. Кийим инсонни ўраб, ҳимоялаб, унга зийнат бериб, айб-нуқсонлардан пардалаб туради. Инсон турмуш ўртоғи воситасида ҳаром ишлардан тийилади. Кийим билан бадан бир-бирига яқин бўлгани каби эр-хотин ҳам бир-бирига яқин бўлиши, оиладаги муаммоларни биргаликда ҳал қилишлари керак. Аёллар турмуш ўртоқларининг айб-нуқсонларини яширадиган либос ўрнида бўлишлари, эрақлар ҳам кийим каби аёлларнинг камчиликларини беркитиб туришлари лозим.

Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг ҳукмларини бузган кимсаларни Қуръони Карим ўзига хиёнат қилганлар, деб баҳолади. Чунки шариат ҳукмларини бузаётганлар Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}га хиёнат қилиш билан бир вақтда ўзига ҳам хиёнат қилган бўлади.

Қуръони Карим эр-хотин ўртасидаги муносабатларни ҳаё ила пардалаб, жинсий яқинликни нозик, латиф суратда, ажиб бир ибора билан ифодалади. Бу нарса биз мусулмонларни жинсга таалуқли масалаларида одоб ва ҳаё тушунчаларини йўқотмасликка ундайди.

Исломи эр-хотиннинг бир-бири билан шаҳватини қондириш мақсадида жимоъ қилишларидан қайтарган эмас. Балки Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} бу нарсани садақа деб айтганлар:

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَفِي بَعْضِ أَحَدِكُمْ صَدَقَةٌ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيَاتِي أَحَدُنَا شَهْوَتُهُ وَيَكُونُ لَهُ فِيهَا أَجْرٌ قَالَ أَرَأَيْتُمْ لَوْ وَضَعَهَا فِي حَرَامٍ أَكَانَ عَلَيْهِ فِيهَا وَزْرٌ فَكَذَلِكَ إِذَا وَضَعَهَا فِي الْحَلَالِ كَانَ لَهُ أَجْرًا ﴿١٠﴾ رواه مسلم

Абу Зар ^{розиллоҳу анху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **биронгангизнинг аёли билан қовушишида ҳам садақа бор дедилар.** "Ё Росулulloҳ! Биронгангизнинг шаҳватини қондирса ҳам унга шу нарсада ажр бўладими?" дейишди. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **агар ҳаромга қилса, унга шу нарсада гуноҳ бўлармиди? Шунга ўхшаш ҳалолга қилса, унга ажр бўлади дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Бироқ Исломи жимоъдан мурод фақат шаҳвоний истакларни қондириш бўлишини қоралаган. Чунончи эр-хотин муносабатлари фақат шаҳвоний истаклар асосида бўлса, инсон ҳаёти таърифлаб бўлмас даражада изидан чиқиб кетиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

«إِعْتِكَافٌ» – эътикоф» сўзи луғатда маълум нарсага берилиш, ўзини бир нарсага қаттиқ боғлаш маъносини билдиради. Ушбу феълнинг ўтимли ва ўтимсиз кўринишлари бўлиб, ўтимсиз кўринишда яхши ё ёмон бўлсин, бир нарсада сабот билан туриш, давомийлик, икбол қилиш маъноларини ифодалайди. Шариат истилоҳида эса Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}га қурбат ҳосил қилиш мақсадида барча дунё ишларидан узилиб, ўзини ибодатга боғлаб масжидда ўтириш эътикоф, дейилади. Рамазон ойида, хусусан, охириги ўн кунликда эътикоф ўтириш мусулмон эр ва аёл учун суннатдир. Абдуллоҳ ибн Умар, Абу Хурайра, Абу Саид ал-Худрий ва Ойша онамиз ^{розиллоҳу анхум}лардан қилинган ривоятларга кўра *Пайгамбар* ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **вафот қилгунларига қадар ҳар йили Рамазондан охириги ўн кунликда эътикоф ўтирардилар.** Сўнг у кишидан кейин аёллари ўтирарди. **Вафот қилган йиллари охириги йигирма кунда масжидда эътикоф ўтирганлар.** Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **бомдод намозини ўқиб, масжиддаги эътикоф ўтирадиган ўринга кирардилар.** (Имом Бухорий ривоятлари)

Ҳақиқий мўмин киши йигирма кун мобайнида рўза тутар экан, гуноҳларидан покланиш натижасида ўзида Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}га қандайдир қурбат ҳосил қилади. Рамазон ойининг тугаб бораётгани бу қурбатни ғанимат билиб, яна ҳам зиёда этишга ундайди. Шунда яқинларидан,

дунё ишларидан, иссиқ ўрнидан фақат Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} учун ажралади. "Қандай қилсам, Раббимни рози қиларкинман?" деган ўй таъсирида Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} билан Унинг уйида ҳамнишин бўлади. Натижада қалбида самимийлик зиёда бўлади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} билан банда ўртасида ўзига хос унс вужудга келади.

Минг афсуски, эътикоф ибодати диёримизда кўпчилик учун Рамазон ойида ҳам бегона! Охирги ўн кунликни ғанимат билиш ўрнига қимматли вақтни зое қилиб, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг уйида У билан ёлғиз қолиб ибодат қилиш лаззатидан бебахра ўтамиз! Раббим! Жумла мўмин қатори халқимизни ҳам эътикоф ибодатига муваффақ айлагин!

Уламолар эътикофни беш маҳал намозга жамоат тўпланадиган масжидга қайд қилганлар. Шунга кўра эътикоф фақат масжидда ўтирилади. Аммо Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-хулоқ} "Эркак кишидан фарқли ўлароқ аёл кишига жамоат вожиб эмас", деган ҳукмдан қиёс қилиб, аёл кишига уйида эътикоф ўтиришига руҳсат берганлар. Эътикоф ўтирадиган аёллар ҳайз ва нифос конларидан пок бўлишлари лозим. Чунки Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} эътикоф ўтирган пайтда узрли бўлиб қолган аёлларни поклангунга қадар масжиддан чиқиб туришга буюрганлар¹. Узрли ҳолатга дуч келган аёллар эътикофни тўхтатади. Поклангач, келган еридан охирига қадар тамомлайди.

Оятнинг бевосита рўздорларга қаратилгани боис жумҳур уламолар, жумладан Имом Молик, Имом Аҳмад, Имом Абу Ҳанифа ва шайх-ул-Ислоом Ибн Таймийя ^{роҳима-хулоқ} лар эътикоф ўтирган киши рўза тутиши лозим, деганлар. Эътикофнинг энг кам миқдорини Имом Абу Ҳанифа ва Имом Молик ^{роҳима-хулоқ} лар бир кеча ва кундуз, деб белгилаганлар. Имом Шофибий ^{роҳима-хулоқ} "Рўза тутиш афзал, шарт эмас" деб, эътикофга муайян муддат тайин қилмаганлар. Эътикоф ўтирмакчи бўлган киши Имкон қадар жума ўқиладиган масжидни ихтиёр қилиши керак. Йўқса, жума намозини ўқиш учун масжиддан ташқарига чиқишга тўғри келади ва бу нарса эътикоф одобларига зид бўлади.

Исломдан бошқа тузум ва маслақлар инсонни инсон эмас, гўё емайдиган, ичмайдиган фаришта табиат қилиб кўрсатади. Айрим мақола ё бадий асарларни ўқилса, улардаги қаҳрамонлар ҳаддан зиёд муболага билан, гўё уларда нафс, хоҳиш каби туйғулар йўқ, фаришта қилиб кўрсатилган. Чанг-гўзонда ишлайдиган одамни ўта покиза, бирон жойига гўбор юктирмайдиган қилиб тасвирланади.

Ислоом ўз ҳукмларини инсоннинг табиатини, истак ва хоҳишини эсдан чиқармасдан, уларни тўла ҳисобга олган ҳолда табиатига мувофиқ равишда баён қилади. Жумладан масжидда эътикоф ўтирган кишининг ҳам энг аввало инсон эканини, ундан жинсий майл батамом йўқолиб кетмаслигини ҳисобга олган ҳолда ҳукми ифода этади. Шунга кўра Рамазон ойида ёки ундан бошқа пайтда эътикоф ўтирган киши эътикоф муддати тугагунга қадар, хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, заруратдан ташқари масжиддан чиқиши, аёли билан яқинлик қилиши мумкин эмас. Бордию эътикоф ўтирган пайтда аёли билан жинсий муносабатда бўлса, гуноҳкор бўлади, эътикофи бузилади ва қазо тариқасида бошқадан эътикоф ўтиради.

Шу ўринда сахарликни вақтидан эрта тўхтатаётган ё ифторликни вақтидан кечиктираётган, бошқаларни ҳам шунга мажбурлаётган, бу қилмишини эҳтиёткорлик деб изоҳлаётганлар қаттиқ адашаётганини яна бир бор айтиш лозим. Чунки, бунинг замирида Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳалол қилиб берган нарсадан бошқаларни тўсишдек гуноҳ этади. Зотан, ҳақиқий эҳтиёт ўзича эмас, Қуръони Карим ва Суннати Набавийга қатъий риоя этиш билан бўлади. Колаверса, Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг кўрсатмаларига ҳилоф иш тутган бўлади:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي أَوْفَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ وَهُوَ صَائِمٌ فَلَمَّا غَرَبَتِ الشَّمْسُ قَالَ لِبَعْضِ الْقَوْمِ يَا فُلَانُ قُمْ فَاجِدْ لَنَا فَقَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ لَوْ أَمْسَيْتَ قَالَ انْزِلْ فَاجِدْ لَنَا قَالَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَلَوْ أَمْسَيْتَ قَالَ انْزِلْ فَاجِدْ لَنَا قَالَ إِنَّا عَلَيْكَ نَهَارًا قَالَ انْزِلْ فَاجِدْ لَنَا فَانْزَلَ فَجَدَّحَ لَهُمْ فَشَرِبَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ثُمَّ قَالَ إِذَا رَأَيْتُمُ اللَّيْلَ قَدْ أَقْبَلَ مِنْ هَاهُنَا فَقَدْ أَفْطَرَ الصَّائِمُ ﴿١﴾ رواه البخاري

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ^{роҳияллоҳу ану} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} билан бирга сафарда эдик. У киши рўздор эдилар. Қуёш ботганида бир кишига Эй фалончи! Туриб бизга ичимлик тайёрлагин дедилар. У киши Ё Росулulloҳ! Бир оз кечкиртирсангизмикин, деди. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} тушиб бизга ичимлик тайёрлагин дедилар. У киши Ё Росулulloҳ! Бир оз кечкиртирсангизмикин, деди. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} тушиб бизга ичимлик тайёрлагин дедилар. У

¹ Ибн Қудома ^{роҳима-хулоқ} нинг «ал-Мугний» номли китобларидан

киши "Ё Росулulloҳ! Ҳали кундуз бор-ку!" деди. Росулulloҳ ^{СОҶДАЛЛОҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} **тушиб бизга ичимлик тайёрлагин дедилар. Шунда тушиб уларга ичимлик тайёрлади. Пайгамбар** ^{СОҶДАЛЛОҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} **ичдилар, сўнг Машриқ томонга ишора қилиб агар кечанинг анави томондан келганини кўрсангиз, рўзадор оғзини очаверади дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Қолаверса **السى الليل** – **кечагача** калимаси рўзадор бирон нарса есин ё емасин, қуёш ботиши билан унинг рўзаси очилишига ишора қилади.

Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ}нинг ҳукмлари ҳақ билан ботил, ҳалол билан ҳаром ўртасини айриб бергани учун шаръий истилоҳда ҳудуд – чегара деб юритилади.

Ҳар қандай чегаранинг ички ва ташқи томони бўлади. Шариат ҳаром қилган нарсалар Ислом чегараларининг ташқи томонидир. Уларнинг яқинига бориш гўё Ислом ҳудудларини ташқи томонидан бузиш демакдир. Шариат буюрган тақлифотлар борки, улар Ислом чегараларнинг ички томони мисолидадир.

Гуноҳга яқин бориш билан унга мубғало бўлиш орасида ҳеч қанча масофа йўқ. Шунинг учун бўлса керак Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} бизни шариат ҳудудларига яқин бормасликка чақирмоқда. Яқин борган одамнинг чегарани бузиб ўтиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Аллоҳ ^{СУБАҲАҲУ ВА ТАҲОҲУ} инсонга рўза тутишда ҳамма замонда, ҳар қандай шароитда соат ёки бошқа жиҳозларсиз аниқлаш мумкин бўлган ўлчовни берди. Оятдаги оқ ва қора ипдан икки фусункор ҳолат – тонг отишидан олдинги қоронғулик – субҳи козиб ва уфқда кенг ёйилган ёруғлик – субҳи содиққа киноя қилинган.

Саҳл ибн Саъд ^{РОЗИЯЛЛОҲУ АНУ} оятнинг **сизларга оқ ип қора ипдан ажралгунга қадар еб-ичаверинглар** қисми **нозил бўлди. Тонгдан** калимасини **нозил этмади. Шунда одамлар рўза тутишни хоҳласалар уларнинг бири оёғига оқ ва қора ипни қўйиб, унга ипларнинг кўриниши ажралгунга қадар еяверарди. Сўнг Аллоҳ тонгдан** калимасини **нозил этди. Шунда бундан фақат кун ва тунни назарда тутганини билишди** дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Оқ ип қора ипдан ажралгунча деган оят нозил бўлганда саҳобалар олдиларига оқ билан қора ип қўйиб, саҳарлик пайтида оқ ипни қора ипдан ажратиш мумкин бўладиган вақтни кутишар эди. Шунда Росулulloҳ ^{СОҶДАЛЛОҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} оқ ва қора ипдан мурод нималигини баён қилдилар:

عَنْ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا الْخَيْطُ الْأَبْيَضُ مِنَ الْخَيْطِ الْأَسْوَدِ أَهْمَا الْخَيْطَانِ قَالَ إِنَّكَ لَعَرِيضُ الْقَفَا إِنْ أَبْصَرْتَ الْخَيْطَيْنِ ثُمَّ قَالَ لَا بَلْ هُوَ سَوَادُ اللَّيْلِ وَبَيَاضُ النَّهَارِ ^{رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ}

Адий ибн Хотим ^{РОЗИЯЛЛОҲУ АНУ} ривоят қилдилар: "Ё Росулulloҳ! **Оқ ип қора ипдан** дегани нима? Улар ҳақиқатдан ҳам ипми?" дедим. **Агар иплар деб ўйлаган бўлсанг, сен каллаварам экансан! дедилар. Сўнг йўқ! Балки у туннинг қоронғулиги ва куннинг ёруғлигидир дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Киши агар тонг отган ё отмагани ҳақида иккиланса, Имом Аҳмад ва Имом Шофиъий ^{РОҲИМА-ҲУМУЛЛОҲУ}нинг фикрларида тонг отгани аниқ бўлмагунга қадар саҳарликни давом эттириш мумкин. Имом Молик ^{РОҲИМА-ҲУМУЛЛОҲУ} бу нарсани қариҳ санаганлар.

عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا يُغْرَنُّ أَحَدَكُمْ نِدَاءُ بِلَالٍ مِنَ السَّحُورِ وَلَا هَذَا الْبَيَاضُ حَتَّى يَسْتَطِيرَ ^{رَوَاهُ مُسْلِمٌ}

Самура ибн Жундуб ^{РОЗИЯЛЛОҲУ АНУ} ривоят қилдилар: **Мен Муҳаммад** ^{СОҶДАЛЛОҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} **нинг Билолнинг азони ва бу оқлик то тарқалиб кетгунга қадар биронтангизни саҳарликдан алдаб тўсиб қўймасин деганларини эшитдим** дедилар. (Имом Муслим ривояти)

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ بِلَالَ يُؤَذِّنُ بِلَيْلٍ فَكُلُوا وَاشْرَبُوا حَتَّى يُؤَذِّنَ أَوْ قَالَ حَتَّى تَسْمَعُوا أَذَانَ ابْنِ أُمِّ مَكْتُومٍ وَكَانَ ابْنُ أُمِّ مَكْتُومٍ رَجُلًا أَعْمَى لَا يُؤَذِّنُ حَتَّى يَقُولَ لَهُ النَّاسُ أَصَبَحَتْ ^{رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ}

Абдуллоҳ ибн Умар ^{РОЗИЯЛЛОҲУ АНУ} ривоят қилдилар: **Пайгамбар** ^{СОҶДАЛЛОҲУ АЛАЙHI ҲИ САЛЛАМ} **Билол тунда азон айтади. Ибн Умми Мактум азон айтқунга қадар ёки унинг азонини эшиттунигизга қадар еб-ичинглар**

дедилар. *Ибн Умми Мактум аъмо киши бўлиб, одамлар унга тонг оттирдингиз демагунларигача азон айтмас эди* дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Шунингдек, тонг отгани йўқ, деган гумон билан ейиш-ичишда давом этган, сўнг тонг отгани маълум бўлган кишининг рўзаси, тонг отгани ажралиб, маълум бўлгунига қадар емоқ ичмоқ ва жимоъ рухсат қилингани боис саҳиҳдир.

Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} Ислому шариати ҳукмларини одамларга тушинарли, равшан қилиб баён қилди. Шариат ҳукмларни баён этишдан кўзлаган асосий мақсад одамларнинг тақвони кўлга киритишидир. Тақво шариат ҳукмларига амал қилиш, қайтарган ишларидан батамом қайтиш билан бўлади.

Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} ўтган оятда баъзи макон ё замонга хос айрим ҳаромларни баён қилгач, қуйидаги оятда ҳеч бир замон ё маконга хос бўлмаган ҳаромни баён қилади:

وَلَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ وَتُدْلُوا بِهَا إِلَى الْحُكَّامِ لِنَأْكُلُوا فَرِيقًا مِّنْ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالْإِثْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٨٨﴾

188. Молларингизни ўртангизда ботил билан еманглар ва одамларнинг молларидан бир қисмини гуноҳ ила ейишларингиз учун сизлар уни билиб туриб ҳокимларга берманглар!

Эй мўминлар! Бирингиз бошқангизнинг молини ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғон гапириш, ёлғон қасам ичиш, хиёнат, қарз олиб сўнг қарздан тониш, савдода алдаш, зўрлик ва тажовуз билан тортиб олиш, ўғирлаш, қароқчилик, қимор ёхуд судхўрлик орқали, умуман Ислому рухсат қилган йўсундан ўзга ҳар қандай йўллар билан еманглар! Бировнинг ҳаққини ноҳақ тортиб олиш ҳаром эканини била туриб, биродарингизнинг молини ўзингизга ноҳақ ўзлаштириш мақсадида ҳоким ва қозиларга пора берманглар! Бу сизлар учун ҳаромдир!

Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} ушбу оятда кўпчиликнинг назарига тушмайдиган қабих жиноят – ҳокимият вакиллари ё ҳукм чиқарувчи қозиларни ўз томонига оғдариш ва бунинг оқибатида “адолат” билан бировнинг шахсий ё ижтимоий мулкларни ўзлаштириш жиноятини қоралаб, мўминларни бундай гуноҳдан узоқ бўлишга даъват этмоқда. Зотан, бунақанги жиноят ортида қандай ёвуз кимсалар, қанақанги разил мақсадлар тургани кўпчиликка ҳар доим ҳам маълум эмас.

Масалан, бир кишида бировнинг ҳаққи бор. Ҳақдор унга ишонгани учун молини ҳеч қандай гувоҳсиз, ҳужжатсиз берган. Мол эгасининг эгаллик ҳақидаги ҳужжатнинг йўқлигидан фойдаланиб қарздор "Сендан ҳеч қандай қарзим йўқ! Менда ҳаққинг борлигига ҳужжатинг борми?" дейди. Ўзининг ноҳақлигини яхши билса-да, ҳоким ё қозининг ҳузурда хусуматлаша туриб, гапдонлик билан муттаҳамлик қилиб, "Ҳаққим бор, деб менга туҳмат қилипти! Қани ҳужжати?!" дейди. Бировнинг мулкни ўзлаштириш мақсадида ўз фойдасига ҳукм чиқартириш учун қози ва ҳокимларга пора беради.

Оятдаги *أَمْوَالِكُمْ* – **молларингизни** калимаси емоқ-ичмоқдан ташқари кийим-кечак, маркаб, ховли-жой каби шахсий ва ижтимоий мол-мулкнинг барча турларини ўз ичига олади. *لَا تَأْكُلُوا* – **еманглар** калимаси ейиш маъносидан ташқари олиш ва эга бўлиш маносини ҳам билдиради. Бировнинг мулкни Ислому шариати қайтарган ҳар қандай усул билан ейиш – шариатимизда ибодатнинг қабул бўлишини тўсадиган катта гуноҳлардан саналади. Ҳақли бўлмасдан туриб закот ё садақотлар ейишни ҳам уламолар бировнинг молини ўзлаштириш, деб айтганлар.

Қозининг ҳукми ҳаромни ҳалол қилолмайди. Қози ҳужжатларнинг зоҳири, гувоҳларнинг кўрсатмасига қараб, ҳукм чиқаради. Гуноҳнинг барчаси ёлғон далилларни келтирган томоннинг зиммасида қолади. Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ سَمِعَ خُصُومَةَ بِيَابِ حُجْرَتِهِ فَخَرَجَ إِلَيْهِمْ فَقَالَ: **إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ وَإِنَّهُ يَأْتِينِي الْخِصْمُ فَلَعَلَّ بَعْضَكُمْ أَنْ يَكُونَ أَبْلَغَ مِنْ بَعْضٍ فَأَحْسِبُ أَنَّهُ صَدَقَ فَأَقْضِي لَهُ بِذَلِكَ فَمَنْ قَضَيْتُ لَهُ بِحَقِّ مُسْلِمٍ فَإِنَّمَا هِيَ قِطْعَةٌ مِنَ النَّارِ فَلْيَأْخُذْهَا أَوْ فَلْيَتْرُكْهَا** ^{رواه البخاري}

Умму Салама ^{розиаллоху анҳо} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} ҳужралари эшигининг олдида хусуматни эшитиб, уларга чиқиб, мен ҳам инсонман. Олдимга ҳақ талашувчилар келади. Ўшанда баъзингиз баъзилардан кўра гапдонроқ бўлиши ва сўзамоллиги боис мен уни ростгўй деб ҳисоблаб, унинг фойдасига ҳукм қилиб қўйишим мумкин. Кимга бошқа бир мусулмоннинг ҳаққини унинг фойдасига ҳукм қилиб қўйсам, билсинки, у фақат дўзахдан бир бўлакдир. Шундай экан, уни олсин ёки тарк қилсин ўзига ҳавола дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Агар ҳоким ёхуд қози хусуматчининг ноҳақ эканини кейинроқ билиб қолса, ҳукми ўзгартириб ҳақни қарор топтириши лозим. Агар қози хусуматчининг ноҳақ эканини била туриб унинг фойдасига ҳукм чиқарса, бировнинг мулкани ноҳақ ейишдек катта гуноҳда шерик бўлади.

Мусулмон киши мусулмон биродарининг молини фақат шариат рухсат қилган қарз, ижара ё ўзаро тижорат каби йўллар билан ейиши мумкин ҳолос:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ بِالْبَاطِلِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَارَةً عَنْ تَرَاضٍ مِّنْكُمْ ۗ﴾ النساء: ٢٩

Эй иймон келтирган кишилар! Молларингизни ўртангизда ботил билан еманглар! Ўзаро розилик асосидаги савдо билан бўлса, бундан мустасно! (Нисо сураси, 29 – оят)

Исломдан бошқа тузумларда инсоннинг гувоҳлигидан кўра бир парча қоғоз эътиборли саналади! Балким уларда барча нарса ёлгон ва ботилга қурилгани боис бир парча қоғозни инсоннинг сўзидан кўра қадрлашар! Аммо Ислом мусулмон кишининг сўзини ҳар қандай нарсадан устун қўяди! Минг афсуски, динимизнинг мусулмонни сўзига бўлган юксак ишончини бизлар суистеъмол қилдик! Оқибатда мусулмон кишининг сўзига бўлган ишончга дарз кетди! Шубҳасиз, бунга Ислом эмас, мусулмонлар айбдор! Аслида динимиз тарихи мусулмоннинг сўзига бўлган эътиборнинг бетакрор намуналарига ниҳоятда бойдир!

Саҳобалар ^{розияллоҳу аанҳу} Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} ҳаром қилган ҳар қандай йўл билан топилган нарсдан ҳазар қилиб яшаганлар:

Оиша онамиз ^{розияллоҳу аанҳа} ривоят қилдилар: *Абу Бакрнинг гуломи бўлиб, унга хароҷ¹ чиқарар, Абу Бакр у чиқарган харождан истеъмол қиларди. Бир кун ўша ғулом бир нарсани олиб келди. Абу Бакр ундан еди. Ғулом унга "Бу нима эканини биласизми?" деди. Абу Бакр "Нима экан бу?" деб сўради. Ғулом жоҳилиятда бир одамга фол очганидим. Фол очишни яхши билмасдим, алдадим. Кейин менга рўбару келиб мана шуни берди. Сиз еган нарса шу, деди. Шунда Абу Бакр қўлини солиб, қорнидаги барча нарсани қайт қилиб ташлади.* (Имом Бухорий ривояти)

Бугун олам бировнинг молини ноҳақ ейишдек қабиҳ жиноятнинг турли хил кўринишларига тўлди. Ўзгаларнинг мулкани ҳаром йўллар билан ейишнинг минглаб турлари пайдо бўлди! Зулм ва тажовуз билан бировнинг ҳаққини бошқаларга ўзлаштиришда кўмак берадиган ҳокиму қозилар ҳамма ёқни босиб кетди! Ҳукм учун пора олмайдиган қози ва ҳокимларни кундузи чирок ёқиб ҳам топиб бўлмайдиган замонда қолдик! Пора эвазига ҳар қандай ҳукм сотилади! Бу нарса табиийдек, ҳеч кимни ажаблантирмайди! Ўшандай зolim ҳоким ва қозилар билан танишчилиги, қадирдончилиги билан фахрланадиганлар вужудга келди! Энг хатарлиси мусулмонларнинг мулкий ва бошқа можароларини ҳал қилиш қаердаги иймонсиз, диндан хабари йўқ, ҳаётида мустаҳаб қилмаган кимсаларга қолди! Уларда адолат нима қилади?!

Илгари бундайларни қароқчи дейиларди! Ҳозирга келиб уларга турли хил жарангдор номлар берилган, маошлар ажратилган! Саҳналаштирилган маҳкамаларни бошқариб турадиган бунақанги ҳокиму қозилар дўзах чўғининг бир бўлагини олмоқда! Абу Хурайра ^{розияллоҳу аанҳу} *Пайгамбар ^{саломатлику алайҳи ва саллам} ҳукмда пора берувчи ва пора олувчини лаънатладилар* деганлар!

Ўшандай “ҳоким” ва “қозилар”ни тайёрлайдиган “ўқув даргоҳлар”ининг борлиги таажжуб! Ўз фарзандини одамларнинг мулкани ноҳақ ейишда ҳамтовоқ бўлиб Охиратини бой берган ўшандай порахўр ҳоким ва қози қилиш орзусида пул сарфлаб шунга “ўқитади”ган ота-оналар сон мингта! Ҳа! Инсон Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг йўлидан йироқлашса, шунандақа тубанлашади!

Оятнинг мусулмонларга қаратилиши эътиборли! Чунончи, ҳозирга келиб ўзгаларнинг мулкани ҳаром йўллар билан ўзлаштиришдек қабиҳ иллат мусулмонлар орасида ҳам одатий ҳолга айланди! Холбуки, мўминнинг мол-мулки, обрўси, қони қатъан ҳаром! Мўмин кишининг мулқига тажовуз қилиш билан унинг жонига тажовуз қилиш орасида фарқ йўқ!

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كُلُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ حَرَامٌ دَمُهُ وَمَالُهُ وَعَرَضُهُ ^{رواه مسلم}

Абу Хурайра ^{розияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{саломатлику алайҳи ва саллам} барча мусулмоннинг мусулмонга қони, моли ва обрўси ҳаромдир дедилар.* (Имом Муслим ривояти)

¹ Кулнинг касб қилиб топган ёки ҳожа томонидан қулга тайин этилган нарсаси.
² (Имом Термизий ривояти)

Бировнинг мулкани зўрлик билан ноҳақ ейиш, ботилни қўллаш учун пора олишдек гуноҳ амал ғайриисломий жамиятда содир бўлса, таажжубли эмас! Иймон, дин, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}дан кўрқиш каби эзгу тушунчалардан йироқ бўлган жамиятда бундан бошқача бўлишининг ўзи қизиқ! Аммо иймонни даъво қилган, хусусан, шариатдан бир мунча хабари бўлган кишилар орасида бировнинг молини ноҳақ ейиш вужудга келса, ўша хатарлидир! Мўмин киши мўмин биродарининг молини худди ўзининг молини сақлаганидек сақлаши лозим! Мусулмонларнинг мол-мулкига кўз олайтирадиган, тажовуз қиладиган унсурлар исломий жамиятга ётдир!

Куръони Карим ушбу оятда бировнинг мулкани ноҳақ ейишни, бундай гуноҳда пора олиб, зўравон тарафга кўмак бераётган ҳокиму қозиларни маломат қилаётир! Энди золиму мунофиқларнинг тухмат ва бўҳтонлари қурбони бўлаётган мусулмоннинг ҳақлигини аниқ била туриб, ҳакни қарор топтириш ўрнига золим билан биргаликда, хусусан, мазлум тарафдан пора олиб, шундан кейин ҳам адолатсиз ҳукм чиқараётган маҳкама арбобларининг Қиёмат кунги ҳоли нима кечаркин?! Жаҳаннамнинг даҳшатли олови рўбарўсида турганда поражўр қози ва ҳокимларга ким ёрдам бераркин?!

Мусулмон киши ботил, ёлғон ҳужжатлар билан хусумат қилаётган, муттаҳамлик билан танилган кимсаларнинг ёнини олиб гувоҳлик беришдан эҳтиёт бўлиши керак. Хусусан, мусулмонлар ўртасида қозилик қилаётган киши ғазаб устида ҳукм чиқаришдан эҳтиёт бўлиши лозим:

عَنْ نَافِعِ بْنِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَا يَفْضِيَنَّ حَكْمًا بَيْنَ اثْنَيْنِ وَهُوَ غَضْبَانٌ ^{رواه البخاري}

Нафиъ ибн ал-Ҳорис ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{соллаллоху алайхи ва саллам}нинг ҳакам **икки** кишининг орасида ғазабнок ҳолатида ҳукм қилмасин *деганларини эшитдим* дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Одамлар ўртасида молиявий можароларни кўраётган ҳоким ва қозилар Ислом шариати асосида иш кўришлари, томонларни эшитишда ҳасосот бўлиши, бирон тарафнинг сўзамоллигига алданиб қолмаслиги лозим. Зеро, ҳоким ва қозиларнинг масъулияти нақадар оғир эканини куйидаги ҳадис яққол ифода этади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ وَلِيَ الْقَضَاءَ أَوْ جُعِلَ قَاضِيًا بَيْنَ النَّاسِ فَقَدْ ذُبِحَ بِغَيْرِ سَكِينٍ ^{رواه الترمذي}

Абу Ҳурайра ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росулуллоҳ* ^{соллаллоху алайхи ва саллам} ким қозиликка тайинланса ё одамлар орасида қози қилинса, **пичоксиз сўйилибди** дедилар. (Имом Термизий ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бировнинг молини ноҳақ ейишдан барчамизни ҳамиша сақласин!

يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَهْلِ قُلْ هِيَ مَوَاقِيْتُ لِلنَّاسِ وَالْحَجَجُ وَلَيْسَ الْبِرُّ بِأَنْ تَأْتُوا الْبُيُوتَ مِنْ ظُهُورِهَا وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنِ اتَّقَى وَأَتُوا الْبُيُوتَ مِنْ أَبْوَابِهَا وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ^{١٨٩}

189. *Сиздан ҳиллоллар ҳақида сўрашади. У одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир, деб айтинг! Уйларга орқа тарафларидан келишларингиз яхшилик эмас! Бироқ яхшилик тақво қилган кишининг амалидир! Уйларга дарвозаларидан киринглар! Аллоҳдан кўрқинглар, шояд нажот топсангиз!*

Эй Муҳаммад ^{соллаллоху алайхи ва саллам}! "Нега ой офтоб каби доим бир хил эмас? Нима учун аввал ойнинг ҳажми кичик бўлиб, сўнг каттайиб, тўлишади?" қабилидаги саволлар билан Сиздан янги ойнинг чиқиши, каттайиб-кичрайиши ва унинг аҳамияти ҳақида сўрашади! Сиз уларга "Ойнинг каттайиб кичрайишида сизлар учун ҳам диний, ҳам дунёвий манфаатлар бор! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳиллолни одамларга закот ё каффорот муддатларини аниқлашлари, Рамазон ойининг бошланиб тугашини, Қадр кечаси, Ашуро ва ийд кунларини белгилашлари, қарз ё ижара каби муомалаларни юритишлари, бева ё талоқ қилинган аёлларнинг идда муддатлари ва узрлик ҳолатларини ҳисоблашлари ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларни ўлчаб боришлари учун белги, ўлчов қилиб яратган!

Сафардан қайтишда уйларингизга дарвозаларидан эмас, орқа томонидан келасиз ва буни ибодат, яхшилик деб биласиз! Аслида бунинг ибодатга, эзгуликка ҳеч қандай алоқаси йўқ! Аллоҳ

субҳанаху ва таъолонинг ризосига олиб борадиган, жаҳаннамдан нажот топиб, жаннатга киришга сабаб бўладиган яхшилик тақво қилган кишининг амалларидир! Шундай экан, ўзингизни Қиёматнинг даҳшатли азобларидан кутқаринг! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг буюрганини бажариб, қайтарганидан тийилиб, барча ҳолатда тақво қилинг! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бани Одамни ҳисоб-китоб учун жамлайдиган Қиёмат кунда шояд нажот топсангиз!

Киши мусулмон бўлганидан кейин кўнгли тусаган ҳамма нарсани қилавериши ё ҳаёлига келган нарсани айтгани мумкин эмаслигини англаши лозим. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Куръони Каримнинг бошқа бир ўрнида марҳамат қилади:

﴿ وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُمْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا ﴾
 ﴿٣٦﴾ الأَحْزَابُ: ٣٦

Агар Аллоҳ ва Росули бирон ишни ҳукм қилган бўлса, мўмин киши ва мумина аёл учун ихтиёр бўлиши мумкин эмас! Ким Аллоҳ ва Росулига осий бўлса, унда очиқдан-очиқ адашибди! (Аҳзоб сураси, 36 – оят)

Исломни ҳаёт йўли деб ихтиёр қилган кишининг ҳар бир сўзи ва амали Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг абадий ва ўзгармас дастурига мувофиқ бўлиши шарт. Шу боис ҳар бир ишда исломий ҳукмни билиши, шариат талабларига мувофиқ иш юритиши лозим.

Мадинаи Мунавварада эндигина ташкил топган, янгича ҳаётда, янгича қарашлар ила яшаётган мусулмон жамоа ҳаётда дуч келаётган кўплаб жумбоқларга Исломнинг жавобини билгиси келарди. Шу боис саҳобалар диний ва дунёвий ишларни шариат ҳукмларига мувофиқ қилиш мақсадида Росулulloҳ ^{саломату алайхи ва салам} дан сўрай бошладилар. Саҳобаларнинг бундай саволларидан уларнинг ҳаёти тубдан ўзгаргани яққол намоён бўлар, аввалги жоҳилий урф-одатлардан тамомила юз ўгириш истаги жўш уриб турарди. Бу эса янгича, исломий ҳаёт бошлаган мусулмон жамияти ҳаётда дучор бўлаётган муаммоларга ўзбилармонлик билан эмас, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг кўрсатмасига мувофиқ ҳолда ҳал этиш истагидан ва илмга бўлган қизиқишларидан далолат беради.

Мусулмон жамоасининг ўшандай саволларига жавоб тариқасида нозил этилган оятлар Куръони Каримнинг турли ўринларида турлича келтирилган:

﴿ يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْخَمْرِ ۖ الْقَوْلُ الْبِغْرَ: ٢١٩ ﴾

Сиздан маст қилувчи ичимлик ва қимор ҳақида сўрашади... (Бақара сураси, 219 – оят)

﴿ يَسْأَلُونَكَ عَنِ الْأَنْفَالِ ۖ الْأَنْفَالُ: ١ ﴾

Сиздан ўлжалар ҳақида сўрашади. (Анфол сураси, 1 – оят)

﴿ وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ ۖ الْإِسْرَاءُ: ٨٥ ﴾

Сиздан руҳ ҳақида сўрашади. (Исро сураси, 85 – оят)

Умуман, Куръони Каримда савол тариқасида келган ўн тўртта оятнинг саккизтаси "Бақара" сурасида, қолганлари "Моида, Анфол, Исро, Каҳф, Тоҳа" ва "Назъат" сураларида ёд қилинган.

Араб тилида 3 кунгача бўлган шаклдаги ойнинг кўринишини الهلال – **ҳилол** дейилади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Ўз лутфи ва марҳамати билан шундай яратганки, ой бошида кичик кўринишда бўлиб, сўнг тўлишиб доира шаклига келади. Сўнг яна кичрайиб асл ҳолатига қайтади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳилолни одамларга диний ва дунёвий ишларида фойдаланадиган, каттаю кичик, олиму оми фаркига борадиган вақт ўлчови қилиб яратган:

﴿ هُوَ الَّذِي جَعَلَ الشَّمْسَ ضِيَاءً وَالْقَمَرَ نُورًا وَقَدَرَهُ مَنَازِلَ لِتَعْلَمُوا عَدَدَ اللَّيْلِ وَالنَّجْمَاتُ: ٥ ﴾

У қуёшни ёруглик таратувчи, ойни нур қилган ва йиллар адади ва ҳисобни билишларингиз учун уни манзилларга бўлиб қўйган Зотдир. (Юнус сураси, 5 – оят)

Демак, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} берган ҳилол ўлчови барча учун оламий ўлчов бўлиши даркор. Кейинги даврларда пайдо бўлган ифронжий ойларининг ҳеч қандай шаръий асоси бўлмагани боис

мусулмонлар учун ўлчов бўлмаслиги лозим. Шунинг учун ундаги баъзи ойлар 28, баъзиси 29, баъзиси 30 ва яна баъзиси 31 кун бўлади. Бундан ташқари ифронжий ойларнинг ҳилол каби бирон аломати ҳам йўқ.

Ҳаж вақти чегараланган, йилда фақат бир марта, маълум бир кунларда бажариш лозим бўлган ибодатдир. Шунга кўра ҳаж амали фосид бўлган киши қазосини истаган пайтда эмас, фақат келгуси йили ҳаж мавсумида ўташи мумкин, холос. Шунинг учун вақт ҳаж ибодати учун ўта муҳимдир. Ҳилол эса ҳаж вақтини белгилаб берувчи асосий ўлчовдир. Шу боис ҳаж ибораси алоҳида зикр қилинмоқда.

Савол ойнинг яратилиши, унинг кайфияти, ҳилолнинг катталашиб-кичрайиши хусусида бўлди. Бу нарсани билиш инсонга кўпам манфаат беравермайди. Шунинг учун бу саволдан сизларга манфаат йўқ, дегандек Куръони Карим фалак илмига тааллуқли бўлган саволнинг жавобини ҳилолнинг сифати ё шаклидан унинг ҳикмати томонига қаратди.

Ушбу оятдан Исломга даъват қилувчи кишилар, хусусан, шариат уламолари ўзларига сабоқ чиқаришлари лозим. Баъзан кераксиз саволлар берилганда жавобни одамлар учун фойдали томонга йўналтириш даркор. Зотан, бошқа мазмундаги саволнинг диний мавзудаги жавоби инсонга кўпроқ манфаат келтиради.

Куръони Каримнинг нозил бўлишидан асл мақсад нима эканини яхши англаб етмаган одам Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг каломидан фақат дунёвий фанларга тааллуқли оятларни излайди. Инчунин, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} пайғамбарларни фалакиёт ё кимё, ё тиббиёт ёхуд бошқа дунёвий илмларни ривожлантириш учун юборган эмас. Бироқ Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} Ўзининг китобида ҳар хил дунёвий фанларга алоқадор нукталарга ишора қилиб, ўша фанларни ўрганишга тарғиб қилиб боради. Инсон дунёвий илмларни Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} берган ақл билан ўрганиб, билиб олиши мумкин. Зеро, дунёвий фанларни исломий дунёқараш таъсирида ўрганишлик Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг қудрати ва ягоналигини билишга олиб келади.

Аммо Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг элчилари инсониятни дунё ва охират саодатига бошлаш, ҳидоят ва ҳақиқат йўлини кўрсатиб бериш учун жўнатилган. Зотан, ҳидоятга фақат иймон ва ихлос билан эришиш мумкин, холос. Демак, Куръони Карим ҳидоят ва ҳақиқат манбаидир.

Баро ^{розиаллаху аанху} бу оят биз ҳақимизда нозил бўлган. Ансорлар ҳаж қилиб келсалар уйларининг дарвозалари томонидан киришмас, балки орқа томонидан киришарди. Ансорлардан бир киши келиб эшиги томонидан кирди. Бу билан айб қилгандек бўлди. Ўшанда уйларга орқа тарафларидан келишларингиз яхшилик эмас! Бироқ яхшилик тақво қилган кишининг амалидир! Уйларга дарвозаларидан киринглар ояти нозил бўлди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Араблар жоҳилият даврида ҳаж ё умра қилишса, қайтгандан сўнг уйларига дарвозаларидан эмас, уйнинг орқа томонидан киришар ё девордан ошиб тушарди. Бундай одатларини ўзларича дин, эзгулик деб изоҳлашар ва Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}га ибодат ҳам қурбат ҳосил қилиш, деб билишарди.

Куръони Карим уларнинг шариатдан ҳеч қандай асосга эга бўлмаган бундай одатларини бекорга чиқарди. Китоб ва саҳиҳ Суннатда асли бўлмаган нарсага ибодат деб қарашни қоралади. Яхшилик уйларнинг орқа томонидан келишда эмаслигини, балки эзгуликнинг негизи тақво эканини баён қилди. Ҳақиқий яхшилик гуноҳлардан йироқ бўлиб, Китоб ва Суннат маршрут этган нарсаларни маҳкам тутиш эканини, Ислом кўрсатган солиҳ амаллар кетини узмаслик лозимлигини уқтирди.

Инсон соғлом ақидадан юз ўгирса, шу қадар тубанлашадики, унга ҳатто ўз уйига дарвозадан кириш лозимлигини ўргатиш ҳам керак бўлади! Инсониятни Ислом бошқармаса, алла қаердаги одатларини ўзига дин қилиб, бидъатлар исканжасида қолади.

Демак, мусулмон киши ҳар бир ишни дарвозасидан бошламоғи, шариат кўрсатган томон билан ёндашмоғи лозим. Исломга зид бўлган ёки Китобу Суннатдан асоси бўлмаган ҳар қандай одатлардан бош тортмоғи керак. Чунончи, Аллоҳ ва Росули ^{саллаллаху алайҳи ва саллим} томонидан маршрут бўлмаган ҳар қандай “ибодат” бидъат бўлиб, унинг соҳиби ўтдадир.

وَقْتَلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يَقْتُلُونَكُمْ وَلَا تَعْدُوا إِيَّائِهِمْ لَأَنْ يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿١٩٠﴾

190. Сизларга қарши уришайтган кимсалар билан Аллоҳнинг йўлида жанг қилинглари ва тажовуз қилманглари! Албатта, Аллоҳ тажовузкорларни ёқтирмайди!

Эй мўминлар! Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг динини етказишга, амалларингизни мукамал адо этишга ҳамда ҳаётни шариатга мувофиқ ўтказишга тўғаноқ бўлаётган, мол-мулкингизга тажовуз

қилаётган кимсалар билан Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг калимасини олий қилиш, динига ёрдам бериш мақсадида жанг қилинлар!

Бироқ Исломнинг ғоя ва мақсадларини танитмасдан туриб уруш қилманлар! Болаларни, аёлларни, қарияларни, қуролсиз ҳолда урушдан четда турганларни ва таслим бўлганларни ўлдирманлар! Дарахт ва экинзорларни пайхон қилманлар! Бундай амаллар зулм ва тажовуз бўлиб, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ҳаддан ошган тажовузкор кимсаларни ёқтирмайди!

Ҳижратнинг олтинчи йилида Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бир минг тўрт юзта саҳобий билан умра қилиш ниятида Маккаи Мукаррама сари йўл олдилар. Маккаи Мукаррамага киришдан аввал унинг яқинидаги Худайбийя¹га тушдилар. Бироқ мушриклар Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}ни Маккаи Мукаррамага киришдан, умра қилишдан тўсди. Шундай бўлса ҳам Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} умра қилиш илнжида Худайбийяда бир ой турдилар. Шу пайт давомида мушрикларнинг сардорлари келиб "Бу йил ортга қайтасиз! Келгуси йилда келсангиз, Маккани сизларга уч кунга бўшатиб берамиз! Ундан ташқари сизлар билан ўн йил мобайнида уришмаймиз", деб Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}га битим таклиф қилишди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} уларнинг бу таклифларига рози бўлдилар.

Келишувга кўра мусулмонлар келгуси йилда келсалар, мушриклар берган ваъдалари устидан чиқмаса, улар билан уруш ҳаром қилинган ойларда жанг қилишга тўғри келарди. Маккаи Мукаррамани азалдан табаррук ва муқаддас жой дея қадирлаб келган саҳобалар мушриклар билан жанг қилишдан ҳаражландилар. Шунда Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ушбу оятни нозил этди².

Саҳобалар "Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ", деган эътиқодда сабот билан турганлари учун ватанидан қувилдилар. Муҳаммад ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}га эргашганлари боис мол-мулкларидан маҳрум бўлдилар. Диндаги матонатлари туфайли мислсиз азоб-уқубатларга дучор бўлдилар. Ахийри Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиб, ўша жойда паноҳ топиб жон сақладилар. Мушрикларнинг беҳисоб азоб-уқубатларига йўлиққан, ватанидан қувилган, мол-мулки талон-тарож қилинган, баъзи биродарлари қатл қилинган саҳобаларга Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ўзларини ҳимоя қилиб жанг қилишга, зарурат туғилса, Исломга қарши бўлганларни ўлдиришга изн берди.

Башариятнинг узоқ тарихи мобайнида шахсий ё ижтимоий ғаразлар учун ёхуд иқтисодий бойликларни қўлга киритиш, дунё бозорларини эгаллаш, хомашё манбаъларини кўпайтириш каби турли хил ёвуз мақсадлар учун бўлган ва бўлаётган минглаб қиргинбарот урушлар Исломга ётдир. Озодлик, эркпарварлик ё тинчликпарварлик каби ёлғон ниқоблар остида олиб борилаётган бундай урушлардан динимиз тамоман покдир. Ислом фақат Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлида, Унинг ризоси учун бўлган жиҳоднигина эътироф этади ва улуғлайди. Исломий жиҳод ўч олиш, дунёвий салоҳиятга эришиш, ўзга юртларни забт этиш ёхуд бундан бошқа ношаръий ғаразлар учун эмас, фақат Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг ризоси учун бўлиши шарт. Шунинг учун бўлса керак, Қуръони Карим аксар ўринларда «уруш, жиҳод» калималарига «Аллоҳнинг йўлида» калимасини илова қилиб келтирган.

Демак, исломий ҳудудлардан четга чиқиш ёки шариат қабиҳ санаган нарсаларни қилиш, юқорида таъкидланганидек, душман томондаги аёллар, гўдаклар, кучсиз қариялар ва урушда қатнашмаган қуролсизларни ўлдириш, асир ё мурдаларнинг аъзоларини кесиш, хусусан, мусулмон амирнинг шариат уламолари шўроси билан қилган иттифоқидан сўнг сулҳ қилинган томонни ўлдириш тажовузнинг кўринишларидан. Бундай қилмишлар Ислом анъаналарига зиддир. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} қўйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا أَمَرَ أَمِيرًا عَلَى حَيْشٍ أَوْ سَرِيَّةٍ أَوْصَاهُ فِي خَاصَّتِهِ بِتَقْوَى اللَّهِ وَمَنْ مَعَهُ مِنَ الْمُسْلِمِينَ خَيْرًا ثُمَّ قَالَ اغْرُزُوا بِاسْمِ اللَّهِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ قَاتِلُوا مَنْ كَفَرَ بِاللَّهِ اغْرُزُوا وَلَا تَغْلُوا وَلَا تَغْدُرُوا وَلَا تَمْتَلُوا وَلَا تَقْتُلُوا وَلِيَدًا ۞ رواه مسلم

Бурайда ^{розияллоҳу ану} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бирон лашкар ё махсус қўшинга қўмондон тайин этсалар, унга ўзи хусусида Аллоҳдан тақво қилишга ва бирга бўлган мусулмонларга яхшилик қилишга буюрдилар. Сўнг Аллоҳнинг номи билан Аллоҳнинг йўлида жанг қилинлар. Аллоҳга кофир бўлган кимсаларга уруш қилинлар. Уришинлар, ўлжага хиёнат қилманлар, аҳдга вафосизлик қилманлар. Мусла қилманлар ва бирон гўдакни ўлдирманлар дердилар. (Имом Муслим ривояти)

¹ Худайбийя – атрофи дарахтзор бўлган қудуқнинг номи бўлиб, унинг тевараги ўша қудуқ номи билан юритилган.

² Ушбу оят нозил бўлганида мусулмонлар учун Исломга қарши уруш қилаётганлар билангина жанг қилишга рухсат берилган. Кейинчалик мусулмонлар сони кўпайганидан сўнг "Тавба" сурасининг қатор оятлари, хусусан, 36 – ояти билан ширк аҳлининг барча тонфасига уруш очишга мутлақ рухсат қилинган.

Росуллох ^{СОЗЛАШУ АЪЛИМИ ВА САЛЛАМ} жанг олдидан саҳобаларга жиҳод одобларини ўргатардилар. Абдуллох ибн Язид ^{РОЗИЯЛЛОХУ АНУ} *Росуллох* ^{СОЗЛАШУ АЪЛИМИ ВА САЛЛАМ} жангда талон-таровдан ва муслидан қайтардилар дедилар. Абдуллох ибн Умар ^{РОЗИЯЛЛОХУ АНУ} газотларнинг бирида ўлдирилган аёл жасади топилди. Шунда *Росуллох* ^{СОЗЛАШУ АЪЛИМИ ВА САЛЛАМ} аёлларни ва болаларни ўлдиришдан қайтардилар дедилар. (Имом Бухорий ривоятлари) Абу Бакр ^{РОЗИЯЛЛОХУ АНУ} Язид ибн Абу Суфённи Шомга юбораётиб менинг сизга насиҳатим аёлни, гўдакни, қарияни асло ўлдирманг! Мевали дарахтни ҳечам кесманг! Кўй ё туяларни фақат ейиш мақсадида сўйинг дедилар. (Имом Молик ривояти)

Динимиз шу қадар олийжанобки, Исломга шунчалар зиён келтирган душманларга нисбатан, ҳатто жанг пайтида ҳам тажовуз қилмасликка, шариат кўрсатмаларидан четга чиқмасликка буюради. Куйидаги ҳадис бунга яққол далилдир:

عَنْ رَبِيعِ بْنِ رِبْعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي غَزْوَةِ فَرَأَى النَّاسَ مُجْتَمِعِينَ عَلَى شَيْءٍ فَبَعَثَ رَجُلًا فَقَالَ انْظُرْ عَلَامَ اجْتَمَعَ هَؤُلَاءِ فَجَاءَ فَقَالَ عَلَى امْرَأَةٍ قَتِيلٍ فَقَالَ مَا كَانَتْ هَذِهِ لِنِقَاتٍ قَالَ وَعَلَى الْمَقْدَمَةِ خَالِدُ بْنُ الْوَلِيدِ فَبَعَثَ رَجُلًا فَقَالَ قُلْ لِحَالِدٍ لَا يَقْتُلَنَّ امْرَأَةً وَلَا عَسِيفًا ﴿٢٩﴾ رواه أبو داود

Рабоҳ ибн Рабиъ ^{РОЗИЯЛЛОХУ АНУ} ривоят қилдилар: *Росуллох* ^{СОЗЛАШУ АЪЛИМИ ВА САЛЛАМ} билан газотда бирга эдик. Одамларнинг бир нарса атрофида тўпланиб туришганини кўриб қарачи, анавилар нимага тўпланган экан деб бир кишини юбордилар. Қайтиб келиб "Ўлдирилган аёл жасади атрофида тўпланишибди", деди. Кўшинга Халид ибн Валид бош эди. Халидга айтгин, бирон аёлни ё мардикорни ўлдирмасин дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Агар Исломга қарши жанг қилаётган ё зиён келтираётганлар сафида аёллар ё қариялар топилса, уларни ҳеч иккиланмасдан ўлдирилади. Бунга Китоб ва Суннатдан етарли асослар бор.

Куфр кўшинлари қарияларни, аёллар ва болаларни ўлдиргани қолиб, бундай ваҳшиёна, ёвуз қилмишларини бошқаларга, кўпинча мусулмонларга юклайди. Бунга узоқ ва яқин тарихдан минглаб мисоллар келтириш мумкин.

Бугун жаҳоннинг турли бурчакларида турли мақсадлар билан турли хил қиргин-барот урушлар бўлмоқда. Бу урушларнинг баъзиси миллатчилик, баъзиси ватанпарастлик, баъзиси босқинчилик, баъзиси шуҳратпарастлик руҳида ва ҳоказо. Шу урушлар ичида Аллох ^{СУБХАНАУ ВА ТАЪОЛО}нинг калимасини олий қилиш, шариат ҳукмларини татбиқ этиш мақсадида олиб борилаётган исломий жиҳодлар ҳам бор.

Дунёда ҳурмат ва иззатда яшашни истаган ҳар қандай жамият ё давлат ўзига қарши кучларга имкониятида бор воситалар билан зарба беришга ҳамиша шай туришга интилиши табиийдир. Бунинг учун олдиндан тайёргарлик кўриб, қудрати етган кишиларни ҳарбий жиҳатдан сафарбар этади. Зеро, ўрмон қонуни ҳукм сураётган ҳозирги даврда ўз қарашларини ҳар томонлама қувватга эга бўлган тараф ҳимоя қила олади, холос.

Ислом умумбашарий диндир. Ислом ўз даъватини инсоннинг ҳидоят топиб, шариат байроғи остида тинч-омон, бахтли ҳаёт кечирishiга қаратган. Аллох ^{СУБХАНАУ ВА ТАЪОЛО} Ўз динини олий этиш, инсониятга ҳидоят нурини таратишдек буюк шараф учун Ислом умматини танлаган. Мўмин кишига исломий даъватини ёйишда ҳалал беришга, шариат ҳукмларини ижро этишда тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳеч қачон ҳеч қандай ҳаққи бўлиши мумкин эмас! Ҳидоятга чақиришдек муқаддас вазифани ўташга бирон куч қаршилик қилгудек бўлса, унга қакшатқич зарба беришга Ислом умматининг тўла ҳаққи бор! Аллох ^{СУБХАНАУ ВА ТАЪОЛО} мўмин бандаларини Исломга қарши бўлганлар билан жанг қилишга буюрмоқда:

﴿ قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ، وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ

أَوْثُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿٢٩﴾ التوبة: ٢٩

Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймон келтирмайдиган, Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсаларни ҳаром санамайдиган ҳамда ҳақ динни дин қилиб ихтиёр этмайдиган китоб берилганлардан иборат кимсалар ила ўзларини наст олган ҳолда қўл билан жияни бергунларига қадар уришинлар! (Тавба сураси, - оят)

Қандай усул билан бўлмасин, Исломнинг шаънини, ўзи ё оиласи, ё мусулмон биродарининг обрўсини ёки шахсий мулкни тажовузкор кимсадан ҳимоя қилиш, керак бўлса, ўлдириш –

¹ Ўлдиришдан олдин ё ўлганидан кейин қулоқ, бурун каби аъзоларни кесиб, майиб-мажруҳ қилиш.

мусулмон кишига Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} томонидан юклатилган муқаддас бурчдир! Исломи олий этиб ҳаётга татбиқ қилиш йўлида жиҳод қилаётган мужоҳидларга имкон қадар ҳар томонлама кўмак бериш, ҳеч бўлмаганда ҳақларига дуо қилиш, мусибатларига ҳамдард бўлиш, шодликларига хурсанд бўлиш ҳар бир мўминнинг шарафли вазифасидир! Бунда ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас! Зотан, тақвонинг энг муҳим қисми, қолаверса, нафс учун энг машаққатлиси – Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлида жиҳод қилишдир! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлидаги жиҳодга моли ва жони билан камарбаста бўлган кишилар Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг қуйидаги шаҳодатларига кўра энг афзал амални қилаётган инсониятнинг энг олий табақасидир!

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ حَدَّثَهُ قَالَ جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ ذَلَّنِي عَلَى عَمَلٍ يَعْدِلُ الْجِهَادَ قَالَ لَا أَجِدُهُ ^{رواه البخاري}

Абу Хурайра ^{розияллоху ануху} ривоят қилдилар: *Бир киши Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} га келиб "Мени савоби жиҳодга тенг келадиган амалга йўлланг", деди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бундай амални топа олмайман дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ سَأَلْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ قَالَ إِيْمَانٌ بِاللَّهِ وَجِهَادٌ فِي سَبِيلِهِ ^{رواه البخاري}

Абу Зар ^{розияллоху ануху} ривоят қилдилар: *Пайгамбар ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} дан қайси амал афзал, деб сўрадим. Аллоҳга иймон келтириш ва Унинг йўлида жиҳод қилиш дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قِيلَ يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ النَّاسِ أَفْضَلُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُؤْمِنٌ يُجَاهِدُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِنَفْسِهِ وَمَالِهِ قَالُوا ثُمَّ مَنْ قَالَ مُؤْمِنٌ فِي شِعْبٍ مِنَ الشَّعَابِ يَتَّقِي اللَّهَ وَيَدْعُ النَّاسَ مِنَ شَرِّهِ ^{رواه البخاري}

Абу Саъид ал-Худрий ^{розияллоху ануху} ривоят қилдилар: *Ё Росулulloҳ! Одамларнинг қайсиниси афзал, дейилди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} молию жони билан Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилаётган мўмин дедилар. Кейин ким, дейилди. Даралардан бирида Аллоҳдан кўрққан ва ўз ёмонлигидан одамларни четлаган мўмин дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Минг афсуски, Китоб ва Суннат асосида бирлашмай тарқоқ ҳолда қолган мусулмонлар бугун дини тугул, ўзи ё оиласини ҳимоя қилишдан ҳам ожиз. Оқибатда яҳуд-насоролар зулмининг қурбонига айланмоқда. Шаъни топталмоқда, мол-мулки талон-тарож қилинмоқда.


Кизик! Яҳуд-насороларнинг исломий юртларни ҳар томонлама қарам қилиб, мусулмонларнинг бойликларини талаш мақсадида олиб бораётган босқинчилик ҳаракатлари ҳақида ҳеч ким лом-мим демайди! Бир неча ўн йиллар мобайнида яҳудлар мусулмонларга кун бермай ерларини босиб олган, ҳеч кимнинг иши йўқ! Сихюнийлар мусулмон болаларни, аёлларни ваҳшиёна ўлдиряпти, бутун бошли қишлоқларни йўқ қилиб, тинч аҳолини қиргин қилмоқда, биров чурқ этмайди! Куфр манфаатига хизмат қиладиган номи жарангдор дунёдаги турли-туман сиёсий-ҳарбий, маданий ташкилот ёхуд инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даввосидаги муассасаларнинг биронтаси бундай сихюний хуружлар ҳақида оғиз очишни истамайди!

Аммо бирон жойда бирон мусулмон динини, номусини, оиласини, молини ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олса, унинг юзига қора доғ чопламаган ҳеч ким қолмайди! Чор атрофни Исломининг тинчликпарвар дин экани ҳақида ваъз айтадиган мунофиқлар босиб кетади! Бирдан луғатда «кўпорувчи, жангари» каби ғариб атамалар пайдо бўлиб, динида мустаҳкам турган ҳар бир мусулмон номига кўшиб айтилади! Мусулмонларни қамаётган, истаганича хўрлаётган, гўдакларни ўлдиряётган, масжидларни вайрон қилаётган қонхўр золимлар тинчликпарвару ўзини, оиласини, юртини, иймонини, динини ҳимоя қилаётганлар кўпорувчи бўлса! Бу қандай мантик?! Ё алҳазар!

Бундан ҳам қизиги, мужоҳидларга маломат тошини отишда Исломи даъво қилганлар ҳам четда қолмайди! Бу вақтда энг катта хизматни Исломи фақат тинчлик маъносида талқин қиладиган, шариатдаги жиҳод руҳини унутган, жони ширин, ғаюрсиз “уламолар” қилади! Уматни ухлатаётган бундай кўймижоз “шариат пешволар”и Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг шу мазмундаги оятларидан хабардормикин?!


Бизлар Исломни олий қилиш учун Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} нинг йўлида жанг қиладиган, ҳеч бўлмаганда мужоҳидларга кўмак берадиган бўлайлик! Атрофимиздаги биродарларимизни душманга қарши тура оладиган жасур бўлишга даъват қилайлик! Хусусан, фарзандларимизни лоақал ўзини ҳимоя қила оладиган қилиб тарбиялашга эҳтимом берайлик! Ҳеч бўлмаганда мужоҳид биродарларимиз ҳаққига дуо қилиб, Раббимиздан уларга нусрат ва мадад сўрайлик! Бундан ўзга ҳолатда бўлган мусулмоннинг ҳолига вой! Куфр аҳлининг ваҳшиёна ҳаракатлари, ёвуз қилмишларига сукут сақлагани қолиб, кўлига қурол олиб, Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} нинг йўлида жанг қиладиган, жонини, ҳаётини Исломнинг ҳимоясига бағишлаган мужоҳид мусулмонга хоҳ тили, хоҳ амали билан зиён етказадиган кимсаларда иймондан асорат ҳам бўлмайди!

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ مَاتَ وَلَمْ يَغْزُ وَلَمْ يُحَدِّثْ بِهِ نَفْسَهُ مَاتَ عَلَى شُعْبَةٍ مِنْ

نِفَاقٍ  رواه البخاري

Абу Ҳурайра ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* ^{соллаллоху} ^{алайхи ва саллам} **ғазот қилмаган**, ҳеч бўлмаганда **ичида ният қилмаган ҳолда ўлган кимса мунофиқликнинг бир турида ўлибди дедилар**. (Имом Муслим ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} ушбу оятда мўмин кишини кофирлар ҳужум қилганда жанг қилиб жиҳод қилишга буюрди. Қуйидаги оятда эса кофирларнинг ҳужум қилиш-қилмаслигидан қатъиназар, куфр аҳлига қарши жиҳод қилишга буюрмоқда:

وَأَقْتُلُوهُمْ حَيْثُ ثَقِفْتُمُوهُمْ وَأَخْرِجُوهُمْ مِّنْ حَيْثُ أَخْرَجْتُمُوهُمْ^ب وَالْفِتْنَةُ أَشَدُّ مِنَ الْقَتْلِ^ج وَلَا تَقْتُلُوهُمْ عِنْدَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ حَتَّى يُفْتَلُوكُمْ فِيهِ^د فَإِن قَتَلْتُمُوهُمْ فَاقْتُلُوهُمْ كَذَلِكَ^{هـ} جَزَاءُ الْكَافِرِينَ 

191. Уларни қаерда топсангиз, ўлдириш ва сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам чиқарингиз! Фитна қатлдан ёмонроқдир! Улар билан Масжидул Ҳаром олдида сизлар билан у ерда уришмагунларигача уришмангиз! Агар сизлар билан уришсалар, унда уларни ўлдириш! Кофирларнинг жазоси шундайдир!

Эй мўминлар! Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} нинг динига хуруж қилган, мусулмонга қарши бўлганларни қачон ва қаерда топсангиз, ўлдириш! Сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам қувиб чиқаринг! Мушриклар ҳаққа монелик қилиб, сизларни ибодатдан тўсиб, шариат ҳукмларини бажаришга йўл бермаётир! Уларнинг бу жиноятлари сизларнинг Масжидул Ҳаром теварагида жанг қилишингиздан каттароқдир! Зотан, одамларни ҳақ йўлдан оздириш фитна бўлиб, унинг гуноҳи инсонни қатл қилишдан оғирроқдир!

Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} нинг душманлари билан Масжидул Ҳаром олдида ва унинг теварагида жанг қилманг! Бордию жангни биринчи бўлиб улар бошласа, фақат шундагина уруш қилинг! Масжидул Ҳаромдек улуғ ва муқаддас жойнинг ҳурматини писанд қилмай уруш бошлаган бундай ёвузларни ўлдириш! Иброҳим ^{алайхи} ^{салом} дан тортиб Қиёматга қадар барча тирик жонзотга омонгоҳ бўлган Масжидул Ҳаром теварагининг муқаддаслигига тажовуз қилган кофирларнинг жазоси шундай бўлур!

Барча даврдаги динсиз золимлар одамларни ўзи хоҳлаган йўлга эътикод қилишдан тўсиб келгани каби Макка мушриклари ҳам мўминларни эътикод эркинлигидан маҳрум қилиб, Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} юборган диндан қайтармоқчи бўлишди. Бутун оламга раҳмат қилиб юборилган Росулulloҳ ^{соллаллоху} ^{алайхи ва саллам} ^{соллаллоху} ^{алайхи ва саллам} ^{соллаллоху} ^{алайхи ва саллам} дек инсонни саҳобалар билан бирга Маккаи Мукаррамадан қувгин қилишди. Росулulloҳ ^{соллаллоху} ^{алайхи ва саллам} га маҳкам эргашган баъзи мусулмонлар ўлдирилди. Деярли барча саҳобалар мол-мулкларидан маҳрум бўлдилар.

Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} шундай қабиҳ ва машъум ишга қўл урган, одамларни Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} нинг динидан тўсишни мақсад қилган, ўрнига қабиҳ истакларини зулм, макр ва ёлгон билан сингдирмоқчи бўлган ҳар қандай зўравон кимса ёхуд тузумга қарши жанг қилишга буюрди. Одамларни Исломдан тўсган, динни фақат Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} га холис қилганлари учун ўзларини қувгин қилиб, мол-мулкларини талон-тарож қилган кимсаларни қаерда учратилса ёки ўлдиришга имкон топилса, ўлдиришга руҳсат қилди. Қувгин қилган жойдан уларнинг ўзини ҳам қувиб юборишга фармон берди.

Росулulloҳ ^{соллаллоху} ^{алайхи ва саллам} Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} нинг ушбу фармонини бажардилар. Ҳижратнинг 8 – йили Маккаи Мукаррама фатҳ қилинди. Бу куни ширк салтанати қулаб, тавҳид ҳукмронлиги ўрнатилди. Шу кундан Исломни қабул қилмаган, Росулulloҳ ^{соллаллоху} ^{алайхи ва саллам} нинг барҳақ пайғамбар

эканлигига иқроор бўлмаган мушрикларни нафақат Маккаи Мукаррама, балки Арабистон яриморолдидан чиқариб юборилди.

Ширк, куфр, Китобу Суннат йўлидан адаштириш, шариат рукнларини бажаришга йўл бермаслик, Ислоом даъватини ёйишга тўсқинлик қилиш, мусулмонни юртида тинч қўймасдан азият бериш, мулкига тажовуз қилиш, кўрқитиш ё куч ишлатиш орқали одамларни ҳидоятдан тўсиш, куфрни зийнатли қилиб кўрсатадиган ҳаракатларни қилиш фитна маъноларидан. Баъзи уламолар одамларни Ислоомдан ширк ё куфрга қайтаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат фитна, деганлар. Яна бошқа олимлар мол-давлатга, мансаб ё салтанатга эришиш учун қилинган ҳаракатларни ҳам фитна, дейдилар. Қуйидаги ривоят бу фикрни қувватлайди:

Саъид ибн Жубайр <sup>роҳима-
ҳулиҳ</sup> ривоят қилдилар: *Абдуллоҳ ибн Умар олдимизга чиқди. Бирон яхши гап айтиб беради деб умид қилдик. Бир киши биздан шошилиб "Эй Абу Абдурахмон! Фитна пайтида жанг қилиш ҳақида гапириб беринг! Аллоҳ улар билан фитна йўқ бўлгунга қадар уришинглар демоқда", деди. Шунда "Фитна нима эканини биласанми, ўлгур?! Муҳаммад <sup>СОЛЛАЛЛУХУ
АЛАЙХИ ВЭ
СЕЛЛАМУ</sup> салтанатга ошиқиб уришганингиздек эмас, мишириклар билан уришардилар. Уларнинг динига кириш фитна эди", дедилар. (Имом Бухорий ривояти)*

Инсонни инсон қилиб кўрсатадиган нарса – диндир. Инсонда иймон, эътиқод бўлмаса, йиртқич ҳайвондан ҳам баттар бир махлуққа айланади. Чунки ҳайвонда ёвузликнинг янги-янги турларини ихтиро этадиган ақл йўқ. Иймонсиз кимса эса ақли ёрдамида йиртқичлар ҳам қилолмайдиган ёвузликларни ўйлаб топади. Шунинг учун дин инсон ҳаёти учун ҳаводан ҳам зарур бўлган нарсасидир.

Инсоннинг ўз онгига сингдирган, дунё ва Охирати учун саодат деб билган эътиқодига мусибат етказиш энг қабиҳ жиноятдир. Хусусан, мусулмонни ибодатдан тўсишдан кўра катта жиноят йўқ! Зотан, инсон ва жин тоифаси фақат Аллоҳ <sup>СУБХАНАХУ
ВА ТАЪОЛО</sup>нинг Ўзига ибодат қилиш учун яратилган.

Демак, инсонни диндан тўсишга бўлган ҳаракат уни ўлдириб юборишдан кўра оғирроқ ва ёмонроқдир. Чунки бир инсонни ўлдириш мақтул ва унинг оиласи ё яқинларига қилинган жиноят бўлса, диндан тўсиш, ҳақиқатга монелик қилиш бутун инсониятга қилинган жиноятдир. Шунга кўра, Ислоомга қарши бўлган ҳаракатларда хоҳ моли, хоҳ жони, хоҳ билими, хоҳ фикри билан иштирок этаётганлар қотилликдан кўра мудҳиш жиноятга қўл ураётирлар.

Демак, мусулмонга бирон ибодатни қилишга халал берган ёхуд бирон рукни бажаришга монелик қилган кимса, хоҳ тан олсин, хоҳ тан олмасин, динга нисбатан уруш эълон қилибди. Ислоомга нисбатан уруш эълон қилган кимсага қандай йўл билан бўлмасин, шариат ҳудудларидан четга чиқмаган ҳолда муносиб жавоб қайтариш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Аллоҳ <sup>СУБХАНАХУ
ВА ТАЪОЛО</sup>нинг динига хуруж қиладиган, ҳақиқий исломий даъватга тўғаноқ бўладиган ҳар қандай ёвуз кучлардан Ер юзини тозалаш, мусаффо ҳидоятнинг одамларга тўлалигича етиб бориши, ҳақнинг рўёбга чиқиши учун жиҳод қилиш ҳар бир мўминнинг шарафли вазифасидир.

Муфассир уламолар ушбу оятнинг мансук бўлгани ё бўлмагани ҳақида ихтилоф қилганлар. Қатода, Имом Молик ва Имом Шофиъий <sup>роҳима-
ҳулиҳ</sup>лар бош бир тоифа муфассир уламолар **улар билан Масжидул Ҳаром олдидан уришмангиз** оятини мансук бўлган, дейдилар. Товус, Мужоҳид ва Имом Абу Ҳанифа <sup>роҳима-
ҳулиҳ</sup>лар бош иккинчи тоифа уламолар мансук бўлган эмас, дейдилар. Оятнинг зоҳири ҳамда қуйидаги ҳадис иккинчи тоифа уламоларнинг фикрини қувватлайди:

عَنْ أَبِي شُرَيْحٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ مَكَّةَ حَرَمَهَا اللَّهُ وَلَمْ يُحَرِّمْهَا النَّاسُ فَلَا يَحِلُّ لِمَنْ يَوْمَئِذٍ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ أَنْ يَسْفِكَ بِهَا دَمًا وَلَا يَعْضِدَ بِهَا شَجَرَةً فَإِنْ أَحَدٌ تَرَخَّصَ لِقِتَالِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِيهَا فَقُولُوا إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَذِنَ لِرَسُولِهِ وَلَمْ يَأْذَنْ لَكُمْ وَإِنَّمَا أَذِنَ لِي فِيهَا سَاعَةً مِنْ نَهَارٍ ثُمَّ عَادَتْ حُرْمَتُهَا الْيَوْمَ كَحُرْمَتِهَا بِالْأَمْسِ وَلْيَبْلُغِ الشَّاهِدُ الْعَائِبُ ^{رواه البخاري}

Абу Шурайх <sup>роҳияллоху
аниху</sup> ривоят қилдилар: *Пайгамбар <sup>СОЛЛАЛЛУХУ
АЛАЙХИ ВЭ
СЕЛЛАМУ</sup> Маккаи одамлар эмас, Аллоҳ табаррук жой қилди. Аллоҳга ва Охират кунига иймон келтирган кишига унда қон тўкиши, бирон дарахтни юлиши мумкин эмас. Шундай экан, биронтаси Росулulloҳ <sup>СОЛЛАЛЛУХУ
АЛАЙХИ ВЭ
СЕЛЛАМУ</sup>нинг унда жанг қилганларини рухсатлигига ҳужжат қилса, унда Аллоҳ Ўз пайгамбарига изн берган, сизларга рухсат қилмаган, денглар. Менга кундуздан бир соат жанг қилишга рухсат қилди. Энди унинг табарруклиги кечаги табарруклигига ўхшаш бугун қайтди. Борлар йўқларга етказсин дедилар. (Имом Бухорий ривояти)*

Шунга кўра кофир Масжидул Ҳаромга кириб олса ва ундан бирон жиноят содир бўлмаса, ўлдирилмайди. Аммо ўғри, қотил каби жиноятчилар Масжидул Ҳаромга кириб олса ҳам олиб чиқилади ва уларга шариат ҳукми ижро қилинади.

Ушбу оят "Катта зарарни даф қилиш учун кичик зарарга қўл уриш жоиз", деган машҳур усул қондасига далил бўлади.

Юқорида Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг динига қарши бўлган кофирлар билан уруш қилиш ҳар бир мўминнинг вазифаси экани ҳақида айтилди. Шу ўринда «аҳлус-сунат вал-жамоат» эътиқодидаги биродарларнинг исломий жиҳод ҳақидаги тушунчаларини ойдинлаштириш мақсадида саҳобалар ва ўтган солиҳ кишилар фикрида исломий деб эътироф қилинган жиҳоднинг шарт ва талаблари ҳақида қисқача тўхталлишни маъқул топдик. Чунки, ҳозирда мусулмон жамоалар, бир қанча ҳизб ва гуруҳлар томонидан жиҳоднинг бугунги кундаги ҳукми ҳақида турли хил мунозарали фикрлар айтилган. Чунончи Ислом амалларнинг фарзлигини айтибгина қўймай уларни қандай тартибда бажариш йўллари ҳам ўргатган. Масалан, намознинг фарзлигини айтиб, уни қандай тартибда адо қилишни ҳам баён қилган. Ҳеч ким ўзича бирон рақаат қўшиб олиши ёки олиб ташлаши дуруст бўлмагани ёки тана учун овқат зарур бўлишига қарамай истаган нарсани истаган пайтда ейиш мумкин бўлмагани каби жиҳодни ҳам ҳамма ўз билганича олиб бориши тўғри эмас. Зотан, биз Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га биз хоҳлагандек эмас, Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло} хоҳлагандек ибодат қилишимиз лозим.

ИСЛОМДАГИ ЖИҲОД ТУШУНЧАСИ

Маълумки, одамларга Исломни етказишда дин учун барчаси зарур бўлган машҳур уч йўл: илм, даъват ва жиҳод йўли бор:

1) Илм йўли. Бу йўл мунозара қилувчига шариат манбаларидан далил ва ҳужжатларни келтириш орқали бўлади. Бу шаръий илмларни чуқур билган, илм майдонида ўз ўрнига эга бўлган шариат уламолари вазифасидир. Китобу Суннат ҳамда Росулulloҳ ^{салваллун алайҳи ва саллам} га ва саҳобаларга яхшилик билан эргашган солиҳ кишилар манҳаж илмнинг асосидир.

2) Даъват йўли. Одамларга Исломнинг моҳияти ва манфаатлари, унинг асослари, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг беҳисоб неъмат ва мўъжизалари ҳақида сўзлаб бериш ҳамда бошқа динларнинг ботиллигини билдириш каби усуллар орқали динни етказилади. Бу илмий савияси, дунёвий ҳолати, ёши ва жинсидан қатъиназар, ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг наздидаги мақбул дин фақат Ислом эканини ошқора айтиш, яҳудийя, насронийя, мажусийя каби динларнинг ботиллигини фош қилиш ҳамда Росулulloҳ ^{салваллун алайҳи ва саллам} ва саҳобаларнинг йўлигина нажот йўли эканини уқтириш даъватнинг асосидир.

3) Жиҳод қилиш орқали етказиш йўли. Бу Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг ҳидоятини етказишга қарши бўлган кофирлар билан Унинг йўлида жанг қилиб, жони ва молини Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлига тикиш орқали бўлади. Бу оқил, болиғ ҳар бир мусулмон кишининг вазифасидир.

Исломни етказишнинг мазкур уч тури учун энг оз миқдорлар борки, унга ҳар бир мўмин киши эга бўлмоғи лозим. Масалан, Ислом ва иймоннинг руқнларини, шариатдаги фароизларни билиш илмнинг энг оз миқдоридир. Бу илмларни ўрганиш ҳар бир мусулмон учун фарз айнди. Умумий тарзда Исломга чақириш, амр-маъруф ва наҳий-мункар даъват усулидаги энг оз миқдор бўлиб, бу мусулмонларга фарз кифоядир. Мусулмонлар юртига суқилиб кирган ғанимларни даф қилиш, мусулмон раҳбар жиҳодга чақирганда ижобат қилиш жиҳод усулидаги энг оз миқдор бўлиб, бу қодир бўлган ҳар бир мўминга фарздир. Ким санаб ўтилган даъват турларининг энг оз миқдорини ўзида зиёда қилишни ихтиёр қилса, таҳсинга, камайгирса, койилишга лойиқдир.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳар кимнинг қалбига ҳар нарсанинг муҳаббатини солади. Бир кишини илмга муҳаббатли қилса, у ўзини ўқиш ва ўқитишга, илмий ишларга бағишлайди. Бир кишига даъват қилиш муҳаббатини солса, унга ер юзи бўйлаб одамларни Исломга даъват қилишдан кўра суюмли амал бўлмайди. Бир кишига Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлида жиҳод қилиш муҳаббати берилган бўлса, бу дунёда яшаб, неъматлардан лаззатланишдан кўра Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг душманлари билан жанг қилиб, шаҳидликка эришиш унинг орзусига айланади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} кимга қайси амалнинг муҳаббатини солган бўлишидан қатъиназар, ҳар бир мўмин ўзгаларни маломат қилмай етказишнинг мазкур уч туридан ўзига олиш фарз бўлган улушга эга бўлмоғи керак.

Бир кишининг ҳам илмда, ҳам даъватда, ҳам жиҳодда етук бўлиши қийин. Бундай фазл пайғамбарларга ва камдан-кам одамга берилади. Бу фазлни қўлга киритиш мушкул бўлгани боис динимиз мўминларга улардан энг оз миқдорларини қўлга киритишга буюрган. Шунинг учун баъзилар илмда етук, аммо даъват ё жиҳод майдонида орқада. Бир киши даъват қилишда

моҳир, илм ё жиҳод қилишда унчалик эмас. Бир киши Аллоҳ <sup>субҳанаху
ва таъоло</sup>нинг йўлида жиҳод қилишга гайратли, довурак, илм ё даъват қилишда суст.

Бугунги мусулмонларнинг мусибати шуки, улар ибодатнинг бир турига эҳтимом бериб бошқасини беъътибор қўяди. Кўплаб олимларни кўрасиз, илмдан бошқа нарсага парво қилмайди. Жиҳод ё даъват ишларида иштироки йўқ. Бошқаларни илмсизлиги туфайли камситади. Исломнинг юксалишини фақат илмда деб билади. Даъватга берилган кишиларни учратасиз, илмсиз, ҳатто айрим зарурий илмларни ҳам билмайди, Аллоҳ <sup>субҳанаху
ва таъоло</sup>нинг йўлида мол ва жон билан бўладиган жиҳодга эътиборсиз. Бошқаларни даъватга бепарволикда айблайди. Динни фақат кўчама-кўча даъват қилиб юриш, деб тушунади. Мужоҳидни кўрасиз, унга жанг бўлса, бас. Илм ва даъват ишлари унга қизиқ эмас. Бошқаларни қўрқоқликда маломат қилади. Жиҳод қилишдан бошқа ҳар қандай ҳаракатларни қоралайди. Уламоларга ҳурмати йўқ.

Бундай кишилар Ибн Қоййим <sup>роҳима-
хулоқ</sup> таъбири билан айтганда ўзини ибодатнинг бир турига чеклаб, муҳим ва зарур бўлишига қарамай бошқаларидан беҳожат қилган кишилардир. Аслида мўмин киши ҳам илмда, ҳам даъват ишларида, ҳам жиҳод майдонида бақадриҳол иштирок этиши керак. Олим илми билан даъватчи ва мужоҳидни руҳлантириши, даъватчи даъвати ила олим ва мужоҳидга тарафдор ва мухлисларни кўпайтириши, мужоҳид жиҳоди билан олим ва даъватчини ҳимоя қилиши лозим. Илм, даъват ва жиҳод – диннинг бир-биридан ажралмас бўлақларидир. Олим ҳам, даъватчи ҳам, мужоҳид ҳам буюк иш устида турган, бир-бирига муҳтож кишилардир. Олимлар одамларга дин таълимини берадиган пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Даъватчилар одамларга эзуликни олиб келадиган, Аллоҳ <sup>субҳанаху
ва таъоло</sup>нинг муҳаббатига сазовор бўлган қалб элчиларидир. Мужоҳидлар Ислом ҳимоячилари, Аллоҳ <sup>субҳанаху
ва таъоло</sup>нинг лашкарларидир. Умнат олимларга ҳам, даъватчиларга ҳам, мужоҳидларга ҳам муҳтож.

Мўминларнинг машварати ва розилиги билан сайланган валийюл амр – ишбошининг фармонида кўра Исломий даъват етказилганида бош тортган ва улар билан жанг қилмаслик ҳақида битим тузилмаган кофирларга қарши Исломни олий этиш мақсадида уруш ҳаракатларни олиб бориш шаръий истилоҳда, жиҳод деб аталади. Исломий жиҳод мол, жон, сўз ва фикр билан олиб борилади. Уламолар жиҳод қилиш учун қуйидаги етти сифатни шарт қилганлар: мусулмонлик, балоғат, оқиллик, хурлик, эркаклик, соғлик ва моддий имконият. Ибн Атийя, Ибн Қудома, Имом Нававий ва шайх ул-Ислом Ибн Таймийя <sup>роҳима-
хулоқ</sup> каби уламолар "Агар кофирлар исломий юртга бостириб кирмаган ё уларнинг бирини қамал қилмаган ёки халифа жиҳодга эълон қилиб чақирмаган бўлса ёхуд мусулмонлар куфр аҳли қаршисига саф тортиб турмаган, уруш ҳозир бўлиб, унда бирон вазифа топширилмаган бўлса, жиҳод қилиш фарзи кифоядир", деганлар. Бундан ташқари уламолар жиҳод қилишнинг қуйидаги шарт ва тартибларини қайд қилганлар:

1) Мусулмонларнинг уюшган жамоа ҳолатда бўлиши ва душман ҳужумини қайтаришга ҳамда жанговар ҳаракатларни олиб боришга ҳар томонлама қодир бўлиши. Акс ҳолда, Росулulloҳ <sup>салому
алейхи ва
саллам</sup> ва саҳобалар Макка муҳитида қодир бўлмаганлари учун вожиб бўлмагани каби куфр билан жанг қилишга қувват ва ҳар томонлама имконият бўлмаса, мусулмонларга жиҳод қилиш вожиб бўлмайди. Зотан, дин жамоат билан, жамоат имом билан, имом эса итоат билан қоим бўлади. Бордию жиҳодга қодир бўлмай туриб уламолар маслаҳатига кулоқ тутмасдан жанговар ҳаракатлар бошлаб юборилса, унда жиҳоддан қутилган асл мақсад Аллоҳ <sup>субҳанаху
ва таъоло</sup>нинг динини олий қилиш рўёбга чиқмасдан, мусулмонлар учун ўта ноҳуш ҳолатлар пайдо бўлиб, катта талофатлар етади. Шунинг учун бўлса керак, Шайх ул-Ислом Ибн Таймийя <sup>роҳима-
хулоқ</sup> "Қайси бир мўмин кучсиз, заиф, жиҳод қилишга қудрати йўқ жой ё даврда яшаётган бўлса, сабр қилиш ва кечиримли бўлиш ҳақидаги оятларга амал қилсин. Душманнинг зарарини даф қилишга қудрати етадиган, жанг қилишга имкони бор замон ё маконда яшаётган мўминлар кофирлар ўзини паст тутиб жизя бермагунга қадар жанг қилиши лозимлиги ҳақидаги оятларга амал қилсин", деганлар. Бу жиҳодни инкор этиш эмас, балки мусулмонлар жиҳодга қодир бўлмаган кучсиз ҳолатда асосий кучни Аллоҳ <sup>субҳанаху
ва таъоло</sup>нинг йўлидаги жиҳодга ёрдам берадиган, мужоҳидларни қўллаб-қувватлайдиган умматни тарбиялашга қаратишлари лозимлиги келиб чиқади.

2) Жиҳод қилаётган жамоа ортида ҳар тарафлама кўмак бера оладиган, ҳимоя қила оладиган тизимнинг мавжудлиги;

3) Мусулмонлар жиҳод учун зарур бўлган сарфларни қоплайдиган салоҳиятга эга бўлиши;

4) Жиҳодий ҳаракатларга соғлом ақидаси, илми, амали ва тақвоси билан машҳур бўлган олим кишининг етакчилик қилиши;

5) Амирнинг қўшин сафидаги шариат илмида пешқадам бўлган кишилар билан ҳар бир ҳаракатни Китоб ва Суннат асосида режалаштириши;

6) Мужоҳидлар орасида низога сабаб бўладиган ҳолатларнинг олдини олиши.

Куйидаги ҳолатларга мутлако йўл қўйиб бўлмайди:

1) Мусулмон халифасининг изни, уламоларнинг рухсати ё маслаҳатсиз муайян бир жамоа, хусусан, бир қанча илмсиз кишиларнинг жиҳодни эълон қилиши. Имом Таҳовий ^{РОХИМА-ХУЛОҚ} "Жиҳод яхшими, ёмонми, валийюл амр – раҳбар билан Қиёматга қадар давом этиши керак, дейдилар.

2) Қуръони Карим ва Саҳиҳ суннат, хусусан, Росулulloҳ ^{СОҒДЛАВЛОҲУ АЗЛАҲИ ҒАЙ САЛҲАМ} ва саҳобаларнинг сийрати каби соҳаларда чуқур илмга эга бўлмаган кишининг исломий-жиҳодий ҳаракатларга етакчилик қилиши;

3) Жамоанинг жиҳод қилишга бир ёки бир қанча жиҳатдан тайёр бўлмасдан туриб жиҳоднинг эълон қилиниши;

4) Мужоҳидлар амирининг ўзбилармонлик билан иш тутиши ё амирлик вазифасини суистеъмол қилиши ёки қўл остидагиларни тоқатидан ташқари нарсага буюриши ёхуд уларга шафқатсиз муносабатда бўлиши.

﴿ فَإِنَّهُمْ لَكَ لِلْحَمْدِ قَرِينُونَ ﴾

192. *Агар тийилишса, унда Аллоҳ, албатта, Кечиргувчи, Раҳмли Зотдир.*

Эй мўминлар! Исломига қарши бўлган, мусулмонларни қатл этган, Масжидул Ҳаромдек улуғ ва муқаддас жойда жанг қилган кимсалар ёвуз туғёнларидан тийилса, ширк ва куфр йўлларида мусаффо Исломи йўлига ўтса, сизларга қарши жанг қилишни тўхтатса, унда сизлар ҳам уларни ўлдиришдан тўхтанг! Зотан, Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} чин юракдан тавба қилиб, ҳидоят йўлига ўтган ҳар қандай банданинг ҳар қандай гуноҳини, албатта, кечиради! Бу ҳали ҳаммаси эмас! Ботил йўлларда ҳаёт кечирганидан пушаймон бўлиб, ҳидоят йўлини ихтиёр қилган бандаларини Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} Ўз раҳмати билан ҳам сийлар!

Ушбу ояти карима Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} нинг бандаларга нақадар меҳрибон эканини кўрсатади. Инсон узоқ йиллар ширк ва куфр йўлларида Исломига ашаддий душман бўлиб ҳаёт кечиради. Динга қарши урушларда ҳам қатнашиб, мусулмонларни ўлдиради. Ҳатто Масжидул Ҳаромдек муқаддас жойда мўминларни қатл қилиб умргузаронлик қилади.

Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} насиб этса, бир кун келиб тутган йўлининг хатолигини тушиниб етади. Шунда қаттиқ надомат билан Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} га тавба қилса, куфр ва ширк йўллардан қайтса, иймон келтириб, мўминлар сафига қўшилса, Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} унинг ўтган барча гуноҳларини кечиради. Бундан ташқари Ўз раҳмати ва мағфирати билан ҳам буркайди. Зотан, Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} ҳақиқий тавба қилган бандаларнинг гуноҳларини Кечиргувчи ва уларга ҳам раҳмат назари билан боқувчи Раҳмли Зотдир.

﴿ قُلْ لِلدِّينِ كَفْرًا إِنْ يَنْتَهُوا يُعْفَرْ لَهُمْ مَآ قَد سَلَفَ ﴾ ^{٣٨} ^{الأنفال: ٣٨}

Кофир бўлган кимсаларга айтинг! Агар тийилишса, уларга ўтган нарсалари кечирилади. (Анфол сураси, 38 – оят)

Бу шунчаки гап эмас, балки Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} нинг ваъдаси эканини Исломи ўзининг узоқ ва яқин тарихи мобайнида кўп мартаба исботлаган. Маккаи Мукаррама фатҳидан олдин Исломи ганимлари сафида бўлган Абу Суфён, Икрима ибн Абу Жаҳл, Нуъмон ибн Муқаррин ^{РАҲИМ} каби кўплаб саҳобалар Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} нинг ўша мағфирати ва раҳматига сазовор бўлдилар. Бу Исломининг ҳаётдаги тирик кўринишларидан бири эди.

Бундай олийжаноблик ва бағрикенглик Исломдан бошқа ҳеч қайси тузумда бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Аллоҳ ^{СУБҲАНАҲУ ҒАЙ ТАҒАЛО} нинг манҳажидан ўзга манҳажда яшаётган жамиятларда ўша жамиятга қарши жиноят қилиб, қўлга тушган одам умрини хорлик билан тугатади. Унга марҳамат кўрсатиш у ёқда турсин, оддий ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қилинади. Бунга ҳаётдан минглаб мисоллар келтириш мумкин.

﴿ وَفِي أُولَئِكَ لَآ تَكُونُ فِتْنَةٌ وَيَكُونُ الدِّينُ لِلَّهِ فَإِنْ أَنْتَهُوا فَلَا عُدْوَانَ إِلَّا عَلَى الظَّالِمِينَ ﴾ ^{١١٣}

193. *Улар билан фитна йўқ бўлгунча ва дин Аллоҳга хос бўлгунча қадар уришинглар! Агар тийилишса, унда золимлардан ўзгага душманлик йўқдир!*

Эй иймон келтирган кишилар! Исломиё даъватнинг ёйилишига тўсқинлик қиладиган кучларнинг барчасини бартараф этинг! Диний ҳукмларни ижро қилинишига қаршилиқ қиладиган кимсаларни йўқ қилинг! Ширк, куфр маразини батамом йўқ қилиб, Ислом шарияти ҳокимиятини ўрнатинг! Динни тўлалигича фақат Аллоҳ ^{субҳаналлоҳу аъаләмиллоҳу асмау биллоҳу саллам} га холис қилиб, Ундан ўзга ибодат қилинадиган ҳар қандай сохта илоҳларни ер юзидан ўчириб ташланг! Мазкур ҳолатлар вужудга келмагунга қадар Аллоҳ ^{субҳаналлоҳу аъаләмиллоҳу асмау биллоҳу саллам} нинг душманлари билан жанг қилишда давом этинг! Куфр аҳлининг шон-шавкати синдирилмагунга қадар мушриклар билан уришинг! Аммо ширк, куфр ва мусулмонларга озор беришдан Исломга кириб ё жазя тўлаб тийилишса, иймон аҳлига қарши жанг қилишни бас қилишса, унда сизлар ҳам уларни ўлдиришдан тўхтаг! Зеро, Аллоҳ ^{субҳаналлоҳу аъаләмиллоҳу асмау биллоҳу саллам} дан ўзга илоҳ йўқ, деб эътиқод қилишдан бош тортган, фитна қилиб сизларга озор беришдан, сизлар билан жанг қилишдан тийилмаган, ширк ё куфр амалларида давом этган золим кимсалардан ўзгага душманлик йўқ!

Ер юзидан фитнанинг ҳар қандай тури йўқотилиши керак. Инсон ўзи ихтиёр этган динга бемалол эътиқод қилиш эркинлигига эга бўлиши лозим. Дин буткул Аллоҳ ^{субҳаналлоҳу аъаләмиллоҳу асмау биллоҳу саллам} га хос бўлиши даркор. Аллоҳ ^{субҳаналлоҳу аъаләмиллоҳу асмау биллоҳу саллам} мана шу ҳолат вужудга келмагунга қадар одамларни ўз ҳолига қўймай фитна қилиб, диндор бўлгани учун турли хил азоблар бериб ёки ўз юртида тинчитмай қувгин қилиб Исломдан тўсаётган кимсалар билан жанг қилишда давом этишга буюради. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أُمِرْتُ أَنْ أَقَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَشْهَدُوا أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ وَيَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَيُؤْتُوا الزَّكَاةَ فَإِذَا فَعَلُوا ذَلِكَ عَصَمُوا مِنِّي دِمَاءَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ إِلَّا بَحَقَّ الْإِسْلَامِ وَحَسَابُهُمْ عَلَى اللَّهِ ﷻ رواه البخاري

Абдуллоҳ ибн Умар ^{розиллоҳу алайҳи ва саллам} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} одамлар билан Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси эканига гувоҳлик бергунларига, намозни барпо қилгунларига ва закотни бергунларига қадар уришмоққа буюрилдим. Агар шуни қилсалар, қонлари ва молларини мендан сақлаб қоладилар. Магар Ислом ҳаққи қолади. Ҳисоб-китоблари Аллоҳга ҳавола дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

Демак, Аллоҳ ^{субҳаналлоҳу аъаләмиллоҳу асмау биллоҳу саллам} нинг дини олий бўлмас экан ёки мўминларга тазийқ ўтказувчи кимсалар мавжуд бўларкан куфр аҳли билан жанг қилишга, ўлдиришга, ер юзидан ўчириб ташлашга мусулмонларнинг тўла ҳақлари бор. Зотан, Фақат Ислом ҳамма нарсдан голиб бўлиш, ўзга дин соҳиблари жазя тўлаб, Ислом ҳимояси остида яшашлари керак.

Бироқ Аллоҳ ^{субҳаналлоҳу аъаләмиллоҳу асмау биллоҳу саллам} нинг динидан тўсаётган Ислом ғанимлари ўз хатоларини тушуниб етиб, куфр ва зулмдан воз кечса, ҳеч ким уларга тажовуз қилмайди. Зотан, тажовуз билан фақат золимларга жавоб қайтарилади. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг асҳоблари шундай йўл тутганлар:

Нофий ^{роҳима-хулаос} ривоят қилдилар: *Ибн Зубайр фитнаси пайтида икки киши Ибн Умарнинг олдига келиб, "Одамлар билганини қилиб ётибди! Сиз Умарнинг ўгли, Пайгамбар ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг дўстлари бўлсангиз! Сизни уларга қарши жиҳодга чиқшидан нима тўсмоқда?!" дейишди. Шунда "Аллоҳ биродаримнинг қонини менга ҳаром қилгани мени тўсмоқда", дедилар. Анавилар "Аллоҳ улар билан фитна йўқ бўлгунга қадар уришинлар, демаганми?!" дейишди. Ибн Умар ^{розиллоҳу алайҳи ва саллам} "Бизлар фитна қолмагунга ва дин Аллоҳга хос бўлгунга қадар жанг қилдик! Сизлар эса фитна вужудга келгунча ва дин Аллоҳдан ўзгага бўлгунга қадар уришмоқни хоҳлайсиз!" дедилар. (Имом Бухорий ривояти)*

الشَّهْرُ الْحَرَامُ بِالشَّهْرِ الْحَرَامِ وَالْحُرُمَتُ قِصَاصٌ فَمَنْ أَعَدَّيْ عَلَيْكُمْ فَأَعِدُّوا عَلَيْهِ بِمِثْلِ مَا أَعَدَّيْ عَلَيْكُمْ وَأَتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ ﷻ

194. *Ҳаром ой ҳаром ой муқобаласигадир. Ҳурматлар жазоси қасосдир! Ким сизларга тажовуз қилса, ўшанда унга сизларга тажовуз қилган нарса миқдорича тажовуз қилинлар! Аллоҳдан қўрқинлар! Билинларки, Аллоҳ тақво қилгувчилар билан биргадир!*

Эй иймон келтирган кишилар! Кофир ва мушриклар Шаҳрул Ҳаром ҳурматида тажовуз қилса, сизлар билан уруш ҳаром қилинган ойларида жанг қилиб қонингизни тўкса, сизлар ҳам уларнинг таъзирини бериш учун бу ойда жанг қилсангиз гуноҳкор бўлмайсиз! Сизларга қарши уруш очганлар билан уруш ҳаром қилинган ойда бўлса ҳам уришинг! Зотан, ҳаром қилинган ой муқобилига ҳаром қилинган ойдир! Тажовузга тажовуз билан, ҳурматсизликка ҳурматсизлик

билан жавоб қилиш айни адолатдир! Хурматлар учун қасос олинг! Кофир ё мушрикда ҳаққингизни қўйманг!

Ким сизларга тажовуз қилиб зулм қилган бўлса, ундан ўч олишда ҳаддан ошиб кетманг! Қасосингиз зулм қилган кимсанинг тажовузи миқдорича бўлсин! Ундан ошиб кетманг! Ботил аҳли билан бўлган жангларда, сизларга тажовуз қилганлардан ўч олишда, умуман барча ҳолатда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}дан кўрқинг! Билинги, тақво қилиш Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг маъийятига олиб боради! Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ўз нусрати, ҳидояти ва мағфирати ила Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло}га тўла итоат қилувчи, Унга осий бўлишдан кўрқадиган, шариат буюрган нарсаларни бажариб, қайтарганидан тийилиб, динни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га хос қилган тақводорлар билан биргадир!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Байтул Ҳаром ва унинг теварагини дунёдаги энг хотиржам, тинчлик ва омонлик макони қилгани каби Муҳаррам, Ражаб, Зул-қаъда ва Зул-ҳижжа ойларини тинчлик ва омонлик замони қилиб берди. Мазкур ойларда уруш қилиш, қон тўкиш ҳаром бўлиб, бу ҳукмга жоҳилият даврида ҳам риоя қилинарди. Бошқа пайтда арзимас сабаблар билан қирғинбарот жанглар олиб борган мушриклар уруш ҳаром қилинган ойлар келганда, ҳар қандай урушни тўхтатарди. Отаси ё бирон яқинининг қотилини учратса ҳам тегмасиди.

Бироқ Росулulloҳ ^{салому алайхи ва саллам} саҳобалар билан уруш ҳаром қилинган Зул-қаъда ойида умра қилиш учун Маккаи Мукаррамага келганларида йўлларини тўсиб, жанг қилмоқчи бўлишди. Масжидул Ҳаром ҳурматини азалдан сақлаб келган саҳобалар бу ойда жанг қилишдан ҳаражландилар. Шунда Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ушбу оятни нозил этди.

Росулulloҳ ^{салому алайхи ва саллам} ушбу оятни амалда кўрсатдилар. Мушриклар Росулulloҳ ^{салому алайхи ва саллам}ни Байтул Ҳаромдан Зул-қаъда ойида тўсиб мағрурланди. Росулulloҳ ^{салому алайхи ва саллам} кейинги йили умра қилиш учун айни Зул-қаъда ойида Маккаи Мукаррамага кириш билан мушриклардан ўч олдилар. Шу тариқа "Мушриклар сизларни Маккаи Мукаррамага киришдан ҳаром қилинган Зул-қаъда ойида тўсган бўлса, сизлар ҳам, албатта, келгуси йили Зул-қаъда ойида кирасиз!" деган мазмундаги хитоб ўз исботини топди.

Шаҳрул Ҳаром ҳурмати, Масжидул Ҳаром ҳурмати, ихром ҳурмати каби таҳқирлаш, беҳурмат қилиш, оёқости қилиш ман қилинган ҳар бир нарсага «хурмат» дейилади. Улар учун шариат кўрсатган тартибда қасос олинади. Ҳаром қилинган ойларнинг тартиб ва қоидаларига риоя этмаган, ҳурматларини бузган, муқаддаслигига тажовуз қилган, мусулмонларнинг қонини тўккан кимсалар ўз-ўзидан Шаҳрул Ҳаром берган имтиёзлардан маҳрум бўлади. Уруш ҳаром қилинган ойларда уруш очганларга қарши жанг қилиб, уларни ўлдирилади. Уруш қилиш ҳаром бўлган жойнинг муқаддаслигига тажовуз қилган кимсаларга шариатда белгиланган жазо қўлланади. Ким Шаҳрул Ҳаром ҳурматини риоя этмасдан қон тўкса, унинг ҳам ҳурматини шу ойда ўша суратда тўкиб қасос олинади. Шунингдек, бировнинг моли ё жонига озор етказган кимсадан ҳам ўч олинади. Демак, мусулмон киши ҳурматларнинг биронтасини ўч олишдан ўзга мақсад билан биринчи бўлиб бузиши мумкин эмас.

Бировдан зулм кўрган инсон ҳамиша ўч олиш иштиёқида бўлади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} банданинг табиатидаги қасос олишга бўлган иштиёқни билгани боис ҳар бир кишига тажовуз қилинган миқдорча тажовуз билан жавоб бериш ҳуқуқини берди. Мисол учун бир киши бировни одамлар ичида калтаклаган бўлса, ўч олишда уни ҳам одамлар ичига олиб чиқиб калтакланади. Ким бировга жароҳат етказса, ўзига ҳам етказган жароҳат миқдорича жароҳат етказилади.

Мусулмонларни турли хил сунъий тўсиқлар билан ҳаж ибодатидан тўсаётган кимсалар, шундай машъум жиноятга шерик бўлаётганлар ҳам эшитиб қўйсин! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳурматлар учун қасос бор, демокда!

Жабр-жафо чеккан аламдйда ҳар қандай инсон қасос олиш учун имкон топса, жазони бир неча баробар ошириб беришни хоҳлайди. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} инсоннинг ўша табиатидан воқиф бўлгани боис ўч олишда ҳаддан ошмасликка буюрмоқда.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Шаҳрул Ҳаром ҳурматини тўкмасликка, ўзгаларга тажовуз қилмасликка, тажовузкордан ўч олишда ҳаддан ошмасликка бўлган амрни тақвога боғламоқда ва тақводорларни Ўзи билан бир сафда зикр қилмоқда. Зотан, тақво шундай эзгу фазилатки, унинг соҳиби Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло}нинг раҳмати, нусрати ва мағфиратига мушарраф бўлади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} билан бирга бўлган киши дунё ва охират саодатига эришади. Ҳаёти бахтли, сермазмун ўтади. Тақвоси йўқ кимса қуриган дарахт каби маъносиз ҳаёт кечиради.

Кофирдан қасос олинади. Мободо мўмин киши тажовуз қилган бўлса, уни кечириб юбориш афзал. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} Қуръони Каримнинг бошқа бир ўрнида марҳамат қилади:

﴿ وَجَزَاؤُهَا سِتِّينَةٌ مِّثْلَهَا ^ط فَمَنْ عَفَا وَأَصْلَحَ فَأَجْرُهُ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الظَّالِمِينَ ﴿٤٠﴾ الشورى: ٤٠ ﴾

Ёмонликнинг жазоси ўшанга ўхшаш ёмонликдир. Энди ким кечирса ва ўртани ислоҳ этса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасигадир. Албатта, У золимларни ёқтирмас! (Шуро сураси, 40 – оят)

Росулуллоҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} нинг саҳобаларга берган тарбиялари ҳам шунга далолат қилади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَدُّ الْأَمَانَةَ إِلَى مَنْ أَيْتَمَنَّاكَ وَلَا تَخُنْ مَنْ

خَانَكَ ^{رواه الترمذي}

Абу Ҳурайра ривоят қилдилар: *Пайгамбар ^{соллаллоху алайхи ва саллам} сенга ишонган кишига омонатни ўтагин! Сенга хиёнат қилган кимсага сен ҳам хиёнат қилмагин! дедилар.* (Имом Термизий ривояти. Носируддин Албоний саҳиҳ деган)

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ўтган оятларда бадан билан жиҳод қилишга буюрди. Қуйида эса бевосита жиҳоднинг ажралмас қисми – мол билан жиҳод қилишга буюради:

وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٩٥﴾

195. Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилинглр ва ўзларингизни ҳалокатга ташламанглр! Эҳсон қилинглр! Албатта, Аллоҳ муҳсинларни яхши кўради.

Эй мўминлар! Молларингизни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлидаги жиҳодга, душман билан бўладиган жанг ҳаражатларига, умуман, Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло} га қурбат ҳосил қилишга сабаб бўладиган шаръий амалларга инфоқ қилинг! Давлатингизни динингизни мустаҳкамлаш, ҳақни ҳимоя этиш учун сарфланг! Инфоқ қилишга бахиллик қилиб, беҳуда нарсаларга сарфлаб, ўзингизни ҳалокатга дучор этманг! Чунки Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлига инфоқ қилишни тарк қилиш сизларнинг заифлашувингизга, душманингизнинг кучайишига, охир-оқибатда сизларни ҳалок қилишларига олиб боради!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг мағфирати ва раҳматидан ноумид бўлманг! Барча амалларда эҳсонни, яхшилиқни лозим тутинг! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} га ибодат қилишда ҳамда бандалар билан бўлган муомалаларда яхшилиқ йўлидан боринг! Хулқингиз ва амалингизни яхшилаб! Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} барча амалларини Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг ризосига мувофиқ қиладиган муҳсин кишиларни яхши кўради!

Қуръони Карим қайси ўринда жон билан жиҳод қилишга буюрган бўлса, ўша ерда инфоққа – касб қилиб топилган мол-дунёдан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлида сарф қилишга ҳам буюради. Инфоқ – Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} берган молни Ўзи рози бўладиган ўринларга сарф қилишдир.

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлига инфоқ қилиш ҳаж ё умра чиқимлари, закот, каффорот, оила нафақаси каби Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} буюрган инфоқнинг барча турларини ўз ичига олади. Аммо ушбу оятдаги инфоқдан кўпроқ жиҳод ҳаражатлари назарда тутилган. Чунончи Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлига инфоқ қилиш жиҳод учун руҳ каби муҳимдир. Зотан, қодир бўлган кишига мол билан жиҳод қилиш бадан билан жиҳод қилиш каби фарздир. Исломиий жиҳод молни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлида инфоқ қилинишига бевосита боғлиқдир. Чунки мол-мулкни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} нинг йўлига инфоқ қилиш мусулмонлар шавкатининг кучайиши ва куфр аҳлининг заифлашувига олиб боради.

Абу Имрон Аслам ибн Язид ^{рахима-хуллоҳ} ривоят қилдилар: *Рум шаҳрида газотда эдик. Бизга Румликлардан катта сафда кўшинни чиқаришди. Мусулмонлардан ҳам уларга ўшанча ё ундан кўпроқ кўшин чиқди. Миср аҳлига Уқба ибн Омир, ансорлар жамоатига Фузола ибн Убайд кўмондон эди. Мусулмонлардан бир киши Румликлар сафига ҳужум қилиб, уларни ёриб кирди. Одамлар қичқариб юборди ва "Субҳаналлоҳ! Ўзини ҳалокатга ташлайди-я!" дейишди. Шунда Абу Айюб ал-Ансорий ^{розиаллоху алайхи} туриб "Эй одамлар! Сизлар бу оятни ушбу изоҳ билан изоҳлаясизлар! Ҳолбуки, бу оят биз ансорлар жамоаси ҳақида нозил бўлган. Аллоҳ Исломага галаба бериб, унга ёрдам берувчилар кўпайганида баъзимиз баъзиларга Росулуллоҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} га билдирмасдан "Молимиз тугаб қолди. Аллоҳ Исломага галаба берди. Унга ёрдам берувчилар ҳам кўпайиб қолди. Энди тирикчиликларимизни юргазиб, йўқотганимизни тиклаб олсак", деди. Шунда Аллоҳ бизни айтган гапимиздан қайтариб Пайгамбарни ^{соллаллоху алайхи ва саллам} га Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилинглр ва ўзларингизни ҳалокатга ташламанглр оятини нозил этди. Ҳалокат тирикчиликни юргазиб дунёни кўпайтириши ва газотдан қолиш экани маълум бўлди", дедилар.*

Абу Айюб ^{розияллоҳу алайҳи} Аллоҳнинг йўлида жиҳодларда сафар қилиб юрдилар, ҳаттоки Рум ерларида дафн қилиндилар. (Имом Термизий ривояти)

Саҳобалар ўзларини Ислом учун тиккан, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлида мислсиз азоб-уқубатларга йўлиққан, жафо кўрган, аммо бирон марта ортга чекинмаган зотлар эди! Улар Исломни ёйиш ўрнига тинчгина уйида ўтиришни ҳалоқат деб тушунардилар! Уларнинг ҳашаматли, ичи тўла гуноҳ иморатлари, ошиб-тошиб ётган бойликлари йўқ эди! Улар кечасию кундузи дин гамида эдилар! Шундай бўлса ҳам охиратларидан хавотирда эдилар! Ушбу оят ўшандай зотлар ҳақида нозил бўлган бўлса, бизнинг ҳолимиз нима кечаркин?! Биз мол-дунё, бола-чака гамидамиз! Исломий ҳаракатларга бепарвомиз! Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлидаги жиҳодни унутганмиз! Маъсиятлар уммонига шўнғиганмиз! Бизнинг оқибатимиз нима бўлади?!

Инсон дунёсини кўпинча гуноҳ, маъсият ишларга, ҳашаматли иморатлар солишга, дабдабали тўйлар қилишга сарфлайди. Оиласи ё фарзандларининг бузук истаклари учун харжлайди. Бу вақтда кўзига дунёни кўринмайди. Аммо Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлига инфоқ қилиш ўрни келганда шайтон зудлик билан хузурига келиб васваса қила бошлайди. Гўё бутун бисотидан айрилаётгандай, бирни минг қилиб кўрсатади. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг қуйидаги оятларини унутади:

﴿وَالَّذِينَ يَكْتُمُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا ينفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣٤﴾ يَوْمَ يُحْمَى عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكْوَى بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وظُهُورُهُمْ هَذَا مَا كَنَزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُوقُوا مَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ ﴿٣٥﴾﴾

التوبة: ٣٤ – ٣٥

Тилло ва кумушни тўплаётган ҳамда уни Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилмаётган кимсаларга аламли азоб билан “башорат” беринг! Тиллою кумушлар жаҳаннам оловида чўғ қилиниб, у билан пешоналари, ёнбошлари, беллари дазмолланган кунда "Бу ўзларингиз учун гамлаган нарсадир! Ғамлаган нарсаларингиз мазасини тотинг!" дейилур! (Тавба сураси, 34 ва 35 – оятлар)

Ўша пайтда камдан-кам одамлар, аниқроғи эҳсон ва тақво сифатини ўзида мужассам этган чин мўминлар шайтоннинг васвасаларига даф бера олади. Демак, мўмин киши Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}дан сўраганда, дунёни қалбига эмас, кўлига беришини, берган мол-давлатни Унинг розилиги йўлида инфоқ қилишга тавфиқ беришини ҳам сўраши ўта муҳимдир. Зеро, ҳаётда Исломни даъво қилганлар орасида бирам бадавлат кимсалар борки, уларнинг дунёси Исломдан бўлак ҳамма нарсга хизмат қилади. Атрофи оч ва муҳтожларга тўлса ҳам Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлига инфоқ қилолмайдиган бундайлар Қиёмат куни шариятга мувофиқ сарфланмаган мол-давлатнинг ҳар бир тийини учун жавоб беришини, мол-дунё Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлига сарфланмаса, бари бир маъсиятга созурилишини унутган кўринади! Уларнинг эртанги ҳолатини қуйидаги оят яққол ифода этади:

﴿وَلَا يَحْسَبَنَّ الَّذِينَ يَبْخُلُونَ بِمَا آتَاهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ هُوَ خَيْرًا لَّهُمْ بَلْ هُوَ سَرٌّ لَّهُمْ سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخُلُوا بِهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَاللَّهُ مِيرَاثُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاللَّهُ يَمَّا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١٨٠﴾﴾ **Ал عمران: 180**

Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсаларга бахиллик қилаётган кимсалар буни ўзларига яхшилик деб ҳаргиз ҳисобламасин! Яқинда Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари бўйинларига ўралади! Осмонлару Ер мероси Аллоҳга хосдир. Аллоҳ сизлар қилаётган нарсалардан Хабардордир. (Оли-Имрон сураси, 180 – оят)

Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлида инфоқ қилишнинг аҳамиятини мусулмонлардан кўра Ислом душманлари чуқурроқ англаган! Динимиз ғанимлари мусулмонларни Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло}нинг йўлига инфоқ қилишдан тўсиш учун Исломда ҳаром бўлган қимматбаҳо қоғозлар, даромад келтирадиган омонатлар каби турли чораларни ўйлаб топди! Оқибатда яҳуд-насоролар тузоғига илинган мусулмонлар сармояларини Исломга ғараз билан қарайдиган диёрларда ғанимларининг жамғармаларида сақлайдиган бўлди! Бу нарсга кофирга мусулмоннинг молини тўла назорат қилиш, фойдаланиш, энг ачинарлиси, керак бўлса, истаган пайтда музлатиб қўйиш имконини берди! Мусулмон ўзининг мулкини кофирнинг изни билан ишлатадиган ҳолатга тушиб қолди! Бундай ҳолатда исломий жиҳодларга ёрдам бериш қаердан бўлади?!

Куфр асосига қурилган давлатлар эса баъзан ошқора, баъзан турли ниқоблар остида Исломга қарши катта-катта сармояларни ажратмоқда! Исломга қарши сарфлаш мақсадида маблағ йиғиш учун яҳуд-насоролар турли хил тадбирлар ўтказмоқда! Динимизга қарши бутун бошли молия ташкилотлар, юзлаб жамғармалар иш олиб бормоқда! Минглаб саноат корхоналари, тижорий

ташкilotлар Исломни қулатиш учун ер куррасининг турли бурчакларида, энг алам қиладигани исломий юртларда мусулмонлар кўмаги ва иштирокида фоллят олиб бормоқда! Мусулмонларнинг мол-дунёси яҳуд-насоролар кўлида, Ислом қолиб, мусулмонларга қарши бўлган хуружларни молиялаштирмоқда!

Биз мусулмонлар ҳалиям ғафлат уйқусидамиз! Молда закотдан бўлак ҳақ борлигини унутдик! Биз аҳлус-суннат эмас, аҳлуд-дунё вал жамоат бўлиб кетдик! Мол-дунёга ружуь кўйишимиз, хусусан, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлига инфоқ қилишни тарк этганимиз боис ҳозирги Ислом уммати тарихда мисли кўрилмаган хорликка дучор бўлди! Диндан кўра дунёни ортиқ кўришимиз туфайли мусулмонлар ганимларига ҳар томонлама қарам бўлиб қолди! Исломий жамият ичида муҳтожлар, камбағаллар, қарздорлар кўпайиб кетди! Исломий ҳаракатларни молиявий қувватлашга бепарво қараганимиз оқибатида динимиз оқсаб қолди! Холбуки, Ислом тарихи, хусусан, Росулulloҳ ^{солаллоху алайхи ва саллам}нинг тарбияларини кўрган саҳобалар даври Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлида инфоқ қилишнинг бетакрор намуналарига ниҳоятда бойдир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَثَلُ الْبَخِيلِ وَالْمُنْفِقِ كَمَثَلِ رَجُلَيْنِ عَلَيْهِمَا جَبْتَانٌ مِنْ حَدِيدٍ مَنْ تُدِيهِمَا إِلَى تَرَاقِيهِمَا فَأَمَّا الْمُنْفِقُ فَلَا يُنْفِقُ إِلَّا سَبَّغَتْ أَوْ وَفَرَتْ عَلَى جِلْدِهِ حَتَّى تُخْفِيَ بِنَانَهُ وَتَعْفُوَ أَثَرَهُ وَأَمَّا الْبَخِيلُ فَلَا يُرِيدُ أَنْ يُنْفِقَ شَيْئًا إِلَّا لَزِقَتْ كُلُّ حَلْقَةٍ مَكَانَهَا فَهُوَ يُوسَعُهَا وَلَا تَتَّسَعُ ﴿٣٨﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розиллоху ануху} ривоят қилдилар: **Пайгамбар** ^{солаллоху алайхи ва саллам} бахил билан инфоқ қилгувчининг мисоли кўкрагидан ўмровига қадар темирдан жубба кийган икки киши мисолига ўхшашдир. Инфоқ қилгувчи инфоқ қилган сари жуббаси кенгайиб баданига лойиклашади, ҳаттоки ўрнини йўқотиб, изини кетказди. Аммо хасис бирон нарсани инфоқ қилишни истаган сари ҳар бир ҳалқа ўша ўрнини сиқади. У кенгайтиришга уринади, кенгайтиролмади *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا لِلَّهِمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلْفًا وَيَقُولُ الْآخَرُ اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْسِكًا تَلْفًا ﴿٣٩﴾ رواه البخاري

Абу Хурайра ^{розиллоху ануху} ривоят қилдилар: **Пайгамбар** ^{солаллоху алайхи ва саллам} бандалар тонг оттирадиган бирон кун йўқ, магар унда икки фаришта тушиб, икковидан бири "Аллоҳим! Инфоқ қилувчига ўрнини тўлдирадиган нарса бергин", дейди. Бошқаси "Аллоҳим! Хасисга талофат бергин", дейди *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Аслида инсон молни Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}ники, деб эътиқод қилиши ва Росулulloҳ ^{солаллоху алайхи ва саллам} қуйидаги ҳадисда баён қилган ҳолат келгунга қадар тезроқ инфоқ қилишга ҳаракат қилиш лозим:

عَنْ حَارِثَةَ بْنِ وَهَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَصَدَّقُوا فَإِنَّهُ يَأْتِي عَلَيْكُمْ زَمَانٌ يَمْشِي الرَّجُلُ بِصَدَقَتِهِ فَلَا يَجِدُ مَنْ يَقْبَلُهَا يَقُولُ الرَّجُلُ لَوْ جِئْتُ بِهَا بِالْأَمْسِ لَقَبِلْتُهَا فَأَمَّا الْيَوْمَ فَلَا حَاجَةَ لِي بِهَا ﴿٤٠﴾ رواه البخاري

Хориса ибн Ваҳб ^{розиллоху ануху} ривоят қилдилар: **Пайгамбар** ^{солаллоху алайхи ва саллам} садақа қилинглр! Чунки сизларга шундай вақт келадики, киши садақотини оладиган одамни тополмай кўтариб юради. Эҳтиёжманд киши "Агар кеча олиб келганингда олардим. Энди бугун менда унга эҳтиёж йўқ", дейди *дедилар*. (Имом Бухорий ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} берган молни Унинг розилиги йўлида шариат кўрсатган ўринларга инфоқ қилсак, бу амалимиз холис бўлса, Қиёмат куни, албатта, ажрланамиз. Йўқса, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} бизнинг инфоқ қилишимизга асло муҳтож эмас. Зотан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} хамиша Беҳожат Зотдир:

﴿ هَآئِنْتَ هَتُوْلَآءِ تُدْعَوْنَ لِتُنْفِقُوْا فِي سَبِيْلِ اَللّٰهِ فَمِنْكُمْ مَنْ يَّبْخُلُ وَمَنْ يَّبْخُلْ فَاِنَّمَا يَّبْخُلْ عَن نَّفْسِهٖ ؕ وَاللّٰهُ الْعَنِيُّ وَاَنْتُمْ اَلْفُقَرَاءُ ؕ اِن تَوَلَّوْا يَسْتَبَدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُوْنُوْا اٰمَنًا لَّكُمْ ﴿٣٨﴾ محمد: ٣٨

Мана сизлар Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилишларингиз учун чақирилмоқдасизлар! Ичингизда бахиллик қилаётган кимсалар бор! Ким бахиллик қилса, фақат ўзига бахиллик қилади. Аллоҳ Беҳожатдир! Сизлар муҳтождирсизлар! Агар бош тортсангиз, ўрнингизга сизлардан бошқа қавмни алиштиради. Сўнг улар сизлар каби бахил бўлмайдилар! (Муҳаммад ^{солаллоху алайхи ва саллам} сураси, – оят)

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اتَّقُوا الظُّلْمَ فَإِنَّ الظُّلْمَ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ
وَ اتَّقُوا الشُّحَّ فَإِنَّ الشُّحَّ أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ حَمَلَهُمْ عَلَى أَنْ سَفَكُوا دِمَاءَهُمْ وَاسْتَحَلُّوا مَحَارِمَهُمْ ^{رواه مسلم}

Жобир ибн Абдуллоҳ ^{розияллоху алайхи ва саллати} ривоят қилдилар: *Росуллоҳ* ^{саллаллоху алайхи ва саллати} зулмдан эҳтиёт бўлинг!
Чунки зулм Қиёмат кунини зулматлардир. Зикналикдан ҳам эҳтиёт бўлинг! Чунки сиздан олдингиларни зикналик ҳалок этган. Уларни бир-бирининг қонларини тўкишга ва харомларини ҳалол қилишга олиб борган дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} барчамизни дунёга қул бўлишдан сақлаб, топган мол-давлатимиздан Раҳмон ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлига бериё инфоқ қилишга тавфиқ берсин!

Хузайфа, Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоху алайхи ва саллати} каби саҳобалар ҳамда Ҳасан Басрий, Саъид ибн Жубайр, Икрима, Мужоҳид, Қатода ва Заҳҳок ^{розияллоху алайхи ва саллати} каби салаф уламолари ҳалокатни жиҳодни, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлига инфоқ қилишни тарк қилиш, дунёга машғул бўлиб исломий ҳаракатдан қолиш, деб тафсир қилганлар. Шунингдек, ҳалокатни гуноҳни қилиб тавба қилмаслик, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг раҳмати ва мағфиратидан ноумид бўлиб гуноҳларга муккасидан кетиш, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} буюрган фарзларни тарк қилиш, амр маъруф, наҳий мункарни тарк қилиш, очик-ойдин кўриниб турган хавф-хатарга тadbирсиз ўйламай-нетмай ўзини уриш, қўлидан келмаган нарсага тираниш, фарзандлар тарбиясига бепарво қараш, аёлларни назоратсиз ўз ҳолига ташлаб қўйиш, дини ва дунёси учун хатарли бўлган нарсаларга мубтало бўлиш, деб тафсир қилганлар ҳам бор. Умуман, ҳалокат Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлидаги жиҳодни ёки Исломнинг равнақи учун инфоқ қилишни тарк этиш каби маънавий ёхуд ўзини ўтга, сувга ташлаш ё ҳалокатига олиб борадиган нарсаларни истеъмол қилиш каби ҳиссий бўлиши мумкин. Ушбу оят ҳар икки турдаги ҳалокатни ўз ичига олмақда. Демак, диний қайғуси бўлмаган, молу жонини Исломдан азиз кўрган, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлидаги ҳаракатдан ўзини четга олганларни, иккиланмасдан, ҳалокат жарида қулаб ётганлар, деб билишимиз керак!

Бундан ташқари кишининг ёлғиз ўзи душманга ҳамла қилиб, оқибатда мусулмонларга бирон манфаат келтирмай ўлиб кетишини ҳам уламолар ўзини ҳалокатга ташлаш, деганлар ва инсон жонини хатарга қўядиган нарсалардан четланиши лозимлигига ушбу оятни ҳужжат қилганлар. Баъзи уламолар жиҳодда ортга чекинмишга, шароит тақозо этса, ошқора даъватни тўхтатиб туришга, шунингдек, кофирлар билан сулҳ қилишнинг мумкинлигига ушбу оятни ҳужжат қилганлар.

"Наҳотки инсон ўзини ҳалокатга ташласа?" деган савол туғилади. Унда Ислом шарияти туриб қаердаги куфр йўлларга, ботил мафқураларга харидор бўлаётганларни ким деб аташ керак?! Саҳиҳ эътиқодли, амал ва тақвода синалган уламолар турганда, ғирт жоҳил, ширку куфр ботқоғига ботган кимсаларни пешво тутганларни ким дейиш мумкин?! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг очик оятлари, *Росуллоҳ* ^{саллаллоху алайхи ва саллати}нинг суннатлари турганда бидъат амалларга жонфидалик қилаётганлар ўзини ҳалокатга улоқтираётганлар эмасми?! Мусулмонлар билан қурашаётганлар ҳалокат жари сари қулаётганлар эмасми?!

Ҳаётда айрим мунофиқтабиат кимсалар учрайди. Улар ўзини Исломга фидо қилган, маломатчининг маломатидан, кофирнинг зулму макридан кўркмасдан қўлидан келганича диний ҳаракатларда иштирок этаётган Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг суюмли бандаларини "Ўзини ҳалокатга ураётганлар", деб билади. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг йўлида жонбозлик қилаётганларга истеҳзо билан нодон деб қарайди! Ҳолбуки, ундай "доно"лар Ислом учун бўлган ҳаракатлардан четда туриши оқибатида ўзини абадий ҳалокатга дучор этган! Қалби нифоққа тўла, мол-давлати билан алданган ўшандай "доно"ларни кўрганда, уларнинг васвасаларига алданиб қолмаслигимиз лозим! Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}дан бизни ўшандай кимсалардан узоқ қилишини сўрашимиз керак!

Амр-маъруф наҳий-мункар қилиш, фойдалиқ илмни ўргатиш, мусулмонларнинг эҳтиёжларини ўташ, мушкилларини енгиллатиш, беморларини йўқлаш, жанозаларида иштирок этиш ҳам эҳсоннинг умумий маъноларидан. Баъзи уламолар эҳсонни икки турга: Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га бўлган эҳсон ва одамларга бўлган эҳсонга бўлганлар. Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га эҳсон қилиш – *Росуллоҳ* ^{саллаллоху алайхи ва саллати} айтганларидек Уни кўриб тургандек ибодат қилишдир. Инсон унга бошқалар қандай муомала қилишини хоҳласа, ўзгаларга ўша муомалани қилиши – бандаларга эҳсон қилишдир. Мазкур эҳсоннинг икки турини ўзида мужассам этган кишиларни одамлар Тарбиятқунандаси

¹ Кашандалиқ, хаттоки динсиз шифокор ва табиблар эътирофига кўра инсон саломатлигига таҳлика солувчи модда бўлгани боис шариятимиз уламолари тамаки маҳсулотларининг харомлигига келтирган далиллар ичидан ушбу оят ҳам жой олган. Молни дин ё дунёга фойдаси йўқ нарсаларга сарфлаш алоҳида яна бир гуноҳдир. Шунинг учун, кашандалиқнинг "ҳалол"лигига шариятдан далил излаб яна қўшимча гуноҳга ботмаслик керак.

яхши кўриб дўст тутади. Шунга кўра "Мени Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} яхши кўрсин", деган киши ўзида эҳсон сифатларини мужассам этиши лозим.

Ашъарийя каби адашган тоифалар Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг муҳаббатини ажр-савоб бериш билан изоҳлайди. Уларнинг даъвосига кўра муҳаббат икки мутаносиб томондан бўлади. Аммо биз аҳлус-суннат вал-жамоат эътиқодидаги кишилар Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ўзи хоҳлаган бандасига муҳаббат кўяди, деб эътиқод қиламиз. Зеро, Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам}нинг Уҳуд тоғига қарата айтган сўзлари ёки инсоннинг улов каби нарсаларни яхши кўриши ашъарийя тоифасининг даъволарни бекорга чиқаради¹.

Куръони Карим бир мунча илгари рўза ҳақидаги ҳукмларни ёритди. Ўртада Шаҳрул Ҳаром ё Масжидул Ҳаромга алоқадор бўлгани учун уруш ҳақидаги оятлар зикри ўтди. Чунки Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бир минг тўрт юз саҳобий ҳамроҳлигида умра қилиш учун йўл олганларида мушриклар Маккаи Мукаррама яқинидаги Худайбийя деган жойда йўлларини тўсганиди. Келишувга кўра келгуси йилда Маккаи Мукаррамага йўл олганларида мушриклар келишувни бузиб жанг қилгудек бўлса, саҳобалар уриш қилишдан ҳаражланганда, жанг ҳақидаги оятлар нозил бўлганиди. Қолаверса, рўза ва ҳаж ойлари бирин-кетин келади.

Энди қуйидаги оятдан бошлаб Ислоннинг асосий рукнларидан бири – ҳаж ҳақидаги ҳукмлар баёнига қайтиб, ҳаж ва умрани Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} учун комил суратда адо этишга буюрмоқда:

وَأْتُوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ فَإِنْ أُحْصِرْتُمْ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَدْيِ وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ الْهَدْيُ مَحَلَّهُ. فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيضًا أَوْ بِهِ أَذًى مِنْ رَأْسِهِ فَفِدْيَةٌ مِنْ صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ نُسُكٍ فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَمَنْ تَمَنَّعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجِّ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَدْيِ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامٌ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ فِي الْحَجِّ وَسَبْعَةٍ إِذَا رَجَعْتُمْ تِلْكَ عَشْرَةٌ كَامِلَةٌ ذَلِكَ لِمَنْ لَمْ يَكُنْ أَهْلَهُ. حَاضِرِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿١٩٦﴾

196. *Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун охирига етказинглар! Агар қамал қилинсангиз, унда қурбонликка аталган жонлиқдан насиб бўлган нарсани сўйинг! Қурбонликка аталган жонлиқ ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни қирманглар! Ичингиздан ким касал бўлса ёки унга бошидан озор етса, унда унга рўза тутуш ё садақа бериш ёки қурбонликдан иборат фидя лозим. Энди агар хотиржам бўлсангиз, ўшанда ким ҳажгача умрадан фойдаланса, унда қурбонликка аталган жонлиқдан насиб бўлганини сўйсин! Ким тополмаса, унда ҳаж пайтида уч кун ва қайтганларингизда етти кун рўза тутуши лозим. Бу тўла ўн кундир. Ушбу ҳукм оиласи Масжидул Ҳаромда ўтроқ бўлмаган киши учундир! Аллоҳдан тақво қилинглр! Билинглрки, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир!*

Эй мўмин бандаларим! Ҳаж ва умрани рукни, вожиб ва суннатлари билан холис Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} учун, Унинг амрига итоат этган ҳолда, ёлғиз Ўзининг розилигини истаб, мукамал суратда адо этинг! Бордию йўлдан адашсангиз ё душман қамал қилса, ё қароқчи йўлингизни тўсиб, оқибатида ҳаж ё умрангизни тамомига етказишга имкон қилолмасангиз ёхуд касаллик ёки ундан бошқа Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}нинг уйига боришга монелик қиладиган омилларга йўлиқсангиз, унда туями, молми, қуйми, эчкими, топган қурбонлигингизни сўйинг! Шундан сўнггина эҳромингиздан чиқишингиз мумкин! Бироқ қурбонлик сўйиш рухсат қилинган ўрин – Ҳарами Шариф ёки қамал ўрнига етиб боргунга қадар сочларингизни кирдириб ёки қисқартириб эҳромдан чиқманг! Агар касал бўлиб, қийим қийишга тўғри келса ё сочни олдиришга мажбур этадиган дардга учрасангиз, ё бошингизга яра чиқиб ёхуд жароҳат етиб, соч олдиришдан ўзга чора топилмаса, унда сочни олдириб, қуйидаги фидя турларидан бирини танланг! Ё уч кун рўза тутинг! Ё уч соъ таомни олтига мискинга садақа қилиб беринг! Ёки бирон жонлиқни қурбонлик қилинг!

Қачонки, қамалдан қутулиб, хавф-хатардан хотиржам бўлсангиз, касалингиздан шифо топсангиз, умуман, ҳаждан қайтарадиган барча тўсиқлардан халос бўлсангиз, ўшанда ким ҳажга қадар умра билан Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло}га қурбатни мақсад қилса, топган қурбонлигини сўйсин! Агар қурбонлик қиладиган жонворни тополмасангиз ёки қурбонлик қилишга молиявий жиҳатдан қурбингиз етмаса, унда қурбонлик ўрнига ҳажда уч кун, қайтгандан сўнг етти кун, жами ўн кун рўза тутинг! Бу тўла ўн кундир! Бу ўн кунлик рўза қурбонлик ўрнини босади, қурбонлик савобини беради! Ҳажнинг «таматтуъ» тури ёхуд қурбонлик ё рўза тутиш ҳақидаги ҳукмлар Масжидул Ҳаром теварагида яшайдиганлар учун эмас!

¹ Ушбу оятни ўрганишда сураининг 57 ва 177 – оятларига қайтиш фойдадан холи эмас.

Аллоҳ ^{субҳанаху}нинг амрига тўла итоат қилиб, қайтарганидан батамом қайтиб Раҳмон ^{ва таъоло}дан тақво қилинг! Билингки, Аллоҳ ^{субҳанаху}нинг шариатига хилоф иш тутиб, ҳудудларини бузиб, қайтарганларига ружуъ қўядиганларга Аллоҳ ^{субҳанаху}нинг азоби қаттиқдир!

Аллоҳ ^{субҳанаху} мўмин бандаларини ҳаж ва умра ибодатини комил суратда ёлғиз Ўзининг ризосини тилаган ҳолда камолига етказишга буюрмоқда. Аввало, ҳаж – Масжидул Ҳаром, Мино, Арафот ва Муздалифа каби маълум маконда, маълум вақт – Зул-Ҳижжа ойининг 8 – 13 кунларида, маълум ибодат – тавоф, саъйи, вуқуф, мабит ва жамарот каби муайян амалларни, мийқотдан махсус либос – эҳром боғлаб, ўзига хос тартибда бажаришдир. Қуйидаги беш нарса ҳажнинг рукни ҳисобланади: Эҳром боғлаш, Арафотда туриш, тавоф, Сафо-Марва тепаликлари орасида саъйи қилиш ва сочни қирдириш ё олдириш. «Ҳаж» сўзи луғатда қасд маъносини билдириб, оиласининг ҳожатидан ташқари сафар ҳаражатларини қошлайдиган маблага эга, соғлом ва хотиржам бўлган ҳур мусулмон киши ҳамда сафарда ҳамроҳлик қиладиган маҳрами бор муслима аёлга ҳаётида бир марта фарз бўлади. Ҳажнинг қачон ва қайси оят билан фарз бўлгани ҳақида ихтилофлар бор. Ушбу оят билан фарз бўлган, деган фикрлар ҳам мавжуд, Лекин аксар тарихчи уламолар фикрига кўра ҳаж ҳижратнинг тўққизинчи ё ўнинчи йилида, қуйидаги оят билан фарз бўлган:

﴿وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا﴾ آل عمران: ٩٧

Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасига Байтни Аллоҳ учун ҳаж қилиш фарз бўлди. (Оли-Имрон сураси, 97 – оят)

Росулуллоҳ ^{соллаллоху} Абу Бакр ^{аллахи}ни 9 – йилда ҳаж бошлиғи қилиб юборганлари бу фикрни қувватлайди. Умуман олганда ҳаж Қуръони Каримнинг қатор оятлари, қуйидаги ёки Абдуллоҳ ибн Умар ^{розияллоху}дан ривоят қилинган машҳур ҳадис ҳамда уламолар ижмоси ила фарздир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ فَرَضَ اللهُ عَلَيْكُمْ الْحَجَّ فَحُجُّوا ﴿١﴾ رواه مسلم

Абу Ҳурайра ^{розияллоху} ривоят қилдилар: **Росулуллоҳ ^{соллаллоху} бизга хутба қила туриб "Эй одамлар! Аллоҳ сизларга ҳажни фарз қилди. Шундай экан, ҳаж қилинглр!" дедилар.** (Имом Муслим ривояти)

Ҳаж фарз ибодат бўлишига қарамасдан, маҳрами бўлмаган аёлга фарз эмас. Шу боис аёл киши маҳрамсиз сафарга чиқиши, шунингдек, “маҳрам” бўлиши учун вақтинча никоҳланиб ҳажга бориши мумкин эмас! Маҳрами йўқ аёл маҳрами бор аёл билан бирга сафарга чиқиши ҳам мумкин эмас! Бир аёлнинг маҳрами бошқа аёлга, ўртада яқин қариндошлик бўлмаса, маҳрам бўлолмайди!

Ҳаж – мусулмонларга Аллоҳ ^{субҳанаху} тарафидан берилган улкан бир неъмат ҳамда ибодат руҳида йилда бир бор ўтадиган мусулмонлар анжуманидир. Дунёнинг турли ўлкаларидан келган, ҳар хил тилларда сўзлашадиган, ранги, кўриниши хилма-хил мусулмонлар бир вақтда Маккаи Мукаррамага тўпланади. Бу тўпланиш янги-янги танишлар орттиришга, ўзаро муҳаббатлашувга асос бўлади. Мусулмонлар ўзаро янги-янги диний, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий алоқаларни ўрнатади, Маълумот алмашуви, янги ришталарнинг боғланиши каби Ислом манфаатларига хизмат қиладиган робиталарга тамал тоши қўйилади. Аллоҳ ^{субҳанаху} Қуръони Карим марҳамат қилади:

﴿لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ﴾ الحج: ٢٨

Улар учун бўладиган диний ва дунёвий **манфаатларга шохид бўлишлари учун...** (Ҳаж сураси, 27 – оят)

Ислом олдида турган долзарб масалалар, муаммолар муҳокама этилади, ҳаракатлар мувофиқлаштирилади. Кўплаб мусулмонлар тижорат қилиб, катта сармояларни қўлга киритади. Муҳими, ҳаж мавсумидаги тўпланиш мусулмонларнинг бир уммат эканини яққол кўрсатиб беради.

Росулуллоҳ ^{соллаллоху}нинг қуйидаги ҳадислари ҳажнинг нақадар улуғ амал эканига далолат қилади:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ تَرَى الْجِهَادَ أَفْضَلَ الْعَمَلِ أَمْ لَا نُجَاهِدُ قَالَ لَا لَكِنَّ أَفْضَلَ الْجِهَادِ حَجٌّ مَبْرُورٌ ^{رواه البخاري}

Ойша ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Ё Росулulloҳ! Жиҳодни амалларнинг афзали эканини билдик. Жиҳод қилсак бўлмайдимиз, дедим. Йўқ! Жиҳоднинг афзали тақво билан қилинган ҳаждир дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ جِهَادُ الْكَبِيرِ وَالصَّغِيرِ وَالضَّعِيفِ وَالْمَرْأَةِ الْحَجُّ وَالْعُمْرَةُ ^{رواه النسائي}

Абу Ҳурайра ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росуллоҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} каттаю кичик ҳамда заиф ва аёлнинг жиҳоди – ҳаж ва умрадир дедилар.* (Имом Насоий ривояти)

Росуллоҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} ҳаётларида фақат бир марта ҳаж фарз бўлганидан сўнг ҳаж қилганлар ва у Ислому тарихида «*حجة الوداع – Видолашув ҳажи*» номи билан машҳурдир.

Жоҳилият даврида мушриклар Иброҳим ^{алайхис-салом} дан қолган ҳажнинг асосларини ўзгартириб юборганиди. Росулulloҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} саҳобаларга ҳаж рукнларини ўргатарканлар, ҳажни Иброҳим ^{алайхис-салом} нинг асосларига қайтардилар. Ибодатларни қандай тартибда қоим этишни ўрганишда Суннатга муружаат қилиш энг тўғри йўл эканига ишора қилдилар¹.

Умра сўзи луғатда зиёрат маносини билдиради. Тўрт нарса умра рукнларидан ҳисобланади: Эҳром; таовф; Сафо-Марва тепаликлари орасида саъйи қилиш; сочни қирдириш ё олдириш. Умранинг ҳукмини аниқлашда уламолар ихтилоф қилганлар. Саҳобалардан Алий ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоху анху}, тобиъинлар Ҳасан Басрий, Ибн Сирин, Аъто, Товус, Саъид ибн Жубайр, Мужоҳид ҳамда Имом Аҳмад ва Имом Шофиъий ^{розияллоху анху} лар умрани ҳаж каби фарз, деганлар. Оятдаги ҳаж ва умра калималарининг бир-бирига боғланиб келганини фикрларига далил қилиб кўрсатганлар. Жобир, Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{розияллоху анху} ҳамда Имом Абу Ҳанифа ва Имом Молик ^{роҳима-ллуҳу} лар Оли-Имрон сурасининг 97 – оятига суяниб умрани суннат, деганлар.

Росуллоҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} ҳаётларида тўрт бор умра қилганлар. Катода ^{роҳима-ллуҳу} ривоят қилдилар: Анас ^{розияллоху анху} "Росуллоҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} тўрт марта умра қилганлар. Ҳажлари билан бўлганидан бўлак барчаси Зул-Қаъда ойида бўлган. Ҳижратнинг олтинчи йили Ҳудайбийя умраси Зул-Қаъдада бўлди. Келаси йилги умра ҳам Зул-Қаъдада бўлди. Саккизинчи йили Ҳунайн ўлжаларини бўлганларидаги Жиброна умраси ҳам Зул-Қаъдада бўлди. Учинчи йили ҳажлари билан бўлган умралари тўртинчиси эди дедилар. Неччи бор ҳаж қилганлар, дедим. Бир марта, дедилар." (Имом Бухорий ривояти)

Умранинг фазилатлари ҳақида гапирганда куйидаги ҳадисларни эсга олмоқ лозим:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ ^{رواه البخاري}

Абу Ҳурайра ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росуллоҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} бир умра кейинги умрагача ҳар иккиси орасидаги гуноҳларга каффоратдир. Тақво билан қилинган ҳаж учун жаннатдан бўлак мукофот йўқдир дедилар.* (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْحَجَّاجُ وَالْعُمَّارُ وَقَدْ أَدَّاهُمُ اللَّهُ دَعَاهُمْ فَأَجَابُوهُ وَسَأَلُوهُ فَأَعْطَاهُمْ ^{رواه البزار وحسنه الألباني}

Жобир ^{розияллоху анху} ривоят қилдилар: *Росуллоҳ ^{саллаллоху алайхи ва саллам} ҳожилар ва умра қилувчилар Аллоҳнинг элчиларидир, Аллоҳ уларни чақирди, улар Унга ижобат қилишди. Ундан сўрашса, уларга беради дедилар.* (Имом Баззор ривояти. Носируддин Албоний ушбу ҳадисни ҳасан, деганлар)

Ҳаж ва умранинг умумий рукни – эҳром бўлиб, унинг ўзига хос ҳукмлари бор. Масалан, эҳромдаги кишига бош кийим кийиш, тирноқ олиш, узрсиз соч олдириши, тикилган либосларни кийиш, жимоъ, хушбўйланиш, зеб-зийнат, бадастирлик воситаларидан фойдаланиш

¹ Суранинг 158 – оятида Имом Муслим Жобир ^{розияллоху анху} дан ривоят қилган ҳадисга қайта муружаат қилинг

мумкин эмас. Аёлларга хос эҳром кийими йўқ. Аёлларга ялтироқсиз, кўзга ташланмайдиган оддий кийим эҳромликка кифоя. Эҳромни ювиш, алиштириш мумкин. Умрага эҳром боғлаганда, «*لَيْتِكَ عُمرَةً*» – лаббайка умротан», ҳажга эҳром боғлаганда, «*لَيْتِكَ حَجًّا*» – лаббайка ҳажжан», деб айтилади. Бировнинг номидан ҳаж ё умра қилганда, ўша одамнинг номини кўшиб қўйилади, холос. Шугина Суннат билан собит. Бошқа сўзларни кўшиш ё эҳром боғлашдан олдин ғусл қилиш вожиб, деб билиш ёки эҳром қийгандан сўнг намоз ўқиш шарт, деб билиш хатодир. Ибн Таймийя ^{роҳима-ҳузуро} "Эҳром боғлагандан сўнг хос намоз йўқ", деганлар. Эҳром қийгандан сўнг икки ракаат намоз ўқиш мустаҳаб амал, холос.


Эҳромни хоҳлаган жойдан боғлашга рухсат бўлса-да, Росулulloх ^{соллаллоху алайхи өд селлам} таъйин этган мийқотдан боғламоқ афзалдир. Росулulloх ^{соллаллоху алайхи өд селлам} умматга белгилаб берган жойдан эҳром боғлаганлар. Саҳобалар ҳамда тобиъинлар шундай қилганлар. Ҳаттоки, Умар ибн Ҳаттоб ^{роҳияллоху анху} Басра шаҳридан эҳром боғлагани учун Имрон ибн Ҳусайн ^{роҳияллоху анху} га танбиҳ берганлар. Имом Молик ^{роҳима-ҳузуро} мийқотдан олдин эҳром боғлашни қариқ санаганлар.

Муфассир уламолар *أتموا* – **охирига етказинлар** калимасига ҳаж ва умрани Китобу Суннатга мувофиқ адо этиш, эҳромни бузадиган амалларга яқин бормаслик, ҳаж сафари харажатларига сарфланадиган маблағнинг ҳалол йўл билан тошилган бўлиши каби маънолари берганлар. Суфён Саврий ^{роҳима-ҳузуро} бу калимани "Сафарга тижорат, касб-ҳунар ё бошқа мақсадлар билан эмас, фақат ибодат мақсадида сафар қилиш", деганлар. **الله** – **Аллоҳ учун** калимаси бу фикрни қувватлайди. Баъзи уламолар ҳаж-умра сафарида тижорат қилмаслик, деб ҳам маъно берган. Бироқ ҳаж ё умра сафарида тижорат қилишдан қайтарадиган саҳиҳ далил йўқлиги боис бу фикрни кўпчилик маъқул топмаган.

Умуман олганда, ҳаж Арафот тоғида туриш билан, умра тавофдан сўнгги саъйи ва сочни кирдириш ё қисқартириш билан охирига етади. Хулоса қилганда, барча ибодатлар қатори ҳаж-умра ҳам маълум вақтда, маълум жойларда Росулulloх ^{соллаллоху алайхи өд селлам} кўрсатган тартибда холис Аллоҳ ^{субҳанаху өд таъоло} нинг ризиси учун қоим қилинсагина, камолига етади. Бордию бошқа вақтда, бошқа ўринда ёки Муҳаммад ^{соллаллоху алайхи өд селлам} кўрсатган тартибдан ўзгача йўсинда ўталса, мақбул бўлмайди.

Ушбу оятнинг мазмунига кўра узрсиз, тикилинчни баҳонасида ҳаж ибодатининг баъзи амалларини шахсан ўзи бажармасдан бошқани вақил қилиш дуруст эмаслиги маълум бўлади. Зотан, бундай қилмиш замирида шарият ҳукмларига енгил қараш иллати етади. Савда бинт Замаъа ^{роҳияллоху анху} тош отишда бировни вақил қилишга изн сўраганларида Росулulloх ^{соллаллоху алайхи өд селлам} рухсат бермаганлар, балки Муздалифадан эртароқ чиқиб, одамлар тўпланишидан олдин отишга буюрганлар. (Имом Бухорий ривояти)

Жоҳилият даврида ҳам мушриклар ҳаж-умра қиларди. Бироқ улар ҳаж-умрадан Аллоҳ ^{субҳанаху өд таъоло} га қурбат ҳосил қилишни эмас, бутларга яқин бўлишни, бошқа халқларга ўзини кўрсатишни, бозорларини обод қилиб, савдоларини ривожлантиришни, ҳожатларини ўташни мақсад қилишарди. Шунинг учун Қуръони Карим ҳаж ё умра қилишда шухрат ё обрўни кўзламасдан, риёсиз, эл-юрт оғзида «ҳожид ака» ё «ҳожид ая» бўлиш илинжида эмас, Раҳмон ^{субҳанаху өд таъоло} нинг розилигини топиш мақсадида бўлиши лозимлигига алоҳида урғу бериб, **Аллоҳ учун** демоқда. Бирон амалда риё ёхуд сумъанинг бўйи топилмаган, холислик намунаси бўлган зот ҳаж қилганларида:

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اللَّهُمَّ حَجَّةٌ لَا رِيَاءَ فِيهَا وَلَا سُمْعَةً  تَخْرِيجَ السَّيْطَانِ

وتحقيق الألباني

Анас ^{роҳияллоху анху} ривоят қилдилар: **Росулulloх** ^{соллаллоху алайхи өд селлам} **Аллоҳим! Ҳажимни риёсиз, сумъасиз ҳаж қилгайсен дедилар.** (Имом Суютий таҳриж қилган. Носируддин Албоний саҳиҳ деган)

Зотан, одамлар ичида пул сарфлаб, захмат чекиб, машаққат билан ҳажга бориб, савоб олмасдан келаётганлар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, ҳозирги замонда Исломининг намоз, закот каби асосий рукнларини ўтамасдан, турли туман мункар ишларга ружуъ қўйган, бузуқлик ва маъсият майдонида шухрат қозонган ибодатсиз кимсалар орасида ҳаж-умрага бориш урф бўлган. Ҳолбуки, Аллоҳ ^{субҳанаху өд таъоло} намоз, закот каби асосий рукнларни қоим қилмайдиган, шунингдек, шарият ҳаром қилган йўллар билан пул топиб борганларнинг “ҳаж”ини ҳам, “умра”сини ҳам қабул қилмайди!

¹ «Мажмуъл-Фатава» китобларидан

Баъзан ҳаж ё умра сафарига отланган киши душман қамал қилгани, қароқчи йўлни тўсгани ё касаллик ёхуд шу каби бошқа сабабларга кўра ибодатини тамомлашдан тўсилиб қолиши мумкин. Ибодатдан тўсувчи сабабларнинг бартараф этилишига умид қолмаганда, эҳромдан чиқишни хоҳласа, туя ё молнинг еттидан бирими, қўй ё эчкими, шулар ичидан қурби етганини қурбонлик қилиши лозим. Абдуллоҳ ибн Умар *Росулуллоҳ* СОЛЛАЛЛУХУ Алайҳи ва Саллатим билан *умрага чиқдик. Шунда Қурайш кофирлари Хонаи Қаббадан тўсди.* Росулуллоҳ СОЛЛАЛЛУХУ Алайҳи ва Саллатим қурбонлик қилдилар ва сочларини қирдилар дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

«البخصار» – қамал қилинмоқ» калимасига изоҳ беришда уламолар ихтилоф қилган. Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Анас ибн Молик *розиаллоху алайҳи ва саллатим* ҳамда Имом Аҳмад, Имом Шофиъий ва Имом Молик *розиаллоху алайҳи ва саллатим*лар ушбу калимани фақат душман ё қароқчи томонидан тўсилиш, деб изоҳлаб, оятнинг нозил бўлиш сабабини фикрларига далил қилган. Аммо Мужоҳид, Қатода, Ато ва мазҳаббошимиз Имом Абу Ҳанифа *розиаллоху алайҳи ва саллатим*лар наздида бу сўз душман ё қароқчининг тўсиши, оғир касаллик туфайли йўлга чиқолмаслик, йўлдан адашиш, сафар учун ажратилган маблағнинг йўқолиши, уловнинг ўлиб ё бузилиб қолиши, аёл киши учун маҳрамининг вафот этишидек ҳаж ё умрани камолига етказишдан тўсадиган ҳар қандай нарсани ифодаловчи умумий маънодадир. Ушбу фикр луғатшунос уламолар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Ибн Қутайба *розиаллоху алайҳи ва саллатим* "Кишини ҳаж ибодатидан тўсадиган ҳар қандай нарсани «иҳсор» дейилади", деганлар. Жавҳарий *розиаллоху алайҳи ва саллатим* "Кишининг бирон ҳожат туфайли ҳаждан қолиши ҳам «иҳсор»дир", деганлар. Имом Табарий *розиаллоху алайҳи ва саллатим* ҳам бу сўзни йўлдан тўсадиган ҳар қандай сабаб, деганлар.

Росулуллоҳ СОЛЛАЛЛУХУ Алайҳи ва Саллатим Худайбийяда қурбонликларини сўйиб, эҳромдан чиққанлар. Шунга асосан Имом Молик *розиаллоху алайҳи ва саллатим* душман ҳаждан тўсган киши ҳақида "Қурбонлик қилиб, сочини олдириб, эҳромдан чиқади. Илгари ҳаж қилган бўлса, унга қазо йўқ", деганлар. Имом Шофиъий *розиаллоху алайҳи ва саллатим* "Душман йўлни тўсса, ўша ўринда эҳромдан чиқади ва унга қазо вожиб бўлмайди, дейдилар. Имом Абу Ҳанифа *розиаллоху алайҳи ва саллатим* "Росулуллоҳ СОЛЛАЛЛУХУ Алайҳи ва Саллатим ва саҳобалар Худайбийя йили тўсилган умранинг қазосини ўтаганлар. Фарзми, нафлми, ҳар қандай ибодатни, жумладан охирига етмаган ҳаж ё умранинг қазоси бор" деб, фикрларига шу оятни ҳужжат қиладилар.

Маккаи Мукаррамада доимий яшайдиган одам бетоблиги боис ҳаж қилишдан тўсилса, қурбонлик қилиб эҳромдан чиқолмайди. Беморлар учун мосланган замбилларда бўлса ҳам ҳаж ибодати ўринларига олиб борилади ва ибодатини охирига етказишга ёрдам берилади.

Аллоҳ *субҳонаху ва таъоло* қурбонлик ўз ўрни – Маккаи Мукаррамага етиб боргунга ёки Зул-Ҳижжанинг ўнинчи куни бўлгунга қадар сочини қирдириш ё қисқартиришдан қайтарди. Сочни олдиришдан эҳромдан чиқиш назарда тутилган. Баъзи муфассир уламолар *مَحَلَّة* калимасига замон маъносини бериб, сўйиш кунига етгунга қадар, деб талқин қилган. Алий ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Абдуллоҳ ибн Аббос *розиаллоху алайҳи ва саллатим*лар, шунингдек, Мужоҳид ва Имом Абу Ҳанифа *розиаллоху алайҳи ва саллатим*лар *ўрин* сўзидан Ҳарам Шариф назарда тутилган, дейдилар. Абдуллоҳ ибн Умар, ҳамда Имом Молик ва Имом Шофиъий *розиаллоху алайҳи ва саллатим*лар *ўрин* сўзидан қамал қилинган жой назарда тутилган, дейдилар. **Қурбонликка аталган жонлиқ ўз жойига етиб бормагунча** жумласидан Зул-Ҳижжа ойининг ўнинчи куни назарда тутилган, деган фикрлар ҳам бор.

Баъзан ҳаж қилувчига бирон дард етиши, аниқроғи, бит тушиши ё бошига яра чиқиб, сочини олдиришга мажбур бўлиши мумкин. Шунда олдиришдан ўзга чора топилмаса, сочини олдириб эҳромдан чиқади ва қуйидаги туртибда фида беради: Ё уч кун рўза тутади ё урфда одамлар ейдиган овқат турларидан уч соъ микдордаги егуликни олтига мискинга, ҳар бирига ярим соъдан улашади. Ёки бир қўйни сўйиб ўзи емасдан, бечораҳол кишиларга тарқатади.

عَنْ كَعْبِ بْنِ عُجْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ حَمِلْتُ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالْقَمَلُ يَتَنَاتَرُ عَلَيَّ وَجْهِي فَقَالَ مَا كُنْتُ أَرَى أَنَّ الْجَهْدَ قَدْ بَلَغَ بِكَ هَذَا أَمَا تَجِدُ شَاةً قُلْتَ لَا قَالَ صُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ أَوْ أَطْعِمْ سِتَّةَ مَسَاكِينَ لِكُلِّ مِسْكِينٍ نِصْفُ صَاعٍ مِنْ طَعَامٍ وَاحْتَلِقِ رَأْسَكَ فَتَزَلَتْ فِيَّ خَاصَّةً وَهِيَ لَكُمْ عَامَةٌ رواه البخاري

Қабб ибн Ужра *розиаллоху алайҳи ва саллатим* ривоят қилдилар: *Пайгамбар* СОЛЛАЛЛУХУ Алайҳи ва Саллатим га *оборилдим.* Бошимдаги битлар юзимга тўкилиб турганиди. Шунда Росулуллоҳ СОЛЛАЛЛУХУ Алайҳи ва Саллатим сени қийинчилик шу ҳолатга етказганини билмабман. Бир қўй топа оласанми дедилар *Йўқ, дедим.* Уч кун рўза тут ёки олтига мискинга таом бер. Ҳар бир мискинга ярим соъ таом бўлсин! Кейин бошингни қирдир дедилар. Қабб ибн Ужра *розиаллоху алайҳи ва саллатим* "Бу оят мен ҳақимда нозил бўлса-да, у сизларга ҳам тааллуқлидир", дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Фида берувчи фида турларини танлашда ихтиёрли бўлса-да, жонлиқ сўйиш булар ичида афзалидир. Имом Абу Ҳанифа *розиаллоху алайҳи ва саллатим* фида туридан мискинларга таом беришни ихтиёр этган киши

истаган жойдаги мусулмон мискинларга бериши мумкин, дейдилар. Имом Шофийий ^{роҳима-хулӯа} эса мискинлар Маккаи Мукаррамалик бўлиши лозим, дейдилар.

Баъзилар ҳаж қилувчида эҳромни бузадиган амални кўрса, дарҳол "Сизга қон чиқариш лозим!" дейди. Бу хатодир. Биринчидан Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} уч нарса: рўза тутиш, садақа бериш ва қон чиқаришдан бири танлаш имкониятини берган. Бундай хатонинг замирида Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} берган танлаш ҳуқуқини чеклаш, шариат ҳукмини яширишдек гуноҳ ётади.

سُؤْيُ سўзи ибодат маъноларини билдирадиган ибора бўлиб, Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} га қурбат ҳосил қилишда асосий омиллардан бири бўлгани боис қурбонлик қилинадиган жонлик ҳам "нусук" калимаси билан ифода этилмоқда.

Бир киши Шаввол ойида умра зиёратига борди. Тавоф, саъйи, соч олдириш билан умрани тугаллаб, сўнг ҳаж қилиш мақсадида Маккаи Мукаррамада қолди. Умрани мукамал адо этганидан сўнг эҳромдаги кишига жоиз бўлмаган нарсалардан фойдаланишни хоҳлади. Сўнг Зул-Ҳижжанинг саккизинчи куни мийқотга бормасдан эҳромни Маккаи Мукарраманинг ўзидан янгитган боғлаб, ҳаж ибодатини бошлади. Ҳажнинг мазкур кўринишини «таматтуъ» дейилади. Ҳажнинг таматтуъ турини бажараётган кишида қуйидаги шартлар топилиши лозим: ҳаж ойларида умрага эҳром боғлаб, аввал умра қилиши; умрадан фориг бўлгач, ўша йилнинг ўзида бошқа эҳром боғлаб ҳаж қилиши; ҳар иккисини бир сафарда қилишлик; ҳажга мийқотга чиқмасдан Маккаи Мукарраманинг ўзидан эҳром боғлаши; Масжидул Ҳаром аҳлидан бўлмаслиги, ҳаж ҳам, умра ҳам бир кишининг номидан бўлиши,

Жоҳилият пайтида араблар ҳаж ва умрани бир мартада адо қилиш жоиз эмас, деб биларди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} бундай жоҳилона эътиқодни бекор қилиб, қуйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَابِعُوا بَيْنَ الْحَجِّ وَالْعُمْرَةِ فَإِنَّهُمَا يَنْفِيَانِ الْفَقْرَ وَالذُّنُوبَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ خَبَثَ الْحَدِيدِ وَالذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ وَلَيْسَ لِلْحَجَّةِ الْمَبْرُورَةِ ثَوَابٌ إِلَّا الْجَنَّةُ ^{رواه الترمذي}

Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{роҳияллоҳу аанҳу} ривоят қилдилар: **Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} ҳаж ва умра орасини бир-бирига эргаштиринглар. Чунки уларнинг ҳар иккиси босқон темир, тилло ва кумушнинг қотишмасини кеткизгани каби камбағаллик ва гуноҳни кеткизади. Такво билан қилинган ҳажга жаннатдан бўлак савоб йўқдир дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Ким душманнинг қамалидан қутулиб ё дарддан фориг бўлиб, ҳаж ойларида умра қилса, ҳаж маросимлари бошлангунга қадар эҳромдан чиқиб, хушбуй ёки оиласи каби эҳромдан ташқари ҳолда ҳузур қилиш мувоҳ бўлган нарсалардан фойдаланмоқчи бўлса, унда ҳажга қадар фойдаланишга изн бергани ва бир вақтда икки ибодатни адо қилишга муяссар этгани учун Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} шукрона тариқасида қодир бўлган жониворни қурбонлик қилади.

Икрима ^{роҳима-хулӯа} ривоят қилдилар: **Ибн Аббос ^{роҳияллоҳу аанҳу} дан ҳажда фойдаланиш ҳақида сўралди. Шунда "Муҳожирлар, ансорлар ва Пайгамбар ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} нинг аёллари Ҳажжатул Видоъда талбия айтишди, биз ҳам талбия айтиб чиқдик. Маккага келганимизда Росулulloҳ ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} қурбонлик атаб қўйган кишидан бошқалар ҳажга айтган талбиянгизни умрага айлантирсин дедилар. Сўнг Хонаи Каъбани тавоф қилдик, Сафо-Марвани саъйи қилдик, аёлларимиз билан қўшилдик, кийимларимизни кийдик. Ким қурбонлик атаган бўлса, қурбонлик ўз ўрнига етиб бормагунча эҳромдан чикмайди дедилар. Кейин Тарвия² оқиоми бизни ҳажга талбия айтишимизга буюрдилар. Ибодатлардан бўшаганимизда, Хонаи Каъбани тавоф қилдик, Сафо-Марвани саъйи қилдик. Шундай қилиб бизга қурбонлик вожиб бўлган ҳолда ҳажимиз тамом бўлди. Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} айтганидек: **Қурбонликка аталган жонлиқдан насиб бўлганни сўйсин! Ким тополмаса, унда ҳаж пайтида уч кун ва шаҳрингизга қайтганларингизда етти кун рўза тутиши лозим. Қўй қурбонликка етади. Бир йилда икки ибодат – ҳаж билан умра орасини жамладилар. Чунки уни Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} ўз китобида нозил этган, Пайгамбари ^{саллаллоҳу алайҳи ва саллам} ҳам жорий этган ва Макка аҳлидан ўзга барча одамларга руҳсат қилган. Аллоҳ ушбу ҳукм оиласи Масжидул Ҳаромда ўтроқ бўлмаган киши учундир деди.** Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} китобида зикр этган ҳаж ойлари – Шаввол, Зул-**

¹ «Мабрур» калимасини ҳажни Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} га осий бўлмаган ҳолда адо қилиш, ҳажда ва ундан сўнг Аллоҳ ^{субҳаназу ва таъоло} га осий бўлмаслик, дейилган. Ҳасан Басрий ^{роҳима-хулӯа} "Ҳаждан сўнг дунё ишларидан кўра охират ишларига кўпроқ эҳтимом берадиган бўлиб қайтиш", деганлар.

² Зул-Ҳижжа ойининг 8 – куни Тарвия куни, деб юритилади.

Қаъда ва Зул-Ҳижжадир. Ушбу ойларда фойдаланган кишига қон чиқариш ё рўза тутиш лозим дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-ҳузур} "Маккаи Мукаррамада яшовчи ҳаж ва умра ибодатлари учун алоҳида эҳром боғлаш машаққат туғдирмагани боис ҳажнинг таматтуъ ё қирон турини бажаролмайди. Бордию ҳажжи таматтуъ қилса, кўй сўйиб, ўзи емасдан тарқатиб юборади", дейдилар.

Ҳажнинг таматтуъ турига эҳром боғлаган кишига қурбонлик сўйиш вожибдир. Қурбонликка сўйиладиган жонликнинг энг катгаси ва афзали туя, ўртаси мол, кичиги кўй ё эчкидир. Сўйиладиган туя беш йиллик, сигир икки йиллик, эчки бир йиллик, кўй олти ойлик бўлиши шарт қилинади.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُئِلَ أَيُّ الْحَجِّ أَفْضَلُ قَالَ الْعَجُّ وَالشَّحُّ ^{رواه}

الترمذي

Абу Бакр ^{роҳияллоҳу алайҳи ва саллам} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} дан "Қандай ҳаж афзал", деб сўралди. **Овозни кўтариб талбия айтилган ва кўп қарбонлик қилиш билан кўп қон оқизилган ҳаж афзалидир** деб жавоб қилдилар. (Имом Термизий ривояти)

Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-ҳузур} нинг наздларида қамал қилинган, йўлда қолган киши қурбонлик қиладиган жонликни ёки қийматини Маккаи Мукаррамага юборади. Аммо жумхур фуқаҳолар фикрига кўра қурбонлик қамал қилинган ўринда сўйилади.

Маккаи Мукаррамада муваққат яшайдиган киши ҳажнинг таматтуъ турини қилса, қурбонлик қилади. Ифрод турини қилган одамга қурбонлик лозим эмас.

Қурбонликка туя ё мол сўйилса, битта туя ё сигирга етти кишига қадар шерик бўлиши мумкин. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} аёллари номидан сигирни қурбонлик қилганлар. (Имом Бухорий ривояти) Жобир ^{роҳияллоҳу алайҳи ва саллам} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} билан бирга ҳажга тақбир айтиб чиқдик. *Росулulloҳ* ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} қурбонликда бизни туя ва сигирда, яъни биздан ҳар етти киши қурбонлик қилинадиган туя ё молда шерик бўлишига буюрдилар. (Имом Муслим ривояти)

Қурбонликни сўйиб ё сўйдириб камбағалларга улашилади. Шунинг учун ҳозирда ҳожиларнинг қилган қурбонлик гўштлари музлатилган ҳолда камбағал мусулмон давлатларга жўнатилиб, минглаб бечораҳол мусулмонлар дастурхонига тортик қилинади. Қурбонлик қилган киши бир қисмини ўзи ейиши ҳам мумкин. Аммо, қурбонликни қилган жойида ташлаб кетиш хато ва суннатга хилофдир.

Қурбонлик қилинадиган жонликни ё пулини тополмаган ҳожилар бадалига ҳаж кунларида уч кун, ҳаждан сўнг ё уйига қайтганида етти кун, жами бўлиб ўн кун рўза тутиши лозим. Дастлабки уч кунлик рўза умрага эҳром боғлаган кун билан Ташриқ кунлари оралиғида бўлса, яхши. Аксар уламолар фикрига кўра рўзани Зул-Ҳижжанинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи кунлари тутгани афзал. Ибодатларга нашот билан туриш, зикр ва дуоларга ғайрат қилиш мақсадида Арафот кунини рўза тутмагани маъқул. Ташриқ кунлари мусулмонларнинг байрами бўлгани боис рўза тутмаслик афзалдир. Росулulloҳ ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} қуйидаги ҳадисда бунга ишора қилдилар:

عَنْ بُيُوتَةِ الْهُذَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيَّامُ التَّشْرِيقِ أَيَّامٌ أَكَلٍ وَشَرْبٍ ^{رواه}

مسلم

Нубайша ал-Хузалий ^{роҳияллоҳу алайҳи ва саллам} ривоят қилдилар: *Росулulloҳ* ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **Ташриқ кунлари – еб-ичиш кунларидир** дедилар. (Имом Муслим ривояти)

Аммо Ойша, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Зубайр ^{роҳияллоҳу алайҳи ва саллам} каби саҳобалар ҳамда Имом Молик, Имом Аҳмад ва Авзобий ^{роҳима-ҳузур} каби уламолар қурбонлик қилолмаган кишига Зул-Ҳижжанинг 10, 11, 12 – кунлари, яъни ҳайит кунлари ҳам рўза тутишга рухсат қилганлар. Абдуллоҳ ибн Умар ^{роҳияллоҳу алайҳи ва саллам} *Қурбонлик тополмаган кишидан бошқага Ташриқ кунлари рўза тутишига рухсат берилмаган* дедилар. (Имом Бухорий ривояти) Ойша онамиз ^{роҳияллоҳу алайҳи ва саллам} Ташриқ кунлари Минода рўза тутганлар. (Имом Бухорий ривояти) Қурбонлик қилолмаган киши ўн кунлик рўзани имкон қадар тезроқ тутиши афзал бўлса-да, оралатиб ё пайдар-пай тутишда ихтиёрли.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} **қайтганларингизда** деб аниқ-равшан баён этганига асосан Имом Молик ^{роҳима-ҳузур} каби уламолар қолган етти кунлик рўзани ҳаждан уйга қайтгандан сўнг тутишига чақирганлар ва юртига қайтмасдан туриб рўза тутишни қарих санаганлар. Имом Аҳмад ^{роҳима-ҳузур} каби бошқа

уламолар **رَجَعْتُمْ** – **қайтганларингизда** калимасидан ҳаж амалларининг тугаши назарда тутилган деб, ҳаж амаллари туганидан сўнг Маккаи Мукаррамада ёки йўлда тутишга ҳам рухсат қилганлар.

Бу ҳажнинг таматтуъ тури ёки қурбонлик қилиш ё рўза тутиш ҳақидаги ҳукм Маккаи Мукаррама аҳлидан бошқага хосдир. Маккаи Мукаррамада яшовчи киши таматтуъ қилолмайди ва унга қурбонлик ҳам вожиб эмас. Имом Шофиъий ^{роҳима-зурроҳ} бу ҳарфидан ҳукм, яъни қурбонлик ва рўза тутиш мақсад қилинган, деганлар.

Муфассир уламолар **أَهْلَةُ حَاضِرِ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ** – **оиласи Масжидул Ҳаромда ўтроқ бўлмаган киши** жумласини турлича изоҳлаганлар. Имом Шофиъий ^{роҳима-зурроҳ} Маккаи Мукаррамадан намоз қаср ўқилмайдиган масофада яшайдиган кишилар, деганлар. Имом Молик ^{роҳима-зурроҳ} Маккаи Мукаррама шаҳри аҳолиси, деганлар. Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-зурроҳ} Маккаи Мукаррамадан Мийқотгача бўлган масофада яшайдиган кишилар, деганлар.

Ҳаж қилувчи олдин қурбонлик қилиб, кейин сочини олдириши афзал. Мисвар ^{роҳияллоҳу аниҳу} **Росуллоҳ** ^{соҳиллоҳу алайҳи ва саллам} **соч олдиришдан олдин қурбонлик қилдилар ва асҳобларини** ҳам **шунга буюрдилар** дедилар. (Имом Бухорий ривояти) Қурбонлик қилишдан олдин сочини олдириш кишига ҳеч қандай ҳараж йўқлиги суннат билан собитдир. Сочни қирдириши ва ўнг томондан бошлаши суннатдир:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ اللَّهُمَّ ارْحَمْ الْمُحَلِّقِينَ قَالُوا
وَالْمُقَصِّرِينَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ اللَّهُمَّ ارْحَمْ الْمُحَلِّقِينَ قَالُوا وَالْمُقَصِّرِينَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ اللَّهُمَّ ارْحَمْ الْمُحَلِّقِينَ قَالُوا
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ

Абдуллоҳ ибн Умар ^{роҳияллоҳу аниҳу} ривоят қилдилар: **Росуллоҳ** ^{соҳиллоҳу алайҳи ва саллам} **Аллоҳим! Сочини қирдирганларни раҳматинга олгин**¹ дедилар. Қисқартирганларни ҳам айтинг ё **Росуллоҳ, дейишди**. **Росуллоҳ** ^{соҳиллоҳу алайҳи ва саллам} **иккинчи бор ҳам Аллоҳим! Сочини қирдирганларни раҳматинга олгин** дедилар. Яна **қисқартирганларни ҳам айтинг ё Росуллоҳ, дейишди**. Учинчисида **қисқартирганларни ҳам дедилар**. (Имом Бухорий ривояти)

Сочни қисқартиришда бошнинг айрим жойларни қисқартириб, қолган жойларни қолдириш ҳатодир.

Ҳаж-умра қилувчи аёллар сочларини қисман Имом Шофиъий ва Имом Аҳмад ^{роҳима-зурроҳ}лар таъбири билан айтганда, бармоқ учи микдорича қирқади:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ عَلَى النِّسَاءِ حَلْقٌ إِنَّمَا عَلَى النِّسَاءِ
التَّقْصِيرُ رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{роҳияллоҳу аниҳу} ривоят қилдилар: **Росуллоҳ** ^{соҳиллоҳу алайҳи ва саллам} **аёлларга сочни қирдириш йўқ. Аёлларга сочни қисқартириш лозим** дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Жумҳур уламолар бадандаги бошқа тукларни сочга қиёс қилиб, эҳромдаги кишини соч ва тирноқ олишдан қайтарганлар. Баъзи уламолар мўйлов, қўлтиқ ё киндик ости тукларни ёки тирноқларни олишга рухсат қилади. Уларнинг фиркига кўра оятда фақат соч зикр этилган.

Қуръони Карим ҳажга алоқадор баъзи ҳукмларни баён этганидан сўнг мўминларни Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан қўрқишга, Унинг азоби қаттиқ эканини билишга чақирмоқда. Чунончи азобнинг қаттиқлиги азоб берувчининг буюк қудрати ва шавкатидан далолат беради. Зотан, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан қўрқиш Унинг азобига олиб борадиган гуноҳлардан йироқ бўлишга олиб келади. Тақво инсонни одамларча ҳаёт кечирishга ундайди. Тақвосиз кимса ҳаромларни қилишга ўзида журъат топади, вожиботларни тарк этади. Ўзининг ҳаётдан ташқари бошқаларникини ҳам барбод қилади.

Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан қўрқиб ҳаёт кечираётган киши дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарсадан қўрқмай яшайди. Аммо Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан қўрқмасдан яшаётган кимса ҳар ким ва ҳар нарсадан, ҳатто қўланқасидан ҳам қўрқиб яшайди. Ҳаётни текширинг! Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан ҳақиқий тақво қилган кишилар ҳар қандай золимнинг олдида ҳам виқор ва салобат билан туради. Ҳеч ким унга таҳдид соллолмайди. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан қўрқмай яшаётганлар ўзи каби ожиз инсонлардан қўрқиб, хор бўлиб яшайди. Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан қўрқмасдан давр сураётганлар кундузида ҳам соясидан қўрқиб, арзимас нарсалардан ваҳимага тушиб яшайди. Демак, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}дан тақво қилиш инсонга

¹ Абу Ҳурайра ^{роҳияллоҳу аниҳу}дан қилинган бошқа ривоятда **гуноҳларини кечиргин** деб келтирилган. (Имом Бухорий ривояти)

улкан хотиржамликни беради. Такво натижасида эришилган хотиржамликни бошқа йўл билан топиб бўлмайди.

Айримлар пул сарфлаб, Маккаи Мукаррамадек муқаддас жойларга боради. Бироқ ўшандай улуғ жойларда ҳам ҳавосига ёхуд ҳужжатсиз нарсаларга эргашишни қўймайди. Бошқа ибодатлар қатори ҳажни ҳам Китобу Суннатга мувофиқ равишда ўташдан бош торғади. Ўшандайларни кўрганда "Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}дан кўрқинглар!" деган хитобни яна ҳам теранроқ тушунилади.

الْحَجُّ أَشْهَرُ مَعْلُومَاتٍ فَمَنْ فَرَضَ فِيهِنَّ الْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِي الْحَجِّ وَمَا تَفَعَّلُوا مِنْ خَيْرٍ يَعْلَمُهُ اللَّهُ وَتَكَزَّوْا فَإِنَّ خَيْرَ الزَّادِ التَّقْوَىٰ وَاتَّقُونِ يَا أُولِيَ الْأَلْبَابِ ﴿١٧٧﴾

197. *Ҳаж маълум ойлардир. Ким шу ойларда ўзига ҳаж қилишни фарз қилса, унда шу ойларда жимоъ, маъсият, жанжанлкашлик йўқдир! Қанақанги яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни билади! Озуқа олинглар! Албатта, озуқаларнинг яхшиси – тақводир! Шундай экан, Мендан тақво қилинлар, эй ақл эгалари!*

Эй мўминлар! Ҳаж ибодати вақти – маълум ойлардир! Ичингиздан ким эҳром боғлаб, талбия айтиб, ўзига ҳажни лозим этса, аёлларига яқинлашмасин! Гуноҳларнинг барча туридан йироқ бўлсин! Жанжал, хусумат қилмасин! Бундай ишлар ҳажни бузади! Ҳаж пайтида ё ундан сўнг шариатга мувофиқ ҳолда, ихлос билан қанақанги яхшиликни қилсангиз, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} билади ва Қиёмат кунини улкан ажр-савоблар билан тақдирлайди!

Ҳажга йўлга чиқишдан олдин қалбингиз ва жисмингизга керакли бўлган озуқаларни, сафар эҳтиёжларини ҳозирлаб олинг! Билингким, озуқаларнинг энг яхшиси – Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ҳамшиша тақво қилишдир! Шундай экан, тақвони олиш ёдингиздан чиқмасин!

Эй ақл, фаҳм-фаросат эгалари! Шариатимни ҳаётингизга татбиқ этиш, буйруқларимни тўла-тўқис бажариш, қайтарганларимдан батамом тийилиш билан Мендан кўрқинг, тақво қилинг!

Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло} ибодат ҳукмларини баён қилишда давом этаркан, ҳаж қилиш учун маълум ойлар лозимлигини уқтирмоқда. Умра ибодатидан фарқли ўлароқ ҳажга отланган киши йилнинг истаган пайтида эмас, фақат ҳаж ойларида сафарга чиқиши лозимлигини билдирмоқда. Оятда ҳажни умрадан алоҳида зикр этилиши йилнинг исталган вақтида умрага эҳром боғлаш жоизлигини, ҳажга эса фақат маълум вақт – ҳаж ойларида эҳром боғлаш мумкинлигини кўрсатади. Демак, ҳаж вақти маълум ойлардир. Ушбу ойлар ҳақида уламолар икки хил фикрга бўлинган. Абдуллоҳ ибн Масъуд ^{розиаллоху анху} ҳамда Ато, Мужоҳид, Зухрий ва Имом Молик ^{роҳима-хуллоҳ}лар ҳаж ойлари Шаввол, Зул-Қаъда ва Зул-Ҳижжа, деганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар ^{розиаллоху анху} ҳамда Имом Табарий, Суддий, Шаъбий, Имом Абу Ҳанифа, Имом Шофийий ва Имом Аҳмад ^{роҳима-хуллоҳ}лар Шаввол, Зул-Қаъда ва Зул-Ҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигидир, деганлар.

Мазкур ойларда ҳажга ният қилиб, қасд билан, эҳром боғлаб, талбия¹ айтиб, йўлга отланса, яъни ҳаж қилишни ўзига лозим қилса, унга ҳаж кунларида қуйидаги ҳаж одобларига қатъан риоя қилиши шарт:

1) Жимоъ, шаҳвоний ҳаракатлар ё кўрпа сирларига доир гап-сўзлар қилиш, ҳаёсиз гапларни гапириш, умуман инсоннинг шаҳвоний ҳирсларини кўзгатадиган нарсалар ҳақида суҳбат кўриш мумкин эмас. Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розиаллоху анху} ҳамда Саъид ибн Жубайр, Қатода, Икристима, Мужоҳид, Зухрий ва Имом Молик ^{роҳима-хуллоҳ}лар «الرَّفَثُ – рофас» калимасига жимоъ маъносини берганлар. Абдуллоҳ ибн Умар ^{розиаллоху анху} ҳамда Ато ва Товус ^{роҳима-хуллоҳ}лар бу калимага кишининг аёли билан ишқий мавзуда пардасиз гапириши, деганлар. Уламолар эҳромдаги киши вукуфдан олдин аёли билан кўшилса, ҳажни бузилади. Қурбонлик қилиб, келгуси йили бошқатдан ҳаж қилади, деганлар.


2) Ҳаж қилувчи ҳаж пайтида ов қилиш, соч олдириш каби ҳажни бузувчи амалларни қилиши, бировни лақаб билан аташи, сўқиниши, ҳақоратлаши, гийбат қилиши, бутларга атаб сўйиши, умуман, катта бўлсин, кичик бўлсин, Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га осий бўлишнинг барча туридан йироқ бўлиши даркор.

3) Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}нинг уйига гуноҳлари афв этилишини умид қилиб келган ҳожилар ҳаж пайтида жанжал, сўқиниш, ҳақорат, тортишувдек разил иллатлардан узоқ бўлишлари лозим. Чунончи тортишув инсонни жанжалга ва ҳажни бузадиган ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. فَسُوقٌ калимасига уламолар буюрилган нарсаларни тарк қилиш ва қайтарилган гуноҳлардан қайтмаслик билан Аллоҳ ^{субҳанаху ва таъоло}га бўлган итоатдан чиқиш маъносини берганлар.

¹ Имом Абу Ҳанифа ^{роҳима-хуллоҳ} талбияни шарт қилганлар. Имом Шофийий ^{роҳима-хуллоҳ}нинг наздларида талбия ҳажнинг рукнларидан эмас.

Баъзи уламолар ушбу оятга асосланиб, ҳаж нафл бўлса ҳам бошлагандан сўнг фарзга айланади ва уни тамомлаш лозим бўлади, деганлар.

Мазкур номаъқул хулқлардан бошқа вақтда ҳам тийилиш керак. Эҳромда эса тамоман яқинига бормаслик даркор. Балки беҳуда, ҳаёсиз гаплар ва фойдасиз тортишувлар ўрнига Китобу Суннатда ворид бўлган зикр-дуоларни, садақа, намоз, тавоф каби нафл ибодатларни имкон қадар кўпайтириши лозим. Шундагина ҳаждан кўзда тутилган мақсад – гуноҳлардан пок бўлишга эришади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ حَجَّ هَذَا الْبَيْتَ فَلَمْ يَرْفُثْ وَلَمْ يَفْسُقْ رَجَعَ كَيَوْمٍ وَلَدَتْهُ أُمُّهُ  رواه البخاري

Абу Ҳурайра ^{ривоят килдилар} ^{роиваллоқу ашу} *Пайгамбар* ^{соллаллоҳу алайҳи ва саллам} **бу Уйни гуноҳ қилмасдан, жимоъ ва унга алоқадор ҳаракатларни қилмасдан ҳаж қилса, уйига онаси туққан кундек гуноҳсиз қайтади дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Инсон қаерда, қандай бир яхши амални қилмасин, Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} уни кўриб, билиб туради. Мўмин кишининг ихлос ва Китобу Суннатга мувофиқ бўлган ҳар бир сўзи ва ҳаракатига Қиёмат куни, албатта, мукофот беради. Аммо бу нотовон инсон кўпинча Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг кўриб, билиб туришини одамларнинг кўриб, билиб туришига алиштиради. Аслида қилинаётган ҳар бир яхшиликни Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг билиб туриши мўмин учун қувонч ва шарафга кифоя.

Худди бизнинг давримизда кўпчилик ҳажга маънавий озуқасиз фақат жасад озуқасини олиб келгани каби баъзилар ҳажга моддий тайёргарликсиз келди:

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{ривоят килдилар} ^{роиваллоқу ашу} *Яман аҳли ҳаж қилар, "Биз Аллоҳга таваккал қилгувчилармиз" деб, таъминотларини олмасиди. Маккага келишганда, одамлардан сўрашарди. Шунда Аллоҳ озуқа олинглар, озуқаларнинг яхшиси тақводир* оятини нозил этди. (Имом Бухорий ривояти)

Балким уларнинг Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}га бўлган иймони, таваккули кучли бўлгани боис шундай дегандилар. Лекин Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло} сафарга ҳар томонлама таёргарлик кўрмасдан чиқиш хато эканлигига ишора қилиб, ҳажга отланаётган ҳожиларга ўзи билан бирга сафарнинг ҳам моддий, ҳам маънавий озуқасини олишга буюрди. Зотан, "Аллоҳнинг Байтини ҳаж қиламизу Аллоҳ бизни ташлаб кўядими", деган тушунчанинг замирида Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}га миннат қилиш иллоти ётади.

Бизнинг давримизда бунинг акси учрайди. Кўпчилик ҳожилар сафарга пул, емоқ-ичмок каби жасад озуқаларни хўб ва кўп олади. Аммо озуқалари ичида қалб учун энг муҳим ва зарур бўлган тақво, хушў, ихлос каби Охират озуқасини олиш ҳақида ўйламайди. Ҳаж сафарига ибодат деб эмас, саёҳат деб ҳозирлик кўради. Шу боис ибодатлари мазмунсиз ўтади. Ҳаж кунларида гийбат, сўкиниш, ёлғон каби гуноҳларни қилаверади. Ҳаждан қайтганда, ибодат таъсири кўринмайди.

Озуқалар ичида инсонга дунё ва охиратда манфаат келтирадигани – тақводир. Озуқа халтасига тақвони мустаҳкам жойлаган киши хатарли сафарга мустаҳкам ҳимоя ва етарли тайёргарлик билан сафар қилган кишига ўхшайди. Сафар халтасига тақвони мустаҳкам жойламаган ёки тамоман олмаган мусофир хавф-хатарга тўла йўлга ҳозирлик кўрмасдан ҳеч вақосиз чиққан, оқибатда манзилга етиб боролмасдан йўлда ҳалокатга юз тутган одамга ўхшайди.

Инсон дунёда оддий саёҳатга чикса, олдиндан сафар эҳтиёжларини ҳозирлашга киришади. Сафарда керак бўлиши тахмин қилинган ҳар қандай нарса юк халтасига жойланади. Борадиган жойдаги ҳолатни ўрганишга, ўша ердаги таниш-билишларни суриштиришга киришади! Аммо абдий саодатга эришишда муҳим билган охират сафарига ибодат, солиҳ амаллар каби эҳтиёжларини ҳозирлашга бепарво! Ҳолбуки, дунёвий озуқалар нафс талаблари учун хизмат қилса, ухровий озуқалар инсонни абдий саодатга етаклайди!

Ҳозирда айрим ҳожиларга ҳажга борганда аҳли хайр кишилар ёки хайрия ташкилотлар мурувватидан тама қилиб, уларга қийналганидан, йўл машаққатларидан бўрттириб шикоят қилиб ёрдам сўраш одат тусига айланган. Ҳолбуки, бировга оғирини ортиб, боқинди бўлиш том маънодаги ҳаж тушунчасига соя солади. Асосийси бундай қилмишлар Аллоҳ ^{субҳанаҳу ва таъоло}нинг "Озуқа олинглар!" деган фармонига хилофдир.

Шунингдек бошқа сафарга чиқишда ҳам ўша жойдаги қадирдон биродарларга суяниб тайёргарликсиз чиқиш ҳам уламолар томонидан қораланади. Зеро, мусулмон киши ҳаётда имкон қадар бошқаларга юк бўлмасликка ҳаракат қилиши даркор.

Емоқ-ичмоқ каби жасад озуқаси қаторида қалб озуқаси бўлмиш тақво – ҳар бир ҳаракатни Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} кўриб, билиб турибди, деган тасаввурни қалбига мустаҳкам ўрнатиб, сўнг ҳажга йўл олган ҳожилар ҳаж сафаридан муваффақият билан қайтади. Чунончи тақво инсонга маънавий завқ бахшида этади, камолот сари етаклайди.

"Озуқаларнинг энг яхшиси тақводир!" дейиш билан Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} "Эй мўминлар! Дунё ҳовлиси доимий кўним эмас! Олдингизда охират сафари турибди! Охиратда сизга асқатадиган, иш берадиган озуқа фақат тақводир! Ўша сафарга чиқишдан олдин зарур ва муҳим бўлган тақво озуқасини кўпроқ олинг!" дегандек бўлади.

Ҳаж сафарида гуноҳлардан тийилиш ҳам ўзига яраша қийин. Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} ҳажда, умуман ҳаётда гуноҳлардан йироқ бўлишда инсонга катта ёрдам берадиган нарса – тақво эканини ўргатиб, тақво қилишга бўлган амрини ақл эгаларига қаратди. Зотан, тақвонинг инсонга берадиган улкан манфаатларини фақат ақлни ишлатиб билиш мумкин. Ақлсиз кимсалар тақво қилиш орқали ҳосил бўладиган фойдаларни билишдан ожиздир. Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло}дан кўркмаган кимсани бемалол ақлсиз деса бўлади. Чунки, бундай кимса ҳар бир нарсани кўриб, эшитиб, билиб турадиган Зотдан кўркмаслиги билан ўзи каби ожиз ва нотовон инсондан кўркиб яшайди.

لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِّن رَّبِّكُمْ فَإِذَا أَفَضْتُمْ مِّنْ عَرَفَاتٍ فَاذْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ وَاذْكُرُوهُ كَمَا هَدَيْتُمْ وَإِنْ كُنْتُمْ مِنْ قَبْلِهِ لَمَنِ الضَّالِّينَ ﴿١٩٨﴾

198. Сизларга Раббингиздан фазл тилашларингизда ҳеч қандай гуноҳ йўқдир! Арафотдан қайтиб тушганингизда Машъарул Ҳаром теварагида Аллоҳни ёдга олинглар! Сизларни ҳидоят қилгани каби Уни ёдга олинглар! Ҳолбуки, сизлар ундан олдин аниқ адашувчилардан эдингиз!

Эй мўмин бандаларим! Сизларга ҳаж пайтида ибодатларга ҳалал бермаса, савдо-сотик қилиб, Раббингиздан ҳалол ризқ тилашингизда ҳеч қандай гуноҳ йўқ!

Арафотдан Муздалифага тушсангиз, сизларни тўғри йўлга йўллаб, Ислом неъматини билан мушарраф айлагани учун Машъарул Ҳаром олдидан тил, қалб ва аъзолар билан Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло}ни ёдга олинг! Чунончи сизлар Куръони Карим нозил бўлишидан олдин залотатда эдингиз! Муҳаммад ^{салвату} ^{аллахи} ^{ва} ^{салвату} ^{али} ^{ва} ^{салвату} ^{али} пайгамбар бўлиб боришидан олдин ҳақдан, тўғри йўлдан узоқда эдингиз! Исломдан илгари қатъан адашганлардан эдингиз! Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} ҳидоят қилмаганида, ҳақ йўлни асло тополмас эдингиз! Шундай экан, Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло}ни ёдга олишингиз сизларни ҳидоят қилганига мос бўлсин!

Ўтган оятда ҳажда гуноҳнинг барча туридан қайтарилиб, тақвонинг озуқалар ичида энг яхшиси эканини зикр этилгани асҳобларни кўпинча жанжал, ёлгон ва низога сабаб бўлгани боис ҳажда олди-сотти қилишдан ҳаражлангирди. Хушбўйланиш, тикилган либосларни кийиш, аёли билан яқинлик қилиш каби мубоҳ нарсалар ҳаж пайтида мумкин бўлмаганидек тижорат ҳам мумкин эмас, деган ўйга бордилар:

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{ривоят} ^{қилди} Укоз, Мажанна ва Зул-Мажоз жоҳилият даврида мушрикларнинг бозорлари эди. Мусулмонлар ҳаж мавсумида тижорат қилишни гуноҳ санади. Шунда ҳаж мавсумида сизларга Раббингиздан фазл тилашларингизда ҳеч қандай гуноҳ йўқдир ояти нозил бўлди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Абу Умома ат-Таймий ^{ривоят} ^{қилди} ривоят қилдилар: Ҳаж сафарида кира қиладиган киши эдим. Одамлар "Сени ҳажинг қабул эмас", дерди. Шунда Ибн Умарга учраб "Эй Абу Абдурахмон! Мен ҳаж сафарида кира қиладиган киши эдим. Одамлар менга ҳажинг қабул эмас, демоқдалар", дедим. Ибн Умар "Эҳром кийиб, талбия айтиб, Хонани тавоф қилиб, Арафотда туриб, тошларни отмайсизми", дедилар. Албатта, шундай қиламан, дедим. Ҳажингиз дуруст! Чунки бир киши Пайгамбар ^{салвату} ^{аллахи} ^{ва} ^{салвату} ^{али} ^{ва} ^{салвату} ^{али}нинг олдида келиб, менадан сўраган нарсага ўхшагини сўради. Росулulloҳ ^{салвату} ^{аллахи} ^{ва} ^{салвату} ^{али} унга жавоб қилмадилар, ҳаттоки ояти нозил бўлди. Сўнг ўша сўраган одамга бировни жўнатиб, унга ушбу оятни ўқиб бердилар ва ҳажинг дуруст дедилар. (Абу Довуд ривояти)

Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло} Каъбаи Муаззамани ҳаж қилиш учун келган мўмин бандаларига ҳаж амалларини ўз вақтида бажаришга ҳалал бермаса, ибодатлардан бўшаган пайтда олди-сотти ёки кира қилиш ёхуд ижара бериш орқали Раҳмон ^{субҳанаху} ^{ва таъоло}дан фазлу-карамидан умид қилиб, ҳалол ризқ исташлик гуноҳ эмаслигини баён қилмоқда.

Аслида Аллоҳ ^{субҳанаху} ^{ва таъоло}га яқин бўлиш ғамида бўлган ҳожилар ҳаж ибодатлари адо этиладиган кунларда дунёга машғул бўлишдан ўзини имкон қадар тиймоқлари маъқул. Лекин ибодатдан бўш пайтда ҳалол ризқ талаб қилиб, тижорат қилиш мубоҳдир. Чунончи ҳалол касб қилиш ёки

ҳалол нарсалар билан рост сўзлаб олди-сотти қилиш ҳам ибодатдир. Куръони Каримнинг бир неча жойларида **فَبِئْتَابٍ مُّصْتَبٍ فَزَلَّ** – **фазл тилашларингиз** жумласини келтирилган. Барчасидан ҳалол тижорат, касб қилиш назарда тутилган. Бироқ тижорат ибодатларни ўташга ҳалал бермайдиган кўламда бўлиши, олди-соттини ибодатдан зарур ўринга қўймаслик, савдо пайтида ёлғон гапирмаслик, ҳалол-ҳаромга қаттиқ эътибор қилмоқ лозим. Қачон ва қаерда бўлмасин, касб қилиш ё тижорат орқали бирон фойдага эришишни меҳнатим самараси, деб эмас, Аллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} берган фазл-марҳамат, деб эътиқод қилмоқ даркор.

Зул-Ҳижжа ойининг тўққизинчи кун кун чикганидан то қуёш ботгунига қадар Арафотда туриш «вуқуф» деб юритилади ва у ҳажнинг асосий рукни ҳисобланади.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ يَعْمَرَ قَالَ شَهِدْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَاهُ نَاسٌ فَسَأَلُوهُ عَنِ الْحَجِّ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْحَجُّ عَرَفَةٌ فَمَنْ أَدْرَكَ لَيْلَةَ عَرَفَةَ قَبْلَ طُلُوعِ الْفَجْرِ مِنْ لَيْلَةٍ جَمَعَ فَقَدْ تَمَّ حَجُّهُ ^{رواه النسائي}

Абдурахмон ибн Яъмар ^{розиаллоху алаҳи ва саллам} ривоят қилдилар: **Росулуллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} билан Арафотда бирга бўлдим. Олдиларига одамлар келиб, ҳаж ҳақида сўрашди. Шунда Росулуллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} ҳаж – Арафотда туришдир. Ким Жамъ кечасида тонг отишидан олдин Арафот кечасига улурса, ҳажи комил бўлади дедилар.** (Имом Насоий ривояти)

Бу вақтда ҳожилар зикр, дуо, тиловат, истиғфор каби ибодатлар билан машғул бўлишлари лозим. Зотан, Арафот кун Росулуллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} нинг шаҳодатлари билан ўзгача кундир:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ مَا مِنْ يَوْمٍ أَكْثَرَ مِنْ أَنْ يُعْتِقَ اللَّهُ فِيهِ عَبْدًا مِنَ النَّارِ مِنْ يَوْمِ عَرَفَةَ ^{رواه مسلم}

Ойша ^{розиаллоху алаҳи ва саллам} ривоят қилдилар: **Росулуллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} Арафот кунидан кўра Аллоҳ унда бандани дўзахдан кўпроқ озод қиладиган бошқа кун йўқдир дедилар.** (Имом Муслим ривояти) Арафот кун қилинган дуою илтижолар ҳам ўзгачадир:

عَنْ طَلْحَةَ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَفْضَلُ الدُّعَاءِ دُعَاءُ يَوْمِ عَرَفَةَ وَأَفْضَلُ مَا قُلْتُ أَنَا وَالنَّبِيُّونَ مِنْ قَبْلِي لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ^{رواه مالك}

Талҳа ибн Убайдуллоҳ ^{розиаллоху алаҳи ва саллам} ривоят қилдилар: **Росулуллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} дуоларнинг афзали Арафот кундаги дуодир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарлар айтган нарсанинг афзали – тенги йўк, якка Аллоҳдан ўзга илоҳ йўк калимасидир дедилар.** (Имом Молик ривояти¹)

Ҳаж қилмаган кишига Арафот кун рўза тутиш суннат амал бўлиб, унга улкан ажрлар ваъда қилинган. Бу ҳақда Росулуллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ صِيَامُ يَوْمِ عَرَفَةَ إِنِّي أَحْتَسِبُ عَلَى اللَّهِ أَنْ يُكَفِّرَ السَّنَةَ الَّتِي قَبْلَهُ وَالسَّنَةَ الَّتِي بَعْدَهُ ^{رواه الترمذي}

Абу Қатода ^{розиаллоху алаҳи ва саллам} ривоят қилдилар: **Пайғамбар ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} Арафот кун рўза тутиш билан мен Аллоҳдан ундан олдинги ва ундан кейинги йилдаги кичик гуноҳларни каффорот қилишини умид қиламан дедилар.** (Имом Термизий ривояти)

Аммо ҳаж қилаётган киши ибодатларга нашот ва ғайрат қилиши учун Арафотда рўза тутмагани маъқул. Росулуллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} ҳаж қилганларида Арафотда рўза тутмаганлар.

Уламолар «**عَرَفَاتُ – Арафот**» калимасига бир неча хил изоҳ берганлар. Одамлар шу ерда гуноҳларини тан олиб, Аллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} дан мағфират айлашини сўраганлари боис эътироф сўзининг негизидан олинган, деган изоҳ булар ичида энг маъқулидир.

Вуқуф кун Арафотда туриб, заволдан олдин Арафотдан чиқиб кетган кишининг ҳажи қабул бўлмаслигига ижмоъ қилинган. Арафотга заволгача етиб борган ва қуёш ботишидан олдин Арафотдан чиқиб кетган кишини Ато, Суфён Саврий, Имом Шофиъий ва Имом Аҳмад ^{розиаллоху алаҳи ва саллам} жарима тариқасида қон чиқарса, ҳажи дуруст. Агар қилган ишининг хатолигини билиб, қуёш

¹ Ушбу ҳадис мурсал бўлса-да, Шайх Носируддин Албоний "ҳасан", деганлар.

¹ Ахлус-суннат вал-жамоат эътиқодига кўра катта гуноҳларни каттиқ тавбадан сўнг Аллоҳ ^{субҳаналлуҳу ва таъоло} хоҳласа, афв қилади. Келгусида гуноҳлардан сақлашнинг кейинги йилдаги гуноҳлардан каффорот қилиш маъносиди.

ботгунга қадар ортига қайтса, қурбонлик лозим эмас, деганлар. Имом Абу Ҳанифа ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} қурбонлик соқит бўлмайди, деганлар. Имом Молик ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} ҳажи дуруст эмас. Келаси йили қайтадан ҳаж қилади, деганлар.

Вақуф куни айрим ҳожилардан Арафотда куйидаги хатолар содир бўлади: Росулulloҳ ^{СОҲИДЛУҲУ АЛЛАҲИ БИ Салвем} турган тоғда туриш керак, деб ўша мақсадда Жабал-ур-Роҳматга атайлаб бориш; унинг тошлари ё тупроқларини табаррук санаш; қиблага орқа қилган ҳолда ўша тоққа қараб дуо қилиш; Арафот кунининг кадр-қимматини билмай, дуоларга бепарво ҳолатда вақтни ўтказиш; куёш ботишидан олдин Арафотдан чиқиб кетиш; Минодан Арафотга келишда, Арафотдан Муздалифага кетишда овозни чиқариб талбия айтмаслик; Арафот худудида эканига амин бўлмасдан, бепарво бўлиб, Арафот худудидан ташқарида туриш. Ҳажжи мабрурни мақсад қилган ҳожилар мазкур хатоларга йўл қўйишдан эҳтиёт бўлиши гоят муҳимдир.

Зул-Ҳижжанинг тўққизинчи куни куёш ботганидан сўнг Арафотдан шом намозини ўқимасдан Муздалифага йўл олинади ва у ерда хуфтон вақтида шом ва хуфтонни бир азон ва икки иқомат билан ҳар икки намозни бирга жамлаб ўқилади. Имом Авзоъий, Имом Абу Ҳанифа ва Имом Абу Юсуф ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} каби Куфалик уламолар Вуқуф кунги шом ва хуфтонни Муздалифада ўқиш шарт, деганлар. Имом Молик ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} фақат узрли кишига куёш ботиб, шафақ кетганидан сўнг Муздалифадан бошқа жойда ўқишга руҳсат қилганлар. Намозларни ўқиб бўлгач, бомдодга қадар ўхлаб дам олинади.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ وَقَفَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِعَرَفَةَ فَقَالَ هَذِهِ عَرَفَةُ وَهَذَا هُوَ الْمَوْقِفُ وَعَرَفَةُ كُلُّهَا مَوْقِفٌ ثُمَّ أَفَاضَ حِينَ غَرَبَتِ الشَّمْسُ ثُمَّ أَتَى جَمْعًا فَلَمَّا أَصْبَحَ أَتَى فَرْحَ فَوْقَ عَلَيْهِ وَقَالَ هَذَا فَرْحٌ وَهُوَ الْمَوْقِفُ وَجَمَعَ كُلُّهَا مَوْقِفٌ ثُمَّ أَفَاضَ ^{رواه الترمذي}

Алий ибн Абу Толиб ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{СОҲИДЛУҲУ АЛЛАҲИ БИ Салвем} Арафотда туриб, бу Арафотдир. Мана шу турадиган жойдир. Арафотнинг барчаси турадиган жойдир дедилар. Кейин куёш ботганда тушиб кетдилар. Сўнг Жамъга келдилар. Тонг отганда, Кузаҳга келиб, уни устида турдилар ва бу Кузаҳ¹. Бу турадиган жой. Жамънинг барчаси турадиган жойдир дедилар. Кейин Минога тушиб кетдилар. (Имом Термизий ривояти)

Жобир ибн Абдуллоҳ ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} дан Росулulloҳ ^{СОҲИДЛУҲУ АЛЛАҲИ БИ Салвем} нинг ҳажлари ҳақида сўралганида марҳамат қилдилар: ...Арафотда куёш ботгунга қадар турдилар. Шафақ бир оз кетди. Усомани мингаштириб тушдилар... Муздалифага келиб, у ерда битта азон ва икки иқомат билан шом ва хуфтонни ўқидилар. Икки намоз орасида бирон нарса ўқимадилар. Сўнг тонг отгунга қадар ётиб дам олдилар. Субҳ кирганда бомдодни азон ва иқомат билан ўқидилар. Кейин Қосвани миниб, Машъарул Ҳаромга келиб, қиблага юзланиб, Унга дуо қилдилар, такбир айтдилар, таҳлил айтдилар, Жуда ҳам ёришиб кетгунга қадар шундай ҳолатда давом этдилар. Сўнг куёш чиқишидан олдин Минога тушиб кетдилар. (Имом Муслим ривояти)

Арафотдан тушиб, Муздалифада тунаш ибодатдир. Уламолар Муздалифада тунашнинг руқн, вожиб ё суннатлиги ҳақида ихилоф қилганлар. Имом Шофиъий ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} "Тунаш вожиб. Тарк қилган гуноҳкор. Ҳажи дуруст, қон чиқариши лозим", деганлар. Алқома, Шаъбий ва Ҳасан Басрий ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} каби тобиъинлар Муздалифада тунашни ҳажнинг руқни, тарк қилганининг ҳажи дуруст бўлмайди, деганлар. Жумхур уламолар Муздалифада тунаш ҳажнинг руқни, деган гаплар мустаҳкам асосга эга эмас, дейдилар. Имом Нававий ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} "Машъарул Ҳаромдан Муздалифадаги машхур «Кузаҳ» тоғи назарда тутилган", дейдилар. Жумхур муфассир уламолар Машъарул Ҳаромдан Муздалифанинг барча жойи назарда тутилган, деганлар.

عَنْ عُرْوَةَ بْنِ مِزْرَسٍ الطَّائِفِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِجَمْعٍ فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَقْبَلْتُ مِنْ حَبَلِي طَيْبٌ لَمْ أَدْعُ حَبَلًا إِلَّا وَفَّقْتُ عَلَيْهِ فَهَلْ لِي مِنْ حَجٍّ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ صَلَّى هَذِهِ الصَّلَاةَ مَعَنَا وَقَدْ وَقَفَ قَبْلَ ذَلِكَ بِعَرَفَةَ لَيْلًا أَوْ نَهَارًا فَقَدْ تَمَّ حَجُّهُ وَقَضَى تَفْتَهُ ^{رواه النسائي}

Урва ибн Музаррис ^{РОҲИМА-ХУЛИЛОҲ} ривоят қилдилар: Жамъда Пайгамбар ^{СОҲИДЛУҲУ АЛЛАҲИ БИ Салвем} нинг олдларига келиб "Ё Росулulloҳ! "Мен Той тоғларидан келдим! Мен унда турмаган бирон адирликни қолдирмадим. Менинг ҳажим дурустми", дедим. Шунда Росулulloҳ ^{СОҲИДЛУҲУ АЛЛАҲИ БИ Салвем} ким бу бомдод намозини биз

¹ Муздалифадаги кичик бир тоғнинг номи. Ҳозирда бу тоғ кўчириб ташланган ва ўрнинга «Машъарул Ҳаром» номи масжид қурилган.

² Муздалифанинг номларидан бири

билан бирга ўқиган бўлса, бундан олдин кечасими, кундузими, Арафотда турган бўлса, ҳажи қомил бўлади, эҳромдан чиқиб, қирларини кетказди дедилар. (Имом Насоий ривояти)

Субҳ кирганда бомдодни аввалги вақтида ўқиб, тонг яхшилаб ёришгунгача Муздалифада Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ёдга олиб, такбир айтиб турилади. Баъзи муфассир уламолар *Машъарул Ҳаром теварагида Аллоҳни ёдга олинглар* жумласидан шом, хуфтон ва бомдод назарда тутилган, дейдилар. Чунончи намозда кироат, такбир, тасбиҳ, киём, рукуъ ва сужуд каби ибодатлар жамланган.

Муздалифада айрим ҳожилардан содир бўладиган хатоларни ҳам санаб ўтилдики, ҳаж қилувчи улардан четланиши лозим: Муздалифага тушишда осойишта ҳаракат қилмасдан шошилиш¹; шом ва хуфтонни Муздалифага етмасдан туриб ўқиш; Муздалифада тунни бедор ё ибодат билан ўтказиш; Муздалифада бир оз бўлса ҳам турмасдан тушиб кетиш; Муздалифадан қуёш чиққанидан сўнг кетиш; Минога кетишда йўлда талбия айтишга бепарво бўлиб, кераксиз гапларни гапириб кетиш:

Абдуллоҳ ибн Аббос ^{розияллоху аley} Усома Арафотдан Муздалифагача Пайгамбар ^{соллаллоху алайхи ва саллам} билан мингашиб келди, сўнг Фазл Муздалифан Миногача мингашиди. Икковлари ҳам "Пайгамбар ^{соллаллоху алайхи ва саллам} Биринчи тошни *отгунларига қадар тўхтамай талбия айтиб турдилар*", дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Ушбу оятдан саҳобаларнинг Исломни қабул қилгандан кейин жоҳилият даврида қилган одатларга қайта қўл уришдан эҳтиёт бўладиган ўта ҳассос кишиларга айлангани яққол кўриниб турибди. Чунончи саҳобалар ҳидоят неъматини ғоят қадрлашар, бутларга ибодат қилиб, ҳар хил хурофотларни дин қилиб олган олдинги ҳаётлари олдида Ислом бебаҳо неъмат эканини қалбдан ҳис қилишарди. Жоҳилиятдан Исломга ўтган кишига гўё янгитдан бутунлай бошқа бир инсон бўлиб туғилган деб қарашарди. Ҳидоятга мушарраф бўлганлари учун Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}га шукрона қилишни, Уни ёдга олишни жойига қўйишарди. Уларнинг Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ёдга олишлари амалда кўринарди. Ҳидоят аломати сифатида юзларидан иймон нури ёғилиб турарди. Исломга ҳидоятланганлари учун шукрона тариқасида Исломнинг ривожи йўлида жидду жаҳд қилардилар. Шу боис Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло} ҳам уларни унутмади. Қиёматга қадар Ислом тарихи саҳифаларида номлари олтин ҳарфлар билан битилди.

Аммо биз бугунги мусулмонлар ҳидоят нуридан узоқ, иймон неъматидан бенасиб кимсаларни кўрганда ҳам ўзимиздаги Ислом неъматининг қадрига етмаймиз! Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни бошимизга мусибат тушгандагина ёдга оламиз! Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}нинг фармонларини унутамиз! Ҳолбуки, мўмин киши заллатда ўтказган кунларини ёдга олганда ёки ҳидоятдан бенасиб ҳолда ҳаёт кечираётганларни кўрганда ўзидаги ҳидоят неъматининг қадрига етмоғи лозим! Ҳидоятга йўллагани, шариат ҳукмларини баён қилиб бергани, дунё ва охират саодатига бошлагани учун Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ҳамавақт ёдга олиб, Унга беҳисоб шукр айтиб юриши даркор. Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ёдга олиш нақадар улғу амал экани Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам}нинг қуйидаги ҳадисларидан маълум бўлмоқда:

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا أُتْبِعُكُمْ بِخَيْرِ أَعْمَالِكُمْ وَأَزْكَاهَا عِنْدَ مَلِكِكُمْ وَأَرْفَعَهَا فِي دَرَجَاتِكُمْ وَخَيْرٌ لَكُمْ مِنْ إِنْفَاقِ الذَّهَبِ وَالْوَرَقِ وَخَيْرٌ لَكُمْ مِنْ أَنْ تَلْقَوْا عَدُوَّكُمْ فَتَضْرِبُوا أَعْنَاقَهُمْ وَيَضْرِبُوا أَعْنَاقَكُمْ قَالُوا بَلَى قَالَ ذَكَرُ اللهُ تَعَالَى ﴿١٠٠﴾ رواه الترمذی

Абуд-Дардо ^{розияллоху аley} ривоят қилдилар: Пайгамбар ^{соллаллоху алайхи ва саллам} амалларингизнинг яхшисини, Этангиз наздида сархилини, даражотларингизни кўтарадигани ҳамда тилло ва қумушни инфоқ қилишдан кўра сизларга яхшироқ бўлган, душманингизга рўбарў бўлиб, бўйинларига уришингиз ва бўйинларингизга уришларидан ҳам беҳтар амални айтгани дедилар. "Ҳа, айтинг", дейишди. Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} Аллоҳ ^{субҳонаху ва таъоло}ни ёдга олиш дедилар. (Имом Термизий ривояти)

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَبَقَ الْمُفْرَدُونَ قَالُوا وَمَا الْمُفْرَدُونَ يَا رَسُولَ اللهِ قَالَ الذَّاكِرُونَ اللهُ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتُ ﴿١٠١﴾ رواه مسلم

¹ Росулulloҳ ^{соллаллоху алайхи ва саллам} Муздалифадан тушишда ўнг қўллари кўтариб, "Эй одамлар! Осудалик билан, осудалик билан!" деб турганлар. (Имом Муслим ривояти)

Абу Хурайра ^{риwayat} ривоят қилдилар: ^{росулуллох} Росулуллох ^{салом} Муфарридлар ўзиб кетди дедилар. "Ё Росулуллох, Муфарридлар нимаси?" дейишди. Аллохни кўп ёдга олувчи киши ва аёллар – муфарридлардир дедилар. (Имом Муслим ривояти)

ثُمَّ أَفِيضُوا مِنْ حَيْثُ أَفَاضَ النَّاسُ وَاسْتَغْفِرُوا لِلَّذِينَ تَبِعُوا مِنْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴿١١٩﴾

199. **Сўнг одамлар тушган жойдан тишинглар! Аллоҳга истигфор айтинглар! Дарҳақиқат, Аллоҳ Кечиргувчи, Раҳмлидир!**

Эй мўминлар! Кейин одамлар вукуфда қаерда турган бўлса, сизлар ҳам вукуфда ўша ерда туринг! Вукуфдан сўнг Арафотдан тушишда ҳамма одамлар тушаётган жойдан тушинг! Арафотдан Муздалифага тушса, сизлар ҳам Арафотдан Муздалифага тушинг! Ўзингизни бошқалардан ортиқ кўрманг! Ҳажда, умуман бошқа вақтларда қилган гуноҳларингиз учун мағфират тилаб, Аллоҳ ^{субҳануху}га истигфор айтинг! Зотан, Аллоҳ мағфират даргоҳи кенг, чин қалбдан тавба қилган ҳар қандай гуноҳкорни афв этадиган Кечиримли, Қиёмат куни мўмин бандаларига илохий меҳр кўрсатадиган Раҳмли Зотдир!

Ойша ^{риwayat} ривоят қилдилар: Қурайш ва унинг динига эътиқод қилганлар Муздалифада турарди. Уларни "Ҳумс" дейишарди. Қолган араблар Арафотда туришарди. Ислоом келганида, Аллоҳ ^{салом} Пайгамбари ^{салом}ни Арафотга келиб, сўнг ўша ерда туришга, кейин ўша ердан тушишга буюрди. Аллоҳ ^{субҳануху}нинг **Сўнг одамлар тушган жойдан тишинглар** сўзи мазмуни шудир дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

Исломдан олдин Қурайш мушриклари Каъбаи Муаззаманинг аҳли бўлишгани боис ўзларини бошқалардан олий санаб, Арафотда вукуф қилишдан ор қиларди. Ўзини олийнасаб қабила санаб, бошқалардан ажралиб Муздалифада алоҳида турарди. Бошқалар қатори Иброҳим ^{алайҳис}га эргашиб, Арафотда вақуф қилишга кибр-ҳавоси йўл бермарди. Одамлар Арафотдан тушса, улар Муздалифадан туршарди. Кибр ва манманлик мушрикларни бошқалар билан, ҳатто бир жойда ибодат қилишдан ҳам тўсди.

Алло ^{субҳануху} ушбу оятда барча одамлар ҳаж вақтида кийимда, кўринишда, бир хил бўлгани каби руҳий томондан ҳам тенг эканини билдириб, бошқалар қатори Арафотда вукуф қилишга буюрди.

Ислоом ҳеч кимни насаби билан улуғламайди. Ислоом бир табақанинг аслзодалиги билан иккинчи бир табақадан афзал деб билмайди. Шариатимиз барча мўминни тарокнинг тишлари каби бир-бири билан тенг уммат, деб қарайди.

Инсон Китобу Суннат манҳажидан бурилиб, номи ҳар хил шайтон йўлларида кираркан, ўзини бошқалардан ортиқ кўрадиган бўлади. Хусусан, туғён кўчасига кирган кимсалар оддий одамлар қатори бўлишдан кибр қилади. Ҳар бир ҳаракатида ўзгача бўлишни истайди, гарчи истаги гуноҳ бўлса ҳам. Оқибатда шариатда асоси бўлмаган турли туман хурофотларни тўқиб, ўзини бошқалардан юқори кўрсатади. Аслида бошқалардан фарқли ўлароқ Исломда инсон ўзгалардан фақат тақвоси билан юқори бўлиши мумкин, холос:

﴿إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ ﴿١٣﴾﴾ الحجرات: ١٣

Аллоҳнинг наздида ҳурматлирогингиз – тақводоррогингиздир! Албатта, Аллоҳ Билгувчи, Хабардордир! (Хужурот сураси, 13 – оят)

Ҳаж мусулмонларнинг ижтимоий тенглигини кўрсатиб берадиган ибодатлардан. Ҳамма бир хил либосда, бир жойда Ягона илоҳга, ягона мақсад билан илтижо қилади. Ҳаж ибодатини адо қилишда ҳеч ким ўзини бошқадан ортиқ кўриши, юқори санаши мумкин эмас. Зеро, ҳаж инсондаги такаббурликка оид барча разил зулқларни илдизи билан қуритиб ташлайдиган ибодат бўлмоғи лозим. Йўқса, Аллоҳ ^{субҳануху}нинг мағфирати ёғилиб турган бундай соатда ўзини бошқалардан ортиқ кўрган кимса ҳаждан кўзда тутилган улкан манфаатлардан маҳрум бўлади.

Жумҳур уламолар ^{أفيضوا} – **тушинглар** калимасини Арафотдан тушиш, деб изоҳлаганлар. Бу изоҳни қувватлайдиган бир қанча ривоятлар бор. Аммо Имом Табарий ^{риwayat} Муздалифадан тутиш, деб таъвил қилганлар. Шунингдек, муфассир уламолар оятдаги **одамлар** сўзидан Иброҳим ^{алайҳис} назарда тутилган, дейдилар. Чунончи Қуръони Карим Аллоҳ ^{субҳануху}нинг ҳукмларини ўзида тўла гавдалантиргани учун Иброҳим ^{алайҳис}ни бир уммат деб атаган:

﴿إِنَّ إِبْرَاهِيمَ كَانَ أُمَّةً قَانِتًا لِلَّهِ حَنِيفًا وَلَمْ يَكُ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٣٠﴾﴾ النحل: ١٢٠

Иброҳим Аллоҳга тўла бўйсунувчи, ҳақпарвар уммат эди. Мушриклардан бўлмаган!
(Наҳл сураси, 120 – оят)

Ҳақиқий мўмин киши ихлос билан бир ибодатни қилганда, нуқсонлари афв этилишини умид қилиб, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} га истиғфор айтиш билан яқунламоғи керак. Истиғфор шунчаки тил билан айтиб қўймасдан, балки чин қалбдан содир бўлган ҳар бир гуноҳга надомат қилган ҳолда, мағфират қилинишига умид қилиб айтмоқ лозим. Росулulloҳ ^{соллаллаҳу алайҳи ва саллам} куйидаги ҳадисда марҳамат қилдилар:

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سَيِّدِ الْأَسْتَغْفَارِ أَنْ تَقُولَ اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ وَأَبُوءُ لَكَ بِذُنُوبِي فَاعْفِرْ لِي فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ قَالَ وَمَنْ قَالَهَا مِنَ النَّهَارِ مُوقِنًا بِهَا فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ أَنْ يُمْسِيَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ وَمَنْ قَالَهَا مِنَ اللَّيْلِ وَهُوَ مُوقِنٌ بِهَا فَمَاتَ قَبْلَ أَنْ يُصْبِحَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ ۝ رواه البخاري

Шаддод ибн Авс ^{розиллоҳу анҳу} ривоят қилдилар: *Пайгамбар* ^{соллаллаҳу алайҳи ва саллам} **истиғфорларнинг саййиди "Аллоҳим! Сен Раббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ! Мени яратдинг, мен бандангман. Мен Сен юклаган аҳд ва ваъданга қўлимдан келганича турибман. Менга берган неъматларингни эътироф этаман. Сенга қилган гуноҳларимни ҳам тан оламан. Шунга гуноҳларимни кечиргинки, гуноҳларни фақат Сен кечирасан", дейишлигиндир. Ким шуни кундузи унга ишониб айтиб, ўша кун кеч киришидан олдин вафот қилса, у жаннат аҳлидан бўлади. Ким шуни кечкурун унга ишониб айтиб, тонг отшидан илгари вафот қилса, у жаннат аҳлидан бўлади дедилар.** (Имом Бухорий ривояти)

Мўмин биродарлар ўрталарида бўлиб ўтган паст-баланд гапларни, ҳаж вақтида унутишлари даркор. Чунончи Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} гуноҳкор бандаларига жазо беришга қодир бўлиб туриб кечирибгина қўймасдан гуноҳлардан тийилган бандаларига Ўз раҳматини юборди.

فَإِذَا قَضَيْتُمْ مَنَسِكَكُمْ فَادْكُرُوا اللَّهَ كَذِكْرِكُمْ آبَاءَكُمْ أَوْ أَشْكَدَ ذِكْرًا فَمِنَ النَّكَاسِ مَن يَقُولُ رَبَّنَا إِنَّا فِي الدُّنْيَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِن خَلْقٍ ﴿٢٠٠﴾

200. Ибодатларингизни ўтаб бўлганингизда Аллоҳни оталарингизни эслагандек ёки ундан қаттиқроқ ёдга олинглар! Одамлар ичида "Эй Раббимиз! Бизга шу дунёда бергин", дейдигани бор. Ваҳоланки, охиратда унга ҳеч қандай улуш йўқдир!

Эй мўминлар! Ибодатларингизни поёнига етказганда, ота-боболарингизни зикр этиш ўрнига сизларни ҳам, ота-боболарингизни ҳам неъматлари билан буркаган, яхшиликларга муваффақ этган Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ни хўб ва кўп зикр этинг! Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ни зикр этишингиз ажодларингизни ёдга олишдан кўра кўпроқ бўлмоғи лозим!

Одамлар ичида дурду ғами дунё бўлганлар бор! Улар "Аллоҳим! Бизга мукофотларни, тилаklarимизни шу дунёда берақол!" дейди! Уларга охиратда ҳеч вақо йўқ! Ўшалардан бўлиб қолманг!

Жоҳилият даврида мушриклар ўртасида кенг тарқалган жоҳилона бир одат бор эди. У ҳам бўлса, ҳаж тугаганидан сўнг Минога тўланиб, ота-боболари қилиб ўтган ишлар ҳақида гапириб мақтаниб, насабларининг олийлигини мадҳ этадиган шеърлар ўқиб, фахрланишарди. Ушбу ва бундан олдинги оятлар мўмин кишига ибодатлар интиҳосида истиғфор айтишга, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} дан қалбидаги эзгу тилаklarини сўраш фурсатини беҳуда ўтказмасликка чақирмоқда. Қолавқирса, бу оят бир тарафдан жоҳилият пайтидаги жоҳилона одатларни ёритиб, Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ни ёдга олиш лозимлигини эслатса, иккинчи тарафдан бундай одатларни мазаммат қилишни ҳам англатади. Зеро, инсон ибодатини адо этиб бўлганида, ўша ибодатга муваффақ этган, ўша ибодатни адо этишга куч-қудрат, ғайрат берган Аллоҳ ^{субҳануху ва таъоло} ни ёдга олишни унутмаслиги лозим.

Одамлар икки тоифа бўлади. Бир тоифа одамнинг фикри-зикри пул топиш. Дунёга ҳамиша ҳарис. Ўлчови ҳам дунё. Дин билан иши йўқ. Дин дунёсига футур етказмаса, ибодат қилади. Ибодат туфайли дунёсига андак зарар етгудек бўлса, динни ташлаб кетади. Хусусан, Ислом ғанимлари мусулмонларга зулм-тазийқ ўтказишни бошласа, ибодат майдонидан ғойиб бўлади. Бойлик орттириш йўлида ҳар қандай машаққатни, хорликни кўтаришга тайёр. Аммо дин йўлида зирапчани ҳам кўтаролмайди.

Бундай кимсанинг орзу-тилаклари ҳам фақат шу фоний дунёга боғлиқ. Энг улуғ соатда, энг улуғ мақомда оламлар Парвардигорига илтижо қилганда ҳам сўрайдиган нарсаси фақат дунё. Нима бўлса ҳам шу ҳаётда кўрса. Охират ҳақида ўйламайди. Бундайларнинг дунёси обод, охирати хароб. Уларга Қиёматда Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг раҳматидан ҳеч қандай насиба йўқ:

﴿مَنْ كَانَتْ يُرِيدُ حَرْثَ الْآخِرَةِ نَزِدْ لَهُ. فِي حَرْثِهِ وَمَنْ كَانَتْ يُرِيدُ حَرْثَ الدُّنْيَا نُؤْتِيهِ مِنْهَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ نَصِيبٍ﴾

﴿الشورى: ٢٠﴾

Ким Охират савобини истаса, унга савобини зиёда қилиб берамиз. Ким дунё матосини хоҳласа, ундан берамиз! Бироқ унга **Охиратда** ҳеч қандай **насиба йўқ!** (Шуро сураси, 20 – оят)

Инсонинг фақат дунёни сўраб, охиратни сўрамаслиги унинг Қиёматга бўлган иймонининг нуқсонидан далолат беради. Зотан, инсонинг Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}дан сўрайдиган асосий тилаклари абадий ҳаётга тааллуқли бўлиши керак. Қолаверса, орзу тилакларнинг фақат дунёга чакланиши инсоннинг маънан қашшоқлигидан далолат беради.

﴿وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ﴾

201. Ичларида "Раббимиз! Бизга яхшиликни дунёда ҳам, Охиратда ҳам бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин", дейдиганлари ҳам бор!

Одамларнинг ҳаммаси ҳам фақат дунёни тиламайди! Уларнинг ичида охиратни ҳам ўйлайдиган, дўзахдан паноҳ тилайдиган мўмин бандалар ҳам бор! Улар дуоларида "Аллоҳим! Бизга дунёда яхшиликларни бергин! Шу қатори Охиратда ҳам раҳматингни дариг тутмагин! Бизни дўзахнинг аламли азобларидан асрагин! Дўзахга олиб борадиган гуноҳ ишлардан узоқ қилгин!" дейдилар!

Одамларнинг иккинчи тоифаси аввалгисидан кўра фикр майдони кенгрок. Улар Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}дан тилаklarини сўраётганида дунёвий эҳтиёжлари қаторида ухровий эҳтиёжларини ҳам сўрашни унутмайди.

Инсон ҳаётда моддий эҳтиёжлардан ажралолмайди. Шу боис дунё эҳтиёжларини сўраш маломат қилинган эмас. Масалан ҳалол ризқ яшаш учун инсонга ҳамиша керак. Лекин дунё эҳтиёжларини сўраш қаторида охират яхшиликларини ҳам эсдан чиқармаслик муҳим. Дўзах азобидан асрашни тилашлик Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}дан сўраб қилинадиган дуоларда марказий ўринни эгаллаши лозим.

Уламолар бандага дунёда бериладиган яхшиликка иймон, ихлос, қаноат, солиҳа аёл, нознеъмат, ҳалол, покиза ризқ, офият, фойдалиқ илм, солиҳ фарзанд, солиҳ амаллар, саломатлик каби турли хил изоҳларни берганлар. Умуман олганда, оятда инсонга бериладиган шарият ўлчовидаги барча яхшиликлар назарда тутилган. **حَسَنَةٌ** – **яхшилик** сўзининг таниқсиз ҳолатда келиши умум маънони тақозо этади.

Бандага Охиратда бериладиган яхшилик тўғрисида ҳам Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг мағфирати, жаннат, қабр азоби ва жаҳаннамдан саломат қолиш, Аллоҳ ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг розилигига мушарраф бўлиш, Раҳмон ^{субҳаназу}_{ва таъоло}нинг жамолини кўриш каби изоҳлар айтилган.

Қандай бўлганда ҳам бу жоме дуодир. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу}_{алейҳи ва саллам} бу дуони кўп бор ўқирдилар. Анас ибн Молик ^{розиаллоҳу}_{анҳу} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{саллаллоҳу}_{алейҳи ва саллам}нинг кўп дуолари "Аллоҳим! Раббимиз! Бизга яхшиликни дунёда ҳам, Охиратда ҳам бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин!" буларди дедилар. (Имом Бухорий ривояти)

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَادَ رَجُلًا مِنَ الْمُسْلِمِينَ قَدْ خَفَتَ فِصْرًا مِثْلَ الْفَرْخِ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ كُنْتَ تَدْعُو بِشَيْءٍ أَوْ تَسْأَلُهُ إِيَّاهُ قَالَ نَعَمْ كُنْتُ أَقُولُ اللَّهُمَّ مَا كُنْتُ مُعَاقِبِي بِهِ فِي الْآخِرَةِ فَعَجَّلْهُ لِي فِي الدُّنْيَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ سُبْحَانَ اللَّهِ لَا تُطِيقُهُ أَوْ لَا تَسْتَطِيعُهُ أَفَلَا قُلْتَ اللَّهُمَّ آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الْآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ رواه مسلم

Анас ^{розиаллоҳу}_{анҳу} ривоят қилдилар: Росулulloҳ ^{саллаллоҳу}_{алейҳи ва саллам} муслмонлардан бир кишини бетоблигида йўқлаб келдилар. У чўжага ўшаб беҳол бўлиб, қолганиди. Росулulloҳ ^{саллаллоҳу}_{алейҳи ва саллам} унга бирон нарса

деб дуо қилдингми дедилар. "Ҳа. Аллоҳим! Охиратда менга азоб бермасанг, унда дунёда менга азобини вақтлироқ беравергин деридим", деди. Ўшанда Росулulloҳ <sup>СОЗЛАШУВ
ЭЛАДИН ҲА
СЭТИН</sup> Тавба! Унга тоқат қилолмайсан ёки кучинг етмайди! Аллоҳим! Раббимиз! Бизга яхшилиқни дунёда ҳам, Охиратда ҳам бергин ва бизни дўзах азобидан сақлагин демадингми дедилар. (Имом Муслим ривояти)

أُولَئِكَ لَهُمْ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا وَاللَّهُ سَرِيعُ الْحِسَابِ ﴿٢٠٢﴾

202. Ўшаларга қилган нарсаларидан улуш бор! Аллоҳ ҳисоб-китоби тез Зотдир!

Фақат дунёни эмас, Охират ғамини ҳам қилган ўшандай бандаларим қилган ибодатлари учун Қиёматда улкан ажр-савобларга эга бўлади! Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup> барчани амалига қараб ҳисоб-китоб қилади! Чунончи Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup> ҳисоб-китобни кечиктириб ё унутиб қўядиган Зот эмас!

Дуоларида икки дунё яхшилигини сўраган, ҳаётини Исломга мувофиқ ўтказган мўминлар қилган эзгу амаллари учун Охиратда ажр-савоб олади. Худди ҳаётини шариатдан четда яшаб ўтказганлар қилган гуноҳларига жазо олгани каби. Зотан, Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup> бир кунда барча инсонга, жамики махлуқотларга ризқ беришга қодир бўлганидек барчани бир кунда сарҳисоб қилишга қодирдир. Бир одамни ҳисоб-китоб қилиши билан бошқаларнинг ҳисоб-китоби таъхир бўлмайди. Бир одамни билан машғул бўлиб, бошқани унутмайди. Бир одамни ҳисоб-китоб қилаётганда бошқалар қутулиб кетолмайди:

﴿وَكَفَىٰ بِنَا حَسِيبٍ﴾ الأنبیاء: ٤٧

Биз ҳисоб-китоб қилгувчиликда кифоя қилурмиз! (Анбиё сураси, 47 – оят)

Инсон бу қисқа ҳаётда ҳам баъзан Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup>нинг ҳисоб-китобда тез эканига гувоҳ бўлади. Айрим кимсалар ҳаётда Исломга тиш қайраб яшайди. Масжидларни беркитиб, муслмонларга зулм қилиб давр суради. Бировларни талаб маош олиб бола-чақа боқади. Ҳақиқий мўминларни сотиб кун кўради. Бошқаларга ибрат бўлиши учун Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup> кўпинча бундай ҳаёт кечирган бадбахтларга шу ҳаётнинг ўзида ҳам жазосини кўрсатади. Ҳеч қанча ўтмай эгаллаб турган мансабларидан қувилади. Ўлиб-тирилиб хизмат қилган тузумларнинг ўзи бир зумда жиноятчига айлантиради. Бировларни талаб, ҳаромдан едирган бола-чақасидан ҳеч қандай яхшилиқ кўрмай, кўчаларда хору зор бўлиб, тиланиб яшайди. Инсон ҳаётга яхшилаб назар солса, узоқ ва яқин тарихда бунақанги мисоллар бисёр. Қани энди бундай кимсаларнинг жазоси шу билан тугаса! Ҳали уларга олдинда Қиёматнинг аламли азоблари мунтазир!

Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup>нинг ҳисоб-китобда ниҳоятда тез эканини билиш бир тарафдан мўмин кишини гуноҳларга қўл уришдан огоҳ этиб, сергак этади. Иккинчи тарафдан эса Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup> Исломга тиш қайраётган кофиру мунофиқлар билан тез кунда ҳисоб-китоб қилиши мўминга катта тасалли беради, Исломга хизмат қилишда илдам боради.

﴿وَأَذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَّعْدُودَاتٍ ۚ فَمَنْ تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَنْ تَأَخَّرَ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ ۚ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَآتَقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّكُمْ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ﴾ ﴿٢٠٣﴾

203. Саноқли кунларда Аллоҳни ёдга олинглар! Ким икки кунда шошилса, унга гуноҳ йўқдир. Ким ортда қолса, унга ҳам гуноҳ йўқдир! Бу тақво қилганлар учундир. Аллоҳдан қўрқинглар! Билингки, сизлар, албатта, Унинг ҳузуригагина жамланурсизлар!

Эй мўмин бандаларим! Саноқли кунлар – Ташриқ кунлари Зул-Ҳижжанинг ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи кунлари тош отишда, қурбонлик қилишда ва фарз намозларидан сўнг такбир айтиб Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup>ни зикр этинг! Ким ўн биринчи ё ўн иккинчи кунлари қуёш ботишидан олдин ҳажини тугатиб Минодан тушиб кетса, унга гуноҳ бўлмайди. Ким ўн учинчи кунга қадар қолса, унга ҳам гуноҳ йўқ! Ҳар иккисининг ҳам гуноҳи кечирилади! Гуноҳнинг мағфират этилиши, ибодатнинг қабул бўлиши фақат тақво қилган кишилар учундир! Шундай экан, фарзларни бажариш, ҳаромлардан тийилиш билан Аллоҳ <sup>СУБАНАХУ
ВА ТАБОЛО</sup>дан тақво қилинг! Билингки, яқинда барчангиз ҳисоб-китоб қилиниб, жазо ё мукофот олиш учун Унинг ҳузурига жамланасиз!

Саноқли кунлар – Ташриқ кунларидир. Зул-Ҳижжанинг ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўн учинчи кунлари бўлиб, ушбу кунлар мобайнида ҳожилар томонидан Минода қурбонлик ва шайтонга тош отиш амаллари бажарилади. Бир киши ибодатларни аввалги икки кунда бажариб,

Минодан жўнаб кетса, унга ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Қурбонлик ё тош отиш амалларини икки кун ичида адо этолмай учинчи кунга кечиктирган бўлса, унга ҳам ҳеч қандай гуноҳ йўқ. Чунончи бу кунлардаги амалларнинг қайси кунда бажарилиши эмас, бажариш пайтида қалбдаги тақво эътиборлидир! Қолаверса, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} амалларни дуч келгандан қабул қилмайди:

﴿ إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ اللَّهُ مِنَ الْمُتَّقِينَ ﴾ المائدة: ٢٧

Аллоҳ фақат тақводорлардан қабул қилади. (Моида сураси, 27 – оят)

Демак, Минодан кетиш ё у ерда қолишдан қатъий назар, гуноҳнинг йўқлиги, мағфират қилиниши фақат Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} дан тақво қилган кишиларга хосдир. Абул Олия ^{розима-хулай} "Қолган ҳаётида Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} дан кўркса, тақво қилса, гуноҳлари кечирилади", деганлар.

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} инсонни яратиб, Ер юзига халифа қилар экан, уни ўз холига ташлаб қўймади. Балки унга ҳаёт йўлини кўрсатиб берадиган пайғамбарларни юборди, китобларни нозил этди. Барча пайғамбарлар тавҳид – ибодатни Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг ёлғиз Ўзига қилишга чақирди. Муҳаммад ^{саллаллаҳу алайҳи ва саллам} ни сўнгги пайғамбар қилиб юбориш билан Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} динни камолига етказди. Кўп нарсалар қатори, Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} инсонга яқинда бу фоний ҳаёт тугашини, Ўзи билган кунда Одам ^{алайҳис салам} дан тарқалган бутун инсониятни ҳисоб-китоб учун ҳузурига жамлашини ва амалларига қараб мукофот ё жазо беришини билдирди. Пайғамбарга эргашган, Исломни ҳаётга татбиқ этиб, бошқаларни ҳам шу эзгу йўлга даъват қилган кишиларга олий мукофот – жаннат ва Раҳмон ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг жамолини кўриш ваъда қилинди. Пайғамбарларга эргашшидан бош тортган, Исломдан бошқа йўлларни дин тутган кимсаларга олий жазо – жаҳаннам ваъда қилинди.

Охират кунги жамланишни билиш инсон ҳаётига ўзгача мазмун киритади. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} бир кун инсониятни Ўз ҳузурига жамлайди, деган эътиқодга эга инсон ўзига ва бошқаларга манфаат келтиради. Маҳшардаги жамланишни билиш бахтидан маҳрум кимсалар ҳаёти ҳайвонлар мисоли мазмунсиз, ўзи қолиб, ўзгаларга ҳам офат келтириш билан ўтади. Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} Билувчироклир!

Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг фазлу инояти ила «Тафсири ул Фурқон» китобининг иккинчи қисми ўз ниҳоясига етди.

Барча илмнинг эгаси Аллоҳ ^{субҳанаху}_{ва таъоло} нинг Ўзидир. Унгагина суянамиз ва Унинг ҳузуригагина қайтажакмиз. Аллоҳим! Ушбу китобни барча мусулмон ва муслимага манфаатли қилишингни сўраймиз!

«ТАФСИР ул ФУРҚОН» КИТОБИНИНГ ИККИНЧИ ҚИСМИДА ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАРНИНГ АЙРИМЛАРИ:

- 1) Жамиъул Баян фи Тафсирил Қуръан. Имом Муҳаммад ибн Жарир ат-Тобарий;
- 2) Тафсири-ул Қуръан-ил Азийм. Абул Фида Исмаил ибн Касир;
- 3) Фатҳ-ул Кодир. Муҳаммад ибн Алий ибн Муҳаммад аш-Шавканий;
- 4) Тафсири-ул Қосимий ал-мусамма Маҳасин-ут-Таъвил. Муҳаммад Жамолуддин ал-Қосимий;
- 5) Тайсири-ул Карим-ир-Роҳман фи Тафсири Калам-ил-Маннан. Абдурроҳман ибн Носир ас-Саъдий;
- 6) Мааний ал-Қуръан-ил Карим. Абу Жаъфар ан-Наҳҳас;
- 7) Айсар-ут-Тафасийр. Абу Бакр Жобир ал-Жазоирий;
- 8) Ал-Жамиъ ли Аҳкам-ил Қуръан.
- 9) Маъалим-ут Танзийл. Абу Муҳаммад Хусайн ибн Масъуд ал-Бағавий
- 10) Зад-ул Масийр фи илм-ит-Тафсири. Ибн Жавзий ҳамда бошқа манбалар.

فہرست

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	000
«Бақара» сураси 142 – оят.....	000
«Бақара» сураси 143 – оят.....	000
«Бақара» сураси 144 – оят.....	000
«Бақара» сураси 145 – оят.....	000
«Бақара» сураси 146 – оят.....	000
«Бақара» сураси 147 – оят.....	000
«Бақара» сураси 148 – оят.....	000
«Бақара» сураси 149 – оят.....	000
«Бақара» сураси 150 – оят.....	000
«Бақара» сураси 151 – оят.....	000
«Бақара» сураси 152 – оят.....	000
«Бақара» сураси 153 – оят.....	000
«Бақара» сураси 154 – оят.....	000
«Бақара» сураси 155 – оят.....	000
«Бақара» сураси 156 – оят.....	000
«Бақара» сураси 157 – оят.....	000
«Бақара» сураси 158 – оят.....	000
«Бақара» сураси 159 – оят.....	000
«Бақара» сураси 160 – оят.....	000
«Бақара» сураси 161 – оят.....	000
«Бақара» сураси 162 – оят.....	000
«Бақара» сураси 163 – оят.....	000
«Бақара» сураси 164 – оят.....	000
«Бақара» сураси 165 – оят.....	000
«Бақара» сураси 166 – оят.....	000

«Бақара» сураси 167 – оят.....	000
«Бақара» сураси 168 – оят.....	000
«Бақара» сураси 169 – оят.....	000
«Бақара» сураси 170 – оят.....	000
«Бақара» сураси 171 – оят.....	000
«Бақара» сураси 172 – оят.....	000
«Бақара» сураси 173 – оят.....	000
«Бақара» сураси 174 – оят.....	000
«Бақара» сураси 175 – оят.....	000
«Бақара» сураси 176 – оят.....	000
«Бақара» сураси 177 – оят.....	000
«Бақара» сураси 178 – оят.....	000
«Бақара» сураси 179 – оят.....	000
«Бақара» сураси 180 – оят.....	000
«Бақара» сураси 181 – оят.....	000
«Бақара» сураси 182 – оят.....	000
«Бақара» сураси 183 – оят.....	000
«Бақара» сураси 184 – оят.....	000
«Бақара» сураси 185 – оят.....	000
«Бақара» сураси 186 – оят.....	000
«Бақара» сураси 187 – оят.....	000
«Бақара» сураси 188 – оят.....	000
«Бақара» сураси 189 – оят.....	000
«Бақара» сураси 190 – оят.....	000
«Бақара» сураси 191 – оят.....	000
«Бақара» сураси 192 – оят.....	000
«Бақара» сураси 193 – оят.....	000
«Бақара» сураси 194 – оят.....	000
«Бақара» сураси 195 – оят.....	000
«Бақара» сураси 196 – оят.....	000
«Бақара» сураси 197 – оят.....	000
«Бақара» сураси 198 – оят.....	000
«Бақара» сураси 199 – оят.....	000
«Бақара» сураси 200 – оят.....	000
«Бақара» сураси 201 – оят.....	000
«Бақара» сураси 202 – оят.....	000
«Бақара» сураси 203 – оят.....	000